

М.Х. РУСТАМБАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ
КОДЕКСИГА
ШАРҲЛАР

Маъмурий қисм

2

343(575 1) (072)

P92

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Юридик фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист
М.Х. РУСТАМБАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ
КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР**

**МАХСУС ҚИСМ
(97–192^{II}-моддалар)**

**Тўлдирилган ва қайта ишланган
тўртинчи нашр**

**Тошкент
«Yuridik adabiyotlar publish»
2023**

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

P-92

P-92

Рустамбаев М.Х.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2023. – 712 б.

ISBN 978-9943-8523-7-2

УЎК: 343(575.1)(0.072)

КБК: 67.411(5Ў)

Тақризчилар: К.Р. АБДУРАСУЛОВА,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва
криминология кафедраси,
ю.ф.д., профессор,

Д.М. МИРАЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети
«Жинойат ҳуқуқий фанлар» кафедраси
бошлиғи, ю.ф.д., профессор

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят туррисидаги қонунчилик асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2023 йил 1 мартгача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

Шарҳларда Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тўғрисида бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг моҳияти, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиб берилган, ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби кўрсатилган.

Жиноят кодексига шарҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар, олий укув юртлирининг ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари ва талабалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тинловчилари шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



Телефон камераси ёки
махсус мобил иловадан
фойдаланиб, китобдаги

QR-кодлар орқали моддалар
шарҳида берилган норматив
ҳужжатлар матни билан
таърифнингиз мумкин.

© М.Х. Рустамбаев, 2023 й.

© Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети, 2023 й.

© «Yuridik adabiyotlar publish», 2023 й.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV No 2023/45-33

МУНДАРИЖА

МАХСУС ҚИСМ

Биринчи бўлим. ШАҲСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	12
I боб. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	12
97-модда. Қасддан одам ўлдириш.....	12
98-модда. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш.....	43
99-модда. Онанинг ўз чакалогини қасддан ўлдириши.....	47
100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш.....	49
101-модда. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш.....	55
102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш.....	57
103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш.....	59
103 ¹ -модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш.....	64
II боб. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	66
104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш.....	66
105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш.....	85
106-модда. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш.....	88
107-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш.....	89
108-модда. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш.....	90
109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш.....	91
110-модда. Қийнаш.....	93

111-модда.	Эҳтиётсизлик орқасида баданга уртача оғир ёки оғир шикаст етказиш.....	96
III боб.	ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР.....	98
112-модда.	Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш.....	98
113-модда.	Таносил ёки ОИВ касаллиги/ ОИТСни тарқатиш	102
114-модда.	Жинсий равишда ҳомила тушириш (аборт).....	107
115-модда.	Аёлни ўз хомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш.....	111
115 ¹ -модда.	Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тукималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш	113
116-модда.	Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик	117
117-модда.	Хавф остида қолдириш	121
IV боб.	ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР.....	124
118-модда.	Номусга тегиш.....	124
119-модда.	Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш	138
120-модда.	Бесоқолбозлик.....	140
121-модда.	Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш	141
V боб.	ОИЛАГА, ЁШЛАРГА ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР.....	144
122-модда.	Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш	144
123-модда.	Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш	147
124-модда.	Болани алмаштириб қуйиш	149
125-модда.	Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш.....	150
125 ¹ -модда.	Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	153

126-модда.	Куп хотинли бўлиш.....	157
127-модда.	Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш	159
127 ¹ -модда.	Тиланчилик қилиш	163
128-модда.	Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш.....	168
128 ¹ -модда.	Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш	172
129-модда.	Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш.....	174
130-модда.	Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.....	178
130 ¹ -модда.	Зуравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.....	183
131-модда.	Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш.....	186
132-модда.	Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш	189
133-модда.	Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш.....	193
133 ¹ -модда.	Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси.....	200
133 ² -модда.	Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш	202
134-модда.	Қабрни таҳқирлаш.....	203
VI боб.	ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	205
135-модда.	Одам савдоси.....	205

136-модда.	Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш	220
137-модда.	Одам ўғирлаш	222
138-модда.	Зўрлик ишлатиб фэйриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш	226
139-модда.	Тўхмат	228
140-модда.	Ҳақорат қилиш	231
VII боб.	ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	234
141-модда.	Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш	234
141 ¹ -модда.	Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш	237
141 ² -модда.	Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	240
142-модда.	Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш.....	247
143-модда.	Хат-ёзишмалар, телефонда сузлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш	250
144-модда.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	251
145-модда.	Виждон эркинлигини бузиш	261
146-модда.	Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	266
147-модда.	Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш	271
148-модда.	Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш.....	274
148 ¹ -модда.	Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш	277
148 ² -модда.	Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш.....	281
149-модда.	Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш ..	285

Иккинчи бўлим. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА	
ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	289
VIII боб. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ	
ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ	
ЖИНОЯТЛАР	289
150-модда. Урушни тарғиб қилиш.....	289
151-модда. Агрессия.....	291
152-модда. Урушнинг конун ва удумларини бузиш.....	296
153-модда. Геноцид.....	303
154-модда. Ёлланиш.....	308
154 ¹ -модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш.....	313
155-модда. Терроризм.....	320
155 ¹ -модда. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик.....	328
155 ² -модда. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш.....	336
155 ³ -модда. Терроризмни молиялаштириш.....	345
156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш.....	349
IX боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА	
ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	358
157-модда. Давлатга хонинлик қилиш.....	358
158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш.....	366
159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш.....	370
160-модда. Жосуслик.....	379
161-модда. Қўпоровчилик.....	383
162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш.....	385
163-модда. Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш.....	389

Учинчи бўлим. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ	
ЖИНОЯТЛАР	394
X боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ	
ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ	394
164-модда. Босқинчилик.....	403
165-модда. Товламачилик.....	423
166-модда. Талончилик.....	433
167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш.....	437
168-модда. Фирибгарлик.....	449
169-модда. Ўғирлик.....	466
XI боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ	
ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ	
БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР	474
170-модда. Алдаш ёки ишончни суниестеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш.....	474
171-модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки утказиш.....	478
172-модда. Мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш ...	482
173-модда. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ...	484
174-модда. Чикарилган	488
XII боб. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА	
ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР	488
175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш	488
176-модда. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни утказиш.....	495
177-модда. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки утказиш.....	502
178-модда. Чет эл валютасини яшириш	512

179-модда.	Сохта тадбиркорлик	518
180-модда.	Сохта банкротлик.....	523
181-модда.	Банкротликни яшириш	529
181 ¹ -модда.	Қасддан банкротликка олиб келиш.....	534
182-модда.	Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	541
183-модда.	Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш	554
184-модда.	Солиқлар ёки йиғимларни тулашдан бўйин товлаш	563
184 ¹ -модда.	Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш.....	572
185-модда.	Қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қондаларини бузиш	580
185 ¹ -модда.	Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қондаларини бузиш.....	583
185 ² -модда.	Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузиш	586
ХIII боб.	Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар	592
186-модда.	Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш	592
186 ¹ -модда.	Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш.....	600
186 ² -модда.	Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш	610

186 ³ -модда.	Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни утказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки утказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш	615
187-модда.	Чиқарилган	625
188-модда.	Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти.....	625
188 ¹ -модда.	Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият	631
189-модда.	Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш	636
190-модда.	Фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш.....	637
191-модда.	Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш.....	647
192-модда.	Рақобатчини обрўсизлантириш	652
ХIII' боб.	ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ, ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН БОШҚА ЖИНОЯТЛАР	654
192 ¹ -модда.	Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш	654

- 192²-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш664
- 192³-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш.....669
- 192⁴-модда. Тадбиркорлик субъектларини хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш..... 671
- 192⁵-модда. Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш673
- 192⁶-модда. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни айриқонуний равишда рад этиш, қўлلامаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш676
- 192⁷-модда. Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш.....679
- 192⁸-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш684
- 192⁹-модда. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш689
- 192¹⁰-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш698
- 192¹¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш.....704

МАХСУС ҚИСМ

Биринчи бўлим. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

І БОБ. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

Қасддан одам ўлдириш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;
- в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;
- г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;
- д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда;
- е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- ж) ўта шафқатсизлик билан;
- з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб файритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;
- и) тамағирлик ниятида;
- к) миллий ёки ирқий адоват замирида;
- л) безорилик оқибатида;
- м) диний таассублар замирида;
- н) инсон аъзоларини ва (ёки) туқималарини олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;
- о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;
- п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;
- р) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- с) ўта хавfli рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши –

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Хуқуққа хилоф равишда, қасддан бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади.

2. Судлар қасддан одам ўлдиришга оид ишларни кўраётганда, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириш лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт¹.

Ишнинг тўғри ҳал этилиши учун муҳим ҳисобланса-да, бироқ олиб борилган тергов бир ёқлама ва тўлиқ бўлмаганлиги натижасида одам ўлдириш жиноятининг барча ҳолатлари аниқланмаган тақдирда, шунингдек, бу камчиликни суд мажлисида бартараф этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда иш қўшимча терговга қайтарилиши керак.

3. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг **объекти** ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Жиноят қонуни барча одамларнинг ҳаётини бир хилда ҳимоя қилади. Шунинг учун ёшни ҳам, кексани ҳам, соғлом одамни ҳам, беморни ҳам ҳаётдан хуқуққа хилоф равишда маҳрум этиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида эвтаназия тақиқланади.

Инсон ҳаётининг бошланиш ва тугалланиш вақтини тўғри белгилаш инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларни квалификация қилиш ва мазкур жиноятларни одам ўлишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа жиноят таркибларидан фарқлаш масалаларини тўғри ҳал этиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади.

Инсон ҳаётининг бошланиши туғиш вақтида она қорнидан чақалоқ тана аъзосининг бир қисми чиқиши билан бошланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 1-банд, 1-хатбоши.

Ҳомиладор аёлнинг розилиги билан хомила тўла шаклланмай туриб, унинг сунъий равишда туширилиши одам ўлдириш, деб ҳисобланмаслиги керак. Бундай қилмиш Жиноят кодексининг 114-моддасига асосан ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар, жинойий равишда ҳомилани тушириш, деб квалификация қилиниши лозим.

4. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг **объектив томони** ўзга шахсни ҳуқуққа хилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат. Агар бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш қонунга хилоф бўлмаса, у одам ўлдириш, деб ҳисобланиши мумкин эмас (масалан, зарурий мудофаа ҳолатида (ЖКнинг 37-моддаси), охирги зарурат ҳолатида (ЖКнинг 38-моддаси), ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида (ЖКнинг 39-моддаси) бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ва ҳ.к.).

Одам ўлдириш фаол ҳаракатлар билан ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин. Одам ўлдириш усули жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Одам ўлдириш моддий таркибли жиноят ҳисобланади. У миянинг тузалмас ҳалокати, яъни жисмоний ўлимнинг юзага келиши билан ифодаланувчи биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти объектив томонининг зарурий белгиси айбдорнинг содир этган қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан жабрланувчининг ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади.

Содир этилган қилмиш билан жинойий натижа сифатидаги ўлим ўртасида сабабий боғланишнинг йўқлиги қасддан одам ўлдирганлик учун жинойий жавобгарликни бутунлай истисно этади, аммо мазкур қилмиш жабрланувчининг соғлиғига турли даражадаги шикаст етказганлик учун жавобгарликни белгиловчи моддалардан бири бўйича квалификация қилиниши мумкин.

5. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш

қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг ижтимоий ҳавфли оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди (туғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл қўйиб беради (эгри қасд)¹.

Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат туғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий ҳавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрланувчининг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к. туфайли) юз бермайди. Шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур².

6. Одам ўлдиришни содир этишда айбдор шахснинг қасдини туғри аниқлаш, қасддан одам ўлдиришни жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказишдан (ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми, «д» банди) ажратиш, шунингдек, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш билан жабрланувчи соғлиғига турли даражадаги шикаст етказганлик ҳолатларини фарқлаш учун айбланувчи қасдининг йўналишини, унинг ўз ҳаракатлари оқибатига, яъни жабрланувчининг ўлимига субъектив муносабатини ҳисобга олиш зарур.

Айбдор қасддан одам ўлдиришда ўлимнинг юзага келишига туғри қасд билан ҳаракат қилади, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққанда эса, ўлимга нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади.

7. Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги туғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар буйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори, 2-банд.

² Ўша жойда.

куроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиной ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим¹. Санаб ўтилган ҳолатларни уларнинг мажмуида ҳисобга олиш айбдор шахснинг қасди одам ўлдиришга йўналтирилганлигини аниқлашга ёрдам беради.

8. ЖКнинг 97-моддасида жавобгарлик белгиланган қасддан одам ўлдиришнинг **субъекти** 14 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахсдир.

Одам ўлдириш бўйича жиноят ишлари қўрилганида айбдор шахсини, унинг шахсига оид хусусиятларини ва жабрланувчининг хулқ-атворини чуқур ўрганиш зарурдир. Олий суд Пленуми таъкидлашича, қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар: қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим.

Айбланувчининг (судланувчининг) руҳий жиҳатдан соғломлигига шубҳа туғилган тақдирда, амбулатория ёки стационар шароитида суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши керак. Айбдор томонидан ЖК 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси стационар шароитда ўтказилиши шарт².

9. Жиноятни содир этишда бир неча шахс иштирок этган бўлса, биргаликда одам ўлдиришга қаратилган ягона

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд, 3-хатбоши.

² Ўша манба, 27-банд.

қасд билан ҳаракат қилган ва жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш жараёнида бевосита иштирок этган шахсгина жиноятнинг иштирокчиси, деб топилиши лозим. Агар ўлим бир кишининг ҳаракати натижасида рўй берган бўлса, иштирокчилик белгилари бўлмаган ҳолларда қолган кишилар одам ўлдирганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Умуман олганда, бир неча шахс жавобгарликка тортилган қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш чоғида ҳар бир судланувчининг жиноят содир этишдаги иштироки даражасини ўрганиш лозим.

Қасддан одам ўлдириш иштирокчилиқда содир этилганда, Жиноятнинг субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (қотиллик ўта хавfli рецидивист ёки илгари ҳам қасддан одам ўлдирган шахс томонидан содир этилганлиги) фақат ушбу белгилар бевосита тааллуқли бўлган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим¹.

10. Жиноятни ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиш истисно қилиш усули билан амалга оширилади. Ишда, яъни содир этилган қилмишда ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган одам ўлдирганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ва ЖКнинг 98–102-моддаларидаги енгиллаштирувчи ҳолатларнинг борлиги аниқланади. Агарда юқорида айтилган ҳолатлар бўлмаса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

11. Ўч олиш мақсадида, рашк туфайли, тузалмайдиган касални азобдан қутқариш мақсадида жабрланувчининг илтимосига кўра (пассив ёки актив эвтаназия), муштлашиш вақтида ўлдириш, безорилик белгилари бўлмаса, ҳасад, қўрқоқлик ва хоказо туфайли содир этилган одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

12. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 15 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарори, 5-хатбоши.

viloyat AKM

INV № 2023/48-33

қасддан ўлдиришдан бошқа барча ҳолатларда ўч олиш мақсадида шахсни ўлдирганлиги учун айбдор ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади. Дастлаб айтиб ўтилган ҳолатда одам ўлдирганлик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади, бунинг учун одам ўлдириш айнан шахсий муносабатлар туфайли ўч олиш мақсадида содир этилганлигини аниқлаш лозим бўлади.

Шахсий муносабатлар туфайли ўч олиш мақсадида одам ўлдиришдан безорилик оқибаотида одам ўлдиришни фарқлаш лозим. Безорилик оқибаотида одам ўлдиришга жабрланувчининг аҳамиятга эга бўлмаган ҳаракати (чекиш учун сигарета бермаслик, бирор-бир корхонанинг қаерда жойлашганлигини айтмаслик ва ҳоказо) баҳона бўлади ёки у ҳеч бир сабабсиз ҳам амалга оширилади.

Айбдорда ўч олиш мотиви шаклланилишига олиб келган сабаблар (қоида тариқасида, бу жабрланувчининг хулқ-атвори ёки қандайдир хатти-ҳаракатлари) бевосита одам ўлдирилишидан олдин ёки анча илгари вужудга келиши мумкин, бунда одам ўлдиришнинг квалификациясига ушбу ҳолатнинг ҳеч қандай таъсири йўқ.

Шахсий муносабатлар туфайли ўч олиш мотиви бевосита ўлдириш содир бўлишидан аввал пайдо бўлган ҳолатларда, одам ўлдириш кучли руҳий хаяжонланиш ёки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ёхуд ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш туфайли содир этилмаганлигини ҳам аниқлаш лозим. Мазкур ҳолатларнинг вужудга келиши нормалар рақобати мавжудлигидан гувоҳлик беради, уни ҳал қилиш умумий ва махсус нормалар рақобатида квалификация қоидалари бўйича амалга оширилади. (*ЖКнинг 33-моддаси шарҳига қаранг*).

13. Рашк сабабидан одам ўлдириш ҳам ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади. Одам ўлдириш сабаби бўлган рашк ўз ичига ишонмаслик, адоват ва худбинлик элементларини олади. Рашк туфайли одам ўлдиришга кўпинча хаёлий ёки ҳақиқий хиёнат, жабрланувчининг турмушга чиқишга ёки уйланишга рози бўлмаслиги ёхуд жабрланувчининг бирга яшашдан бош тортиши кабилар баҳона бўлиши мумкин.

14. Муштлашиш ёки жанжаллашиш оқибатида содир этилган одам ўлдириш жанжал ёки муштлашиш, кимнинг айби билан келиб чиққанлигидан қатъи назар, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади, асосийси, ушбу муштлашиш (жанжаллашиш) шахсий муносабатлар туфайли вужудга келиши ҳамда безорилик мотивлари билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Бирок фақатгина ушбу ҳолат, шунингдек, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бошқа оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлиги мазкур қотилликни ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилишга имкон бермайди.

Уришиш ёки муштлашиш вақтида одам ўлдириш ўзидан ўзи қилмишга ЖКнинг 102-моддаси бўйича юридик баҳо беришни талаб қиладиган айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжудлигини ёхуд қилмишни кучли рухий хаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 98-моддаси) ёки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 100-моддаси) сифатида квалификация қилишга асос берувчи енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигини истисно қилмайди.

Муштлашиш ёки жанжаллашиш пайтида содир этилган одам ўлдиришни квалификация қилишда содир этилган жиноятнинг рост мотивлари ва ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш муҳим, зеро, муштлашиш ёки жанжаллашиш фақатгина содир этилган жиноят вазиятини тавсифлайди, бироқ жиноятни квалификация қилишда ҳал қилувчи белги ҳисобланмайди.

15. Одам ўлдириш жиноятини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун ушбу модда иккинчи қисмининг тегишли бандида кўзда тутилган белгилардан бирортасини бўлса-да, аниқлаш лозим. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳар бир оғирлаштирувчи ҳолат мустақил аҳамиятга эга. Бир вақтнинг ўзида ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатларнинг бир нечаси мавжуд бўлганда жиноятни квалификация қилишда уларнинг ҳар бири кўрсатилиши зарур ва бу жазо тайинланганида эътиборга олинаши лозим.

16. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «а» бандида **икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдирганлик** учун

жавобгарлик назарда тутилган. Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш бўйича айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва, қонда тариқасида, бир вақтда содир этилган ҳоллардагина мазкур белги шахснинг айбига қўйилиши мумкин. Битта қотиллик олдингидан кейин бир қанча вақт ўтгач содир этилган бўлса, бунда қасднинг мазмуни ва йўналишидан келиб чиқиш лозим. Агар содир этилган қилмишнинг ҳолатлари айбдорда икки ёки ундан ортиқ шахсни ҳаётдан маҳрум этишга йўналтирилган ягона қасд мавжудлигидан далолат бераётган бўлса, икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдирганлик жинояти мавжуд бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш мотивлари бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин (асосийси, айбдорнинг ниятлари ягона бўлиши шарт). Масалан, айбдор хотинини рашк мотивлари туфайли, унинг ўйнашини эса, ўч олиш мақсадида ўлдиради.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир вақтнинг ўзида ўлдирилиши жинойий ниятнинг ягоналиги кўрсаткичларидан биридир. Турли вақтларда содир этилган икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришда жинойий ниятнинг ягоналигини эътироф этиш учун айбдорнинг хатти-ҳаракатида фақат тўғри қасд, албатта, мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим. Бир вақтнинг ўзида одам ўлдиришда фақат тўғри қасд эмас, балки эгри қасд ҳам бўлиши мумкин.

Олий суд Пленумининг тушунтиришларига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, гарчи бу жинойий ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса-да, лекин айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинмаган бўлса, қилмиш такроран қасддан одам ўлдириш тариқасида ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «р» банди билан квалификация қилинади¹.

Бир кишининг қасддан ўлдирилиши ва бошқа шахснинг ҳаётига суиқасд қилиниши тугалланган жиноят (икки ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 6-банд, 3-хатбоши.



ундан ортиқ шахсни ўлдириш) сифатида баҳоланмаслиги керак, чунки бунда икки ва ундан ортиқ шахсни ҳаётдан маҳрум этишга оид жиноий ният айбдор шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмаган бўлади. Бундай ҳолда, Олий суд Пленуми таъкидлашича, қилмишни ЖКнинг 25, 97-моддаси 2-қисмининг «а» банди ва 97-моддасининг тегишли қисми билан бир кишини ўлдирганлик учун ва икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришга суиқасд сифатида квалификация қилиш керак¹.

Агар айбдорнинг нияти бир кишини ўлдириш бўлиб, бироқ мазкур қилмишни содир этиш жараёнида эҳтиётсизлик оқибатида бошқа кишини ҳам ўлдирган бўлса, бу қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик туфайли одам ўлдириш сифатида квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми ёки 2-қисми ва 102-моддаси).

17. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни қасддан ўлдириш учун ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича жавобгарлик юзага келади.

Одам ўлдиришнинг мазкур тури субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Қонун матнида аввалдан аён бўлиш ҳолати кўрсатилганлиги айбдорнинг онги билан жабрланувчи организми ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари аниқ қамраб олинганлигини назарда тутаяди, яъни айбдор жабрланувчининг ҳомиладорлигини олдиндан билган бўлиши лозим (ташқи белгилар ва бошқа фактик маълумотлар мавжудлиги). Бунда, ҳомиладорлик муддати, шунингдек, ҳомиладор аёл ўлдирилиши натижасида унинг ҳомиласи побуд бўлган-бўлмаганлиги қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас².

Аввалдан аён бўлиш айбдор шахс аёлнинг ҳомиладорлигидан хабардорлигини назарда тутаяди. Айбдорнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 6-банд, 2-хатбоши.

² Ўша манба, 7-банд, 1-хатбоши.



хабардорлиги шахсий кузатишларига (хомила муддати катталигида), даволаш муассасаси томонидан берилган хомиладорликни тасдиқловчи расмий ҳужжат билан танишганлигига асосланган бўлиши ёки жабрланувчининг ўзи, унинг ота-онаси, дўстлари, танишлари берган маълумотлардан келиб чиқиши мумкин.

Фактик хато мавжуд бўлганда, яъни айбдор хомиладорлик мавжуд эмаслигини тахмин қилганида, унинг ҳаракатлари, тегишинча, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас. Тескари ҳолатда, яъни агар айбдор янглиш тахмин асосида, аслида хомиладор бўлмаган аёлни хомиладор, деб қасддан ўлдирган бўлса, олий суд инстанциясининг курсатмаларига биноан, қилмиш, одам ўлдириш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинади¹.

18. Айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди билан квалификация қилинади.

Олий суд Пленуми белгилайдики, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкогол, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик, ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 7-банд, 2-хатбоши.

олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олиншига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас¹.

Шундай қилиб, **ожиз аҳвол** – бу жабрланувчининг шундай жисмоний ёки рухий ҳолати, бунда у айбдорнинг унинг ҳаётига қилган тажовузига қаршилик кўрсата олмайди ёки унга нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва мазмунини тушунишга ёхуд ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир бўлмайди.

Ҳаётига қарши қаратилган тажовузга фаол қаршилик кўрсата олмайдиган шахсга нисбатан қотиллик содир этилса, шахснинг айбига ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди қўйилади: жабрланувчи уйқуда бўлган, ҳушидан кетган пайтида ёхуд у билан содир этилаётган ҳаракатларнинг мазмунини тушуна олмайдиган даражадаги мастлик ҳолатида бўлган вақтда уни ўлдириш; рухий фаолият бузилишига йўлиққан шахсни ёки беҳуш ҳолатда бўлган шахсни ўлдириш ва ҳ.к. Ожиз аҳвол жабрланувчининг ўзи ушбу аҳволда бўлганлигини тушунишидан қатъи назар, мавжуд бўлади.

Чақалоқни ожиз аҳволдаги одам, деб эътироф этиш зарурлигига қарамасдан, унинг туғилиши чоғида ёки ундан кейин онаси томонидан ўлдирилиш, қоида тариқасида, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича эмас, балки ЖКнинг 99-моддаси бўйича квалификация қилинади.

19. Жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши оқибатида келиб чиққан ўч олиш мақсадида шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўлдириш ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини қасддан ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди) сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўч олиш мотиви аниқланмаган ҳолда ҳам, яъни одам ўлдириш жабрланувчининг ўз қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш мақсадида ёхуд унинг бундан кейинги айбдор учун ножоиз хизмат ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарорн. 8-банд.



фуқаролик фаолияти билан боғлиқ ҳолларда содир этилганда ҳам кўриб чиқиладиган квалификация қилувчи белги шахснинг айбига қўшилиши мумкин.

Яқин қариндошлар деганда, ЖКнинг Саккизинчи бўлими қоидаларига мувофиқ, қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади.

Хизмат фаолиятини амалга оширадиган ва таҳлил қилинаётган одам ўлдириш турининг жабрланувчисига айланиши мумкин бўлган шахслар доираси жуда кенг. Булар нафақат мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари, турли бўлинмаларнинг раҳбарлари, балки мансабдор шахс бўлмаган турли хизматчилар бўлиши мумкин (қоровуллар, котиблар, посбонлар ва ҳ.к.).

Олий суд инстанциясининг раҳбарий тушунтиришларига кўра, хизмат бурчини бажариш деганда, шахснинг ўз хизмат (меҳнат) вазифалари доирасига қирадиган ҳаракатлари, фуқаролик бурчини бажариш деганда эса, фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан махсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар содир этилиши (ҳуқуқбузарликнинг олдини олганлиги, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят туғрисида ёхуд қидириладиган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берганлиги, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир этганлигини фош этувчи кўрсатувлар берганлиги ва ҳ.к.) тушунилмоғи лозим¹.

Яъни, **хизмат бурчини бажариш** деганда, ҳар қандай муассаса, корхона ва ташкилотда ишлайдиган ва хизмат ёки бошқа иш бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажараётган ҳар қандай шахснинг фаолияти тушунилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори. 9-банд, 3-хатбоши.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда эса, фуқаронинг ҳар қандай қонуний фаолиятини тушуниш лозим: жамият манфаатларида ўз зиммасига махсус юклатилган жамоат мажбуриятларини бажариш, шунингдек, жамият манфаатларида ёки айрим фуқароларнинг қонуний манфаатларида ҳар қандай ижтимоий фойдали ҳаракатларни амалга ошириш.

Фақатгина қонуний асосларга кўра ҳаракат қилаётган шахсни ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади. Жабрланувчи қонунга хилоф ҳаракати, яъни хизмат вазифасини суистеъмол қилиши, айбдор шахсга нисбатан ҳокимият ваколати доирасидан четга чиқиши натижасида ўлдирилган бўлса, у ҳолда айбдор шахсни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди билан жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилишда жиноятнинг жабрланувчи ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда ёки бошқа вақтда содир этилганлиги ҳам аҳамиятга эга эмас. Бунда фақатгина қасддан одам ўлдириш айнан жабрланувчи ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан содир этилганлигини аниқлаш зарур.

20. Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда уни қасддан ўлдириш ЖК 219-моддасининг тегишли қисмида ҳамда 97-моддаси иккинчи қисмининг «г» бандида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади¹.

ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятни давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш (ЖКнинг 155-моддаси 2-қисми), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш (ЖКнинг 158-моддаси 1-қисми) жиноятларидан фарқлаш лозим. «Махсус норма» ва



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 9-банд. 4-хатбоши.

«умумий норма» рақобати вужудга келганда квалификация қилиш қоидаларига мувофиқ қилмиш махсус норма бўйича квалификация қилинади, кўрсатилган ҳолатда ЖКнинг 155-моддаси 2-қисми ва 158-моддаси 1-қисмидаги нормалар махсус нормалар жумласига киради.

21. Жиноятни **бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда қасдан одам ўлдириш**, деб ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорнинг шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш учун қўллаётган усули бошқа шахсларнинг ҳаётига хавф туғдиришини англаганини аниқлаш лозим. Бунга одамлар гавжум жойда тартибсиз равишда ўқ отиш, одамлар бор бўлган хонадонда, жамоат транспортида, одамлар тўпланиб турган жойда ўқ отиш ҳолатини, портлатиш, одамлар бор бўлган уйни ёкиб юбориш, қудукдаги сувни ёки одамлар учун тайёрланган озиқ-овқатларни захарлаш орқали одам ўлдиришни, транспортда ҳалокат уюштиришни, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни киритиш лозим. Шу билан бирга, одам ўлдириш услубининг хавфлилиги мавҳум эмас, балки содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳоланмоғи лозим. Масалан, жабрланувчидан бошқа ҳеч ким бўлмаган жойда шахсни портлатиш ёки транспорт воситаси билан босиб кетиш натижасида ҳаётдан маҳрум қилганликни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «д» банди билан квалификация қилиб бўлмайди, чунки бундай ҳолатларда айбдорнинг қилмиши бошқа кишиларнинг ҳаёти учун реал хавф туғдирмайди.

Усулнинг чинакам хавфлилиги, ҳар бир муайян вазиятда ишнинг барча ҳолатларидан, чунончи, айбдор ишлатган жиноят қуролининг шикаст етказиш хусусияти, воқеа жойида жабрланувчидан ташқари ўзга шахслар ҳам бўлганлиги ва шу кабилардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 10-банд, 2-хатбоши.



Ҳақиқатан ҳам, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавф мавжуд бўлганида ва шу шароитда бошқаларни ҳаётдан маҳрум қилиш мумкинлиги кўриниб турганидагина ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича жавобгарлик вужудга келади.

Одам ўлдиришни бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда содир этилган, деб эътироф этиш учун айбдор ўз жинойи қасдини амалга ошираётганида муайян шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш учун жабрланувчи ҳаёти учунгина эмас, балки яна битта одам ҳаёти учун ҳам реал хавф туғдирадиган усулни онгли равишда танлаганлигини аниқлаш лозим.

Кўп шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда одам ўлдириш вақтида бошқа шахсларга жароҳат етказилган бўлса, қилмиш жиноятларнинг мажмуи бўйича ЖКнинг баданга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган моддалари билан ҳам квалификация қилинади. Агар жиноят натижасида бошқа шахслар ҳам ўлган бўлса, айбдор эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун жавобгарлик белгиланган моддаларнинг мажмуи бўйича жавобгар бўлади.

22. Оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «е» банди бўйича квалификация қилиш зарур. Кўриб чиқиладиган одам ўлдириш турининг субъекти бир вақтнинг ўзида оммавий тартибсизликларнинг ҳам ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси бўлса, унинг қилмишлари жиноятларнинг жами – ЖКнинг 244-моддаси ва ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «е» банди билан квалификация қилиниши лозим. Айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдиришдан ташқари, қирғин солиш, вайрон қилиш, ўт кўйиш ва бошқа жиноятлар ҳам содир этилганда, бироқ у оммавий тартибсизликлар иштирокчиси, уларнинг фаол иштирокчиси ёки ташкилотчиси бўлмаса, унинг ҳаракатлари шахсга, мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликни кузда тутувчи жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

23. **Ута шафқатсизлик билан одам ўлдириш** (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди) деганда, жабрланувчини ўта азоб бериш усули билан ҳаётдан маҳрум қилиш ёки айбдор томонидан ўта шафқатсизлик қилинганлигидан далолат берадиган ўзга ҳолатларда одам ўлдириш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига кўра, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи захардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкин. Баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкин.

Жабрланувчининг яқин кишилари кўз унгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозим.

Жабрланувчининг яқин кишилари қаторига, унинг яқин қариндошларидан ташқари, жабрланувчи билан алоҳида шахсий дўстона муносабатда бўлган шахслар ҳам кириши мумкин¹.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, жабрланувчига кўплаб тан жароҳати етказишнинг ўзи одам ўлдиришни ўта шафқатсизлик билан содир этилган, деб топиш учун асос бўла олмайди, чунки мазкур белги мавжуд бўлиши учун айбдор қотилликни ўта шафқатсизлик билан содир этишга қаратилган қасд билан ҳаракат қилишини ва жабрланувчини ўлишидан аввал қасддан алоҳида қийноққа солганлигини ёки унга ўта азоб етказганлигини аниқлаш зарур.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 12-банд, 2–4-хатбошилар.

Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш бошқа одам ўлдириш турлари каби жабрланувчининг ўлими юз бериши билан **туғалланган** ҳисобланади. Шунинг учун айбдорнинг ҳар қандай кейинги ҳаракатлари, масалан, мурдани таҳқирлаш, содир этилган қотилликни яшириш мақсадида уни бўлақларга бўлиш, йўқ қилиб юбориш кўриб чиқиладиган қотиллик турининг таркиби доирасига кирмайди ҳамда ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришдан далолат берувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинмайди. Қилмиш бундай ҳолларда жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисми ва ЖКнинг 134-моддаси билан квалификация қилиниши керак, чунки қотилликни яшириш мақсадида мурдани йўқ қилиш ёки бўлақларга бўлиш қотилликнинг ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини англатувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Қотилликнинг кўриб чиқиладиган тури аксарият ҳолларда тўғри қасд билан, камдан-кам ҳолларда эгри қасд билан содир этилади. Одам ўлдириш жинояти ўта шафқатсизлик билан содир этилган, деб топиш учун айбдорда ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш қасдининг мавжудлигини аниқлаш муҳимдир.

Жиноят иштирокчилари ўртасида қасддан ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш тўғрисида олдиндан тил бириктирилмаган тақдирда, қотилликни бажарувчи шахснинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди бўйича, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса, ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди истисно этилган ҳолда, ушбу модданинг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади¹.

24. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «з» бандида назарда тутилган. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 12-банд, 6-хатбош.



одам ўлдириш кўрсатилган жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этиш жараёнида содир этиладиган қасддан одам ўлдиришдан иборат бўлади. Бунда иккита мустақил жиноят содир этилганлигини инобатга олган ҳолда айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «з» банди ва ЖКнинг 118-моддаси ёки ЖКнинг 119-моддаси тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жинсий зўрлик ишлатишга қасд қилиш вақтида ёки дарҳол уни содир этишдан сўнг жабрланувчига нисбатан унинг қаршилигини синдириш ва шу орқали унга нисбатан жиноят содир этишни енгиллаштириш мақсадида, айбдорнинг садизмга мойиллиги муносабати билан, некрофилия мақсадида, жабрланувчи қаршилик кўрсатгани учун уч олиш ҳисси билан содир этилган қотилликни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «з» банди бўйича квалификация қилиш зарур.

Бунда олий суд инстанцияси кўрсатмаларига мувофиқ, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин ушбу жиноятни яшириш мақсадида жабрланувчини қасддан ўлдириш ЖК 118 ёки 119-моддасида ҳамда 97-моддаси иккинчи қисмининг «о» бандида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади¹.

25. Тамағирлик ниятида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «и» банди) айбдор ёки бошқа шахслар учун ҳар хил моддий наф (пул, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, уй-жой майдонига бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.) олишга қаратилган ниятда ёки моддий сарф-харажатлардан (мол-мулкни қайтаришдан, қарзни тулашдан, хизматлар учун ҳақ тулашдан, мулкый мажбуриятларни бажаришдан, алиментларни тулашдан) қутулиш истагида содир этилган одам ўлдириш тушунилади.

Жабрланувчи ким бўлишидан қатъи назар, яъни мол-мулкнинг (бошқа бойликларнинг) эгаси ёки ўзида мол-мулк турган шахс ёки мол-мулк сақлаш учун бериб қўйилган шахс

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 13-банд, 3-хатбоши.

булишидан қатъи назар, одам ўлдириш тамагирлик ниятида содир этилган, деб топилади. Ўлимидан кейин бирон-бир мулкий ҳуқуқларини айбдор ўз қўлига киритиш мақсадида ўлдирилган шахс ҳам жабрланувчи бўлиши мумкин.

Ўзи ёки бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб моддий наф қўриш ёки бирон-бир моддий сарф-харажатлар қилишдан қутулиш мақсадида содир этилганлигидан қатъи назар, одам ўлдириш тамагирлик ниятида содир этилган, деб ҳисобланади.

Тамагирлик мотиви вужудга келишининг вақти албатта аниқлаштирилиши зарур. Жиноят мотиви сифатида тамагирлик одам ўлдириш жинояти содир этилганидан кейин эмас, балки одам ўлдиришдан олдин ёки мазкур жиноятни содир этиш вақтида вужудга келиши лозим. Агар айбдор қотилликни бошқа мотивлар билан, масалан, қасд олиш учун, рашк туфайли содир этиб, кейин жабрланувчининг мулкани эгалласа, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича одам ўлдириш (аниқланган ҳолатларга қараб) ва ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси) сифатида квалификация қилиниши шарт. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида кўрсатиб ўтилган¹.

Моддий рағбатлантириш эвазига қасддан одам ўлдириш (ёлланма қотиллик) ҳам тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш ҳисобланади. Мазкур турдаги одам ўлдириш иштирокчиларининг жавобгарлиги чегаралари ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28, 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак².

Қўп ҳолларда тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш босқинчилик жиноятини амалга ошириш вақтида содир этилади. Шунинг учун эътиборга олиш керакки, агар қотиллик, биринчидан, хужум қилиш йўли билан, иккинчидан, ўзганинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 5-хатбоши.

² Ўша манба, 14-банд, 2-хатбоши.



мулкига эга бўлиш мақсадида содир этилган бўлса, учинчидан, мулкка эгалик қилиш қотиллик пайтида ёки бевосита қотилликдан сўнг амалга оширилган бўлса (хуллас, қасддан одам ўлдириш ўзганинг мулкига ғайриқонуний эгалик қилиш мақсадида содир этилган бўлса ва туғридан-туғри сабабий боғланиш мавжуд бўлса), қилмиш жиноятлар мажмуи – қасддан одам ўлдириш ва босқинчилик жиноятлари билан квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «и» банди ва 164-моддаси билан). Тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси) билан жиноятлар мажмуи кўринишида бўлиши мумкин¹.

26. **Миллий ёки ирқий адоват замирида содир этилган қасддан одам ўлдиришнинг** (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «к» банди) зарурий белгиси – бу жиноятнинг мотивидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таъкидлаганидек, миллий ёки ирқий адоват замирида, яъни бошқа миллатга, ирққа мансуб шахсга, унинг турмуш тарзига, маданиятига, урф-одатларига, оила тутумига нисбатан ғайирлик ёки нафрат туйғулари билан ёхуд миллатлараро, ирқлараро адоват ёки нифок солиш мақсадида қасддан содир этилган одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «к» банди билан квалификация қилиниши керак².

Юқорида кўрсатилган мотивларнинг мавжуд эмаслиги ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «к» банди билан квалификация қилишни инкор этади. Маълум бир миллат, ирқ вакилларига бошқа мотив сабабли (шахсий муносабатдан келиб чиққан қасос, рашк, тамагирлик ва ҳ.к.) тажовуз қилинса, ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак.

27. ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «л» бандида **безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш** учун жавобгарлик назарда тутилган. Жамиятга ва умумэътироф этилган ахлоқ-одоб нормаларига нисбатан ошқора ҳурматсизлик, жамоат

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга онд ишлар буйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 4-хатбоши.

² Ўша манба, 15-банд.

тартибига ошкора бўйсунмаслик, ўзини атрофдагиларга нисбатан қарши қўйиш, уларга беписанд муносабатни намоён этиш истаги асосида содир этилган қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «л» банди бўйича квалификация қилинади.

Безорилик оқибатида одам ўлдириш, қонда тарикасида, ҳеч қандай сабабсиз ёки ўлдириш учун арзимаган сабабдан келиб чиқиши мумкин. Масалан, жабрланувчи айбдорга сигаретидан ёндириб олишга рухсат бермаганлиги, унга бошқача қараганлиги ёки унга унинг хулқ-атвори юзасидан эътироз қилганлиги ва хоказолар учун айбдор уни ҳаётдан маҳрум қилади. Қонда тарикасида, қотилликнинг ушбу тури жамоат жойларида содир этилади, бироқ безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятининг содир этилган жойи жиноятни квалификация қилишнинг мажбурий шarti ҳисобланмайди. У одамсиз жойда ҳам содир этилиши мумкин (хонадонда, далада, ўрмонда ва ҳ.к.).

Безорилик оқибатида одам ўлдирган айбдор шахс бошқа кишини ўлдиришдан ёхуд жамоат тартибини одам ўлиши мумкин бўлган тарзда қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан ҳурматсизлик қилишдан роҳатланади.

Безорилик оқибатида одам ўлдирган айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси (безорилик) бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Олий суд инстанциясининг кўрсатмасига биноан, агар жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик билдириш, шунингдек, ўзганинг мол-мулкани йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдириш жиноятдан сўнг қасддан содир этилган бўлсагина, айбдорнинг қилмиши қўшимча равишда ЖКнинг 277-моддаси тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши лозим¹.

Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини шахсий ёмон муносабатлар туфайли вужудга келган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 16-банд, 2-хатбоши



узaro жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган котилликдан фарклаш зарур. Айбдорнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиш учун жиноят ишининг барча ҳолатларини уларнинг мажмуида ўрганиш лозим. Уришиш, жанжал вужудга келишининг сабабларини, улар ким томонидан бошланганлигини пухта аниқлаш зарур. Агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий ҳулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмайди¹.

28. Диний таассублар замирида, жабрланувчининг **диний эътиқоди билан боғлиқ ҳолда**, кўпинча, муайян бир конфессиянинг кадр-қимматини камситиш, диний адоват ёки нифок келтириб чиқариш мақсадида содир этилган қасддан **одам ўлдириш** жиноятини² диний таассублар замирида қасддан одам ўлдириш сифатида ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «м» банди бўйича квалификация қилиш зарур. Диний таассублар замирида қасддан одам ўлдираётганида айбдор шахс жабрланувчининг бирон-бир конфессияга мансуб бўлганлиги туфайли унинг пастлигини намоён қилади, ўзи мансуб бўлган диннинг истисно эканлигини кўрсатади.

Диний таассублар деганда, диний фанатизмга асосланган ғояларга ишониш, уларга кундалик ҳаётда оғишмай амал қилишда, бошқа динга эътиқод қилувчилар ва бошқача фикрловчиларга нисбатан муросасизликда намоён бўладиган хоҳиш-истакларни тушунмок лозим³.

29. **Инсон аъзоларини ва (ёки) туқималарини олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш** учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «н» бандида назарда тутилган. Қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «н» банди билан квалификация қилиш учун трансплантат олиш ёки

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 16-банд, 3-хатбоши.

² Ўша манба, 17-банд, 1-хатбоши.

³ Ўша манба, 17-банд, 2-хатбоши.

мурдадан олинган қисм (булак)лардан фойдаланишга нисбатан тўғри қасд мавжудлигини аниқлаш зарур. Бунда айбдор қотилликдан қўзлаган мақсадга эришган бўлиши шарт эмас¹.

Жиноятнинг мотиви ҳар хил бўлиши мумкин, масалан, донорлик органи керак бўлган яқин инсоннинг ҳаётини асраб қолишга ҳаракат қилиш, бойлик орттиришга бўлган ҳаракат. Одам ўлдиришнинг алоҳида оғирлаштирувчи белгилари бўлган моғивлар қилмишга узил-кесил юридик баҳо беришда ўз аксини топиши керак. Масалан, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига қўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида ҳақ эвазига содир этилган одам ўлдириш ҳолларида айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «и» ва «н» бандлари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси реципиентнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Бунда реципиент бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида имзо қўйдирилиб огоҳлантирилиши керак. Ушбу жараён мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этилади². Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ЖКнинг 133-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Агар реципиент ун саккиз ёшга тулмаган бўлса ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёхуд реципиентнинг ўзидан розилик олишнинг имкони бўлмаса, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг ёзма розилиги билан амалга оширилади³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга онд ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 18-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ЎРҚ-768-сонли Қонуни. 10-модда // Қонуничилик маълумотлари миллий базаси. 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

³ ўша жойда.

30. Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди) аксарият ҳолларда ўзга мол-мулкни эгаллаб олишни енгиллаштириш, режалаштирилган жиноятни содир этиш учун «қулай» шароитлар яратиш, содир этилган жиноятнинг гувоҳларини, шохидларини йўқотиш, илгари содир этилган жиноят учун жавобгарликдан кутулиш учун содир этилади.

ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «о» бандида назарда тутилган қотилликни тугалланган, деб топиш учун айбдор уни содир этиш натижасида қўйилган мақсадга эришганлиги, яъни бошқа жиноят содир этилганлигини яширишга ёки унинг содир этилишини осонлаштиришга эришган бўлиши талаб этилмайди. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «о» банди билан квалификация қилиш учун қотиллик ушбу мақсад билан содир этилганлиги фактини аниқлашнинг ўзи етарлидир.

Содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақида тегишли органларга арз қилинмаган ҳолдагина айбдор шахс ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «о» банди бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар бундай ариза қилинган бўлса ва айбдор жиноятни содир этаётганида бундан хабардор бўлса, унинг қилмиши ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ўлдириш сифатида ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилиниши керак.

Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасддан одам ўлдиришни квалификация қилишда мазкур жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Бундан махсус мақсад ҳам далолат беради.

Одам ўлдиришнинг кўриб чиқиладиган тури жиноятларнинг мажмуи бўйича, яъни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «о» банди ва тегишли жиноятни содир этиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг моддаси билан квалификация қилиниши керак. Айбдор қотилликни бошқа бир жиноят

содир этишни осонлаштириш мақсадида содир этаётган бўлса, бироқ ушбу жиноятни охирига етказа олмаса, бундай ҳолда у ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «о» банди бўйича, шунингдек, тегишли жиноятни содир этишга тайёргарлик қуриш учун жавобгарликка тортилади.

Олий суд Пленумининг тушунтиришларига кўра, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «о» банди билан квалификация қилинганда айбдорнинг ҳаракатларини мазкур модда иккинчи қисмининг бошқа мақсад ва сабабларни назарда тутувчи яна бирон-бир банди билан квалификация қилишга йўл қўйилмайди. Масалан, агар жабрланувчи тамагирлик ниятида ёки безорилик оқибатида ўлдирилганлиги аниқланса, қилмиш айти бир вақтнинг ўзида ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «о» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас¹.

31. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «п» банди бўйича квалификация қилинади. Олий суд Пленуми таъкидлаганидек, ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдидан тил бириктирув бўлган-бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозим².

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш уни содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирок этишини (миқдорий белги) талаб қилади. Бунда одам ўлдириш мақсади билан биргаликда ҳаракат қилган ҳамда жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган (сифатий белги) шахсларни жиноятнинг бажарувчилари, деб эътироф этиш зарур, яъни айбдорларнинг ҳар бири одам ўлдиришнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 19-банд, 2-хатбоши.

² Ўша манба, 20-банд, 1-хатбоши.

объектив томонини бажарган бўлади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган).

Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади¹.

Одам ўлдириш тўғрисида жиноят иштирокчиларининг олдиндан келишуви жиноятни кўриб чиқилаётган банд бўйича квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Одам ўлдиришнинг мазкур турини тўғри квалификация қилиш учун жиноятнинг барча иштирокчиларида жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш қасди мавжуд бўлганлигини аниқлаш зарур. Бунда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмаган ҳолда одам ўлдириш тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одам ўлдириш субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин.

Агар бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг баданига шикаст етказиш натижасида гуруҳ аъзоларидан бири бошқа иштирокчиларнинг онги билан камраб олинмаган қотилликни содир этиш мақсадида жабрланувчининг ўлимига олиб келган зарба берса (бажарувчининг эксцесси), мазкур шахснинг қилмишини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «п» банди бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда ўлимга олиб келувчи зарба берган шахснинг ҳаракатларини зарур белгилар мавжудлигида одам ўлдириш сифатида квалификация қилиш зарур, жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳаракатларини эса, бир гуруҳ шахслар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 20-банд, 2 ва 3-хатбоши.

томонидан жабранувчининг баданига тегишли оғирликдаги шикаст етказиш, деб баҳолаш лозим.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолиятни амалга ошириш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши **уюшган гуруҳ** ҳисобланади.

ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «п» банди диспозициясида кўрсатилган уюшган гуруҳ деганда, унинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг мавжудлигини, қоида тарикасида, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятлар режалаштирилганини ва унинг қисмлари ишлаб чиқилганлигини, ҳар бир иштирокчининг вазифалари тақсимлаганлигини, техникавий қуролланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, жиноий гуруҳда гуруҳий интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниб мавжудлигини ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади¹.

Қотилликни уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этиш, деб квалификация қилиш учун, содир этилган қотиллик натижасида, бунда қотилликни бажарувчи уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаса ҳам, уюшган гуруҳ ўзининг муайян манфаатларини ҳал этган бўлиши лозим. Қотилликнинг бажарувчисида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жабранувчини ҳаётдан маҳрум этиш нияти бўлганлигини аниқлаш лозим.

Кўриб чиқилаётган турдаги қотилликни содир этишда бошқа оғирлаштирувчи белгилар (тамагирлик мотиви, ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ўлдириш, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 20-банд, 4-хатбоши.



булган усулда одам ўлдириш ва х.к.) ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда қилмишга юридик баҳо берилаётганда барча жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни кўрсатиш ва жазо тайинлашда уларни инobatга олиш зарурдир.

Қасддан одам ўлдириш иштирокчиликда содир этилганда, Жиноятнинг субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (қотиллик ўта хавфли рецидивист ёки илгари ҳам қасддан одам ўлдирган шахс томонидан содир этилганлиги) факат ушбу белгилар бевосита тааллуқли булган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олинаши лозим¹.

32. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «р» бандида кўзда тутилган.

Агар шахс олдин қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган ва бунинг учун у судланмаган бўлса, шунингдек, янги қотиллик содир этилган пайтга келиб илгари содир этилган қотиллик учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаган бўлса, бундай қотиллик такроран содир этилган қасддан одам ўлдириш, деб топилиши лозим.

Агар одам ўлдириш жиноятини содир этишда айбдор булган шахс қасддан одам ўлдириш учун илгари судланган бўлса, шунингдек, муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, у ҳолда қотиллик **хавфли рецидивист томонидан содир этилган**, деб топилади.

Бунда одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг кўриб чиқиляётган банди бўйича квалификация қилишда айбдор илгари тамом булган қотиллик жинояти ёки одам ўлдиришга суикасд содир этганлигининг, жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси булганлигининг аҳамияти йўқ².

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 20-банд, 5-хатбоши.

² Ўша манба, 21-банд, 2-хатбоши.

Одам ўлдиришдан олдин қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноят (терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш) содир этилган ҳолларда ҳам қотиллик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «р» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Такроран одам ўлдиришни икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдиришдан (ЖКнинг 97-моддаси 2 қисми «а» банди) фарқлаш лозим. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этиладиган қасддан одам ўлдириш учун икки ёки ундан ортиқ қотилликни содир этиш учун ягона қасднинг йўқлиги ва жиноятларнинг, одатда, ҳар хил вақтда содир этилганлиги хос бўлади¹.

33. Ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «с» банди бўйича квалификация қилиниши зарур. (*Ўта хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг*).

Қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахсларнинг ҳаракатлари, агар судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «с» банди бўйича квалификация қилинади. Судлар судланувчининг ҳаракатларини квалификация қилишга таъсир этувчи шахсига оид маълумотларни синчковлик билан текширишлари лозим².

Юқорида қайд этилганидек, иштирокчиликда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилаётганда мазкур жиноятни содир этишдан олдин қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист, деб топилмаган қотиллик иштирокчиларининг ҳаракатларини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «с» банди бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди.

34. Қонун мазмунига кўра, агар қасддан одам ўлдириш тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 21-банд 1-хатбоши.

² Ўша манба, 22-банд.



зарурий мудофаа чегарасидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б», «в», «д», «ж», «р», «с» бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим¹.

35. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққан ҳолда қасддан одам ўлдирган мансабдор шахснинг қилмиши Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликни белгиловчи моддалари ҳамда 206-модданинг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

36. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахс томонидан жазони ижро этиш муассасаси ходимини, шунингдек, маҳбусни унинг ахлоқан тузалишига тўсқинлик қилиш ёхуд жамоат вазифасини бажарганлиги учун ўч олиш мақсадида қасддан ўлдириш ЖК 97-моддасининг тегишли қисмидан ташқари, Жиноят кодексининг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи 220-моддаси бўйича ҳам квалификация қилиниши лозим².

37. Қасддан одам ўлдириш жинояти ҳақидаги ишлар бўйича жиноят қонунининг тўғри қўлланилишини таъминлаш жуда муҳим, чунки ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун қонунда фавқулодда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга онд ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 24-банд.

² Ўша манба, 26-банд.

98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тусатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган модданинг диспозицияси шундай тузилганки, у одам ўлдиришни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, деб квалификация қилиш учун қуйидаги иккита ҳолатни белгилайди: биринчидан, одам ўлдириш жиноятини содир этиш сабаби бўлмиш жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари; иккинчидан, айбдор шахс одам ўлдириш пайтида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлиги. Ушбу ҳолатларнинг бири мавжуд бўлмаганда одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, деб квалификация қилинмайди.

2. **Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш.** бу – физиологик аффект ҳолатда одам ўлдириш.

Физиологик аффект – бу қисқа муддатли, лекин шиддат билан кечадиган эмоционал реакция; очикдан-очик, қисқа муддатли лов этадиган ғазаб ва айни чоғда, фавқулодда кучли, шиддатли кечинма; ғазабга айланадиган қаҳр; даҳшатга айланадиган кўрқув, тушкунликка соладиган сиқилиш, бунинг натижасида айбдор ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятини ва уларни бошқариш қобилиятини бир мунча фурсат йўқотади.

Физиологик аффект ҳолатида шахс ўзининг ҳаракатлари учун жавоб бера олади, нима қилаётганлигини тушунади, бироқ ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятини анча

йўқотади. Шахс бу қобилиятини бутунлай йўқотса, у **патологик аффект** ҳолатида бўладикки, бу шахсни ақли норасо, деб топиш учун дастлабки шарт-шароитни яратади.

3. **Аффектнинг тўсатдан рўй бериши** – жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир ҳақорати ёхуд бошқа ғайриқонуний ҳаракатларига жавобан шахс руҳий тинч ҳолатининг жўшқин хис-туйғули ҳаяжонланишга, портлашга ўтиши кўринишидаги физиологик хусусиятдир. Физиологик аффект юзага келиши билан айбдорнинг жабрланувчи ўлимига олиб келувчи ҳаракатлари ўртасида амалда вақт жиҳатидан узилиш булмаслиги лозим. Шу билан бирга, жабрланувчини ўлдириш у томонидан ғайриқонуний қилмиш содир этилган пайтдан эътиборан вақт ўтиб содир этилса, лекин бу ҳолат жабрланувчининг уша қилмиши туфайли юзага келган бўлса, бундай одам ўлдиришни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган одам ўлдириш, деб ҳисоблаш керак бўлади.

4. Аффектнинг психологлар ва психиатрлар аниқлашлари мумкин бўлган ўзига хос аломатлари мавжуд. Шу муносабат билан, қотиллик физиологик аффект ҳолатида содир этилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда комплекс психолого-психиатрия экспертизасини тайинлаш зарур. Экспертларнинг ҳулосаси суд томонидан иш бўйича бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

5. Айбдор шахснинг қилмиши ЖҚнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилиниши учун у кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлиши зарур. Бунда мазкур ҳолат, қонун мазмунига кўра, жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юз бериши лозим бўлиб, ушбу ҳаракатларга қуйидагилар қиради: ғайриқонуний зўрлик; оғир ҳақорат; бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар.

6. Жабрланувчи томонидан ишлатилган ғайриқонуний зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Шахсга ҳар қандай даражадаги оғирликда тан жароҳатларини етказиш, уни қалтаклаш, қийнаш, унга нисбатан жисмоний қуч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқин кишиларини ўлдириш, жинсий тусдаги зўравон ҳаракатларни амалга ошириш **жисмоний зўрлик ишлатиш**, деб баҳоланиши зарур.

Рухий зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига ёки унинг яқинларига жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, шахс сир сақламокчи бўлган маълумотларни ошкор этиш билан ҳамда бошқача маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказиш билан кўркитишни тушуниш зарур.

7. Жабрланувчи томонидан ишлатилган ва айбдорда физиологик аффект ҳолатини юзага келтирган зўрлик ғайриқонуний бўлиши зарурлигини инobatга олиш лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳокимият ёки жамоатчилик вакиллари томонидан қонунда назарда тутилган асослар ва қонунда белгиланган тартибда зўрлик ишлатилиши жабрланувчи томонидан ўлимга олиб келган жавоб чораларини кўриш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳаракатларни ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди, тегишли белгилар мавжудлигида улар ЖКнинг 97-моддасининг тегишли қисми бўйича айбдорнинг жавобгарлигини келтиришлари лозим.

8. Шарҳланаётган модда мазмунига қўра, **оғир ҳақорат** деб, физиологик аффект ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган гап-сўзлар ёки ҳаракатлар (шахснинг кадр-қимматини, ор-номусини, миллий туйғуларини қўпол равишда таҳқирлаш, юзига тупуриш, тарсаки тушириш ва х.к.) тушунилади. Шунинг назарда тутиш керакки, ҳақоратнинг оғир бўлган-бўлмаганлиги масаласи ҳар бир алоҳида вазиятда ишнинг аниқ ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим. Масалан, эр-хотинлик садокатининг бузилиши ҳодисасининг ўзигина оғир ҳақорат сифатида баҳоланмаслиги лозим, чунки эр ёки хотиннинг бошқа шахс билан ишқий алоқага киришиши қонунга хилоф эмас. Бирок, эр ёки хотиннинг кўзи олдида эр-хотин вафодорлигининг бузилиши ҳолларини физиологик аффект ҳолатини юзага келтира оладиган оғир ҳақорат, деб топиш мумкин.

9. Айбдорда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган жабрланувчининг бошқа ғайри-қонуний ҳаракатлари деган-

да, жабрланувчининг шундай харакатлари тушуниладики, улар на зўрлик деб, на ҳақорат деб топилиши мумкин эмас ва шу билан бирга улар айбдор ёки унинг яқинларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўпол тарзда бузиши (масалан, тухмат, ўзбошимчалик, таносил касаллигини юктириш, касалга ёрдам кўрсатмаслик ва х.к.) мумкин.

10. Физиологик аффект ва у туфайли юзага келадиган одам ўлдириш қасди фақат ҳуқуққа хилоф зўрлик ишлатилган, оғир ҳақорат қилинган ёки бошқа ҳуқуққа хилоф харакатга дучор бўлган шахслардагина эмас, балки мазкур ходисаларнинг гувоҳи бўлганларда ҳам юз бериши мумкин. Мазкур шахсларнинг харакатлари ҳам ЖКнинг 98-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

11. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш тўғрисидаги ишлар бўйича сабабий боғланиш сўзсиз аниқлаштирилиши шарт бўлган мажбурий белги ҳисобланади. Жиноятни ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилиш учун одам ўлдириш содир этилган вақтдаги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ғайриқонуний зўрликка, оғир ҳақоратга ёки жабрланувчининг бошқа ғайриқонуний харакатларига жавоб тариқасида тўсатдан юз берганлигини аниқлаш зарур.

12. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар (масалан, икки ёки ундан ортиқ шахсни, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда, ўта шафқатсизлик билан ўлдириш ва х.к.) мавжуд бўлган ҳолда ҳам ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Айбдорнинг харакатларини ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилишда мазкур жиноятни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришдан (ЖКнинг 100-моддаси) фарқлаш муаммоси келиб чиқиши мумкин. Инобатга олиш лозимки, субъект кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлиши ЖКнинг 98-моддасида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш учун эса мазкур ҳолатнинг мавжуд бўлиши шарт эмас.

Гарчи шахс жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юз берган физиологик аффект ҳолатида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирса, иккита енгиллаштирувчи таркибнинг (ЖКнинг 98-моддаси ва 100-моддаси) рақобати вужудга келади. Мазкур ҳолатда қилмишни нормалар рақобати қоидалари бўйича, яъни ЖКнинг 100-моддаси билан квалификация қилиш лозим, чунки унинг санкциясида ЖКнинг 98-моддаси санкциясига қараганда енгилроқ жазо назарда тутилган.

99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши

Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши –

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришининг **бевосита объекти** чақалоқ ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлардир. Шундан келиб чиқадики, мазкур жиноятнинг жабрланувчиси фақатгина чақалоқ бўлиши мумкин. Суд тиббиёти нуқтаи назаридан, **чақалоқ**, деб туғилгандан сўнг бир суткагача яшаган гўдак ҳисобланади¹.

2. Одам ўлдиришнинг кўриб чиқилаётган тури **объектив томондан** онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон ғайриқонуний ўлдиришидан иборатдир.

Онанинг ўз қорнидаги ҳомилага зарар етказишга қасд қилиши ҳомиланинг нобуд бўлишига олиб келса, бу ҳомиладор аёлнинг жавобгарлигини келтириб чиқармайди.

¹ Қаранг: Судебная медицина (Руководство для врачей) / Под ред. А. А. Матышева и А. Р. Деньковского. – Л.: «Медицина», 1985. – 386-б.

3. Одам ўлдиришнинг бу тури ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жумласига киради, чунки жиноят туғаётган аёлнинг туғиш пайтидаги ёки бевосита туришдан кейинги алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати натижасида содир этилади. Бундай ҳолат туғиш пайтидаги оғриклар, азият туфайли пайдо бўлиши ва бу кўзи ёриётган аёлда чақалокқа нисбатан салбий туйғуни келтириб чиқариши мумкин. Ёхуд бу исталмаган (номусга тегиш натижасида ҳомиладор бўлиш ёки уйланишга ваъда қилиб алдаб кетиш) туғиш бўлиши мумкин.

4. Онанинг ўз чақалоғини ўлдириши фаол ҳаракатлар (масалан, ўлимга олиб келадиган жароҳат етказиш, сувга чўктириш, бўғиб ўлдириш ва хоказолар) билан, шунингдек, ҳаракатсизлик (масалан, чақалокқа овқат бермаслик) билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

5. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жиноятида онанинг алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати енгиллаштирувчи ҳолат, деб фақатгина қатъий чегараланган вақт давомида ҳисобланиши мумкин: туғиш вақтида ёки чақалок туғилиши ҳамон, яъни чақалокнинг бирор тана қисмининг она қорнидан чиқиш пайтида ёхуд чақалок она қорнидан бутунлай чиқиб бўлгандан сўнг бир сутка давомида.

6. Агар она ўз чақалоғини уни туғишидан сўнг муайян вақт ўтгач, яъни унда туғиш жараёнида аёл бошидан кечирадиган алоҳида руҳий-жисмоний ҳолат ўтиб кетганидан кейин ўлдирса, унинг қилмишини, одам ўлдиришнинг бошқа оғирлаштирувчи белгилари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди) сифатида квалификация қилиш лозим. Шундай қилиб, бундай қилмишга юридик баҳо беришда вақт омилни ҳисобга олиш шарт ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин.

Шундай ҳолатлар бўладики, она туғиш вақтида ўз эҳтиётсизлиги туфайли чақалокқа турли хил жароҳатлар етказди, улар эса чақалокнинг ўлимига сабаб бўлади. Бундай ҳолда қилмиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш сифатида ЖКнинг 102-моддаси билан квалификация қилинади.

8. Жиноятнинг **субъекти** фақат чақалоқнинг онаси бўлиши мумкин. Болани ўлдириш жиноятининг биргаликдаги бажарувчилари, шунингдек, бошқа иштирокчилари (далолатчилар, ёрдамчилар) қилмишлари одам ўлдиришнинг бошқа оғирлаштирувчи белгилари йўқлигида ЖКнинг 28-моддаси тегишли қисми ва 97-моддаси 2-қисми «в» банди билан квалификация қилиниши лозим.

9. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришини чақалоқни хавф остида қолдиришдан фаркларда (ЖКнинг 117-моддаси) чақалоқни хавф остида қолдиришнинг мотивларини ҳисобга олиш зарур (масалан, аёл чақалоғини одамлар яшаётган уйнинг деразаси тагида, эшиги ёнида қолдираётда уни кимдир олиб кетиши ва у ҳақда ғамхўрлик қилишини хоҳлаши мумкин). Чақалоқни қасддан ўлдиришда эса, аёл унинг ўлимини хоҳлайди ёки онгли равишда бунга йўл қўяди. Аёлнинг қасди нимага қаратилганлигини унинг чақалоғини қандай жойга, йилнинг қайси вақтида ташлаб кетганлигига, чақалоқ қолдирилган жойда уни қутқариш эҳтимоли қанчалик катта бўлганлигига, чақалоқ қанчалик тез топилиши мумкинлигига қараб ҳукм чиқариш мумкин.

100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. ЖКнинг 100-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришдан иборатдир.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддасида ифода қилинган зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларнинг шахси, уй-жой ва мулк ҳақидаги конституциявий қондаларни кафолатлайди, фуқароларнинг давлат мулкани, давлат ва жамоат манфаатларини қўриқлаш борасидаги Конституцияда белгиланган бурчларни амалга оширишни таъминлайди¹.

3. Шахсни ЖКнинг 100-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун айбдор зарурий мудофаа ҳолатида бўлганлиги ва унинг чегарасидан четга чиққанлигини аниқлаш зарур.

Зарурий мудофаа тушунчаси ЖКнинг 37-моддасида баён қилинган. ЖКнинг 37-моддаси 1-қисмига биноан, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

4. Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки рухий ҳолати бузилганлиги туфайли, жинсий жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи **ижтимоий хавфли тажовуз** деб ҳисобланади².

5. Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина эмас, балки тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, муқаддиманинг 1-хатбошиси.

² Ўша манба, 1-банд.

Тажовузнинг олди олинган ёки тугагандан сўнг ва химоя воситаларини қўллаш зарурияти аниқ йўқолганда химояланувчининг тажовуз қилувчига зарар етказганликдаги ҳаракати зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларга кўра юзага келади. Хужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан химояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди.

6. Агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим¹.

7. Тажовузга учраган шахс ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўла туриб, фаол қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эга. Масалан, ҳужум пайтида ёки ҳаёт учун бошқа реал хавф мавжуд бўлганда химояланиш учун турли хил қуролларни (жисмоний куч, газли, ўқ-отар қурол ва х.к.) қўллаш қонуний ҳисобланади.

8. Жиноятни ЖКнинг 100-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдор ўз ҳаракатлари билан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиққан ёки чиқмаганини аниқлаш зарур. Тажовуз мудофааланувчи ёки бошқа шахснинг ҳаёти учун хавfli зўрлик ёки бундай зўрлик ишлатиш билан бевосита кўрқитиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда мудофааланишда қўлланилган воситаларнинг мутаносиблиги ҳақида савол туғилади.

9. Қонун мазмунига кўра, тажовузнинг характери ва хавfliлик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 3-банд.

ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз Жиноят кодексининг 100, 107-моддаларида назарда тутилган қасддан зарар етказилсагина зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади¹.

10. Одам ўлдиришни ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилишда тажовузчи ҳеч қандай заруриятсиз қасддан ўлдирилиши фактини аниқлаш ҳамда бунда химояланиш ва хужум воситаларининг мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини, хужум қилувчи ва тажовуздан химояланувчининг кучлари нисбатини, ҳар иккаласининг ёшини, жисмоний қувватини, қуроли бор-йўқлигини ва унинг сифатини, тажовуз жойини, тажовуз содир этилаётган вазиятни, тажовузнинг хусусиятини, хужум қилувчиларнинг сонини ва ҳоказоларни инобатга олиш зарур. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи хужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли химоя чораларини қўришга ҳақли².

11. Қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида шуни назарда тутиш керакки, тўсатдан содир этилган тажовуз (хужум) қўп ҳолларда химоя-ланувчида кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатини юзага келтириб, химояланувчи хужумнинг хавфини ҳамма вақт ҳам аниқ баҳолай олмаслиги ва шунинг учун химоянинг тажовузга мос усулини танлай олмаслиги мумкин.

Таъкидлаш жоизки, агар тажовуз қилувчига химояланувчи томонидан етказилган зарар тажовуз қилувчининг етказган зараридан қўп бўлса ва тажовуз оқибатида етказилган зарарни тўла қопласа ҳамда химояланиш тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига нисбатан бутунлай номувофиқ бўлишига йўл қўйилмаган бўлса, бундай ҳолда химояланувчининг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 4-банд.

² Ўша манба, 5-банд.

ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган деб ҳисоблаш мумкин эмас¹.

12. **Субъектив томондан** кўриб чиқиладиган жиноят тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин. Жиноятнинг мотиви, қоида тариқасида, хужум қилувчига нисбатан бўлган қасос, ёқтирмаслик ва нафрат ҳис-туйғуларидан иборат бўлади.

Шахс ижтимоий ҳавфли тажовуздан химояланиш вақтида эҳтиётсизлик орқасида тажовуз қилувчини ўлдириб қўйганлиги учун умуман жинойий жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

13. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришни кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришдан фарқлаш зарур. Юқорида қайд этилганидек, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш натижасида жабрланувчи ўлса, айбдор эса мазкур вақтда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлса, қилмишни ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиш зарур. Бунда мудофааланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кучли руҳий ҳаяжонланиш туфайли юзага келган нафрат, ғазаб ҳис-туйғулари муносабати билан содир этиладиган хатти-ҳаракатларни ажратиш лозим. Яъни, тажовуз тугаганидан сўнг ушбу ғайриқонуний тажовуз туфайли юзага келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган шахс одам ўлдириш жиноятини содир этган ҳолларида унинг хатти-ҳаракатларини ЖКнинг айнан 98-моддаси бўйича квалификация қилиш зарур.

14. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришда ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «а», «б», «в», «д», «ж», «р», «с» бандларида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳам қилмиш ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

15. Зарурий мудофаа ҳолатини аниқ ижтимоий ҳавфли тажовуз юз бермаса-да, шахснинг янглишиб, шундай тажовуз

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳавфли тажовузулардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонуналарни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 6-банд.

қилиши мумкин, деган тахминий ҳолатларидан фарқлаш керак. Бунда, агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганлигини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, деб ҳисобланиши керак.

Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим¹. Бундай одам ўлдиришда айбдор асоссиз қўрққанидан, ўз хаёти учун хавотир бўлаётганлиги туфайли ҳаракат қилади.

16. Судлар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришда айбли деб топилганларга нисбатан жазо чоралари белгилашда, ЖПКнинг 467-моддаси талабига кўра ҳар бир муайян иш юзасидан жиноятнинг содир этилиши ҳолатларини ва айбдорларнинг шахсига оид маълумотларни эътиборга олиб, озошликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари керак. Агар озошликдан маҳрум этиш жазоси белгилаш лозим бўлса, бу ҳолат ҳукмда асослантирилиши лозим².

17. Судлар зарурий мудофаа туғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича олиб бориладиган дастлабки тергов сифатига бўлган талабчанликни кучайтиришлари, жиноятга дахлдорлиги ёритилган барча шахслар жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини аниқлашлари ва асослар мавжуд бўлганда, уларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун бу ҳақда прокурорга хабар беришлари (ЖПК 417-моддаси) лозим³.

18. ЖКнинг 100-моддаси билан судланган шахслардан тажовуз қилганларни даволашга сарфланган маблағларни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий ҳафли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 10-банд, 2-хатбоши.

² Ўша манба, 12-банд.

³ Ўша манба, 13-банд.

ундириш қонунда кўрсатилмаган¹. Бундай шахсларни даволаш ҳаракатдаги қонунга мувофиқ амалга оширилади.



101-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришда ифодаланади.

2. Ушланаётган шахсга зарар етказишнинг ҳуқуқийлиги шартлари ҳамда ушлаш учун зарур бўлган чоралар чегарасидан четга чиқиш тушунчаси ЖКнинг 39-моддасида белгиланган. Кўрсатилган модданинг қондаларига кўра, ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 14-банд, 2-хатбошн.

топилади (ЖКнинг 39-моддаси 2-қисми). ЖКнинг 39-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, рухий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

3. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш – содир этилган жиноят хавфлилик даражасига ёки уни ушлаш вазиятига очиқ-ойдин номутаносиб равишда одам ўлдиришдир.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган тоифадаги ишлар бўйича ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш фактини аниқлашда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- ушланаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги характери ва даражаси;
- ушлаш ҳолатлари;
- зарар етказишнинг зарурлиги ва етарлилиги.

4. ЖПКнинг 221-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолатлар жиноят содир этган шахсни ушлаб туриш учун асос бўлиши мумкин:

- шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

5. Агар қилмишнинг хавфлилиги юқори бўлмаса, жиноят содир этган шахсга нисбатан энг каттиқ чораларнинг қўлланилишини қонуний, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бундай ҳолда қасддан одам ўлдиришни умумий асосларда ЖКнинг

97-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиш зарур. Худди шундай қоида оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахс ушловчига қаршилиқ кўрсатмаган (ёки қаршилиқ кўрсатишни тўхтатган) ва шунинг учун уни ўлдириш зарурияти ушлаш шароитидан келиб чиқмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

6. Содир этилган жиноятни ЖКнинг 101-моддаси бўйича квалификация қилиш учун жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган ушлаш воситаларини қўллаш вақтида ушловчи шахс унинг ихтиёрида ушланаётган шахснинг ҳаётини хавф остига қўймайдиган бошқа чораларни қўллаш имконияти бўлганлигини англаб етганлигини аниқлаш лозим.

7. **Субъектив томондан** ЖКнинг 101-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Мазкур жиноятни содир этиш мотивлари зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш мотивлари билан бир хил.

8. Қонун жиноят содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини чегараламайди. Ушлашни нафақат махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, балки жиноят ва уни содир этган шахс ҳақидаги маълумотларга эга бўлган жамоат тузилмаларининг вакиллари ва фуқаролар ҳам амалга ошириши мумкин. *(Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш тўғрисида батафсил ЖКнинг 39-моддаси шарҳига қаранг).*

102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш

Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Субъектив томондан** эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш айбдор шахснинг жиноий ўз-ўзига ишониши ёки жиноий бепарволиги оқибатида содир этилиши мумкин.

2. Жиноий ўз-ўзига ишониш оқибатида одамни ўлдиришда айбдор ўзи содир этган ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли бошқа шахснинг ўлдириб қўйилиши мумкинлигига кўзи етади, лекин енгилтаклик қилиб, унинг олдини олишдан умидвор бўлади. Бундай ҳолларда, айбдор муайян эҳтиётсизлик қоидаларини онгли равишда бузади. Жумладан, бундай қоидабузарлик қуйидагиларнинг оқибати бўлиши мумкин:

- қасддан содир этилган жиноий қилмиш;
- қонун билан тақиқланган, бироқ жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракат;
- бирон-бир қоидалар билан тақиқланган ҳаракат;
- фан маълумотларига ва касбий қоидаларга зид ҳаракатлар;
- жамиятда белгиланган эҳтиёткорлик қоидаларини бузадиган ҳаракатлар;
- мазкур шахснинг амалга ошириш ёки шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳаракатлар ёки касб билан шуғулланиши ва ҳоказо.

3. Жиноий ўз-ўзига ишониш натижасида одам ўлдиришни эгри қасд билан қасддан содир этиладиган одам ўлдиришдан фарқлаш керак. Эгри қасдда айбдор ўзи содир этаётган ижтимоий хавfli қилмишлар ўлимга олиб келиши мумкинлигига кўзи ета туриб, у онгли равишда унга йўл қўяди. Ўз-ўзига ишониш шароитида эса, айбдор шахс айрим аниқ ҳолатларда ўлимнинг олдини олиш мумкин, деб умидвор бўлади ва унинг олдини олишни мўлжаллаб ҳаракат қилади, бироқ унинг мўлжали асоссиз бўлиб чиқади (*ЖКнинг 21–22-моддалари шарҳига қаранг*).

4. Жиноий бепарволик оқибатида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришни шахс бошқа одамнинг ўлишини олдиндан кўра олмаган, уни кўра олиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган

бахтсиз ходиса туфайли одам ўлдиришдан фарқлаш керак бўлади.

5. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришни одам ўлдиришга нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлган ЖКдаги бир қатор жиноятлардан фарқлаш лозим (жиной равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЖКнинг 114-моддаси), номусга тегиш (ЖКнинг 118-моддаси), транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖКнинг 266-моддаси) ва бошқа қўплаб жиноятлар). Мазкур ҳолатда фарқ шундан иборатки, ЖКнинг 102-моддасида назарда тутилган жиноят қонунда бевосита кўрсатилган ҳамда одам ўлиши билан боғлиқ бўлган қонуний ёки ғайриқонуний ҳаракатларнинг алоҳида турлари содир этилишини кўзда тутмайди.

6. Эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлими юзага келса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 102-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш

Шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 103-моддаси бўйича квалификация қилиш учун айбдорнинг жабрланувчига нисбатан қўрқитиши, раҳмсиз муомала қилиши ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиши натижасида ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказганликни аниқлаш лозим. Мазкур ҳолатда жабрланувчи мустақил равишда ўзини ўзи ўлдиради ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилади, айбдор хулқи эса, жабрланувчининг ўлимига бавосита муносабатда бўлади. Қандайдир ноаниқ омиллар эмас, балки жабрланувчини қўрқитиш, раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситишдан иборат бўлган айбдор шахснинг ҳаракатлари жабрланувчи ўзини ўзи ўлдиришига сабаб бўлади.

2. Аксарият ҳолларда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш айбланувчининг фаол ҳаракатлари билан амалга оширилади. Жабрланувчига нисбатан баданга шикаст етказиш, қийнаш, дўппослаш, тўхмат қилиб айтилган уйдирмаларни тарқатиш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ҳаракатланиш ҳуқуқини чегаралаш) ва ҳоказолар каби ҳаракатлар қўлланилган бўлиши мумкин. Лекин кўриб чиқиладиган жиноятни ҳаракатсизлик билан ҳам содир этиш мумкин (овқат, сув, кийим, турар жой ва бошқа зарур неъматлардан маҳрум этиш).

3. **Қўрқитиш деганда**, жабрланувчини зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, қимматбаҳо мулкни йўқ қилиш, жабрланувчи томонидан сир сақланадиган маълумотларни ошкор қилиш тушунилиши керак. (*Қўрқитиш тўғрисида батафсилроқ маълумот учун ЖКнинг 94-моддаси шарҳига қаранг*)

4. **Раҳмсиз муомала қилиш** деганда, жабрланувчини жисмоний ва руҳий азоб чекишига олиб келадиган қўпол,

аёвсиз муносабатда бўлишни (дўппослаш, уриш, қийнаш, уй-жойдан, иссиқликдан, озик-овқатдан, сувдан, яшаш учун зарур бўлган маблағлардан маҳрум этиш ва х.к.) тушунмок лозим.

ЖКнинг 103-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун жабрланувчига бир марта раҳмсиз муомала қилишнинг ўзи етарлидир. Мазкур ҳолатда қонун шахсга раҳмсиз муомала қилишнинг муттасил равишда амалга оширилишини талаб қилмайди.

5. **Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш** деганда, жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини узоқ вақт давомида мунтазам (уч ва ундан ортик марта) камситиш (туҳмат қилиб айтилган уйдирмаларни тарқатиш, ҳақорат қилиш, таъкиб (қувғин) қилиш ва хоказо) ҳоллари тушунилади.

Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати бир марта камситилиши факти ЖКнинг 103-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Айрим ҳолларда ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни ҳаёсизларча, масхараомуз, ҳақоратомуз шаклда муттасил равишда тарқатиш ҳам ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш усули, деб топилиши мумкин.

6. Шакл ва мазмуни бўйича қонуний бўлган ҳаракатлар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш содир этилган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан ЖКнинг 103-моддаси татбиқ этилмаслигини¹ назарда тутиш керак.

7. Шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиши вақтидан ЖКнинг 103-моддасида назарда тутилган жиноят **туғалланган**, деб ҳисобланади. Бунда ЖКнинг 103-моддаси бўйича айбдорнинг ҳаракатини ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган ҳолларда ЖКнинг 25-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди, чунки ЖКнинг 103-моддаси ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни, шунингдек, унга суиқасд қилишни ўз ичига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори. 2-банд. 1-хатбоши.



камраб олади¹. Агар шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиши каби оқибатлар юзага келмаса, кўриб чиқиладиган жиноятнинг таркиби бўлмайди. Башарти, шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноятларнинг аломатлари (масалан, ҳақорат қилиш, тухмат, қийнаш) бўлса, у жавобгарликка тортилиши мумкин.

8. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 103-моддаси билан квалификация қилиш учун жабрланувчининг ўзига нисбатан раҳмсиз муомала қилиниши ёки унинг шаъни ва кадр-қиммати муттасил равишда камситилиши натижасида ўзини ўзи ўлдирганини ёки унга суиқасд қилганлигини аниқлаш зарур, яъни айбдорнинг хулқ-атвори ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш керак.

Ўзини ўзи ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш ўйнаш бўлишни, никоҳ тузишни рад этиш, эр-хотиндан бирининг хиёнати, ишдан қонуний бўшатиш, лавозимини пасайтириш ва ҳоказоларнинг натижаси бўлса, шахснинг қилмиши ЖКнинг 103-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

9. Жабрланувчи айбдордан моддий ёки бошқа турдаги қарамлик муносабатида бўлмаган ҳолларда ЖКнинг 103-моддаси 1-қисмига мувофиқ жавобгарлик келиб чиқади. Башарти, бундай қарамлик муносабати мавжуд бўлса, қилмишни ЖКнинг 103-моддаси 2-қисмига биноан квалификация қилиш керак. Бунда қарамлик мавжудлиги айбдор ва жабрланувчи ўртасида ҳақиқатан рўй берган ва мавжуд бўлган муносабатларга баҳо берган ҳолда аниқланиши лозим².

10. ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми билан айбдор томонидан содир этилган ҳаракатларни квалификация қилиш керак:

а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга ёки хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг)

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори, 7-банд.

² Ўша манба, 4-банд, 1-хатбоши.

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
г) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб. (ЖКнинг 278¹-моддаси шарҳига қаранг)

11. Моддий томондан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдорга тўғридан-тўғри пул ёки бошқа моддий томондан қарам бўлиши ҳоллари (болаларнинг ота-онасига, ишламаётган ота-онанинг моддий даромадларга эга бўлган болаларига қарам бўлиши ва хоказо) тушунилади.

12. **Бошқа жиҳатдан қарамлик** деганда, хизмат юзасидан ёки ҳар қандай бошқа қарамликни (масалан, бўйсунувчи ходимнинг бошлиғига, ўқувчининг ўқитувчисига, аспирантнинг илмий раҳбарига, қариндошларга қарамлик, васийлик ва ҳомийлик амалга оширилиши муносабати билан қарамлик ва хоказо) тушуниш лозим.

13. Агар жабрланувчи ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказилиши натижасида ўз жонига қасд қилаётганида ўзига оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатларини етказса, айбдорнинг ҳаракатларини тегишли даражадаги оғирликда баданга шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 104 ва 105-моддалари билан қўшимча квалификация қилмасдан ЖКнинг 103-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

14. **Субъектив томондан** ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш эгри қасд ёки оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш эса, қасдан содир этилади¹.

15. **Субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахсдир.



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори, 6-банд.

103'-модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш

Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

Ушбу модда 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сонли Қонун билан киритилган¹.

1. Қуриб чиқилаётган жиноятнинг **объекти** ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади.

2. Қуриб чиқилаётган модданинг биринчи қисмидаги жиноятнинг **объектив томони** кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш ҳисобланади, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса.

3. **Ўзини ўзи ўлдириш бу** – шахс ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш мақсадида, мустақил равишда ўзга шахсларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топилган тўғрисида»ги ЎРҚ–436-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 487-модда.

жалб қилмай туриб содир этиладиган ҳаракатдир. Бундай ҳаракатлар ихтиёрийдир. Шунга қарамай, инсон онгига таъсир кўрсатиш ва шундай ҳаракатлар оқибатида ўз эркинлигидан маҳрум қилиш жиноят ҳисобланади.

Ўзини ўзи ўлдиришнинг сабаби инсоннинг рухий беқарорлиги бўлиб, иш ёки оиладаги муайян муаммолар, реал ҳаётда ўз истаклари, вазифалари ва бошқаларни рўёбга чиқаришнинг етишмаслиги бўлиши мумкин.

4. **Кўндириш деганда**, жабрланувчини онгига рухий ишлов бериш, ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш ёки аксинча ичида қарама-қаршилиқ ҳосил қилиш тушунилиши лозим.

5. Алдашни инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш усули деб тушуниш зарур бўлиб, мазкур усул бошқа шахсни қасддан адаштиришдан ёки фаолиятга мос бўлмаган ахборотни бериш ёки жабрланувчини ўзини ўзи ўлдиришга ундаш мақсадда турли фактлар, нарсалар, ходисалар ва бошқаларни яшириш йўли билан ундаги мавжуд янглиш фикрни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шахснинг эрки ташқаридан қараганда ихтиёрий бўлиб кўриниши алдаш учун ҳосилдир. Аммо, ушбу ихтиёрийлик шахснинг ҳақиқий манфаатларига зид бўлади.

6. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш бошқача йўл билан, масалан оғдириб олиш ва бошқа йўл билан ҳам содир этилиши мумкин.

7. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса, **туғалланган** жиноят деб эътироф қилинади.

8. Кўрқитиш, раҳмсиз муносабатда бўлиш ёки шахснинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш йўли билан содир этиладиган ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқли равишда ўзини ўзи ўлдиришга ундашда (ЖК 103¹-моддаси) айбдор кўндириш, алдаш ёки инсоннинг эркини синдирувчи бошқа йўл билан (масалан, тушкунликка солувчи ғоявий ташвиқот орқали) қасддан бошқа шахсда ўзини ўзи ўлдиришга нисбатан қатъиятни қўзғатади.

9. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш **субъектив жиҳатдан** тўғри қасддан содир этилади. Жиноятнинг мақсади ва сабаблари уни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

10. Ўн олти ёшга тўлган шахс жиноят субъектидир.

11. Кўриб чиқиладиган модданинг иккинчи қисмида:

а) вояга етмаган шахсга ёки хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган ўзини ўзи ўлдиришга ундаш усули қурбонларга ўзини ўлдиришга кўрсатмалар телефон алоқаси, матнли хабарларни бир зумда алмашишнинг оммабоп тизимлари мобил ёки бошқа платформалар учун овозли алоқа ёрдамида, масалан, «WhatsApp», ижтимоий тармоқлар, масалан «Facebook» воситасида берилганида мавжуд бўлиши мумкин.

II БОБ. СОҒЛИҚКА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш

Содир этиладиган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, рухий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки хомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

д) тамагирлик ниятида;

е) безорилик оқибатида;

ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;

з) диний таассублар замирида;

и) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида;

к) бир гуруҳ шахслар томонидан;

л) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

д) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. **Баданга шикаст етказиш** деганда, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ёки аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида бузилишида ифодаланган соғлиғига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш лозим.

2. **Баданга шикаст етказишнинг объекти** саломатлигининг ҳолати ва шахсий хислатларидан қатъи назар,

бошқа одамнинг соғлиғига бўлиши мумкин. Бунда баданнинг дахлсизлиги, масалан, қийнаш каби зўравонлик тажовузларининг объекти ҳисобланади.

Бошқа одам соғлиғига зарар етказиш фактини аниқлашда, жабрланувчининг баданига шикаст етган пайтдаги унинг саломатлиги ҳолатидан келиб чиқиш лозим. Суд-тиббиёти ва суд амалиёти, агар содир этилган қилмиш натижасида соғлиқ ҳолати унинг бошланғич ҳолатига нисбатан ёмонлашган бўлса, жабрланувчи соғлиғига зарар етказилганлигини қайд этиш лозимлиги тўғрисидаги қоидага амал қилади.

3. Ўзининг соғлиғига зарар етказган шахс (ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш), унинг мазкур ҳаракатлари мустақил жиноятни, масалан, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖКнинг 225-моддаси), ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЖКнинг 290-моддаси) каби жиноятларни вужудга келтирсагина жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ўз соғлиғига зарар етказиш ЖКнинг қайд этилган моддаларида тўғридан-тўғри кўрсатилган жиноятни содир этиш усули сифатида хизмат қилади, шунинг учун мазкур шахсларнинг ҳаракатлари бошқа моддалар бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Агар шахснинг соғлиғига зарар етказиш унинг розилиги билан ижтимоий хавfli мақсадларда содир этилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича баданга тегишли даражадаги оғирликда шикаст етказиш ҳамда жабрланувчи томонидан содир этилган жиноятда иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши зарур.

4. **Объектив томондан** жиноят ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахс соғлиғига зарар етказишда ифодаланади. Баданга шикаст етказиш қуйидаги воситалар:

- жисмоний таъсир (механик, термик, электр ва ҳоказо);
- баданга кимёвий ёки биологик фаол воситалар билан таъсир этиш (турли кислоталар, захарли моддалар, газлар ва ҳоказодан фойдаланиш);
- рухий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилиши мумкин.

5. Баданга шикаст етказишни **туғалланган жиноят**, деб топиш учун муайян, қонунда аниқ кўрсатилган оқибатларнинг юзага келиши зарур (меҳнат қобилиятини йўқотиш, бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши, хомиладорликнинг узилиши ва ҳоказо).

6. Шахсни ЖКнинг 104-моддаси бўйича жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti – содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва юзага келган баданга оғир шикаст етказиш каби оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлашдир. Сабабий боғланиш бўлмаган ҳолатда вужудга келган оқибатлар шахснинг айбига қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида тушунтириш берганидек, агар ЖКнинг 104-моддасида кўрсатилган оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса-да, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишлича бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни ЖКнинг кўрсатилган моддаси билан квалификация қилиш учун асослар бўлмайди¹.

Шу муносабат билан, агар сабабий боғланишнинг ривожланиши шахснинг қасди билан қамраб олинган бўлса, сабабий боғланиш тўғридан-тўғри ёки бавосита бўлганлигидан қатъи назар, мазкур шахс юзага келган оқибатлар учун жавобгарликка тортилиши лозим. Масалан, жабрланувчи организмнинг индивидуал хусусиятлари айбдорга маълум бўлса ва унинг онги билан жабрланувчи организмнинг индивидуал хусусиятлари айбдор томонидан содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишлар билан биргаликда қонунда кўрсатилган оқибатларнинг юзага келишига олиб келиши мумкинлиги қамраб олинган бўлса, шахснинг айбига жабрланувчига амалда етказилган зарар қўйилиши керак.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 4-банд.

7. **Субъектив томондан** баданга оғир шикаст етказиш айбнинг қасд шакли билан тавсифланади ва муайян ҳолатларга кўра, тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин. Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига оғир шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламаса-да, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади¹.

Айбдорнинг бошқа шахснинг баданига оғир шикаст етказиш қасди аниқланса, бироқ амалда камроқ даражадаги оғирликда баданга шикаст етказилса, айбдор баданга оғир шикаст етказишга суиқасд қилиш учун жавобгарликка тортилиши зарур, чунки унинг қасди айнан мазкур оғирликдаги шикаст етказишга қаратилган эди (масалан, айбдор шахс жабрланувчининг юзига кислота сепмокчи бўлди, лекин жабланувчи ўгирилиб олишга муваффақ бўлди ва соғлиғига ҳеч қандай зарар етказилмади).

8. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида** баданга оғир шикаст етказиш белгиларининг қуйидаги рўйхати келтирилган:

- содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфлилик;
- кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши;
- рухий ҳолатининг бузилиши;
- умуман соғлиқ бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолиши;
- хомиланинг тушиши;
- баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.

9. ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмида назарда тутилган белгилардан биттаси ҳам мавжуд бўлганда баданга шикаст етказиш оғир, деб эътироф этилади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ЖК 104, 105, 109-моддалари биринчи қисмларида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти туррисида»ги 6-сонли қарори, 3-банд, 2-қисм.

қайд этилган баданга етказиладиган турли даражадаги шикаст белгилари доираси қатъийдир. Бунда баданга етказилган шикаст муайян даражадаги оғирликка тааллуқлилигини эътироф этиш учун улардан биттаси етарли бўлади. Агар баданга етказилган шикаст оғир, ўртача оғир ёки енгил хусусиятга эга эканлигини кўрсатувчи бир неча белги мавжудлиги аниқланса, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш туғрисидаги қарорда ҳамда суд ҳукмида уларнинг барчаси баён этилиши шарт.

Айбдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи баданига оғир шикастдан ташқари бошқа оғирлик даражасидаги шикаст етказилган ҳолларда, қилмишни Жиноят кодексининг баданга енгилроқ даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди¹.

10. Агар баданга шикаст етказиш жабрланувчининг ҳаёти учун хавф туғдираётган бўлса, баданга оғир шикаст етказиш тоифасига мансуб бўлади. Бунда тиббий аралашувсиз, ўз-ўзича кечган ҳолатларда жабрланувчининг ўлимига олиб келиши мумкин бўлган шикастлар ҳақида гап кетмоқда.

Етказилган шикастнинг ҳаёт учун хавфлилиги, келиб чиққан оқибатлардан қатъи назар, шикаст етказиш вақтида аниқланади. Бундай ҳолларда етказилган шикастнинг нима билан тугаши жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Ҳаёт учун хавфли шикастларнинг қатъий рўйхати Баданга етказилган шикаст оғирлигини суд-тиббий йўсинда белгилаш қондаларида келтирилган.

11. Ҳаёт учун хавфли бўлган баданга шикаст етказишни қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқлаш керак. Шу муносабат билан Олий суд Пленуми таъкидлайдики, кўрсатилган жиноят таркибларини фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар буйича суд амалиёти туғрисида»ги 6-сонли қарори, 5-банд.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланadi.

Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуудан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинсий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим¹.

12. Айбдор ҳаёт учун хавfli бўлган баданга оғир шикаст етказаётганида жабрланувчини ўлдириб қўйиши мумкинлигини нафақат англаган ва шундай бўлиши эҳтимоли борлигини фараз қилганда, балки шундай оқибат юз беришини хоҳлаган, яъни бошқа одамни ўлдиришга қаратилган тўғри қасд билан ҳаракат қилгандагина унинг қилмиши одам ўлдиришга суиқасд, деб квалификация қилиниши лозим.

Ҳаёт учун хавfli бўлган баданга қасддан шикаст етказиш айбдорда бевосита ўлдириш қасди бўлмаса, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Баданга ҳаёт учун хавfli шикаст етказишни тўғри квалификация қилиш жиноятнинг субъектив томонини пухта таҳлил қилишни, айбдорнинг қасди хусусияти ва йўналишини аниқ белгилашни тақозо этади.

13. **Кўриш қобилиятини йўқотиш** – бу иккала кўзнинг батамом кўрмай қолиши ёки кўриш қобилиятининг 2 метр ва ундан кам масофада бармоқ санарли даражада пасайиши ҳолати (кўриш қуввати 0,04 ва ундан ҳам кам бўлади). Бир кўзнинг кўриш қобилиятини йўқотиши ҳам меҳнат қобилиятининг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд.

учдан бир қисмини доимий йўқотиш белгиси билан баданга оғир шикаст етказиш тоифасига киради. Кўрмайдиган кўзнинг шикастланиши унинг олиб ташланишини тақозо этса, қилмиш соғлиқ ёмонлашганининг муддати бўйича квалификация қилинади.

14. **Сўзлаш қобилиятини йўқотиш** – бу жабрланувчининг ўз фикрини бошқаларга тушунарли бўлган аниқ товушлар воситасида ифодалаш имкониятидан маҳрум бўлиши. **Тилни йўқотиш** аъзони йўқотиш аломатига кўра, баданга оғир шикаст етказишга тааллуқлидир.

15. **Эшитиш қобилиятини йўқотиш** деганда, тула карлик ёки жабрланувчининг қулоғидан 3-5 см масофадаги оғзаки нутқни эшита олмаслигидек тузатиб бўлмас ҳолатни тушунмоқ керак. Бир қулоқнинг эшитиш қобилияти йўқолиши умумий меҳнат қобилиятининг 15 фоизини йўқотганлик белгисига кўра, баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказишга киради.

16. **Бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши** деб, одамнинг хаёт фаолиятини таъминлайдиган аъзоларидан (ички, ташқи) бирортасини, шу жумладан, жуфт аъзоларни ҳам ўзларига ҳос вазифаларни бажаришдан маҳрум этишни тушуниш лозим. Мазкур белгиларга кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш билан бирга, қуйидагилар ҳам тааллуқлидир:

– **қўл, оёқ ёки бошқа органи йўқотиш**, яъни мазкур аъзоларнинг гавдадан бутунлай ажралиб қолиши ёки вазифасини бажара олмайдиган ҳолга келиши тушунилиб, бундай ҳолларда жабрланувчи мазкур аъзолардан фойдаланиш имкониятини тула йўқотади (оёқ таяниш ёки ҳаракатланиш қобилиятини йўқотади, қўл ишга яроқсиз бўлиб қолади ва ҳоказо). Қўл ёки оёқнинг тирсак ёки тиззадан кесиб ташланиши қўл ёки оёқни йўқотиш, деб топилади. Бошқа барча ҳолатлар қўл ёки оёқнинг бир қисми йўқотилиши, деб қаралади ва аъзоларнинг меҳнат қобилиятини муайян даражада доимий йўқотиши аломати бўйича баҳоланиши лозим;

– **насл қолдириш қобилиятининг йўқотилиши** деганда, жинсий алоқа қилиш қобилиятини йўқотиш ёки уруғлантириш, ҳомиладор бўлиш ва бола туғиш қобилиятидан

маҳрум бўлиш тушунилади. Ушбу белгига кўра, бир меъёрдаги ковушиш қобилятининг йўқолишига сабаб бўлган жароҳат оғир тан жароҳати, деб топилади. Аёлларда бу бачадон, тухумдон ёки найларнинг жароҳатланиши ҳомиладор бўлиш, ҳомилани бир меъёрда кўтариб юриш ва туғиш имкониятидан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин. Эркакларда насл қолдириш қобилятининг йўқолиши уруғлатиш қобилятининг йўқотилишида ифодаланиши мумкин.

17. ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмида баданга оғир шикаст етказишнинг белгиларидан бири сифатида шахснинг атроф воқеликни туғри идрок этиши ва ўз хулқ-атворини назорат қилишига муҳим таъсир этадиган нормал рухий фаолиятнинг бузилишида намоён бўладиган **рухий ҳолатнинг бузилиши** кўрсатиб ўтилган. Бундай касалликлар идрок, тафаккур, хотира, ҳис-ҳаяжон, диққат, ирода, хоҳиш ва хулқ-атворнинг бузилиши билан боғлиқ бўлади. Рухий ҳолатнинг бузилиши вақтинчалик хусусиятга эга бўлиши ёки сурункалига айланиши мумкин.

Рухий ҳолатнинг бузилиши ташҳисини қўйиш ва унинг олинган жароҳатга боғлиқлиги психиатрик экспертиза билан аниқланади. Бундай шикастнинг оғирлик даражасини баҳолаш суд-тиббий эксперти иштирокида амалга оширилади.

18. Ҳаёт учун хавф туғдирмайдиган ҳамда бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши билан боғлиқ бўлмаган баданга шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг умуман соғлиғи бузилиб, **умумий меҳнат қобилятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисми доимий йўқолса**, мазкур баданга шикаст етказиш оғир шикаст етказиш, деб топилади.

ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмида жабрланувчига ҳуқуққа хилоф таъсир этиш натижасида умумий меҳнат қобилятининг йўқотилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бундай ҳолатда меҳнат қобилятининг йўқотилиши доимий, яъни мунтазам ёки маълум бўлмаган узоқ муддатга йўқотилган бўлиши лозим.

Баданга шикаст етказишни оғир, деб топиш учун умумий меҳнат қобилятининг камида учдан бирини йўқотиш ҳолатларини тушуниш зарур.

19. **Ҳомиланинг тушишига** сабаб бўлган баданга шикаст етказиш, агар ҳомиланинг тушиши организмнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлмасдан, баданга етказилган шикаст билан тўғридан-тўғри сабабий боғланишда бўлса, оғир, деб топилади.

Ҳомиланинг тушиши нафақат жисмоний зўрлик ишлатиш, балки рухий таъсир кўрсатиш (хужум туфайли каттик кўркиш, чўчиш ва ҳоказо) натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Ҳомиладорлик муддати ва ҳомиланинг яшаш қобилияти жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятсиздир.

Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига кўра, агар жабрланувчи ҳомиладор эканлигини айбдор англамаган бўлса, унинг баданга қасддан етказилган ва ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган шикаст фақат айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган ҳолда ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан, акс ҳолда ЖКнинг 111-моддаси билан эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилинмоғи лозим¹.

20. **Баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши** деганда, инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат (жумладан, механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва ҳоказолар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши, чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши, баданнинг яра босиши, бурун, лаб, қулоқнинг ажратилиши ва бошқа нуқсонлар) тушунилиши лозим².

Суд-тиббий эксперти баданга шикаст етказишни хунуклашиш сифатида тавсифламайди, чунки мазкур тушунча тиббий соҳага оид эмас. У етказилган бадан жароҳатларининг тузалмайдиган даражада эканлиги масаласинигина аниқлайди.

Шикастнинг тузалиши деганда, вақт ўтиши билан ёки жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ бўлмаган тиббий воситалар таъсирида патологик ўзгаришларнинг (чандиқлар,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 7-банд.

² Уша манба, 6-банд.

тиртикликлар, мимика бузилишлари ва хоказонинг) анча камайиб бориши тушунилади. Агарда шикастни йўқотиш учун жаррохлик аралашуви (косметик операция) талаб қилинса, баданга етказилган шикаст **тузалмайдиган**, деб ҳисобланади.

Жароҳатларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласи тергов органлари ва судга тегишли бўлиб, у томонидан жамиятда мавжуд эстетик тасавурлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бунда мазкур жароҳатларни кийим, соч турмаги ва бошқа йўсинда яшириш имконияти борлиги уларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласини ҳал этишга таъсир этмаслиги лозим¹.

21. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида оғирлаштирувчи ҳолатларда баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

22. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг «а» банди бўйича квалификация қилинади. Қилмишни ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиш учун аёлнинг ҳомиладор эканлиги ҳолати унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлган бўлиши лозим².

Сўзсиз, агарда аёлнинг ҳомиладорлиги анча муддатни ташкил этса, ҳомиладорлик белгилари кўриниб туради, бунда қилмишни квалификация қилиш кийин бўлмайди. Лекин агар жабрланувчининг ҳомиладорлиги қисқа муддатни ташкил этса, унинг ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлмаса ва унда жабрланувчига фақат тан жароҳати етказиш қасди аниқланса, ҳомиланинг тушиши ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми белгиси сифатида айбдорнинг айбига қўйилиши мумкин. Акс ҳолда шахс эҳтиётсизлик орқасида соғлиққа амалда етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Бунда олий суд инстанциясининг кўрсатмасига биноан, қилмишни ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «а» банди билан

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 6-банд, 3-хатбоши.

² Ўша манба, 7-банд.

квалификация қилиш учун хомилани туширишга нисбатан қасд мавжуд бўлиши, айбдорнинг ҳаракатлари хомиланинг тушишига олиб келмаган ҳолларда эса, баданга бошқа, тегишлича, оғир, уртача оғир шикаст етказилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳаракатлар, келиб чиққан оқибатлар бўйича, ЖКнинг баданга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан квалификация қилинади¹.

23. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган. ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «б» банди билан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига бундай шахс томонидан ўз хизмат фаолияти ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қасддан оғир шикаст етказган айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилиниши лозим.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда, жумладан, инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган мажбуриятларни бажаришга қаратилган ҳар қандай қонуний фаолияти тушунилади².

24. Ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «в» бандига мувофиқ квалификация қилинади. Баданга қасддан етказилган оғир шикастни ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорда жабрланувчига бундай шикастни алоҳида жисмоний ёки руҳий азоб берувчи усулда етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим.

Ўта шафқатсизлик баданга оғир шикаст етказишга сабаб бўлган азоблаш ва қийнашда намоён бўлиши мумкин. Бунда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 7-банд.

² Ўша манба, 8-банд, 2-хатбоши.



азоблаш деганда, узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби хўрловчи ҳаракатлар ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш ва ҳ.к. тушунилиши лозим. Қийнаш деганда, қўп марта ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказувчи, жумладан, муттасил дўппослаш, чимчилаш, кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан қўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш ва ҳ.к. билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозим¹.

Худди одам ўлдирish жиноятидагидек жабрланувчи учун яқин шахслар (унинг яқин қариндошлари ҳамда у билан алоҳида дўстлик муносабатларида бўлган шахслар) кўз унгида унинг баданига шикаст етказиш ҳолати ҳам башарти бунда айбдор уз ҳаракатлари билан уларга алоҳида азоб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан намоён этилган ўта шафқатсизлик ифодаси сифатида баҳоланиши лозим.

Баданга қасддан оғир шикаст етказиш усулини ўта шафқатсизлик хусусиятига эга, деб топиш масаласини ҳал қилиш суд-тиббийёт экспертнинг эмас, тергов органлари ва судлар ваколатига тааллуқли.

25. Оммавий тартибсизлик жараёнида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади. Баданга қасддан оғир шикаст етказишни оммавий тартибсизлик жараёнида содир этилган, деб ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилишда шуни назарда тутиш керакки, агар айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишдан ташқари яқсон қилиш, бузиш, ўт қўйиш ва шу каби бошқа жиноятлар содир қилинган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 9-банд, 2-хатбоши.

² Уша манба, 10-банд, 2-хатбоши

26. **Тамагирлик ниятида қасддан баданга оғир шикаст етказиш**, айти пайтда, босқинчилик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича квалификация қилинади¹. Агар оғир тан жароҳати босқинчилик жараёнида етказилган бўлса, қилмишни ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «г» банди бўйича баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган босқинчилик сифатида квалификация қилиш лозим.

27. **Безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш** ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «е» бандига мувофиқ квалификация қилинади ва ЖКнинг 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар айбдор мазкур жиноятдан ташқари яна безорилик жинояти белгилари мавжуд бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса, қилмиш ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди ва 277-моддасининг тегишли қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим².

28. **Миллатлараро ёки ирқий адоват замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш** ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «ж» бандида назарда тутилган. Жиноятни ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «ж» банди бўйича квалификация қилиш учун у бошқа мотивларда (масалан, муайян жабрланувчига нисбатан рашк, ўч олиш, шахсий келишмовчилик муносабати туфайли) эмас, балки айнан миллатлараро ёки ирқий адоват замирида (яъни бошқа миллатга, ирққа мансуб шахсни, унинг турмуш тарзини, кундалик турмушини, маданиятини, одатларини, оиладаги тартибини ёқтирмаслик ёки уларга нафрат билан қараш мотивлари билан ёхуд миллатлараро, ирқлараро адоват ёки нифоқ солиш мақсадида) содир этилганлиги аниқланиши лозим³.

29. **Диний таассублар замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш** ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «з» бандида назарда тутилган. Мазкур банд билан жабрланувчига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга онд ишлар бўйича суд амалиёти турғисида»ги 6-сонли қарори. 11-банд.

² Ўша манба, 12-банд.

³ Ўша манба, 13-банд.



нисбатан диний таассублар замирида унинг диний эътиқоди муносабати билан, аксарият ҳолларда, муайян диний конфессия шаъни ва обрўсини камситиш, диний адоват ёки ихтилоф кўзғатиш мақсадида қасддан етказилган. тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст квалификация қилиниши лозим¹.

30. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «и» бандига мувофиқ квалификация қилинади. Жабрланувчи баданига унинг органлари ёки тўқималарини қонунсиз олиш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам трансплантация мақсадида уни ўз органлари ёки тўқималарини беришга мажбурлаш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари натижасида киши органи ёки тўқимаси олинган бўлиши шарт бўлмай, унда трансплантат олиш мақсади борлиги аниқланишининг ўзи kifоя².

31. Бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг «к» бандига кўра квалификация қилинади. Мазкур банд олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар томонидан ҳам, олдиндан тил бириктирмаган бир гуруҳ шахслар томонидан ҳам баданга қасддан оғир шикаст етказиш ҳолларида шахсларнинг айбига қўйилиши зарур. Олий суд инстанциясининг кўрсатмасига мувофиқ, баданга оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган, деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бирок, баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айни пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 14-банд.

² Ўша манба, 15-банд.

этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилиши керак¹.

32. Агар жиноят қуролни ёки совук қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг «л» банди бўйича жавобгарлик назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ–550-сонли Қонуни²га биноан, **совук қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар** деганда – касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки кўлбола тарзда ясалган тирғли, кесувчи ашёлар (пичоклар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар) тушунилади.

33. Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган. Икки ва ундан ортиқ шахс баданига қасддан етказилган оғир шикаст, башарти айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, узлуксиз бир вақтнинг ўзида ёки жуда қисқа вақт ичида содир этилган бўлса, ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилиниши лозим³.

34. Такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан қасддан баданга оғир

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 16-банд, 2-хатбоши.

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги ЎРҚ–550-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 17-банд.

шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Қасддан баданга икки ва ундан ортиқ марта, уни содир этишга ягона қасд мавжуд бўлмаган ҳолда ва одатда турли вақтда оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «б» банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилинади.

Қасддан баданга етказилган оғир шикастни ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдор жиноятнинг ижрочиси ёки бошқа турдаги иштирокчиси эканлиги аҳамият касб этмайди. Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, айбдор томонидан муқаддам бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг таркибий қисмини қасддан оғир шикаст етказиш ташкил этилганлиги (масалан, шахс муқаддам босқинчилик, терроризм, безорилик, харбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва х.к. жиноятларни содир этган бўлса) қилмишни такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Қуриб чиқилаётган жиноят иштирокчилиқда содир этилганда, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси, факат, ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади¹.

35. Ўта хавfli рецидивист томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖК 104-моддаси 3-қисми «в» бандида назарда тутилган. (*Ўта хавfli рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34 ва 97-моддаларига берилган шарҳга қаранг*).

36. Уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади. (*Уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29 ва 97-моддалари шарҳига қаранг*).

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 18-банд, 4-хатбоши.

37. **Жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш** учун жавобгарлик ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича келиб чиқади.

Айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорнинг қасди жабрланувчининг баданига айнан оғир шикаст етказишга қаратилганлиги ва бу оғир шикаст унинг ўлимига олиб келганлигини аниқлаш зарур. Қасддан калтаклаш, муштлашиш, енгил тан жароҳати етказиш оқибатида жабрланувчи эҳтиётсизлик орқасида ҳаётдан маҳрум этилганда айбдорнинг қилмишлари эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш сифатида ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчи баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказилган бўлса-ю, оқибатда етказилган шикаст жабрланувчининг ўлимига олиб келса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 105-моддаси ва 102-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Қилмишни бундай квалификация қилиш учун айбдор мазкур аниқ вазиятда сабабий боғланишнинг бундай ривожланишига қўзи етиши мумкинлиги ва лозимлиги аниқланиши лозим. Акс ҳолда унинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 105-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

38. **Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш** жиноятини қасддан одам ўлдириш жиноятдан фарқлаш айбдор қасдининг мазмуни ва йўналтирилганлиги бўйича амалга оширилади. Яъни, агар айбдорнинг ҳаракатлари унда баданга оғир шикаст етказишга тўғри ёки эгри қасд ҳамда одам ўлдиришга нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжудлигидан далолат бераётган бўлса, унинг ҳаракатлари жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорнинг қасди жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган ёки бундай оқибат унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича квалификация қилиниши зарур.

Айбдор қасдининг мазмуни тўғрисидаги масалани ечишда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини, жумладан, жиноятни содир этиш усуллари ва қуроллари, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиной ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари эътиборга олиниши зарур.

39. Олий суд Пленумининг тушунтиришларига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятни эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан ҳам фарқлаш зарур. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан ҳам, уни ўлдириб қўйишга нисбатан ҳам қасд бўлмаслиги тақозо этилса, жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилганда эса, шахснинг қасди жабрланувчига шундай шикаст етказишга қаратилган бўлади¹.

40. Тегишли қилмишларни баданга оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилишда эътиборни шунга ҳам қаратиш зарурки, агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига қўзи етмаган, бироқ қўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд қўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖК 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилинади. Бундай пайтда баданга қасддан етказилган шикастлар алоҳида юридик баҳоланиши лозим. Бундай ҳаракатларда жиной ҳазога сазовор қилмиш белгилари мавжуд бўлса, жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича келиб чиқади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 20-банд.

Агар зўрлик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказилган бўлиб, жабрланувчининг айбдор эҳтиётсизлик шаклида субъектив муносабат билдирган ўлими олинган жароҳатлар, масалан, йиқилиш оқибатида келиб чиққан бўлса, қилмиш қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жиноятлари мажмуи бўйича квалификация қилинади»¹.

41. ЖК 104-моддаси 2 ёки 3-қисмларининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир шикаст етказиш ушбу бандларнинг барчаси билан квалификация қилинади. Бундай ҳолларда жазо бир неча квалификация белгиси мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 104-моддасининг ҳам 2. ҳам 3-қисмларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, барча қилмиш ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлиб, бироқ шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда ва ҳукмда барча квалификация белгилари кўрсатилиши шарт².

105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фонздан ўттиз уч фонзигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш –

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 22-банд.

² Уша манба, 21-банд, 1 ва 2-хатбошилар.



уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) ўта шафқатсизлик билан;
- д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- е) тамағирлик ниятида;
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;
- и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;

л) ўта хавфли рецидивист томонидан;

м) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан, энг аввало, шуниси билан фарқ қиладики, у ҳаёт учун хавфли бўлмайди ва одатдагидек кечганида инсоннинг ўлимига олиб келиши мумкин эмас. Бундан ташқари, баданга ўртача оғир шикаст етказиш баданга оғир шикаст етказишга хос бўлган оқибатларни келтириб чиқармайди.

2. Баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг **асосий белгилари** қуйидагилардир:

– етказилаётган пайтда шахс ҳаётига хавфнинг мавжуд эмаслиги;

– соғлиқнинг камида йигирма бир кун, бироқ, тўрт ойдан кўп бўлмаган даврга ёмонлашуви;

– умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолиши.

3. Агар қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан (*ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «а» банди шарҳига қаранг*);

б) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «а» банди шарҳига қаранг*);

в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «б» банди шарҳига қаранг*);

г) ўта шафқатсизлик билан (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «в» банди шарҳига қаранг*);

д) оммавий тартибсизликлар жараёнида (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «г» банди шарҳига қаранг*);

е) тамагирлик ниятида (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «д» банди шарҳига қаранг*);

ж) миллатлараро ёки иркий адоват замирида (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «ж» банди шарҳига қаранг*);

з) диний таассублар замирида (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «з» банди шарҳига қаранг*);

и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб (*ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «к» банди шарҳига қаранг*);

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан (*ЖКнинг 32, 34, 97-моддалари ва 104-моддасининг 3-қисми «б» банди шарҳига қаранг*);

л) ўта хавфли рецидивист томонидан (*ЖКнинг 34 ва 97-моддалари шарҳига қаранг*);

м) қуролни ёки совук қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса (ЖКнинг 104-модда 2-қисм шарҳига қаранг).

106-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш

Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек айбдорнинг ёки унинг яқин кишисининг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 106-моддаси бўйича квалификация қилиш учун жабрланувчи баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилганлигини ва бунда айбдор тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлигини аниқлаб олиш зарур. (*Баданга оғир шикаст етказиш, баданга ўртача оғир шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш тушунчалари тўғрисида* ЖКнинг 98, 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).

2. Қилмишни ЖКнинг 106-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шarti – субъект томонидан жиной куч ишлатиб содир этилган ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф таъжовуддан ҳимоя воситаси бўлганлиги. Акс ҳолда, улар зарурий

мудофаа қоидаларига кўра баҳоланиши керак бўлади. Баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдор қилмишларини ЖКнинг 106-моддаси бўйича квалификация қилиш жабрланувчи ҳаракатлари шахсининг муҳим манфаатларига чинакам хавф турдирмаган ва шу боис зарурий мудофаани тақозо этмаган ёки ҳужум тугаган ва ундан химояланишнинг зарурати қолмаган ҳолатлардагина мумкин бўлади.

3. Олий суд Пленумининг тушунтиришларига кўра, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, ҳатто ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам тегишлича ЖКнинг 104, 105-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида ўлимга сабаб бўлган ҳолда ҳам ЖКнинг 106-моддаси билан квалификация қилиниши лозим¹.



107-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмай, баданга оғир шикаст етказиш жиноят, деб топилмайди. (*Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тўғрисида 37-модданинг шарҳига қаранг*).

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 23-банд.

2. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга шикаст етказиш, жароҳат баданга оғир шикаст етказиш тоифасига мансуб бўлмаган тақдирда, жиноятни вужудга келтирмайди.

3. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида ва зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга шикаст етказиш фақат ЖКнинг 107-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолда шахснинг ҳаракатларини қўшимча ЖКнинг 106-моддаси билан квалификация қилиш талаб этилмайди.

4. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш, ҳатто ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам ЖКнинг 104-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида улимга сабаб бўлган ҳолда ҳам ЖКнинг 107-моддаси билан квалификация қилиниши лозим¹.

108-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 108-моддаси бўйича квалификация қилиш учун жабрланувчи баданига оғир шикаст

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 23-банд.

етказилганлигини ҳамда айбдор бундай шикастни етказишда ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиққанлигини аниқлаш зарур. *(Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш ҳақида ЖКнинг 39-моддасига берилган шарҳга қаранг. Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).*

2. Баданга оғир шикаст етказиш, тўсатдан пайдо бўлган кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилганлигига қарамай, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш натижасида содир бўлганида, ЖКнинг 108-моддаси бўйича квалификация қилинади.

3. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш, хатто ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам ЖКнинг 104-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида улимга сабаб бўлган ҳолда ҳам тегишлича ЖКнинг 108-моддаси билан квалификация қилиниши лозим¹.



109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 23-банд.

жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортик, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида** соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган баданга енгил шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундай шикастларга унча аҳамиятли бўлмаган, олти кундан ортик муддатга чўзилмаган, тез ўтиб кетадиган шикастлар тааллуқлидир (лат ейиш, тирналиш, шилиниш, унча катта бўлмаган ғурра ва ҳоказолар).

2. Содир этилган қилмишни ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилишда инobatга олиш лозимки, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш учун жиноий жавобгарлик фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган ҳолдагина келиб чиқади¹.

3. Агар айбдорнинг ҳаракатлари жабрланувчи баданига енгил шикаст етказиб, унинг соғлиғини қисқа муддатга ишдан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича сул амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 24-банд, 2-хатбоши.



чиқарса ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига олиб келса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

Қисқа муддатли сифатида соғлиқнинг олти кундан ортиқ, лекин йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви эътироф этилиши зарур.

Меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотиш деганда, умумий меҳнат қобилиятининг ун фоизигача йўқотилишини тушуниш лозим.

4. Дўппослаш, жисмоний оғриқ берадиган, бироқ ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган соғлиқнинг ёмонлашувига олиб келмайдиган бошқа зўравонлик ҳаракатларни жисмоний азоб бермайдиган, лекин шахсга маънавий зиён етказадиган ҳаракат билан ҳақорат қилишдан (ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми) фарқлаш керак бўлади. Бундай ҳаракатлар жумласига, масалан, шахснинг кадр-қимматини камситадиган, аммо айтарли жисмоний оғриқ бермайдиган шапалоқ уриш, юзга тупуриш, аёл баданига ҳаёсизларча тегиш, кийимни куч ишлатиб юлиб олиш кабилар киради.

110-модда. Қийнаш

Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Қийнашнинг **объекти** деб, жабрланувчининг соғлиғи ёки баданининг дахлсизлигини ҳисоблаш лозим.

2. **Объектив томондан** жиноят ЖКнинг 104, 105-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган муттасил равишда дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқача ҳаракатлар содир этишда ифодаланади.

Қийнаш деганда, муттасил равишда дўппослаш ёки жабрланувчига оғир жисмоний ва руҳий азоб, оғриқ, азият берадиган бошқа ҳаракатларни (чимчилаш, хипчин билан кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан кўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, термик таъсир кўрсатиш ва ҳоказо билан боғлиқ ҳаракатлар) содир этиш билан боғлиқ қилмиш тушунилади.

3. **Дўппослаш** деганда, жабрланувчига кўплаб зарба бериш, унинг калтакланиши тушунилади.

Қийнаш хусусиятига эга бўлган **бошқа ҳаракатлар** деганда, санаб ўтилганлардан ташқари уйқудан, овқатдан, сувдан махрум қилиш, совуқ жойда сақлаш, боғлаш, тишлаш ва бошқаларни тушуниш лозим.

4. Қийнашда **муттасиллик** ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни уч карра ва бундан ортиқ марта содир этишдан иборат бўлиб, бу айбдор шахс жинойий хулқ-атворининг доимийлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, муттасиллик айнан бир хил ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг такрорланишинигина эмас, балки айбдор жинойий хулқ-атворининг умумий йўналиши намоён бўлишини кузатиш имкониятини берадиган бир қатор бундай ҳаракатларнинг айбдор томонидан содир этилишини назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, айбдор томонидан бир неча марта

содир этилган барча жиноий қилмишлар бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак.

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 110-моддаси билан квалификация қилиш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар қасддан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта содир этилганлиги аниқланиши лозим¹. Бошқача қилиб айтганда, қийнаш жиноятида дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган ва муайян жабрланувчига муттасил жисмоний ва маънавий азоб бериш мақсадида содир этилган бўлиши лозим.

5. Қийнашни содир этишда айбдор жиноят объектив томонини бажаришнинг айнан шундай усулини онгли равишда танлайдики, бунда у ўзи хоҳлаган оқибатларга – жабрланувчига жуда каттик оғриқ етказишга ёки уни азоб-уқубатга солишга эришади. Дўппослаш ва шикаст етказишнинг усули, воситаси, уларнинг хусусияти – буларнинг барчаси айбдорнинг нияти ўз қурбонига ўзига хос жисмоний оғриқ етказишга ёки уни азоб-уқубатга солишга қаратилганлигидан далолат беради.

6. Қийнаш баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Баданга бундай шикаст етказилган тақдирда, қилмиш ЖКнинг 110-моддаси билан қамраб олинади ва ЖКнинг 109-моддаси билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди. Агар қийнаш жараёнида баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса қилмишни, бундай жароҳат етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 104 ёки 105-моддаси билан квалификация қилиш лозим бўлиб, уни ЖК 110-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди².

7. Жиноят муттасил равишда дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан **тугалланган**, деб топилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 25-банд, 1-хатбоши.

² Ўша манба, 25-банд 2 ва 3-хатбошилар.



8. Қийнаш **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади, яъни шахс ўз ҳаракатлари билан жабрланувчига жисмоний ва (ёки) маънавий қийноқлар ва укубатлар етказаетганлигини англаб етади ва буни истайди.

9. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:**

- вояга етмаган шахсга нисбатан;
- хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан

содир этилган қийнаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Агарда жабрланувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса ва бундан айбдор дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш вақтида хабардор бўлса, қилмиш ЖКнинг **110-моддаси 2-қисми «а» банди** бўйича квалификация қилинади.

Айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг **110-моддаси 2-қисми «б» банди** бўйича квалификация қилишда айбдор қийнашни содир этишидан олдин аёлнинг хомиладорлигини билганлигини аниқлаш зарур. Бунда хомиладорлик муддатлари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

ЖКнинг **110-моддаси 2-қисми «в» банди**ни шахснинг айбига қўйиш учун айбдор жабрланувчининг ожиз аҳволдалигини аниқ билган ёки билмаганлигини аниқлаш лозимдир.

111-модда. Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш

Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз

олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки баданга оғир шикаст етказиш –

базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача микдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. (Баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш белгилари тўғрисида ЖКнинг 104 ва 105-моддалари шарҳига қаранг).

2. (Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 22-моддаси шарҳига қаранг).

3. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига эҳтиётсизлик билан ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 111-моддаси 3-қисми бўйича келиб чиқади.

4. Агар эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса ва бу ЖКнинг тегишли моддаларида кўрсатилган махсус қоидаларни (масалан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини ва хоказоларни) бузиш оқибатида юз берган бўлса, қилмиш махсус жиноят таркиблари учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг Махсус қисми моддалари бўйича квалификация қилинади.

5. Жабрланувчининг ўлимига олиб келган эҳтиётсизлик билан баданига шикаст етказиш ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

6. Бир шахсга эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш билан бир вақтда эҳтиётсизлик

туфайли бошқа кишининг ўлими юз берса, бундай қилмиш ЖКнинг 102 ва 111-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар мажмуини вужудга келтиради.

III боб. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР

112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса, –

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** шахснинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноят **объектив томондан** ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланади, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш бўйича ошкора ифода этилган айбдорнинг ниятини тушуниш керак.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, жабрланувчининг соғлиғига зарар етказиш бўйича ошкора ифода этилган айбдорнинг ниятини тушуниш лозим. Жиноятни ЖКнинг 112-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдор жабрланувчини унга нисбатан айнан қандай зўрлик ишлатиш билан қўрқитгани ахамиятсиздир.

3. Қилмишни ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шарти қўрқитишнинг бир қатор шартларга мувофиқ бўлиши ҳисобланади. Хусусан, қўрқитиш объектив жиҳатдан **реал** бўлиши, яъни умуман олганда уни яқин вақт ичида амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Қўрқитишни амалга оширишнинг реаллиги барча иш ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аниқланади, бунда, жумладан, қуйидаги ҳолатларни ўрганиш лозим: айбдорнинг шахси; жабрланувчи билан улар ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти; қўрқитишни ифода этишнинг жойи, вақти, вазияти ва усуллари; айбдорда қуролнинг ёки жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш ёки унинг соғлиғига зарар етказиш воситаси бўлиши мумкин бўлган бошқа предметларнинг мавжудлиги ва ҳоказо.

Амалга оширилиши мумкин бўлмаган ёки рўёбга чиқарилиши фараз қилинган ҳолатлар юз беришини тақозо этадиган қўрқитишни реал, деб топиш мумкин эмас. Масалан, одамни унинг бориш ниятида бўлмаган у ёки бу шаҳарда, кишлоқда пайдо бўлса ўлдириш билан қўрқитиш. Шунингдек,

хали умуман турмушга чикиш ниятида бўлмаган аёлни бўлғуси эрини ўлдириш билан қўрқитиш ҳам реал эмас.

4. Қўрқитиш **аниқ** бўлиши керак, яъни жабрланувчига муайян зарар етказиш ниятини ичига олган бўлиши керак. Бунда қўрқитишнинг аниқлик даражаси турлича бўлиши мумкин: айбдор жабрланувчини ўлдириш ёки унинг соғлиғига зиён етказишнинг усули, қуроли ҳақида айтмаслиги мумкин, лекин жабрланувчида кучли қўрқув ҳосил қилиш мақсадида айбдор унга ўлдиришни қандай усул ва қуроллардан фойдаланиб амалга ошириши, бўлажак кийноқлар, азоблар ва бошқалар ҳақида маълумот бериши мумкин.

Ноаниқ тусдаги қўрқитишлар жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин эмас, чунки улар аниқ бир зарар етказиш ниятини ўз ичига қамраб олмайди. Албатта, бу айбдор жабрланувчига қандай зарар етказмоқчи бўлганини, яъни кўзини ўйиб олиш, юзини дабдала қилиш, бичиб қўйиш каби шикаст етказмоқчилигини мутлақо аниқ айтиши кераклигини билдирмайди. Аммо, нима бўлганда ҳам, агар сўз, масалан, ўлдириш билан қўрқитиш ҳақида бораётган бўлса, одамни ўлдиришга бўлган ният аниқ ошқора ифодаланган бўлиши керак. Жиноий жазога лойиқ қўрқитиш аниқ бир шахсга қаратилган бўлиши лозим. Умумий тусдаги, бирон-бир кишига аниқ қаратилмаган қўрқитишлар шахсни ЖКнинг 112-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

5. Қўрқитишнинг энг муҳим белгиларидан бири унинг **ҳақиқийлигидир**. ЖКнинг 112-моддаси 1-қисми диспозициясида қўрқитишнинг ҳақиқийлиги белгиси унинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар мавжуд бўлиши тарикасида очиб берилган. Айнан жабрланувчига амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар берадиган сифатларга эга бўлган қўрқитиш ҳақиқий, деб топилмоғи лозим. Жабрланувчида қўрқитишнинг амалга оширилишидан хавфсираш учун асослар бўлган ёки йўқмиди деган масалани ҳал қилишда айбдор айтган сўзларнинг мазмунини, қўрқитишга сабаб бўлган можаронинг жиддийлигини, кескинлигини, қўрқитувчи ва қўрқитилувчи ўртасида вужудга келган муносабатлар хусусиятини ҳисобга олиш керак бўлади.

Қўрқитишнинг жабрланувчи томонидан идрок этилишига қўрқитиш ифода этилаётган вазият ҳам таъсир кўрсатади, масалан, у ҳеч кимдан ёрдам олиш мумкин бўлмаган хилват жойда ва ҳ.к. ҳолатларда бўлиши мумкин.

6. Қўрқитиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин, қўпича у кимга қаратилган бўлса, бевосита ўша шахсга оғзаки айтилади. Лекин қўрқитиш ёзма равишда, телефон, телеграф орқали, қуролни ёки унинг ўрнини босувчи нарсани кўрсатиш йўли билан, рамзий ишоралар ёки бадан ҳаракатлари (бирон-бир нарсани унга ўқталиб, баданига пичоқ тираб ва ҳ.к.) орқали билдириши мумкин.

7. Айбдор қўрқитишни жабрланувчига етказгани заҳотиёқ жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Бунда жабрланувчига мазкур қўрқитиш таъсир қилган ёки қилмаганлигининг аҳамияти йўқ.

8. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг мотивлари ҳар хил (ўч, рашк ва бошқалар) бўлиши мумкин, бироқ қилмишни ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилишга мазкур мотивлар таъсир қилмайди.

9. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг мақсадларини аниқлаш жуда муҳимдир. Субъектив томоннинг айнан мазкур белгисига кўра ушбу жиноятни бошқа ўхшаш жиноят таркибларидан ажратиш мумкин бўлади. Масалан, жабрланувчини жиноятчига мулкни топшириш, мулкий манфаатлар беришга мажбур қилиш мақсадида қўрқитиш товламачилик жиноятини (ЖКнинг 165-моддаси), ўзганинг мулкни талон-торож қилиш учун ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш босқинчилик жиноятини (ЖКнинг 164-моддаси), аёл билан жинсий алоқа қилиш учун зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш эса, номусга тегиш жиноятини (ЖКнинг 118-моддаси) ташкил қилади. Айни пайтда, масалан, агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш номусга тегиш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини қўрқитиш ва воқеа ошқора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича

ЖКнинг 118-моддаси ва 112-моддаси буйича квалификация қилинади¹.

10. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ута хавфли рецидивист томонидан (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг) ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кузлаб (ЖКнинг 29, 30 ва 97-моддалари шарҳига қаранг) содир этилганда, айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг **112-моддаси 2-қисми** буйича квалификация қилиш лозим.

11. Уз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан улдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг) ҳаракатлари ЖКнинг **112-моддаси 3-қисми** буйича квалификация қилинади.

113-модда. Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш

Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юктириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондиришга доир ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 5-банд 2-хатбоши.

озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, – уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** шахснинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш, яъни ўзида таносил касаллиги борлигини ёки мазкур касалликнинг бошқа манбалари мавжудлигини билган шахснинг ушбу касалликни жабрланувчига юктириш реал хавфини вужудга келтирувчи ҳаракатларни содир этиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

3. **Била туриб** деганда, айбдорнинг ўзида таносил касаллиги борлигини ёки мазкур касалликнинг бошқа манбалари мавжудлигини билгани ҳолда жабрланувчини касалликни юктириш хавфи остида қолдириши тушунилади.

4. **Таносил касалликлари** деганда, қоида тариқасида, жинсий алоқа қилиш орқали юктириладиган инфекцион касалликлар гуруҳи тушунилади. Булар жумласига сифилис, сўзак, перелой, триппер, юмшоқ шанкр, мояклар (жинсий) лимфогранулсематози ва бошқалар киради. Таносил касаллигининг характери, уни даволаш мумкинлиги ёки унинг тиббий хусусиятлари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

5. Шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш шахс томонидан жабрланувчининг таносил касаллигига чалиниши мумкин бўлган турли ҳаракатлар содир этишидан (жинсий алоқа қилиш, қон қуйиш, стерилланмаган тиббиёт асбобларидан фойдаланиш, битта идиш-товоқдан овқатланиш, таносил касалликларига чалинган шахс томонидан бошқа гигиеник қоидаларга риоя қилмаслик ва бошқалар) иборат бўлади. Мазкур ҳолатда юктириш нафақат тасодифий ҳолатлар ёки жабрланувчи ўзига касалликни юктирмаслик учун кўрган чоралар туфайли юзага келади. Бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

6. Таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш бошқа шахсга таносил касаллигини юктиришнинг реал хавфини юзага келтирадиган ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан, кўрсатилган оқибатлар юз берганлигидан қатъи назар, **туғалланган** жиноят деб топилади.

7. ЖКнинг 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган **Жиноят субъектив томондан** фақат тўғри қасд билан содир этилади, чунки айбдор ўзида таносил касаллиги борлигини ҳамда жабрланувчига ушбу касалликни юктиришнинг реал хавфи мавжудлигини била туриб, жабрланувчини мазкур хавф остида онгли равишда қолдиради.

8. ЖКнинг 113-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, таносил касаллиги

билан касалланганидан қатъи назар, ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

9. Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юктириш, яъни жабрланувчига таносил касаллиги юктирилишига олиб келадиган ҳаракатлар айбдор томонидан содир этилиши ЖКнинг **113-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

Мазкур жиноят жабрланувчига таносил касаллиги юктирилган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади. ЖКнинг 113-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун айбдорнинг ҳаракатлари билан жабрланувчига таносил касаллиги юктирилиши каби юзага келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар мазкур оқибатлар юзага келмаса ёки сабабий боғланиш аниқланмаса, айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 113-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

10. ЖКнинг 113-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** тўғри ёки эгри қасд билан тавсифланади, чунки айбдор ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, жабрланувчига мазкур касалликнинг юктирилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этади ва бунда мазкур оқибатлар юзага келишини хоҳлайди ёки бунга онгли равишда йўл қўяди.

11. ЖКнинг **113-моддаси 2-қисми**да кўзда тутилган жиноятнинг субъекти фақатгина ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс бўлиши мумкин. Айбдор ўзида таносил касаллиги мавжудлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолларда у ЖКнинг 113-моддаси бўйича жавобгарликка тортилмайди.

12. ЖКнинг **113-моддаси 3-қисми** икки ёки ундан ортиқ шахсни ёхуд вояга етмаган шахсни олдиндан била туриб, таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки мазкур шахсларга бу касални юктириш учун жавобгарликни назарда тутди.

13. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 113-моддаси 3-қисми бўйича икки ёки ундан ортиқ шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки уларга

бу касални юктириш белгиси бўйича квалификация қилиш учун аввалги таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки бу касални юктириш жинояти содир этилганидан сунг жинойи жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаганлигини аниқлаш лозим.

14. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 113-моддаси 3-қисми бўйича вояга етмаган шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга бу касални юктириш белгиси бўйича квалификация қилиш учун жабрланувчи ўн саккиз ёшга тўлмаганлигидан айбдор хабардор бўлганлигини аниқлаш керак. Айбдор вояга етмаган шахснинг ёшига нисбатан янглишган ҳолларда унинг ҳаракатлари ЖКнинг 113-моддаси 1 ёки 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

15. Била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш учун жавобгарлик ЖКнинг **113-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган.

ОИВ касаллиги/ОИТС (орттирилган иммунитет тан-кислиги синдроми) – инсон организмнинг ҳар қандай касалликка қарши курашиш қобилиятининг йўқолишидир.

16. Жиноят у ёки бу сабаблар туфайли ОИВ касаллиги / ОИТС юкмаган бўлса ҳам шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдириш ёки мазкур касаллик юктириш пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Шахсга касалликни юктиришдан иборат жинойи оқибатларнинг келиб чиққанлиги қилмишни ЖКнинг 113-моддаси 4-қисми бўйича квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас, лекин бу ҳолат жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим.

17. ЖКнинг 113-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо, ОИВ касаллиги/ОИТС билан касалланганидан қатъи назар, ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

18. ЖКнинг **113-моддаси 5-қисмида** шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юктириши учун жавобгарлик назарда

тутилган. (Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 116-моддаси шарҳига қаранг).

19. ЖК 113-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти касби билан боғлиқ муайян вазифалар зиммасига юклатилган 16 ёшга тулган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Хусусан, операцияни ўтказиш учун стерилланмаган асбоблардан фойдаланган ёки қуйиш учун мўлжалланган қонни тегишли равишда текширмаган тиббиёт ходими мазкур жиноятнинг субъекти сифатида эътироф этилиши мумкин.

20. Жабрланувчининг ўз хоҳиши билан таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолиши жабрланувчини таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириш хавфи остида қолдирган ёки унга бу касалликларни юктирган ҳамда бу касалликлар ўзида борлигини билган шахсни жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

114-модда. Жинойий равишда ҳомила тушириш (аборт)

Шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йнгирма беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга ошириши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йнгирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида:

а) жабранувчининг ўлишига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** ҳомиладор аёлнинг (ҳомиланинг эмас) ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлардир.

2. **Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига** мувофиқ, сунъий равишда ҳомила тушириш (аборт):

– даволаш муассасасидан ташқари жойларда амалга оширилган;

– тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда амалга оширилган бўлса, жинсий равишда амалга оширилган, деб топилади;

3. Сунъий равишда ҳомилани тушириш **тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолатлар** жумласига қуйидагилар кириши мумкин:

– оғир ёки ўртача оғир кечадиган сўзак, жинсий аъзоларнинг оғир ёки ўртача оғир кечадиган яллиғланиш жараёнлари мавжудлиги, жойлашган жойидан қатъи назар, йиринг ўчоқлари мавжудлиги, оғир кечадиган юқумли касалликлар мавжудлиги;

– 12 ҳафтадан ортиқ муддатдаги ҳомиланинг мавжудлиги;

– аввалги сунъий равишда ҳомилани туширишдан кейин 6 ой ўтмасдан сунъий равишда ҳомилани тушириш, шунингдек, сунъий равишда ҳомилани тушириш бўйича йўриқномада назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

4. Тиббий муассасадан ташқари жойда амалга оширилган сунъий равишда ҳомилани тушириш, сунъий равишда

хомилани тушириш тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолатлар борлигидан қатъи назар, жиноий деб топилади.

5. Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахс бундай ишни амалга оширса, жиноятни ЖКнинг **114-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилиш керак. Бунда сунъий равишда хомилани тушириш тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолатларнинг бор-йўқлиги, шунингдек, сунъий равишда хомилани тушириш амалга оширилган жой квалификацияга таъсир қилмайди.

Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга қуйидагилар киради:

– акушер-гинекологлардан ташқари барча тоифадаги шифокорлар, яъни олий тиббий маълумотга эга бўлган шахслар;

– ўрта тиббий маълумотга эга бўлган шахслар (акушерлар, тиббиёт ҳамширалари ва ҳоказолар);

– тиббиёт касбига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳар қандай бошқа шахслар.

6. Абортни ноқонуний равишда амалга ошириш хомилани сунъий равишда тушириш бошланган пайдан эътиборан **тамом бўлган жиноят**, деб топилади. Агар айбдорнинг ҳаракатлари хомилани туширишга қаратилган бўлса-ю, лекин аборт бошланмаган бўлса, мазкур ҳаракатлар иш ҳолатларига қараб, жиноий равишда ҳомила туширишга тайёргарлик кўриш ёки суикасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

7. Сунъий равишда ҳомила тушириш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин (жарроҳлик, механик, токсик, термик, медикаментоз ва ҳ.к.) ва улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

8. Агар ҳомиланинг тушиши аёл соғлиғига шикаст етказиш натижасида юз берган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 114-моддаси билан эмас, балки қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 104-моддаси билан хомиланинг тушиши белгиси бўйича квалификация қилинади. Сунъий равишда ҳомила тушириш жабрланувчи аёлнинг розилигисиз амалга оширилган ҳолларда

хам қилмиш ЖКнинг 104-моддаси бўйича квалификация қилинади.

9. **Субъектив томондан** ЖКнинг 114-моддаси 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган жиноятлар фақат тўғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

10. ЖКнинг 114-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** шифокор акушер-гинеколог, ЖКнинг 114-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса, 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

11. Агар сунъий равишда ҳомила туширишни амалга оширган шахс охири зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлса (масалан, ҳомиладор аёлнинг ҳаёти хавф остида қолган тақдирда, даволаш муассасасидан ташқари жойда ёки тиббий нуқтан назардан мумкин бўлмаган ҳолда ҳомила туширилганда), жиной равишда ҳомила тушириш учун жавобгарлик вужудга келмайди.

12. Ҳомиласини ўзи сунъий равишда туширган ёки уни ўзгалар ёрдамида жиной равишда туширтирган аёл, жиной жавобгарликка тортилмайди.

13. Жиной равишда ҳомила тушириш натижасида:

а) жабрланувчининг ўлими юз берса;

б) бошқача оғир оқибатлар вужудга келса, шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг **114-моддаси 3-қисми** бўйича квалификация қилинади.

14. Жабрланувчининг ўлими юз бериши вақти – сунъий равишда ҳомила туширилаётганда ёки бундан сўнг – қилмишни ЖКнинг 114-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

15. Жиной равишда ҳомила тушириш натижасида пайдо бўлган **бошқа оғир оқибатларга**: баданга оғир шикаст етказиш билан жабрланувчининг соғлиғига зарар етказилишини (масалан, бола туғиш қобилятидан маҳрум бўлиш, бачадонни кесиб ташлаш), рухий фаолиятининг бузилишини ва бошқа шу қабиларни киритиш лозим.

16. Айбдор қилмишларини ЖКнинг 114-моддаси 3-қисми бўйича квалификация қилиш учун содир этилган жиной

равишда ҳомила тушириш билан жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим. Жиноятнинг субъектининг бундай оқибатларга нисбатан айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

17. Агар жиноий равишда ҳомила туширишни амалга оширган айбдорда жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига нисбатан эгри ёки тўғри қасд мавжуд бўлса, унинг ҳаракатлари иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 97-моддаси ёки 104-моддаси тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

115-модда. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш

Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, агар ҳомила сунъий туширилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** ҳомиладор аёлнинг ҳаёти ва (ёки) соғлигининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, яъни ҳомиладор аёлни хоҳиш-иродасига қарши равишда ҳомиласини туширишга мажбурлаш мақсадида унга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ёки бошқача усулда таъсир кўрсатиш, агарда бунинг натижасида ҳомила сунъий равишда туширилган бўлса, кўриб чиқиляётган жиноятнинг **объектив томонини** ташкил қилади.

3. Ҳомилани сунъий равишда туширишга **мажбурлаш** деганда, ҳомиладор аёлни ўз ҳомиласини туширишга зўрлаш

мақсадида унга нисбатан уни ёмонроқ аҳволга қўядиган (моддий таъминотдан маҳрум қилиш, уйдан ҳайдаш билан қўрқитиш ва ҳоказо) ёки ҳуқуққа хилоф тусга эга бўлган (жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш) таъсир кўрсатишни тушуниш лозим.

4. **Жисмоний зўрлик ишлатиш** кўриб чиқиладиган жиноят объектив томонининг элементи сифатида дўшманлашда, қийнашда, борлашда ва тиббий муассасага мажбурий келтиришда, баданга енгил шикаст етказишда, зўрлик ишлатиб гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишда намоён бўлиши мумкин.

Жабранувчини ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш усули сифатида айбдор томонидан ҳомилдор аёл баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган бўлса, қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 115-моддаси (агар ҳомила туширилган бўлса) ва ЖКнинг 104-моддаси ёки 105-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиш лозим.

5. **Руҳий зўрлик ишлатиш** деганда, агар айбдорда бунга ҳақиқий имконият мавжуд бўлса ва жабранувчида ундан хавфсираш учун барча асослар мавжуд бўлса, жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш тушунилади.

6. ЖКнинг 115-моддаси бўйича фақат жинсий бўлмаган ҳомила туширишга мажбурлаш ҳолатлари квалификация қилинади.

Айбдор аёлни жинсий равишда ҳомила туширишга мажбур этаётганлигини билса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддаси 4-қисми ва 114-моддаси бўйича жинсий равишда ҳомила туширишга далолатчилик қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

7. Жиноят ҳомила сунъий равишда туширилган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** жиноят фақат туғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотивлари квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

9. **Жиноятнинг субъекти** жабрланувчи ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишдан манфаатдор бўлган 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

115¹-модда. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) туқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш

Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) туқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инсон аъзолари ва туқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонуни¹ қабул қилиниши муносабати билан мазкур кодекс Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) туқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбур қилганлиги учун

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва туқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги УРҚ–768-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.



жиной жавобгарликни назарда тутувчи янги норма билан тулдирилди¹.

2. Жиноятнинг **объекти** тирик донорнинг хаёти ва соғлиғи, шунингдек, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

3. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига кўра «Ҳеч бир шахс устидан ўзининг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас» (Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт, 1966 йил 16 декабрь, 7-моддаси).

Шунингдек, «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси реципиентнинг ёзма розилиғи билан амалга оширилади. Бунда реципиент бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида имзо қўйдирилиб огоҳлантирилиши керак. Ушбу жараён мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этилади. Агар реципиент ун саккиз ёшга тўлмаган бўлса ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёхуд реципиентнинг ўзидан розилик олишнинг имкони бўлмаса, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вақилининг ёзма розилиғи билан амалга оширилади².

4. **Трансплантация** деганда, реципиентда мавжуд бўлмаган ёхуд шикастланган, ўзининг муҳим хаётий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 23 июндаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-780-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ЎРҚ-768-сонли Қонуни, 10-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

вазифаларини бажаришга қодир бўлмаган аъзоларни ва (ёки) тўқималарни тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган аъзоларга ва (ёки) тўқималарга жаррохлик амалиёти ёки муолажа ўтказиш йўли билан алмаштириш¹ тушунилиши лозим.

Шарҳланаётган модда мазмунидаги **инсон аъзоси** – инсон организмида муайян вазифани бажарувчи турли хил хужайралар ва тўқималарнинг алохида мажмуи.

Инсон тўқимаси – умумий келиб чиқиши, тузилиши ва инсон организмида бажарадиган вазифаларига кўра бирлашган хужайралар ҳамда хужайралараро моддалар мажмуи².

Жиноятнинг **объектив томони** зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлашда ифодаланadi.

Мажбурлаш – бу шахсга ноқонуний таъсир қилиш, уни бирор нарса қилишга мажбур қилиш (бу ҳолда, донорликка), ундан рад этилган тақдирда жабрланувчи учун салбий оқибатлар хавфини яратиш.

5. Ушбу модда диспозициясига кўра, мажбурлаш икки йўл билан амалга оширилишини чеклаб қўяди:

– зўрлик ишлатиб;

– зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб.

Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга ундаш усуллари, яъни алдаш, кўндириш, порхўрлик ва бошқалар. Мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

Шу муносабат билан, бизнингча 115¹-модда диспозицияси куйидаги тахрирда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди «Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси туғрисида»ги ўРҚ–768-сонли Қонуни, 3-модда. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

² Ушя жойда.

трансплантация учун олишга розилик беришга ҳар қандай усулда мажбурлаш».

6. Шарҳланаётган модда маъносидаги **зўрлик** деганда, инсонга жисмоний таъсир кўрсатиш (уриш, соғлиққа турли даражадаги шикаст етказиш) тушунилади.

Кўркитиш деганда, рухий таъсир кўрсатиш сифатида қонун чиқарувчи томонидан фақатгина жисмоний таъсир (ҳар қандай зўравонлик)ни қўллаш таҳдиди билангина чекланилган. Шундай экан, агар шахс шармандали маълумотларни ошкор қилиш, мол-мулкни йўқ қилиш ёки бузиш билан кўрқитса, шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 115¹-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Зўрлик ишлатиш билан кўркитиб содир этилган мажбурлаш ҳам зўрлик каби фақатгина тирик донорга нисбатан қўлланилади, яъни донорнинг яқин қариндошларига нисбатан қўлланилган зўрлик ва кўрқитиш мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

7. Кўриб чиқиляётган жиноят формал таркибли ҳисобланади ҳамда донорни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилган мажбурлаш пайтидан **туғалланган** ҳисобланади.

Агар айбдор шахс жабрланувчини ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш натижасида ўз мақсадига эришган бўлса, яъни унинг аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олган бўлса, жиноятларнинг реал мажмуи сифатида, яъни ЖКнинг 115¹ ҳамда 133-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Мазкур талаб ЖК 133-моддаси 1-кисм диспозициясида ҳам мустаҳкамланган. Яъни инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш каторига ушбу Кодекснинг 115¹-моддаси мустасно эканлиги белгиланган.

8. **Субъектив томондан** жиноят қасдан содир этилади. Жиноятнинг мақсади – жабрланувчидан унинг

аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилигига эришишдир.

9. Жиноят **субъекти** – фаолият тури ва касбий тайёргарлигинидан қатъи назар, 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

10. Шарҳланаётган модданинг **2-қисми** қуйидаги ҳолларда жавобгарликни назарда тутади:

– ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса (қаранг: ЖК 97-моддасига шарҳ);

– моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса (ЖК 121-моддасига шарҳ).

116-модда. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик

Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қонун ёки махсус қондаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса, –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** инсон ҳаёти ва (ёки) соғлиғининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан иборат.

3. **Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик** – бу шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирадиган ҳаракатларни бажариши лозим ва мумкин бўлган ҳоллардаги ҳаракатсизлигидир.

4. **Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик** – шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасидаги ҳаракатларини унинг иши, касбий фаолияти талаб этганидек бажармаганлигидир.

5. Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги фақат бир марталик ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлиб қолмай, балки узоқ муддатли ҳаракатсизликда ёки лозим даражада бажарилмаган қатор ҳаракатларда ифода этилиши мумкин.

6. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ва муайян касб мажбуриятларига эга бўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

7. Қонун ёки махсус қондаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг **116-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилиш керак.

Касалга ёрдам кўрсатмасликнинг ўзи касални стационарга қабул қилишдан бош тортиш, унга тиббий ёрдам кўрсатмаслик (масалан, айбдор ўзида мавжуд бўлган дори-дармонларни касалга бермаслиги, сунъий нафас беришни амалга оширмаслиги, зарурий тиббий даволаш тадбирларини амалга оширмаслиги) ва бошқаларда ифодаланади.

8. Шифокорлар, акушерлар, тиббиёт хамширалари, шунингдек, махсус қондаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган бошқа шахслар (милиция, ёнғин хавфсизлиги, қутқарув хизмати ходимлари ва ҳоказо) Жиноятнинг **субъекти** бўлишлари мумкин.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Тез тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг махсус тез тиббий ёрдам хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда кўрсатилади. Ички ишлар органлари, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек бошқа касб-кор вакиллари тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қонунчиликка биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилиш ёрдамни кўрсатишлари шарт¹.

9. ЖКнинг 116-моддаси 2-қисми бўйича жиноий жавобгарлик касалга узрли сабабсиз ёрдам кўрсатилмаган тақдирдагина вужудга келади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги 265-1-сон Қонуни, 30-модда 2, 3 ва 5-қисмлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда.



Узрли сабаблар жумласига шифокорнинг ёки касалга ёрдам кўрсатиши мажбур бўлган бошқа шахснинг касаллигини, унда мазкур вазият учун зарур бўлган малаканинг йўқлигини (жарроҳлик аралашуви зарур бўлмоқда, бироқ шифокор ихтисослашуви бўйича терапевт), ёрдам кўрсатишга халакит берувчи объектив тўсиқларнинг мавжудлигини, жумладан, енгиб бўлмайдиган кучнинг таъсирини (табiiй офат), охириги зарурат ҳолатини (врачнинг бошқа оғир касалга ёрдам кўрсатиши), зарур дори-дармонлар ёки асбобларнинг йўқлиги ва ҳоказони киритиш керак бўлади. Сабабнинг узрли-узрсизлиги масаласи ҳар бир ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини инobatга олган ҳолда суд томонидан ҳал этилади.

10. Қилмишни ЖКнинг 116-моддаси 1 ёки 2-қисми бўйича квалификация қилишнинг зарурий шarti баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлиги кўринишидаги оқибатнинг келиб чиққанлиги ҳисобланади (ЖКнинг 104, 105-моддаларининг шарҳига қаранг).

11. Шахсни ЖКнинг 116-моддаси 1 ёки 2-қисми билан жавобгарликка тортиш учун шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд узрли сабабсиз касалга ёрдам кўрсатмаганлиги билан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлиги кўринишидаги оқибат ўртасида тўғридан-тўғри сабабий борланиш мавжудлигини аниқлаш лозим.

12. **Субъектив томондан** ЖКнинг 116-моддаси 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. ЖКнинг 116-моддасида назарда тутилган оқибатларга нисбатан айбдорнинг субъектив муносабати эҳтиётсизликда ифодаланади.

13. Касби юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд қонунга ёки махсус қондаларга кўра касалга ёрдам бериши шарт бўлган шахснинг узрли сабабларсиз бундай ёрдам кўрсатмаганлиги натижасида инсоннинг ўлими юз берган ҳолларда шахснинг қилмиши **ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми** бўйича квалификация қилинади. Бундай ҳолатларда айбдорнинг

харакатлари ЖКнинг 102-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмайди.

14. Айбдорнинг қилмишлари оқибатида одамлар ўлими юзага келган ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг **116-моддаси 4-қисми** бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Одамлар ўлими – бу икки ёки бундан ортиқ кишиларнинг ҳалок бўлишидир.

Бошқача оғир оқибатлар қаторига икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказиш, кўплаб одамларга юқумли касаллик юктириш ва ҳ.к. киради. У ёки бу оқибатни оғир, деб топиш ҳар доим суд томонидан иш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

117-модда. Хавф остида қолдириш

Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса, –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** ўзи ҳақида рамхўрлик қилиш имконияти бўлмаган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят ҳаракатсизликда, яъни ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмасликда, уни қутқариш учун чоралар кўрсатмасликда, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлган ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган бўлса ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келишида ифодаланади.

3. **Ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли ҳолат** инсон организмда юз берадиган физиологик ёки патологик жараёнлар (боланинг кичик ёшда эканлиги, қариллик, касаллик, бошланган туғиш, тутқанок тутиб қолиши ва ҳоказо), табиий офат ҳамда жабрланувчи шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирувчи бошқа ҳолатлар туфайли юзага келиши мумкин.

4. Айбдор жабрланувчига ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган ҳоллардагина ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарлик вужудга келади. Бундай мажбурият қонунда назарда тутилган (масалан, онанинг ўз боласига рамхўрлик қилиш мажбурияти) ёки шартномада мустаҳкамланган бўлиши (масалан, касалга қаровчи ҳамширанинг касалга қараш бўйича мажбуриятлари), шунингдек, шахснинг касбидан келиб чиқиши мумкин (масалан, қутқарувчининг, мактабгача таълим муассасалари ходимларининг мажбуриятлари).

Бунда ўз мавқеига кўра ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган шахсда бундай ёрдам кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги унинг ҳаракатларини ЖКнинг 117-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

5. Айбдор жабрланувчига ёрдам кўрсатишга мажбур бўлмаган, ammo унинг ўзи жабрланувчини ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли аҳволга солиб қўйган ҳолларда ҳам у жабрланувчини ёрдамсиз қолдирса, шарҳланаётган жиноятнинг таркиби мавжуд бўлади. Мазкур ҳолатда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф айбдорнинг ҳаракатлари натижасида юзага келади (масалан, сузишни билмайдиган одамни сувга ташлаб юбориш ва уни кутқариш учун чоралар кўрмаслик; автотранспорт воситаси билан босиб кетиш натижасида жабрланган шахсни хавф остида қолдириш ва ҳоказо).

6. ЖКнинг 117-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш кўринишидаги оқибатлар юзага келган пайтдан эътиборан **туғалланган**, деб топилади. (*ЖКнинг 104, 105-моддаларининг шарҳига қаранг*).

7. Хавф остида қолдириш билан ЖКнинг 117-моддаси 1-қисмида кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш жиноятни қайд этилган қисм билан квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** жиноят жабрланувчини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли аҳволда қолдириш фактига нисбатан тўғри қасд билан ва бунинг натижасида келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

9. Қуйидагилар Жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин:

- ёрдамга мухтож бўлган шахсга ғамхўрлик қилиши шарт бўлган шахс;
- жабрланувчини ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли аҳволга солиб қўйган шахс.

10. Жиноят оқибатида ҳаёт учун хавфли ҳолатда қолдирилган шахснинг ўлими юзага келса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

11. Хавф остида қолдириш одамлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларга олиб келган бўлса, айбдор ЖКнинг 117-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

12. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган оқибатларга нисбатан айбдорнинг субъектив муносабати тўғри ёки эгри қасд билан тавсифланганда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ёхуд қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалари билан квалификация қилинади.

IV боб. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

118-модда. Номусга тегиш

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, —

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
- б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;
- б) яқин қариндошга нисбатан;
- в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;
- г) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ун тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш –

ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** жабрланувчининг жинсий эркинлигини, яъни уз хоҳишига кўра жинсий шеригини танлаш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, 16 ёшга тулмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади.

2. Суд-тергов амалиётини ўрганиш аксарият ҳолларда аёллар мазкур жиноятнинг жабрланувчиси бўлиши, аммо эркаклар ҳам номусга тегиш жиноятдан жабр қўрганлиги ҳақида далолат беради.

3. Номусга тегишнинг **объектив томони** зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишда ифодаланади.

4. Номусга тегишнинг белгиси сифатида **жинсий алоқа қилиш** деганда, физиологик нуқтаи назардан табиий жинсий алоқанигина, яъни жинси қарама-қарши бўлган шахсларнинг эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига киритилиши йўли билан қовушишини тушуниш лозим.

5. Номусга тегишда **зўрлик ишлатиш** деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиш, оёқлари, кўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва хоказолар тушунилади.

Номусга тегиш пайтида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши ЖКнинг 118-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва ЖКнинг 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса,

айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 118-моддаси ва 104-моддасининг тегишли қисми мажмуи билан квалификация қилинади¹.

6. Олий суд Пленумининг тушунтиришига кўра, шарҳланаётган модданинг нуқтаи назаридан, **тахдид** этиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида уни жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан қўрқитиш тушунилиши лозим². Шу билан бирга, фикримизча, номусга тегиш жиноятини содир этишда айбдор тегишли мулкни йўқ қилиш билан ҳам жабрланувчини қўрқитиши мумкин.

Инобатга олиш керакки, жабрланувчининг ўзи қўрқитишни ҳақиқатда амалга оширилиши мумкин бўлган сифатида қабул қилиши лозим. Қўрқитиш хусусияти ва уни амалга ошириш имконияти жабрланувчини шундай аҳволга солиб қўйиши керакки, у айбдорнинг шахвоний интилишларига қаршилик кўрсата олмай қолган бўлиши лозим. Қўрқитиш ҳар хил сўзлар, қўрқитувчи имо-ишоралар, қурол ёки жабрланувчи соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ашёлар билан қўрқитиш ва ҳоказолар орқали амалга оширилиши мумкин.

Қўрқитиш жабрланувчининг иродасини синдириш усули сифатида **реал** бўлиши лозим. Қўрқитиш нафақат жабрланувчига, балки унинг яқин қариндошларига ҳамда жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан (масалан, ўқитувчи – ўқувчиларга, тарбиячи – тарбияланувчиларга ва ҳоказоларга нисбатан) ҳам қўлланилган бўлиши мумкин.

Тахдид этиш, жумладан, ўлдириш билан тахдид этиш номусга тегиш пайтида жабрланувчининг қаршилигини енгиш усулларидан бири эканлиги сабабли айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 3-банд.

² Ўша манба, 4-банд 1-хатбоши.

³ Ўша манба, 4-банд, 2-хатбоши.

Агар жабрланувчи айбдор билан жинсий алоқага киришмаса, айбдор ўзини ўзи ўлдириши ёки ўз соғлиғига шикаст етказиши билан қўрқитиш жабрланувчини ноилож аҳволга солиб қўймайди, унинг қаршилик кўрсатиш иродасини тўла фалаж қилмайди, шу муносабат билан бундай ҳолларда номусга тегиш ёки унга суиқасд қилиш учун жавобгарлик бўлмайди.

Қўрқитиш жабрланувчининг эркин ҳаракатларини фалаж қилиш, унинг иродасини синдиришга қодир даражада жиддий бўлганми-йўқми, буни алоҳида олинган ҳар бир ҳолда суд ҳал қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, номусга тегиш вақтида қўрқитиш **ҳақиқий** (яъни, фақатгина жабрланувчининг хаёлида бўлмаган) ва **бевосита** (яъни, келажакда эмас, балки дарҳол амалга оширилиши мумкин бўлган) бўлиши лозим. Бунда айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 118-моддаси билан квалификация қилишда айбдорда айтилган ёки намоён этилган қўрқитишни амалда рўёбга чиқариш мақсади бор-йўқлиги инобатга олинмайди.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, зўрлик, қўрқитиш барча ҳолларда жинсий алоқадан олдин содир этилган бўлиши керак. Айни пайтда агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавfli усулда нобуд қилиш билан қўрқитиш номусга тегиш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини қўрқитиш ва воқеа ошкора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай қўрқитиш амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш ЖКнинг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖКнинг 118-моддаси тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

8. Номусга тегишда **жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш** деганда, ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг моҳияти ва хусусиятини тушунмайдиган ёки тушунган тақдирда ҳам зўравонга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган жабрланувчи билан жинсий алоқа қилишни тушуниш лозим.

9. Олий суд инстанциясининг тушунтиришига мувофиқ, ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки кексалиги, каттик оғрик ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт¹.

10. Жабрланувчининг жуда ёшлиги ўз-ўзидан у билан жинсий алоқа қилишни унинг ожизлигидан фойдаланиб, номусига тегиш сифатида квалификация қилишга асос бўлмайди. Жабрланувчи ўзи билан содир этилаётган жинсий тусдаги ҳаракатларнинг моҳиятини ёшидан келиб чиқиб, тушуниши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ҳар бир муайян ҳолатда аниқлаш зарур. Шу сабабли жабрланувчи жуда ёшлиги туфайли ўзига нисбатан содир этилаётган жинсий алоқанинг хусусияти ва аҳамиятини англамас, қилмиш номусга тегиш, деб квалификация қилиниши керак. Башарти, кичик ёшдаги бола ўзи билан содир этилаётган жинсий алоқанинг аҳамиятини тушунган ва ўзи жинсий алоқага розилик берган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 128-моддаси билан квалификация қилиниши лозим, бунинг учун жабрланувчининг вояга етмаганлигини айбланувчи олдиндан билганлиги зарурий шарт ҳисобланади.

11. Мастлик ҳолатида (алкоголь ёки гиёҳвандлик воситаси таъсирида) бўлган жабрланувчи билан жисмоний зўрлик ишлатмай ёки қўрқитмай жинсий алоқада бўлиш қилмишни жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилган жинсий алоқа белгиси бўйича номусга тегиш, деб эътироф этиш учун асос бўла олмайди.

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни раъритабиний усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 6-банд, 1-хатбоши.

Ожиз ахвол сифатида фақат шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олинishi мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва х.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз ахволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчини ожиз ахволга солиш учун айбдор томонидан наркотик воситалар, психотроп, кучли таъсир этувчи, захарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим. Агар экспертиза натижаларига кўра, айбдор томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олинishi, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жинсий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖКнинг 118-моддаси тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим¹.

12. Зўрлик, қўрқитиш қўлламаган ёки жабрланувчининг ожиз ахволидан фойдаланмаган ҳолда шилқимлик, алдаш йўли билан ёки шунга ўхшаш бошқа усул билан жабрланувчини жинсий алоқа қилишга кўндирган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 118-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Масалан, жинсий алоқа жабрланувчини алдаш, жумладан, уйланишга, ишга жойлаштиришга, бошқа бирон мулккий ёки ўзга фойда тақдим этишга ваъда бериш йўли билан унинг розилигини олиб, содир этилган бўлса, жинсий алоқа

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 6-банд, 3-хатбоши.

қилган шахснинг қилмиши номулга тегиш, деб квалификация қилинмайди.

13. Номулга тегиш дефлорация ёки эякуляциядан қатъи назар, жинсий алоқа бошланган, яъни эркак жинсий аъзоси аёл жинсий аъзосига киритилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят, деб топилади.

Бевосита жинсий алоқани содир этишга қаратилган, аммо айбдорнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ниҳоясига етказилмаган ҳаракатлар (масалан, жабрланувчининг иродасини синдириш мақсадида унинг кийимларини ечиш, йиртиш, муштлаш, калтаклаш, азоб бериш ва хоказо) номулга тегишга суиқасд қилиш, деб топилади ва ЖКнинг 25-моддаси ҳамда 118-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак.

Шахснинг ҳаракатларида номулга тегишга суиқасд қилиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда судлар шахс номулга тегиш мақсадида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, қўлланилган зўрлик, ифода этилган кўрkitиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланишга урниш айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга оширилмай қолган бундай мақсадга эришиш воситаси бўлган-бўлмаганлигини аниқлашлари лозим. Мазкур ҳолатларнинг мавжудлигидагина айбдорнинг ҳаракатлари номулга тегишга суиқасд қилиш сифатида эътироф этилиши мумкин.

14. Жабрланувчига нисбатан унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар содир этилган бўлса-ю, айти вақтда айбланувчининг зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилиш нияти бўлмаган бўлса, бундай шахснинг ҳаракати номулга тегишга суиқасд сифатида эмас, шахсга қарши қаратилган жиноят (баданга шикаст етказиш, ҳақорат ва хоказо) сифатида квалификация қилиниши керак.

15. Судлар номулга тегишга суиқасдни шахснинг жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишидан (ЖКнинг 26-моддаси) фарқлашлари лозим. Агар шахс жинсий ҳаракатларини охирига етказишга имконияти бўла туриб, номулга тегишдан ихтиёрий равишда ва узил-кесил воз кечган бўлса, қилмиш воз кечиш сабабларидан қатъи назар, у ҳақиқатда содир этган

ҳаракатлар бўйича квалификация қилинади, башарти уларда бошқа жиноят таркиби (масалан, безорилик, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва х.к.) мавжуд бўлса¹.

16. Ўн тўрт ёшга етган ақли расо шахс номусга тегиш жиноятининг **субъекти** бўлиши мумкин.

17. **Икки ёки бир неча шахснинг номусига тегиш** учун жавобгарлик ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган. Айбдор икки ёки ундан ортиқ жабрланувчилар билан зўравон жинсий алоқа қилса ва унинг қилмиши ягона қасд билан қамраб олинган бўлса, унинг қилмишини мазкур банд билан квалификация қилиш керак. Зўравон ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кура ўз жинойи ниятини охирига етказа олмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари икки ёки бир неча шахснинг номусига тегишга суиқасд қилиш сифатида ЖКнинг 25-моддаси ва 118-моддаси 2-қисми «а» банди билан квалификация қилинади.

Олий суд Пленумининг тушунтиришига кура, бир ҳолда номусга тегишга суиқасд, бошқа ҳолда эса, тугатилган жиноят содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур жиноятларнинг ҳар бири бўйича мустақил квалификация қилиниши лозим².

18. **Номусга тегиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «б» банди** бўйича квалификация қилинади.

Такроран номусга тегиш жиноятини содир этишда айбдор аввалги қилмишини охирига етказмаганидан ва унда бевосита бажарувчи ёки бошқа иштирокчи сифатида қатнашганидан қатъи назар, агар айбдор содир этган қилмишларининг бирортаси учун жавобгарликка тортилмаган ва мазкур қилмишлар учун жинойи жавобгарликка тортиш муддатлари

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 9-банд.

² Ўша манба, 10-банд, 2-хатбоши.

ўтмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «б» банди билан квалификация қилинади.

Агар шахс номусга тегиш вақтида бирин-кетин бир неча марта жинсий алоқа қилган бўлса ва иш ҳолатлари айбдорда муайян бир шахсга нисбатан мазкур айнан ўхшаш ҳаракатларни содир этишга нисбатан ягона қасд мавжудлигидан далолат берса, қилмиш ЖКнинг 118-моддаси тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлган битта давомли жиноят сифатида кўрилиши лозим. Шунга ўхшаш қилмиш бир неча шахсга нисбатан содир этилганда такроран жиноят белгиси мавжуд бўлади.

Бундан ташқари, икки ва ундан ортиқ марта номусга тегиш содир этилган бўлиб, бунинг учун ЖКнинг 118-моддаси турли қисмларида жинсий жавобгарлик назарда тутилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур жиноятларнинг ҳар бири бўйича мустақил квалификация қилиниши лозим¹.

Агар айбдор **хавфли рецидивист (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг)** ёхуд илгари **ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс** бўлса, у ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «б» банди билан жавобгарликка тортилади. Мазкур ҳолатда шахснинг аввалги содир этган қилмиши учун қонунда белгиланган тартибда судланганлик олиб ташланмаган ёки муддати ўтиб кетмаган бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, агар айбдорнинг қасди билан айнан бир жабрланувчига нисбатан ҳам номусга тегиш, ҳам жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этиш (турли кетма-кетликда) қамраб олинган бўлса, уларни содир этишда вақт жиҳатдан узилиш бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, қилмиш ЖКнинг 118-моддаси ва 119-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмоғи лозим. Бундай ҳаракатларни илгари шунга ўхшаш жиноятлар содир этган шахс томонидан содир этилган (ЖКнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 10-банд.

118-моддаси ёки 119-моддаси 2-қисми «б» банди), деб баҳолаб булмайди¹.

19. Бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш учун жавобгарлик ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган.

Номусга тегишни **бир гуруҳ шахслар томонидан** содир этилган, деб эътироф этиш учун жиноятни содир этишда икки ёки ундан ортиқ ақли расо 14 ёшга тулган жисмоний шахслар иштирок этиши ҳамда уларнинг ҳар бири гуруҳнинг бошқа аъзолари билан келишиб ҳаракат қилган ҳамда номусга тегиш жинояти объектив томонининг ҳеч булмаганда битта ҳаракатини содир этган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, Олий суд Пленумининг қарорида асосли равишда таъкидланганидек, ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «в» банди билан, нафақат бевосита номусга теккан шахсларнинг ҳаракатлари, балки жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки кўрқитишни қўллаш орқали уларга қўмақлашган шахсларнинг ҳаракатлари ҳам квалификация қилиниши лозим. Бунда қайд этилган жиноят таркиблари объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларни шахсан содир этмаган, бироқ зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали бошқа шахсларга жиноят содир этишда қўмақлашган шахсларнинг ҳаракатлари гуруҳ бўлиб номусга тегиш жиноятининг шерик ижрочиси сифатида ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим².

Жабрланувчи билан бевосита жинсий алоқа қилмаган ва бошқа шахслар томонидан номусга тегиш жинояти содир этилганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки кўрқитишни қўлламаган, бироқ жиноятни содир этишда айбдорга факат маслаҳатлари, кўрсатмалари, маълумотлар бериши ва ҳоказолар билан қўмақлашган шахснинг ҳаракатлари ёрдамчи сифатида ЖКнинг 28-моддаси 5-қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 13-сонли қарори, 11-банд.

² Уша манба, 12-банд, 2-хатбоши.

Олий суд инстанциясининг тушунтиришига кўра, жиноят иштирокчиларидан бири конунга кўра Жиноятнинг субъекти бўлмаган ҳолларда ҳам (ЖКнинг 17, 18-моддалари) иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган номусга тегиш сифатида эътироф этилиши лозим¹. Олий суд Пленумининг мазкур кўрсатмаси конунга мувофиқ жиноят субъектлари бўлган шахсларгина иштирокчилар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги тўғрисидаги жиноятларни квалификация қилишнинг асосий қоидаларига зид бўлмоқда.

Масалан, икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан жабрланувчининг номусига тегиш жинояти содир этилишини ташкиллаштирган, лекин жиноят содир этилишида бевосита қатнашмаган шахснинг ҳаракатлари жиноят содир қилган шахслар 14 ёшга тўлмаганлиги ёки ақли норасолиги учун мазкур жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган ҳолларда ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундан ташқари, агар номусга тегиш жиноятининг ҳамижрочилари сифатида 14 ёшга тўлмаган шахслар иштирок этган бўлса, номусга тегиш ташкилотчисининг ҳаракатларини вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб қилиш сифатида қўшимча равишда ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиш керак.

Номусга тегиш у нафақат бир неча шахс томонидан битта жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳолларда, балки айбдор шахслар ҳамжиҳатликда бир неча жабрланувчига нисбатан ҳаракат қилиб ва зўрлик ёки кўркитишни қўллаб, сўнгра жабрланувчилардан ҳар бири ёки ҳеч бўлмаганда бири билан зўрлаб жинсий алоқа қилганда ҳам гуруҳ шахслар (олдиндан тил бириктирган гуруҳ шахслар) томонидан содир этилган, деб топилиши лозим.

20. Ўлдириш билан кўркитиб содир этилган номусга тегиш учун жавобгарлик ЖКнинг 118-моддаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни вайритабний усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 12-банд, 1-хатбоши.

2-қисми «г» бандида назарда тутилган. Номусга тегишда ўлдириш билан қўрқитиш деганда, нафақат айбдорнинг жабрланувчига, унинг яқин қариндошларига ёки жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан дарҳол жисмоний зўрлик ишлатиш нияти очиқдан-очиқ билдирилган сўзлари, балки айбдорнинг, масалан, курул ёки курул сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган предметлар (пичок, устара, болта ва ш.к.лар) намойиши сингари таҳдид солувчи ҳаракатлари ҳам тушунилиши лозим¹. Ўлдириш билан қўрқитиб, номусга тегиш жиноятини квалификация қилишда айбдорда ушбу таҳдидни амалга ошириш нияти бор-йўқлиги факти аҳамият касб этмайди.

Ўлдириш билан қўрқитиш жабрланувчининг номусига тегиш пайтида унинг қаршилигини синдириш учун қўлланилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилиниши зарур. Бундай қўрқитиш ЖКнинг 118-моддаси 2-қисми «г» банди билан камраб олиниб, ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

21. Ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича квалификация қилинади. ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича жавобгарлик фақат айбдор жабрланувчининг ёши тўғрисида номусга тегиш жиноятини содир этгунга қадар аниқ билган (қариндош, таниш, қўшни бўлган ва х.к.) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи кийёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

Жабрланувчи ўзининг ёшига нисбатан улғайганроқ кўриниши асосида келиб чиққан жабрланувчининг ёшига нисбатан айбдорнинг инсофли янглишиши айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 13-банд.

номусига тегиш сифатида квалификация қилишни истисно этади¹.

22. Яқин қариндошнинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Айбдорнинг ҳаракат-ларини ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «б» банди билан квалификация қилишда ЖКнинг VIII бўлимида баён этилган «яқин қариндошлар» тушунчасига асосланиш зарур, бунда мазкур тушунчани кенг шарҳлаш мумкин эмаслигини инобатга олиш лозим (яқин қариндош тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг).

Шу муносабат билан ҳар қандай яқин қариндош, шу жумладан, эр (хотин) билан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

23. Оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «в» банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Номусга тегиш фақатгина оммавий тартибсизликлар иштирокчиси бўлган шахслар томонидан содир этилса, мазкур банд бўйича жавобгарлик вужудга келади.

Номусга тегиш оммавий тартибсизликларнинг бевосита ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси томонидан содир этилганда унинг қилмишлари ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «в» банди ва ЖКнинг 244-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

24. Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади. (*Ўта хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг*).

ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «г» бандини шахснинг айбига қўйиш учун айбдор номусга тегиш жиноятини содир

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалнети тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 2-хатбоши.

этгунига қадар қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилганлигини аниқлаб олиш зарур.

25. **Оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш** учун жавобгарлик ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «д» бандида назарда тутилган. Номусга тегишнинг оғир оқибатлари деганда, хомиладор бўлиш ёки хомиланинг тушиши, руҳий ҳолатнинг бузилиши, ОИВ/ОИТС юқиши, жабрланувчи томонидан танланган жиноятдан ҳимояланиш усули оқибатида олинган тан жароҳатлари (масалан, қўп қаватли бинодан, юриб кетаётган автомобилдан, поезддан сакраганда), жиноят натижасида жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ва ҳоказолар тушунилиши лозим¹.

Мазкур ҳолатларда содир этилган қилмиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «д» банди билан тўлиқ қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. (Масалан, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирса ЖКнинг 103-моддаси билан).

Юзага келган оғир оқибатлар билан содир этилган номусга тегиш ўртасида тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳоллардагина шахснинг айбига ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «д» банди қўйилиши мумкин.

26. Ўн тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми бўйича квалификация қилинади. ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми бўйича жавобгарлик фақат айбдор жабрланувчининг ёши тўғрисида номусга тегиш жиноятини содир этгунга қадар аниқ билган (қариндош, таниш, қўшни бўлган ва ҳ.к.) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи киёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

Жабрланувчи ўзининг ёшига нисбатан улғайганроқ кўриниши асосида келиб чиққан жабрланувчининг ёшига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 16-банд.

нисбатан айбдорнинг инсофли янглишиши айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми бўйича ўн тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш сифатида квалификация қилишни истисно этади¹.

119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш

Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, – етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) жабрланувчининг ўн саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;
- б) яқин қариндошига нисбатан;
- в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;
- г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўррисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 2-хатбоши.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ун тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

ун беш йилдан йигирма йилгача ооздликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** жабрланувчининг жинсий эркинлигини, яъни ўз хоҳишига кўра жинсий шеригини танлаш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, 16 ёшга тулмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **объектив томони** зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришда ифодаланади.

ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноят:

– эркак кишининг жинсий эҳтиёжини аёл билан ғайритабiiий усулда зўрлик ишлатиб қондиришида;

– аёлнинг жинсий эҳтиёжини аёл билан зўрлик ишлатиб қондиришида (лесбиянлик);

– эркак кишининг жинсий эҳтиёжини эркак билан зўрлик ишлатиб қондиришида (бесоқолбозлик);

– жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган бошқа шахвоний ҳаракатларни содир этишда (жабрланувчини зўрлик ишлатиб мастурбацияга мажбур этиш ва ҳоказоларда) ифодаланиши мумкин.

3. *(Жисмоний зўрлик, қўрқитиш, ожиз аҳвол тўғрисида ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг).*

4. Кўриб чиқилаётган жиноят жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришга қаратилган зўравонлик ҳаракати содир этилган пайтдан эътиборан, дефлорация ва эякуляциядан қатъи назар, **туғалланган**, деб эътироф этилади.

5. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар айбдорга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан охирига етказилмай қолганда, мазкур

харакатлар жиноятга суиқасдни вужудга келтиради (масалан, зўрлик ишлатиб ечинтириш, гавдани муайян вазиятда тутиб туришга мажбурлаш ва хоказолар), бу қилмиш ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

6. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiий усулда кондиршга суиқасд қилишда жиноятдан ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин. *(Ихтиёрий қайтиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 26-моддасига берилган шарҳга қаранг).*

7. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Мотив – шахвоний, шунингдек, жабрланувчининг шаънини таҳқирлаш бўлиши мумкин. Мақсад – жинсий эҳтиёжни кондирш.

8. **Субъект** 14 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

9. ЖКнинг 119-моддаси 2, 3 ва 4-қисмларида назарда тутилган квалификация белгилари ЖКнинг 118-моддасида кўзда тутилган белгиларга мазмунан мос келади. *(ЖКнинг 118-моддаси 2, 3, 4-қисмлари шарҳига қаранг).*

120-модда. Бесоқолбозлик

Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини кондирши –

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Жиноят **объекти** жинсий алоқаларнинг нормал тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томони** эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини кондиршига йўналтирилган мутлақо ихтиёрий харакатларда ифодаланади.

Башарти бесоқолбозликда зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш аломатлари мавжуд бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 119-моддаси билан квалификация қилинади.

3. Эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини қондириши бошланиши билан шарҳланаётган жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

4. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

6. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган, бесоқолбозлик ҳаракатининг фаол ёки пассив катнашчиси бўлган шахс ҳисобланади.

7. Агар бесоқолбозлик иштирокчиларидан бири ун олти ёшга етмаган бўлса, иккинчи иштирокчининг ҳаракатларини шахснинг ун олти ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш сифатида ЖКнинг 128-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, –

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** аёлнинг жинсий эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят хизмат, моддий ёки бошқа жихатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондиришга мажбур этишда ифодаланади.

3. **Мажбур этиш** деганда, аёлни шахвоний интилишларга розилик беришига, яъни ўз хоҳиш-иродасига қарши равишда жинсий алоқа қилишига ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондиришига мажбурлаш мақсадида унинг руҳиятига ғайриқонуний тазйиқ ўтказишни тушуниш зарур. Бунда мажбур этиш аёлни мажбурловчининг ўзи билан ёки ҳар қандай бошқа шахс билан жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондиришга қаратилган бўлиши мумкин.

4. Мажбурлаш пайтида **жабрланувчига ҳуқуққа хилоф руҳий таъсир кўрсатиш** қарамликнинг қуйидаги турларидан фойдаланиб амалга оширилади:

– хизмат жихатидан қарамлик, яъни аёлнинг уни мажбурловчи шахсга хизмат юзасидан тўғридан-тўғри бўйсунishi (масалан, жабрланувчини ишдан бўшатиш, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш, паст лавозимга ўтказиш ва ҳоказолар билан кўрқитиш);

– моддий жихатдан қарамлик, яъни аёлнинг унинг жинсий эркинлигига қасд қилаётган шахснинг тўлиқ қарамоғида бўлиши ёки аёл яшаш учун маблағларнинг асосий қисмини шу шахсдан олиши (масалан, жабрланувчида белгиланган вақтда тўлай олмайдиган қарз мажбуриятларининг мавжудлиги ва ҳоказолар) ҳисобланади;

– бошқа жихатлардан қарамлик, яъни жабрланувчига маълум бир имтиёз, фойда, устунлик тақдим этиш, у учун муҳим бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш тегишли хизмат мавқеига эга бўлган айбдор шахснинг ихтиёрида бўлиши. Бундай қарамлик, масалан, «гумон қилинувчи –

терговчи», «тадқиқотчи – илмий раҳбар» ва шунга ўхшаш жуфтликларнинг бирлигида мавжуд бўлиши мумкин.

5. Муайян енгилликлар бериш, иш учун яхши шароит ва имтиёзлар яратиш, совғалар тақдим этиш, қонуний ва ноқонуний тарзда жинсий муносабат билан боғлиқ бўлмаган муайян хизматлар кўрсатиш мажбур этиш, деб топилмайди. Мажбур этмасдан жинсий алоқа қилишни аёлга таклиф этишнинг ўзи кўриб чиқилаётган жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

6. Мажбур этиш аёлга нисбатан уни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга кўндириш мақсадида ишлатиладиган руҳий зўрликнинг ўзига хос шакли бўлганлиги туфайли мазкур жиноят таркиби билан ЖКнинг 118 ва 119-моддаларида назарда тутилган руҳий зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган жиноятларни бир-бирдан фарқлаш масаласи юзага келади.

Номусга тегишдаги (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондиришдаги) руҳий зўрлик ишлатишдан фарқли равишда, аёлни мажбур этишда аёлнинг бош тортгани таҳдиднинг дарҳол амалга оширилишини тахмин қилмайди. Айни вақтда амалда етказиладиган ёки кўрkitишда ифодаланадиган зарар жабрланувчи шахсга тегишли бўлмай, балки унинг мулкiiй ва бошқа шахсий ҳуқуқларига тааллуқлидир. Бундан ташқари, ўз хусусиятига кўра бу зарар унга нисбатан жабрланувчи моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс томонидангина етказилган бўлиши керак.

7. Унга нисбатан аёл моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс ушбу аёл билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондириш мақсадида унга нисбатан номусга тегиш учун хос бўлган руҳий таъсир кўрсатган ҳолларда унинг ҳаракатларини ЖКнинг 118 ёки 119-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиш керак.

8. ЖКнинг 121-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят мажбур этиш пайтидан, яъни жинсий алоқа қилишни ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришни талаб

қилиш ёки буларни шарт қилиб қуйиш пайтидан эътиборан, айбдор ушбу мақсадга эришилган ёки эришилмаганидан қатъи назар. **туғалланган** жиноят, деб қаралиши керак. ЖКнинг 121-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят эса, айбдор ўз мақсадига эришганидан сўнг, яъни жинсий алоқа қилинган ёки жинсий эҳтиёж ғайритабиий усулда қондирилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. Башарти шахс аёлнинг хоҳиш-иродаси бошқа шахс томонидан буйсундирилганини била туриб, у билан жинсий алоқа қилса ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 121-моддаси бўйича квалификация қилиб бўлмайди. Айрим ҳолатларда бундай шахс аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этишга далолатчилик қилиш учун ЖКнинг 28 ва 121-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

10. **Субъектив томондан** кўриб чиқиладиган жиноят факат тўғри қасд билан содир этилади.

11. Жиноятнинг **субъекти** унга нисбатан аёл хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган 16 ёшга тулган шахс бўлиши мумкин.

V боб. ОИЛАГА, ЁШЛАРГА ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

122-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Конституциянинг 64-моддаси белгилайдики: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради».

Конституциянинг 65-моддасида кўрсатилганидек, «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, ота-она вояга етмаган болаларига (96-модда), шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига (100-модда) таъминот бериши шартдир.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг турмуш кечириши учун нормал моддий шароитларни таъминлаш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг соғлиғи, нормал жисмоний ривожланишини таъминлашга йўналтирилган муносабатлардир.

4. Жиноятнинг **объектив томони** моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун



маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилганликда ифодаланади.

5. **Бўйин товлаш** деганда, нафакат бошқа шахсни моддий жиҳатдан таъминлаш бўйича мажбуриятлар бажарилишини тўғридан-тўғри рад этишни, балки айбдорнинг ижро варақаси бўйича ушлаб қолинадиган маблағни тулашдан бўйин товлаш мақсадида оладиган ҳақиқий маошини, бошқа даромадларини яширишини, иш ёки яшаш жойини ўзгартиришини ёхуд айнан шу мақсадда меҳнатдан бўйин товлаши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

6. ЖКнинг 122-моддаси бўйича жавобгарлик фақат қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

– моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун ота-онасидан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан маблағ ундириш тўғрисида қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;

– маблағларни тулашдан жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлаш.

7. Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, **меҳнатга лаёқатсизлар** – бу I ёки II гуруҳ ногиронлари ёхуд касаллиги боис вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган шахслардир.

8. Моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахслар таъминоти учун суднинг ҳал қилув қарори бўйича ундирилиши лозим бўлган маблағлар жами бўлиб икки ой муддат мобайнида туланмаган тақдирда жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

9. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноят квалификациясига таъсир этмайди.

10. Жиноятнинг **субъекти** суднинг ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти зиммасига юкланган 18 ёшга тулган шахс бўлиши мумкин.

11. **Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми** кўриб чиқилаётган жиноятнинг хавfli рецидивист томонидан содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутмоқда.

12. Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс ўзи меҳнатга лаёқатсиз бўлса ёки унга юклатилган мажбуриятни бошқа узрли сабабларга кўра, масалан, касаллиги туфайли бажармаётган бўлса, ЖКнинг 122-моддаси бўйича жавобгарлик истисно қилинади.

13. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

123-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг хал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида раҳмхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида раҳмхўрлик қилишлари шарт.

2. **Жиноят объекти** – айбдорнинг меҳнатга қобилиятсиз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг яшаш учун нормал моддий шароитга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

3. **Жиноятнинг объектив томони** вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилганликда ифодаланади.

4. Шахсни ЖКнинг 123-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун:

– фарзандлар зиммасига меҳнатга лаёқатсиз ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун маблағ тўлаб туриш мажбуриятини юкловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;

– мазкур шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун ундириладиган маблағларни тўлашдан жами икки ойдан ортиқ муддат мобайнида бўйин товлаш факти аниқланиши зарур (*бўйин товлаш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 122-моддаси шарҳига қаранг*).

5. **Меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар** сифатида 55 ёшга тўлган аёллар, 60 ёшга тўлган эркеклар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари эътироф этилиши лозим.

6. Ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий жиҳатдан таъминлашга маблағ ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарор суд томонидан қабул қилинганидан кейин икки ойдан ортиқ муддат ўтиб кетган бўлса ва мазкур маблағни тўлаши шарт бўлган шахс уларни тўламаган бўлса, шарҳланаётган жиноят **туғалланган**, деб эътироф этилади. Бўйин товлаш усули (масалан, яшаш жойини, иш жойини ўзгартириш, маошининг ҳақиқий миқдорини яшириш ва ҳоказо) қилмишни баҳолашда аҳамиятга эга эмас.

7. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Жиноят мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамият касб этмайди.

8. Мазкур Жиноятнинг **субъекти** суднинг ҳал қилув қарорига биноан ота-оналарини ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти зим-масига юкланган вояга етган туғилган фарзандлар, фарзандликка олинган ўғил ва қизлар, ўғай ўғил ва қизлар бўлиши мумкин.

9. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тулик тулаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

124-модда. Болани алмаштириб қўйиш

Тамағирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** боласини тарбиялаш билан боғлиқ ота-онанинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида вужудга келадиган, шунингдек, бола туғилганидан сўнг келажақда ҳам унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят болани алмаштириб қўйишда, яъни янги туғилган ёки эмизикли бир чақалоқни бошқаси билан (қасал болани соғлом бола билан, қиз болани

ўғил бола билан, бир миллатдагисини бошқа миллатдагиси билан ва ҳоказо) алмаштиришда ифодаланади. Болани эгаллаш ва унинг ўрнига бошқасини бериш унинг ота-онаси ёки унга ҳуқуқи бор шахслардан яширин равишда уларнинг иродасига қарши амалга оширилади. Бундай ҳаракатлар туғуруқхонада, болалар уйида, уй шароитида ёки бошқа ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

3. Бола эгаллаб олинган ва бошқаси билан алмаштириб қўйилган пайтдан бошлаб жиноятни **тугалланган**, деб эътироф этиш лозим.

4. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади.

Жиноят мотиви қилмишни квалификация қилишда зарурий белги ҳисобланади. Тамагирилик ёки бошқа паст ниятлар (ўч олиш, рашк ва бошқалар) мавжуд бўлгандагина шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлади. Чақалоқни эҳтиётсизлик орқасида алмаштириб қўйиш жинойий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

5. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ҳар қандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс, яъни хусусий шахс ёки муайян хизмат вазифаларни бажарадиган шахс (туғруқхонада, болалар уйида ишлаш ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

125-модда. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш

Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она рам-хўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан кўриқланадиган сирини ошкор қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса;

б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси белгилайдики, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

2. Жиноят **объекти** фарзандликка олинган болаларнинг нормал ривожланиши учун шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар, оила манфаатлари, боланинг нормал руҳий ривожланиши ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она раҳмхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан кўриқланадиган сирини ошкор қилишда ифодаланади.

4. Жинойи жавобгарликни вужудга келтирадиган фарзандликка олиш сирини ошкор этиш деганда, фарзандликка бола олувчилар фарзандликка олинган боланинг туғишган ота-онаси эмаслиги туғрисидаги ахборотни (оғзаки, ёзма тарзда ёхуд матбуот ва бошқа усуллар орқали) мазкур ахборотдан расмий хабардор бўлиши мумкин бўлмаган шахсга фарзандликка бола олувчиларнинг эркига қарши ёхуд уларнинг вафотидан сўнг васийлик ва ҳомийлик органларининг руҳсатисиз ошкор этиш тушунилади.

5. Башарти, фарзандликка олиш сирининг ошкор этилиши фарзандликка олишни ҳақиқий эмас, деб топиш ёки

фарзандликка олишни бекор қилиш талаби билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ушбу талаб тегишли расмий органларга (суд, васийлик ва ҳомийлик органи ва ҳоказоларга) қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

6. Жиноят фарзандликка олиш сирини бир кишига ҳам ошкор қилинган пайтдан эътиборан **туғалланган**, деб топилади.

7. Субъектив томондан жиноят тўғрисида қасд билан содир этилади. Жиноятни ЖКнинг 125-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш учун уни содир этиш мотиви ва мақсадининг аҳамияти йўқ.

8. ЖКнинг 125-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган, бола фарзандликка олинганлигини аниқ билган ҳар қандай шахс (фарзандликка олинган боланинг туғишган ота-онаси, унинг бошқа қариндошлари, болалар муассасаларининг тарбиячилари, ўқитувчилари, фарзандликка бола олган эр-хотиндан биронтаси, агар у бошқасининг эркига қарши равишда ҳаракат қилган бўлса ва бошқалар) бўлиши мумкин.

9. Қасб фаолияти ёки хизмат мавқеига қўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс кўриб чиқиляётган жиноятнинг субъекти бўлган ҳолларда қилмиш ЖКнинг **125-моддаси 2-қисми «а» банди** бўйича квалификация қилинади. Бундай шахслар тоифасига ҳомийлик ва васийлик органларининг хизматчилари ва мансабдор шахслари, ФХДЁ органларининг ходимлари, фарзандликка олингунига қадар бола яшаб турган болалар муассасалари маъмурияти ходимлари ва бошқаларни киритиш зарур.

Фарзандликка олиш сирини тегишли давлат органларининг (масалан, ФХДЁ органларининг) мансабдор шахси томонидан ошкор этилган ҳолларда мазкур шахс зарур белгилар мавжудлигида ЖКнинг 125-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича жавобгарликка тортилади. Мазкур ҳолатда айбдорнинг ҳаракатларини бошқарув тартибига қарши жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг тегишли моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш, қонда тарикасида, талаб қилинмайди.

10. Агар фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг **125-моддаси 2-қисми «б» банди** билан квалификация қилинади.

11. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш оғир оқибатларга олиб келган ҳолларда қилмишни ЖКнинг **125-моддаси 2-қисми «в» банди** бўйича квалификация қилиш керак. Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, **оғир оқибатлар** деганда, оиланинг бузилиши, одамларнинг соғлиғига зарар етиши (масалан, фарзандликка олинганнинг ёки фарзандликка олувчининг рухий ҳолатининг бузилиши), яшаш жойини мажбуран алмаштириш ва хоказолар тушунилади.

125¹-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги экспертларнинг фикрича, аёлларнинг эрта турмуш қуришлари ёш она ва туғилиши мумкин бўлган болаларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш хавфини янада кучайтиради ва бундай ҳолатлар ногирон, ақлий ва жисмоний нуқсони бор, ўлик болалар туғилишига сабаб бўлади, айрим ҳолатларда ёш онанинг ўлимига ҳам олиб келади.

2. Мазкур жиноятнинг **объекти** – никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг маънафатлари, яъни соғлиғи, нормал жисмоний ривожланиши ва никоҳ қуришнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасига қўра никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланган ва узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига қўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини купи билан 1 йилга камайтириши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 125¹-моддаси 3 қисмдан иборат бўлиб, ушбу модданинг 1-қисмига қўра никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун жавобгарлик белгиланиб, унда айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47³-моддаси 1-қисми билан шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган бўлса, жиний жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу қоидага қўра, агар никоҳ ёшига етмаган шахс, яъни 18 ёшга тулгунга қадар (агар ҳоким қарори билан бу ёш 1 йилга камайтирилмаган бўлса) ихтиёрий равишда ҳақиқатда никоҳ



муносабатларига киришган бўлса, уларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланадиган бўлди.

5. Бунда ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш деганда, никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг эр-хотин бўлиб яшаб, эр-хотинлик муносабатларида бўлиши тушунилади.

6. Бунда ушбу ҳолатда жавобгарлик фақатгина никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг ўзаро ихтиёрий никоҳ муносабатларига киришиши тушунилади.

7. Жиноят кодекси 125¹-моддаси 2-қисмига кўра ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш учун жавобгарлик белгиланиб, унда айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47³-моддаси 2-қисми билан шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу қоидага кўра, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсларни эрга бериш ёки уйлантириш мақсадида била туриб, никоҳ маросимларини ўтказиш ва никоҳ ёшига етмаган шахсларни бирга яшашлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиши тушунилади.

8. Агар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилса, иш ҳолатларига қараб, уларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 136-моддаси (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки тўсқинлик қилиш) билан квалификация қилиниши мумкин.

9. Жиноят кодекси 125¹-моддаси 3-қисмига кўра никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарлик белгиланиб, унда айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47³-моддаси 3-қисми билан шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ушбу қоидага кўра, махсус диний маълумотга эга ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг тегишли руҳсатига эга бўлган шахс (масалан: масжид имоми, масжид имом-

хатиби кабилар) томонидан била туриб, никоҳ ёшига етмаган шахсларларни никоҳ тузишига доир диний маросимларни амалга ошириши тушунилади.

10. Агар махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатига эга бўлмаган шахс никоҳ ёшига етмаган шахсларларнинг никоҳ тузишига доир диний маросимларни амалга оширса, иш ҳолатларига қараб, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 229²-моддаси (диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиниши мумкин.

11. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарликнинг зарурий бегиларидан бири бу никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг ихтиёрий никоҳ қуришлари ҳисобланади.

12. Жиноятнинг **объектив томони** – Жиноят кодекси 125¹-моддаси 1-қисми бўйича: никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш;

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 2-қисми бўйича: ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш;

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 3-қисми бўйича: никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш ҳисобланади.

Бунда Жиноят кодекси 125¹-моддаси тегишли қисми билан жиний жавобгарликка тортиш учун айбдор дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47³-моддаси тегишли қисми билан шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил ичида ушбу ҳаракатлар содир этилган бўлиши лозим.

13. Жиноятнинг **субъекти** – Жиноят кодекси 125¹-моддаси 1-қисми бўйича 18 ёшга тўлган никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришган ақли расо, жисмоний шахс ҳисобланади.

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 2-қисми бўйича 18 ёшга тўлган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳисобланади.

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 3-қисми бўйича 18 ёшга тулган махсус диний маълумотга эга ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг тегишли рухсатига эга бўлган шахс, жумладан масжид имоми, имом-хатиб кабилар ҳисобланади.

14. Субъектив томондан ушбу жиноят қасддан содир этилади, никоҳ қураётган шахсларнинг никоҳ ёшига етмаганлиги айбдорга олдиндан аён бўлиши талаб этилади.

15. Жиноятнинг тамом бўлган вақти Жиноят кодекси 125¹-моддаси 1-қисми бўйича:

никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришилган вақтдан;

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 2-қисми бўйича: ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берган ёки уйлантирган вақтдан;

Жиноят кодекси 125¹-моддаси 3-қисми бўйича: никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган вақтдан ҳисобланади.



126-модда. Кўп хотинли бўлиш

Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** оилавий муносабатларнинг, хусусан, эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг нормал тартиби.

2. **Объектив томондан** жиноят умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашда ифодаланади.

3. **Эр-хотин бўлиб яшаш** эр-хотин ўртасида жинсий муносабатларнинг бўлишини назарда тутати.

4. **Умумий рўзгор** деганда, эркак ва аёлда умумий хонадон ёки уй, умумий мол-мулк, пул маблағлари ва ҳоказоларнинг мавжудлигини тушуниш лозим. Бунда айбдорнинг умумий хонадон ёки уйда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ аёл билан яшаш шарт эмас. Хотинларнинг бир-бири ҳақида билиши ёки уларнинг бир вақтнинг ўзида бир шахс билан умумий рўзгор асосида яшашга розилиги ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Асосийси, айбдор бирга яшаётган ҳар бир аёл билан биргаликда юритаётган умумий рўзгорга молиявий харажатлар қилган бўлиши лозим. Никоҳда бўлган эркакнинг бошқа аёллар билан умумий рўзгор юритмасдан эр-хотин бўлиб яшаш ҳолатларини ЖКнинг 126-моддаси бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди.

5. **Шахс никоҳни бекор қилмасдан ўз никоҳ муносабатларини тўхтатиб қўйиб**, амалда янги никоҳга кирган ҳолларда ҳам шарҳланаётган жиноятнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Шу билан бирга, агар шахс бир хотин билан никоҳни ҳужажурсинга бекор қилиб, янги никоҳдан ўтса, аммо аслида иккала оилани ҳам саклаб қолса, кўриб чиқиладиган жиноятнинг таркиби вужудга келади. Демак, шахсни жавобгарликка тортиш учун унинг ҳар иккала хотин билан юридик жиҳатдан никоҳда эканлиги фактини аниқлашнинг ҳожати бўлмайди. Айбдор эр-хотин бўлиб яшаётган аёлларнинг бирортаси билан ҳам рўйхатга олинган никоҳда турмаган бўлиши мумкин.

6. **Жиноят умумий рўзгор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш пайтидан тугалланган** ҳисобланади.

7. **Жиноят субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Қилмишнинг содир этилиши мотиви ва кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

8. **Жиноятнинг субъекти** – 16 ёшга тўлган эркак шахс.



127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш

Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** вояга етмаган шахснинг нормал ахлоқий ва жисмоний ривожланиши, унинг соғлиғи ҳамда

жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. ЖКнинг 127-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилишдан иборат.

3. Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, **жалб қилиш** деганда, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни маълум бир ҳаракатларни бажаришга қўндиришга қаратилган ҳаракатлари тушунилади. Жалб қилиш пул бериш, алдаш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

4. **Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш** деганда, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсда санаб ўтилган ичимликлар, моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга ундашга қаратилган ҳаракатларини тушуниш керак.

Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддалар деганда, инсон миясини гангитувчи таъсир кўрсатадиган ва унга нисбатан талабни вужудга келтирадиган турли моддаларни тушуниш лозим. Мазкур моддалар маиший максалларда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда кенг қўлланилиб, улар билан муомала қилишнинг алоҳида тартибини белгилаш мумкин эмас. Уларга мисол қилиб клофелиннинг алкоголь билан ҳар қандай фойздаги аралашмаси, хлороформ, эфир, димедролнинг алкоголь билан аралашмаси, таркибида тропан гуруҳига кирувчи алкалоид бўлган ўсимликларнинг спиртли экстракти ва бошқалар, шунингдек, ацетон, бўёқ, лок, елимларнинг айрим турлари ва бошқа ҳиди киши ақл-идрокига гангитувчи таъсир кўрсатувчи бошқа кимёвий моддалар тушунилади.

5. ЖКнинг 127-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади, бунда айбдорнинг ўз мақсадига етган-етмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

6. Шахсга бир йил ичида айнан шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилган бўлсагина, у ЖКнинг **127-моддаси 1-қисми** билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

7. ЖКнинг **127-моддаси 2-қисмида** вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш, яъни вояга етмаган шахсни бундай восита ва моддалар истеъмол этишга ундашга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган (гиёҳванд воситалар, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар тушунчалари тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг).

ЖКнинг 127-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят айбдор томонидан вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб, жабрланувчи гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилганлигидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади.

8. ЖКнинг **127-моддаси 3-қисмида** вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек вояга етмаган шахсни Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш бўйича ҳаракатлар:

– илгари Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

– икки ёки ундан ортик вояга етмаган шахсга нисбатан;
– ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

9. **Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш** деганда, вояга етмаган шахсда жиноят содир этиш ниятини қўзғатишга (далолатчилик), вояга етмаган шахсни жиноят содир этишда иштирок этишга тайёрлашга (жиноятни содир этиш жойи ва усуллари хақида маслаҳатлар бериш, ушбу жиноят содир этиш натижасида топилган мулкни реализация қилишда ёрдам беришни ваъда қилиш ва ҳоказолар орқали жиноят содир этиш ниятини қўзғатиш) ёки уни жиноятни содир этишда бажарувчи, ёрдамчи, яширувчи сифатида жалб қилишга қаратилган ҳаракатларни тушуниш зарур.

10. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш айбдорнинг вояга етмаган шахсга жисмоний ёки рухий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаол ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Мазкур жиноят таркиби учун субъектнинг вояга етмаган шахсни қайси жиноятга жалб қилганлигининг аҳамияти йўқ.

11. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш вояга етмаган шахс амалда жиноят содир этишга жалб қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб этишга қаратилган ҳаракатлар айбдор томонидан амалга оширилган вақтдан бошлаб **туғалланган**, деб топилади.

12. Вояга етмаган шахсни маълум бир жиноятни содир этишга жалб қилган шахснинг қилмиши, башарти ана шу жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ҳамда ЖКнинг 28-моддаси 4-қисмига ҳавола қилинган ҳолда (жиноят содир этишга далолатчилик) ёхуд айбдорнинг ўзи ҳам жиноятни содир этишда иштирок этган бўлса, бундай ҳавола қилмасдан вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг тегишли моддалари билан квалификация қилинади.

13. Жиноий-ҳукукий тақикни бузган ўсмир жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 127-моддаси 3-қисмидан ташқари вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятни билвосита бажариш сифатида квалификация қилинади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, ёш боладан фойдаланган ҳолда жиноятни содир этиш ЖКнинг 56-моддаси «ж» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб топилади ва жазо тайинлаш вақтида суд томонидан инобатга олинади.

14. **Субъектив томондан** ЖКнинг 127-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор ғайририжтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилинаётган шахснинг вояга етмаганлигини билган ҳоллардагина мазкур модда бўйича жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эканлигига эътибор бермок керак.

Шу муносабат билан Олий суд Пленуми таъкидлайдики, шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайририжтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайририжтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас¹.

16. 18 ёшга тўлган ҳар қандай шахс Жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.



127¹-модда. Тиланчилик қилиш

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомобилотранспорт

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сон қарори, 7-банд, 2-хатбоши.

воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов кисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган хуудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат махсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, рухий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкогольли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

Ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда тиланчилик қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти бўлиб вояга етмаган шахсларнинг нормал ахлоқий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартиби ҳисобланади.

2. ЖК 127¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томони** аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автотототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг катнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда тилаб олиш, тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этишда намоён бўлади.

3. Шахс ЖКнинг 127¹-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиши учун муқаддам у илгари МЖТКнинг 188³-моддасига билан маъмурий жавобгарлик тортилган бўлиши лозим.

4. Тиланчилик билан шуғулланиш ижтимоий текинхўрликнинг бир кўриниши сифатида тизимли равишда бегона шахслардан (турли важ, баҳона остида ёки баҳоналарсиз) пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликларни тилаб олиш, ялиниб-ёлвориб сўрашдир. Фикримизча, тиланчилик қилиш тизимли равишда амалга оширилмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар орқали тиланчилик қилиш, интернетда фуқаролардан ёрдам берилишини сўраб муурожаат қилиш йўли билан пул йиғиш.



5. **Тиланчилик қилиш** деганда — ўз имкониятларини пасайтириш, ўзини ўта қашшоқ, касал ёки бошқа аянчли ҳолда кўрсатиш орқали бошқа шахсларнинг раҳмдиллиги ва меҳрибонлигидан фойдаланиб улардан беминнат моддий бойликларни тилаб олиш, ялиниб-ёлвориб сўраш тушунилади.

6. Тиланчилик қилишни шартли равишда бир қанча кўринишларга бўлишимиз мумкин:

- 1) ҳаёти учун муҳим;
- 2) даромадли;
- 3) дезадаптив;
- 4) ноилож, мажбурий.

Ҳаётий муҳим тиланчилик қилиш деганда — ўз ижтимоий алоқаларини буткул йўқотган, муқим турар жойи йўқ, меҳнат қилишга қобилиятсиз, умуман олганда ҳақиқий қашшоқ, тиланчи шахслар тушунилади. Кўпчилик ҳолларда улар учун тиланчилик қилиш тирикчилик манбаи бўлиб хизмат қилади.

Даромадли тиланчилик қилиш — бу билан жамиятнинг турли табақалари шурулланиши мумкин: пенсионерлар, талабалар, ойлик маошга эга бўлган шахслар ва х.к. Улар учун тиланчилик қилиш кўшимча даромад орттириш манбаи ҳисобланади.

Дезадаптив тиланчилик қилиш — спиртли ичимликларга ружу қўйган ёки гиёҳвандликка тобе бўлган шахсларга хос. Тиланчилик қилишдан орттирган пулларнинг барчасини алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларга сарфлайдилар.

Иложсизлик туфайли тиланчилик қилиш билан ҳаётий мушкул вазиятга тушган шахслар шуғулланадилар (масалан, тиланчилик қилаётган шахс ёки унинг яқин қариндошининг оғир касалликка чалинганлиги туфайли ёхуд пулларини, ҳужжатларини йўқотиб қўйганлик туфайли).

7. Тиланчилик қилишнинг ўзига хос тури бўлган **аскерлик** (инглиз тилидан *ask* — **сўрамоқ**) ҳам мавжуд.

Аскер (шахс) — кўча мусикачилари, артистларининг ёрдамчиси сифатида томошабинлар орасида юриб, улардан ихтиёрий равишда хайр-эҳсон йиғувчи (сўраб олувчи) шахс.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтириб ўтилган тиланчилик қилишнинг турлари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

8. ЖК 127¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган тиланчилик қилиш жинояти сўраётган шахснинг пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа моддий қимматликларни олган ёки олмаганлигидан қатъи назар пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўралгандан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. **Субъектив томондан** тиланчилик қилиш қасддан содир этилади.

10. 18 ёшга тулган ҳар қандай шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

11. Тиланчилик билан шуғулланувчи шахслар турли кифёдаги шахсларнинг ижтимоий гуруҳини ташкил қилади – собиқ маҳкумлар, пиёнисталар, гиёҳвандлар, пенсионерлар, эмизикли болали оналар, фирибгарлар ва бошқалар.

12. ЖК 127¹-моддаси 2-қисмида:

1) вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни;

2) рухий ҳолати бузилган шахсларни;

3) ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни;

4) шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

Яъни, ЖК 127¹-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарлик ЖК 127¹-моддаси 2-қисми диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатларни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин юзага келади.

13. *Шахсларни алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш тушунчаси бўйича ЖК 127-моддаси шарҳига қаранг.*

14. ЖК 127¹-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарлик вояга етмаганларни, кекса ёшдаги, рухий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган ёки бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкогольли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир курсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этишга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан бошлаб **туганланган** хисобланади.

15. ЖК 127¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб;

в) бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса ЖК 127¹-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

16. *Такроран жиноят содир этиш тушунчаси бўйича ЖК 32-моддаси шарҳига қаранг.*

17. *Хавfli рецидивист тушунчаси бўйича ЖК 34-моддаси шарҳига қаранг.*

18. *Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш тушунчаси бўйича ЖК 274-моддаси шарҳига қаранг.*

128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш

Шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни райритабий усулда қондириш –

тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача

озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкый манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** 16 ёшга тулмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини ҳамда уларнинг нормал руҳий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят шахснинг 16 ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилишда ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришда ифодаланади. (*Жинсий алоқа қилиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 118 ва 119-моддалари шарҳига қаранг*)

3. Шунини инобатга олиш лозимки, шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан, жинсий алоқа қилиш ҳамда жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш **ихтиёрий** равишда амалга оширилган бўлиши лозим.

Жинсий алоқа қилишнинг ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришнинг **ихтиёрийлиги** деганда, зўрлик ишлатмасдан, кўркитувсиз ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланмасдан жинсий эҳтиёжни қондириш ҳолатлари тушунилади.

4. Шахс неча ёшгача жинсий алоқа қилиш ёки ғайритабий усулда жинсий эҳтиёжни қондиришнинг хусусияти ва аҳамиятини тушунмайди, деган саволга жавобан қонунда муайян ёш чегараси белгиланмаган. Шунинг учун жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондириш ихтиёрий равишда содир этилганлиги (жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилмаганлиги) ҳар бир алоҳида ҳолатда, иш ҳолатлари ҳисобга олиниб, жабрланувчининг онги қай даражада ривожланганлиги, ўзига нисбатан содир этилаётган жинсий алоқа ёки ғайритабий усулда жинсий эҳтиёжни қондиришнинг моҳияти ва аҳамиятини қай даражада идрок этганлигини ҳисобга олиб, ҳал этилиши лозим.

5. Жинсий алоқа қилишдан бошлаб ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришга қаратилган ҳар қандай шахвоний ҳаракатлар бошланиши билан ЖКнинг 128-моддасида назарда тутилган жиноят **туғалланган** ҳисобланади. 16 ёшга тулмаган шахсни кўрсатилган ҳаракатларни содир этишга ундаш айбдор ўз олдига қўйган мақсадга эришмаган ҳолларда шарҳланаётган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

6. **Субъектив томондан** жиноят турри қасд билан содир этилади. Айбдор 16 ёшга тулмаган шахс билан жинсий алоқага киришаётганлигини билади ва буни хоҳлайди.

Қилмишни ЖКнинг 128-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шarti жабрланувчининг ёши субъектга олдиндан аён булганлигидир. Айбдор мазкур фактни жабрланувчи билан аввалдан танишганлик туфайли, унинг ташқи жисмоний кўринишидан, хатти-ҳаракатларидан билиши мумкин. Айбдор жабрланувчининг ёшига нисбатан инсофли янглишган ҳолларда ЖКнинг 128-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. (*ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг*)

7. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ҳар икки жинсдаги, 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахслар бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолатларда айбдорнинг шахсини тавсифловчи маълумотлардан, рўй берган оқибатлардан ва ишнинг бошқа ҳолатларидан (масалан, айбдор ва

жабрланувчи уртасидаги муҳаббатнинг, амалдаги никоҳнинг борлиги, жабрланувчининг ҳомиладорлиги ва ҳоказолардан) келиб чиқиб, шахсни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

8. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, ЖКнинг **128-моддаси 2-қисми** бўйича жавобгарлик вужудга келади.

9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 83–96-моддаларига қўра, **моддий қимматликлар** деганда, бу субъектлар ҳуқуқий муносабатларга киришишга қаратилган ижтимоий қимматликлар, яъни ашёлар (кучар ва кўчмас мулк) ва қимматли қоғозлар (облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, коносамент, акция).

Ашёлар фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари сифатида қуйидагиларга бўлинади:

- хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар;
- бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар;
- истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар;
- асосий ва мансуб ашёлар;
- мураккаб ашёлар.

10. **Мулкий манфаат** деганда, шахс (жабрланувчи ҳам, айбдор ҳам) томонидан фуқаролик ҳуқуқлари объектлари билан ўз мулк фондиди тежаш, фойда олиш ёки моддий харажатлардан қутулиш йўли билан содир этиладиган мулкий фойда олишга қаратилган мулкий характердаги ҳаракатлар тушунилади.

11. Шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ЖКнинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилганда, ЖКнинг **128-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарлик вужудга келади. *(Тақроран жиноят содир этганлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг*

32-моддаси шарҳига; хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг)

128¹-модда. Ун олти ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш

Ун олти ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахснинг ун саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш, –

уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** ун олти ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини ҳамда уларнинг нормал рухий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **ЖК 128¹-модда 1-қисми объектив томондан** жиноят ун олти ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахснинг ун саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, **моддий қимматликлар бериш ёки мулкий манфаатдор этиш орқали** у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш орқали содир этилади. *(Жинсий алоқа қилиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 118 ва 119-моддалари шарҳига қаранг)*

3. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шарҳланаётган модданинг зарурий белгиси бўлиб:

1) ихтиёрий бўлиши;

2) моддий қимматликлар бериш ёки мулкий манфаатдор этиш орқали содир этилишидир.

4. Жинсий алоқа қилишнинг ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришнинг **ихтиёрийлиги** деганда, зўрлик ишлатмасдан, кўрқитувсиз ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланмасдан жинсий эҳтиёжни қондириш ҳолатлари тушунилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 83–96-моддаларига кўра, **моддий қимматликлар** деганда, бу субъектлар ҳуқуқий муносабатларга киришишга қаратилган ижтимоий қимматликлар, яъни ашёлар (кўчар ва кўчмас мулк) ва қимматли қоғозлар (облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, коносамент, акция).

Ашёлар фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари сифатида қуйидагиларга бўлинади:

хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар;

бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар;

истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар;

асосий ва мансуб ашёлар;

мураккаб ашёлар.

6. **Мулкий манфаат** деганда, шахс (жабрланувчи ҳам, айбдор ҳам) томонидан фуқаролик ҳуқуқлари объектлари билан ўз мулк фондиди тежаш, фойда олиш ёки моддий харажатлардан қутулиш йўли билан содир этиладиган мулкий фойда олишга қаратилган мулкий характердаги ҳаракатлар тушунилади.

7. Қонунда жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш хусусияти ва аҳамиятини англай олишнинг аниқ белгиланган ёш чегараси мавжуд эмас. Шунинг учун жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришнинг ихтиёрий бўлганлиги (яъни жабрланувчининг ночор аҳволдан фойдаланиб содир этилмаганлиги) ҳар бир ҳолатда жабрланувчининг жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш хусусияти ва аҳамиятини англай олиш даражаси,

кобияти, имкониятини ҳисобга олган ҳолда, тергов ва суд томонидан белгиланиши лозим.

8. Жиноят кодексининг 128¹-моддаси бўйича жиноят жинсий алоқа бошланган пайтдан ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳар қандай жинсий ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Ун олти ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган шахсни айбланувчининг белгиланган мақсадга эришмасдан юқоридаги ҳаракатларни амалга оширишга ундаши жиноятни содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

9. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор 18 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага киришаётганлигини билади ва буни хоҳлайди.

Қилмишни ЖКнинг 128¹-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шarti жабрланувчининг ёши субъектга олдиндан аён бўлганлигидир. Айбдор мазкур фактни жабрланувчи билан аввалдан танишганлик туфайли, унинг ташқи жисмоний кўринишидан, хатти-ҳаракатларидан билиши мумкин. Айбдор жабрланувчининг ёшига нисбатан инсофли янглишган ҳолларда ЖКнинг 128¹-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. (*ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг*).

10. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 18 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахслар бўлиши мумкин.

129-модда. Ун олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш

Шахсининг ун олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш –

уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки кўрkitиб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. **Жиноят объекти** 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, уларнинг нормал жисмоний ва рухий ривожланиши ҳисобланади.

2. **ЖКнинг 129-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноят **объектив томондан** шахснинг 16 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этишда ифодаланади.

3. **Уятсиз-бузук ҳаракатлар** шахвоний хусусиятга эга бўлиб, улар, қонда тариқасида, айбдорнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга ёки аксинча жабрланувчида жинсий қизиқиш уйғотиш мақсадида амалга оширилади. Бундай ҳаракатлар жисмоний ёки интеллектуал бўлиши мумкин.

4. **Жисмоний уятсиз-бузук ҳаракатлар** 16 ёшга тўлмаган шахслар кузи олдида айбдор жинсий аъзоларини яланғочлашида, улар билан уятсиз ҳаракатлар содир этишида, мастурбация қилишида, очикдан-очик жинсий алоқа қилишида ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабний усулда қондиришида, 16 ёшга тўлмаган шахсларни шахвоний ҳаракатларга ургатишида, жабрланувчининг жинсий аъзоларини яланғочлашида ва уларга тегишида, уни мастурбацияга ундашида ва хоказоларда ифодаланиши мумкин.

Содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини англашга тўсқинлик қиладиган ёшда бўлган ёш бола олдида жинсий алоқалар қилиш ёки шахвоний тусга эга бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш, башарти шахс мазкур ҳаракатларни 16 ёшга тўлмаган шахснинг кузатиб туриши учун содир этмаган бўлса, жиноят тарқибини ташкил қилмайди.

5. **Интеллектуал уятсиз-бузук ҳаракатлар** порнографик фильмларни, тасвирларни намойиш этишда, порнографик мазмундаги адабиётларни ўқишда, жинсий мавзуларда

уятсиз суҳбатлар олиб боришда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

6. ЖКнинг 129-моддаси 1-қисми диспозицияси жабрланувчига нисбатан айбдор томонидан ҳар қандай зўрлик ишлатишни истисно этади. Бунда 16 ёшга тўлмаган шахснинг айбдор билан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш ташаббуси билан чиқиши айбдорни ЖКнинг 129-моддаси бўйича жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

7. Уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш вақтида айбдор жабрланувчига зўрлик ишлатган ёки уни қўрқитган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг **129-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилиш зарур.

Шарҳланаётган модда нуқтан назаридан, **зўрлик ишла-тиш** деганда, жабрланувчининг калтакланишини, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишини тушуниш зарур. Ўз навбатида, **қўрқитиш** деганда, қоида тариқасида, қўрқитиб қўйишда ифодаланадиган рухий зўрликнинг жабрланувчига нисбатан ишлатилишини тушуниш лозим.

Жабрланувчи баданига оғир шикаст етказилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 129-моддаси 2-қисми ва ЖКнинг 104-моддаси билан квалификация қилиш керак.

8. Кўп ҳолларда уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда кондиришдан олдин содир этилади. Агар уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этишда айбдор шахс номусга тегиш ёки ғайритабiiй усулда жинсий эҳтиёжни кондириш мақсадида жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатган, уни қўрқитган ёки унинг ожизлигидан фойдаланган бўлса-да, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўз мақсадига эришмаган бўлса, қилмишни 16 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегишга суиқасд қилиш ёки мазкур шахс билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда кондиришга суиқасд қилиш сифатида ЖКнинг 25-моддаси ҳамда ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми «а» банди ёки мазкур модданинг 4-қисми ёхуд ЖКнинг 119-моддаси 3-қисми «а» банди ёки ушбу модданинг 4-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

9. 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш унинг розилиги асосида жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш билан тугаган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 128-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

10. Амалиётда 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш жиноятини ЖКнинг 119-моддаси 3-қисми «а» бандида, мазкур модданинг 4-қисмида ҳамда ЖКнинг 128-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларидан фарқлашда қийинчиликлар вужудга келади. Қонун чиқарувчи ЖКнинг 119-моддаси 1-қисми ва 128-моддаси 1-қисми диспозицияларини ишлаб чиқаётганда «жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш» тушунчасининг мазмунини ёритиб бермаган ва мазкур тушунчанинг уятсиз-бузук ҳаракатлардан фарқларини кўрсатмаган.

Мазкур тушунчаларни бир-биридан фарқлашда жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этишдан фарқли равишда жинсий эҳтиёжни қондиришнинг кучлироқ ифодаланган шахвоний шаклини назарда тутганлигига эътибор қаратишимиз лозим. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда, уятсиз-бузук ҳаракатларни содир этишда айбдор ўзининг ғайритабiiй жинсий эҳтиёжларини қондиришни эмас, балки 16 ёшга тўлмаган, қоида тариқасида, руҳияти ва онгида инсонлар ўртасидаги жинсий муносабатлар тўғрисида аниқ шаклланган тўғри тушунчалар мавжуд бўлмаган шахсни йўлдан уриш мақсадини кўзлайди.

11. ЖКнинг 129-моддасида назарда тутилган жиноят уятсиз-бузук ҳаракатларни содир этиш вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади, бунда айбдорнинг ўз жиний ниятига эришгани ёки эриша олмаганлиги аҳамияти йўқ.

12. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор жабрланувчининг жисмоний тузилишидан, ташқи кўринишидан, хатти-ҳаракатларидан ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, унинг ёшини аниқ билиши керак. Агарда айбдор шахс жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган ёки жабрланувчининг ёши ўн олтидан

ошганлигига ишонган бўлса, ЖКнинг 129-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

13. ЖКнинг 129-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар икки жинсдаги жисмоний ақли расо шахслар бўлиши мумкин.

◆◆◆◆◆

130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порно-

график хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган модда ЖКга Порнографик маҳсулотлар айланиши ва савдосининг олдини олиш тўғрисидаги халқаро конвенцияси (Женева, 1923 йил 13 сентябрь) асосида киритилган¹.

Мазкур конвенция қуйидаги қилмишларни жиноят туркумига киритади: сотиш, тарқатиш ва оммавий кўргазма қилиш мақсадида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш; бундай маҳсулотларни олиб кириш, ташиш, олиб чиқиш, муомалага киритиш, порномаҳсулотлар билан савдо қилиш, тарқатиш, ижарага бериш; мазкур маҳсулотларни топиш мумкин бўлган йўллари аниқлаш ёки овоза қилиш.

2. Жиноят **объекти** жамоат одоб-ахлоқи, ёшларнинг нормал ахлоқий ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Жиноятнинг **предмети** сифатида порнографик маҳсулот хизмат қилади. ЖКнинг VIII бўлимига биноан, **порнографик маҳсулот — деганда** порнографик асар, шунингдек бадний қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки уқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёки одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатиш ёхуд компьютер технологиялари ёрдамида яратилган жинсий алоқанинг тавсифини ёки фото-, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини уз ичига олган материаллар ва нарсалар тушунилади.

Порнографияни инсонлар жинсий ҳаётини акс эттирувчи эротикадан фарқлаш лозим. Эротикада жинсий муносабатларнинг намоиш этилиши, уларнинг тасвири, яланғоч баданнинг кўрсатилиши ва ҳоказолар порнографиядагидек

¹ Қаранг: Порнографик нашрлар айланишининг олдини олиш юзасидан битим (Париж, 1910 йил 4 май).

кўпол, безбетлик, натуралистик хусусиятга эга бўлмайди. Одобдан ташқари натурализмсиз инсонлар ўртасидаги жинсий муносабатларни акс эттирувчи санъат асарлари ҳам порнографик маҳсулот, деб эътироф этилмайди.

Барча ҳолатларда муайян бир маҳсулотнинг порнографик хусусиятга эга эканлигини аниқлаш учун ушбу маҳсулот тааллуқли бўлган соҳадаги мутахассислар (кинотанкидчилар, адабиётчилар, фоторассомлар, режиссёрлар, юрист-олимлар, психологлар, сексопатологлар ва ҳоказолар) иштирокида комплекс санъатшунослик экспертиза тайинланиши лозим бўлади.

4. **Жиноятнинг объектив томони** порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилишида намоён бўлади.

5. **Порнографик маҳсулотни тайёрлаш** деганда, унинг яратилишига (видеосъёмка, монтаж қилиш, фотосуратга олиш, асарлар яратилиши, нашр этилиши, кўпайтирилиши ва ҳоказоларга) қаратилган ҳаракатларни тушуниш лозим.

6. Порнографик маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш мазкур маҳсулотни хориждан мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилишида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармонининг 2-иловасига мувофиқ порнографик мазмундаги материаллар Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхатига киритилган¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5286-сонли Фармони. 2-илова.

7. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш айбдор уларни тарқатиш, реклама қилиш ёки намойиш этиш мақсадини кузлаган ҳоллардагина жиноят таркибини ташкил қилади.

8. **Тарқатиш** деганда, порнографик маҳсулотнинг ҳеч бўлмаганда битта шахсга берилишини, жунатилишини, сотилишини, ҳадя қилинишини, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилишини ёки бошқа усулда етказиб берилишини, жунатилишини тушуниш керак. Тарқатиш усули квалификация учун аҳамият касб этмайди.

9. **Реклама қилиш** деганда, порнографик маҳсулот тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида махсус ахборот тарқатилишини тушуниш лозим (масалан, уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғида орқали намойиш этиш, одамларга планшет ёки уяли алоқа телефонларида кўрсатиш ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига кўра порнография маҳсулотларини реклама қилиш тақиқланади¹.

10. **Намойиш этиш** деганда, порнографик маҳсулотнинг мазмуни билан ҳеч бўлмаганда битта шахснинг ҳар қандай усуллар (масалан, видеофильм, фотосуратлар, слайдларни кўрсатиш, порнографик асарларни ўқиш ва хоказо йўллар) билан таништирилишини тушуниш керак.

11. **Телекоммуникациялар тармоғи** – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи².

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 июндаги «Реклама тўғрисида»ги ўРҚ–776-сонли Қонуни. 16-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.06.2022 й., 03/22/776/0498-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822–1-сон Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда.



12. **Интернет** (*Internet – Interconnected Computer Networks* сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро боғланган компьютер тармоқлари деган маънони англатади) – бу бир-бири билан алоқа каналлари (мавжуд бўлган телефон каналлари ва кабелли алоқа каналлари) бўйича мулоқот қиладиган турли хил компьютер тармоқларининг бутун жаҳон уюшмасидир.

Интернет – бу кўплаб глобал, регионал ва локал тармоқларни бирлаштирувчи бутун жаҳон глобал компьютер тармоғидир.

13. Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни ҳеч бўлмаганда бир кишига тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

14. Порнографик маҳсулот уни тарқатиш, реклама қилиш ёки намойиш этиш мақсадисиз сақланган бўлса, шахс жазога тортилмайди.

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан («а» банди) ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган («б» банди).

16. Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулот тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрланганда ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, худди шунингдек у тарқатилганда, реклама қилинганда, намойиш этилганда ёхуд вояга етмаган шахс порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилинганда, айбдорнинг қилмиши шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

17. ЖК 130-моддаси 3-қисмидаги вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулот деганда

ўзида вояга етмаган шахсларни акс эттирган маҳсулотни тушуниш лозим (расмлардаги, фото-фидео материаллардаги, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, асарлардаги ва бошқалар).

18. Вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш деганда, вояга етмаган шахсдан бевосита порнографик материалларни тайёрлашда ҳар қандай уларнинг иштироки ёки ундан фойдаланиш тушунилади (вояга етмаган шахснинг кино, видеофильмлардаги иштироки, расм ёки сурат олдириш учун бирор вазиятда туриши ва бошқалар).

Таъкидлаш жоизки, ун олти ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилинганда унга нисбатан у билан жинсий алоқа қилинган ёки жинсий эҳтиёж райритабий усулда қондирилган, шунингдек, унга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этилган ҳолларда қилмиш зарур белгилар мавжудлигида жиноятлар жами тарикасида ЖКнинг 130-моддаси 3-қисми ва ЖКнинг 128 ёки 129-моддалари тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

19. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

20. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

130¹-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадига тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида,

телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч юз олтимиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** жамоат одоб-ахлоқи, ёшларнинг нормал ахлоқий ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, жамиятдаги маънавий ва ахлоқий тамойиллар ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **предмети** сифатида зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот (кино, аудио ва видеомаҳсулотлар, асарлар, лазер дисклари,) хизмат қилади. ЖКнинг VIII бўлимида белгиланганидек, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда, бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсаларни тушуниш зарур.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг предмети сифатида турли асарлар, босма нашрлар, расмлар ва бошқа ҳар қандай буюмлар эътироф этилиши мумкин. Мухими, улар шахсларни зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундаши керак. Яъни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи санъат асарларини шарҳланаётган жиноятнинг предмети сифатида эътироф этиш учун мазкур асарлар ҳеч қандай

бадий, илмий ёки маданий қимматга ҳам эга бўлмаслигини аниқлаш зарур. Санъатшуносликка оид комплекс экспертиза тайинланиши лозим.

3. Жиноятнинг **объектив томони** зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишда ифодаланади (*Тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 130-моддаси шарҳига қаранг*).

4. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш айбдор уларни тарқатиш, реклама қилиш ёки намойиш этиш мақсадини кўзлаган ҳоллардагина жиноят таркибини ташкил қилади.

5. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

6. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот уни тарқатиш, реклама қилиш ёки намойиш этиш мақсадисиз сақланган бўлса, шахс жазога тортилмайди.

7. Шарҳланаётган модданинг **2-қисмида** зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш:

– такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (*ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг*);

– бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган (*ЖКнинг 29 ва 30-моддалари шарҳига қаранг*).

131-модда. Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш

Фаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** жамиятдаги нормал ахлоқий муҳитни кафолатловчи, оила ва вояга етмаган шахсларнинг, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматининг ҳимоясини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **объектив томони** ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш (1-қ.), шунингдек, фоҳишахона очиш ёки сақлашда (2-қ) ифодаланади.

3. **Қўшмачилик қилиш** ғаразли ёки бошқа паст ниятларни қўзлаб, манфаатдор шахсларга жинсий алоқа қилиш ёхуд жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондириш учун жинсий алоқа шерикларини топишига ёрдам кўрсатишдан иборат.

4. Жиноят фоҳишахона очишга ёки сақлашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб ёхуд ғаразли ёки бошқа паст ниятларни қўзлаб, мижозларнинг шахвоний ҳаракатларни амалга оширишига ёрдам беришга қаратилган хизматлар кўрсатилган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

5. **Фоҳишахона** – бу унинг мижозлари жинсий алоқа қилишлари ёки ўз жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондиришлари учун махсус мўлжалланган ҳар қандай хонани ёки бошқа жойни тушуниш зарур.

Фоҳишахона турли кўринишда бўлиши мумкин: сауна, массаж кабинети, тунги клуб ва ҳоказолар. Ҳозирги кунда фоҳишахоналар яшириниш мақсадида алоҳида хонадонда, ёрдамчи хонада, меҳмонхонада, санаторийларда ва ҳоказоларда очилиши ва сақланиши мумкин. Узоққа қатнайдиغان поездларда махсус жиҳозланган жойлар, автомашиналар, микроавтобуслар ва ҳоказолар ҳам фоҳишахона бўлиши мумкин. Фоҳишахонанинг зарурий шarti, бу ерга одамларнинг ўз жинсий эҳтиёжларини қондириш учун, қоида тарикасида, ҳақ эвазига келишидир.

6. **Фоҳишахона очиш ва сақлаш** деганда, хона танланиши, унинг молиялаштирилиши, таъминланиши ёки зарурий анжомлар билан жиҳозланиши, узоқ муддат давомида

фаолият кўрсатиши учун маиший шарт-шароитлар яратилиши, ходимлар танланиши ва жойлаштирилиши, ташқи химоя ва қўриқлаш таъминланиши, фоҳишахона мижозлари жалб қилиниши, унинг рекламаси ва хоказоларни тушуниш керак.

7. Фоҳишахона эгаси шахвоний ёки бошқа мақсадларда одам ёллаган ҳолларда, унинг қилмиши ЖКнинг 131 ва 135-моддалари билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши зарур.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этилган ҳоллардагина уларни қўшмачилик қилиш сифатида ЖКнинг 131-моддаси бўйича квалификация қилиш мумкин. Ғаразли ёки бошқа паст ниятлар жинойи жазога сазовор қўшмачилик қилиш субъектив томонининг зарурий белгисидир (ғаразли ниятлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг). Мазкур ҳолатда мансабпарастлик, ўч олиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ва ҳ.к. бошқа паст ният бўлиши мумкин.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Фоҳишахоналарга ташриф буюрадиган шахслар жинойи жавобгарликка тортилмайди.

10. Шарҳланаётган модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 131-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинади.

11. Айбдорнинг ҳаракатлари, агар жиноят вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда; такроран, хавфли рецидивист (*ЖКнинг 32, 34-моддалари шарҳига қаранг*) ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖК 131-моддаси 4-қисми билан квалификация қилинади.

12. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми «а» банди билан квалификация қилиш учун айбдор жиноятни содир этишга 18 ёшга тўлмаган шахсни жалб

қилаётганлигини аниқ билган бўлиши лозим. Бунда вояга етмаган жабрланувчи фоҳишахона очишга ёки сақлашга ёхуд қўшмачилик қилишга ҳар қандай ролда (фоҳишахона қоровули, фоҳишахона ҳайдовчиси, фоҳишалик билан шуғулланувчи шахс ва бошқалар) иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

13. Мазкур жиноят такроран, хавфли рецидивист ёки Жиноят кодексининг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган бўлса, қилмиш ЖК 131-моддаси 4-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. *(Такроран ёки хавфли рецидивист тушунчалари бўйича ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг).*

14. Мазкур жиноят уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 131-моддаси 4-қисми «в» банди бўйича квалификация қилинади. *(Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб жиноят содир этилиши ҳақида ЖКнинг 29 ва 30-моддалари шарҳига қаранг).*

132-модда. Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача

озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модда бўйича жиноий жавобгарлик **давлат муҳофазасига олинган** моддий маданий мерос объектларига тажовуз қилинган ҳоллардагина юзага келади.

Моддий маданий мерос объектларининг давлат муҳофазасига олинганлиги аҳоли эътиборига маълум бир усулда (масалан, тахтакчалар, муҳофаза лавҳалари, кўрсаткичларни осиб қўйиш, китобларда, газета ва журналларда, йўл кўрсаткичларида ахборотлар бериш ва ҳоказо йўллар билан) етказилиши лозим.

2. Жиноят **объекти** жамиятнинг нормал ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш каби манфаатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269–II-сонли Қонуни¹га кўра, **маданий мерос объектлари** деганда — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари тушунилади.

Моддий маданий мерос объектлари деганда — тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 180-модда.

Номоддий маданий мерос объектларига – тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (суз, ракс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига кўра, **моддий маданий мерос объектлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:**

бутун мамлакат тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган республика аҳамиятидаги моддий маданий мерос объектлари;

вилоят, туман, шаҳар тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган маҳаллий аҳамиятдаги моддий маданий мерос объектлари.

3. Жиноятнинг **объектив томони** давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилишда, бузишда ёки уларга шикаст етказишда ифодаланади. Бунда ЖКнинг 132-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарлик курсатилган ҳаракатлар натижасида анча миқдорда зарар етказилган ҳолдагина вужудга келади.

Моддий маданий мерос объектларини **нобуд қилиш** деганда, уларнинг қайта тиклаш имконияти бўлмаган ҳолда бутунлай яроксиз ҳолга келтирилишини тушуниш лозим.

Моддий маданий мерос объектларини **бузиш** деганда, қайта тиклаш имкониятини қолдирган ҳолда уларга маълум даражада зарар етказилишини тушуниш керак.

Моддий маданий мерос объектларига **шикаст етказиш** деганда, уларга муайян зарар етказилган бўлиб, бунинг оқибатида ёдгорликлар бадий, тарихий, археологик, илмий кийматининг йўқолиши тушунилади.

Моддий маданий мерос объектларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш усуллари жиноятни

квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Бу ёндириш, вайрон қилиш, сув бостириш, жисмоний таъсир кўрсатиш ва хоказо бўлиши мумкин.

4. Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилинган, бузилган ёки уларга шикаст етказилган пайдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланди.

5. Уша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) куп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг **132-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилиш лозим.

6. Айбдорнинг ҳаракатлари жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноятни ЖКнинг **132-моддаси 3-қисми** бўйича квалификация қилиш лозим. *(Жуда кўп миқдордаги зарар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг).*

7. **Субъектив томондан** жиноят турри қасд билан содир этилади. Жиноятни содир этиш мотивлари уни квалификация қилишга таъсир этмайди. Бироқ, агар моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш, уларга шикаст етказиш безорилик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса, қилмиш ЖКнинг 132 ва 277-моддалари билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши зарур.

8. Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини тегишли белгиларнинг мавжудлигида мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг 207-моддаси) ёхуд мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (ЖКнинг 172-моддаси) сифатида квалификация қилиш керак.

9. Моддий маданий мерос объектларига шикаст етказиш ва уларни бузиш мазкур моддий маданий мерос объектларининг муайян қисмларини ўғирлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 132-моддаси ва ўзгалар мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли модда билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак.

10. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

11. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми рағбатлантирувчи нормани назарда тутган бўлиб, унга мувофиқ, етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

133-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, бундан ушбу Кодекснинг 115¹, 133¹, 133²-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шунингдек вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда саклаш (консервация) учун олиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Сўнги йилларда республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришдан иборат. Аҳолига юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек трансплантация қилиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

2. Мазкур жиноятнинг **объекти** бўлиб, жамиятнинг нормал ахлоқий асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатлар ҳисобланади.

3. Қонунчиликка кўра, тирик донордан ёки инсон мурдасидан олинган инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари **трансплантация объектлари** бўлиши мумкин, уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Сунъий равишда етиштирилган аъзолар трансплантация объектлари бўлмайди¹.

Жиноятнинг **предметини** инсон аъзолари ва тўқималари ташкил этади.

«Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги қонуннинг амал қилиши:

– инсоннинг кўпайишига тааллуқли бўлган аъзолар ва тўқималарнинг (тухум хужайраси, сперма, тухумдонлар, мойқларнинг ёки эмбрионларнинг) трансплантациясига;

– аъзолар ва тўқималарнинг аутоген (бир шахснинг ўзи тирик донор ва реципиент бўлади) трансплантациясига;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги УРҚ–768-сонли Қонун, 4-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

– қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди¹.

4. Жиноят **объектив томондан** – инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, бундан ушбу Кодекснинг 115¹, 133¹, 133²-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шунингдек вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш орфал содир этилади («инсон аъзоси», «инсон тўқимаси» ва «трансплантация» атамалари тўғрисида ЖК 115¹-моддаси шарҳига қаранг).

5. Бугунги кунда инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини олиш ва трансплантация қилиш шартлари ҳамда тартиби қонунчилик орқали тартибга солинган. Қонуннинг «Инсон аъзолари ва тўқималарини олиш ҳамда уларнинг трансплантацияси шартлари ва тартиби» деб номланган иккинчи бобида бир қатор талаблар белгиланган:

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса (8-м.);

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси шартлари (9-м.);

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантациясига реципиентнинг розилиги (10-м.);

– инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан олиш шартлари (11-м.);

– тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни олиш шартлари (12-м.);

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси вақтида видеотасвирга олиш (13-м.);

– донорликка доир чекловлар (14-м.);

– тирик донор ва реципиент тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги (16-м.).

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ЎРҚ–768-сонли Қонуни, 1-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.



6. «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси реципиентнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Бунда реципиент бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида имзо қўйдирилиб оғохлантирилиши керак. Ушбу жараён мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этилади.

Агар реципиент 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёхуд реципиентнинг ўзидан розилик олишнинг имкони бўлмаса, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан олишга унинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан тегишли розиликсиз олиш қонунга хилофдир¹.

7. Қонунчиликка кўра, тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни трансплантация учун олиш фақат реципиентнинг соғлиғини кўзлаб ҳамда инсон мурдасида трансплантация учун яроқли бўлган аъзолар ва (ёки) тўқималар мавжуд бўлмаган ёхуд самарадорлиги инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси самарадорлиги билан таққосланиши мумкин бўлган муқобил даволаш усули мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин².

8. Тирик донорни ундан аъзосини ва (ёки) тўқималарини олиш учун розилик беришга мажбурлаш тақиқланади ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ЎРҚ-768-сонли Қонуни, 11-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

² Ушя жойда.

бундай ҳаракат ЖК 155¹-моддасига кўра жинойий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тирик донордан аъзоларни ва (ёки) тўқималарни реципиентга трансплантация қилиш учун олишга, агар донор:

аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш бўйича бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида камида ўттиз кун олдин ёзма шаклда, видеоёзувга қайд этган ҳолда огоҳлантирилган бўлса;

ўз аъзосини ва (ёки) тўқималарини олишга бўлган розилигини ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклда билдирган бўлса;

ҳар тарафлама тиббий текширувдан ўтган бўлса ҳамда унинг аъзосини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш учун олиш мумкинлиги тўғрисида мутахассис-шифокорларнинг тиббий хулосаси мавжуд бўлса, йўл қўйилади.

Тирик донорни ҳар тарафлама тиббий текширувдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади¹.

9. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси вақтида инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни ҳамда уларнинг трансплантациясини амалга оширувчи тиббиёт муассасаси томонидан видео-тасвирга олиш амалга оширилади. Бунда видеоёзувдаги инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси ҳақидаги ахборот ошкор этилишига йўл қўйилмайдиган шифокор сирини ташкил этади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Реципиентни ва донорни соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақидаги огоҳлантиришнинг, шунингдек трансплантация жараёнининг видеоёзуви тиббиёт муассасаси томонидан архивлаштирилади, видеоёзув аслининг дубликати эса сақлаш учун ички ишлар органларига топширилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ЎРҚ-768-сонли Қонуни, 12-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.



10. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишга, агар улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган, трансплантация қилиш учун инсон аъзолари ва тўқималари донорлигига қарши кўрсатма мавжуд бўлган касалликлар рўйхатига қирувчи касаллиги бўлган ёки илгари шундай касалликка чалинган тирик донорга ёки инсон мурдасига тегишли бўлса, **йўл қўйилмайди**.

Қуйидагиларга нисбатан инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишга йўл қўйилмайди:

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга (бундан суяк илигини трансплантация қилиш ҳоллари мустасно);

– белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолатнинг бузилишларига (руҳий касалликларга) чалинган шахсларга;

– қамоқда ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга;

– I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

– хомиладор аёлларга;

– шахси аниқланмаган шахсларга;

– муайян яшаш жойи бўлмаган шахсларга;

– «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчи шахсларга;

– аъзоси ва (ёки) тўқималари илгари трансплантация учун олинган шахсларга.

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет давлат фуқароси бўлган реципиент учун донор бўлиши мумкин эмас¹.

11. «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги қонунга асосан, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини **бузиш** деганда қуйидагилар тушунилади:

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий ҳулосасиз;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги УРК-768-сонли Қонуни, 14-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантациясига реципиентнинг ёзма розилигисиз (камида 30 кун олдин);

– инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг мурдасидан олишга унинг тириклик чоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилигисиз;

– инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг трансплантацияси вақтида инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда уларнинг трансплантациясини амалга оширишда видеотасвирдан фойдаланмаслик;

– инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишга йул қўйилмайдиган шахслар тоифасидан олиш;

– тирик донор ва реципиент тўғрисидаги маълумотларнинг ошқор этиш.

12. Трансплантация ёки консервация амалга оширилган-оширилмаганлигидан қатъи назар жиноят нсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг лоақал битта шарти бузилган пайдан **тугалланган** хисобланади.

13. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдорни ЖК 133-моддаси 1-қисми билан жавобгарлик белгилашда мотив аҳамиятга эга эмас.

14. **Субъект** 16 ёшга тўлган, ақли расо шахс.

15. Айбдорнинг ҳаракатлари **ЖК 133-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилинади, агарда жиноят:

а) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса.

Ғаразли ниятда деганда моддий наф (пул, мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, уй-жой майдонига бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.) олишга қаратилган мотив тушунилиши керак. Ғаразли ниятда моддий сарф-харажатлардан (мол-мулкни қайтаришдан, қарзни тўлашдан, хизматлар учун ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алиментларни тўлашдан) қутулиш истагида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бошқача паст ниятлар сифатида мазкур ҳолатда мансабпарастлик, лаганбардорлик ва х.к. тушунилиши лозим.

133¹-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонунга асосан, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилишда жисмоний ҳамда юридик шахсларга инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси тақиқланади¹. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш бўйича операциялар тиббиё кўрсатмага асосан амалга оширилади.

2. Мазкур жиноятнинг **объекти** жамиятнинг нормал ахлокий асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги ўРҚ–768-сонли Қонуни. 15-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.

шунингдек, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатлар ҳисобланади.

3. Мазкур жиноят **объектив томондан** инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси шаклида содир этилади.

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг **олди-сотдиси** деганда, тирик донордан ёки инсоннинг мурдасидан олинган аъзолар ва (ёки) тўқималар учинчи шахсларга пул ёхуд бошқа моддий бойликлар (мулк) кўринишида, мулкий хизматлар эвазига ёки қарзидан воз кечиш эвазига беришга қаратилган ва х.к. оғзаки ёки ёзма битим тушунилиши лозим.

Қонунчиликка кўра, **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

– инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

– тегишли органлар ва ташкилотларнинг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

– трансплантация объектлари рўҳатини, шунингдек уларнинг трансплантацияси тартибини белгилайди;

– инсон аъзолари ва тўқималарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиш, уларни сақлаш, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш тартибини белгилайди¹.

Агар шахс тирик донордан ёки инсоннинг мурдасидан олинган аъзолар ва (ёки) тўқималарини моддий наф олгандан кейин топшириш шарти билан сотишга ваъда берган бўлса, бироқ унинг асл мақсади моддий бойликларн эгаллашга қаратилган ва у битим шартларини бажаришни ният қилмаган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарлик жиноятининг таркибини ташкил этади, харидорнинг ҳаракатлари эса инсон аъзолар ва (ёки) тўқималарини сотиб олишга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси туърасида»ги УРҚ–768-сонли Қонуни, 5-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2022 й., 03/22/768/0404-сон.



4. Жиноят инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси тўғрисида битим тузилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

5. **Субъектив томондан** шарҳланган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини олди-сотдисида мақсади жиноятни квалификация қилиш учун таъсир этмайди.

6. Жиноят **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахсдир.

7. ЖК 133¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур модданинг **2-қисми** билан жавобгарликка тортилади.

133²-модда. Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш

Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** жамиятнинг нормал ахлоқий асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **объектив томони** инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишда ифодаланади.

2. **Жиноятнинг предмети** вафот этган одамларнинг мурдалари, уларнинг қабрлари, қабрлари усти, қабр устидаги иморатлар ҳисобланади.

3. **Қабр** – бу мурданинг хоки ва у билан бирга дафн этилган нарсалар (кийим-кечаклар, буюмлар ва ҳоказолар) қумилган жойдир.

4. **Қабр усти** деганда, қабр ва унинг устидаги тепалик, ёдгорлик, панжара, гуллар, гулчамбарлар ва ҳоказоларни тушуниш керак.

5. **Объектив томондан** жиноят қабрни ёки мурдани таҳқирлашда, шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олишда ифодаланади.

6. **Қабрни таҳқирлаш** деганда, унинг ҳаром қилинишига қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этишни (унинг қовлаб ташланиши, қабр устидаги тошлар, ёдгорликлар, мархумнинг хоки сақланаётган идишлар, панжараларнинг вайрон қилиниши, яшил ниҳолларнинг босиб-янчилиши, қабр тошларига беадаб ёзувлар ёзилиши ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

7. **Мурдани таҳқирлаш** деганда, улган одамнинг мурдасини мурдор қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этишни (мурданинг, унинг алоҳида қисмларининг ташқарига чиқариб олиниши, мурданинг таниб бўлмас ҳолга келтирилиши, унинг хўрланиши) тушунилади.

8. **Мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш** қабрни таҳқирлаш усулларидан бири бўлиб, у яширин ёхуд ошқора равишда мазкур буюмларни қўлга киритишдан иборат бўлади.

9. Қабрни ёки мурдани таҳқирлаш вақтидан бошлаб, мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсалар олинган ҳолатларда эса, айбдор шахс уларни қўлга киритган пайтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни содир этиш мотивлари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

11. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

12. Қабрни таҳқирлаш билан боғлиқ бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик ЖКнинг 134-моддаси ва тегишли белгилар мавжудлигида ЖКнинг 277-моддаси тегишли қисмига мувофиқ квалификация қилиш лозим.

VI боб. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

135-модда. Одам савдоси

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўркитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) инсон аъзоларини ва (ёки) туқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ун саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабранувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ун икки йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. 135-модда миллий жиноят тўғрисидаги қонунчиликнинг янгилиги ҳисобланади, унинг амалдаги таҳрири ЖКга 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги¹ Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан киритилди. ЖКнинг 135-моддаси олдинги таҳрири одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учунгина жавобгарликни назарда тутган ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган одам савдоси билан боғлиқ жинойий қилмишларнинг барча мажмуини қамраб олмаган, шу муносабат билан унинг амалиётда қўлланилиши трафикнинг объектига айланган фуқароларнинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини тўлиқ ҳимоя қилишни таъминлай олмаган. Бундан ташқари, фақатгина фоҳишаликдан фойданиш мақсадидаги одам савдосини назарда тутадиган БМТнинг Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–179-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотиомаси, 2008 й., 9-сон, 485-модда.

Изоҳ: «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун 2020 йил 17 августда (ЎРҚ–633-сон) янги таҳрирда қабул қилинган.

фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенциядан¹ фарқли равишда ЖКнинг 135-моддаси одамлардан ҳар қандай турдаги фойдаланиш мақсадида бундай ҳаракатларни содир этиш учун асосли равишда жавобгарликни белгилайди.

2. Жиноят **объекти** шахснинг шахсий эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини кафолатловчи, шунингдек жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Жиноятнинг **объектив томони** одам савдосида, яъни одамни олиш-сотишда ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда ифодаланади.

Шундай қилиб, ЖКнинг 135-моддаси I-қисми диспозицияси мазмунига қўра одам савдоси деганда одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади².

4. Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкый характердаги хизматлар, мулкый ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳоказолар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутаяди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса, сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим³.

¹ Қаранг: Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1950 йил 21 март; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 317 (IV)-сон Резолюцияси билан маъқулланган; Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги 576-II-сонли қарори билан ратификация қилинган)

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 2-банд.

³ Уша манба, 3-банд.



5. **Ёллаш** деганда, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, туплаш, у билан музокара юритиш ва ҳоказолар) тушунилади¹.

Шахсни ёллаш, қоида тариқасида, алдаш йўли билан амалга оширилади. Айбдор жабрланувчининг бирон-бир фаолият билан шуғулланишга ихтиёрий розилик беришига интилиши билан таърифланадиган кўндириш ёллаш усули сифатида мазкур ҳолатда анча камроқ қўлланилади. Одамни ёллаш уни зўрлаш, қўрқитиш ёки мажбурлашнинг бошқача турларини қўллаш орқали амалга оширилса, келиб чиққан оқибатларнинг даражасидан қатъи назар, қилмиш ЖКнинг 135-моддаси 2 ёки 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Шахсни жинсий эксплуатация қилиш мақсадида ёллашни уни фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилишдан, яъни ЖКнинг 131-моддасидаги қўшмачилик қилиш жиноятидан фарқлаш лозим. Улар ўртасидаги фарқни жиноятчи ўз олдига қўйган мақсадда, шунингдек, жинойий тажовуз объектида кўриш мумкин. Авваламбор, айбдорнинг ёллашга қаратилган ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатга кўзи етишини аниқлаш лозим. Агар Жиноятнинг субъекти у томонидан ёлланаётган шахснинг шахсий эркинлиги чекланиши, у учун ноқулай шароитга солиниб, бошқаларга қарам ҳолатда сакланишини билса, ёллаш шахсни кейинчалик эксплуатация қилиш мақсадида амалга оширилаётганлигини белгилаш мумкин бўлади.

Фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилиш тариқасидаги қўшмачилик қилишда эса, жиноятчи тамагирлик мақсадидан ташқари, бошқа мақсадни кўзламайди. Бундан ташқари, мазкур жиноятда жалб қилишнинг ўзи шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишга кейинчалик ушбу фаолиятни амалга оширишнинг олдиндан келишилган шартларга риоя қилган ва мазкур фаолият учун ҳақ тўланган ҳолда ихтиёрий розилик беришига асосланади. Бундай ҳолатда ёлланаётган шахс

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 6-банд, 2-хатбоши.

ўзининг шахсий эркинлигига нисбатан барча ваколатларга эга бўлиб, ундан фойдаланишда тўла мустақил бўлади.

7. **Ташиш** – шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мулжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин¹.

8. **Топшириш** – одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланadi². Бунда топшириш ҳақ эвазига (масалан, ижарага бериш) ёки текин (масалан, ҳадя қилиш) бўлиши, доимий ёки маълум бир муддатга, маълум бир шартларни бажаргандан сўнг ёки уларсиз амалга оширилиши мумкин.

9. **Яшириш** – жабрланувчини ҳокимият вакилларида, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфий сақлашда ифодаланadi³. Яшириш жабрланувчини олиш-сотишдан олдин ҳам, кейин ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, шахсни уйнинг ертўласида сақлаш).

10. **Қабул қилиш** – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно⁴.

11. Олий суд Пленуми тушунтириш беришича, ЖК 135-моддаси 1-қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайдан ёки қонуннинг мазкур

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 6-банд 3-хатбоши.

² Ўша манба, 6-банд, 4-хатбоши.

³ Ўша манба, 6-банд, 5-хатбоши.

⁴ Ўша манба, 6-банд, 6-хатбоши.

моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан **тугалланган** ҳисобланади.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим ҳолларда жиноятнинг тугалланиш пайти эксплуатация тугаган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва ҳ.к.) вақт билан борлиқ бўлади¹.

12. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Олди-сотди тариқасидаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) жиноятни квалификация қилиш учун аҳамият қасб этмайди. Шу билан бирга, олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равишда, ЖКнинг 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш)да шарҳланаётган модда бўйича жиний жавобгарлик юзага келишининг зарур шarti одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади². ЖК 135-моддаси бўйича жавобгарлик вужудга келиши учун шахс эксплуатацияси амалга ошганлиги аҳамиятга эга эмас. Асосийси, айбдор жабрланувчини шахсан ўзи эксплуатация қилмоқчи ёки бошқа шахсларнинг эксплуатация қилмоқчилигини билган бўлиши керак.

13. ЖКнинг VIII бўлимига биноан, **одамлардан фойдаланиш** деганда, бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни тушуниш лозим.

14. **Фоҳишабозликдан фойдаланиш** деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишидан муттасил

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 7-банд, 1 ва 3-хатбошилари.

² Ўша манба, 3-банд, 1-хатбоши ва 4-банд, 1-хатбоши.

фойдаланиш тушунилади. **Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация** деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузуқ ҳаракатлар содир этиш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади¹.

15. **Мажбурий меҳнат** бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Шўни таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқда «зурлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» тушунчалари мавжуд бўлиб, улар маълум бир шахсдан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг бажарилиши талаб қилинадиган ва уларни бажаришга шахс ўз хизматларини тақлиф қилмаган ишлар ва хизматларни англатади².

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ (масалан, қурилиш ёки манший пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва ҳоказо шартномалар бўйича) фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боғиқ низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилиши керак.

Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 5-банд, 2-хатбоши.

² Қаранг: Зурлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция (Женева, 1930 йил 28 июнь, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 492–I-сон қарори билан ратификация қилинган), 2-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 5-банд, 3-хатбоши.

16. **Куллик** – ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга ошириляётган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади¹. Кул меҳнати, қоида тариқасида, норасмий ва хуфёна иктисодиётда, яширин ишлаб чиқаришда ҳамда ноқонуний маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, шунингдек, уй шароитида (уй қулчилиги) қўлланилади.

17. **Кулчиликка ўхшаш анъаналар** деганда, шахсдан уй хўжалигида, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги ишларида, мол боқишда, ҳомилани ривожлантиришда ва бола туғишда, касал ёки кексайган қариндошларга, болаларга қарашда ва ҳоказоларда фойдаланишни тушуниш лозим. Бундай анъаналар, одатда, оилавий ёки қариндошлик муносабатларидан келиб чиқади.

18. **Эрксизлик ҳолати** – шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади². Унга мисол қилиб, тиламчилик қилиш учун фойдаланиладиган болалар ва ногиронларни тушунишимиз мумкин.

19. Юқорида таъкидланганидек, одам савдоси унинг объектив томонига кирувчи ҳаракатлардан бири бажарилган пайтдан бошлаб, жинсий мақсаднинг амалга ошгани ва бунинг натижасида муайян оқибатларнинг келиб чиққанлигидан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади. Шундай экан, бундай оқибатларнинг амалда вужудга келиши ЖК Махсус қисмининг содир этилган аниқ қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси бўйича ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида баҳоланиши лозим. Бундай ҳолларда қуйидаги нормалар қўлланилиши мумкин:

– одам савдоси қурбонлари шахвоний қуллар сифатида эксплуатация қилинганда ЖКнинг 118-моддаси ёки ЖКнинг 119-моддаси;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 5-банд, 4-хатбоши.

² Ўша манба, 5-банд, 5-хатбоши.

– агар шахвоний эксплуатациянинг фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш шакли қўлланилган бўлса, ЖКнинг 121-моддаси;

– агар болалардан тиламчилик қилишда фойдаланилган бўлса, ЖКнинг 127-моддаси;

– агар ЖКнинг 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган трансплантат олиш мақсади амалга оширилган бўлса, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «н» банди ёки ЖКнинг 104-моддаси.

20. Олий суд Пленуми тушунтирадики: «Қонун мазмунига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқасидаги одам савдоси Жиноят кодекси 135-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодекси 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, Жиноят кодекси 168-моддаси тўртинчи қисми «а» банди бундан мустасно»¹.

Жиноятчи томонидан қўлланилган ва унга кўп миқдордаги мулкни эгаллашга имкон берган алдаш ЖКнинг 168-моддаси бўйича квалификация қилишни талаб этмаслиги, худди шундай ҳаракатлар жуда кўп миқдорда содир этилганда эса, мазкур квалификация талаб қилиниши тўғрисидаги Олий суд Пленумининг мазкур тушунтириши жиноятларни квалификация қилишнинг асосий қоидаларига зид келади. Кўриб чиқилаётган ҳолатда мулкнинг миқдори квалификациянинг ўзгаришига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди.

21. ЖКнинг 135-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

22. **Жабрланувчини ўғирлаш, унга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари**ни қўллаш орқали содир этилган одам савдоси жиноятини ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиш лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 13-банд.

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга ҳилоф равишда, яширин ёки ошқора қўлга киритиш ва унинг эркига ҳилоф равишда уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим¹. Бунда айбдорнинг қилмиши одам ўғирлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 137-моддаси билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилишни талаб қилмайди.

Зўрлик ишлатиш мазкур ҳолатда жабрланувчига нисбатан олиш-сотиш ва у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатлар содир этилишини енгиллаштириш мақсадида дўппослаш, қийнаш, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ва ҳоказолар кўринишида жабрланувчига жисмоний таъсир кўрсатишда ифсдаланади. Бундай ҳолларда қилмиш ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «а» банди диспозицияси билан тўлиқ қамраб олиниб, ЖКнинг Махсус қисми бошқа моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Шу билан бирга, агар одам савдосида шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 104-моддасининг тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим². Агар жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиш натижасида эҳтиётсизликдан унинг ўлими келиб чиққан ёки унинг баданига оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган одам савдоси сифатида баҳоланиб, ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «б» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Одам савдосида **кўрқитиш** жабрланувчига, агар у айбдорнинг талабларини бажаришдан бўйин товлаганда унга нисбатан ҳар қандай жисмоний зўрлик ишлатиш, яъни дўппослаш, баданга шикаст етказиш, ҳаётдан маҳрум

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 8-банд, 2-хатбеси.

² Ўша манба, 14-банд, 2-хатбеси.

қилиш, овқатсиз ёки сувсиз қолдириш мақсади борлигини айтиш орқали руҳий таъсир кўрсатишда ифодаланади. Бунда кўрқитиш албатта реал бўлиши керак, лекин унинг амалга оширилиши шарт эмас ҳамда бу қилмиш ЖКнинг 112-моддаси билан кўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан кўрқитиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрусини тўкадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак¹.

23. Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган одам савдосини ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиш лозим.

Айбдорда кўриб чиқиладиган модданинг диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни камида икки шахсга нисбатан содир этишга ягона қасд мавжуд бўлса, қилмиш **икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган**, деб топилади. Бунда, қонда тартиқасида, жиноий ҳаракатлар бир вақтда ёки узоқ бўлмаган вақт оралиғида содир этилади.

Агар субъектда икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан одам савдоси ҳаракатларини амалга оширишга қасд мавжуд бўлиб, у ўз жиноий қасдини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказмаган бўлса (шу жумладан, ҳатто бир жабрланувчига нисбатан ҳам), унинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва 135-моддаси 2-қисми «б» банди билан икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан одам савдоси жиноятини содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига онд ишлар бўйича суд амалиёти туррисида»ги 12-сонли қарори, 8-банд, 4-хатбоши.

24. **Ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан** содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган.

Маълумки, жабрланувчининг **ожиз аҳволи** унинг қаршилиқ кўрсатиш ёки унга нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар моҳиятини англашга тўсқинлик қилувчи организмнинг жисмоний ёки руҳий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. (*Ожиз аҳвол тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг*)

25. Айбдорга **моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан** одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамовида бўлганлиги, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳоказони англатади. **Бошқа жиҳатдан қарамлик** деганда, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур¹.

26. **Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан** содир этилган одам савдоси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «д» банди бўйича квалификация қилинади. (*Жиноят такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилишининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми шарҳига қаранг*)

27. ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «е» бандида назарда тутилган **бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб**, одам савдоси жиноятини содир этиш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг шарҳланаётган модданинг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда биргаликда иштирок этиши тушунилади. Бунда жиноятни ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «е» банди билан квалификация қилишда айбдорлар ўртасидаги келишув

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 9-банд.

олдиндан ёки жиноят содир этишдан бевосита олдин тузилган бўлиши керак.

28. **Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда** одам савдоси (ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «ж» банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан ЖК 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллаштириш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради¹.

29. Олий суд Пленуми тушунтирадики, ЖК 135-моддаси 2-қисми «з» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Ўз навбатида, жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилинишида намоён бўлади².

30. **Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда**, худди шунингдек **жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда** содир этилган одам савдоси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «и» банди бўйича квалификация қилинади.

Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш деганда, одам савдоси ҳаракатларини амалга оширишни осонлаштириш ёки яшириш мақсадида уларни расмий тақдим қилиш назарда тутилади. Мазкур ҳолатда **ҳужжатларни олиб қўйиш ёки яшириш** деганда, жабрланувчини шахсини тасдиқловчи ҳақиқий ҳужжатларга эгаллик қилиш имкониятидан маҳрум қилиш ҳамда бу ҳужжатларнинг бошқа шахс эгаллигида бўлиши тушунилади. **Ҳужжатларни йўқ қилиб юбориш**

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 10-банд.

² Ўша манба, 11-банд.



деганда эса, инсоннинг шахсини аниқлаш имкониятини берувчи ҳужжатларни йўқотиш назарда тутилади.

31. **Инсон аъзоларини ва (ёки) туқималарини олиш мақсадида** содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми «к» бандида назарда тутилган.

Трансплантат олиш мақсадида одам савдосини амалга ошириш жабрланувчидан донор сифатида фойдаланишни англатади. Бунда қилмишни мазкур банд билан квалификация қилишда айбдор жабрланувчининг қайсидир аъзо ёки туқималарини ажратиб олиши шарт эмас. Айбдорда бундай мақсадларнинг борлиги етарли ҳисобланади.

32. **Жабрланувчи 18 ёшга тулмаганлиги** айбдорга аён бўлган ҳоллардагина ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича жавобгарлик вужудга келади. Агар жиноятчи жабрланувчининг ёшига нисбатан адашса, жабрланувчи вояга етган, деб ўйлаш учун эса унда етарли асослар мавжуд бўлса ва унинг ҳаракатларида бошқа квалификация қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш ЖКнинг 135-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ҳали туғилмаган болани олиш-сотиш тўғрисида келишув ва боланинг онаси ёки бошқа манфаатдор шахсларга тегишли пул тақдим қилиш ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «а» банди билан, яъни ун саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан одам савдоси жиноятини содир этишга суиқасд қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

33. ЖК 135-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс **ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар** эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади. **Бошқа оғир оқибатлар** сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юктирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳоказолар тан олиниши мумкин¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 12-банд.

34. **Ўта хавфли рецидивист** томонидан содир этилган одам савдоси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «в» банди бўйича квалификация қилинади. (*Жиноят ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилганлигининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг*)

35. **Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб** содир этилган одам савдосини ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «г» банди бўйича квалификация қилиш лозим. Агар одам савдоси биргаликда жинойи фаолият олиб бориш мақсадида барқарор фаолият юритувчи гуруҳга бирлашган икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган бўлса, қилмиш **уюшган гуруҳ томонидан содир этилган**, деб топилади. Бунда одам савдоси жиноятини содир этишда иштирок этган уюшган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бажарган вазифаларидан катъи назар, ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми «г» банди билан жавобгарликка тортилади.

Одам савдосини **уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган**, деб топишда жиноят содир этилишидан уюшган гуруҳ аъзоларининг манфаатдор бўлиши лозимлигини инобатга олиш керак. Бунда жиноятни бажарувчи шахс уюшган гуруҳнинг аъзоси бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга эътибор қаратиш лозимки, айбдорда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишга қасд мавжуд бўлиши лозим.

36. Олий суд инстанциясининг тушунтиришига қура, одам савдоси жинояти ЖК 135-моддаси 2-қисмининг «ж, з, и, к» бандлари, 3-қисмининг «б» банди билан квалификация қилинганда, қилмишни ЖКнинг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида ЖК 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли қарори, 14-банд 1-қисми.

136-модда. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноят **объекти** аёл кишининг эрки ва кадр-қиммати, унинг эрга тегиш ёки эри билан бирга яшашда давом этиш масаласини мустақил ҳал қилиш эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилишда ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлашда, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишда ифодаланади.

3. **Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш** деганда, аёлни ўз эркига хилоф равишда эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбурлаш мақсадида унга нисбатан жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатилишини тушуниш лозим.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маънода жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, аёлни калтаклаш, дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни тушуниш зарур.

Мазкур ҳолатда аёлнинг баданига оғир шикаст етказилганда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тарихида ЖКнинг 136 ва 104-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Рухий зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний зўрлик ишлатиш, аёлнинг ўзи сир сақлашни истаган маълумотларни ошкор қилиш, унинг мол-мулкани нобуд қилиш билан қўрқитиш ва ҳоказоларни тушуниш керак. Айбдор аёлни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитган ҳолатларда, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди.

4. **Аёлни ўғирлаш** аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш ёки аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш мақсадида алдаш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан, уни эгаллаб олиш ва унинг эркига хилоф равишда бирон-бир жойга кўчиришдан иборатдир.

Аёлни унинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш ЖКнинг 137-моддаси билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинмайди. Жабрланувчини у билан никоҳда бўлиш мақсади бўлмаётган туриб ўғирлаш эса, ЖКнинг 137-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

5. Аёл киши, урф-одатга кўра, никоҳдан ўтиш учун ўғирланган бўлиб, бунга ўғирланган аёлнинг ўзи розилик берган бўлса, ЖКнинг 136-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

6. Ўғирланган аёл ўн олти ёшга тўлмаган бўлса ва айбдор буни аниқ била туриб, унинг розилиги асосида у билан жинсий алоқага кирса ёки жинсий эҳтиёжини райритабий усулда қондирган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 136 ва 128-моддалари билан квалификация қилиниши керак.

7. **Аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш** унинг ўз хоши-иродасига кўра эрга тегишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний ёки руҳий зўрлик (қўрқитиш) ишлатишда ифодаланади.

Аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишда ишлатиладиган жисмоний ёки руҳий зўрликнинг характери аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилишда қўлланиладиган зўрликнинг характери билан бир хилдир. Қариндошлар ва бошқа шахслар томонидан аёлнинг эрга тегиш истагини ўзгартириш мақсадида уни ҳар хил усулда қўндириш жиноят таркибини ташкил этмайди.

8. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

137-модда. Одам уғирлаш

Ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмагани ҳолда одам уғирлаш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- б) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир

этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- б) оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) инсон аъзоларини ва (ёки) туқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** одамларнинг истаган ерда бўлиш эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят ЖКнинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмагани ҳолда одам уғрилашда ифодаланади.

3. **Одам ўғирлаш** деганда, одамни эгаллаб олиш ва кейинчалик уни доимий ёки вақтинчалик турар жойидан бошқа ўғирланган одам зўрлик ишлатиб муайян мақсадда ушлаб туриладиган айбдор истаган жойга кўчириш йўли билан одамни яширинча, ошкора, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ёхуд бошқа усулда шахсий эркинлигидан маҳрум этиш тушунилади.

4. Одам ўғирлаш усуллари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

5. Одам ўғирлаш вақтида унга нисбатан жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатилиши мумкин. (*Жисмоний ёки рухий зўрлик ҳақида ЖКнинг 136-моддаси шарҳига қаранг*).

6. Одамни унинг шахсий эркинлигидан маҳрум қилиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

7. Ўғирланган одамнинг озодликка қандай чиққанлиги, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан озод қилинганлиги ёки ўғрилارнинг ўзлари томонидан қўйиб юборилганлиги қилмишни ЖКнинг 137-моддаси билан квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

8. Агар «жабрланувчи» «ўғри» билан келишиб, ўз турар жойини ихтиёрий равишда тарк этса ва кейинчалик ўзининг озод қилиниши учун «ўғри» билан биргаликда пул сўраса, ЖКнинг 137-моддаси бўйича жавобгарлик истисно қилинади. Мазкур ҳолатларда – шахсни эгаллаб олиш, зўрлик ишлатиб ушлаб туриш ва кўчириш мавжуд бўлмай, товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси) ва фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) каби жиноятларнинг таркиблари мавжуд бўлади.

Шунингдек, шахснинг ўз боласи ёки фарзандликка олинган боласини отаси (онаси) ёки бола тарбиясида турган яқин қариндошлари қўл остидан уларнинг хоҳиш-иродасига қарши эгаллаб олиш одам ўғрилаш сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

9. **Вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган одам ўғирлаш** ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилинади.

10. **Одамни ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда ўғирлаш**ни ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича

квалификация қилиш керак. (*Ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятлар тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси ва 133-моддаси шарҳига қаранг*).

11. Агар айбдор болани ўғирлаб, уни алмаштириб қўйган бўлса ва бунда ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларни кузлаган бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 124-моддаси ва 137-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари билан жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. **Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одам ўғирлашни** ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича квалификация қилиш лозим. (*ЖКнинг 29 ва 30-моддалари шарҳига қаранг*)

13. **Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаш** ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади (*ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг*).

14. **Ўта хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаш** ЖКнинг 137-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган махсус квалификация қилувчи таркибни ташкил қилади. (*ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг*).

15. ЖКнинг 137-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган **оғир оқибатлар** деганда, ўғирланган шахс баданига оғир шикаст етказилиши, эҳтиётсизлик орқасида у ҳаётдан маҳрум этилиши, жабрланувчи ота-онаси ёки яқин шахсларининг ўзини ўзи ўлдириши ёки рухий ҳолатининг бузилиши, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, жабрланувчи ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи тушиши ёки уларда муддатидан олдин туғилган чакалоқнинг вафот этиши ва ҳоказолар тушунилиши зарур.

16. **Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида одам ўғирлаш** ЖКнинг 137-моддаси 3-қисми «в» бандида назарда тутилган махсус квалификация қилувчи таркибни ташкил қилади. (*ЖКнинг 135-моддаси шарҳига қаранг*).

17. Шархланаётган жиноятни зўрлик ишлатиб райриконуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 138-моддаси) ва шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (ЖКнинг 245-моддаси) жиноятларидан фарқлаш лозим.

Мазкур жиноят таркибларидаги умумий ўхшаш жиҳат жабрланувчининг ўзи хоҳлаган ерда бўлиш эркинлигини чеклашда, шу жумладан, айрим ҳолларда уни борлаш, батареяга кишанлаб қўйиш ва ҳоказолар орқали бинода сақлашда, бошқа шахслар билан эркин муомала қилиш имкониятидан маҳрум қилишда, агар бунга йўл қўйилса ҳам, фақатгина жиноятчилар рухсати ёки уларнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилишида намоён бўлади.

Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш ҳам жабрланувчининг зўрлик ишлатиб ушлаб турилишини назарда тутади, бироқ бунда у фақатгина доимий ёки вақтинчалик турар жойида (ўз уйида, хонадонида, ишхонасида, автомашинасида, гаражида ва ҳоказода) ушлаб турилиши мумкин. Одамни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш муддати, унга ҳеч қандай зиён етказилмаган бўлса ҳам, айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 137-моддаси бўйича квалификация қилишга таъсир этмайди.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда ҳам жабрланувчи ҳеч қаерга кўчирилмасдан у эгаллаб олинган жойнинг ўзида ушлаб турилиши мумкин. Аммо бу ҳолат шахсни гаров сифатида тутқунликка олишнинг одам ўғирлашдан асосий фарқи эмас. Улар ўртасидаги асосий фарқ жинсий тажовузнинг объекти ҳисобланади: одам ўғирлашда жиноят объекти шахснинг шахсий (жисмоний) эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар бўлса, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятининг объекти эса, жамоат хавфсизлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, одам ўғирлашда ва шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда жиноятчилар турли мақсадларни кўзлайди.

Одам ўғирлаш одамдан ўч олиш мақсадида уни ўлдириш, унинг номусига тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондириш, шахвоний ёки бошқача тарзда эксплуатация қилиш, жабрланувчидан ёки унинг яқин қариндошларидан маълум талабларни бажаришга розилик олиш, яъни қарздан воз кечиш, мулкiiй ҳуқуқларни бериш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Бунда жабрланувчини танлаш одам ўғирлаган шахс учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга (муайян

қарздор, у учун тўловни тўлаш имкониятига эга бўлган қариндошлари бўлган шахс ва бошқалар), одам ўғирлашнинг ўзи яширин тарзда кам гувоҳлар бўлган вазиятларда содир этилади.

Шахсни тутқунликка олишда жабрланувчининг шахси жиноятчини кизиктирмайди. Жабрланувчи ҳар қандай тасодифий шахс бўлиши мумкин ёки мазкур жиноятга кенг жамоат эътиборини қаратиш мақсадида жабрланувчилар сифатида таниқли жамоат ёки сиёсат арбоблари танланиши мумкин. Бунда одам ўғирлашдан фарқли тарзда жиноятчилар тутқунликка олинган шахсларни озод қилиш шarti билан ўз талабларини очикдан-очик ультиматум шаклида, қоида тариқасида, давлатга ёки турли ташкилотларга эълон қилишади.

18. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

19. **Жиноятнинг субъекти** 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш

Бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жисмоний азоб бериб;

б) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli шароитда сақлаган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** жабрланган шахснинг шахсий (жисмоний) эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этишда, яъни айбдор жабрланувчини бошқа жойга кўчирмасдан жабрланувчи ўзи хохиши билан келган доимий ёки вақтинчалик турар жойида уни изоляция қилиш йўли билан жабрланувчининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши эркинлигига, унинг ўз турар жойини эркин танлаш ҳуқуқи амалга оширилишига, бошқа шахслар билан мулоқот қилишига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларни содир этишда ифодаланади.

3. **Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш** жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш орқали амалга оширилади (боғлаш, жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида уйқу дори бериш, кишан солиш, жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан ёки мулкни нобуд қилиш билан қўрқитиб бинога қамаб қўйиш ва ҳоказолар).

4. Жабрланувчи ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилинган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишнинг муддати айбдорларнинг шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлигига таъсир қилмайди.

5. Агар кўриб чиқиляётган мазкур жиноятни содир этиш жараёнида жабрланувчига нисбатан дўппослаш, қийнаш ёки тана учун ноқулай шароитда узоқ муддат ушлаб туриш (тулик туриш, қўллар кўзғалмас жисмларга бириктирилганда уларни тушириш имконияти чекланган ва ҳоказолар) ҳаракатлари содир этилган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 138-моддаси 2-қисми «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

6. Агар айбдорнинг жабрланувчига жисмоний азоб бериш билан боғлиқ ҳаракатлари оғирроқ алоҳида жиноят таркибини

ташкил қилса (масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш ва хоказо), қилмиш жиноятлар жами тариқасида ЖКнинг 138-моддаси 2-қисми «а» банди ва ЖКнинг 104 ёки 118-моддалари тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

7. **Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli шароитлар** деганда, одамнинг узоқ вақт давомида совуқ хонада ёки аксинча жуда кўп вақт мобайнида иссиқ ёки совуқ хонада сақланиши, узоқ вақт давомида унга сув, овқат берилмаслиги, яъни жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига жиддий зарар етказиш реал хавфи вужудга келган ҳолларни тушуниш лозим.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

10. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Мазкур жиноятни содир этган мансабдор шахслар иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суинстеъмол қилиш учун (ЖКнинг 205-моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш учун (ЖКнинг 206-моддаси) ёки одил судловга қарши жиноятлар, масалан, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки хибсга олиш учун (ЖКнинг 234-моддаси) жавобгарликка тортиладилар.

139-модда. Тухмат

Тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекомму-

никация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали тухмат қилиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Тухмат:

- а) оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблб;
- б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;
- в) хавfli рецидивист томонидан;
- г) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** шахсининг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят бида туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатишда ифодаланади. Бунда агар шахсга айнан шу қилмиши учун унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан сунг бир йил ичида шу қилмишни содир этса, ЖКнинг 139-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

3. ЖКнинг 139-моддаси 1-қисми диспозициясида тухматнинг барча зарурий белгилари санаб ўтилган: айбдор тарқатилаётган маълумотлар ёлғонлигини билган бўлиши, тарқатилган маълумотлар **ҳақиқатга тўғри келмайдиган** ва **шарманда қилувчи**, яъни жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бўлиши лозим.

4. Маълумотларнинг шарманда қилувчи эканлиги масаласи жабрланувчининг субъектив баҳосидан қатъи назар, суд

томонидан аниқланади. Масалан, шахснинг таносил ёки рухий ҳолатининг бузилганлиги тўғрисидаги ёлғон маълумотлар шарманда қилувчи бўлиши мумкин.

5. Башарти, айбдор бошқа шахс ҳақида уни шарманда қилувчи, аммо **ҳақиқатга тўғри келадиган** маълумотларни тарқатган бўлса, уни тухматда айблаб, жавобгарликка тортиб бўлмайди. Худди шундай, агар айбдор томонидан тарқатилган маълумотлар ёлғон бўлмаса, тухмат жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди.

6. **Уйдирма** деганда, айбдор томонидан йиғилган амалда мавжуд бўлмаган ёки айбдор томонидан сохталаштирилган, нотўғри шарҳланган маълумотларни тушуниш керак.

7. Ёлғонлигини била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган **уйдирмалар тарқатиш** деганда, уларнинг ҳеч бўлмаганда бир шахсга маълум қилинишини тушуниш зарур. Уйдирмаларни тарқатиш усули ҳар хил бўлиши мумкин (телефон орқали, Интернет ёрдамида, оғзаки, ёзма, бирор тасвир кўринишида ва ҳоказо).

8. Тухмат жинояти айбдор била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмаларни ҳеч бўлмаганда бир шахсга етказганда **тугалланган** ҳисобланади.

9. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор олдиндан ўзи тарқатаётган уйдирмаларнинг ёлғонлигини, бошқа шахсни шарманда қилишини билиши кўриб чиқиляётган модда бўйича жиноятни квалификация қилиш учун зарурий шарт ҳисобланади.

10. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

11. Агар тухмат қилиш **нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали содир этилган** бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 139-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд **оммавий ахборот воситаларида, теле-**

коммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тухмат қилиш деганда, тухмат қилувчи уйдирмаларни китобларда, газета ва журналларда, варақаларда ёки бошқа асарларда, радио ва телевидение орқали, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали, аудио ва видеокассеталарда кўпайтириш йўли билан маъмулотларни кенг оммага тарқатишни тушуниш лозим.

12. Жабрланувчини жамият томонидан қораланадиган ахлоққа зид ҳаракатларни содир этишида айбланиш билан боғлиқ оддий тухмат қилишдан фарқли равишда, ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича квалификация қилинадиган тухматда жабрланувчи ЖКнинг Махсус қисмида кўрсатилган ва нафақат ахлоқ билан қораланадиган, балки давлат томонидан ҳам жазоланадиган оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланади. *(Оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисида ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг)*

13. ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган оғир оқибатларга тухмат қилишдан шахснинг ўзини ўзи ўлдириши, у рухий ёки бошқа касалликларга чалиниши (инфаркт, инсульт) ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

14. *(Хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг)*

15. *(Фаразли ёки бошқа паст ниятлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97 ва 133-моддалари шарҳига қаранг).*

140-модда. Ҳақорат қилиш

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ҳақорат қилиш:

а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;

б) хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жиноят объекти** инсон ўзга шахснинг шаъни, қадрини ҳурмат қилинишини кафолатловчи, ўз шахсининг қадрини субъектив англашини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлашдан иборат. Шу билан бирга, жавобгарлик ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан юзага келади.

3. **Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш** деганда, инсонга нисбатан уни қоралашга йўналтирилган салбий баҳо берилиши тушунилади. Ҳақорат турли кўринишларда ва усулларда намоён бўлади. У фақат оғзаки, ёзма, бевосита тегмасдан тана ҳаракатлари орқали (жабрланувчи тарафга қараб туфлаш, хунук қилиқлар билан ва ҳ.к.) ва бевосита тегиш билан тана ҳаракатлари орқали, лекин жабрланувчига жисмоний зарар етказмасдан (итариб

юбориш, кийимларини йиртиш ва х.к.) содир этилиши мумкин.

Ақсарият ҳолларда, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш бевосита рўй беради, лекин у билвосита, жабрланувчининг йўқлигида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ЖКнинг 140-моддаси бўйича жавобгарлик фақат айбдор жабрланувчига ҳақоратлари етиб боришига ишонган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

4. Ҳақорат қилиш жиноятининг таркиби мавжудлиги учун айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан берилаётган салбий баҳо ёлғон ёки тўғри бўлганлиги аҳамиятсиздир. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш беодоблик шаклида ифодаланганлигини аниқлаш етарлидир.

Уятсиз шаклда деганда, ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланадиган, жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига ва муомала маданиятига зид тарзда ифодаланган шахс билан уятсиз муомала қилиш тушунилади. Ҳақорат учун жавобгарлик масаласининг ҳал қилинишида фақатгина ҳақоратланган шахснинг реакциясидан келиб чиқиб бўлмайди, бу реакция шахс ўзини юқори даражада яхши кўриши сабабли вужудга келиши мумкин. Ҳар қандай таҳқирлаш ҳақоратни ташкил этавермайди, фақатгина шаън ва кадр-қимматни таҳқирласа ва номаъқул кўринишда ифодалансагина, ҳақорат ҳисобланиши мумкин. Тўғри ифода этилган танқид ҳақорат таркибини ташкил қилмайди.

5. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлашга қаратилган ҳар қандай уятсиз ҳаракатларни содир этиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган**, деб топилади.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

7. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

8. **Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш** орқали ҳақорат қилиш ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликни вужудга келтиради. (*ЖКнинг 139-моддаси шарҳига қаранг*).

9. Ҳақорат қилиш жабрланувчининг ўз хизмат ёхуд фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ бўлса, ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича квалификация қилинади. (ЖКнинг 37-моддаси шарҳига қаранг).

10. Ҳақорат қилиш хавfli рецидивист, яъни илгари ҳақорат учун судланган шахс томонидан содир этилганда, шунингдек, илгари тухмат учун судланган шахс томонидан қилинган ҳақорат ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиниши керак. (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг)

VII боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

141-модда. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш

Жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси белгилайдики, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Шарҳланаётган модда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 26-моддасига тўла мувофиқ келиб, Халқаро пактнинг мазкур моддасида қайд этилишича, барча кишилар қонун олдида тенг бўлиб, ҳар қандай камситишсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Шу муносабат билан ҳар қандай камситишнинг қонун билан тақиқланиши шарт бўлиб, қонун барча шахсларнинг ҳар қандай белгисига, яъни irqига, танасининг рангига, жинсига, тилига, динига, сиёсий ёҳуд бошқа эътиқодларига, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига, мулкӣ мавқеига, туғилиши ёҳуд бошқа ҳолатларга қўра камситилишига қарши тенг ва самарали ҳимояни кафолатлаши лозим.

2. Жиноятнинг **объекти** фуқаронинг шахсий ҳуқуқларини амалга ошириши борасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёҳуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш ифодаланади.

4. **Фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёҳуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш** дейилганда, муайян бир шахснинг табиий, биологик, тарихий ва ижтимоий белгилари бўйича одамларнинг муайян бир гуруҳига тегишлилигидан келиб чиққан ҳолда ушбу шахсга ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш имкониятини ҳар қандай шаклда тақдим этмаслик ёҳуд мазкур



хуқуқ ва манфаатларини амалга оширишига тўскинлик қилиш тушунилади. Масалан, шахсни жинси, ирки, миллати ва ҳоказо белгилари боис ишдан бўшатиш, рўйхатга олишни, ишга олишни, ўқишга қабул қилишни рад этиш.

5. Жинси, ирки, миллати, тили, дини ва ҳоказоларга қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклашга ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар беришга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бошланган вақтдан жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амалда муайян бир зарар етказилишидан қатъи назар, **туғалланган** деб эътироф этилади.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

7. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Жиноятнинг субъекти мансабдор шахс бўлган ҳолларда содир этилган қилмиш ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш (ЖКнинг 205-моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖКнинг 206-моддаси) каби жиноятларнинг белгилари мавжудлигида ЖКнинг ушбу моддалари бўйича ҳам қўшимча равишда квалификация қилиниши зарур.

8. Тенг ҳуқуқлилиқ зўрлик ишлатиш билан бузилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг **141-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузишда **зўрлик ишлатиш** деганда, қалтаклаш, дўппослаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш тушунилиши лозим. Ушбу ҳолатда шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг моддалари бўйича қўшимча квалификация қилиш зарур эмас. Баданга оғир шикаст етказилган тақдирда айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 141-моддаси 2-қисми ва ЖКнинг 104-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади.

141'-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш

Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;

б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;

в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга....» деб айтилади.

Шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги, шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг розилигисиз йиғиш, тарқатиш, фойдаланиш қонун билан тақиқланади, бу шубҳасиз, инсоннинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги кафолатларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасига мувофиқ, шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур бўлган шароитлар ва кафолатларни яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли



сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан химоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади¹. 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 17-моддасига мувофиқ, ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан ёки ноқонуний тарзда аралашиш мумкин эмас.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** фуқароларнинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилиш ҳуқуқи, хусусан, шахсий ёки оилавий сирлари дахлсизлигини сақлашга оид конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардан иборат.

4. Қўриб чиқилаётган жиноятнинг предмети шахснинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин бўлмаган шахсий ёки оилавий сирни ташкил этувчи маълумотлар ҳисобланиши мумкин. Шахсий ёки оилавий сирларга нафақат шахсни ёхуд унинг оиласини обрўсизлантирувчи, шарманда қилувчи маълумот, балки шахс махфий сақлаб қолишни истаётган бошқа маълумотлар ҳам киради, жумладан, оила аъзоларидан бирида бирорта касаллик мавжудлиги, ножўя, хунук одатлар, ишқий алоқалар.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003 й.. 1-сон. 2-модда.

5. **Объектив томондан** жиноят шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг розилигисиз: 1) қонунга хилоф равишда йиғиш; 2) тарқатиш йўли билан содир этилиши мумкин.

6. Шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, унинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни йиғишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар орқали содир этилиши мумкин. Бу муайян шахсни кузатиш, орқасидан пойлаб юриш, суратга олиш, уни танийдиган ходимлар, хизматдошлардан сўраб, суриштириш ва ҳ.к. Асосийси шундаки, мазкур маълумотлар эгасининг розилигисиз йиғилади, ваҳоланки фақатгина маълумот эгаси нимани сирлигича қолдиришни ҳал қилади.

7. Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларга эга шахс томонидан ушбу маълумотларни тарқатиш уларни шахсий ёки оилавий сир эгасининг розилигисиз оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, интернет орқали, аудитория олдида чиқиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Маълумотларни тарқатишда улар ҳақида кенг доирадаги шахслар хабардор бўлади.

Аммо, шуни инобатга олиш зарурки, башарти маълумотлар жамоатчиликка жабрланувчининг ўз айби билан ошкор қилинган бўлса, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди (масалан, шахс мунтазам равишда ўз турар жойида яшовчилар нигоҳида маст ҳолда кўриниши, қўшнилар кўз унгида тиланчилик қилиш ва б.)

8. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси шундаки, биринчидан, шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш шахснинг розилигисиз, иккинчидан, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилади.

Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

9. Шунн хисобга олиш лозимки, шахснинг розилигисиз унинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий хаёти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ёки тарқатиш, башарти қонунга асосланган бўлса (жумладан, милиция тўғрисидаги, ЖПК, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ва ш.к.), жиноят деб тан олиниши мумкин эмас.

10. Жиноят шахснинг розилигисиз унинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий хаёти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ёки тарқатиш бошланган вақтдан бошлаб **тамомланган** хисобланади.

11. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни содир этиш мақсади унинг квалификациясига таъсир қилмайди.

12. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, акли расо жисмоний шахс хисобланади.

13. ЖК 141¹-моддасининг иккинчи қисмида ўша харакатлар:

а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;

б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;

в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, жавобгарлик кўзда тутилган.

14. Оғир оқибатлар остида жабрланувчига жиддий маънавий зарар етказилиши, оиланинг ажралиши, унинг соғлиғи бузилишини тушуниш лозим. Оқибатлар ҳар бир ҳолатда суд томонидан баҳоланиши шарт.

Ғаразли ниятлар тушунчаси ЖКнинг VIII бўлимида берилган. Хавфли рецидивист тушунчаси аввалроқ берилган эди.

141²-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу

жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда;
- г) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни 2019 йил 2 июлда қабул қилинган. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ унинг мақсади шахсга доир маълумотлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-сида Ўзбекистон Республикасининг шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганидан бошқача

қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади¹.

2. **Шарҳланаётган жинойтнинг объекти** бўлиб, фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини химоя қилиш билан борлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш **объектив томондан** қуйидагиларда ифодаланади:

- 1) қонунга хилоф равишда йиғиш;
- 2) тизимлаштириш;
- 3) сақлаш;
- 4) ўзгартириш;
- 5) тўлдириш;
- 6) улардан фойдаланиш;
- 7) уларни бериш;
- 8) тарқатиш;
- 9) узатиш;
- 10) эгасизлантириш;
- 11) йўқ қилиш;

12) ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик;

13) ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

4. Жинойт **предмети** – шахсга доир маълумотлар ҳисобланади.

Шахсга доир маълумотлар – муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ўРК–547-сонли Қонуни, 2-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот.

Шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) – шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс.

Шахсга доир маълумотлар базаси – таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси.

Шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) – шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

Учинчи шахс – субъект, мулкдор ва (ёки) оператор бўлмаган, аммо шахсга доир маълумотларга ишлов бериш бўйича ҳолатлар ёки муносабатлар орқали улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахс.

Давлат реестри – мулкдор ва (ёки) оператор томонидан ариза бериш йўли билан рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларининг рўйхати;

шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестридаги қайд рақами (кейинги ўринларда қайд рақами деб аталади) – мулкдор ва (ёки) оператор томонидан ариза бериш орқали хабардор қилиш йўли билан рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестридаги қайд этилган рақами¹.

5. Шахсга доир маълумотлар базаси мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан амалга ошириладиган вазифаларни бажариш учун зарур ҳамда етарли бўлган шахсга доир маълумотларни йиғиш йўли билан шакллантирилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш тартиби ва принциплари мулкдор ва (ёки) оператор томонидан мустақил равишда белгиланади. Шахсга доир маълумотларни сақлаш шахсга доир маълумотларни йиғиш чоғида илгари

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ЎРҚ–547-сонли Қонуни, 4-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

билдирилган мақсадлар талаб этадиган даражада субъектни идентификация қилиш имконини берадиган шаклда амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни саклаш муддати уларни йиғиш ва уларга ишлов бериш мақсадига эришиш санаси билан белгиланади¹.

Шарҳланаётган модда диспозицияси бланкет норма ҳисобланиб, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, шахсга доир маълумотларга ишлов беришда қонунчилик талабларига мувофиқлик назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 8 февралдаги «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори² ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низом»и³ асосида тартибга солинади.

Давлат реестрини шакллантириш ва юритишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ваколатли орган этиб белгиланган.

6. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш субъектнинг мурожаати асосида, ушбу мурожаат берилган пайтдан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай мулкдор ва (ёки) оператор томонидан амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги УРК-547-сонли Қонуни, 10-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 8 февралдаги «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 71-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2020 й., 09/20/71/0141-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 8 февралдаги «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисида»ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2020 й., 09/20/71/0141-сон.



Ҳақиқатга тўғри келмайдиган шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш бундай номувофиклик аниқланган пайтдан эътиборан дарҳол амалга оширилади¹.

7. Мулкдорнинг, операторнинг ва учинчи шахснинг фаолияти мақсадларини амалга оширишга қаратилган шахсга доир маълумотлар билан ҳаракатлар шахсга доир **маълумотлардан фойдаланишдир**.

8. Шахсга доир маълумотларни муайян шахсга ошкор этишга қаратилган ҳаракатлар шахсга доир **маълумотларни бериш** ҳисобланади.

9. Шахсга доир маълумотларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этишга, шу жумладан шахсга доир маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилишга, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштиришга ёки шахсга доир маълумотлардан бирор-бир бошқа усул билан фойдаланиш имконини беришга қаратилган ҳаракатлар шахсга доир **маълумотларни тарқатишдир**.

10. Шахсга доир маълумотларни мулкдор ва (ёки) оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига узатиш шахсга доир маълумотларни **трансчегаравий узатишдир**.

11. Амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларнинг муайян субъектга тегишлилигини аниқлаш имкони бўлмай қоладиган ҳаракатлар шахсга доир **маълумотларни эгасизлантиришдир**.

Тарихий, статистик, социологик, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда мулкдор ва оператор, шунингдек учинчи шахс бу маълумотларни эгасизлантириши шарт.

12. Амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларни тиклаш имкони бўлмай қоладиган ҳаракатлар шахсга доир **маълумотларни йўқ қилишдир**.

Шахсга доир маълумотларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этишга, шу жумладан шахсга доир

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги УРҚ-547-сонли Қонуни, 11-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилишга, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштиришга ёки шахсга доир маълумотлардан бирор-бир бошқа усул билан фойдаланиш имконини беришга қаратилган ҳаракатлар шахсга доир **маълумотларни тарқатишдир**¹.

Шахсга доир маълумотлар мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан қуйидаги ҳолларда йўқ қилиниши лозим:

- шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадига эришилганда;
- субъектнинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун берилган розилиги чакириб олинганда;
- шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг субъект берган розилик билан белгиланган муддати ўтганда;
- суднинг қарори қонуний кучга кирганда².

13. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонуннинг ҳаракатлари шахсга доир маълумотларни қайта ишлашда қўлланиладиган усуллардан, шу жумладан, инфор­мацион технологиялардан фойдаланишидан қатъи назар, қайта ишлаш ва химоя қилиш билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилади.

Мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шарт³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ўРҚ–547-сонли Қонуни, 14-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 03/19/547/3363-сон.

² Ўша манба, 17-модда.

³ Ўша манба, 27¹-модда.

Шархланаётган жиноят учун жавобгарлик мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан кейин юзага келади.

14. **Субъектив томондан** жиноят қасддан содир этилади.

15. Жиноятнинг **субъекти** шахсга доир маълумотлар базасининг оператори, яъни, шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс ёхуд шахсга доир маълумотларнинг субъекти ҳисобланмайдиган, бироқ шахсга доир маълумотларни қайта ишлашга алоқадор шахс.

16. ЖК 141² – **моддаси 2-қисмида** уша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилган бўлса;

г) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга сабаб бўлса жинойий жавобгарликка тортилади.

17. Оғир оқибатлар деганда – ЖК 141¹-модда шарҳига қаранг.

142-модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш

Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Турар жой дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси кафолатланган бўлиб, унда белгиланишича, ҳар ким ўз турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Бунда ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши мумкин эмас.

Шарҳланаётган модда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига тула мос келади. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 17-моддасида ҳеч кимнинг уй-жой дахлсизлигига ўзбошимча ёки ғайриқонуний тарзда тажовуз қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

2. Жиноят **объекти** фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги бўйича конституциявий ҳуқуқини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Жиноятнинг **объектив томони** турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб киришда ифодаланади.

4. *(Турар жой тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).*

5. **Ғайриқонуний бостириб кириш** деганда, айбдор томонидан ҳар қандай усул билан (тусиқларни енгиб ёки енгмасдан) турар жойда яшаётган шахсларнинг розилигисиз ёки уларнинг эркига хилоф равишда ва бунга ҳуқуқий асослар мавжуд бўлмаган ҳолда ушбу турар жойга киришга қаратилган турли ҳаракатлар содир этилишини тушуниш керак (ғайриқонуний равишда уйдан кучириш, санкция олмасдан тинтув ўтказиш, ўзга турар жойга ўзбошимча кўчиб кириш ва ҳоказолар).

6. Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний бостириб кириш билан боғлиқ бўлган ҳолатда содир этилган қилмиш ЖКнинг 142-моддаси бўйича жинойи жавобгарликни келтириб чиқаради. Ғайриқонуний бостириб кириш зўрлик ишлатмасдан

содир этилган ҳолатда эса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноий жазога тортилмайди.

Зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатишни тушуниш лозим (жабрланувчини итариб юбориш, қўлини қайириш, калтаклаш, дўппослаш, унинг баданига енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш). Бундай ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг соғлиққа қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалари бўйича квалификация қилиш талаб қилинмайди. Жабрланувчининг турар жойига ғайриқонуний бостириб киришда унга нисбатан қўлланиладиган зўрлик ЖКнинг 142-моддасида назарда тутилган жиноятга қараганда оғирроқ жиноят бўлмаган ҳоллардагина юқоридаги қоида қўлланилади.

7. Жиноят зўрлик ишлатиб турар жойга ғайриқонуний бостириб кириш вақтидан бошлаб, вужудга келган оқибатлардан қатъи назар, **туғалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда бостириб кириш мансабдор шахс томонидан содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 206-моддаси бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилинади.

10. Ўзгалар мулкани талон-торож қилишда турар жойга ғайриқонуний кириш (очикдан-очик ёки яширин равишда, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатмасдан) ўзгалар мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутадиган ЖКнинг тегишли моддалари билан қамраб олинади ва ЖКнинг 142-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.



143-модда. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, ҳар ким ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сири ҳуқуқига эга. Конституциянинг мазкур қоидалари Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 17-моддасига ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасига асосланади.

2. Жиноят **объекти** фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларни сир сақлаш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузишда ифодаланади.

4. **Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш** маълумот эгасининг розилигисиз ёки ҳуқуқий асослар (жиноят ишини тергов қилиш муносабати билан суд қарори ёки прокурор санкцияси) мавжуд бўлмаганда

телетайп, телефакс, электрон почта орқали келиб тушадиган хатларнинг, телеграммаларнинг, аудио-ёзишмаларнинг ва бошқа хабарларнинг мазмуни билан ноқонуний танишишда намоён бўлади.

5. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг мазмуни билан улар эгасининг рухсатсиз ёки ҳуқуқий асослар мавжуд бўлмаганда танишиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

6. Хат-ёзишмалар, телефон, телеграф сўзлашувлари ёки бошқа хабарларнинг сири жиноятни очиш, жиноятни аниқлаш ва жиноятчини ушлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан бузилган ҳолларда шахсларнинг ҳаракатлари жинсий қилмиш, деб топилмайди.

7. Мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, тегишли белгилар мавжуд бўлган ҳолатда, ЖКнинг 205 ёки 206-моддаларида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин.

8. **Субъектив томондан** ушбу жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

144-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган

қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти туғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти туғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари туғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Шунингдек,

Конституциянинг мазкур нормасига мувофиқ, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

2. 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Конституциямизнинг ушбу муҳим йўналишда ҳуқуқий механизмини таъминловчи ҳамда давлат томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришда жисмоний ёки юридик шахсларнинг фаолиятини қаролатловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида намоён бўлди. Кейинчалик, яъни 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган қонун 2014 йил 3 декабрда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун номи билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни ҳам такомиллаштиришни тақозо этиши натижасида **2017 йил 11 сентябрда амалдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–445-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни** бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида янги таҳрирда қабул қилинди.

3. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объекти** ариза, таклиф ва шикоятлар билан ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилишга доир жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Бунда **ариза** деганда, ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат, **таклиф** деганда, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат, **шикоят** деганда,

бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат тушунилади. Мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эгадир.

Электрон мурожаат деганда – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, (реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно) тушунилади.

Такрорий мурожаат деганда – айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат тушунилади.

Аноним мурожаат – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат тушунилади.

4. ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноят **объектив томондан** қуйидаги ҳаракатлар орқали содир этилади:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга ҳилоф равишда рад этиш;

2) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш;

3) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик;

4) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул қилиш;

5) жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш;

6) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузиш.

5. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига қўра, мурожаатларга бир қатор талаблар қўйилган. Жумладан, жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади¹.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш шарҳланаётган модда нуктаи назаридан мурожаатни қаноатлантиришни рад этиш, уни кўриб чиқишга қабул қилмаслик ва тегишинча жисмоний ёки юридик шахснинг бевосита унинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир бўлган хужжатлар ва материаллар билан танишиш, улардан фойдаланиш ёки уларга эгаллик қилиш ҳуқуқини қаноатлантирмаслик ҳақида ваколатли орган, мансабдор шахс ёки халқ вакили томонидан қарор қабул қилинишида намоён бўлади. Бунда рад этишнинг қонунга хилоф эканлиги унинг ноқонунийлигини, мурожаатларни кўриб чиқиш зарурлигини белгиловчи норматив хужжатларга зид эканини билдиради.

Қонунга мувофиқ мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно².

Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Мурожаатнинг қабул қилиниши ва кўриб чиқилишини қонунга хилоф равишда рад этиш ҳаракат (рад этиш ҳақидаги резолюция ёки ариза) ёки ҳаракатсизликда (субъектнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқларини поймол қилишида) намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ўРҚ–445-сонли Қонуни, 6-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда.

² Ўша манба, 18-модда.

7. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишга асоссиз ҳолда мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонун билан белгиланган муддатини бузиш, тегишли муассасага мурожаатларни кўриб чиқиш учун ўз муддатида юбормаслик киради. Узрли сабаблар объектив хусусиятдаги омиллар (енгиб бўлмас қуч таъсири) ҳам, субъектив хусусиятдаги (масалан, мурожаатларни кўриб чиқишга масъул шахснинг бетоблиги) омиллар ҳам бўлиши мумкин.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ун беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари гомонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади¹.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан, қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сонли Қонуни, 28-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади¹.

Мурожаатни тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

8. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига мувофиқ, келиб тушган ҳар бир мурожаатга жавоб юборилиши шарт. Мурожаатга жавобни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди. Мазкур тартибда мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга жавоб юбормаслик мурожаатлар юзасидан ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик сифатида баҳоланади.

9. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРК-445-сонли Қонуни, 28-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 25-модда.

қилиш – бу мурожаатдаги масаланинг амалдаги қонунчилик нормаларини бузган ҳолда ҳал қилинишидир.

10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахснинг шахсий ҳаётига тегишли бўлган маълумотларни, унинг шундай мурожаат қилган ёки қилмаганидан қатъи назар, тарқатишдан иборат бўлади.

11. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузиш деганда мурожаатни кўриб чиқишни юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларда бузиш, жумладан, мурожаат қилганлик муносабати билан жисмоний ёки юридик шахснинг аҳволини ёмонлаштирадиган чораларни кўриш ва ҳоказолар тушунилади.

12. ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш турлари рўйхати очиқ бўлиб, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганда ҳар бир ҳолатда айбдор томонидан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг айнан қайсилари бузилганини аниқлаш лозим.

13. ЖКнинг 144-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят моддий таркибли жиноятдир. Яъни, қилмиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган вақтдан бошлаб, тамом бўлган деб топилади. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига етказиладиган зиённинг жиддийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида

жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик бузилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар хусусияти ҳамда маънавий зарар, юридик шахснинг обрўсига етказилган зиённинг аҳамияти, моддий зарар ҳажми, шахснинг меҳнат қилиш, шахсий, ҳуқуқий ва номулкий ва мулкый бўлмаган ҳуқуқ ва манфаатларининг чекланганлик даражаси инobatга олиниши керак.

14. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ишлари бўйича ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда айбдорнинг қилмишлари ва ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилган келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаб олиш керак.

15. ЖКнинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки жисмоний ёки юридик шахсларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этишдан иборат.

16. **Таъқиб этиш** деганда, мансабдор шахс томонидан жисмоний ёки юридик шахс давлат органларига ёки бошқа муассасаларига мурожаат қилганлиги ёки унинг мурожаатида баён этилган танқиди учун ушбу шахснинг меҳнат, турар жой, мулкый ва бошқа ҳуқуқларини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чеклашни тушуниш лозим (масалан, ноқонуний ишдан бўшатиш, кам иш хақи туланадиган ишга асоссиз ўтказиш, тақдим этилиши лозим бўлган имтиёзлардан маҳрум этиш ва ҳоказо).

17. ЖКнинг 144-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят таъқиб қилинган пайтдан бошлаб **тугалланган** деб топилади.

18. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик мансабдор шахс томонидан

ғаразғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб қасддан бузилиши натижасида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказилган ҳолларда қилмиш иш ҳолатларига қараб ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича квалификация қилиниши зарур.

19. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

20. ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми бўйича жиноятнинг **субъекти** 18 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. ЖКнинг 144-моддаси 2-қисми бўйича эса, фақатгина мансабдор шахс субъект бўлиши мумкин.



145-модда. Виддон эркинлигини бузиш

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим

ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Конституциянинг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» дейилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддаси 1-қисми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддаси деярли бир хил бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 145-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ЎРҚ–699-сон Қонуни¹ ушбу халқаро ҳужжатларга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатларда мустаҳкамлангандек, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ЎРҚ–699-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.

ихтиёри билан ўзининг динига эга бўлиш ва уни қабул қилиш эркинлигини ҳамда ўз динини яқка ҳолда ҳам, бошқалар билан биргаликда ҳам оммавий ёки хусусий тартибда эътиқод қилиш, сифинишга бориш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркинлигини ўз ичига қамраб олади.

2. **Жиноят объекти** Конституция билан кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлигини, диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Диний ташкилот деганда** – фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (махаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи) тушунилади¹.

Диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи – бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг **камида саккизта маъмурий-худудий бирлигида** (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда, Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот (Қонуннинг 3-моддаси).

Маҳаллий диний ташкилот – Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) худудида доимий яшаётган, **ун саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам**

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ЎРК–699-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.

бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар ҳудудида амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар) (Қонуннинг 3-моддаси).

4. **Объектив томондан** ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Тўсқинлик қилиш диний муассасаларнинг фаолиятини ноқонуний тўхтатишда (масжид, черков, синагога, ибодатхона, шунингдек ибодат қилиш, ибодат ва диний мажлислар, зиёрат қилиш учун махсус мўлжалланган жой ва объектларни ёпиб қўйиш), диний маросимларни ўтказишга йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатларни содир этиш (никоҳ ўқиш, суннат қилиш, жаноза ўқиш ёки марҳумни дафн этиш, намоз ўқиш ва ҳоказолар), уларни ўтказишга жисмонан тўсқинлик қилишда, диний ташкилотларни рўйхатга олишни ноқонуний рад этишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

5. Фақатгина қонун доирасида амалга оширилаётган фаолиятга ва фуқароларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш ҳолати жиноят ҳисобланади. **Виждон эркинлиги** диний маросимларни фақат қонун доирасида амалга оширишни назарда тутади.

6. ЖКнинг 145-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга қаратилган қилмиш содир этилган пайтдан **туғалланган** деб топилади.

7. ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишдан иборат бўлади.

8. **Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга ноқонуний тарзда жалб қилишга** турли йўллар билан диний ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этишга (алдаш, моддий рағбат ваъда қилиб, ўч олиш, қўрқитиш, қасос олиш туйғусини сингдириш, кўра олмаслик ёки бошқа сабабларни кўрсатиб) мажбурлаш ёки кўндириш ҳолатлари киради.

9. **Ноқонуний тарзда динга ўқитиш** – бу вояга етмаган болаларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда дин ҳақидаги турли билимларни сингдиришга ҳаракат қилишдир.

10. ЖКнинг 145-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этишга, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб **тамомланган** ҳисобланади.

11. ЖКнинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони**:

– фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан;

– диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрусини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан;

– диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан;

– шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ диний фаолият юритишда ифодаланади.

12. ЖКнинг 145-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят кўрсатилган ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб, оқибатларидан қатъи назар, **туғалланган** деб топилади,

диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахснинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши бундан мустасно, чунки бу ҳолатда оқибат келиб чиққандан кейин жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

13. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

14. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Агар мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб фуқароларнинг виждон эркинлиги ва эътиқод қилиш ҳуқуқини қонуний амалга оширишига тўсқинлик қилса, унинг ҳаракатларини аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари ҳамда 145-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.



146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси белгилайдики: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

Референдум – умумхалқ овози ёрдамида қонунлар қабул қилиш ёки давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини хал этишдир.

2. Жиноятнинг **объекти** фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек сайлов ёки референдумни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўрнатилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** жиноят сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг узини узи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузишда, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштиришда, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритишда, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашда ифодаланади.

Овоз беришнинг яширинлигини бузиш референдум ёки сайлов қатнашчиларининг ўзларининг сайлов ҳуқуқларини ёки референдумда қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилишдир. Бу сайловчилар, референдум қатнашчиларининг ўз эркини ифода этиши устидан назорат ўрнатиш ёки назорат ўрнатишга ҳаракат қилишдир. Масалан, фуқароларни яширин овоз бериш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадида овоз бериш жараёнини кузатиш, очиқ овоз бериш кабиналарини жиҳозлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига биноан, овоз бериш биноларида яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда



сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар уларнинг ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб ўрнатилиши лозим. Қонун билан овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбирлар ўтказилишига рухсат этилмайди¹.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига қирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно².

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари комиссия аъзолари билан биргаликда:

пломбаларнинг рақамларини тегишли далолатнома билан солиштиради;

олдидан ёзув ашёларини йиғиштириб қўйиб, сайлов бюллетенларини санаб чиқиш учун жой (стол) тайёрлайди;

фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқади ва бекор қилади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади;

муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпик конвертларни сайлов қутисига ташлайди;

стационар ва кўчма сайлов қутилари очади;

ҳар бир номзод бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшиттирган ва намоиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади;

ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни санаб чиқади;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларини аниқлайди ва санаб чиқади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, 49-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

² Ўша манаба, 55-модда.

якуний баённомага овоз бериш натижалари тўғрисидаги ёзувни киритади.

Участка сайлов комиссияси овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш чоғида келиб тушган шикоятларни (аризаларни) қўриб чиқади. Шундан сўнг участка сайлов комиссияси овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича мажлис ўтказиб, унда овоз бериш якунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага киритилади. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Участка сайлов комиссияси баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига сайловда эса тегишли туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияларига тақдим этилади, асл нусха эса раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида олиб бориб топширилади¹.

Сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш деганда, ҳужжатнинг асл нусхасини қалбакисига алмаштириб қўйишни тушуниш керак. Сайлов ёки референдум ҳужжатларига сайлов бюллетенлари, имзо варақалари, овоз бериш учун рўйхатлар ва сайлов кампаниясининг бошқа материаллари киради.

Сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш деганда, асл ҳужжатларга бошқа ёзувларни киритиш натижасида ҳужжатни бузиш тушунилади.

Берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш деганда, сайлов ёки референдумда берилган овозлар натижа-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, 58-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

ларини у ёки бу номзод фойдасига қасддан бузиб кўрсатиш тушунилади.

Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш тартиби Сайлов кодексининг 94-моддаси билан тартибга солинади. Хусусан, участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатига киритилган шахсларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини ва сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир округ, ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Санаб чиқилган сайлов бюллетенлари асосида участка сайлов комиссияси:

ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;
ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини;
бузилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари ва масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «х» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овоз берувчи томонидан бюллетенни тўлдириш вақтида хатога йўл қўйилган ва унинг ўрнига янги сайлов бюллетени берилган, бу ҳақда сайловчилар рўйхатида ҳамда бекор қилинган бузилган сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйилган сайлов бюллетени бузилган ҳисобланади¹.

4. ЖКнинг 146-моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳаракатларнинг бирортасини содир этиш вақтидан бошлаб жиноят **туғалланган** деб топилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, 94-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

5. **Субъектив томондан** жиноят тўрри касд билан содир этилади.

6. **Жиноятнинг субъекти** махсусдир. Қонунда белгиланганидек, фақат сайлов ёки референдум ташкил қилишда, уларни ўтказишда иштирок этадиган 18 ёшга етган мансабдор шахслар ёки сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари Жиноятнинг субъекти бўла олади.

147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш

Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш –

тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган модда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 25-моддасига мувофиқ келиб, Халқаро пактнинг мазкур моддасига биноан ҳар бир фуқаро ҳеч бир қамситишларсиз ва асоссиз чеклашларсиз умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ҳамда сайловчиларнинг эркин хошиш



билдиришини таъминлайдиган ҳақиқий даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш бўйича ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиши керак.

2. Фуқароларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайлов ва референдумда эркин иштирок этиш, сайловолди ташвиқот олиб бориш, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари сифатида ўз ваколатларини эркин амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноят **объекти** ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилишда ифодаланади.

4. **Тўсқинлик қилиш** фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, жумладан, фуқаронинг сайловда ёки референдумда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик ҳуқуқи, депутатликка ўз номзодини қўйган шахсга ёки унга қарши ёхуд референдумга қўйилган масалага ёки унга қарши ташвиқот қилиш, бирор-бир номзодга ёки унга қарши овоз бериш, барча номзодларга қарши овоз бериш ва ҳоказо ҳуқуқларни (пассив сайлов ҳуқуқини), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёки ўз-ўзини бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқини (актив сайлов ҳуқуқини) амалга ошириш эркинлигига тажовуз қиладиган ҳаракатларни қасддан содир этишни кўзда тутди.

Бу сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун қасддан сунъий тўсқинликларни, номзодларни рўйхатга олишда турли тўсиқлар ва баҳоналарни, сайлов участкаларига кириш учун тўсиқларни ва ҳоказоларни қасддан вужудга келтириш бўлиши мумкин. Шарҳланаётган жиноят

овоз бермоқчи бўлган касал одамга сайлов кутисини тақдим этмаслик ёки унга сайлов варақаларини бермаслик, сайловчини тегишли рўйхатларга киритмаслик ва хоказолар орқали содир этилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган **зўрлик ишлатиш** деганда, жабрланувчининг сайлов ҳуқуқини ёки ўзининг ишончли вакил сифатидаги ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи унга нисбатан ҳар қандай жисмоний таъсирни (масалан, калтаклаш, дўппослаш, баданга енгил ёки уртача оғир шикаст етказиш, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этишни) тушуниш лозим. Агар жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 104-моддаси ва 147-моддаси билан жиноятлар мажмуи тарикасида квалификация қилинади.

6. **Кўрkitиш** жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, унинг мулкани нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошқор қилиш ва хоказолар билан кўрkitиб жабрланувчини ўз сайлов ҳуқуқидан воз кечишига мажбурлаш мақсадида унга нисбатан рухий таъсир ўтгазишдан иборат бўлади.

7. Кўриб чиқилаётган жиноятни содир этиш усули сифатида **алдаш** деганда, била туриб сайловчиларни, референдум иштирокчиларини ҳамда номзодларнинг ишончли вакилларини сайловлар ёки референдум натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сайловлар ёки референдумнинг ҳолатлари ҳақида нотўғри ахборотлар бериб янглиштириш тушунилади. Уша мақсадларда субъект томонидан сайловчилар, референдум иштирокчилари ҳамда номзодларнинг ишончли вакилларига берилиши керак бўлган маълумотлар ҳақида индамаслик ҳам алдаш сифатида баҳоланиши лозим. Шундай алдаш номзоднинг шахсига, сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувнинг жойи ва вақтига, мажлис ўтказиладиган жой ва вақтга, овоз бериш санаси, овоз бериш варақаларини тўлдириш тартиби ва хоказоларга ёхуд сайловолди кампанияси ёки сайловларнинг ўзида эркин иштирок этиш учун фуқаро билиши зарур бўлган бошқа фактик маълумотларга оид бўлиши мумкин.

8. **Оғдириб олиш** деганда, муайян бир ҳаракатларни бажариш ёки аксинча уларни бажармаслик (масалан, шахснинг сайловолди кампаниясида, бевосита сайловлар ёки референдумда катнашмаслиги, муайян тарзда овоз бериши, сайлов ёки референдум комиссиясининг ёхуд унинг аъзолари ишига тўскинлик қилиши, ўз номзодини сайловлардан қайтариб олиши) учун бирон-бир мулкӣ ёки бошқа имтиёзларни тақдим этиш ёки тақдим этишга ваъда бериш тушунилади.

9. Жиноят ЖКнинг 147-моддаси диспозициясида санаб ўтилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилади. Бунда фуқаро ёки ишончли вакилга уларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботини олиб бориш ва ҳоказо ҳуқуқларини амалга оширишларига амалда тўскинлик қилинган-қилинмаганлигининг аҳамияти йўқ.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

11. 16 ёшга етган ақли расо ҳар қандай жисмонӣ шахс ушбу жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноят мансабдор шахслар томонидан содир этилганда ва бошқа зарур белгилар мавжуд бўлганда, қилмишни ЖКнинг 205 ёки 206-моддаларида кўрсатилган жиноятлар билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак.

148-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш

Била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йиғирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини муҳофаза қилади. Унда мустаҳкамланганки, «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади».

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эга деб мустаҳкамланган.

2. Жиноятнинг **объекти** фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини, хусусан, хомиладор аёлларнинг ёки 3 ёшгача фарзандлари бўлган аёлларнинг меҳнат ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. ЖКнинг 148-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** худди шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатишда ифодаланади.

4. Меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ишдан бўшатишнинг асослари бўлмаганда ёки ишдан бўшатиш белгиланган тартибга риоя қилмасдан амалга оширилганда ишдан бўшатиш **ғайриқонуний** деб топилади.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 163-моддасига қура, меҳнат шартномасини:

1) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилмаган асослар бўйича;

2) ушбу Кодекснинг меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш талабини бузадиган;

3) ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврларида, у меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган таътилларда бўлган даврларда;

4) ходим давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан ишдан озод этилган даврда;

5) ходим хизмат сафаридида бўлган даврда;

6) ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бўлган ходимлар учун кафолатлар беришни назарда тутадиган талабларга риоя қилмасдан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

5. ЖКнинг 148-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортишда ёки ишдан бўшатишда ифодаланади.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 119-моддасига кўра, ҳомиладорлик ёки фарзандлар борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилмасликишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш асосларидан биридир¹.

Жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун ҳомиладорлик муддатининг аҳамияти йўқ. ЖКнинг 148-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳаракатлар, масалан, бўш иш ўринларининг зарур бланкалар, ҳужжатлар, тавсифномаларнинг йўқлиги баҳонаси билан ёки иш штатларининг қисқараётгани ёки ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги ва ҳоказолар сабаб қилиб кўрсатилиши билан содир этилиши мумкин.

6. Бола (болалар) деганда – ўн саккиз ёшга тулгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тушунилиши лозим².

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–139-сонлик Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 йил, 1-2-сон, 1-модда.

7. ЖКнинг 148-моддаси 1 ёки 2-қисми диспозициясида назарда тутилган қилмишлардан бирининг содир этилиши билан жиноят **туғалланган** ҳисобланади ва бирор оқибат келиб чиқишини талаб қилмайди. Келиб чиққан оқибатлар жазо тайинланаётган вақтда инobatга олиниши мумкин.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри касд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга етган ақли расо, жисмоний шахс, яъни ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиши мумкин.

◆

148¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлиғига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш барава-ригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Хусусан, Конституцияда «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» деб мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Жиноятнинг **объекти** фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини, хусусан, Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан



фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар хисобланади.

3. Жиноят **объектив томондан** вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, ҳавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш. худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилишида ифодаланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни¹ 3-моддасига кўра, **бола (болалар)** деганда – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тушунилиши лозим.

5. Қонуннинг 20-моддасида ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ишга қабул қилишга ушбу Кодекснинг 20-моддасига мувофиқ шахслар меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига эга бўлиши билан, **ўн олти ёшдан** йўл қўйилади (Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 118-моддаси).

7. Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан буш вақтида бажариши учун – улар **ўн беш ёшга** тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади (Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 118-моддаси).

8. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 183-моддасига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши мустаҳкамланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги УРҚ-139-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 1–2-сон, 1-модда.

9. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 412-моддасига кўра, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатини қуйидаги ҳолларда қўллаш тақиқланади:

– меҳнат шариоати зарарли ва (ёки) хавфли бўлган ишларда;

– ер ости ишларида;

– бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлиғига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар).

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг улар учун белгиланган йўл қўйиладиган энг кўп нормалардан ортиқ бўлган оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташиши тақиқланади.

Иш вақтининг давомийлиги ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп давомийлигининг ярмидан ошиши мумкин эмас (Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 415-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 12 майда 1954-сон билан рўйхатга олинган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/КК, 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида низом»га кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун юкларни кўтаришлари ва ташишлари учун рухсат этиладиган нормалар қуйидагича:



– Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ ҳолда белгиланади.

– Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига жалб этилмаслиги лозим.

– Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун – 6,5 кг, қиз болалар учун – 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

– Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

– Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларга аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига руҳсат этилмайди¹.

10. Соғлиқ ва хавфсизликка зиён етказувчи меҳнат шароитларидаги ишлар:

– ер ости, сув ости, хавфли баландликда ёки ёпиқ муҳитда бажариладиган;

– хавфли механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган;

– хавфли буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовқин ёки тўлқинланиш даражасининг юқори таъсирида вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказишга олиб келадиган зарарли шароитлардаги;

– оғир меҳнат шароитларида бажариладиган.

Ахлоқ-одобига зиён етказувчи меҳнат шароитларидаги ишлар:

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 й., 19-20-сон, 242-модда

– тунги клублар;
– спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари сотадиган дуконларда ва бошқа жойлар.

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида»ги 182-сонли конвенциясига биноан зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни тақлиф қилиш ҳам тақиқланади.

11. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

12. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга етган ақли расо, жисмоний шахс, яъни ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиши мумкин.

148²-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Худди шундай ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган модданинг **объекти** — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг меҳнат қилиш қобилиятларини эркин тасарруф этиш ҳамда меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқи билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

2. Жиноят **объектив томондан** маъмурий жазо қўлланилганидан кейин меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш орқали содир этилади. Бунда қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

3. **Маъмурий мажбурлаш** — маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган давлат бошқаруви усули, одамларни меҳнатга жалб қилиш учун фойдаланиладиган ақлий, жисмоний ёки бошқа таъсир воситалари мажмуи.

4. **Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 4-моддасида** (БМТ бош Ассамблеясининг 217 А (III) 10.12.48-сонли қарори билан учинчи сессиясида қабул қилинган) ҳеч ким қулликда ёки ихтиёрига қарши ушлаб турилмаслиги, қуллик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланиши мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Рим, 04.11.1950 й.) кўра, ҳеч ким қулликда ёки ихтиёрига қарши ушлаб турилмаслиги, ҳеч ким мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслиги белгиланган (4-модда).

5. Шунингдек, **Халқаро меҳнат ташкилотининг мажбурий меҳнатга оид 29-сонли Конвенцияси** (Женева, 28.06.1930) 2-моддасига кўра, «мажбурий меҳнат» деганда бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали ёхуд шахс томонидан ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф қилинмаган ҳар қандай иш ёки хизматини тушуниш лозим.

6. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 5-моддасига кўра, меҳнат эркинлиги ҳар кимнинг меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш, уларни қонун

билан тақиқланмаган ҳар қандай шаклда амалга ошириш, машгулот турини, касбни ва мутахассисликни, иш жойини ҳамда меҳнат шaroитларини эркин танлаш ҳуқуқини англатади.

Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларга мувофиқ меҳнат эркинлиги меҳнат шартномаси эркинлигида намоён бўлиб, бу қуйидагиларни англатади:

ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат шартномасини тузишдаги эркинлигини. Ходимни ва иш берувчини меҳнат шартномасини тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини ушбу Кодексда, қонунда ёки ихтиёрий равишда олинган мажбуриятда иш берувчининг шартнома тузиш мажбурияти назарда тутилган ҳолларда тузиши шарт;

меҳнат шартномасининг шартномавий (асосий ва қўшимча) шартларини ушбу шартнома тарафларининг келишувига кўра белгилашни;

меҳнат шартномасини ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра ўзгартириш имкониятини;

ҳар қандай меҳнат шартномасини ушбу шартнома тарафларининг келишувига кўра исталган вақтда бекор қилиш имкониятини;

ходимнинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилиш ҳуқуқини;

иш берувчининг ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда меҳнат шартномасини бекор қилиш учун назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибга риоя этилган ҳолда ўз ташаббуси билан бекор қилиш ҳуқуқини:

ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгиланган ҳолларда, меҳнат шартномасида уни бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутиш имкониятини.

Мазкур норма билан **мажбурий меҳнат тақиқланади**¹.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.

7. Мажбурий меҳнат деганда, бирор-бир жисмоний шахсдан жазони қўллаш таҳдиди остида талаб этиладиган, бажарилиши учун ушбу шахс ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф қилмаган ҳар қандай ишни ёки хизматни англатади. Жазо деганда жисмоний шахснинг ихтиёрий розилиги мавжуд бўлмагани ҳолда, ушбу шахсга нисбатан уни меҳнат фаолиятини амалга оширишга мажбур қиладиган ҳар қандай моддий, жисмоний ёки рухий таъсир чораларини қўллаш ёки қўллаш таҳдиди тушунилади¹.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 5-моддасига кўра қуйидагилар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди:

– ҳарбий хусусиятга эга бўлган ишларни ёки «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ ишларни бажариш;

– бажарилишига фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши сабаб бўладиган иш;

– суд ҳукмларини ижро этиш чоғида қонунчиликка риоя этилиши учун масъул бўлган давлат органлари назорати остида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазо сифатида бажариладиган иш.

8. ЖК 148²-моддаси 1-қисми бўйича жиноят бирон-бир шаклда ишлашга маъмурий мажбурлашга қаратилган қилмиш содир этилган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

9. Жиноят кодекси 148²-моддаси 2-қисми бўйича жиноятнинг **объектив томони** ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатларни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этишда намоён бўлади.

10. Жиноят кодекси 148²-моддасининг 2-қисми бўйича жиноят вояга етмаган шахс маъмурий меҳнатга мажбурланган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

11. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.

12. Жиноятнинг **субекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

149-модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш

Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошқор қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси белгилайдики: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади».

2. Жиноят **объекти** интеллектуал мулкнинг, хусусан, муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқининг химоя қилинишига оид фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. Жиноятнинг **предмети** интеллектуал мулк объектларидир. **Интеллектуал мулк объектлари** жумласига қуйидагилар киради:

– интеллектуал фаолият натижалари (фан, адабиёт ва санъат асарлари; ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари; ЭҲМ учун дастурлар ва



маълумотлар базалари; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

– фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (фирма номлари; товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари); товарлар чиқарилган жой номи);

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

4. Объектив томондан жиноят интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олишда, ҳаммуаллифликка мажбурлашда, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари туғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилишда ифодаланади.

5. Муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш (плагиат) ўзгаларнинг муаллифлик асари, ихтироси, фойдали модели, саноат намунаси ёки интеллектуал мулкнинг бошқа объектидан ўзининг номи билан фойдаланишда (тўлиқ ёки қисман) ифодаланади. Хусусан, ўзгаларнинг муаллифлик асаридан фойдаланиш деганда, асарни оммалаштириш (китобни нашр қилиш, компакт-диск, компьютер дастурлари, маълумотлар базаларини тайёрлаш ва ҳ.к.), асар нусхаларини тарқатиш (сотиш, алмаштириш, ижарага топшириш ва ҳ.к.), асарни омма олдида намойиш қилиш (асарларни кўргазмада намойиш этиш ва ҳ.к.), асарни омма олдида ижро этиш (қўшиқни омма олдида ижро этиш, театрда пьесани сахналаштириш, кино асарларни кино уйида намойиш қилиш ва ҳ.к.) тушунилади.

6. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун интеллектуал мулкдан ҳар қандай қонунсиз фойдаланиш бу ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик

субъектларнинг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. Агар интеллектуал мулк объектлари моддий қимматликка эга бўлса, айбдорнинг қилмишлари талон-торож сифатида баҳоланади.

7. Интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳаммуаллифликка мажбур этиш деганда, интеллектуал мулк объектининг эгаси бўлган муаллифга турли йўллар билан таъсир ўтказиш, яъни айбдорнинг ўзи томонидан ҳамда унинг талаби билан интеллектуал мулк объектини яратишда бевосита иштирок этмаган бошқа шахслар томонидан таъсир ўтказиш тушунилади. Ҳаммуаллифликка мажбур этиш – интеллектуал мулк эгасига интеллектуал мулк объектини яратиш ишига айбдорнинг талаби билан унинг ўзини ёки бошқа шахсларни муаллифлар жамоаси таркибига қўшишга оид таъсир ўтказишдир. Жабрланувчига нисбатан ҳуқуқига қарши таъсирлар турлича бўлиши мумкин (муаллифнинг ўзи ёки унинг яқинларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш билан таҳдид қилиш; қонуний имтиёзлардан маҳрум этиш билан кўрқитиш; айбдорни ҳаммуаллифликка киритишга мажбур қиладиган шароит яратиш йўли билан талаб қўйиш). Агар ЖКнинг 149-моддасида назарда тутилган жиноятдан қўра хавфи жиҳатдан ижтимоий хавф туғдирмаса, ЖКнинг бошқа моддалари бўйича квалификация қилиш шарт эмас.

8. Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш деганда, ушбу объектлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, конференцияларда нутқ сўзлаш ёки бошқа ошкор этиш усулларини қўллаб, ҳеч бўлмаса бир кишининг огоҳ этилишини тушуниш керак.

9. ЖКнинг 149-моддаси диспозициясида назарда тутилган хар қандай ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб, хар қандай оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар, шарҳланаётган жиноят тугалланган деб топилади.

10. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади.

11. Ўн олти ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс шархланаётган жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.



Иккинчи бўлим. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

VIII боб. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

150-модда. Урушни тарғиб қилиш

Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси белгилайдики, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади».

2. Урушни тарғиб қилишнинг **ижтимоий хавфи**, аввало, шахснинг бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиб, дунёни ва давлатларнинг тинчлигини хавф остига қўядиган ҳолатга келтиришидир. Урушни тарғиб қилиш халқаро ҳуқуқ нормаларига зиддир.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ривожланиш ва ҳаёт фаолиятининг шартли бўлган тинчликни муҳофаза қилиш ҳамда давлатлар ва халқларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлардир.

4. **Объектив томондан** жиноят бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатишдан иборат.



Уруш – бу икки ёки ундан ортиқ суверен, мустақил давлатлар ёки халқлар орасидаги ташкил қилинган қуролланган кураш, қуролли зиддиятдир.

Урушни тарғиб қилиш инсонларнинг онгига ва иродасига уларнинг бошқа суверен давлатга қарши харбий ҳаракатлар олиб боришга ундаш, уруш эълон қилиш заруратини туғдириш ва шундай истакни уйғотиш мақсадида таъсир қилиш деганидир.

Урушни тарғиб қилиш ошкора ёки хуфя бўлиши ҳамда турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Босқинчилик урушни бошлаб юборишга қаратилган чақириқлар ҳар қандай шаклда ифода этилиши мумкин: оғзаки, ёзма, оммавий ахборот воситаларини (газета, журналлар, телевидение), Интернет тармоғини қўллаган ҳолда. Урушни тарғиб қилишнинг усуллари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, бироқ жазони тайинлашда инобатга олиниши лозим.

Агрессияни бошлаб юборишга қаратилган қарашлар, ғоялар, чақириқларнинг оммавийлиги ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

5. Босқинчилик урушни бошлаб юборишга қаратилган қарашлар, ғоялар ёки чақириқларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилган вақтидан бошлаб, келиб чиққан оқибатлардан, яъни агрессия бошланган ёки бошланмаганлигидан қатъи назар, жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзи содир этаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавfli хусусиятини, ушбу ҳаракатлар қандай мақсадларга қаратилганлигини англайди ва уларни содир этишни хоҳлайди. Жиноятни квалификация қилиш учун унинг мақсад ва мотиви аҳамиятсиздир.

7. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тўлган акли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

8. Урушни тарғиб қилишни агрессияга далолатчилик (ЖКнинг 151-моддаси) қилишдан ажратиш лозим. Уларнинг фарқи шундаки, агрессияга далолатчилик қилиш ҳеч қачон

оммавий тус олмайди ва ЖКнинг 151-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин бўлган аниқ бир шахснинг иродасига қаратилган бўлади, урушни тарғиб қилиш эса, кўпчиликка нисбатан амалга оширишни ва уруш очилишининг зарурлигини ва мақсадга мувофиқлигини омма онгида шакллантиришни мақсад қилади.

151-модда. Агрессия

Босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш –

ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш –

ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш ёхуд шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфи** шундан иборатки, унинг содир этилиши натижасида давлатлар орасида тинчлик бузилади ва халқаро муносабатларда зиддият туғилади, натижада бу ҳаракатлар кўплаб қурбонларга, биноларнинг вайрон бўлишига, шаҳар ва қишлоқларнинг йўқ бўлишига олиб келади. Ҳозирги замонавий қурол-яроғ турларини ҳисобга олган ҳолда босқинчилик урушнинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин.

3. Агрессия **объекти** давлатлар хавфсизлиги ва уларнинг тинч ҳаёт фаолияти юритишини, давлатларнинг миллий

манфаатлари, сиёсий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

4. Объектив томондан ЖКнинг 151-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят қуйидагиларда ифодаланади:

- босқинчилик урушини режалаштириш;
- босқинчилик урушига тайёргарлик кўриш;
- босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш.

5. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабрдаги ХХІХ сессиясида қабул қилинган Резолюциянинг «Агрессия таърифи» деган 1-моддасига мувофиқ давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитетига, ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёхуд БМТ Уставига зид бўлган бошқача тарзда қуролли куч ишлатиш **агрессия** сифатида эътироф этилади.

Давлат томонидан БМТ Уставини бузган ҳолда биринчи бўлиб қуролли куч ишлатиш, тегишли ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари анча жиддий тусга эга бўлмаган ҳолларда ҳам, агрессия ҳаракатининг далили бўлади (Резолюциянинг 2-моддаси).

Ҳеч қандай сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ёки бошқа таснифдаги фикрлашлар агрессияни оқлаш учун хизмат қила олмайди (Резолюциянинг 5-моддаси).

6. Босқинчилик урушини режалаштириш деганда, уруш олиб боришнинг стратегик ва тактик лойиҳаларини уруш ҳаракатларидан олдин ёки улар билан параллел равишда ишлаб чиқиш ва тузиш, шу жумладан, ҳарбий операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган кучлар ва имкониятларнинг ҳисобини олиш, ресурс таъминотининг ҳисобини қилиш, шунингдек зарур ҳарбий объектларнинг қурилишини лойиҳалаштириш, сафарбарлик режаларини тузиш, иттифоқдош давлатларни урушга жалб қилиш ёки босқинчилик урушга тайёргарлик кўришга, уни бошлашга ёки олиб боришга ёхуд алоҳида ҳарбий операцияларни амалга оширишга қаратилган умумий режа ёки фитнанинг амалга оширилишида кўрсатилган давлатларнинг ишти-

рокини таъминлаш бўйича ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва режалаштириш ва ҳ.к. тушунилади.

Босқинчилик урушини режалаштириш мазкур урушга тайёргарлик кўришнинг бошланғич босқичи сифатида кўрилиши мумкин.

7. **Босқинчилик урушига тайёргарлик кўриш** деганда, якуний ҳарбий лойиҳаларнинг тузилиши ва уларнинг амалга оширилишига йўналтирилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Масалан, ҳарбий тузилмаларни бир йўналишда жамлаш, ҳарбий иншоотларни қуриш, ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳарбий қисмларни қайта ташкил қилиш, маҳсулотлар, ёқилғи захирасини яратиш, душман ҳудудида қўлланиладиган ҳарбий ҳаракатларга мос ўқув машқлари ва маневрлар ўтказиш ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Шуни инобатга олиш керакки, давлат ҳимоя имкониятини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уруш ҳаракатларини режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини содир этиш агрессия таркибини ташкил этмайди.

8. **Фитна** деганда, босқинчилик урушини бошлаш, режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш учун икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг тил бириктириши тушунилади. **Фитнада қатнашиш** бошқа давлатлар вакиллари билан ошкора ёки хуфя музокаралар ўтказишда, биргаликда ҳарбий операциялар олиб бориш режаларини ишлаб чиқишда, бошқа давлат ичида ёки ташқарисида мухолифат гуруҳлари билан мазкур давлатга қарши агрессияни тайёрлаш ёки режалаштириш мақсадида алоқа боғлашда, ахборот алмашувида, махсус хизматларнинг ҳамкорлигида ва худди шундай бошқа ҳаракатларда ифода этилиши мумкин.

9. ЖКнинг 151-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг биттаси содир этилган вақтдан бошлаб **туғалланган** деб топилади.

10. ЖКнинг 151-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** босқинчилик урушини бошлаш ёки уни олиб боришдан иборат.

11. **Босқинчилик урушини бошлаш** деганда, бошқа давлат суверенитетини унинг ҳудудига агрессор давлат қуролли кучларининг бостириб кириш йўли билан бузишга қаратилган аниқ ҳаракатлар содир этишини, ҳарбий оккупация ёки аннексияни, шунингдек қарши томоннинг бостириб киришига мажбур этувчи шароитларни яратиш ёки ҳарбий кучларни қўллаш ва ҳарбий ҳаракатларни олиб боришни бошлаш, стратегик қуролланишни қўллаш учун сабаб ва баҳоналарни яратишни тушуниш лозим. Бундай ҳаракатлар ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий кўринишда бўлиши мумкин.

БМТ Бош Ассамблеяси юқорида кўрсатилган Резолюциясининг 3-моддаси, уруш расман эълон қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар, қуйидаги ҳаракатларнинг амалга оширилишини агрессия ҳаракати сифатида баҳолайди:

– бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиш ёхуд қанча муддатга чўзилганлигидан қатъи назар, мазкур босқинчилик ёки ҳужум оқибати сифатида ҳар қандай босиб олиш ёки бошқа давлатга ёхуд унинг бирор ҳудудига қарши куч ишлатиш билан содир этилган ҳар қандай аннексия;

– бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиши ёки бошқа давлатларга қарши ҳар қандай қурол ишлатилиши;

– давлат портлари ёки қирғоқларининг бошқа давлат қуролли кучлари томонидан тўсиб қўйилиши;

– давлат қуролли кучларининг бошқа давлатга тегишли қуруқликдаги денгиз, ҳаво қўшинларига ёхуд денгиз ёки ҳаво флотига ҳужум қилиши;

– бир давлатнинг бошқа давлат билан тузилган келишувга мувофиқ мазкур давлат ҳудудида мавжуд бўлган қуролли кучларини келишувни бузган ҳолда қўллаш ёки келишув амал қилиши тугаганидан сўнг ҳам мазкур қуролли кучларни ушбу давлат ҳудудида сақлашнинг давом этиши;

– давлатнинг бошқа давлат ихтиёрига топшириб қўйилган ҳудудидан ўша давлат томонидан бошқа учинчи

давлатга агрессия содир этишда фойдаланишга йўл қуйган ҳаракатлари;

– давлат ёки унинг номидан қуроли тўдаларни, гуруҳларни ва мунтазам кучлар ёки ёлланганларни юбориш (мазкур кучлар бошқа давлатга қарши қуроли кучини ишлатган ҳолатларда, башарти бу ҳолат жиддий тус олиб юқорида қайд этилган ҳаракатларга тенг бўлса ёки унда анчагина иштироки бўлса).

12. Босқинчилик урушини олиб бориш деганда, бошланган агрессияни давом эттиришни, яъни бошқа давлатга қарши ҳарбий операцияларни амалга оширишни ёки агрессия бошланғич ҳаракатининг давоми бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширишни тушуниш лозим. Босқинчилик урушини олиб бориш ўз ҳаракат доираси, давомийлиги, ҳарбий ва жонли кучларнинг қўлланилиши даражаси билан агрессиянинг яқка кўринишларидан устун туради. Илк зарбаларни беришнинг таъқиб қилувчи босқинчилик урушини бошлашдан фарқли ўлароқ, ҳарбий ҳаракатларнинг ривожланишига олиб келувчи бундай урушни олиб бориш аниқ якуний мақсадга эга. Бундай мақсадда ҳудудий дахлсизликни бузиш, давлатнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий кучини барбод қилиш, халқни ўз эркини белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум қилиш деб баҳоланиши лозим.

13. ЖКнинг 151-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят давомли ҳисобланади. У жиноий қилмиш содир этилган вақтдан бошланади ва айбдорнинг жиноятни тамомлашга қаратилган ҳаракатлари (агрессия ёки жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг тугатилиши) ёки жиноятни содир этишга тўсқинлик қилувчи ҳодисаларнинг келиб чиқиши (масалан, агрессорни узил-кесил тор-мор қилиш) натижасида тамомланади.

14. Субъектив томондан ЖКнинг 151-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс босқинчилик урушини режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, уни бошлаш ва олиб бориш бўйича ҳаракатлар содир этишини англайди ва уларни содир этишни

хоҳлайди. Қилмишни квалификация қилишда унинг мотив ва мақсадлари аҳамият касб этмайди.

15. ЖКнинг 151-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Қоида тариқасида, мазкур жиноятнинг субъектлари ҳарбий тусдаги ҳар қандай масалаларни режалаштириш ва ҳал қилиш ваколатига кирадиган муайян давлат мансабларини эгаллайдиган шахслар бўлади.

152-модда. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш

Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан кириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда хайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Халқаро ҳуқуқ, жумладан, 1907 йилдаги Қуруқликдаги жангнинг одат ва қонунлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси¹, 1949 йилдаги Тинч аҳолини уруш вақтида ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси² ва бошқа бир қатор халқаро

¹ Қаранг: Қуруқликдаги жангнинг одат ва қонунлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси (Гаага, 1907 йил 18 октябрь).

² Қаранг: Тинч аҳолини уруш вақтида ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси (Женева, 1949 йил 12 август; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–ХII-сон қарори билан қўшилди; Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 8 апрелдан бошлаб кучга кирди).

ҳуқуқий ҳужжатлар¹ уруш олиб боришнинг қоидаларини белгилаб беради.

2. Халқаро жиноят ҳуқуқи кўриб чиқиладиган жиноятни ҳарбий жиноятлар гуруҳига киритади. Унинг **ижтимоий хавфи**, аввало, шундан иборатки, урушнинг ўзи одамларнинг ўлиши ва қирилиб кетишига, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига, маданий бойликларнинг йўқ бўлиб кетишига, тараққиёт жараёнининг орқага сурилишига ва шу каби оғир оқибатларга олиб келади. Шубҳасиз, уруш қонунларини бузиш ҳар бир урушнинг оқибатларини кучайтиради ва оғирлаштиради.

3. Уруш олиб боришнинг қонун ва удумларига риоя қилиш борасидаги халқаро муносабатлар жиноятнинг **асосий бевосита объекти** бўлиб ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** ҳарбий асирлар ва тинч аҳолининг хавфсизлигини ва инсон тараққиётининг ютуқларига эришишни таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

4. Уруш қонунлари ва удумларини бузиш **объектив томондан** тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилишда, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга оширишга буйруқ беришда ифодаланади.

¹ Қаранг: Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1949 йил 12 август; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сон қарори билан қўшилди); Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 8 апрелдан бошлаб кучга кирди); 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига халқаро қуроли можадорларнинг қурбонларини химоя қилишга оид Қўшимча протокол (I Протокол) (Женева, 1977 йил 8 июнь; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сон қарори билан қўшилди); Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 8 апрелдан бошлаб кучга кирди); 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига халқаро тусга эга бўлмаган қуроли можадорларнинг қурбонларини химоя қилишга оид Қўшимча протокол (II Протокол) (Женева, 1977 йил 8 июнь; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сон қарори билан қўшилди); Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 8 апрелдан бошлаб кучга кирди) ва бошқалар.

5. Шарҳланаётган модданинг мазмунини аниқроқ тушуниш учун юқорида кайд этилган халқаро ҳужжатларда белгиланган нормаларга мурожаат қилиш даркор. Хусусан, «**тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш**» тушунчаси тегишинча 1949 йилдаги Женева конвенцияларига халқаро тусга эга бўлмаган курулли можароларнинг қурбонларини ҳимоя қилишга оид Қўшимча протокол (II Протокол) ҳамда Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган «тинч аҳоли билан тажовузкорона муомала қилиш» ва «ҳарбий асирлар билан тажовузкорона муомала қилиш» тушунчаларидан келиб чиққан.

Мазкур ҳужжатлар қоидаларидан келиб чиқиб, **тинч аҳолини қийнаш** деганда, аҳолини қийноққа солиш, жисмонан қириб ташлаш ёки жисмоний жазолашнинг бошқа турли кўринишлари, коллектив жазолашни қўллаш; инсон кадр-қимматини поймол қилиш, жумладан, таҳқирловчи ва ҳақоратловчи муомала қилиш, номусга тегиш, жинсий алоқага киришга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кондиришга мажбурлаш, қуллик ёки барча кўринишдаги қул савдоси билан шуғулланиш кабилар тушунилади¹.

Ушбу модда мазмунидаги **тинч аҳоли** деганда, курулли можарога тортилган давлат ҳудудида яшовчи, аммо ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган ёки иштирокини тўхтатган жисмоний шахсларни (фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларини) тушуниш керак.

6. **Ҳарбий асирларни қийнаш** деганда, асирликда тутиб турганлар томонидан ҳар қандай ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, асирнинг соғлигини хавф остига кўювчи, унинг ўлимига олиб келувчи ҳолатлар; асирларни жисмонан азоблаш, қандай турдаги бўлмасин, илмий ёки тиббий тажрибага (фақат, агар тажриба асирни даволаш ёки унинг манфаатига хизмат қилиши билан оқланмаса) дучор қилиш, репрессияни қўллаш; асирларни уларнинг соғлиғига салбий

¹ Каранг: 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига халқаро тусга эга бўлмаган курулли можароларнинг қурбонларини ҳимоя қилишга оид Қўшимча протокол (II Протокол) (Женева, 1977 йил 8 июнь), 4-модда 2-банд.

таъсир қиладиган ва эпидемия тарқалишига олиб келадиган антисанитар шароитда сақлаш ва х.к. тушунилади¹.

Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш ҳақидаги Женева конвенциясининг 4-моддасига асосан, қуйидаги тоифалардан бирига мансуб бўлган, душман ҳукми остига тушиб қолган шахслар **ҳарбий асир** деб ҳисобланади:

– можародаги мамлакат қуроли кучларининг шахсий таркиби, шу жумладан, мазкур қуроли кучлар таркибига кирувчи халқ лашкарлари ва кўнгиллилар отряди;

– бошқа халқ лашкарлари ва кўнгиллилар отряди шахсий таркиби, шу билан бирга можарода бўлган тарафга тегишли қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг шахсий таркиби ва ўз ҳудудида ҳаракат қилаётган ёки ҳудуддан ташқарида бўлган, агар бу ҳудуд оккупация қилинган бўлса ҳам бу халқ лашкарлари ва кўнгиллилар отряди, қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари қуйидаги шартларга жавоб беради:

бошида ўз қўл остидагилари учун масъул бўлган шахс бўлса;

тайинли ва узоқдан аниқ қўринадиган фарқли белгиси бўлса;

очик ҳолда, эркин қурол олиб борса (юрса);

ўз ҳаракатларида урушнинг қонун ва удуларига риоя қилса;

– асирликда тутиб турганлар томонидан Держава деб топилмаган бўлса, ўзини давлат ёки ҳокимият қўл остида деб ҳисобловчи, доимий қуроли кучларнинг шахсий таркибига кирса;

– қуроли кучлар ортидан бораётган, лекин уларнинг таркибига бевосита кирмайдиган шахслар, масалан, ҳарбий самолёт экипажига кирувчи фуқаролар, ҳарбийларни етказиб берувчи шахслар, қуроли кучларда хужаликни таъминлаш юклатилган командалар ёки хизмат бўлинмалари ишчиларининг шахсий таркиби, агар улар кузатиб бораётган қуроли кучлардан бунга руҳсат олишган бўлса, буни учун қуроли кучлар шахсни тасдиқловчи ҳужжат беришлари керак;

¹ Қаранг: Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги конвенция (Женева, 1949 йил 12 август), 13-модда.

– савдо флоти кемаларининг экипажи аъзолари, жумладан, капитанлар, лотцманлар ва юнгалар ҳамда можарода бўлган томонларнинг фуқаролик авиацияси экипажлари, албатта, агар улар халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳолатларини назоратда тутувчи бирор имтиёзли шароитдан фойдаланишмаса;

– душман яқинлашганда ўз-ўзидан ўз хохишига биноан бостириб кираётганлар билан курашиш учун қўлига қурол оладиганлар, лекин доимий лашкар сифатида таркиб топмаган, очик ҳолатда қурол олиб юрувчи ва урушнинг қонун ва удумларига риоя қилувчи оккупация қилинмаган ҳудуд аҳолиси.

Ҳарбий асирларга ёрдам кўрсатиш мақсадида асирликда сақлаётган давлат томонидан қўлга олинган **тиббий-санитар ходимлар ва диний ходимлар** ҳарбий асир ҳисобланмайди (Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясининг 33-моддаси).

7. Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни жисмонан қириб юбориш деганда, уларни ўлдириш ёки ҳар қандай ноқонуний ҳаракатнинг содир этилиши ёки душман томонидан келтирилган шахсларнинг ўлимига олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатсизликни тушуниш лозим.

8. Тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш деганда, аҳолининг депортацияси, яъни мажбурий ҳайдаш, кўчириш, босиб олинган ҳудудлардан маълум жойда яшаш мақсадида ёки ҳаёт учун зарур шароитлар тасаввурисиз номаълум йўналишда олиб чиқиб кетиш тушунилади. Ҳайдаш тинч аҳолини кўчириш, босиб олган давлат ҳудуди ёки бошқа исталган давлат жойи, у босиб олинган ёки босиб олинмаганлигидан ҳамда босиб олинган давлатнинг ҳудуди бўлганлигидан қатъи назар, депортациянинг белгиларини аниқлаш учун аҳамиятга эга эмас.

Тинч аҳолини уруш пайтида химоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясининг 49-моддасига биноан бирор-бир босиб олинган ҳудуддан тўлиқ ёки қисман эвакуация қилиш, агар буни тинч аҳолининг хавфсизлиги ёки ҳарбий кўринишдаги энг муҳим сабаблар талаб қилса ва аҳолиси

босиб олинган ҳудуднинг энг хавфсиз жойига кўчирилса ва шу тахлитда кўчирилганлар ҳарбий ҳаракатлар тугагандан сўнг ўз уйларига қайтадиган бўлсалар, бу ҳолат депортация ҳолатини ўзида ташкил қилмайди.

9. Халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш деганда, уруш олиб бориш жараёнида 1907 йилдаги Уруш қонун ва удумлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси, Атроф-табiiй муҳитга ҳарбий ёки душманлик билан бошқа ҳар қандай воситада таъсир этишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция¹, Оддий қуролнинг ҳаддан ташқари кўп зарар келтиради ёки барча нарсага баравар таъсир этади деб ҳисобланиши мумкин бўлган конкрет турлари қўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги конвенция² ҳамда бошқа халқаро шартномалар билан тақиқланган уруш олиб боришнинг усул ва воситаларини тушуниш керак.

10. Уруш олиб бориш воситаларига уруш олиб борилаётган давлат томонидан қуролларнинг (қурол-яроғ, ўқ-дори захираси, буюмлар, қўлланмалар ва ҳоказо) қўлланиши, моддий бойликларни йўқ қилишга мўлжалланган ҳарбий техника (аввало, ҳарбий объектлар) ҳамда душманнинг тирик кучи қиради.

Уруш олиб боришнинг халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган воситаларига, аввало, оммавий қирғин қуроллари, одамларни ортикча қийнаш мақсадида қўлланиладиган бактериологик (биологик) ва бошқа токсик қуроллар қиради. Масалан, ҳарбий ҳаракатларда қўллаш ва

¹ Қаранг: Атроф-табiiй муҳитга ҳарбий ёки душманлик билан бошқа ҳар қандай воситада таъсир этишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1976 йил 10 декабрь; БМТ Бош Ассамблеясининг 96 ялпи мажлисида 31/72-сон Резолюцияси билан қабул қилинди; Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 26 майдан бошлаб кучга кирди).

² Қаранг: Оддий қуролнинг ҳаддан ташқари кўп зарар келтиради ёки барча нарсага баравар таъсир этади деб ҳисобланиши мумкин бўлган конкрет турлари қўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги конвенция (Женева, 1980 йил 10 октябрь; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 500-1-сон қарори билан кўшилди; Ўзбекистон Республикаси учун 1998 йил 29 мартдан бошлаб кучга кирди).

одамнинг химояланмаган кўриш органларига зарар етказишга мўлжалланган лазер қуролидан фойдаланиш (бехосдан кўрликни келтириб чиқарадиган қурооллар бундан мустасно); исталган кўринишдаги ёқилувчи қурооллар, масалан, огнемётлар, фугаслар, снарядлар, гранаталар, миналар, бомбалар ва бошқа таркибида ёқилувчи моддалари бўлган ҳар қандай қурооллар (бехосдан ёнувчи ёки куйдирувчи қурооллар бундан мустасно) ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Уруш олиб боришда, шунингдек, зилзила, цунамнинг вужудга келишига, об-ҳаво ва иқлимнинг, бирор-бир ҳудудда экологик мувозанатнинг ўзгаришига, озон қатлами ва ионосфера ҳолатининг бузилишларига олиб келувчи воситаларни қўллаш тақиқланади.

11. Уруш олиб бориш услублари ўзида техникадан, қурол ва лашкардан фойдаланиш қоидалари, тартиби, тактикаси, усулларини қамраб олади. Хусусан, **уруш олиб бориш услубларидан қуйидагилари халқаро ҳуқуқ билан тақиқланади:**

- тинч аҳолига ва қуролини ташлаб бошқа химоя воситасига эга бўлмайдиган душман тарафга касд қилиш;
- ҳеч кимнинг тирик қолмаслиги ҳақида эълон қилиш;
- парламент ва миллий байроқни, душман тараф ҳарбий кийимининг ва ҳарбий белгиларининг, Женева конвенцияси билан ўрнатилган ҳарбий белгиларни ноқонуний қўллаш;
- ҳарбий зарурат тақозо этмаган тақдирда ёки мақсадсиз шаҳарлар ва қишлоқларни вайрон қилиш;
- ҳарбий асирлар ёки тинч аҳолидан ҳарбий операциядан маълум бир ҳудудни химоя қилиш учун фойдаланиш;
- тиббиёт бирлашмаларига ва санитар уловларига ҳужум қилиш;
- тинч аҳолига нисбатан очарчиликни қўллаш ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда аҳолининг яшashi учун зарур бўлган объектларни ярқоксиз ҳолатга келтириш ёки у ердан кўчириш, босқинчилик, талон-торож қилиш ва вайрон қилиш.

12. Шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш – ҳарбий эҳтиёждан келиб чиқмаган ҳолда курашаётган томонларнинг яшаш жойларини буткул

ёки қисман йўқотишга қаратилган ҳаракатлар. Таъкидлаш керакки, аҳоли яшаш жойларининг вайрон қилиниши ҳарбий эҳтиёждан келиб чиқмаганлиги аниқланган тақдирдагина вайрон қилиш жиноят деб топилади.

13. **Мулкни талон-торож қилиш** – бу босиб олинган давлат ёки унинг резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган мулкни ҳар қандай услуб ва воситалар билан босиб олувчи давлат ёки унинг фуқаролари ёхуд қуролли кучлар таркибига кирувчи шахслар фойдасига эгаллик қилинишидир.

14. **Буйруқ бериш** деганда, ҳуқуқ ва масъулиятга эга бўлган шахс номидан уни ижро этиш мажбурияти бўлган шахсга нисбатан бирор-бир ҳаракатни содир этиш талаби тушунилади.

15. Шарҳланаётган жиноят ЖКнинг 152-моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳаракатларнинг биттаси содир этилган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

16. Жиноят **субъектив томондан** фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Шахс ўзи содир этаётган ҳаракатлари халқаро-ҳуқуқий нормаларига зид эканлиги, уруш олиб боришнинг қонун ва удумларини бузишга қаратилганлигини англайди ва уларни содир этишни хоҳлайди. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари (ғараз, ўч олиш, шуҳратпарастлик ва х.к.) уни квалификация қилишга таъсир этмайди.

17. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бу, қоида тариқасида, ҳарбий қўмондонликнинг олий мансабдор шахслари, турли ҳарбий қисмлар қўмондонлари, ҳарбий хизматчилар бўлади.

153-модда. Геноцид

Геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига караб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла

ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Геноцид** – бу инсониятга қарши жиноятдир (айни маънода, «қавмни, қабилани ўлдиришдир»). Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенциянинг¹ 1-моддасида аҳдлашувчи томонидан геноцид у тинч ёки уруш даврида содир этилишидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузувчи эканлигини тасдиқлайдилар ва улар унинг олдини олиш чораларини кўриш ва уни содир этганлик учун жазолаш мажбуриятини оладилар, деб таъкидланган.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ, геноцид бирор-бир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўла ёки қисман йўқ қилишга қаратилган ҳаракат сифатида белгиланади. Бу ҳаракат шу гуруҳ аъзоларини ўлдириш; унинг аъзоларига жисмонан ёки ақлий шикаст етказиш, қайсидир гуруҳни атайлаб тўла ёки қисман йўқ қилишга мўлжалланган ҳаётий шарт-шароитлар яратиш; шундай гуруҳ муҳитида бола туғилишининг олдини олишга мўлжалланган чора-тадбирлар; болаларни инсонларнинг бир гуруҳидан бошқасига топшириш каби ҳаракатлар содир этишда намоён бўлади.

2. Геноцид **объекти** одамлар миллий, этник, ирқий, диний гуруҳининг ҳаёти, соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

¹ Қаранг: Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1948 йил 9 декабрь; БМТ Бош Ассамблеясининг 260 А (III)-сон Резолюцияси билан қабул қилинди; Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги 835–I-сон қарори билан қўшилди; Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 8 декабрдан бошлаб кучга кирди).

Шуни таъкидлаш керакки, геноциддан жабрланувчилар бутун миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳлар ҳисобланади ва геноцид уларни йўқ қилишга қаратилган бўлади.

Шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан **гуруҳ** деганда, диний ёки этник умумийлик, аҳолининг бошқалардан ирқий ёки миллати жиҳатидан ажралиб турувчи катта бир қисми ёхуд бутунлай миллат ёки элат тушунилади.

Миллий деб, қадимдан бирлашиб, тили, маданияти, одатлари, удумлари, ўзига хослиги, менталитети, ҳудудий келиб чиқиши, ўзлигини англаши билан яшаш ҳудудидан қатъи назар, ўзининг бир миллатга тегишли эканлигини англаб ташкил топган гуруҳ айтилади.

Этник гуруҳ деб, бирор-бир элатга ёки қавмга мансуб бўлган кишилар гуруҳига айтилади.

Ирқий гуруҳ деб, ташки кўриниши (терисининг, сочининг ранглари, кўз ва қовоқлар ўйми, бошининг шакли, бўйи ва ҳ.к.) ва бошқа жисмоний хусусиятлари жиҳатидан умумийлиги бўлган одамлар гуруҳига айтилади. Ирқнинг учта тури бўлиб, улар европоид, негроид ва монголоид ирқларига бўлинади.

Диний гуруҳ эътиқод қилиш умумийлиги ёки диний оқимлар бирлиги билан тавсифланади (масалан, христианлар, мусулмонлар).

3. **Объектив томондан** жиноят миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топширишдан, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш туғрисида буйруқ беришдан иборатдир.

Миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини яратиш кишилар гуруҳи учун у ёки бу номаъқул шароит натижасида уларни тўла ёки қисман йўқолиб кетишларига қаратилган чораларни қўллашни назарда тутди. Бу ҳол гуруҳни тириклик манбаи бўлган у

ёки бу машғулоти билан шуғулланишни тақиклаш. яшаш учун зарур бўлган объектларни вайрон қилиш ёки яроксиз холга келтириш, гуруҳнинг яшаш ҳудудини ифлослантириш ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Одамларнинг миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳи аъзоларини **жисмонан тўла қириб юбориш** ўз ичига гуруҳ аъзоларининг бир давлат ҳудудида ёки алоҳида ҳудудларда яшашидан катъи назар, барчасини исталган кўринишда ва исталган усул билан қасддан йўқ қилишни олади. Шу билан бирга, бундай гуруҳ аъзоларини йўқ қилиш усуллари турлича бўлиши мумкин: ўқотар қурооллардан фойдаланиб, оммавий қирғин қуроолларидан фойдаланиб, бундай гуруҳларнинг яшаш ҳудудидаги табиатни заҳарлаш, одамларни бошқа бирор-бир ҳудудга, яшаши учун тўғри келмайдиган шароитга сургун қилиш ҳолатларини ўз ичига олади.

Одамларнинг миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳи аъзоларини **жисмонан қисман қириб юбориш** деганда, гуруҳ аъзоларининг сонини исталган усул билан камайтириш ҳолати тушунилади.

Бола туғилишини зўрлик билан камайтириш деб, одамларни мажбурий равишда бичиш ёки зурриётсизлантириш, оналик ва болалик учун онгли равишда шароит яратмаслик, онанинг розилигисиз мажбуран хомиладорлик даврини тўхтатиш, аҳолининг эркак ва аёлларини зўрлик билан ажратиб кўйиш, бола туғилишини тақикловчи ёки чекловчи норматив ҳужжатни қабул қилиш ва бошқа ҳолатларга айтилади.

Болаларни битта миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш деб, ота-онанинг хоши-иродасига қарши шунчаки ёки пул тўлаш эвазига бошқа миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳдаги болани қариндошлари бўлмаган аъзоларга ноқонуний берилиши ҳолатларига айтилади.

4. Шарҳланаётган жиноят юқорида қайд этилган ҳаракатларни содир этиш тўғрисида буйруқ бериш орқали ҳам содир этилиши мумкин. *(Буйруқ бериш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 152-моддаси шарҳига қаранг).*

5. Шунинг назарда тутиш керакки, оғир тан жароҳати етказиш жиноятни содир этиш усули сифатида баҳоланиб,

кўриб чиқиладиган жиноят таркиби билан қамраб олинади ва ЖКнинг 104-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди. Агар геноцид содир этилганда қасддан одам ўлдирилса, айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 97 ва 153-моддаси бўйича жиноятлар мажмуи тарикасида квалификация қилиш керак.

6. Шарҳланаётган модданинг диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларнинг содир этилган даврдан бошлаб, бирор-бир оқибатнинг келиб чиқишидан қатъи назар, таҳлил қилинаётган жиноят **туғалланган** ҳисобланади.

7. Геноцид жинояти **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор содир этаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини англайди ва уларни содир этишни истайди. Шарҳланаётган жиноятнинг мақсади – бирор-бир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни жисмоний тўла ёки қисман йўқ қилиш.

8. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахсдир. Бу, қоида тарикасида, геноцидга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тўғрисида буйруқ берадиган давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳам, кўпинча жиноятнинг ижрочилари ёки иштирокчилари бўладиган, бошқа шахсларни уни содир этишга далолат қилувчи хусусий шахслар ҳам бўлиши мумкин. 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар ЖКнинг 153-моддаси диспозициясида кўрсатилган жиноятни содир этганида аниқ жиноятлар содир этганлиги учун жавобгарликка тортилади: бунга одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш ва ҳ.к. киради.

9. Геноцидни бошқа турли жиноят таркибидан фарқлаш керак, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қасд қилувчи жиноятлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, айбдор ҳаракатларининг йўналишини ҳисобга олиш керак: ҳаракатининг мақсади, жиноят оқибатининг тавсифи (жабрланувчилар сони), жиноий ҳаракатнинг шароити ва сабаблари, қўлланилган усул, услублари ва бошқалар. Масалан, бир ёки бир неча шахснинг ўлдирилиши унинг сабаби ва мақсадидан келиб чиқиб, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасддан одам ўлдириш сифатида ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилиниши мумкин.

10. Уруш шароитида ёки харбий зиддиятлар вақтида шундай ҳаракат содир этилса, тинч аҳолини ёки харбий асирларни тўлиқ ёки қисман кириш мақсадида жисмоний киришга қаратилган ҳаракатлар содир этилса, бу ҳаракат геноцид ҳамда уруш қонунлари ва удумларини бузиш (ЖКнинг 152-моддаси) сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

154-модда. Ёлланиш

Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки харбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд харбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан харбий тўқнашув ёки харбий ҳаракатларда фойдаланиш –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, давлатлар орасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 йил 24 октябрдаги декларацияга асосан, ҳар бир давлат бошқа давлатнинг ҳудудига бостириб кириш мақсадидаги ташвиқотлар ва доимий кучлар ёки қуролланган тўдаларни

ташкил қилиш ёки уларни қўллаб-қувватлашдан воз кечишга мажбур. БМТ Бош Ассамблеясининг 2465 (XXIII)-сон Резолюциясида ёлланувчилардан фойдаланувчи ва ёлланувчиларнинг ўзлари ҳам жиноятчи ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган.

2. «Ёлланувчи» тушунчаси 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига халқаро қуроли моjarоларнинг қурбонларини химоя қилишга оид Қўшимча протокол (I Протокол)нинг 47-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қуйидагилар **ёлланувчи** ҳисобланади:

– қуроли моjarода жанг олиб бориш учун ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган жойда ёки чет элда махсус ёлланган ҳамда мазкур тарафнинг қуроли кучлари шахсий таркибига кирадиган худди шу мартаба ва функцияларга эга бўлган жангчининг ҳақидан анча каттароқ бўлган моддий ҳақ олишдан иборат бўлган шахсий манфаатни кўзлаб, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи шахс;

– низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган шахс;

– моjarода иштирок этувчи тарафнинг қуроли кучлари шахсий таркибига кирмайдиган шахс;

– давлат томонидан жўнатилмаган, унинг қуроли кучлари таркибига қирувчи ҳисобланмайдиган шахс.

3. Ёлланишнинг **бевосита объекти** халқаро ҳуқуқ томонидан ўрнатилган уруш олиб боришнинг воситаларини ва услубларини қўллашни назорат қилувчи ижтимоий муносабатлардир.

4. ЖКнинг **154-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноят **объектив томондан** низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуроли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколоти берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуроли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланишидан иборат.

5. **Ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш** деганда, ёлланувчининг рағбатлантириш ёки бошқа шахсий манфаатлар эвазига ҳарбий сифатида ўз қобилиятларини ёлловчи манфаати учун намоён қилишини тушуниш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, қўрилаётган жиноят объектив томонининг мажбурий шарти бу қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатлар шароитидир.

Қуролли тўқнашув деб, икки ёки ундан ортиқ суверен давлатларнинг қуролли кучлари билан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши тушунилади.

Ҳарбий ҳаракатлар – бу бирор-бир давлатга қарши нодавлат, ноҳукумат қуролланган тузилмалар олиб борадиган ҳарбий ҳаракатлардир (масалан, террористик ташкилотлар).

6. **Моддий манфаатдорлик** деганда, моддий бойлик, пул, мулкӣ кўринишдаги маблағ олиши, қарзнинг узилиши тушунилади ва ҳоказо.

Бошқа шахсий манфаат деганда, яшаш учун уй-жой тақдим қилиниши, ноқонуний фаолиятнинг амалга оширилиши ва бошқа номоддий кўринишдаги бойликларнинг тақдим қилиниши тушунилади.

7. ЖКнинг 154-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот беришда, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланишда ифодаланadi.

8. Ёлланма шахсни **ёллаш** деганда, қуролланган зиддиятлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши учун одамларни ёллаш мақсадида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат тушунилади. Ёллаш ҳаракатлари ёлланувчиларнинг қабул қилиниши ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, учрашув жойининг белгиланиши, шахснинг ёлланиши ҳақидаги оғзаки ёки ёзма келишувнинг амалга оширилиши, ёлланувчиларга моддий таъминот тақдим қилиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

9. Ёлланувчини **ўқитиш** шахсда ҳарбий ҳаракат ҳақида билим, малака ва кўникмалар шакллантириш, турли жанговар қуроолларни ишлатишни, ҳарбий техника воситаларида ишлашни, турли об-ҳаво шароитларида урушга кириш стратегияси ва тактикасини ўргатиш, қўпурувчилик ва разведка фаолиятини ўзлаштириш, яшаш учун курашиш, мафкуравий тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар содир этилишини назарда тутати.

10. **Ёлланувчини молиялаштириш** – бу молиялаштириш манбаларини топиш, ўзлаштириш ва уни ёллаш шартига кўра ёлланувчиларга тақдим этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуидир. Молиялаштириш турли воситалар ёрдамида: нақд пул маблағи бериш, пул маблағини ёлланувчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш, ёлланувчи томонидан кўрсатилган шахсга пул маблағини топшириш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин. Аммо бу квалификация қилишга таъсир этмайди.

Ёлланувчини **бошқача моддий таъминлаш** деганда, ёлланувчини пул маблағидан ташқари турли ашё ва техник предметлар (масалан, телефон) билан таъминлаб туриш тушунилади. Ёлланувчини бошқача моддий таъминлаш турли жанговар қурооллар, автотехника ёки бошқа ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин. Моддий таъминлаш тўғридан-тўғри (масалан, автомобилни тақдим этиш), шунингдек, билвосита (масалан, ёлланган шахсларга маълум бўлган жойга керакли барча нарсани ғамлаб қўйиш ва ҳ.к. орқали) амалга оширилиши мумкин. Моддий таъминот қандай усулда амалга оширилганлиги қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

11. **Ёлланма шахсдан ҳарбий ҳаракат ёки қуроолли тўқнашувда фойдаланиш** деганда, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тўқнашувлар пайтида жанговар ҳаракатлар бораётган ҳудудда ҳам, ундан ташқарида ҳам ёлланувчи шахснинг индивидуал жисмоний ва интеллектуал имкониятларидан ҳарбий операцияларда ёхуд жанговар хусусиятга эга ҳаракатларда фойдаланиш тушунилади.

12. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу қилмиш аслида фаолият ҳисобланади. Бу бир ёки бир неча субъектлар

томонидан амалга оширилувчи узаро боғлиқ қилмишлар мажмуини уз ичига олишини билдиради. Масалан, ёлланувчини молиялаштириш учун моддий маблағ топиш билан бир киши, уни жамлаш билан бошқа киши, маблағни етказиб бериш билан учинчи киши шуғулланиши мумкин. Бирок айбдор томонидан бирон-бир фаолиятнинг қайси муайян жиҳати (ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки бошқача моддий таъминлаш) амалга оширилганидан қатъи назар, унинг қилмиши тегишлича, ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки бошқача моддий таъминлаш ёхуд шарҳланаётган модда маъносида фойдаланиш сифатида квалификация қилиниши керак. Лекин сўнгги ҳолатда ушбу фаолиятнинг қолган жиҳатлари унинг қасди билан қамраб олиниши лозим.

13. ЖКнинг 154-моддасида назарда тутилган жиноят ёлланувчини қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган дамдан бошлаб ёхуд ёлланувчини ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш ёхуд ёлланувчидан қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** жиноят фақат туғри қасд билан содир этилади. Шахс қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда фақат моддий манфаатдорлик ёки шахсий фойда олиш мақсадида иштирок этаётганини билади (ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми) ёки айбдор ёлланувчини ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминотларни амалга ошираётганини билади (ЖКнинг 154-моддаси 2-қисми) ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

ЖКнинг 154-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгиси бўлиб моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни қўлга киритиш мақсади хизмат қилади.

15. ЖКнинг 154-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ёлланиш жиноятининг **субъекти** 16 ёшга етган ақли расо, жисмоний шахс ҳамда фақат ёлланувчи бўлиши мумкин. Яъни, бу ерда субъект махсусдир. ЖКнинг 154-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса умумийдир.

Ёлланувчи деб, қуйидаги белгиларга эга бўлган шахсларга айтилади:

– ёлланувчи бошқа давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуроли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб иштирок этади;

– у низолашаётган давлатнинг фуқароси ва ҳарбий хизматчиси эмас;

– у низолашаётган давлат назорат қилиниб турган ҳудудда доимий яшамайди;

– у қуроли кучлар сафида расмий вазифаларни бажариш учун ҳеч қандай давлат томонидан ваколат берилмаган шахсдир.

Ҳарбий маслаҳатчилар вақтинча фақат давлатлараро келишувга мувофиқ бошқа жойга хизматга юборилишлари мумкин, лекин улар ҳарбий тўқнашувларда бевосита иштирок эта олмайдилар.

ЖКнинг 154-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят, мансабдор шахс томонидан ўз ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан амалга оширилса (масалан, пул-маблағ ва моддий ресурсларни бошқариш ваколатини суиистеъмол қилиш), содир этилган ҳаракат жиноят хусусиятига кўра ЖКнинг 154-моддаси ҳамда ЖКнинг 205-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади.

**154¹-модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизмати-
га, хавфсизлик, полиция, ҳарбий
адлия органлари ёки шунга ўхшаш
бошқа органларига хизматга кириш,
ёлланиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиши –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир». Ушбу конституциявий нормага асосан, фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Фуқаро ҳарбий хизматга кираётиб, «Халқи ва Ўзбекистон Республикаси Президентига содиқлик тўғрисида ҳарбий қасамёд» қабул қилади¹. Аммо илгари қонунчиликда ҳарбий қасамёднинг бажарилишини назорат қилувчи механизм мавжуд эмас эди. Қасамёд фақат маънавий жавобгарликни келтириб чиқарар эди. Шархлананаётган модданинг Жиноят кодексига киритилиши ҳуқуқдаги бўшлиқни бартараф этди ва фуқаронинг давлат олдидаги жавобгарлигини мустаҳкамлади.

2. Шархланаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфли-лиги** шундаки, унинг содир этилиши натижасида ҳуқуқ-тартиботга, давлатларнинг тинч-тотув муносабатларига, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа имкониятларига путур етади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат ҳарбий хизматларига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436–II-сон Қонуни, 3-модда 6 ва 7-қисмлари, 39-модда 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-модда.

органларга хизматга ёлланиши натижасида улардан ёлланувчи сифатида фойдаланиш учун шароит яратиладики, бу халқаро ҳамжамият томонидан қатъиян тақиқланган.

3. Жиноятнинг **объекти** давлатларнинг хавфсизлиги ва осойишта ҳаётини таъминловчи, уларнинг ривожланиши ва ҳаётий фаолияти шароитларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

4. ЖКнинг **154¹-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга киришини ташкил қилади.

Хизматга кириш шахснинг ўзга давлат қуролли кучлари, хавфсизлик органлари, полиция, ҳарбий адлия ёки шунга ўхшаш органлари штат жадвалига кириши билан боғлиқ бир қатор тадбирларни, ҳаракатларни билдиради. Ушбу ҳолатда шунини таъкидлаш керакки, хизматга кириш шахснинг ўз иродаси, хоҳиши асосида бўлиши керак.

Хизматга кириш фаолият сифатида бир қанча ҳаракатларни ўз ичига олади: жумладан, чет давлатнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш учун ҳужжатларни тайёрлаш, куриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Айбдор томонидан ҳарбий хизматга кириш учун қўлланилган услуб ва усуллар турлича бўлиши мумкин ва бу ҳолат жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Шу билан бирга, агар бундай услуб ва усуллар ижтимоий хавфли бўлиб, алоҳида жиноий ҳаракатни ташкил қилса (масалан, ҳужжатларни қалбакилаштириш, пора бериш ва ҳ.к.), бундай ҳолатда содир этилган ҳаракатни ЖКнинг 154¹-моддаси 1-қисми бўйича ва ЖКнинг ушбу жиноятни назарда тутувчи тегишли моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

5. Ўзбекистон фуқаросининг ҳар қандай хизматга эмас, балки фақат ҳарбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига аъзо бўлиши ҳамда хизматга кириши жиноят ҳисобланади.

Ҳарбий хизмат – давлат хизматининг алоҳида тури бўлиб, ҳарбий тайёргарлик ва давлатни ҳарбий муҳофаза қилишни ўз ичига олади. Ҳарбий хизмат қуроли кучлар ва бошқа давлат ҳарбий тузилмалари томонидан амалга оширилади. Қуроли Кучларнинг ёхуд унинг тузилмаларининг номланиши, ҳарбий хизмат мазмуни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Хавфсизлик органларидаги хизмат – шахс миллий органларда ўтадиган давлат хизматининг махсус тури бўлиб, асосий фаолияти давлатни ва жамиятни ташқи ҳамда ички хавфдан ҳимоялаш, шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаётини муҳофаза этиш ҳисобланади. Давлат хавфсизлиги хорижий давлатларда турли органлар томонидан амалга оширилади, уларнинг тузилмаси Ўзбекистондагидан фарқ қилиши мумкин, аммо бу жинойтни квалификация қилишда ҳисобга олинмайди. Хавфсизлик хизмати органларининг номи ёки уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳам аҳамиятга эга эмас.

Полиция хизмати – давлат хизматининг махсус шакли бўлиб, жамоат тартибини ҳимояловчи ва жинойтчиликка қарши курашувчи алоҳида турдаги органлар тизимида ўталадиган хизмат турларидан бири. Барча турдаги ёки бир қанча турдаги ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш билан шуғулланади¹. Ўзбекистонда ва бошқа бир қатор давлатларда милиция деб номланади. Полициянинг қандай номланиши ва ташкилий-ҳуқуқий шакли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Ҳарбий адлия органларида хизмат турли идора ва хизматларни, шунингдек, ҳарбий суд тизимини ўз ичига олади. Унинг фаолият соҳасига Қуроли Кучларда ва бошқа турдаги давлат ҳарбий тузилмаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш киради.

Бошқа шу каби хорижий давлат органлари деганда, хизмати ҳарбийлаштирилган деб ҳисобланадиган (хорижий давлат ҳудудида улар доимий лашкар сифатида, шунингдек,

¹ Қаранг: Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. изд. второе. – М.: ИНФРА-М, 2000. 442-б.

ички армия сифатида қурилиши керак) ҳар қандай муассаса, ташкилотлар, органлар ва ҳоказоларни тушуниш лозим ҳамда хорижий давлатга содиқлик ҳақида қасамёднинг қабул қилиниши билан тасдиқланади (масалан, солиқ полицияси, божхона полицияси, Гиёҳвандликка ва коррупцияга қарши курашиш махсус отрядлари ва бошқалар). Шарҳланаётган модда буйича шахсни жавобгарликка тортиш учун мазкур органни тавсифлашда ҳарбийлик белгиси ва қасамёд қабул қилинганлиги шарт.

6. Давлатлараро ҳамкорлик ҳарбийлар ва бошқа мутахассислар, маслаҳатчилар билан алмашилиши ёки ҳуқуқни химоя қилиш фаолиятида Ўзбекистон фуқаролари маълум вақт ҳарбий маслаҳатчи, мутахассис ёки бошқа лавозимда хорижий давлат хизматида фаолият юритиши ҳолатлари ҳам жиноятдан мустаснодир. Бундан ташқари, хорижий давлат ҳудудида маълум халқаро ташкилотлар миқёсида, ҳарбий ва махсус бўлимлар ва тузилмаларда, жумладан, БМТнинг тинчликни сақлаш тузилмалари таркибида («хаворанг каскалар») ҳамда ИНТЕРПОЛда хизмат қилиш ҳам мазкур модданинг таъсирига тушмайди.

7. ЖКнинг 154¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят айбдорнинг Қуролли Кучлар таркибига ҳарбий хизматга, хавфсизлик органларига, полицияга, ҳарбий адлияга ва бошқа шу каби хорижий давлат органларига қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг чиқарилиши, маълумотнинг олинishi, буйруқнинг имзоланиши (ва бошқа қўринишдаги ҳужжатлар) вақтидан бошлаб **тамомланган** деб ҳисобланади.

8. ЖКнинг 154¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматида, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланишида намоён бўлади.

Шарҳланаётган модданинг мазмуни буйича ёлланиш деганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросини ҳарбий хизмат, хавфсизлик органлари, полиция, ҳарбий адлия ва бошқа шу каби хорижий давлат ташкилотларига ёллашга йўналтирилган

хар қандай ҳаракатнинг содир этилишини тушуниш лозим. Хорижий давлатлардаги шу каби хизматга номзодларни ёллаш ҳаракатлари ёлланувчиларнинг қабул қилиниши ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, учрашув жойининг белгиланиши, шахснинг ёлланиши ҳақидаги оғзаки ёки ёзма келишувнинг амалга оширилиши Ўзбекистон фуқаросининг хорижий давлат хавфсизлик органларида, полиция ва шу каби жойларда хизмат қилиши шартларини белгилаш ва бошқа одамларни ёллаш бўйича барча бошқа ҳаракатлардан иборат.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий давлат хавфсизлик органларида, полиция ва шу каби жойларда хизмат қилиши шартларини келишиш вақтидан бошлаб ЖКнинг 154¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят **тамомланган** деб топилади.

10. ЖКнинг 154¹-моддасида назарда тутилган Жиноят **субъектив томондан** фақат қасддан содир этилиши мумкин. Мазкур қилмишнинг мақсади ва мотиви турлича бўлиши мумкин, лекин жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмаса-да, суд томонидан жазони белгилаш вақтида инobatга олиниши лозим.

11. ЖКнинг 154¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** махсус субъект бўлиб, у фақат 16 ёшга етган ақли расо Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин. ЖКнинг 154¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса 16 ёшга тулган ҳар бир ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бу шахсларнинг фуқаролиги аҳамиятсиздир.

12. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон ҳудудидаги корхона, такшилот, муассасада меҳнатни давом эттирган ҳолда, чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига ишга кирса, тегишли аломатлар бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти бўлишидан қатъи назар, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 160-моддасидаги жосуслик жинояти бўйича ҳам квалификация қилиш лозим. Мазкур ҳолатда қилмишни давлатга хоинлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди, чунки шахс чет

давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади¹.

13. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш учун жиноий жавобгарлик билан ЖКнинг 154-моддасида кўзда тутилган ёлланиш таркиби фарқлаб олинishi жуда муҳим. Бунинг учун биринчидан, ЖКнинг 154¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг мажбурий белгиси Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг **расмий тарзда** ҳарбий хизмат, хавфсизлик органлари, полиция, ҳарбий адлия ва бошқа шу каби хорижий давлат органларига **киришини** ташкил қилади. Нодавлат, хусусий хизматлар, бўлинмалар ва қуролли тузилмаларда хизматни ўташ ишнинг шароитига қараб, агар шахс ҳарбий ҳаракатларда, қуролли тўқнашувларда қатнашса ёки қатнашиш истагида бўлса ёки умуман жиноий қидирувнинг маркази бўлишини истамаса (масалан, йирик хусусий компания, корпорация ёки хусусий детектив кўриклаш агентлигида ишлаш), унинг ҳаракати ёлланиш сифатида квалификация қилинади.

Иккинчидан, берилган жиноятлар таркибининг асосий фарқи Жиноятнинг субъектидадир. Ёлланишнинг таркиби учун шахснинг тўқнашувларда ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган давлатнинг Қуролли Кучлари шахсий таркибига тааллуқлилигининг йўқлиги мажбурийдир. Бундан ташқари, шахсни ЖКнинг 154-моддаси бўйича айбдор деб топиш учун унинг қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этгани (ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми) ёки бошқа шахсларни, ёлланувчиларни иштирок этиш учун ёллаганлиги (ЖКнинг 154-моддаси 2-қисми) аниқланиши зарур.

¹ Қараг: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ–610-сон Қонуни, 25-модда, 1-қисм, 1-банд // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.

155-модда. Терроризм

Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. «Террор» атамаси лотинчадан таржимада «қурқув», «дахшат» деган маънони англатади. Терроризм эса террор сиёсати ва амалиётининг қўлланиши, яъни сиёсий рақибларни бартараф этиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатиш, уларни жисмонан йўқ қилиб ташлаш, ўлдириш маҳсулидир.

Бугунги кунда терроризм алоҳида бир мамлакат доирасидагина амалга оширилаётгани йўқ, у бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқмоқда ва халқаро терроризм деб номланган ҳодисага айланмоқда. Халқаро терроризм – бу халқаро микёсда содир этиладиган, одамларнинг беҳуда ҳалок бўлиши, шаҳарларнинг бузилиши, давлатларнинг вайрон бўлиши, улар иқтисодий ривожланиш даражасининг пасайиши ва ҳоказоларга сабаб бўладиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси.

1957 йилда қабул қилинган Терроризмнинг олдини олиш ва унинг жазолаш тўғрисидаги конвенция давлат ва жамоат арбобларини ўлдириш, уларга оғир тан жароҳатлари етказиш, мулкни нобуд қилиш ва бошқа террорчилик ҳаракатлари жазо қўллаш таҳдиди остида тўғридан-тўғри тақиқлаган.

Террорчилик ҳаракатларига қарши халқаро даражада курашиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 28 сентябрда қабул қилинган 1375-сон Резолюцияси алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур ҳужжатда терроризмни қўллаш амалиёти қораланган ва тақиқланган, давлатларнинг ушбу ижтимоий хавфли ҳодисага қарши курашишга бўлган иродаси мустаҳкамланган.

Халқаро ҳуқуқда терроризмга қарши курашишга йўналтирилган қатор конвенциялар мавжуд. Масалан, Терроризмни йўқ қилиш ҳақидаги Европа Конвенцияси (Страсбург, 1977 йил 27 январь), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари-иштирокчиларининг терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги ҳақидаги шартномаси (Минск, 1999 йил 4 июнь), Бомбани қўллаш билан боғлиқ терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро

конвенция¹, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси² ва х.к. шулар жумласидандир.

2. Терроризм жиноий ҳаракатнинг энг оғир кўри-нишларидан бири бўлиб, айбдор атрофдагиларда кўркув, ғалаён уйғотишга, уларнинг меъёрий одати ва ижтимоий фойдали фаолиятини тўхтатиб қўйишга, ҳокимият ва бошқарув органларига қаршилиқ қилиб, ўзининг ноқонуний мақсадларига эришишга ҳаракат қилади.

3. Терроризмнинг **асосий бевосита объекти** халқаро хавфсизликни таъминлайдиган ва инсониятни ҳимоялайдиган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир. Терроризмда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига, ижтимоий тартибот, ўзгалар мол-мулкига ва бошқаларга зарар етиши мумкин. Шу сабабли терроризмнинг **бевосита қўшимча объекти** бўлиб одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, моддий ёки бошқа манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар хизмат қилади.

4. **Объектив томондан ЖКнинг 155-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноят қўйидагилардан иборат:

– халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли моjarолар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик,

¹ Қаранг: Бомбани қўллаш билан боғлиқ терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 15 декабрь; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги 684-I-сон қарори билан ратификация қилинган; Ўзбекистон Республикаси учун 2001 йил 23 майдан бошлаб кучга кирди).

² Қаранг: Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси (Шанхай, 2001 йил 15 июнь; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги 274-II-сон қарори билан ратификация қилинган).

куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди.

5. Ушбу модда доирасида **зурлик ва куч ишлатиш** деганда, айбдор томонидан терроризм ҳаракатида ҳар қандай зўравонлик тусидаги ҳаракатларнинг содир этилиши тушунилади. Зўрлик ишлатиш деганда, турли даражадаги тан жароҳати етказиш, одам ўғрилаш, асирликка олиш, қурол, шу жумладан, оммавий қирғин қуролларини ишлатиш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

6. **Шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар** деганда, шахсга ёки мол-мулкка хавф етишини вужудга келтирадиган ҳаракатлар тушунилади. Булар террористик тусдаги исталган ҳаракатлар бўлиши мумкин ва у қуйидагиларга йўналтирилган бўлади: портлатиш, ёқиб юбориш ҳаракатлари, аҳоли яшаш жойларини сувга чуқтириш, ҳосилларни барбод қилиш, ерни ёки ҳосилни яроксиз ҳолга келтириш, чучук сув ресурсларини заҳарлаш, радиоактив, кимёвий, биологик, ядровий қуроллардан, бомба, заҳарловчи, кучли таъсир этувчи, токсик моддалардан фойдаланиш, транспорт воситалари ёки бошқа объектларни зарарлаш ёки йўқ қилиш, авария ҳодисалари ва техноген ҳалокатлари учун шароит яратиш ва ҳоказолардир.

Шахснинг хавфлилиги деганда, террористик актнинг содир этилишига йўналтирилган ҳаракатлар давомида ҳеч бўлмаса бир кишининг ҳаётига таҳдид солиниши тушунилади. **Мол-мулк хавфлилиги** деганда, мол-мулкка сезиларли зарар етишига шароит назарда тутилади. Шу билан бирга мол-мулкнинг зарари қиймати барбод бўлган ёки зарарланган мол-мулкнинг баҳоси билан белгиланади.

7. Зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишларни амалга ошириш таҳдиди давлат органлари, ҳокимиятлар мансабдор шахсларига, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва ваколатли шахсларига, умуман маълум давлат, ҳудуд, маҳаллий жойнинг аҳолисига халқаро муносабатларни қийинлаштириш, суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлат хавфсизлигига путур етказиш, урушни, қуролли тўқнашувларни, ижтимоий-сиёсий

мухитнинг мувозанатини бузиш, аҳолини қўрқитишдан иборат.

Террористик ҳаракатларни содир этиш ҳақида таҳдид оғзаки, ёзма, бевосита ёки турли алоқа воситаларидан фойдаланиб етказилиши мумкин. У, албатта, реал бўлиши керак, ҳар ҳолда жабрланувчида айбдорнинг таҳдидини амалга оширмоқчи бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, унинг содир этилишидан қўрқиши учун етарли сабаблари бўлиши лозим.

8. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми диспозициясида мазкур хатти-ҳаракатлар, қилмишлар ҳақиқатда содир этилишини эмас, балки улар шуларга эришишга йўналтирилганлигини ўз ичига олади. Шундай қилиб, шунга ўхшаш мақсадда куч ишлатиш ва ҳ.к., белгиланган мақсадга эришилган бўлмаса-да, лекин у аҳоли нобуд бўлиши ёки мулкка зарар етказилиши учун реал хавф тўғрисида, **тугалланган жиноят таркибини** ташкил этади.

9. Агар терроризм зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиб амалга оширилган бўлса, таҳдид объектив характер касб этган, яъни аниқ адресатларга етказилган вақтдан бошлаб жиноятни **тугалланган** деб ҳисоблаш лозим.

10. **Субъектив томондан** ЖКнинг 155-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасд тўғри бўлиб, айбдор содир этаётган террористик ҳаракатлар ёки бошқа фаолиятнинг ижтимоий хавфини ва тавсифини, халқаро хавфсизликни издан чиқаришни англайди. Шундай бўлса-да, буни хоҳлайди. Берилган жиноят таркибининг субъектив томони учун мақсад — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш ҳолатлари бўлиши шарт. Бундай мақсад бўлмаганида содир этилган ҳаракатни ЖКнинг 155-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб бўлмайди.

Қўрилаётган жиноятни содир этиш мотивлари турлича бўлиши мумкин: қасос, қасд, давлатда олиб борилаётган

сиёсатни ғоявий қабул қилмаслик ва бошқалар, бироқ булар жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, аммо ҳар бир ҳолатда суд томонидан жазо белгиланаётганда инобатга олиниши лозим.

11. ЖКнинг 155-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказишда намоён бўлади.

12. **Ҳаётга суиқасд қилиш** деганда, давлат ёки жамоат арбобини ўлдиришга қаратилган, аммо айбдор шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қутилаётган натижага олиб келмаган ҳаракатларнинг айбдор томонидан содир этилиши тушунилади. Суиқасд транспорт воситалари тўкнашувини сахналаштириш, шахснинг ҳаёти учун муҳим органига совуқ ва бошқа қурол билан уриш, отилган ўқнинг тегмай қолиши, захарлаш ҳаракати орқали содир этилиши мумкин.

13. Терроризмни содир этишда **баданга шикаст етказиш** давлат ёки жамоат арбоби ёки ҳокимият вакилларига уларнинг давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ҳар қандай оғирликдаги (енгил, ўртача оғир ёки оғир) тан жароҳатини етказишда намоён бўлади. Шу билан бирга, тан жароҳати жамоат арбоби ёки ҳокимият вакилларига уларнинг айнан давлат ёки ижтимоий фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлиши шарт. Агар кўрсатилган шахсларнинг соғлиғига зарар уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда етказилмай, балки бошқа шароитлар сабабли бўлса, у ҳолда кўрилаётган терроризмнинг таркиби сифатида истисно қилинади ва айбдор шахсга қарши жиноят содир этиш бўйича тергов қилинади. Агар тан жароҳати етказиш қасд қилиш мақсадига эга бўлса, содир этилган ҳаракат куч ишлатиш белгисига кўра ЖКнинг 155-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

14. ЖКнинг 155-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят жамоат ёки ҳокимият арбоблари ҳаётига суиқасд қилиш ёки баданига шикаст етказиш ҳолати содир этилганида **туғалланган** деб топилади.

15. ЖКнинг 155-моддаси 2-қисмида назарда тутилган Жиноят **субъектив томондан** қасддан содир этилади. Шахс ўзи томонидан содир этилаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли тавсифини англайди ва шуни хоҳлайди, шу билан бирга, қонунда кўрсатилган аниқ мақсад билан – вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилади.

16. ЖКнинг 155-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ЖКнинг 155-моддаси 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатларнинг содир этилишида ифодаланади.

ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми «а» банди бўйича одам ўлими оқибатларини келтириб чиқарган террористик актлар ва террористик характердаги бошқа ҳаракатларнинг содир этилишини квалификация қилиш лозим. Терроризмни содир этиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (асирни отиб ташлаш, бирор-бир объектга бостириб кираётганда қуриқчини ўлдириш ва шу кабилар) ҳаракати содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилади. Террористик ҳаракатни содир этишда одамни ўлдириш эҳтиётсизлик натижасида етказилган бўлса, ҳаракат кўрилатган модда бўйича баҳоланади ва ЖКнинг 102-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, кўпчилик одамларга оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлдириш, биноларни, қурилмаларни ўта катта миқдордаги зарар олиб келиш даражасида вайрон қилиш ёки йўқ қилиш, давлатлар орасидаги муносабатларни қийинлаштириш ёки тўхтатиб қўйиш, муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган келишувларни барбод қилиш, давлатдаги ижтимоий-сиёсий шароитни издан чиқариш, аҳоли яшаш жойларидаги ҳаётий зарур объектларни вайрон қилиш, уларни радиоактив, кимёвий, бактериологик ёки бошқа турда захарлаш ва бошқалар тушунилади.

17. Терроризм **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар терроризм субъекти бўлиши мумкин. Агар террористик ҳаракатларда 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар иштирок этган бўлса, улар муайян жиноятни содир этганлик – одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, мулкни қасдан нобуд қилиш ёки бошқалар учун жавобгарликка тортилиши лозим.

18. Терроризмнинг олдини олишда ЖКнинг **155-моддаси 4-қисми**да белгиланган рағбатлантирувчи норма муҳим роль ўйнайди. ЖКнинг 155-моддаси мазкур қисмига мувофиқ, терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти, бу шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Айбдор жиноий жавобгарликдан қуйидаги ҳолларда озод этилиши мумкин:

– у фақат террористик актнинг тайёрланишида иштирок этган;

– у ўз вақтида, яъни жиноятнинг объектив томони бошлангунга қадар ҳокимият органларига террористик акт тўғрисида маълумот берган, бу эса, ўз навбатида, оғир оқибатлар келиб чиқишининг ва террористлар мақсади амалга оширилишининг олдини олган;

– у оғир оқибатлар келиб чиқиши ва террористлар мақсадининг амалга оширилишининг олдини бошқа усулда олган бўлса, яъни террористик актнинг олди олинишига олиб келган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширган – тайёрланаётган террористик актга нишон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки корхона маъмуриятига шахсан ўзи келган, давлат органларини аноним равишда огоҳлантирган бўлса, шунингдек, кўпчилик учун хавfli ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича бошқа фаол ҳаракатлар қилган бўлса, бошқа фуқароларни зарарли ва оғир оқибатлар келиб чиқишини чеклаш ва зарарлантиришга жалб этган бўлса ва ҳоказо;

– унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби (масалан, қурол ёки портловчи моддалар сотиб олиш, сақлаш, бундай воситаларни ўғирлаш, уларни тайёрлаш ва хоказо) мавжуд бўлмаса.

◆◆◆◆◆

155¹-модда. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик

Ушбу Кодекснинг 155, 155², 155³, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги исботланган, аниқ маълум бўлган маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик бевосита

тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилади ҳамда суриштирув, тезкор-қидирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноятларни фош этиш ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш. шу орқали жиноят содир этган ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш ҳамда фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек ута муҳим фаолиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид қилади.

2. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, у жиноятчининг жиноят изларини яшириш ва қилмиш учун жиний жавобгарликдан қутулиб қолиш йўлидаги ҳаракатларига имконият яратади, шу орқали террорчилик ҳаракатларини содир этаётган шахсни «рағбатлантиради», тинчлик ва инсоният хавфсизлигига путур етказди. Уз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишини оғирлаштиради, жиноятни очиш, жиноятчиларни аниқлаш ва фош қилишни қийинлаштиради, буларнинг барчаси кейинчалик латент (яширин) жиноятчиликнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Юқорида зикр этилган ҳолатлар пировард натижада жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади.

3. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноятнинг **асосий бевосита объекти** миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлайдиган, тинчликни мустаҳкамлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактлар ҳар қандай ҳокимият органларига берилиши мумкин, бироқ мазкур жиноят ҳақида хабар бермаслик асосий бевосита объект билан бир қаторда одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг маромли фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказди ҳамда уларнинг тез ва тулиқ фош этилишига тўсқинлик қилади. Бу эса, одил судлов органларининг жиноят ишларини тергов қилиш, жиноятларни очиш, жиноят содир этган айбдорларни фош қилиш ва уларни жиний жавобгарликка тортиш юзасидан вазифаларини амалга оширишдаги нормал иш фаолиятини бузади.

Жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** одил судлов фаолиятини амалга оширувчи суд, прокуратура, дастлабки тергов, тезкор-қидирув фаолияти ва суриштирув органларининг нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Терроризмда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига, ижтимоий тартибот, ўзгалар мол-мулкига ва бошқаларга зарар етиши мумкин. Шу сабабли, одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, моддий ёки бошқа манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар мазкур жиноятнинг **факультатив бевосита объекти** сифатида қаралиши лозим.

4. Жиноятнинг **предмети** тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларининг таркибий элементларини ташкил қилувчи жиноят-ҳуқуқий ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар ва фактлар ҳисобланади. Масалан, бундай маълумотларга, жиноят содир этган шахс ҳақидаги, жиноят содир этиш қурол ва воситалари, жиноят содир этиш жойи ва бошқаларни киритиш мумкин.

5. **Объектив томондан** жиноят қўйидаги иккита ҳаракатсизликдан биттаси орқали содир этилади:

1) рўйхати ЖКнинг 155¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган террорчилик хусусиятига эга жиноят туғрисида хабар қилмаслик;

2) рўйхати ЖКнинг 155¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят туғрисида хабар қилмаслик.

6. **Террорчилик хусусиятига эга жиноят** деганда, жамиятни зуравонлик билан мунтазам равишда қўрқитиш, ифво қилиш ва беқарорлаштириш хусусиятига эга қилмишлар тушунилади. Бундай қилмишлар рўйхати қонунда туғридан-туғри кўрсатилган бўлиб, мазкур рўйхатдаги жиноятлар қўйидагилардан иборат:

- терроризм (ЖКнинг 155-моддаси);
- террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида уқувдан ўтиш (ЖКнинг 155²-моддаси);
- терроризмни молиялаштириш (ЖКнинг 155³-моддаси);
- Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (ЖКнинг 158-моддаси);
- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (ЖКнинг 159-моддаси);
- кўпуровчилик (ЖКнинг 161-моддаси);
- жиний уюшма ташкил этиш (ЖКнинг 242-моддаси);
- шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (ЖКнинг 245-моддаси);
- радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (ЖКнинг 254-моддаси);
- бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш (ЖКнинг 255¹-моддаси).

Маъмур жиноятлар рўйхати тўла-тўқис ҳисобланади.

7. Амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, жиноятлар содир этилиш босқичига кўра тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятларга ажратилади. Яъни, қасддан содир этиладиган жиноятлар, одатда, жиноятга тайёргарлик қўриш босқичи алоҳида ажратилади. Тайёрланаётган жиноят – бу ижтимоий ҳавфли бўлган қилмишни содир этишни тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар бўлиб, зарур қурол, портловчи моддалар, вазиятни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказо ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Тайёрланаётгани аниқ маълум бўлган ёки содир этилган жиноят ҳақида айбланувчининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабар бермаганлигини хабар бермаслик сифатида тан олиш мумкин. Бундай органларга хабар бериш ёзма ёки овозли; шахсан ёки воситачи орқали; аноним ёки очиқ тарзда амалга оширилиши мумкин, хабар беришнинг шакли ва тури аҳамиятга эга эмас.

8. **Тайёрланаётган террорчилик ҳаракатлари** деганда, террорчилик хусусиятига эга жиноят содир этиш ёки

суиқасд қилиш учун тайёргарлик кўришни ташкил қилувчи қилмишлар ва жиноят содир этиш учун иштирокчиларни танлаш ва қидириш тушунилади.

Содир этилган террорчилик ҳаракатлари деганда эса, террорчилик хусусиятига эга жиноятнинг зарурий белгилари ҳисобланган жиноий қилмишларнинг барчасини амалга ошириши ва шахс жиноий ниятини амалга ошириш ҳамда жиноят содир этишдан аввал режалаштирган ижтимоий хавфли қилмишларини тўлиқ бажариши, агар жиноятнинг оқибати қонунда назарда тутилган бўлса, ушбу жиноий оқибатнинг келиб чиқиши тушунилади.

9. Террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактлар аниқ, ўз вақтида берилиши ва тўлиқ бўлиши керак.

Террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик учун жиноий жавобгарлик фақат тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида шахс аниқ билгани ҳолда, хабар бермаган ҳоллардагина келиб чиқади. **Аниқ билиш** жиноят ҳақидаги маълумотни аниқ, ишончли ва муқаррар билишни англатади.

Шахс ҳақиқатан ҳам жиноят содир этилаётганлигини ёки ҳақиқатан ҳам жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилаётганлигини англаши лозим. Акс ҳолда, бундай белгиларнинг аниқланмаганлиги Террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жинояти таркибини инкор этади.

Демак, мазкур модда бўйича жавобгарлик юзага келишининг муҳим шarti – маълумотлар айбдорга аниқ маълум бўлиши керак. **Аниқ маълумотлар** деб, шахсда уларнинг ҳақиқийлигига ишонч турдирадиган характерли манбалардан олинган маълумотлар тушунилади. Қонунда шахс унга маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот бериши муддати кўрсатилмаган. Бундай муддат сифатида шахсга жиноят ҳақида маълум бўлганидан кейинги муддат тан олинади. Шу муддат мобайнида шахс тегишли органларга бу ҳақда маълумот бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

Шахс жиноят ҳақидаги аниқ маълумотларни шахсан кузатиши жиноятни содир этган шахс ёки жиноят иштирокчиларининг маълумотлари, муайян ҳужжатлар билан танишиш орқали олиши мумкин. Шахс хабар бериш шаклидаги ҳуқуқий мажбуриятини ўз вақтида бажариши билан бирга, берилаётган маълумотлар тўлиқ бўлиши керак.

Бу масалани ҳал қилишга нисбатан билдирилган қарашларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) қонун фуқароларга ишнинг ҳолатлари бўйича шахсга маълум бўлган жиноятга, айбдор ёки айбдорларнинг шахсига тегишли барча маълумотларни хабар қилиш мажбуриятини юклайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, шахс ушбу маълумотларнинг барчасини ҳокимият органларига тўлиқ равишда бериши маълумотларнинг тўлиқлигидан далолат беради;

2) террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик учун жиноий жавобгарлик фақат тайёргарлик қўрилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида хабар берилмаган маълумотлар хабар берилмаётган жиноят таркибига тегишли бўлган маълумотларни ташкил қилса, мазкур жиноят таркибини келтириб чиқаради.

Бунда хабар бермаслик сифатида жавобгарликка тортиш учун талаб этиладиган содир этилаётган қилмишни тушуниш ҳажми бўйича шахсга қўйилаётган талабни «*delictum sui generis*» сифатида қараш, яъни субъект қилмишнинг жиноийлигини қисман ёки муфассал эмас, балки умуман билишини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

10. Агар шахс аниқ бўлган жиноят ҳақидаги маълумот тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берса, бундай ҳолларда, бу шахс жиноят иши бўйича гувоҳ мақомига эга бўлади. Дастлабки тергов жараёнида мазкур шахс томонидан ёлғон маълумот берилса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 238-моддаси бўйича ёлғон гувоҳлик бериш сифатида квалификация қилинади.

11. Террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик – узоққа чўзилган жиноятдир. У субъектнинг жиноят ҳақида хабар бериш мажбуриятларини

бажаришга реал имкониятлари мавжуд бўла туриб, бажармаган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади ва у ҳақда ҳокимият органларига хабар бергунга қадар давом этади.

12. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг шартларидан яна бири бу жиноятнинг субъектив томонини тўғри белгилаб олишдир.

Айбдор тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноятлар ҳақида аниқ маълумотларга эга эканлигини билади ва бу ҳақда одил судлов органларига хабар бермасдан, қонунда белгиланган мажбуриятларини қасдан бажармайди. Жиноят ҳақида хабар бермаслик натижасида келиб чиқадиган оқибатларга бўлган айбдор шахснинг муносабатлари ушбу жиноятнинг айб шаклини белгилашга таъсир этмайди.

Субъектив томони тўғри қасда ифодаланади. Унинг тузилиши икки белги билан изоҳланади. Биринчи белги – аклий белги, яъни тайёргарлик куриляётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида аниқ билгани ҳолда ваколатли органларга хабар бермаслик шаклидаги ўз ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавfli оқибатини англайди. Иккинчи белги – унинг иродавий белгиси, яъни шахснинг шундай ҳаракатсизлик қилишни хоҳлаши билан изоҳланади.

13. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмасликнинг мотиви ҳар хил (жиноятни содир этган шахсни яшириб қолиш, гувоҳ сифатида иштирок этишни истамаслик ва ҳоказолар) бўлиши мумкин. Аммо, бу мотивлар жиноятни квалификация қилишда таъсир этмайди. Ушбу жиноятнинг мақсади ва мотиви жиноят таркиби чегарасидан ташқарида бўлади ва суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

14. **Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмасликнинг субъекти** жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

15. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 31-моддаси учинчи қисмида олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят

хакида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмаслиги белгиланган. Мазкур норма тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик жиноятига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига қура¹, яқин қариндошлар деганда, ота-она, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингиллари тушунилади.

16. ЖК 155¹-моддасининг иккинчи қисмида террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан қайд этилган қилмиш одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

17. Тайёргарлик қурилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик ЖКнинг 241-моддаси биринчи қисми билан жиний жавобгарликка тортилади. ЖКнинг 155, 155², 155³, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг барчаси оғир ёки ўта оғир жиноятлар тоифасига киради. Шу сабабдан, 155, 155², 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик 2014 йил 21 январгача ЖКнинг 241-моддаси биринчи қисми билан жиний жавобгарликка тортилиб келган.



¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори. 9-банд.

155²-модда. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш

Шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф турдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги, чиқиб кетишга ёки ҳаракатланишга уринганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, чиқиб кетишни, ҳаракатланишни ёки ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг

ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жинойӣ жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур моддада назарда тутилган жиноятнинг ижтимоӣ ҳавфлилиги, биринчидан, террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд террорчилик хусусиятига эга жиноятнинг содир этилишига реал ҳавф туғилиши, иккинчидан, ушбу жиноятни содир этувчи шахснинг малакали эканлиги, шу муносабат билан жиноят оқибатининг ўта оғир бўлиши учун реал ҳавфнинг мавжудлигида ифодаланади.

2. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтишнинг **асосий бевосита объекти** тинчлик ва инсоният ҳавфсилигини таъминловчи ижтимоӣ муносабатлардир.

Маълумки, мамлакатимизда ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш ҳарбий билим юртларида, шунингдек ҳарбий хизматни ўташ чоғида ўргатилади. Мазкур жиноятда эса, шахс ҳар қандай ўқотар қурол-яроғлардан фойдаланиш ўқувидан ўтади. Ушбу жиноятнинг **қўшимча бевосита объекти** ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоӣ муносабатлардир.

3. **Объектив томондан** ушбу модданинг биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган мақсадларда ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиш орқали содир этилади.

Бунда шахснинг **ўзи учун аён бўлган** ўқувдан ўтиш деганда, шахснинг ўтказилаётган ўқувнинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ЖКнинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлигини англаши назарда тутилади. Бундай ўқувнинг қайд этилган мақсадда ўтказилаётганлигини мазкур ўқувнинг ташкил этилиш усули, жойи, ўқувни ташкил этувчи

субъектлари, ташкилотчилари, ўқувни ўргатиш усули, машқ турлари орқали билиш мумкин.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш усуллари ва услублари, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини вайриконституциявий йўл билан бузиш, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштириш, одамларни ўлдириш, уларнинг соғлиғига шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш, давлат иктисодиётига путур етказиш, шахсларни гаров сифатида тутқунликка олиш ва ҳ.к.

4. Ўқувдан ўтиш кўйидаги усулларда содир этилиши мумкин:

1) террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёки ЖКнинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаш:

2) ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиш.

Жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаш деганда, диспозицияда қайд этилган қилмишни содир этиш бўйича назарий билимларни ўқиш, уни содир этиш бўйича турли амалий тайёргарлик машқларини ўтказиш, жиноятни содир этиш усулини синаб кўриш, жисмоний ва ўқотар қуролдан фойдаланиш бўйича тайёргарлик ва бошқа кўникмаларни эгаллаш тушунилади. Бунда айбдор мазкур билим, амалий маҳорат ва кўникмаларни тўлиқ ёки қисман эгаллаганлиги аҳамиятга эга эмас. Жиноят, тўлиқ ёки қисман эгаллаганлигидан қатъи назар, аниқланган кундан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан

муомала қилиш усулларини ўрганиш деганда, мазкур предметларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот олиш, уларни ишлатиш усулларини ўрганиш, тажриба сифатида қўллаб кўриш, шундай тажриба амалиётларини ўтказиш ва бошқа шу каби ҳолатлар тушунилади.

5. **Қурол** – тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди¹. Барча қуролларни таъсир қилиш ёки энергия манбаларига кўра ядровий, кимёвий, бактериологик, минали портловчи, совуқ ва ўқотар қуроллар турларига ажратиш мумкин.

Қурол-яроғлар рўйхатиغا: турли кўринишдаги қуролларнинг комплекслари ва уларни жангда қўллашда фойдаланадиган воситалар, мўлжалга олиш, бошқариш ва ҳ.к. тизимлар; қуролли кучларни таъминлашга мўлжалланган махсус техник воситалар; ўқ-дорилар ва уларнинг компонентлари, эҳтиёт қисмлар, ўқув қуроллари (макетлар, тренажёрлар ва турли қуроллар, ҳарбий техниканинг имитаторлари); жанговар ракеталар учун ракета ёнилғиси, уларни ишлаб чиқиш учун мосламалар; алоқа тизими ва ҳоказолар киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли қарориди баён этилишича, ўқотар қурол деганда, амалда қандай мақсадларда қўлланилишидан қатъи назар, отиш учун порох газларининг кучидан фойдаланиладиган барча турдаги жанговор, спорт ва ов қуроллари тушунилиши лозим.

Ўқ-дорилар деганда, қурол учун лозим бўлган ўқлар, артиллерия снарядлари, бомбалар, миналар, гранаталар, ракеталарнинг жанговор қисмлари, шунингдек, ўқотар

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги УРҚ–550-сонли Қонуни – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.07.2019 й., 03/19/550/3484-сон.

қуролдан отиш учун мўлжалланган ашёлар тушунилади. Умуман олганда, ўқ-дорилар ўқотар қуролларга хос бўлган белгиларга эга. Бу, биринчидан, уларнинг фақат жонли нишонни махв этиш, вайрон қилиш ва ҳоказолар учун мўлжалланган бўлса, иккинчидан, рухсатнома олиш зарурлиги тўғрисидаги қоидаларнинг уларга ҳам тааллуқли эканлигидир.

Ўқ-дориларнинг: артиллерия замбараклари ва ўқотар қуроллар учун ўқ-дорилар (снарядлар, ўқлар); кичик калибрли, ўйма ва силлик стволли ов қуроллари, қўлда ясалган қуроллар учун ўқлар; портлаш хусусиятга эга ўқ-дорилар (миналар, бомбалар, гранаталар ва ҳоказолар) каби турлари мавжуд.

Портловчи моддаси йўқлиги, жонли нишонни махв этиш ва вайрон қилиш учун эмас, фақат ўқув мақсадлари учун мўлжалланганлиги сабабли уларга эгалик қилиш жамоат хавфсизлигига хавф турғирмаслиги муносабати билан машқ гранаталари, миналари, безарар ўқлар ўқ-дори ашёси сифатида қуриб чиқилиши мумкин эмас. Юқорида номи келтирилган Пленум қарорига кўра, ўқ-дорининг бўлаги (масалан, гранатанинг запали) ҳам, агар унинг ўзи ўқ-дорининг барча хусусиятларига эга бўлса, мустақил равишда ўқ-дори деб тан олинаши мумкин.

6. Портлатиш воситалари – конструкцияси тузилишига кўра портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган, портловчи моддани ўзида сақлайдиган саноатда ишлаб чиқарилган ёки қўлбола ишланган (запал, портлатгич, детонатор ва ҳоказолар) махсус мосламалар ҳисобланади. Имитация-пиротехник ва ёритгич воситалари портловчи моддалар ва портлатиш қурималари жумласига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори¹га асосан, яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш

¹ «Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низоом (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги «Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-тўғрилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 782-сонли Қарорига 1-илова)нинг 1-илловаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2018 й., 09/18/782/1985-сон.

ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва захарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситаларининг рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, ўт ўтказувчи пилта, порохларни ёқишнинг махсус воситалари, пистон – портлатгичлар, пистонсиз портлатишда тезлаштирадиган воситалар, электрпортлатгичлар, шунингдек, электр алангалатувчилар ва қудуқларда ўқ отиб портлатиш ишлари учун иссиққа чидамли портловчи патронлар, тез портловчи пилталар, тез портловчи тасмалар, пиротехник реле, оралик портлатгичлар ва шашка-портлатгичлар портлатиш воситалари ҳисобланади.

7. Портловчи моддалар – тезда, ўзидан ўзи рўй берувчи кимёвий ўзгариш (портлаш)га қодир бирикмалар ёки аралашмалар, яъни порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалардир.

Портловчи деб, ёқиш, зарба, детонация, қиздириш, ҳаво билан бирлашиш натижасида портлашга яроқли табиий ёки сунъий моддалар (масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, аммонал, аммонит, гексаген ва ҳоказолар) тан олинади.

Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи моддалар рўйхати тасдиқланган¹. Унга кўра, аммиакли селитралар асосида (аммонитлар, аммоналлар, акватоллар, граммонитлар, гранулитлар, детонитлар, динамонлар, карбатоллар, порэмитлар ва бошқалар), нитробирикмалар ва уларнинг аралашмалари (тротил, динитронафталин, нитроглицерин, нитроглеколь, ТЭН – пентаэритриттетранитрат,

¹ «Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги «Сановат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 782-сонли Қарорига 1-илова)нинг 1-илласи // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 03.10.2018 й., 09/18/782/1985-сон.

гексоген, октоген, тетрил ва бошқалар), тутунли ва тутунсиз порохлар, зарядлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, иссиққа чидамли портловчи моддалар, зарядлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар портловчи моддалар ҳисобланади.

8. Одам организмга токсикологик (заҳарловчи) таъсир кўрсатувчи моддалар **заҳарловчи моддалар** ҳисобланади. Ушбу моддаларни кам миқдорда истеъмол қилганда ҳам инсон оғир заҳарланиши ёки ўлими келиб чиқиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сонли қарори¹га асосан яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган заҳарли моддалар рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, акрилонитрил (вентокс), метил спирти, мишьякли ангидрид, мишьяксимон ангидрид, дихлорид симоблар (сулема) ва бошқа симоб тузлари, никель тетракарбонили, сариқ фосфор, цианидли водород ва унинг тузлари (натрий цианид, калий цианид, кадмий цианид, кумуш цианид, симоб цианид ва оксицианид, қўрғошин цианид, мис цианид, рух цианид, кальций цианид), циан қотишма, «циклон» ва этилмеркурхлорид каби моддалар **заҳарловчи моддалар** сифатида белгилаб қўйилган.

9. **Атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар** деганда, кучли таъсир қилувчи заҳарли, радиоактив моддалар, шунингдек бошқалар учун хавfli бўлган шу каби бошқа моддалар ва буюмлар назарда тутилади.

10. Мазкур жиноят формал таркибли бўлиб, қилмиш натижасида жинoий оқибат юзага келиши ёки юзага келмаслигидан қатъи назар қилмиш **туғалланган** жиноят сифатида квалификация қилинади.

¹ «Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни кўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги «Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 782-сонли Қарорига 1-илова)нинг 1-илоvasи // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2018 й., 09/18/782/1985-сон

11. Жиноий оқибатнинг юзага келиши эса, келиб чиққан оқибатнинг тури ва хусусиятига кўра тегишли равишда жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. Жиноят субъектив томондан қасддан, тўғри қасд билан содир этилади. Шахсга содир этилаётган жиноят олдиндан аён бўлади.

13. Жиноятнинг субъектив томонининг яна бир зарурий белгиси – унинг мақсадидир.

Жиноят қуйидаги мақсадларда содир этилади:

1) террорчилик фаолиятини амалга ошириш;

2) ЖКнинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш.

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсади деганда, террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молниялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолиятни амалга ошириш мақсади тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига кўра, террорчилик ҳаракати – гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни, шу жумладан, континентал шельфда жойлашган стационар платформаларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан кўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки



юрidik шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш¹.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноят қайд этилган иккита мақсаддан бирини ёки иккаласини назарда тутган ҳолларда ЖКнинг 155²-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин. Акс ҳолда, қилмишни ЖКнинг 155²-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас.

14. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахсдир.

15. Ёллаш деганда, террорчиликни ўргатиш ва мазкур фаолият билан шуғулланиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун мос келадиган шахсларни излаб топишни тушуниш лозим.

Ёллаш усуллари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас ва улар ҳар хил бўлиши мумкин («катта» пул, бошқа моддий бойликларни ваъда қилиш, чет эл мамлакатларида ишга жойлаштиришни ваъда қилиш ва ҳ.к.).

Ёллаш оғзаки, ёзма равишда келишиш, варақаларда, интернет орқали чорловлар, шахснинг террорчилик фаолиятида иштирок этиши шартларини келишиш йўли билан амалга оширилади.

16. **Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш** деганда шахсларнинг муайян давлат ҳудудидан террорчилик фаолиятини ўрганиш ва унда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай тарзда утиши тушунилиши лозим.

17. ЖКнинг 155²-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят одамларни ёллашга қаратилган ҳаракатлар бажарилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади, бунда айбдор

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 15-модда.

шахс ёллашга муваффақ бўлгани ёки бўлмагани жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

18. ЖКнинг 155²-моддаси 3-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги туғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, бундай ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиний жавобгарликдан озод қилинади.

155³-модда. Терроризмни молиялаштириш

Терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиришга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- б) мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Терроризмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиний жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Терроризмни молиялаштиришнинг объекти – тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлар, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги.

Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкӣ манфаатлари, давлат мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлар терроризмни молиялаштиришнинг кўшимча объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят қуйидагиларга қаратилган фаолиятда ўз ифодасини топади: 1) террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини таъминлаш; 2) террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлаш; 3) террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этиш; 4) террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш.

3. Террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини таъминлашга қаратилган фаолият айбдор террорчилик ташкилоти жангариларини ёллаш, тўплаш, танлаб олиш,

уларни қуроллантириш, яъни турли хил қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портловчи қурилмалар, турли хил ҳарбий техника билан таъминлаш, жангариларни ўқитиб-ўргатишни ташкил этиш, уларнинг террорчилик фаолиятини режалаштириш, террорчилик ташкилотининг маиший ва бошқа эҳтиёжларини ҳар қандай валютадаги пул билан қондириш, яшаш учун бинолар бериш ва улар билан таъминлаш, ёнилғи-сурков материаллари билан таъминлаш борасидаги изчил ҳаракатларни бажаришни назарда тутати.

4. **Террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга қаратилган фаолият** уларга молиявий мадад кўрсатиш, хорижга чиқиб кетиш учун уларни зарурий ҳужжатлар билан таъминлаш, чипталар сотиб олиш, ҳар қандай турдаги транспортни тақдим этиш йўли билан кўмаклашиш ёки мазкур шахсларни ташишдан иборат.

5. **Террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этиш** олдинма-кетин бажариладиган қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади: биринчидан, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш босқичи, яъни режалаштириш (террорчилик ҳаракати режасини ишлаб чиқиш, ҳужум объектини танлаш), мажбуриятларни тақсимлаш (мутахассисларни, шу жумладан портлатиш техникаси мутахассисларини танлаш, ўзини ўзи портлатувчи («смертник»)ларни тайёрлаш, бошқа тайёргарлик ҳаракатларини бажариш), иккинчидан, террорчилик ҳаракатини содир этиш (портлатиш, ўт қўйиш, шахсларни гаров сифатида тутқунликка олиш, оммавий одам ўлдиришлар ва ҳ.к.).

6. Террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш террорчилик ташкилотларини молиялаштиришга, уларни ҳар қандай моддий таъминлашга қаратилган фаолиятни ҳар қандай шаклда, шу жумладан яширинча ёки очик фаолият кўрсатадиган, хомийлик ниқоби

остида маблағлар тўплайдиган турли ёрдам жамғармалари, ташкилотлар, бирлашмалар тузиш, террорчилик ташкилотларини молиялаштиришга кўмаклашувчи ёки уларда иштирок этувчи шахсларни молиялаштириш, кредитлаш, уларга фондсиз, имтиёзли қарзлар бериш мақсадида фаолият кўрсатувчи молиявий тузилмалар, банклар ташкил этиш йўли билан амалга оширишни назарда тутати.

Террорчилик ташкилоти фаолиятини молиялаштириш манбалари даромади террорчилик ташкилоти фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилаётган корхоналар, бошқа ишлаб чиқариш ташкилотлари бўлиши мумкин.

7. Маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш, агар айбдор уларни кимга ва нима учун бераётганини билса, бевосита бериш сифатида баҳоланиши лозим.

Маблағ-воситаларни, ресурсларни билвосита бериш айбдор уларни террорчиларга эмас, балки воситачиларга, масалан, бирон-бир жамғармага, ҳомийлик ташкилотига берган, ammo мазкур маблағ-воситалар, ресурслар кимга ва нима учун мўлжалланганини аниқ билган ҳолларда мавжуд бўлади.

Маблағ-воситаларни, ресурсларни беришдан фаркли уларок, уларни йиғиш мазкур маблағ-воситаларни, ресурсларни уларни тақдим этувчи шахслардан кейинчалик террорчилик ташкилотларига ёки террорчилик ҳаракатига кўмаклашувчи ёки унда иштирок этувчи шахсларга бериш учун жамғаришдан иборат фаолиятдир.

Террорчиларга бошқа хизматлар кўрсатиш уларни жазодан яшириш, алоқа воситалари билан таъминлаш, уларга транспорт, яшаш учун жой тақдим этиш ва хоказоларни ўз ичига олиши мумкин.

Жиноят террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок

этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятни содир этиш бошланган пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан терроризмни молиялаштириш** фақат тўғри қасд билан содир этилади.

9. Ўн олти ёшга тулган шахс жиноятнинг **субъекти** бўлиши мумкин.

10. ЖК 155³-моддасининг 2-қисми бўйича ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилгани учун жинoий жавобгарлик келиб чиқади.

11. ЖК 155³-моддасининг 3-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, терроризмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жинoий жавобгарликдан озод этилади.

156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик

ёки нифок келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб фуқароларнинг хис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
- б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- г) мансабдор шахс томонидан;
- д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, дини ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, тенг эканлиги тўғрисидаги қоида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормасидир. Ушбу қоида 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (2-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда (2-модда) ва бошқа халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари устунлигини таъкидлаб, шу билан бирга, берилган қоидаларни бир қатор моддаларда, жумладан, Конституциянинг 4, 8, 31-моддаларида мустаҳкамлаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси кафолатлайдики, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш учун жавобгарликни белгилайдиган ЖКнинг 156-моддаси ушбу қондалар бажарилишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфи** шундан иборатки, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш, давлат ижтимоий хавфсизлигини бузишга, жумладан, адоватнинг амалда кўзғалишига, миллатчилик ва ирқчилик асносида келишмовчилик ва бошқаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўювчи ва давлатнинг прогрессив ривожланишига тўсқинлик қилувчи экстремистик фаолиятнинг ривожланишига, жиноятчиликнинг қупайишига олиб келади.

3. Жиноятнинг **бевосита объекти** миллий, ирқий, этник ёки диний белгиларига кўра нафратни ёки адоватни кўзғатиш кўринишидаги экстремистик ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича конституцион тамойилни кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча объект** сифатида, бу ерда, жамиятда меъёрий муҳитни, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хизмат қилади.

4. ЖКнинг 156-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **предмети** миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материаллардир.

Материаллар деганда, шарҳланаётган модданинг контекстида турли кўринишдаги босма нашрлар (китоблар, журналлар, брошюралар ва бошқ.), варақалар, плакатлар, босма нашрларнинг нусхалари, кино, фото, аудио, видео махсулотлар, интернет саҳифалари ва бошқа экстремистик руждаги материаллар назарда тутилади.



Адоват – бу хуш кўрмаслик, нафрат билан сингдирилган муносабат ва ҳаракатдир¹. Афсуски, психологияда адоват тушунчаси очиб берилмаган, лекин нафрат тушунчасига куйидагича таъриф берилган: «Нафрат – бу шахснинг ўз эҳтиёжлари, қарашлари, кадриятларига зид келувчи ҳамма нарсани фаол инкор этувчи хиссиётдир. Нафрат нафакат тааллуқли ашёга нисбатан қўзғалиши мумкин, балки унга қарши бўлган фаол ҳаракатни ҳам вужудга келтиради. Нафратнинг шаклланишига, одатда, ходисаларнинг исталмаган ҳолдаги ривожланиши натижасида кучли қоникмаслик ёки салбий хис-ҳаяжонлар манбасининг тармоқли равишда аста-секинлик билан йиғилиб бориши сабаб бўлади. Бундай ҳолларда нафратнинг марказида бу воқеаларнинг ҳаётий ёки ҳаёлий сабаблари бўлади»².

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материаллар деганда, ўз ичига аниқ бир ирқ, миллат ёки этник гуруҳ ёхуд диний ташкилотларга нисбатан ишончни ва ҳурматни поймол қилувчи ҳамда маълум бир ирқ ёки миллат аҳолисининг ҳаёт тарзи, маданияти, диний удумларини хуш кўрмасликни тарғиб қилувчи ғоялар, қарашлар ва фикрлардан ташкил топган материалларни тушуниш лозим. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, бундай ғоялар ва қарашлар аниқ тавсифда эмас, балки умумий кўринишда бўлиши керак, яъни аниқ бир шахсга қаратилган бўлмаслиги керак. Одатда булар миллий ёки диний экстремизм ёки сепаратизм қарашлари ёки ғояларини ташкил қилувчи материаллардир.

5. ЖКнинг 156-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят таркибининг **объектив томони** миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатишда ифодаланadi. Шу билан бирга ЖКнинг 156-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий огоҳлантиришдан сўнг бир йил давомида келиб чиқиши мумкин.

¹ Қаранг: Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1970. – С. 106.

² Қаранг: Краткий психологический словарь. – М.: 1985. – С. 206.

Тайёрлаш деганда, кейинчалик тарқатиш мақсадида исталган кўринишда ва исталган усул билан шундай материалларни тайёрлашга йўналтирилган қасддан содир этилган ҳаракатларни тушуниш лозим. Миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб этувчи материалнинг ҳеч бўлмаганда бир нусхасини тайёрлаш вақтидан бошлаб, унинг тарқатилганлигидан қатъи назар, лекин тарқатиш мақсади аниқланган ҳолатида тайёрлаш жинояти тамомланган ҳисобланади.

Сақлаш деганда, миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни топиш билан боғлиқ ҳолатлар, айбдорнинг материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш ҳолати аниқланиши (ўзи билан бирга, бирор-бир жойда, ертўлада ва бошқа жойлар) ҳаракатлари тушунилади. Миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни сақлаш давомли жиноят ҳисобланади. Унинг хусусияти шундаки, бу ҳаракат ноқонуний жиноий-ҳуқуқий объектларга узоқ вақт давомида қасд қилувчи қатор ҳаракатлардан ташкил топади ва жиноят содир этилган дамдан бошлаб ёки айбдорнинг айбига иқрор бўлиши ва жиноятнинг кўрсатилган ашёларини тарқатиш мақсадида сақлаганини аниқлаш вақтидан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Агар айбдор ўзида сақланган миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни учинчи шахс фойдасига ўздан соқит қилиш ҳолатини содир этса, у ҳолда сақлаш кўрилатган жиноят объектив томонининг бошқа кўринишига – тарқатишга айланади. Кўрсатилган ашёларни сақлаганлик учун жавобгарлик сақлашнинг давомийлигидан қатъи назар бошланади.

Миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни **тарқатиш** деганда, учинчи шахс фойдасига ўздан соқит қилишнинг ҳар қандай (соттиш, совға қилиш, кўчаларда тарқатиш ва шу кабилар) кўриниши ёки материал таркиби билан шахсларни таништириш (варақаларни оситиш, оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш, аудитория олдида чиқиш қилиш, электрон алоқа воситалари ва интернет тармоғининг бошқа имкониятларидан фойдаланиш ва бошқалар) усулларини тушуниш лозим. Миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи ҳужжатларни тарқатиш,

берилган материалларнинг таркибини, маълумотини ёки хабарини ҳеч бўлмаганда бир кишига етказиш вақтидан бошлаб **тамомланган** жиноят ҳисобланади.

6. ЖКнинг 156-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган ҳаракатларда, шунингдек, миллий, иркий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар беришда ифодаланади.

7. **Миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган ҳаракатлар** деганда, турли миллат, ирк, этник гуруҳ ёки конфессияларга тааллуқли фуқаролар орасида адоват, нафрат кўзғатиш, зиддиятларни вужудга келтиришга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатни тушуниш лозим. Бундай ҳаракатлар у ёки бу миллат, ирк вакиллари қўрқоқликда, сотқинликда ва бошқа уларга лойик бўлмаган хусусиятларда айбланиш, ҳақорат қилиш билан тавсифланади. У ёки бу миллат ёхуд ирққа тақаштирилади ўзига хосликлар, хусусиятлар ҳақиқатга мос келиш-келмаслиги квалификация қилишда аҳамиятсиз. Бундай қилмишларнинг асосий мазмуни турли миллат, ирк, диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ишончсизлик туғдириш, ғаразли, ҳақоратомуз ёки бўхтон фикрлар асосида жиддий душманликка айланувчи бегоналашув, шубҳа ва гумонлар уруғини сочишдан иборат.

8. **Миллий, иркий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш** Ўзбекистон Республикаси фуқароси эга бўлган ҳар қандай ҳуқуқларга тегишлидир. Булар: ўқишга, ишга қабул қилишни рад этиш, шахснинг у ёки бу миллат, ирк ёки динга мансублигидан келиб чиқиб имтиёзлардан чеклаш ва бошқалар.

9. ЖКнинг 156-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 156-моддаси 2-қисми диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан биронтаси содир этилиши биланок **туғалланган** ҳисобланади. Жиноий оқибатлар келиб чиқиши, хусусан, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват ҳақиқатдан ҳам вужудга келиши шарҳланаётган жиноятни туғалланган деб эътироф этиш учун талаб қилинмайди, бироқ улар жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

10. **Субъектив томондан** ЖКнинг 156-моддасида назарда тутилган жиноят қасдан содир этилади. Шахс миллий, ирқий ва диний адоватни қўзғатаётганини, жумладан, миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материални таркатаётгани ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаётгани, сақлаётганини билади ва шуни хоҳлайди.

ЖКнинг 156-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби субъектив томонининг мажбурий белгиси миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрлаш ёки сақлаш, жиноятнинг мақсади – берилган материалларни тарқатишдир. Айбдорда бундай мақсаднинг мавжудлиги бир неча далиллар, жумладан, тайёрланаётган ва сақланаётган материалларнинг сони ва турлари ёки шундай мазмундаги материалларни тайёрлаш ёки сақлаш, олиб кириш усуллари билан тавсифланади. Масалан, шахснинг диний сепаратизм ғояларини ўз ичига олган материални кўп сонли нусхада қадокланган шаклда сақлаши унинг ушбу адабиётни тарқатиш ниятида бўлганини англатади. Агар шахсда шундай ғояларни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсади бўлмаса, у ЖКнинг 156-моддаси 1-қисми бўйича уларни тайёрлагани ёки сақлагани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Айбдор томонидан жабрланувчи миллий шаън ва кадр-қимматини ерга уриш, фуқароларнинг диний ёки атеистик қарашлари билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш ҳаракатлари содир этилганда махсус мақсаднинг мавжудлигини – аҳолининг миллий, ирқий, этник ёки диний белгиларига кўра гуруҳлар орасида адоватни, нафратни ёки келишмовчиликни қўзғатишни аниқлаш зарур.

Шарҳланаётган жиноятни содир этишнинг мотиви турлича бўлиши мумкин. Одатда, бу миллатчилик, диний дунёқараш, бундан ташқари, кўра олмаслик ва бошқа ниятлардир. Булар жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди, лекин жазо белгиланаётганда инobatга олинаши зарур.

11. **ЖКнинг 156-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс.

12. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** шарҳланаётган модданинг 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;

б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;

в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;

г) мансабдор шахс томонидан;

д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

13. **Бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усул** деганда, кўрилатган моддада айбдор томонидан жиноятни содир этишнинг шундай усулларидан фойдаланиш назарда тутилади, яъни аниқ ҳолатда нафақат жабрланувчилар, балки бошқа шахслар ҳаётига ҳам зарар етказиш хавфини тўғдирадиган жиноятни содир этишнинг усуллари ва услублари назарда тутилади.

14. Агар айбдор миллий, иркий, этник ва диний адоватни кўзгашига йўналтирилган ҳаракатларни содир этиши жараёнида жабрланувчи баданига оғир шикаст етказса, унинг ҳаракати ЖКнинг 156-моддаси 3-қисми «б» банди билан квалификация қилинади ва ЖКнинг 104-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди (баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).

15. **Фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчириш** деганда, шахсларни ўз хоҳиш-иродасига қарши доимий яшаш жойини ташлаб кетишига мажбурлаш ҳолатларини тушуниш зарур. Бундай ҳолатларда жабрланувчиларга нисбатан қалтаклаш, енгил ёки ўрта оғир шикаст, тан жароҳатлари етказиш кўринишида зўрлик ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, фуқароларни ўз

доимий яшаш жойларидан зўрлик ишлатиб кўчириш деганда, фуқароларни ўзига ёки унинг яқинларига нисбатан зўрлик ишлатишга, мол-мулкни йўқ қилишга, яшаш шароитини оғирлаштиришга таҳдид қилиш, фуқароларни доимий яшаш жойидан мажбурий тарзда кўчириш ҳолатлари тушунилади.

16. ЖКнинг 156-моддаси 3-қисми «г» бандида кўрсатилган мансабдор шахс тушунчаси ЖКнинг VIII бўлимида очиб берилган. Бунда инобатга олиш лозимки, агар ирқий, миллий ёки диний адоват кўзғатиш мансабдор шахс томонидан ўзининг хизмат ваколатларидан келиб чиқувчи ва эгаллаган мансабига кўра берилган ваколатлардан фойдаланиб содир этилган бўлсагина, жиноят мансабдор шахс томонидан содир этилган деб ҳисобланади. Ўз мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш, тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш билан шуғулланувчи мансабдор шахс жиноят таркибига кўра ЖКнинг 156-моддаси ҳамда 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) бўйича ишнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқиб жавобгарликка тортилади.

Мансабдор шахснинг фуқароларнинг миллати, ирқи ёки диний мансубликларига караб фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки имтиёзларини белгилаш ҳаракати субъект сифатида хизмат қилса, унинг ҳаракатларини ишнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқиб, ЖКнинг 156-моддаси 2-қисми билан ҳамда 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) бўйича квалификация қилиш керак.

17. ЖКнинг 156-моддаси 3-қисми «д» банди бўйича жиноятни квалификация қилиш учун миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни кўзғатиш ҳолатларини содир этишда бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари биргаликда содир этилганлиги ҳамда бир мақсадга йўналтирилганлигини аниқлаш зарур.



IX бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

157-мoддa. Дaвлaтгa хoинлик қилиш

Дaвлaтгa хoинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Рeспубликaсининг фуқарoси тoмoнидaн жoсуслик, чет эл дaвлaтигa, чет эл тaшкилoтигa ёки уларнинг вaкиллaригa дaвлaт сирларини eткaзиш ёхуд Ўзбекистон Рeспубликaсигa қарши душмaнлик фaолияти oлиб бoришдa бoшқaчa ёрдам кўрсaтиш йўли билaн Ўзбекистон Рeспубликaсининг суверeнитeтигa, худудий дaхлсизлигигa, хaвфсизлигигa, мудофaа сaлoҳиятигa, иқтисoдиётигa зaрaр eткaзишгa қaрaтилгaн қасддaн сoдир eтилгaн қилмиш –

ун йилдaн йигирмa йилгaчa oзoдликдaн мaхрoм қилиш билaн жaзoлaнaди.

Чет эл дaвлaт ёки тaшкилoти тoмoнидaн Ўзбекистон Рeспубликaсигa қарши қaрaтилгaн дaвлaтгa зaрaр eткaзувчи фaолиятни aмaлгa oширишдa хaмкoрлик қилиш учун жалб қилингaн Ўзбекистон Рeспубликaсининг фуқарoси ўзининг бундaй хaмкoрлиги тўғрисида ҳoкимият oрганларигa ихтиёрий рaвишдa aрз қилсa, унинг фaолияти эсa рeспубликa мaнфaaтларигa зaрaр eткaзмaгaн бўлсa, жaвoбгaрликдaн oзoд қилинaди.

Бaшaрти, Ўзбекистон Рeспубликaсининг фуқарoси, ўз қилмиши тўғрисида ҳoкимият oрганларигa ихтиёрий рaвишдa хaбaр қилиб, жиноятни oчишгa фaол ёрдам бeргaн вa бунинг нaтижaсидa дaвлaт учун кeлиб чиқиши мумкин бўлгaн oғир oқибaтларнинг oлди oлингaн бўлсa, жaзoдaн oзoд қилинaди.

Ш A Р Х

1. Дaвлaтгa хoинлик қилиш ўтa oғир жиноятлардaн биридир. Мaзмунaн бу ҳaрaкaт ўз хaлкигa нисбaтaн сoтқинлик қилишдир.

ЖКнинг 157-мoддaси диспoзицияси мaзмунидaн кeлиб чиққaнидeк, шaрҳлaнaётгaн жиноят **кўп oбъeктлидир**. Тa-

жовуз қилиниши давлатга хоинлик деб эътироф этилувчи объектлар қонунда аниқ санаб ўтилади, жумладан, буларга: Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, мудофаа қобиляти, хавфсизлиги ва иқтисодиёти киради.

Суверенитет деганда, давлатнинг ўз ҳудудидаги устуворлиги ва унинг ташки сиёсий фаолият олиб боришдаги мустақиллиги тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети унинг бутун ҳудудига нисбатан амал қилади.

Ҳудудий дахлсизлик деганда, Ўзбекистон Республикасининг яхлитлиги ва бўлинмаслиги ҳамда чегараларининг бузилмаслиги тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларигача бўлган қуруқлик, сув, ер қаъри ва ҳаво бўшлиқларининг барчаси унинг ҳудуди ҳисобланади.

Давлатнинг **хавфсизлиги** унинг манфаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишида намоён бўлади. Ўз навбатида, давлат манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг бирлигидан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тенглик, қонунчиликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлаш, тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли халқаро муносабатлардан ташкил топади.

Мудофаа салоҳияти ўзида иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, ҳуқуқий ва давлатнинг ташқарисидан бўладиган тажовузни бартараф этиш бўйича бошқа имкониятлари тизими, яъни ҳарбий қудратини ифодалайди.

Иқтисодиёт – мамлакат халқ хўжалиги ёки унинг бир қисми бўлиб, у инсонлар томонидан ҳаётни таъминлаш, эҳтиёжларни қондириш мақсадида меҳнатни қўллаган ҳолда инсон учун зарур бойлик, шарт-шароит ва воситаларни яратишда қўлланадиган восита, объект ва жараёнлар мажмуидир¹. Иқтисодиёт ўз ичига моддий (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо ва ҳоказо) ва номоддий (маърифат, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳоказо) ишлаб чиқариш соҳаларини камраб олади.

¹ Қаранг: Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М. 1997. С. 393.

2. Шархланаётган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қилмиш содир этишда ифодаланади.

Давлатга хоинлик қилиш ҳаракатларининг мазкур рўйхати қатъий бўлиб, уни кенг шархлашга йўл қўйилмайди.

3. **Жосуслик** деганда, чет давлатга, чет эл ташкилотлари ёки уларнинг вакилларига етказиш мақсадида давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни йиғиш, ўғрилаш ва хабардор қилиш ҳаракатлари тушунилади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, давлатга хоинлик қилиш кўринишидаги жосуслик қилиш жинояти учун фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жавобгарликка тортиладилар. Агар жосуслик ҳаракати чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилса, айбдор шахснинг жиноятини ЖКнинг 160-моддаси (Жосуслик) бўйича квалификация қилиш лозим. Жосусликнинг тўлиқроқ таҳлили ЖКнинг 160-моддасини кўриб чиқишда берилади.

Чет эл давлати деганда, ҳар қандай (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) халқаро бирлашма томонидан тегишли бошқарув тури (республика, монархия)га эга бўлган БМТ га аъзолигидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, аниқ жамиятли сиёсий ташкилот тушунилади. Мазкур ҳолатда, давлат хоини хорижий давлатнинг ўзига ёки унинг органларидан бирида (одатда бу махсус хизмат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) хизмат қилиши мумкин.

Чет эл ташкилоти (Ўзбекистон фуқароларидан ташқари) биргаликда маълум мақсад ёки дастурни амалга оширишга ва маълум қоидалар асосида ҳаракат қилувчи ҳар қандай одамлар бирлашмасидир. Унинг турли кўринишлари

сифатида халқаро ташкилот, яъни давлатлараро. бошқарувлараро ташкилотлар хизмат қилади.

Чет эл давлати ёки чет эл ташкилотининг вакили – бу ушбу давлат (ташкилот) топшириғига (буйруғига) биноан, унинг номидан ва унинг манфаатлари йўлида қарор қабул қилувчи ва (ёки) ҳаракатлар содир этувчи шахсдир. Бу шахс хорижий махсус хизматнинг разведкачиси, хорижий ташкилотнинг эмиссари бўлиши мумкин.

4. Чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш кўринишидаги давлатга хоинлик қилиш жинояти Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан қасддан давлат сирларини ўзида ақс эттирувчи маълумотлар (буюмлар)ни етказиш ёки маълум қилишдан ташкил топади.

Давлат сирлари деганда, давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар тушунилади. Давлат сирлари давлат, ҳарбий ва хизмат сирларига бўлинади¹.

Давлат сирини ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза қилиниши, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлардир.

Ҳарбий сир ошкор этилиши Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза қилиниши, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлардир.

Хизмат сирини ошкор этилиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлардир².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, 1. 3-моддалари // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 232-модда.

² Ўша манба, 3-модда.



5. Давлат сирларини етказиш турли усуллар орқали: оғзаки, ёзма тарзда (хат, схема, шифрланган ёзув ва ҳоказоларни утказиш) хабар қилиш, давлат сирларини ифода этувчи ҳужжатларни топшириш, тегишли ахборотни телефон, Интернет орқали хабар қилиш, махфий ашёларни топшириш ва ҳоказо тарзида амалга оширилиши мумкин. Давлат сирлари ихтиёрий равишда ҳам, зўрлик ишлатилиши натижасида ҳам, яъни таҳдид, зуравонлик, тамагирлик таъсири остида етказилиши мумкин. Давлат сирларини етказиш усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Давлат сирларини етказиш жосуслик кўринишида содир этилган давлатга хоинлик қилишдан фарқланади. Биринчи ҳолатда шахс давлат сирларига ўз фаолияти муносабати билан эга ёки маълумотларни бошқа бир йўл билан билади, жосуслик ҳолатида эса, шахс хорижий давлатга етказиш учун давлат сирларини йиғади ёки уғирлайди.

6. Жосуслик кўринишидаги давлатга хиёнат қилиш ҳамда давлат сирларини етказиш давлат сирларидан ташкил топган маълумотлар кўзланган ва қонунда кўрсатилган эгасига етказилган ва унинг мулкига айланган дамдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

7. Давлатга хоинлик қилишнинг сўнгги кўриниши **чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатишдир.** Булар ҳар қандай кўринишдаги ҳаракатлар бўлиши мумкин, фақат юқорида кўрсатилган жосуслик қилиш ва давлат сирларини ошкор этиш фаолиятлари чет эл давлатга ёрдам кўрсатиш ҳолати бўлса-да, шунга қарамай жиноятнинг алоҳида кўриниши сифатида шакллангани сабабли бундан мустаснодир.

Бу ҳолат айнан, масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан хорижий агентларнинг учрашувлари учун жой тақдим этиш, хорижий агент учун зарур мутахассисларни топиш ва ёллаш, хорижий махсус хизмат агентига яшаш жойини тақдим этиш, уни ҳужжатлар билан, озиқ-овқат махсулотлари, транспорт воситалари билан таъминлаш,

махсус ташкилотларга, органлар ва хизматларга хорижий давлатлар манфаатларига хизмат қилувчи ва Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини олиб боровчи хорижий ташкилотлар ёки уларнинг вакилларига, хорижий агентларга, қуролли гуруҳларга, сепаратист ҳаракатларга турли кўринишдаги иштирокчиликни амалга ошириш мақсадида ишга жойлаш, уруш пайтида душман томонга ўтиш, фронт чизигидан ўтишда ҳамда душман билан унинг босиб олган ҳудудда ҳамкорлик қилишга розилик беришида ва бошқаларда намоён бўлади.

8. Бундай кўринишдаги ёрдамни амалга ошириш ҳолати ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудда, ҳам ундан ташқарида содир этилиши мумкин. Таъкидлаш керакки, давлатга хиёнат қилишнинг кўрилатган тури, асосан, икки актдан ташкил топади: айбдор ва хорижий давлат, хорижий ташкилот ёки уларнинг вакиллари ўртасида алоқа ўрнатиш ва уларнинг буйруғи бўйича аниқ ҳаракатларни амалга ошириш.

Шу билан бирга, агар айбдор хорижий давлат, хорижий ташкилот ёки уларнинг вакиллари буйруғига биноан, бирор-бир жиноятни конституциявий тузум ва давлат хавфсизлигига (давлатга хоинлик қилишдан ташқари) қарши содир этса, унинг ҳаракатларини жиноятнинг хусусиятига кўра квалификация қилиш лозим. Масалан, агар айбдор томонидан кўпоровчилик ҳаракати содир этилган бўлса, у ҳолда айбдор ЖКнинг 157-моддаси ва 161-моддаси (Кўпоровчилик) бўйича жавобгарликка тортилади.

9. Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини олиб боришда хорижий давлатга ёрдам бериш кўринишидаги давлатга хоинлик қилиш ёрдам беришга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатни содир этиш вақтидан бошлаб **туғалланган** жиноят ҳисобланади. Шахснинг адресат билан алоқа ўрнатиш учун, ёрдам бериш режасини ишлаб чиқиш учун шароит яратиш ҳаракати ва ҳоказони амалга ошириши хорижий давлат, хорижий ташкилотлар ёки уларнинг вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини амалга оширишга ёрдам бериш йўли орқали давлатга хоинлик қилишга тайёрланишни ташкил

қилади. Хорижий давлат билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишнинг барбод бўлиши сунқасд деб топилади.

10. Шарҳланаётган модда доирасида **душманлик фаолияти** сифатида Ўзбекистоннинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, муҳофаа қобилияти, иқтисодиётига бевосита ёки билвосита зарар етказиш мақсадида амалга оширилган фаолиятни тушуниш зарур. Хорижий давлат томонидан душманлик ҳаракатини амалга ошириш – уруш ёки қуроли (ҳарбий) можароларнинг мавжуд бўлиши, «кучли босим» душманлик сиёсатини олиб бориш, Ўзбекистон манфаатларига зид келувчи иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий фаолият, жумладан, сиёсий ва иқтисодий санкцияларни, эмбарголарни киритиш, урушни ёки ҳарбий ҳаракатларни режалаштириш ёки тайёрлаш, дипломатик муносабатларни тўхтатиш ёки узиш демакдир.

11. **Субъектив томондан** давлатга хоинлик қилиш тўғри қасд билан содир этилади. Шахс унинг қилмиши давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, муҳофаа салоҳияти, иқтисодиётига зиён етказётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Давлатга хоинлик қилишнинг мотиви ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин (ғараз нияти, сепаратистик дунёқараш ва ҳоказо). Буларнинг мазмуни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин улар жазо тайинлаш жараёнида инobatга олиниши керак.

12. ЖКнинг 157-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** фақат 16 ёшга тўлган акли расо Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлади.

Давлат сирларини етказиш қуринишида содир этилган давлатга хоинлик қилиш жинояти субъекти фақатгина бу сирлар хизмат юзасидан унга топширилган ёки хизмат юзасидан маълум бўлиб қолган ёки бошқа йўл билан унинг мулкига айланган шахс бўлиши мумкин. Давлат сирларини йириш ёки ўғирлаш ҳолатлари бундан мустаснодир.

Агар шахс давлат сирларига «тасодифан» эга бўлса (масалан, давлат сирларини ташкил этувчи буюмлар топилмасининг эгаси бўлса) ва уларнинг сирлигини билиб

туриб, шунда ҳам хорижий давлатга етказса, бу ҳаракат ҳам ЖКнинг 157-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка лойиқдир.

13. ЖКнинг **157-моддаси 2-қисми**да давлатга хоинлик қилишга жалб қилинган шахс учун рағбатлантирувчи норма бўлган сўнгги имкон, яъни давлат манфаатларига етадиган зарарнинг ҳамда жиноий жавобгарликка тортилишнинг олдини олишнинг имкони мавжуд. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига мувофиқ айбдорни жавобгарликдан озод этиш учун куйидаги иккита шартнинг мавжудлиги зарур:

– чет эл давлати ёки ташкилоти билан ўзининг ҳамкорлиги туғрисида ҳокимият органларига хабар бериши ихтиёрий бўлиши шарт;

– шахснинг чет эл давлати ёки ташкилоти билан ҳамкорлигидан Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етмаган бўлиши керак.

Ихтиёрий хабар қилиш деганда, айбдорнинг чет эл давлати ёки чет эл ташкилоти билан ҳамкорлиги ҳақида ихтиёрий равишда ҳокимият органларига арз қилиши ҳаракати тегишли органларга унинг алоқаси маълум бўлишидан аввал рўй бериши тушунилади. Бундан ташқари, бундай арз айбдор томонидан бирор кишининг таъсирсиз ўз хоҳиши билан амалга оширилиши керак.

Кейинги мажбурий шартга риоя қилиш учун айбдор содир этилган жиноят ҳақида ҳокимият органларига арз қилиши **ўз вақтида** бўлиши керак, яъни ҳокимият органларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига етадиган зарар оқибатларининг олдини олиш учун етарли вақти бўлиши зарур. Объектив жиҳатдан бундай арз айбдорнинг етадиган зарарнинг олдини олишга онгли равишда ҳаракат қилишини билдиради.

Ҳокимият органлари деганда, берилган ҳолатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятларидан бирини тушуниш лозим. Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлатга хоинлик қилишни аниқлайдиган ва олдини оладиган асосий давлат органи Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматидир.

14. ЖКнинг **157-моддаси 3-қисми**да бошқа **рағбатлантирувчи норма** мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ

башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, уз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда ҳабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Мазкур қонданинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга қўра чет эл давлати ёки чет эл ташкилоти билан ҳамкорлик қилган айбдор шахсга ЖКнинг 157-моддаси 3-қисмида назарда тутилган шартларга риоя қилганда суд томонидан жазо тайинланади, лекин у жазони ўташдан озод қилинади.

Жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги махсус хизматга махфий кўмак бериши ҳақида розилик бериш, жиноятларни очиш ва йўлини тўсиш, хорижий махсус хизмат органларидан олинган вазифаларни бошқалар бажаришининг олдини олиш, хорижий разведка вакиллари фойдаланадиган вақтинчалик ёки доимий яшаш жойларини, жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва бошқаларда ёрдам беришда ифодаланади.

Ушбу рағбатлантирувчи норманинг зарурий шarti оқибат, яъни давлат учун оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳисобланади. Шархланаётган моддада олди олиниши зарур бўлган оғир оқибатлар сифатида, хусусан, экологик фалокат, коммуникация тизимларининг бузилиши, қуролли тўқнашувнинг келиб чиқиши. одамларнинг оммавий қирилиши ва бошқаларни эътироф этиш мумкин.

158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасддан шикаст етказиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, шунингдек матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

1. Мазкур жиноят ЖКнинг «Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар» бобидан бежиз жой олмаган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини мудофаа этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради, Конституцияда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади. Конституциянинг 91-моддасида белгиланганидек, «Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади».

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ва иктисодиёти асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаёти, хавфсизлиги, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

3. ЖКнинг **158-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган жиноят **объектив томондан** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилишда ифодаланади.

Ҳаётга тажовуз қилиш деганда, жабрланувчининг ҳаётига қасд қилинишини англатадиган, яъни айбдор

томонидан жабрланувчини ҳаётидан маҳрум қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати тушунилиши лозим.

4. Президентнинг ҳаётига тажовуз қилиш, юзага келган оқибатлардан қатъи назар, **тугалланган** жиноят ҳисобланади. Президентнинг ҳаёти тухтатиладими ёки йўқми жиноятнинг квалификацияси учун аҳамиятсиздир. Одам ўлдириш ва тажовуз қилиш онгли равишда амалга оширилса, айбдор ЖКнинг 158-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлими ҳамда унинг ҳаётига тажовуз қилишнинг ўзи ҳам қўрилаётган жиноят таркиби белгиларини ташкил қилади ва ЖКнинг 97-моддаси бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди.

5. ЖКнинг **158-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига шикаст етказишда намоён бўлади.

Айбдорнинг ҳаракатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентига қандай турдаги тан жароҳати етказилганидан қатъи назар, (Оғир, ўртача оғир ёки енгил), ЖКнинг 158-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиш керак. (*Оғир тан жароҳатлари, ўртача оғир тан жароҳатлари, енгил тан жароҳатлари тушунчалари ҳақида ЖКнинг 104, 105 ҳамда 109-моддалари шарҳига қаранг*).

ЖКнинг 158-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қилмиш Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига ҳар қандай турдаги шикаст етказилган пайтдан эътиборан **тугалланган** жиноят деб топилади. Башарти, айбдор баданга жароҳат етказишга қасд қилган бўлса-ю, айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга қўра, Президентнинг соғлиғига зарар етмаган бўлса, айбдор ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми ва 158-моддаси 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига шикаст етказишга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

6. ЖКнинг **158-моддаси 3-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилишдан, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан ёки

Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилишдан иборатдир.

Омма олдида ҳақоратлаш деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шаъни ва кадр-қимматини аҳоли орасида, масалан, митингларда, йиғилишларда, маърузаларда, конференцияларда, семинарларда ва бошқа аҳоли тўпланадиган жамоат жойларида, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан ҳақорат қилиш ёки унга тухмат қилиш ва бошқалар тушунилади. Бу ҳолатда ҳақорат Президент номига ахлоқсиз сукишлар кўринишида, номақбул сўзларни ёзиш ёки уларни барчага айтиш кўринишида намоён бўлади.

Тухмат деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳақорат қилувчи, аслида ҳақиқатда ёлғон бўлган ёки айбдор томонидан била туриб бўхтон шаклига айлантирилган маълумотларни тарқатиш тушунилади.

Шарҳланаётган модда мазмунида **матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалардан**, телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан **фойдаланиш** деганда, Президентни таҳқирловчи ёки ёлғон маълумотларни китобларда, журналларда, рўзномалар ёки варақалар ва бошқаларда чоп эттириш ёки радио, телевидение, видеокассеталар, телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан орқали маълум қилиш ва ҳ.к. ҳолатлар тушунилади (*Телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи тушунчалари тўғрисида ЖК 130-моддаси шарҳига қаранг*).

Ўзбекистон Республикаси Президентини оммавий ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш жинояти айбдор томонидан ҳақорат ёки тухматни англатувчи ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб **тамомланган** ҳисобланади.

7. ЖКнинг 158-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш айбнинг тўғри қасд шакли билан содир этилганлигида намоён бўлади. Айбдор Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентига тажовуз қилишнинг ижтимоий хавфини англайди ва уни содир этишни истайди. Айбдорнинг шарҳланаётган жиноятни содир этишида қандай мотив ва мақсаддан келиб чиққанлиги квалификацияда аҳамиятга эга бўлмайди, лекин жазо тайинлашда инобатга олинishi лозим.

8. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз кўрсатилган ёшга, яъни 16 ёшга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у шахсга қарши тегишли жиноят (одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш ва шу кабилар) бўйича жавобгарлик қўлланилади.

159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, саклаш ёки тарқатиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш туғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш —

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, қўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга ҳилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади», дейилган.

Конституциянинг 3-моддасида: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», дейилади.



2. Жиноятнинг **асосий бевосита объекти** Конституция томонидан ўрнатилган Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари – республиканинг конституциявий тузуми асослари, давлат ҳокимияти тузилиши ва фаолиятининг тартиби ҳисобланади. Асосий бевосита зарар бу ерда халқ манфаатларига ҳамда давлатда ҳокимиятни ифодаловчи жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий манфаатларига етказилади. **Қўшимча бевосита объект** бўлиб, жабранувчиларнинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиғи, шаъни ва кадр-қимматини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хизмат қилади.

3. ЖКнинг **159-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони**:

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қилиш;

– бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш.

4. **Даъват қилиш** деганда, кишилар онги, иродаси ва ҳулқ-атворига таъсир қилишнинг мақсадга йўналтирилган шакли тушунилиб, бунда уларга муайян турдаги фаолият билан шуғулланишга иштиёқ уйғотилади. Бунда, даъват қилиш умумий характерда бўлади, яъни бирор-бир муайян шахсга қаратилган бўлмайди ва уларда жиноятни содир қилишнинг аниқ вақти, жойи ва усули кўрсатилмайди. Улар аниқ жиноятга иғво билан далолат этишдан шу билан фарқ қилади.

Шарҳланаётган модда бўйича шахсни жавобгарликка тортиш учун унинг даъватлари **очикдан-очик** бўлиши лозим, яъни очикчасига, тушуниш осон бўлган кўринишда ҳамда коида бўйича кўпчилик одамлар томонидан қабул қилинишига имкон яратадиган шароитда тарқатилиши лозим.

Очикдан-очик даъватлар ноаниқ сондаги одамлар олдида («омма») оғзаки, ёзма (варақалар ёрдамида) ёки кўргазмали-

намойишкорона тарзда (плакатлар, шиорлар ёрдамида ва бошқалар) чиқиш қилишдан ташкил топади. Шу билан бирга бу даъватлар зўравонлик усулларига ундашни ва амалга оширишни (амалдаги давлат тизимини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартириш, ҳокимиятни қўлга олиш ва шу кабилар) ташкил қилиши лозим. Ҳаракатларнинг зўравонлик усуллари даъватларнинг таркибида аниқ намоён бўлиши керак, хатто тўғридан-тўғри жиноятга ундаши мумкин.

5. Амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга очиқдан-очиқ даъват қилиш Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ўзгартириш йўли билан давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилишга ундашлардан иборат бўлиши керак.

6. Ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга очиқдан-очиқ даъват қилиш шахснинг унга тегишли бўлмаган ҳокимиятга Конституцияга хилоф тарзда қилишини ёки ҳокимиятнинг қонуний вакилини унинг иродасига қарши, унинг бажараётган вазифаларидан четлатиш ва бу вазифаларни Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ўзгартирмаган ҳолда ўзбошимча бошқа шахс ёки гуруҳларга юклаш билан намоён бўлади.

Давлат ҳокимияти органи вакили бўлган, ўз ваколатлари доирасида муайян вазифани мунтазам ёки вақтинча бажараётган, фуқаролар ёки мансабдор шахсларнинг қўлчилиги учун мажбурий ҳаракатлар қилиш ёки фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳокимият вакиллари ҳисобланади. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар депутатлари, судьялар, прокуратура ходимлари, ДХХ ва ИИБ органлари ходимлари ва бошқалар киради.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ

даъват қилиш Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини ноқонуний зўрлик ишлатиб яхлитлигини бузишни, унинг бирор-бир вилоятини ёки Қорақалпоғистон Республикасини ажратишга ундаш ҳолатларида намоён бўлади.

8. Конституцияга қарши материалларни **тайёрлаш** деганда, амалдаги давлат тузумини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд давлатнинг ҳудудий яхлитлигини Конституцияга ҳилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш мазмунидаги материалларни тайёрлаш тушунилади.

9. Конституцияга қарши материалларни **сақлаш** деганда, тарқатиш мақсадида айбдорда ҳақиқатда уларнинг мавжуд бўлиши (ўзи билан бирга, бирор-бир хонада, ертўлада ва бошқа жойларда) учун содир этилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

10. Конституцияга қарши мазмундаги материалларни **тарқатиш** деганда, уларни ёпиштириш, Интернет тармоғига жойлаштириш, варақаларни, газеталарни, журналларни ёки фуқароларни амалдаги давлат тузумини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга чақирувчи адабиётларни ёхуд материалларни тарқатиш тушунилади.

11. ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиной ҳаракатлар содир этилган вақтидан бошлаб унинг натижасида бирор-бир оқибатнинг келиб чиқишидан катъи назар, яъни амалдаги давлат тузумини Конституцияга ҳилоф тарзда ўзгартиришга даъватларни оммага етказиш ва шу қабилар, Конституцияга қарши материалларнинг ҳеч бўлмаганда бир нусхасини тайёрлаш ёки шундай материални сақлаш ва айбдорда кейинчалик уларни тарқатиш мақсадини аниқлаш ёки шундай материални ҳеч бўлмаса бир нусхасини амалда тарқатиш вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

12. ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзи томонидан амалга оширилаётган Конституцияга қарши даъват қилишларнинг хавфини ҳамда

Конституцияга қарши мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш бўйича ҳаракатларнинг ижтимоий хавфини билади ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Қоида бўйича, айбдор жиноятни содир этишда амалдаги конституциявий тузумни ўзгартириш мақсадини кузлайди.

Таъкидлаш керакки, айбдорни Конституцияга қарши мазмундаги материалларни тайёрлагани ёки сақлаганлиги сабабли жавобгарликка тортиш учун айбдорда бу нарсаларни кейинчалик тарқатиш мақсади борлигини аниқлаш зарур. Айбдорда бундай мақсаднинг мавжудлигидан, ўз навбатида, тайёрланаётган ёки сақланаётган материалнинг миқдори далолат беради.

Жиноятнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин: амалдаги конституциявий тузумга, қонуний сайланган давлат арбобларига нисбатан нафрат, ичиқоралик ва шу қабилар, бироқ булар жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

13. ЖКнинг **159-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони**:

– ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатларини содир этишдан;

– давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш туғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармасликдан иборат.

14. **Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилишга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари** парламентни тарқатишни талаб қилиш, конституциявий ҳокимият органлари вакили бўлмиш шахсларни озодликдан маҳрум этиш, тан жароҳатлари етказиш, муайян давлат органини ташкил этишни талаб қилиш ва шу қабиларда намоён бўлади.

Шуни инобатга олиш керакки, юқорида кўрсатилган шахсларга тан жароҳатлари етказиш, ҳатто, оғир жароҳат етказиш ҳам ЖКнинг 159-моддаси 2-қисми бўйича қамраб

олинади ҳамда ЖКнинг Махсус қисмида соғлиққа қарши жиноятларга жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддалари бўйича қўшимча квалификацияни талаб қилмайди. **Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш** ҳокимият конституциявий органларининг фаолиятини қонуний амалга оширишини қийинлаштириш ёки унга тўсқинлик қилиш йўли билан тўхтатишга уринишдан иборат.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, **ҳокимиятни ушлаб туришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари**, яъни айбдор ушлаб турган лавозимга илгари қонуний сайланган, тайинланган шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини бажаришнинг ғайриконституциявий равишда, зўравонлик йўли билан давом эттирилиши ва айни вақтда мазкур ваколатларни янги, қонуний сайланган (тайинланган) шахслар амалга оширишларига йўл қўймаслик ҳам қонуний фаолиятга тўсқинлик қилишга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари сифатида квалификация қилиниши лозим.

15. **Ҳокимият конституциявий органларини Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари** Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилмаган янги ҳар қандай ҳокимият органларини ташкил қилиш ва давлат масалаларини шу ноқонуний ташкил қилинган ҳокимият тузилмалари ёрдамида ҳал қилишга ҳаракат қилиш демакдир.

16. **Давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш** тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик ноқонуний ташкил этилган тузилмалар йўлбошчилари томонидан шу ноқонуний ташкил этилган тузилмани тарқатиш ва фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги суд қарорини ижро этмасликдан иборат.

17. ЖКнинг 159-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноий ҳаракатлар айбдорнинг жиноий натижага эришган ёки эришмаганлигидан қатъи назар, содир этилган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

18. ЖКнинг 159-моддаси 2-қисмида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилишнинг **субъектив томони** айбнинг англанган ҳолда тўғри касддан содир этилганлиги билан тавсифланади. Айбдор ўзи содир этаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди. Содир этилган ҳаракатнинг мотив ва мақсади турлича бўлиши мумкин ва у квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

19. ЖКнинг **159-моддаси 3-қисмида** ЖКнинг 159-моддаси 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган қилмишлар такроран ёки хавfli рецидивист томонидан, шунингдек уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Жиноятни такроран ёки хавfli рецидивист томонидан, шунингдек уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).*

20. ЖКнинг **159-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштиришдан иборат.

Шарҳланаётган модда маъносида **фитна уюштириш** Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ёки ҳокимиятни босиб олишга қаратилган жиноий ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз кучларини бирлаштирувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноий келишувидир.

Ҳокимиятни босиб олиш деганда, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, гуруҳлар ёки бошқа кучларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятни конституциявий тузумни ўзгартирмасдан файриконституциявий йўл билан эгаллашга уриниши тушунилиши лозим.

Конституциявий тузумни ағдариб ташлаш деганда, давлат ҳокимияти тузилмасини қонунга хилоф равишда ўзгартiriш ёки бузиш ва давлат ҳокимияти тузилмасини жорий этиш, «янги» конституцияни зўравонлик йўли билан амалга киритиш тушунилади.

21. Фитна Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ёки ҳокимиятни босиб олиш мақсадида

жиной гуруҳ ташкил этилган вақтдан бошлаб, жиной мақсадга эришишга йўналтирилган бирор-бир ҳаракатни содир этганидан қатъи назар, **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

22. ЖКнинг 159-моддаси 4-қисмида назарда тутилган **Жиноят субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Шахс Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариш ёки ҳокимиятни босиб олишга йўналтирилган жинойат фаолиятни амалга ошириш учун келишувга киришаётганини англайди, бу ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилигини тушунади ва уни содир этишни хоҳлайди. Шу билан бирга, айбдор махсус мақсад – конституциявий тузумни ағдариш ёки ҳокимиятни босиб олишни кўзлайди. Жиноятни содир этишнинг мотивлари квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

23. Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилиш **субъекти** 16 ёшга тулган. ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. ЖКнинг 159-моддасида назарда тутилган жиноятлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан хорижий давлат топшириғига биноан содир этилса, у жиноят хусусиятига кўра, ЖКнинг 159-моддаси ва 157-моддаси тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

24. **Шарҳланаётган модданинг 5-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади. Шундай қилиб, жазодан озод қилиш учун иккита шартнинг бажарилиши асос бўлади:

– фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берилиши;

– ҳокимият босиб олинишининг ёки конституциявий тузум ағдарилишининг олди олинishi.

Бу норма, мазмунига кўра, ЖКнинг 157-моддаси 3-қисмида мустаҳкамланган нормага ўхшашдир.



160-модда. Жосуслик

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет эл разведкаси билан ҳамкорлик қилишга жалб қилинган шахс, башарти, ўзига юклатилган топширикни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзининг жинойий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Ш А Р Ҳ

1. Жосусликнинг **бевосита объекти** Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиёти асосларидир.

Давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар ёки Ўзбекистон Республикаси ташқи хавфсизлигига зарар етказиш учун қўлланилиши мумкин бўлган давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотлардан ташқари бошқа маълумотлар ҳам жосусликнинг **предмети** ҳисобланади («давлат сирлари» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 157-моддаси таҳлилига қаранг).

Бошқа маълумотлар деганда, хорижий давлат разведкасини қизиқтирувчи, лекин давлат сирини ташкил қилмайдиган (масалан, йўлларнинг маълум участкалари ҳақида

маълумотлар, уларнинг чизмалари (фотосуратлари), аниқ бир шахсни тавсифловчи маълумотлар, маълум худуднинг тупроғи, сувидан намуналар ва шу каби маълумотлар) маълумотлар тушунилади.

2. **Объектив томондан** жосуслик давлат сирни ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш, худди шунингдек, етказиш мақсадида қўлга киритиш, йиғиш ёки сақлашда, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиш ёки йиғишда ифодаланади. (*Чет эл давлати, чет эл ташкилоти, агентура (ёки чет эл давлат ёки чет эл ташкилотларининг вакиллари) тушунчалари ҳақида ЖКнинг 157-моддаси шарҳига қаранг*).

Жосусликнинг иккинчи кўриниши **хорижий разведка** ҳисобланади, яъни давлат органлари (органлар тизими) ёки хорижий давлат махсус хизматининг кўринишлари – текширувчилик (жосуслик) фаолиятини амалга оширишга давлат ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларининг алоҳида бўлинмалари.

3. Шарҳланаётган модда маъносида **етказиш** деганда, давлат сирларини маълум қилиш ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни қонунда кўрсатилган хорижий воситачиларга етказилиши тушунилади. Бундай хабар (маълум қилиш) оғзаки, ёзма ёки кўргазмали – намойишкорона тарзда ва исталган усул билан (қўлдан-қўлга, воситачи орқали, ёзма маълумот, интернет орқали, видеокассета, телефон, радиоалоқа, почта алоқаси, яшириш жойи орқали) амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Етказишнинг усуллари ва кўринишлари жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Чет эл давлати, чет эл ташкилоти, агентураларга давлат сирларини ташкил қилувчи ёки хорижий давлат разведкаси топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасига қарши қўллаш учун бошқа маълумотларни етказиш кўринишидаги жосуслик тегишли маълумотларни эгасига етказиш вақтидан бошлаб **туғалланган** жиноят ҳисобланади.

4. Давлат сирларини **ўғрилаш** ўзида миллий қонунчилик билан ундан хабардор бўлиш чекланган маълумотларни тўплашнинг махсус, ўзига хос кўринишини ташкил қилади. Маълумотларни йиғишнинг бундай усули муассасалар, ташкилотлар, корхоналардан ёки маълумотларга эга бошқа шахслардан маълум ҳужжатларни (хисобот, режа, чизма, технологик харита ва бошқалар), буюмлар намуналари, махсус адабиётларнинг нусхалари ва бошқаларни ўғирлаб олишни ташкил қилади.

Давлат сирларини ўғирлаш яширин ёки очикчасига, зўрлик ишлатиб ёки ишлатмасдан содир этилиши мумкин. Давлат сирларини зўрлик ишлатган ҳолда ўғрилашда айбдор ҳаракатларини ишнинг шаронтидан келиб чиқиб ва қўлланилган зўравонликнинг тавсифига кўра жиноятнинг хусусияти бўйича квалификация қилиш лозим.

Давлат сирларини ўғрилаш кўринишидаги жосуслик, қонунда кўрсатилган эгасига етказиш мақсади билан содир этилган жосуслик жинояти айбдор ҳақиқатда давлат сирларига эга бўлган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

5. Давлат сирини ҳисобланган маълумотларни ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни **йиғиш** деганда, давлат сирлари бўлган маълумотларни талон-торож қилиш аломатларисиз кўлга киритиладиган ҳар қандай ҳаракатларни тушуниш мумкин. Йиғишнинг турли усуллари бўлиши мумкин: маълумотларни шахсан йиғиш (визуал кузатиш, суратга олиш, яширинча эшитиш, ҳужжатлардан нусха олиш ва шу кабилар); пулга сотиб олиш; техник алоқа воситаларига рухсатсиз уланиш ва ҳоказо. Давлат сирларини ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни йиғиш усуллари жосусликнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Давлат сирларини ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни йиғиш кўринишидаги жосуслик жинояти айбдор томонидан ҳақиқатдан йиғилганлиги ва кейинчалик уларни чет эл давлати, хорижий ташкилотлар ва уларнинг агентураларига

етказиш мақсади аниқланган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

6. Давлат сирларини ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни **сақлаш** – бу аниқ бир жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган бирор-бир маконда ёки ҳудудда ҳамда уларнинг сақланишини таъминловчи бошқа жойларда жойлашган маълумотларни ўзида сақлаган моддий буюмга (етказувчи) эгаллик қилишдир. Шу билан бирга, бу буюмни ўша жойга сақловчининг ўзи жойлаштирганлиги ёки унинг розилиги билан бошқа шахс томонидан олиб келинганлиги аҳамиятсиздир. Бирок, белгиланган буюмни сақлаш учун жой ёки ҳудудни тақдим этган шахс аввалдан, яъни улар етказилишидан олдин уларнинг давлат сирларини ташкил қилишини билса, бу шахс ҳам жосуслик учун жавобгарликка иштирокчилик белгиси бўйича тортилиши лозим.

Давлат сирларини ёки Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни сақлаш кўринишидаги жосуслик жинояти ушбу жиноятнинг предметини чет эл давлати, чет эл ташкилотлари ва уларнинг агентураларига етказиш мақсадида айбдор томонидан уларнинг ҳақиқатда сақланганлиги аниқланган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жосуслик тўғри қасд шакли билан ифодаланади. Шахс тегишли маълумотларни чет эл адресати учун етказаетганлиги, ўғирлаётганлиги, йираётганлиги ёки сақлаётганлигини англаб етади ва бу ҳаракатни содир қилишни истади. Қонун чиқарувчи томонидан кўриб чиқилаётган норманинг диспозициясида ишлатилган «етказиш мақсадида» атамаси давлат сирини ҳисобланган маълумотларни ўғирлаш, йиғиш ёки сақлаш кўринишидаги жосуслик субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айбдорда махсус мақсад мавжуд бўлишининг эътироф этилишидан далолат беради. Умуман олганда эса, жосусликда қилмишни содир этиш мотивлари ва мақсади турлича бўлиб (ватанпарварлик, ғаразғўйлик ва х.к.), улар жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди, лекин жазони тайинлашда инобатга олиниши лозим.

8. **Жосусликнинг субъекти** 16 ёшга тўлган, хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс.

9. Жосуслик жиноятида, шахснинг тегишли шартларга риоя қилганида, жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши ҳам қўлланилади. **Таҳлил қилинаётган модданинг 2 ва 3-қисмида** рабатлантирувчи нормалар назарда тутилган бўлиб, улар ўз мазмуни бўйича ЖКнинг 157-моддаси тегишли нормалари билан ўхшашдир.

161-модда. Кўпуровчилик

Кўпуровчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иктисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар –

ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Кўпуровчиликнинг **бевосита объектига** давлат органлари фаолиятининг, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва Ўзбекистон Республикасининг иктисодий хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар киритилади. Кўпгина ҳолларда кўпуровчилик содир этилганида одамлар ўлимига олиб келади, уларнинг соғлиғига оммавий зарар етказилади, заводлар, турли қурилмалар (ер ости йўллари, метрополитенлар, кўприклар, гидроэлектростанциялар, темир йўллари, сув таъминоти ва газ таъминоти тизимлари) вайрон этилади ёки йўқ қилинади. Шу муносабат билан кўпуровчиликнинг **предмети** кўпроқ корхоналар, қурилмалар, алоқа йўллари ва усуллари, алоқа воситалари ҳамда аҳолининг ҳаётий таъминот объектлари (шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг нормал ҳаётини таъминловчи коммунал

хизмат объектлари, сув таъминоти ва коммунал қувурлар марказлашган тизими, газ таъминоти объектлари ва бошқалар) ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** қўпоровчилик одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этишдан иборат.

Одамларни қириб юбориш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимини тушуниш лозим.

Одамларнинг соғлиғига зиён етказиш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатини етказишни тушуниш лозим.

Мулкка шикаст етказиш – бу иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш имконияти мавжуд бўлган моддий объектларни қисман ёки вақтинчалик яроқсиз ҳолга келтиришдир.

Мулкни нобуд қилиш – бу моддий объектларни шундай ҳолатга келтиришки, уларни қайта тиклаш имкони бўлмаслиги ёки қайта тиклаш иқтисодий жиҳатдан бефойда бўлган ҳолатидир.

Қўпоровчилик, қоида бўйича, ижтимоий хавfli усул билан – портлатиш, чўктириш, ёкиб юбориш, оммавий заҳарлаш, эпидемия касалликларини тарқатиш, эпизоотия (хайвонларга касаллик юктириш) ва бошқа усуллар билан содир этилади. Қўпоровчиликни содир этиш усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

3. Қўпоровчилик одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига шикаст етказиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб, давлат органлари фаолиятининг ёки ижтимоий-сиёсий шароитнинг барқарорлиги бузилганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига путур етишидан қатъи назар, **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади. Одамлар ўлими, уларнинг соғлиғига зарар етиши мол-мулкларини вайрон қилиш ёки йўқ қилиш ҳаракатлари кўринишидаги оқибатлар ҳам худди шундай, қўпоровчиликни **туғалланган** жиноят деб топиш учун аҳамият қасб этмайди, лекин бу оқибатлар жазо белгилашда суд томонидан инобатга олиниши мумкин.

4. Қўпоровчилик **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Шахс одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаб етади ва уларни содир қилишни истайди.

ЖКнинг 161-моддаси диспозициясида Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиғига ёки иқтисодиётига путур етказишдан иборат бўлган махсус мақсад кўрсатиб ўтилган. Агар айбдор шахс одамларни қириб юборганида, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказганида ёки уни нобуд қилаётганида ўз олдига Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиғига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадини қўймаган бўлса, у шахсга ёки мулкка қарши тегишли жиноят учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Қўпоровчиликнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (қасос, амалдаги конституциявий тузумга нафрат, ғараз ва бошқалар), лекин содир этилган ҳаракатнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

5. Қўпоровчилик **субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Чет эл разведкаси ёллаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси қўпоровчиликни содир этганда, унинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи: давлатга хонлик қилиш ва қўпоровчилик билан, яъни ЖКнинг 157 ва 161-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш

Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган

шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шархланаётган жиноятнинг **объекти** бу Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳиятини ва хавфсизлигини, унинг ҳудудий бутунлигини, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминловчи ижтимоий маносабатлардир.

Шархланаётган жиноятнинг **предмети** давлат сирлари, яъни давлат, ҳарбий ёки хизмат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар ҳисобланади. (*Давлат сир, ҳарбий сир ёки хизмат сир тушунчалари ҳақида ЖКнинг 157-моддаси шарҳига қаранг*).

2. ЖКнинг 162-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** давлатга хоинлик аломатлари бўлмаган ҳолда давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага беришдан иборат.

Давлат сирларини ошкор қилиш деганда, шахсга унинг хизмати ва касбий фаолиятига кўра ишониб топширилган ва маълум бўлган давлат сиридан иборат маълумотларни ҳуқуққа хилоф равишда ошкор этиш, бунинг оқибатида ушбу маълумотларнинг бошқалар мулкига айланиб қолишини тушуниш лозим.

Ошкор этиш ҳар қандай усулда содир этилиши мумкин: давлат сирларига, унинг таркибига ваколатли бўлмаган шахсларга оғзаки ёки ёзма маълумот бериш. Бегона шахслар рўйхати ҳам турлича бўлиши мумкин, булар: қариндошлар, дўстлар ёки давлат сирларига эга бўла олмайдиган бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Давлат сирларини ошкор этиш **фаол ҳаракатлар** йўли билан содир этилиши мумкин (масалан, махфий ҳужжатни намойиш қилиш, қуролланиш намуналарини, уларнинг тактик-техник маълумотларини бегона шахслар олдида намойиш қилиш, давлат сирларини маърузаларда, телевидение ёки радио орқали чиқишларда маълум қилиш ва бошқалар). Давлат сирини ошкор этиш **ҳаракатсизлик** шаклида – давлат сирларини сақлаш қоидаларини бузиш, уларнинг сақланиши учун чора кўрмасликда содир этилиши мумкин. Масалан, мансабдор шахс ўз ишхонасидан чиқа туриб, стол устида давлат сиридан иборат ҳужжатларни қолдириши оқибатида бу маълумотларни билишга рухсати бўлмаган кишига маълум бўлиши мумкин ёки у бегона кишилар қўлига тушиши мумкин бўлган давлат сирини мавжуд бўлган нусха олиш қўғозидаги матнни йўқ қилиш учун зарур чораларни кўрмаслиги мумкин.

Шарҳланаётган жиноятнинг таркиби учун давлат сирлари бегона шахсларнинг нечтасига маълум бўлгани аҳамиятсиздир. Бирок, жазо белгиланаётганда бу нарса суд томонидан инobatга олиними лозим. Давлат сирлари билан бунга ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг кўпчилигининг танишиши Ўзбекистон Республикаси манфаатлари учун юқори даражада хавф туғдириши мумкин.

Давлат сирларини ўзгага бериш тушунчаси шарҳланаётган модда мазмунида, бизнинг фикримизча, давлат сирларини ошкор қилиш тушунчасига ўхшаш бўлиб, махфий маълумотни олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бегона шахсга ҳар қандай усулда маълум қилишдан иборатдир.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, давлат сирларини ошкор қилишни уларни ўзгага беришдан фарқлаш имконини берадиган белги махфий маълумотлар номуайян шахсларга эмас, балки аниқ белгиланган шахсларга берилганидир.

3. Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш мазкур сирларнинг бошқаларга ошкор этилиши билан **тамомланган** деб топилади. Давлат сирларини ошкор этиш таҳдиди вужудга келганида ушбу жиноятнинг таркиби йўққа чиқади. Масалан, шахс давлат сирлари билан ишлаш қоидаларини бузган ҳолда иш тугагандан сўнг махфий ҳужжатларни сейфга солмасдан,

иш столининг устида колдиради ва фаррош ҳам хонани тозалаётганида буларга эътибор бермайди. Бундай ҳолларда давлат сирлари билан ишлаш тартиб-қоидаларини бузишда айбдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

4. ЖКнинг 162-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъектив томони** қасд билан тавсифланиб, қасд тўғри ҳам, эгри ҳам бўлиши мумкин. Тўғри қасдда шахс давлат сирларини ошкор қилиш билан боғлиқ ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини, шунингдек ошкор қилинаётган маълумотлар ўзга шахс (шахслар) томонидан қабул қилинаётганлигини англайди ва бунини хоҳлайди (масалан, ўртоқ ёки қариндош билан ишонч оҳангидаги суҳбатда). Эгри қасдда шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англайди, тегишли маълумотлардан ўзга шахс (шахслар) хабардор бўлишини олдиндан кўради ва ушбу маълумотларнинг ўзга шахс томонидан ҳақиқатда қабул қилинишига онгли равишда йўл қўяди (масалан, жамоат жойида ўзга шахслар доирасида қасбдош билан суҳбат қилишда).

Давлат сирларини ошкор қилиш шарҳланаётган жиноятни содир этиш усули сифатида эҳтиётсизлик орқасида, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик шаклида содир этилиши мумкин:

– ўз-ўзига ишониш – бунда айбдор махфий маълумотлар ошкор бўлиши мумкинлигига кўзи ета туриб, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади. Масалан, махфий маълумотлар билан ишлашга қўйилган шахс уларни ҳисобга олинмаган дафтарлар, блокнотлар ва ҳоказоларга кўчиради ва улар кейинчалик йўқолади;

– бепарволик – бунда айбдор ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади. Масалан, давлат сирларига мансуб бўлган маълумотларни махфий маълумотлар билан ишлашга қўйилмаган машинисткага бериш.

5. Шарҳланаётган жиноятнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (мақтаниш, шухратпараст ниятлари, ғаразғўйлик ва бошқалар), бироқ улар давлат сирларини ошкор қилишнинг

мақсади сингари жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди. Шу билан бирга, улар жазо тайинлашда инobatга олиниши лозим.

6. ЖКнинг 162-моддаси 1-қисми диспозициясида кўрсатилганидек, давлат сирларини ошкор қилишнинг **субъекти** махсус, яъни ўзларининг хизмат ёки касбий фаолият соҳасига кўра давлат сирлари ишониб топширилган ёки хабардор шахслар бўлиши мумкин.

Агар давлат сирларидан иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда (масалан, шахсий суҳбатда, махфий файлларни топганлиги натижасида) хабардор бўлган шахс ошкор этса, бу шахс шарҳланаётган жиноятнинг субъекти бўла олмайди.

7. ЖКнинг 162-моддаси 2-қисмида оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган давлат сирларини ошкор қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Давлат сирларини ошкор қилиш натижасида **оғир оқибатлар** келиб чиқиши деганда, тегишли маълумот чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентуралари мулкига айланишини ёки Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий мустақиллиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етишини тушуниш лозим.

ЖКнинг 162-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят давлат сирларини ошкор қилиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

8. Давлат сирларини ошкор қилишни давлат сирларини етказишдан фарқлаш лозим. Давлат сирларини ошкор қилишда айбдор давлатга хоинлик қилишга асосланган махсус мақсадни кўзламайди ва Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий мустақиллиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказишни қасд қилмайди.

163-модда. Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш

Ҳужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сирини ёки ҳарбий сирини

ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти бу йўқотиш ана шу хужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида руй берган бўлса, —

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Давлат сирини ёки ҳарбий сирга эга бўлган хужжатлар, ашёлар ва моддалар билан ишлаш ва сақлаш қоидаларига катъий риоя қилиш барча ишониб топширилганлар учун асосий қоида бўлиши зарур. Хужжатлар, ашёлар, моддаларни сақлаш, кўпайтириш ва жўнатишда озгина тартибузарликнинг ўзиёқ уларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Қайд этилган давлат ёки ҳарбий сирларнинг ҳар бири бегоналарнинг қўлига тушиб, Ўзбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятига ва ташқи хавфсизлигига зарар келтириши учун ишлатилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳиятини ва хавфсизлигини, унинг ҳудудий бутунлигини, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминловчи ижтимоий маносабатлар ҳисобланади.

Жиноятнинг **предмети** фақатгина давлат сирини ёки ҳарбий сирини ифодалайдиган хужжатлар, шунингдек ашё ёки моддалар бўлиши мумкин.

Хужжат идентификация қилиш мумкин бўлган реквизицларга эга бўлган маълумотларни ўзида акс эттирган моддий жисмдир. Давлат ёки ҳарбий сирини ташкил қилувчи хужжат бу тегишли маълумотни ўзида акс эттирган моддий жисм бўлиб, махфийлик белгисига ва маълум реквизицларга эга бўлади. Бундай хужжатларга турли усул билан ишланган

(кўлёзма, ёзув машинасида, нашриётда, ЭҲМ мосламасида) давлат ёки ҳарбий сирларни ташкил қилувчи матнли ёки чизма материаллар (маълумотномалар, режалар, буйруқлар, ҳисоботлар, нашриёт хариталари, чизмалар, фото ва киноплёнкада муҳрланган маълумотлар ва бошқалар) қиради.

Давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ашёларни турли буюмлар, намуналар ёки материаллар, яъни нафақат махфий маълумотнинг моддий манбаси, балки давлат ёки ҳарбий сирнинг моддий кўриниши бўлиб хизмат қилувчи моддий дунёнинг буюмлари ташкил қилади. Бундай буюмларга масалан, қуролланишнинг ҳамда техниканинг алоҳида ёпиқ моделлари ёки намуналари, шифрлар ва кодлар кириши мумкин.

Давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган **моддалар** деганда, турли кўринишдаги буюмлар тўғрисидаги маълумотлар, давлат ёки ҳарбий сирларни ташкил қилувчи маълумотлар предмети бўлган материал сифатлари намоён бўлиши тушунилади. Булар турли хилдаги портлатиш моддалари ҳам, бошқа органик ашёлар ҳам бўлиши мумкин.

3. ЖКнинг 163-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** ҳужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилишида ифодаланadi, башарти, бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида рўй берган бўлса.

4. **Йўқотиш** деб, давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ҳужжатларни, ашёларни ёки моддаларни қонуний эгасидан, яъни бу сирларни олиб юривчисидан ҳужжатлар, ашёлар ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида ташқарига чиқиши тушунилади. Ҳужжат (ашё ёки модда) унинг махсус сақланиш жойида ҳам, у қонунга асосан ишониб топширилган шахсда ҳам мавжуд бўлмаса, мазкур предмет эгаликдан чиқиб кетган, деб эътироф этилади.

5. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони учун зарурий белги ҳужжатлар, буюмлар ёки ашёлар билан

муомалада бўлиш қоидаларини бузиш ва бегона шахсларни улар билан танишиши хавфининг туғилиши ҳисобланади.

6. **Давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ҳужжатлар, шунингдек ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш** муомалада бўлиш тартиби (кабул қилиш, ишлаш, сақлаш, етказиш ва шу кабилар) ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга риоя қилмасликда намоён бўлади. Булар ҳужжатлар сақланадиган сейфни ёпмаслик, бундай ҳужжат, ашё ёки модда билан уйда ёки бошқа белгиланмаган жойда ишлашдир.

Агар кўрсатилган буюмлар билан муомалада бўлиш қоидалари бузилмаган бўлса, лекин шундай бўлса ҳам ҳужжатнинг йўқолиши рўй берган бўлса, шархланаётган жиноятнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Масалан, ишдан сўнг давлат сирлари билан ишлайдиган масъул шахс ҳужжатлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузмаган ҳолда ҳужжатларни сейфга солиб, ёпиб, сақлашга топширган бўлса ҳам уларнинг йўқолиши содир этилган бўлса, у ҳолда жиноятнинг таркиби мустаснодир.

7. Давлат сирларини йўқотиш ҳолати жиноий жазоланиши учун йўқотиш натижасида давлат ёки ҳарбий сирлардан бегона шахсларнинг хабардор бўлиши хавфи туғилиши лозим. Шу муносабат билан давлат ёки ҳарбий сирни ташкил қилувчи ҳужжатни йўқ қилиш (масалан, ёқиб юбориш) ҳолати бегона шахсларнинг ундан хабардор бўла олмаслиги сабабли йўқотиш ҳолатини ташкил қилмайди. Агар тегишли ҳужжат, ашё, модданинг йўқ қилиниши эҳтиётсизлик натижасида содир этилган бўлса (масалан, ахлат билан бирга ёқиб юборилган бўлса), у ҳолда агар айбдор мансабдор шахс бўлган бўлса, мансабга совуққонлик (ЖКнинг 207-моддаси) бўйича кўрилиши мумкин.

8. ЖКнинг 163-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят давлат сирни ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ҳужжатлар, ашёлар ёки моддаларни хизмат ёки касбий фаолият зарурати билан ишониб топширилган шахснинг қонуний эгалигидан чиққан ва улар билан бегона шахсларнинг танишиш хавфи вужудга келган вақтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

9. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят фақат эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Тегишли ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар билан муомалада бўлишнинг белгиланган коидаларини бузаётганида шахс уларнинг йўқолиши мумкинлигини олдиндан кўра билади, лекин етарли асосларсиз бунинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди (жиноий равишда ўзига ўзи ишониш) ёхуд ўз ҳаракатлари натижасида мазкур оқибатлар келиб чиқиши имконияти мавжудлигига кўзи етмайди, лекин зарур диққат ва эҳтиёткорликда кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади (жиноий бепарволик).

10. ЖКнинг 163-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ҳужжатлар, ашёлар ёки моддалар хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган 16 ёшга етган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин, яъни мазкур жиноятнинг субъекти махсус ҳисобланади.

11. ЖКнинг **163-моддаси 2-қисми**да оғир оқибатлар келиб чиқишига олиб келган давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодалайдиган ҳужжатлар, ашёлар ёки моддаларнинг йўқотилиши учун жавобгарлик назарда тутилган. (*ЖКнинг 162-моддаси 2-қисми шарҳига қаранг*).



Учинчи бўлим. ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

Х боб. УЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади.

2. **Талон-торож қилиш** – бу бировнинг мулкни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай ундириш.

Талон-торож қилиш – бу турдош тушунча бўлиб, мулкка қарши жиноятларнинг маълум бир гуруҳини, яъни босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилиқни ўз ичига олади.

3. Талон-торож қилиш **объекти** иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги мулкдир.

Мулк – бу мулкнинг эгаси билан жамиятнинг бошқа аъзолари (мулкдор бўлмаганлар) ўртасида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида мулкнинг **хусусий** ва **оммавий** шакллари мавжуд.

Хусусий мулк ҳуқуқи **субъектлари** фуқаролар, ҳужалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва бошқа нодавлат шахслар ҳисобланади.

Оммавий мулк – бу республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулкидир.

Республика мулкига ер, ер ости бойликлари, ҳаво бушлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг мабларлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлар республика мулкидир, шунингдек, корхоналар ва бошқа мулкӣ мажмуалар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса – бошқа мулклар қиради (Фуқаролик кодексининг 214-моддаси).

Муниципал мулкда давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкӣ комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мулклар бўлади.

4. Талон-торож қилишнинг **предмети** мулк (кўчар ва кўчмас) ва мулкни олиш ҳуқуқини берувчи предметлар, яъни инсон меҳнати сингган моддий дунё предметлари, муайян ашёлар, шунингдек, уй ҳайвонлари бўлиши мумкин.

Талон-торож қилиш предмети моддий борлик предмети сингари аниқ **ашёвий хусусиятлар**га гуё жисмоний параметрларга (оғирлиғи, миқдори, ҳажми, массаси ва ҳоказоларга) эга бўлиши керак. Шу муносабат билан электр иссиқлик энергияси, газ, сув қувурлари талон-торож қилиш жиноятларининг предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бундай ҳаракатлар бошқа жиноят таркибини – электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 185²-моддаси) жиноятида айбли бўлиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал меҳнатни ўзлаштириш (плагиат) талон-торож қилишнинг предмети бўла олмайди, бундай ҳаракатлар муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 149-моддаси) жинояти таркибини ташкил қилади.

5. Талон-торож қилишнинг предмети бўлиб фақатгина инсон меҳнати сингган ва маълум **иқтисодий қийматга эга бўлган** мол-мулк, ашёлар ҳисобланиши мумкин. Мол-мулкнинг қиймати деганда, одатда, унинг пул билан ўлчанган нархи тушунилади. Шунинг учун, пул, пул бирликлари, муомала алмашинуви эквиваленти бўлган қимматли қоғозлар талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин.

Маълум бир қийматга эга бўлмаган нарсалар, масалан, шахсий ёзишмалар, шахсий кундалик, кимнингдир фотосурати талон-торож предмети бўлиши мумкин эмас. Бу ерда аукцион савдосига қўйилган ва олди-сотди қилиш мумкин бўлган машҳур шахсларнинг расмлари (айникса, автограф қўйилган), шахсий кундалиги, хат ёзишмалари истисно этувчи ҳолатлардан бири саналади.

6. Ўз хўжалик қийматини йўқотган буюмлар ёки инсон меҳнати сингмаган табиат объектлари талон-торож қилиш предмети ҳисобланмайди. Иккинчи ҳолат ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан экология соҳасидаги жиноятларни фарқлаш имкониятини яратади. Давлат мулкнинг объектлари бўлган ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Бирок, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш қондалари бузилганда, айбдор ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган ЖКнинг 197-моддасига (Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш) кўра жазоланади.

Агар ўрмондаги дарахтлар ғайриқонуний кесилган бўлса, ЖКнинг 198-моддаси (Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш) бўйича жавобгарлик вужудга келади. Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қондаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартлари ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш тартиби бузилган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 202-моддаси (Ҳайвонот ёки

ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш) бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

7. Тайёрланган ўрмон ёғочини талон-торож қилиш, питомникларда парвариш қилинган хайвонларни талон-торож қилиш, махсус тайёрланган сув ҳавзаларида етиштирилган балиқларни овлаш, балиқчилик хўжаликлари томонидан овланган балиқларни эгаллаб олиш ва ҳоказо каби жиноятлар ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилиш тарикасида квалификация қилинади.

8. Ўзбошимчалик билан қимматбаҳо металл ва тошларни ер остидан қазиб олиш талон-торож қилишга кирмайди, лекин ЖКнинг 185-моддасида (Қимматбаҳо металллар ва тошларни топшириш қоидаларини бузиш) назарда тутилган мустақил жиноятни ташкил қилади. Бироқ, агар қимматбаҳо металл ва тошларни қазиб оладиган корхонанинг ҳудудида қазиб олинган бўлса, бундай ҳаракатлар талон-торож қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай корхоналар ҳудуди шартли бўлиши мумкин. Бу, одатда, қазиб олиш ишлари олиб бориладиган майдон, тайёрланган майдончалар, траншеялар, яъни қимматбаҳо металллар ёки тошларни қазиб олиш учун тайёрланган жойлар, улар жойлашган жойни разведка қилишдир.

9. Юқорида айтиб ўтилганидек, талон-торожнинг предмети **кўчар** ва **кўчмас мулклар** бўлиши мумкин. Уй, квартира, ер участкаси ва бошқалар ўз объектив хусусиятларига кўра яширин равишда ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган мол-мулклар саналса-да, улар алдаш ёки ишончли суниистеъмол қилиш йўли билан (фирибгарлик) ёхуд зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш орқали (товламачилик) талон-торож қилиниши мумкин. Алоҳида ҳолларда кўчмас мулк кўчар мулкка «айлантирилиши» мумкин. Масалан, алоқа линиясини демонтаж қилиш, индивидуал турар жойни йиғиш, ташиш ва бошқа шу кабилар.

10. Пул бирлигидан ташқари, **қимматли қоғозлар** ҳам талон-торожнинг предмети ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ, мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реқвизитларга амал қилган

холда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина, мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, акциялар ва қонунда қимматли қоғозлар деб белгиланган қоғозлар қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Тақдим қилувчига берилувчи қимматли қоғозларгина талон-торож қилиш предмети бўлиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг бошқа турлари, айбдорга қимматли қоғозларда белгиланган мулкӣ ҳуқуқни олиш имкониятини бермаганлиги учун талон-торож қилиш предмети бўла олмайди.

11. Лотерея билетлари, почта маркалари, откриткалар, конвертлар, талонлар ва ёнилғи мойлаш материаллари, метрода юриш учун жетонлар ҳам талон-торож қилиш предмети бўлиши мумкин. Аммо поезд, самолёт чиптаси ўз ҳолича моддий қийматга эга бўлмаганлиги, фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни (масалан, паспорт, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ва бошқаларни) кўрсатган холлардагина моддий қийматга эга бўлиши мумкинлиги сабабли талон-торож қилиш предмети бўла олмайди. Бундай буюмларни ҳуқуққа ҳилоф равишда эгаллаш ЖКнинг 227-моддасида (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автотототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш) назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади. Агар айбдор шахсда ушбу ҳужжатлардан кейинчалик ғайриқонуний фойдаланиш мақсади бўлган бўлса, у холда унинг ҳаракатларни алдаш ёки ишончни суистеъмом қилиш йўли билан мулкӣ зарар етказишга (ЖКнинг 170-моддаси) тайёргарлик кўриш сифатида ҳам қўшимча квалификация қилинади.

12. Фақатгина муомаладаги, махсус руҳсатнома талаб қилмайдиган мол-мулклар ва нарсалар талон-торожнинг **предмети** бўлиб ҳисобланиши мумкин. Агар жиноятнинг предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилган алоҳида

турдаги нарсалар (масалан, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, ўқотар қурооллар, портловчи моддалар, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар ва хоказолар) бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилиш эмас, балки махсус жиноятлар таркиби (ЖКнинг «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» (XVII) боби таркибидаги махсус моддалар) билан квалификация қилиниши лозим.

13. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, талон-торожнинг **предмети** фақатгина ўзганинг мулки, яъни айбдор томонидан эгалланаётган мулкнинг эгаси бўлмаслиги ёки унинг қонуний эгаллигида бўлмаган мулк бўлади. Шахс мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўла туриб, белгиланган тартибни бузиб, уни қўлга киритган ҳолларда, талон-торожнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Унинг ҳаракатлари бошқа жиноят – ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) деб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, умумий улушдаги шахснинг шерикчилик асосидаги мулкни ноқонуний эгаллашида ҳам талон-торож қилиш белгилари мавжуд бўлмайди.

14. **Тасодифан топилган буюм (топилма)** талон-торож қилиш предмети бўла олмайди. ФКнинг 192-моддасига кўра, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзига маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспортнинг эгаси бўлган шахсга топширилиши лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт. Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

15. **Ҳазина** – бу ер остига ёки бошқа йўллар билан яширилган, эгасини аниқлашнинг имкони бўлмаган ёки конун бўйича мулкка нисбатан ҳуқуқини йўқотган мулкдорга тегишли пул ёхуд қимматбаҳо нарсалар. Ҳазинага бўлган мулк ҳуқуқини тартибга солишга оид масалалар фуқаролик ҳуқуқий нормаларига асосланиб ҳал қилинади. Ҳазина ушбу ҳазина топилган жой (ер участкаси, қурилиш ва шу қабилар) эгаси бўлган шахс ёки уни топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

16. **Объектив томондан** талон-торож ўзганинг мол-мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қонунга хилоф равишда, бепул олиб қўйишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларга жавобгарликни белгилашда уни қайси усулда содир этганлигига кўра ажратади.

ЖКда талон-торож қилишнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилган:

- босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси);
- товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси);
- талончилик (ЖКнинг 166-моддаси);
- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси);
- фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси);
- ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси).

17. **Қонунга хилофлик** ҳар қандай талон-торожнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Қонунга хилофлик деганда, айбдор шахс томонидан бунга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмай туриб, ўзганинг мол-мулкни олиб қўйиш тушунилади.

Талон-торожнинг мазкур белгиси нафақат қонун билан тақиқланган жиноят содир этишнинг усулини (объектив ҳуқуққа хилофликни), шу билан бирга, айбдорнинг мазкур мол-мулкка нисбатан мулкӣ ҳуқуқларининг (субъектив ҳуқуққа хилофликни) ҳам мавжуд эмаслигини аниқлатади.

Шахс мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўла туриб, белги-ланган тартибни бузиб, ЖКнинг 164-169-моддаларида назарда тутилган талон-торожнинг бирор-бир усули асосида уни қўлга киритган ҳолларда ҳам талон-торожнинг таркиби мавжуд бўлмайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, унинг ҳаракатлари бошқа жиноят – ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) деб ҳисобланиши мумкин.

18. Талон-торожнинг иккинчи зарурий белгиси ҳақини тўламасдан (бепул) олинганлиги ҳисобланади. **Ҳақни тўламаслик** (текинга олиш) деганда, талон-торож қилинган мулк ўрнига муайян қийматни бермасдан, ўзганинг мулкни эгаллаш тушунилади. Агар шахс талон-торож қилиш вақтида талон-торож қилинган мулк ўрнига талон-торож қилинган мулк қийматини, нархини тўлиқ қоплаган бўлса, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Бу ҳаракатлар натижасида мулккий зарар етказилмайди. Шунинг назарда тутиш лозимки, шахсни ўзганинг мулкни талон-торож қилишда айбдор деб топиш учун ушбу мулк айбдорнинг фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи муайян далилларни аниқлаш лозим. Қонунга хилоф тарзда олиб қўйилган мулкнинг қийматини қисман тўлаш ҳам қилмишда талон-торож таркибининг йўқлигини англатмайди, бироқ ушбу ҳолат талон-торож натижасида етказилган зарар миқдорини ҳисоблашда инobatга олиниши мумкин.

19. Ўзганинг мулкни **олиб қўйиш** деганда, ушбу мулкнинг айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахс фойдасига қаратилиши тушунилади. Бу ҳолатда айбдор талон-торож қилинган мулкка нисбатан гўёки ўз эгалигини ўрнатади. У мазкур мулкдан худди ўз мулкидек фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятига эга бўлади. Аммо қонуний нуқтаи назардан айбдор жинoий йўл билан топилган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўла олмайди. Айни чоғда, жабрланувчи талон-торож қилинган мулкка нисбатан ўз эгалик ҳуқуқини йўқотмайди.

20. Ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг **туғалланган вақти** талон-торож қилишнинг шаклига боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда талон-торож қилиш айбдор ўзганинг мулкни эгаллаган ва ушбу талон-торож қилинган

мулкни ўзининг хошишича хақиқий тасарруф этиш (сотиш, алмаштириш, яшириш ва хоказо) имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Шунинг учун, агар айбдор ўзганинг мол-мулкни қўлга киритган бўлса-ю, бироқ ҳали уни ўз мулки сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-торож қилишга суиқасд тариқасида квалификация қилиниши лозим. Босқинчилик ва товламачилик ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бу жиноятларнинг тугалланиш вақти бошқа тартибда ҳал қилинади, бу ҳақда қуйида маълумот бериб ўтамиз.

Таъкидлаш ўринлики, амалиётда **қўриқланувчи объект**дан мол-мулк талон-торож қилинишининг тугалланган вақтини аниқлашда бир оз кийинчилик келиб чиқмоқда. Бизнингча, мазкур объектдан мол-мулк талон-торож қилинганда, мол-мулк қўриқланаётган ҳудуд чегарасидан ташқарига олиб чиқилиши жиноятни **тугалланган**. деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Агар ушбу мол-мулк қўриқланадиган объектдан олиб чиқиш учун тайёрланган ёки ажратилган бўлса ёки айбдор мазкур ҳаракатларни содир этиш учун қўриқлаш ходими билан тил бириктирган бўлса ёхуд айбдор талон-торож қилинган мол-мулк билан корхонага (ташкilot)га кираверишда қўлга олинган бўлса, қилмиш талон-торож (хусусан, ўғрилаш)га суиқасд қилиш сифатида эътироф этилади.

21. Талон-торож қилиш **субъектив томондан** тўғри қасд ва ғаразгўйлик мақсади билан содир этилади. Жиноятнинг субъекти ўз ҳаракатларининг ғайриқонунийлигини англайди, ўзгалар мулкни текинга қўлга киритишни хоҳлайди ва истайди. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахснинг талон-торож қилинаётган мулкнинг эгаси ҳақидаги нотўғри тасаввурни квалификацияга таъсир қилмайди.

Ғараз мақсад талон-торож қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланиб, айбдорнинг ўзи учун ёки бошқа шахслар учун моддий манфаат ундиришга бўлган уринишидир. Бу ҳолатда беғараз мақсадда, масалан, ўзганинг мулкни келгусида қайтариб бериш мақсадида вақтинча фойдаланиш ёки ғараз қилинган ҳуқуқлар доирасида ўзганинг мол-мулкни

эгаллашга қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар ўғрилиқ ёки талончилик жинояти таркибини ташкил этмайди. Бундай ҳаракатлар иш ҳолатларига кўра ўзбошимчалиқ (ЖКнинг 229-моддаси) ёки ЖК Махсус қисмининг бошқа моддалари билан квалификация қилиниши мумкин.

22. Талон-торож қилишнинг **субъекти** конунда белгиланган ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят содир этишнинг ёши турли шаклдаги талон-торож жиноятлари учун бир хил эмас.

164-модда. Босқинчилик

Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик:

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайри-қонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Босқинчилик ўзганинг мол-мулкига қарши қаратилган энг хавфли жиноятлардан бири бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган. Босқинчиликнинг ўта ижтимоий хавфлилиги, аввало, шу билан боғлиқки, бу жиноят содир этилиши натижасида ўзганинг мол-мулки эгаллаб олинаётганда жабрланувчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказилади ёхуд бундай зиён етказилиши учун реал хавф вужудга келади.

2. Босқинчиликнинг **объекти** ўзганинг мол-мулкани муҳофаза қилишни таъминловчи, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

3. **Объектив томондан** босқинчилик ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум қилишда ифодаланади.

4. Босқинчилик содир этишдаги **ҳужум** қонунга ҳилоф равишда очикдан-очик ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчига, яъни мулкдорга, мол-мулкка қонуний равишда эгаллик қилувчи мулк эгасига, шунингдек, талон-торож қилишга қаршилик кўрсатаётган бошқа учинчи шахсларга зўрлик ишлатиб ғайриқонуний таъсир кўрсатишда ифодаланади. Аксарият ҳолларда, босқинчилик вақтида шахсга очикдан-очик ҳужум қилинади, баъзан эса, жабрланувчига сездирмасдан

яширинча (масалан, орқадан ўқ узиб, панадан пичок уриб) содир этилиши ҳам мумкин. Ҳужум жабрланувчига нисбатан заҳарловчи ёки фалаж қилишга қаратилган воситалар ва моддалар орқали очикдан-очик ёки яширин равишда содир этилиши мумкин.

5. Босқинчиликда ишлатиладиган **зўрлик** жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин. Одатда, босқинчиликда зўрлик ишлатиш ҳужум билан айна бир вақтда содир бўлади, аммо бевосита ҳужумдан кейин куч ишлатилиши ҳоллари ҳам учрайди. Ҳужум бошқа бир шахсга қаратилиб, мол-мулкни эгаллашга тўсқинлик қилмоқчи бўлган бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатилган ҳоллар ҳам учрайди.

6. **Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик** ишлатиш деганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига кўра, унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва х.к.) тушунилади.

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлигининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини тўғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш чигалига уриш ва х.к.) тушунилади¹.

7. Ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгаллинишига қаршилиқ кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиб содир этилган ҳужум ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми жабрланувчи соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 105-моддаси) ёки енгил шикаст етказиш (ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми) оқибатларини ҳам қамраб олади ва ЖКнинг 105 ёки 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 6-банд.

8. Алдаш йўли билан танасига кучли таъсир кўрсатувчи, захарли, ухлатадиган ёки бошқа қарахт қиладиган моддалар жабрланувчига берилганида, қилмиш қандай квалификация қилинади, деган савол туғилиши табиий. Албатта, агар бундай моддаларнинг берилиши жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 164-моддаси билан квалификация қилиш зарур.

Агар қонунга хилоф равишда ўзганинг мол-мулкни эгаллаш жараёнида жабрланувчи қонунга хилоф равишда зўрлик ҳаракатлари натижасида озодликдан маҳрум қилинса, бу ҳаракатларни босқинчилик ёки талончилик сифатида баҳолашда амалга оширилган зўрлик ҳаракатларининг шахс ҳаёти ва соғлиғига етказиши мумкин бўлган зарари, шунингдек, бу каби ҳаракатлар натижасида юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган оқибатларнинг хавфлилик даражаси ва хусусиятлари инobatга олинishi лозим (мисол учун оёқ-қўли боғланган ва ёрдамга чақириш имкониятига эга бўлмаган шахсни совуқ хавода ёки жойда қолдириш).

9. Босқинчиликда ишлатиладиган зўрлик жабрланувчидан тортиб олинган мол-мулкни эгаллаш ёки ўзида сақлаб қолиш усули ҳисобланади. Босқинчиликни квалификация қилиш учун айбдор томонидан зўрликнинг мол-мулк эгаси ёки уни қўриқлаётган шахс ёхуд мулк тасарруфида бўлган шахс ёхуд ўзганинг мулкни эгаллашга тўсқинлик қилган шахсларга нисбатан ишлатилганлигининг аҳамияти йўқ. Ўзганинг мол-мулкни эгаллаш ёки сақлаб қолиш мақсадида зўрлик ишлатилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар зўрлик бошқа мақсадда, масалан, содир этилган ўғирликдан кейин қўлга тушишдан қутулиб қолиш мақсадида ишлатилган бўлса, бундай қилмишни босқинчилик деб ҳисоблаш мумкин эмас, айбдорнинг ҳаракатлари ўғирлик (ЖКнинг 169-моддаси) ва шахсга ёки бошқарув тартибига қарши жиноят деб ҳисобланади.

10. Айбдор қачонки шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилган тақдирдагина, хужумни босқинчилик деб квалификация қилиш мумкин.

Бундай зўрлик ишлатиш таҳдиди жабрланувчига руҳий зўрлик орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Зўрликнинг хусусиятини оғзаки, қуролни кўрсатиш, имо-ишора (масалан, «ўлдираман», «майиб қиламан», «кўзингни ўйиб оламан» дейиш) қилиш, жабрланувчининг ҳаётига ёки соғлиғига оғир тан жароҳати етказиши мумкин бўлган қурол, тўппончани, пичоқни ёхуд шу мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа предметларни жабрланувчига кўрсатиш, шунингдек, ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш (оғир предмет билан бошига уришга ҳаракат қилиш, ўқотар қурол ёки пичоқни ўқталиш ва ҳ.к.) орқали ҳам ифодалаш мумкин. Зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни амалга ошириш усули: оғзаки, қўл ҳаракатлари ва бошқалар ЖКнинг 164-моддаси билан квалификация қилишга таъсир қилмайди.

11. **Босқинчилик** ҳужуми чоғидаги таҳдид қуйидаги белгиларга эга бўлиши зарур:

– жисмоний зўрликнинг дарҳол қўлланилиши мумкинлиги хавфини ўз ичига олган, яъни **реал (ҳақиқий)** бўлиши;

– келгусида эмас, айнан ҳужум пайтида ҳақиқатда **мавжуд бўлиши**.

12. Босқинчилик амалга ошириладиган пайтда таҳдид муайян ва номуайян бўлиши мумкин.

Муайян таҳдидга қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган нарсалар билан кўрқитиш, шахсни ўлдириш ёки унинг соғлиғига зарар етказиш нияти борлигини имо-ишоралар билан ифодалаш киради.

Номуайян хусусиятга эга таҳдид ниқобланган шаклда ифодаланади. Масалан, жабрланувчига кўринмайдиган нарсалар, муайян имо-ишоралар (қуролни қўлдан қўлга олиш) билан кўрқитиш.

13. Босқинчилик воситаси сифатида таҳдиднинг мақсади мулкнинг талон-торож қилинишини енгиллаштириш учун жабрланувчининг иродасини сусайтиришдан иборатдир. Таҳдиднинг жиноят таркиби белгиси бўлиши мумкинлиги масаласини ҳал этиш учун судлар босқинчилик ва ўғрилик воситаси сифатида муайян иш ҳолатларини, биринчи навбатда,

босқинчилик содир этилган жой ва вақтни, жиноятчилар сони, шакли буйича ноаниқ бўлган тахдидни мустақкамлаш мақсадида ишлатилган ашёлар ва воситаларни инобатга олган ҳолда, тахдиднинг мазмуни ва йуналтирилганлигини ўрганишлари лозим.

Фақатгина суд ҳар бир алоҳида ҳолда, содир этилган жиноят ҳолатларини ҳисобга олиб, тахдиднинг реаллиги ва ҳақиқатда мавжуд бўлганлигига баҳо беради. Бундай ҳолларда жабрланувчининг реал тахдид мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги субъектив фикрига эмас, балки аниқ фактларга таяниш керак.

14. Ўғрилиқ жинояти сифатида бошланган, аммо кейинчалик содир этиш жараёнида ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан содир этилган талон-торожга айланган жиноятлар ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган тажовуз сифатида кўрилади.

15. Босқинчилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрликни ишлатиш билан кўрkitиб ҳужум қилинган пайтдан эътиборан, айбдор ўзганинг мол-мулкни эгаллаган ёки эгалламаганидан қатъи назар, **тугалланган** жиноят деб ҳисобланади. Кўриниб турганидек, нафақат мол-мулкни олганлик факти, балки шахснинг ҳаётига етказилган зарарнинг реал ҳолати ҳам жиноят тугалланишининг зарурий белгиси эмас. Шунинг учун, қоида тариқасида босқинчиликка суиқасд қилиш ҳолати юз бермайди. Ҳужум ҳаракатларигача бўлган ҳолатларда фақатгина босқинчиликка тайёргарлик кўриш ҳақида сўз юритиш мумкин. Биринчи ҳужум ҳаракатлари амалга оширилган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади (кесик таркибли жиноят).

16. Босқинчилик **субъектив томондан** тўғри қасд ва ғаразли мақсадларда ифодаланади. Айбдор жиноят содир этишда у томондан содир этилаётган зўрликнинг жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfliлигини, ушбу зўрлик ўзганинг мулкни ўзи ва ўзга шахслар фойдасига эгаллаш воситаси сифатида ишлатилаётганлигини тушунади ва шуни хоҳлайди.

17. Жиноятнинг субъекти 14 ёшга тулган, акли расо жисмоний шахсдир.

18. ЖКнинг **164-моддаси 2-қисмида:**

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда босқинчилик содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган.

19. **Босқинчиликда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиш** жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Чунки бу жабрланувчининг қаршилигини синдириш, жиноят қурбонининг айбдорнинг жиноий режасини амалга оширишига қаршилик кўрсатиши имкониятидан маҳрум қилиш, хужум қилувчига кўп куч сарфламасдан жабрланувчининг қаршилигини енгишнинг имконини беради.

20. Босқинчилик пайтида айбдор томонидан ишлатиладиган **қурол** ўқ-отар ёки совуқ қуролни, шунингдек, барча турдаги портловчи мосламалар – граната, динамит патрони, шашка ва бошқаларни ўз ичига олади. ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми «а» банди билан квалификация қилишга босқинчилик жиноятида қуролнинг махсус рухсатнома билан олиб юриладиган қуроллар ёки рухсат этилган қуроллар (масалан, ов қуроли) турига кириши аҳамиятга эга эмас.

21. **Ўқотар қурол** деганда, хўжалик-маиший мақсадларда ишлатилмайдиган ва фақат жонли нишонни уриш ёки спорт тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган, снаряд, ўқ отишда порох газлари кучидан фойдаланиладиган барча турдаги қуроллар тушунилиши керак.

22. **Портлатиш қурилмалари** деганда, портловчи моддалар билан тулдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йирилган ҳолдаги қурилмалар тушунилиши лозим. Бунда портловчи моддалар деганда, порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар тушунилади.

23. **Совуқ қурол** деб қуйидагилар эътироф этилиши лозим:

– жабрланувчининг бевосита баданига одамнинг мушак кучи ёрдамида тегиши натижасида жонли нишонни жароҳатлаш учун махсус мўлжалланган ҳамда совуқ шамшир қуролни (ханжар, жанговар пичоқ, қурол бўлган миллий ва ов пичоғи, найза-пичоқ, шашка, қилич ва ҳоказо), кесувчи, санчувчи, санчиб кесувчи ёки аралаш тусдаги бошқа қуролларни (штик, найза, жанговар болта ва ҳоказо), шунингдек урувчи-майдаловчи тусдаги қуролларни (кастет, нунчаклар, гурзилар) ўз ичига қамраб оладиган буюмлар;

– маълум масофадан инсон мускул кучи ёрдамида объектга зарар етказиши мумкин бўлган қуроллар (отиладиган болта, найзалар) ҳамда механик воситалар (камон, арбалет ва бошқалар).

24. **Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалар** – бу ишлатилганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига объектив зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ашёлар (отвёртка, занжир, скальпель, катта тош, арматура бўлаги, тўкмоқ ва бошқалар), шунингдек, жабрланувчига вақтинчалик шикаст етказишга йўналтирилган ашёлар (қўздан ёш окизувчи воситалар, вақтинчалик ҳушсизлантирувчи воситалар ва бошқалар).

Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсаларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилганлиги ёки жиноят содир этилган жойдан олинганлигининг босқинчиликни квалификация қилишда аҳамияти йўқ.

Ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган ит ёки бошқа ҳайвонлардан фойдаланиш ёки фойдаланиш таҳдидини ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми «а» бандининг қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалардан фойдаланган ҳолда босқинчилик содир этиш сифатида баҳолаш лозим.

25. **Босқинчиликда қурол ва қурол сифатида ишлатилаётган бошқа ашёлардан фойдаланиш** деганда, амалда улардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши тушунилиши лозим.

Босқинчиликни содир этишда ишлатишга яроқсиз қурол ёки қуролга ўхшатиб ясалган буюмларнинг қўлланилганлиги босқинчиликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми шу муносабат билан: «Била туриб яроқсиз қуролдан ёки ёлғондакам қуролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланилганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаганда қуролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкин эмас»¹, кўрсатиб ўтган. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Бирок, агар қуролга ўхшатиб ясалган нарсалардан қурол сифатида фойдаланилган ва улар билан жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига хавfli зиён етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган бошқа буюмлардан фойдаланиб босқинчилик содир этиш деб ҳисоблаш мумкин.

26. Босқинчиликда газ қуролларининг қўлланилиши масаласи ҳам муҳим масалалардандир.

Газ тўппончалари, газ баллончалари, кўздан ёш оқизувчи, безовта қилувчи ёки захарли моддалар тўлдирилган пуркагич ва бошқа ҳар қандай қурилмалар газли қуроллар сирасига киритилиши лозим.

Фикримизча, шахс босқинчиликни содир этишда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган бирон-бир модда тўлдирилган газли қуролни ишлатса, айбдорнинг қилмиши қурол сифатида бошқа предметлардан фойдаланиш белгиси бўйича қуролли босқинчилик деб квалификация қилиниши керак. Агар газли қуролдаги модда шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаса, унинг ишлатилиши айбдорнинг ҳаракатларини қуролли босқинчилик деб квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўррилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 7-банд, 3-хатбоши.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига мувофиқ, пневматик милтик, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ баллонлари, ракетницалар ва бошқа имитация-пиротехник ва ёритгич воситалари қурол жумласига қирмайди¹.

27. Босқинчилик ҳужуми жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқотар қуроллар ишлатилганда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича, яъни босқинчилик ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми «а» банди ва қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (ЖКнинг 248-моддаси) билан квалификация қилиниши лозим. Босқинчилик ҳужумида қурол сифатида портловчи, захарли моддалар ва х.к.лар ишлатилган тақдирда, айбдорнинг қилмишлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

28. Босқинчиликни ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми «б» бандига кўра квалификация қилиш учун босқинчилик ҳужумида бу ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этган бўлишлари лозим.

29. **Олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи таркиби**га босқинчиликни содир этишга маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, жиноятни содир этиш қуроллари ва воситаларини бериб туриш билан кўмаклашган шахслар эмас, балки ҳужумда бевосита иштирок этган бажарувчиларгина қирадилар. Бундай шахслар ЖКнинг 28-моддасига кўра босқинчиликнинг иштирокчилари деб ҳисобланиши мумкин.

30. Босқинчиликни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб квалификация қилиш учун ҳар бир иштирокчининг 14 ёшга тулганлиги ва ақли расолигини ва бу жиноятни содир этиш учун олдиндан тил бириктирганликларини аниқлаш лозим.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисида» ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сон қарори, 2-банд, 2-хатбоши.

Агар бир гуруҳ шахслар таркибидаги бир шахс Жиноятнинг субъекти ҳисобланиб, қолганлари муомалага лаёқатсиз ёки жиноят содир этиш ёшига етмаган бўлса, улар фактик жиҳатдан босқинчиликда бевосита иштирок этган бўлсалар-да, юридик жиҳатдан, яъни жиноят қонунчилиги талаблари нуқтаи назаридан гуруҳ таркибига кирмайдилар. Бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ёши катта жиноятчи ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми билан ва қўшимча жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда, шуни унутмаслик лозимки, агар вояга етган шахс босқинчилик жиноятини содир этишда ўзи бевосита қатнашмасдан, вояга етмаган ёки ақли норасо шахсдан жиноятни содир этишда фойдаланган бўлса, вояга етган шахсни вояга етмаган шахс ёки ақли норасо шахсдан жиноят қуроли сифатида фойдаланган шахсни билвосита жиноятнинг бажарувчиси сифатида жавобгарликка тортиш лозим.

31. Агар бир гуруҳ шахслар ўғрилик ёки талончилик содир этиш туғрисида келишиб олган бўлсалар ва шу жиноятларни содир этиш жараёнида иштирокчилардан бири бошқа жиноятчилар билан келишиб олмасдан мол-мулкни эгаллаш мақсадида жабрланувчиларга нисбатан ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни ишлатса, қилмиш эксцесс бажарувчи томонидан содир этилган деб ҳисобланади, шунинг учун қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми «б» банди) сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Бунда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни ишлатган шахс босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми) учун жавобгар бўлади, жиноятнинг қолган иштирокчилари эса, ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси) ёки талончилик (ЖКнинг 166-моддаси) учун жавобгар бўладилар.

32. Шуни назарда тутиш керакки, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик қатнашчисининг ҳаракатлари жиноятнинг қолган иштирокчилари қонунда назарда тутилган асосларга кўра (вафот этиши муносабати билан ва ҳоказо), жиний

жавобгарликка тортилмаганликларидан қатъи назар, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноят, деб квалификация қилиниши керак.

33. Талон-торож қилинган мол-мулкнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлса, **анча миқдорда** содир этилган босқинчилик, деб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан қатъий нарх белгилаш имконияти йўқлиги сабабли талон-торож қилинган нарсаларнинг қийматини аниқлашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўзганинг талон-торож қилинган мол-мулкнинг қиймати шу қилмиш содир этилган пайтда мазкур минтақадаги ўртача бозор нархлари бўйича белгиланиши лозим. Талон-торож қилинган нарсаларнинг қийматини белгилашда уларнинг ҳолатини, ишлаб чиқарилган вақтини, эскирганлигини, товар кўринишини, шу нарсалардан фойдаланиш имкониятлари даражаси ва ҳ.к.ларни эътиборга олиш тўғри ва зарурдир. Яъни, товаршунослик экспертизасини тайинлаш ва ваколатли экспертлар ҳулосаси асосида талон-торож қилинган мол-мулкнинг қиймати масаласини ҳал этиш зарур.

«Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан, бир неча мустақил эпизодлардан, мисол учун, ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-торож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда тавсифланиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноятни ўзганинг мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг тегишли моддалари диспозициясига мувофиқ, жумладан, тақрорийлик белгиси билан тавсифлаш лозим»¹. Тақроран содир этилган талон-торожни квалификация қилишда барча эпизодлар бўйича аниқланган умумий талон-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 8-банд, 2-хатбоши.

торож суммаси эмас, балки зарар миқдори энг кўп бўлган эпизод бўйича талон-торож суммаси асос қилиб олинади¹.

34. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

35. **Такроран** босқинчилик содир этиш деганда, шахснинг икки ёки ундан кўп марта босқинчиликни содир этганлиги, ammo уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлиги тушунилади. Биринчи босқинчилик ҳужуми тамом бўлган ёхуд жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган ёки иштирокчиликда содир этилган бўлса, босқинчилик такроран содир этилган, деб ҳисобланади.

Агар илгари содир этилган босқинчилик учун шахс қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган бўлса, босқинчилик такроран содир этилган, деб ҳисобланмайди. Агар янги босқинчилик содир этилган пайтгача айбдордан судланганлиги қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор бўлган айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки илгари содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик амнистия акти ёки афв этиш асосида олиб ташланган бўлса, такрорийлик бўлмайди.

Агар босқинчиликни содир этган шахс илгари босқинчилик содир этганлиги учун судланган бўлса, қилмиш **хавфли рецидивист** томонидан содир этилган, деб ҳисобланади.

Босқинчилик ҳужумини содир этган шахс илгари ЖКнинг 242-моддаси (Жиноий уюшма ташкил этиш)да жавобгарлик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сон қарори, 6-банд, 5-хатбоши.

назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилиниши керак.

36. Талон-торож қилинган мол-мулк миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баробаридан беш юз баробаригача бўлса, **кўп миқдорда** (ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «б» банди) босқинчилик содир этилган, деб ҳисобланади.

37. Босқинчилик жинояти **уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш орқали** содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» банди бўйича квалификация қилинади. Айбдорнинг қилмишларида уй-жойга, омборхонага ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш квалификация белгиси мавжуд деб ҳисоблаш учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

- ғайриқонунийлик;
- кириш;
- уй-жой, омборхона ёки бошқа бинолар.

Буларнинг барчаси қонун тўғри қўлланилиши учун таҳлил қилишни талаб қилади.

38. **Уй-жой** деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) мўлжалланган бинолар тушунилади¹.

Одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланмаган ва мослаштирилмаган бинолар (масалан, уй-жой иморатларидан алоҳида турган ертўлалар, омборлар, гаражлар ва бошқа хўжалик бинолари) уй-жой деб ҳисобланиши мумкин эмас.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни уғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 9-банд, 3-хатбоши.

Поезд транспорт воситаси бўлса ҳам, поезд купеси вақтинчалик уй-жой деб ҳисобланиши мумкин. Чунки у одамларнинг вақтинча яшаши учун мўлжалланган. Палаткалар, вагончалар, кема каюталарини ҳам вақтинчалик уй-жой деб ҳисоблаш зарур.

Шунингдек, турар жой биносига бевосита туташ қурилган, у билан яхлит бирликни ташкил этувчи балконлар ва пешайвонлар, чордоқлар, ертўлалар ҳам «уй-жой» деб тушунилади. Кўп қаватли уйларнинг ертўлалари, чордоқлари, транспорт воситалари уй-жой ҳисобланмайди.

39. **Омборхона** деганда, товар моддий бойликларни доимий ёки вақтинча сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади.

Сейфлар, темир шкафлар, контейнерлар, авторефрижераторлар, совитгичлар, қўриқланадиган платформалар, молхоналар, атрофи ўралган дон омборлари, автофургонларнинг усти ёпиқ кузовлари ва бошқа шу кабилар ҳам омборхона сифатида эътироф этилади. Материалларни жойлаштириш учун мўлжалланган, бироқ атрофи ўралмаган ва қўриқланмайдиган майдонча омборхона ҳисобланмайди. Ҳар қандай қўриқланадиган ҳудуд ҳам (масалан, завод ҳудуди) омборхона сифатида эътироф этилмайди. Моддий бойликларни сақлаш учун махсус ажратилган ҳудудгина омборхона жумласига киради.

40. **Бино** деганда, одамларни жойлаштириш ёки моддий бойликларни вақтинча қўйиш учун мўлжалланган иморат, иншоот тушунилади. У доимий, вақтинчалик, кўчмас ва кўчар бўлиши мумкин. Товар-моддий бойликларни сақлаш учун қурилган ҳар қандай иншоот ёки бундай мақсадлар учун мўлжалланмаган, аммо зарурат туфайли, товар-моддий бойликлар сақланадиган иншоотлар (омборлар, дўконлар, цехлар, дўкончалар ва ҳ.к.лар)га айлантирилган «бинолар» шулар жумласига киради.

41. **Ғайриқонуний кириш** деганда, ўғрилик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки

бошқа бинога кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқлар, одамларнинг, шунингдек, кўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек, қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тарикасида бинода пайдо бўлиши ғайриқонуний кириш, деб баҳоланиши керак¹.

Кириш уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога яширин ёки ошқора бостириб кириш, мол-мулкни талон-торож қилиш ниятида ғайриқонуний бинонинг ичида пайдо бўлишдир. Мулкдорнинг, турар жой эгасининг ёки бинодан хабардор бўлиб турган бошқа шахснинг розилигисиз ёхуд қалбаки хужжатлар ёрдамида уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кириш ғайриқонуний деб топилади.

Агар айбдор тегишли бинога кириш ҳуқуқига эга бўлган (вақтинчалик яшовчи, ходим ва х.к.) ёки бу ерга қонуний асосларга кўра қирган бўлса (меҳмон, ташриф буюрувчи сифатида ёки муайян бир ишларни бажариш учун), мазкур ҳолатда айбдор томонидан босқинчилик, шунингдек, талон-торожнинг бошқа тури содир этилиши унинг ҳаракатларини киришнинг ғайриқонунийлиги белгиси мавжуд эмаслиги сабабли кўриб чиқиладиган оғирлаштирувчи белги бўйича квалификация қилишга имкон бермайди.

Агар шахс белгиланган вақтда бинода бўлиш ҳуқуқига эга бўлса (мисол учун, цехда иш вақтида бўлиш ҳуқуқи, савдо маркази ичида – савдо қилиш вақтида ва х.к.), бундан бошқа вақтда бинога киришни ҳам ғайриқонуний кириш сифатида баҳолаш лозим. Мисол учун, агар шахс банкнинг иш вақтида ёки савдо маркази иш олиб бориш вақтида яшириниб олиб, иш вақти тугаганидан сўнг кўриқчиларга хужум қилиш орқали пул ёки бошқа моддий бойликларни қўлга киритишини ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан квалификация

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 9-банд, 1-хатбоши.

қилиш лозим. Акс ҳолда, бинонинг иш вақтида содир этилган босқинчилик ҳаракатларини қонунга ҳилоф равишда кириб содир этилган босқинчилик сифатида тавсифлаш мумкин эмас.

Бинога киришда уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кириш ҳуқуқига эга бўлган ёки шу объектларни қўриқловчи, аммо кириб олиш пайтида кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар иштирок этган бўлса, бу ҳам кириш деб ҳисобланади.

42. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан квалификация қилиш учун унинг бинога кириб олганлигининг ўзи етарли бўлмай, балки ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилишга қасд қилган ёки қилмаганини ҳам аниқлаш зарур. Бунда қасд бинога кириб олгунга қадар юзага келган бўлиши керак. Айбдор талон-торож содир этиш ниятисиз уй-жойга, омборхонага ёки бошқа бинога кирган ва моддий бойликларни қўрганидан сунг ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатса, бундай ҳаракатларда райриқонуний кириш белгилари мавжуд бўлмайди ва қилмишни ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас, айбдорнинг қилмишида бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, у ЖКнинг 164-моддаси 1-қисми бўйича жавобгар бўлади.

43. Киришнинг усуллари турли хил бўлиши мумкин (бино эшиги, ойнаси, деворини бузиш орқали, тайёрланган калитлардан фойдаланган ҳолда ва бошқа тарзда), лекин бу жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Бу ҳолатда кириш тўсиқларни бартараф этиш ёки шахслар қаршилигини енгиш тарзида содир этилиши мумкин.

Тегишли уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кирмасдан махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказолар) ёрдамида ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш, уй-жойга, омборхонага кириб талон-торож содир этиш деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

44. Айбдор босқинчилик жиноятини содир қилиш мақсади билан уй-жой, омборхона ёки бинога кирганда, ушбу иншоотнинг бутунлигига путур етказса ва шу билан бирга, жиноятнинг предмети бўлмаган жабрланувчининг бошқа

мол-мулкларига анча миқдорда моддий зарар келтирса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича кириб олиш билан содир этилган босқинчилик ва ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми – ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

45. Агар босқинчилик содир этиш пайтида жабрланувчининг **баданига оғир шикаст** етказилган бўлса, бундай босқинчилик ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «г» банди бўйича квалификация қилинади. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Шу билан бирга, агар ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиш пайтида баданга оғир шикаст етказилиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққан бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «г» банди ва ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди билан квалификация қилиниши керак. Босқинчилик жараёнида айбдор жабрланувчини қасддан ўлдирса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси ва 97-моддаси тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши керак.

46. ЖК 164-моддасининг 4-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

47. Агар талон-торож қилинган мол-мулк миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлса, **жуда кўп миқдорда** (ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми «а» банди) содир этилган, деб ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда етказилган зарар миқдорини аниқлаш қоидалари кўп миқдорда талон-торож қилиш миқдорини аниқлаш қоидалари билан бир хил, яъни зарар миқдори товаршунослик экспертизаси ёрдамида аниқланиши керак.

48. Қилмишни ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми «б» банди бўйича квалификация қилиш учун қуйидаги белгилар бўлиши зарур:

- босқинчилик жиноятини содир этишдан олдин шахсни **ўта хавфли рецидивист** деб топиш туғрисида суд ҳукми;
- ушбу ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги.

Ўқоридаги белгилардан бирининг мавжуд эмаслиги шахснинг қилмишини ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб квалификация қилишнинг имконини бермайди.

49. Жиноят кодексида назарда тутилган асосларда ва чегарада **уюшган гуруҳ** томонидан содир этилган жиноят оғирроқ жазога сазовордир. Босқинчилик жиноятига нисбатан бундай асос ва чегаралар ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми «в» банди диспозициясида ва оғирлаштирилган жазосида ифодаланган.

Босқинчилик жиноятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барқарорлик белгиси кўпинча гуруҳ жиноий фаолиятининг давомийлигида, унинг жиноий ихтисослаштирилганлигида, фаолият соҳасининг бошқа шу каби гуруҳлар билан тақсимланишида, ҳар бир аъзосининг вазифалари аниқ бўлинганлигида (ташкилотчи, бошлик), қаттиқ ички интизом, жиноий фаолиятни маълум бир вақт доирасида режалаштиришда ифодаланганида. Албатта, ушбу санаб ўтилган хусусиятлар ҳар бир уюшган гуруҳ томонидан босқинчилик жинояти содир этилганда у ёки бу маънода мавжуд бўлади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноятга кўра, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятда ички ташкиллаштирилганлик даражаси юқорироқ бўлади. Шунинг учун ҳам ЖКнинг 29-моддаси қондаларига кўра, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик масаласида асос, шартлар ва жиноий жавобгарлик даражасига талаблар қаттиқроқдир. Хусусан, уюшган гуруҳ ташкилотчиси ёки бошлиғи, агар гуруҳ томонидан содир этилган барча жиноятлар унинг қасди билан камраб олинган бўлса, барча босқинчилик жиноятлари учун бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилади. Бунда унинг бевосита жиноятларни содир этишда қатнашганлиги масаласи аҳамият касб этмайди. Уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилишда иштирок этган ёки тайёрлаган бўлсалар,

худди шундай даражада жавобгарликка тортиладилар. Уюшган гуруҳнинг оддий аъзоси бевосита мулкни талон-торож қилишда иштирок этмаган бўлса, унинг уюшган гуруҳнинг ушбу ҳаракатларидан хабардор бўлиши уни айблаш учун етарли бўлмайди. Босқинчилик жиноятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барча аъзолари қатнашган ёки иштирок этишган бўлсагина, у уюшган гуруҳ томонидан содир этилган босқинчилик деб ҳисобланиши мумкин.

50. Босқинчилик ҳужумнинг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши каби оғирлаштирувчи белги билан биргаликда, ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми «в» бандида мазкур жиноятнинг **уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб** содир этилиши тўғрисида гап кетмоқда.

Уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ёхуд уларнинг амалга ошириши учун қулай шароит яратувчи ҳолатларни уюшган гуруҳ манфаатлари белгиси сифатида тушуниш лозим. Гуруҳ манфатлари, масалан, товар-моддий бойликлар сақланаётган жой ҳақида маълумот, у ёки бу одамни йўқ қилиш ёки босқинчилик жиноятини содир этиш кабилар бўлиши мумкин.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топиш учун суд-тергов органлари қуйидаги иккита белгининг мавжудлигига аҳамият бериши зарур:

– айбдор ўзи томонидан содир этилаётган жиноятлар, энг аввало, уюшган гуруҳ манфаатларини, сунгра айбдорнинг субъектив манфаатларини кўзлаб амалга ошириш учун содир этилаётганлигини тушуниши лозим;

– уюшган гуруҳ аъзолари ёки унинг ташкилотчиси айбдор томонидан жиноят гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилаётганлигини аниқ билиши лозим.

Юқоридаги белгилардан бирининг мавжуд бўлмаслиги босқинчилик жиноятини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган, деб квалификация қилишга имкон бермайди.

51. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик шундай гуруҳ аъзоси томонидан, шунингдек, унга қирмаган шахс томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Аммо бу ҳол қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди. Шу

билан бирга, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб босқинчилик жиноятини содир этишда ғаразли мақсад мавжуд бўлиши шарт эмас. Чунки, бунда жиноятчи бошқа мақсадларни кўзлаган, масалан, ўзининг жиноят содир этиши мумкинлигини кўрсатиб гуруҳга кириши ва ҳоказо бўлиши мумкин.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига мувофиқ, ўзганинг мулкани талон-торож қилишдан иборат бўлган айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда унинг содир этилиш усулидан (ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва ҳ.к.) қатъи назар, жиноят Жиноят кодекси тегишли моддасининг оғирроқ жазони кўзда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмаслиги судларга тушунтирилсин. Масалан, жиноят жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми билан квалификация қилинганда ЖКнинг ушбу моддаси 1, 2 ёки 3-қисмлари билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди¹.

Худди шундай қоида ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, агар шахс содир этган қилмишда ЖКнинг Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

165-модда. Товламачилик

Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 5-банд, 1-хатбоши.

лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгачан мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқни топширишни, мулкнинг манфаатлар беришни ёхуд мулкнинг йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш. —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп микдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик:

а) жуда кўп микдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Товламачиликнинг **бевосита асосий объекти** талон-торож қилинаётган мол-мулкни тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита **қўшимча объекти** товламачилик натижасида тажовуз қаратилган жабрланувчининг қонун билан қўриқланадиган шахсий ҳуқуқлари ҳисобланади.

Товламачиликнинг қўшимча объекти айбдор томонидан қўлланиладиган рухий зўрликнинг характери билан тавсифланади. Масалан, зўрлик ишлатишда қўлланиладиган таҳдидда фуқаронинг соғлиғини таъминлашга қаратилган, жабрланувчининг сир сақланишини хоҳлайдиган шахсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қимматини таҳқирлайдиган маълум

мотларни ошкор этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар намоён бўлиши мумкин.

2. ЖКнинг 165-моддаси 1-қисмига мувофиқ, товламачилик **предметлари** куйидагилар:

- мол-мулк;
- мол-мулкка бўлган ҳуқуқ (шартнома, товламачининг ёки бошқа шахснинг қарзи борлигини тасдиқловчи тилхат ёки бошқа ҳужжат ёхуд муайян мулкӣ ҳуқуқлар товламачига ёки бошқа шахсга ўтишига асос бўладиган бошқа ҳужжат);
- мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар (ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.);
- мулкӣ манфаатлар (умумӣ мулкдаги улушдан, меросдан воз кечиш ва ҳ.к.).

Товламачиликнинг предмети нафақат мол-мулк, балки унга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, шунингдек мулкӣ манфаатлар ва мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкинлиги мазкур жиноятни талон-торожнинг «классик» шаклларида анча фарқлайди ва уни мазкур гуруҳдан мулкка қарши алоҳида жиноятга ажратишга имкон беради.

3. **Мулк** – муайян жисмонӣ шаклга эга, сезиш мумкин бўлган моддий дунё предметларидир. Шарҳланаётган модда маъносида мулк деганда кўчар ва кўчмас мулк тушунилади.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқ – шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек, ўзининг мулкӣ ҳуқуқи ким томонидан бузилишидан қатъи назар, ўз мулкӣ ҳуқуқлари бузилишининг бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқидир. Товламачиликнинг предмети сифатида кўчар ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ намоён бўлади.

4. **Мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар** деганда, ҳақиқатланиши лозим бўлган ҳар қандай ишларни текинга бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (иморатлар қуриш, уларни таъмирлаш, автомобилларни таъмирлаш, товар-моддий бойликларни ташиб бериш ва ҳ.к.) тушунилади.

Мулкӣ манфаатлар жумласига муайян бир шахсга жабрланувчи такдим этиши ҳуқуқига эга бўлган манфаатлар

(товар-моддий бойликларни навбатсиз сотиш, товарларни қўшимча ҳақ тўламасдан тақдим этиш ва х.к.) киради.

5. Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларини зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, айбдор ўзига ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларга асосан тегишли бўлган мол-мулкни товлаб олганида (масалан, жабрланувчи ушбу мол-мулкни қарзга, кредитга олган ёки у жабрланувчида вақтинча сақланиб турган ва ҳоказо), шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Бундай қилмиш, қонунда назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) деб ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қароридида қўйидагилар алоҳида таъкидлаб ўтилган: «қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳолалиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади»¹.

6. **Объектив томондан** товламачилик жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақлиниши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишда ифодаланади.

ЖКнинг 165-моддаси 1-қисмида кўриб ўтилганидек, товламачилик мураккаб таркибли жиноят бўлиб, бир томондан айбдор мулкдордан бида туриб, ғайриқонуний равишда ўзига ёки у кўрсатган шахсларга муайян мулкни, мулкка бўлган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 12-банд.

хуқуқни топширишни, мулкӣ манфаатлар беришни ёхуд улар фойдасига муайян мулкӣ йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилса, бошқа томондан таҳдидга асосланган руҳий зўрлик ишлатади.

7. **Мулкни бериш талаби** товламачининг жабрланувчидан кўчар ва кўчмас мулкни ёки мулкдан ўз мулкидек фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилишни англатади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк (предмет)ларни товламачилик йўли билан талаб қилиш махсус жиноят таркиби бўлган ЖКнинг 247-моддаси (Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш), 251-моддаси (Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш), 271-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш) билан квалификация қилишга олиб келади.

Мулк ҳуқуқини талаб қилишда айбдор мазкур мулкни унга мулк сифатида бутунлигича беришни талаб қилмасдан, бир вақтнинг ўзида унга бир ёки бир неча мулк ҳуқуқи ваколатларини (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш) беришни талаб қилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, айбдор мулк ҳуқуқини унга тўлиқ ўтказмасдан мулкдорнинг айрим ваколатларини тақдим этишни талаб қилган ҳолларда ҳам ўзгалар мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини талаб қилиш ҳолати мавжуд бўлади.

Мулкӣ йўсинда ҳаракатлар қилиш ёки мулкӣ манфаатлар беришни талаб қилиш деганда, айбдор фойдасига ёки у кўрсатган шахс фойдасига мулкӣ йўсиндаги моддий манфаатлар бериш ёки аниқ моддий хизматлар қилиш «таклифи» назарда тутилади.

8. Барча ҳолатларда талаб тўғридан-тўғри айбдор томонидан амалга оширилиши билан бирга, воситачи орқали, шунингдек, орзаки, телефон, факс, хат орқали ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Товламачи томонидан қўйиладиган талаблар руҳий зўрлик – кўрқитиш билан доимо боғлиқ бўлиши керак.

Қўрқитиш билан амалга оширилмаган талаб товламачилик жинояти таркибини ташкил этмайди.

9. Товламачиликдаги қўрқитишга қуйидаги белгилар хос:

– ўз мазмунига кўра унда жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд улар сир сақлаш лозим деб топган маълумотларни ошкор қилиш нияти билдирилган бўлиши, яъни жабрланувчини қўрқитиш, **иродасини сўндириш воситаси** бўлиши керак;

– таҳдид **реал**, яъни агар жабрланувчи товламачининг талабларини бажармаса, таҳдид амалга оширилиши мумкинлигидан хавотир қилиши лозим. Қўрқитишнинг хусусияти, усули, жойи ва вақти, товламачининг шахси, унинг олдинги хулқ-атвори қўрқитишнинг реаллигидан далолат беради;

– қўрқитиш **келажакда** (дарҳол ёки талабни бажаришдан бош тортганлик учун) **амалга оширилишга** қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятнинг таркиби учун айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам ўз ниятини амалга оширмоқчи бўлган-бўлмаганлиги аҳамият касб этмайди.

Товламачиликни квалификация қилишда таҳдиднинг бевосита мол-мулк эгасига йўналтирилганлиги ёки унинг яқин қариндошларига қаратилганлигининг аҳамияти йўқ.

Жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг хусусияти ва жадаллиги қандай қабул қилинганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Жадаллиги бир хил бўлган таҳдид, жабрланувчиларнинг рухий ҳолати, тарбияси, феъл-атвори, жисмоний хусусиятларидаги фарқлар туфайли, улар томонидан турлича қабул қилинади. Жабрланувчи қандай қабул қилганлигидан қатъи назар, таҳдиднинг кучи ошмайди ва камаймайди, унинг ўзи қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Агар айбдорнинг айтганлари объектив томондан таҳдидни ўз ичига олмаган бўлса, қилмиш товламачилик деб баҳоланиши мумкин эмас.

10. Суд-тергов амалиётида товламачиликни босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) ва талончиликдан (ЖКнинг 166-моддаси) фарқлашда кўп муаммолар мавжуд. Шунини

назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни эгаллаб олиш ёки талон-торож қилинганидан сўнг уни ушлаб қолиш воситаси бўлса, товламачиликда ушбу қўрқитиш жабрланувчининг иродасини сундириш ва уни товламачининг талабларини бажаришга мажбур этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда ўзганинг мулкни эгаллаб олиш қўрқитиш билан бир вақтда содир бўлади, товламачиликда эса, айбдор жабрланувчининг мулкни келажакда қўлга киритади. Агар товламачиликни содир этишда қўрқитиш жабрланувчига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган бўлиб, товламачи ўша вақтдаёқ ўзганинг мулкни талон-торож қилган бўлса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкни товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси) қилиш ва қўрқитишнинг хусусиятига қараб, босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) ёки талончилик (ЖКнинг 166-моддаси) сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак¹.

11. Товламачиликни содир этишда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, уриш, зарба бериш, баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш таҳдиди билан қўрқитиш, агар айбдорнинг талаби бажарилмаса, шундай зўрлик ишлатиш хавфи мавжуд бўлиши тушунилиши керак. ЖКнинг 165-моддаси диспозициясида уларнинг ҳаммаси кўрсатилган ва бундай қилмиш содир этилганида шахсга қарши жиноятлар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди. Товламачиликни содир этишда ўлдириш билан қўрқитишни ҳам ЖКнинг 165-моддаси ўз ичига олади.

12. Мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан қўрқитиш ҳаракатлари моддий қимматликларга зарар етказишга қаратилгандир.

Мулкка шикаст етказиш деганда, жабрланувчининг мулкига зарар етказилиши туфайли, ашёнинг ўз сифатини йўқотиши, яъни ундан ўз вазифасига кўра фойдаланиш учун

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўррилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 4-банд.

вақтинча ёки қисман яроксиз бўлиб қолиши ва уни тиклашга муайян меҳнат ёки маблағ сарфланганидан кейин аввалги кимматига эга бўлиши тушунилади.

Мулкни нобуд қилиш деганда, унинг қайта тиклаб бўлмайдиган ва ундан вазифасига кўра фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирилганлиги тушунилади.

13. Шахс ёки унинг яқин қариндошларини сир сақлашни хоҳлаётган маълумотларни ошкор этиш билан кўрқитиш шантаж деб аталади.

Шахс сир сақланишини хоҳлаётган маълумотлар деганда, фуқаронинг шахсий ҳаёти, унинг иш фаолияти, унинг яқин кишилари, қариндош-уруғлари ҳақидаги ва шу каби ҳар қандай ахборотлар, шунингдек ошкор этилиши шахснинг шаъни ва кадр-кимматига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилиши керак. Шахснинг маълумотларни сир сақлашни хоҳлаган ёки хоҳламаганлиги, алоҳида ҳолда, суд томонидан ҳал этилади. Агар жабрланувчи товламачининг талабларини бажарган бўлса, демак, жабрланувчи ушбу маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлаган.

Маълумотларни **ошкор қилиш** деганда, жабрланувчининг фикрича, ошкор қилиниши номақбул бўлган (масалан, бола фарзандликка олинаши, жабрланувчида муайян касаллик ёки судланганлик бўлиши тўғрисидаги ва ҳоказо) айрим ахборотларни бошқа шахсларга маълум қилиш тушунилади. Айбдор шахс маълумотларни оғзаки, хат, телефон, факс, Интернет тармоғи орқали ва бошқа тарзда ошкор қилиш билан кўрқитиши мумкин. Ушбу маълумотларни ошкор қилиш усули товламачиликнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

14. Жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шаронтга солиб қўйиш деганда, айбдорнинг жабрланувчини ноилложлик туфайли, ўз хоҳишига қарши товламачининг талабларини бажариш (масалан, электр энергиясини узиб қўйиш, газни ўчириб қўйиш, транспорт воситасини бермаслик, нефть маҳсулотлари билан таъминламаслик ва ҳ.к.)га мажбур қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиши тушунилиши лозим.

15. Товламачилик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни топшириш, мулкый манфаатлар бериш ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатларни содир этиш талаб қилинган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади. Айбдорнинг кейинги барча ҳаракатлари кўриб чиқиляётган таркибнинг доираси билан қамраб олинмайди.

16. Агар таҳдид ҳақиқатда амалга оширилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 165-моддаси ва иш ҳолатларига қараб ҳамда тегишли асослар мавжуд бўлганида мазкур таҳдидни амалга оширишда содир этилган ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

17. Товламачиликни **тугалланган** деб топиш учун айбдорга мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқнинг топширилганлиги аҳамиятга эга эмас. Товламачилик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни топшириш, мулкый манфаатлар бериш ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатларни содир этиш талаб қилинган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади. Бунда ушбу талабларнинг бажарилганлиги аҳамият касб этмайди. Аммо, товламачига мулк ёки мулкый ҳуқуқни берган жабрланувчи мулкнинг мулкдори, эгаси бўлмай, унга мазкур мулк ишониб топширилган (сотувчи, кассир) ёки унинг муҳофазасида (қоровул, махсус қуриқлов хизмати) бўлса, бу ҳолда товламачи талабини қондиришга қаратилган ҳаракатлар билан қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкни эгаллаш ўртасида борлиқлик, алоқадорлик мавжуд бўлади. Талон-торож қилинган мулкка нисбатан жабрланувчи ваколатларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра унинг қилмиши ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (агар мулк шахсга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлса) ёки ўғрилиқ (агар мулк шахсга ишониб топширилмаган ёки унинг ихтиёрида бўлмаган бўлса) жинояти таркибини беради. Бу ҳолда жабрланувчининг ҳаракатларида ҳам жиноят аломатлари бўлиши мумкин. Аммо, шахс охириги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлса (товламачи жисмоний зўрлик ишлатган бўлса), мулк ишониб топширилган шахс жавобгарликка тортилмайди.

18. **Субъектив томондан** товламачилик тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор жабрланувчидан мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ўзига ёки бошқа шахсга беришни қўрқитиш билан талаб қилиши асосланмаганлигини ва ғайриқонунийлигини билади. Айбдор ғаразли мотивларга амал қилади ва ашёни ноқонуний равишда қўлга киритиш мақсадини кўзлайди.

19. Жиноятнинг **субъекти** 14 ёшга тўлган, акли расо жисмоний шахсдир.

20. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:**

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп микдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб товламачилик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу белгилар ЖКнинг 164-моддаси шарҳида кўриб чиқилган бўлиб, товламачилик бошқа ҳеч қандай алоҳида хусусиятларга эга эмас. Фақатгина шуни таъкидлаш ўринлики, қилмишни ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми «в» банди билан квалификация қилишда, таҳдидни амалга оширган шахсгина товламачиликнинг бажарувчиси ҳисобланади. Ҳаракатлари шарҳланаётган жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлган (масалан, зўрлик ишлатиш, берилаётган мулкни қабул қилиш, ўзгалар мол-мулкига шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш ва ҳ.к.) шахслар товламачиликнинг ҳам ижрочилари сифатида эътироф этилиши мумкин эмас.

21. ЖКнинг **165-моддаси 3-қисмида:**

а) жуда кўп микдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб товламачилик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Кўрсатилган белгилар ЖКнинг 164-моддаси таҳлил қилинганида кўриб чиқилган эди ва товламачиликка нисбатан ортиқча фарқларга эга эмас.

166-модда. Талончилик

Талончилик, яъни ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Талончиликнинг **бевосита объекти** ўзганинг мол-мулкани муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ва шу мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ҳисобланади. Талончилик ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик билан ёки шундай зўрликни ишлатиш билан қўрқитиш

ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлиб (ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми «а» банди), алоҳида жиноий-ҳуқуқий муҳофаза ҳолларида факультатив объект жабрланувчининг соғлиғи ва дахлсизлиғи ҳам бўлиши мумкин.

2. Айбдор ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқлар асосида ҳам эгалик қилиши мумкин бўлмаган ўзганинг мулки талончиликнинг **предмети** ҳисобланади.

3. **Объектив томондан** талончилик ўзганинг мулкни ошкора талон-торож қилишда ифодаланади. Талончиликнинг объектив томони ижтимоий ҳавфли қилмишни, юзага келган жиноий оқибатни ва улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўз ичига қамраб олади. Мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш усули шарҳланаётган жиноят таркибининг зарурий элементи бўлиб, иккита: объектив ва субъектив хусусиятларга эга.

4. Очикдан-очик талон-торож қилишнинг **объектив хусусияти** айбдор томонидан ўзганинг мулкни мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида ёхуд муҳофазасида бўлган шахсларнинг, ўзганинг мулки талон-торож қилинаётганлигини англаб турган бегона кишиларнинг кўзи олдида талон-торож қилишда намоён бўлади.

Очикдан-очик талон-торож қилишнинг **субъектив хусусияти** шундаки, талончи ўзганинг мулкни очик-ойдин талон-торож қилаётган вақтида ўзининг хатти-ҳаракатлари мулк эгаси томонидан ёхуд мол-мулк тасарруфида бўлган ёки бегона шахслар томонидан кузатиб турилганлигини англайди.

5. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қилмишни талончилик сифатида квалификация қилишда юқоридаги иккита хусусиятнинг биргаликда мавжуд бўлиши талаб этилмайди. Талончиликнинг объектив хусусияти ёрдамчи вазифани бажаради ҳамда қатор ҳолатларда умуман ҳисобга олинмаслиғи ҳам мумкин.

6. Объектив белгилар шароитга қараб ўзгарувчанлик хусусиятини ўзида касб этади. Агар айбдор томонидан ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мол-мулк эгаси ёки бегона шахслар томонидан билиб қилинган бўлса, аммо шунга қарамай, жиноятчи ўзганинг мулкни

тортиб олиш ёки қўлдан бермаслик учун ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитса ёхуд шундай зўрлик ишлатса, айбдорнинг ўғрилиқ сифатида бошланган ҳаракатлари талончиликка айланади ва қилмиш ЖКнинг 166-моддаси бўйича квалификация қилинади. Бироқ, айбдор қўлга тушиб қолишдан қўрқиб, талон-торож қилинган нарсани ташлаб, ходиса жойидан қочиб яширинса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкини ўғирлашга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

7. Агар очикдан-очик ўзганинг мулкини талон-торож қилиш ҳаракатлари бошқа жиноий ҳаракатлар, номусга тегиш, безорилик ва бошқа жиноятлар содир этиш билан боғлиқ равишда содир этилган бўлса, бу ҳолда ҳаракатларни жиноятларнинг жами тариқасида тегишли жиноятлар билан тавсифлаш лозим.

8. Таъкидлаганимиздек, талончилик икки хил кўринишда бўлади: зўрлик ишлатмасдан содир этиладиган (ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми) ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган (ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми «а» банди). Зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончилик учун жавобгарлик ЖКнинг 166-моддаси 1-қисмида назарда тутилган. Шахс мулкни «юлиб» олиб кетса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Масалан, ашёлар солинган сумкани жабрланувчининг қўлидан тортиб олиш, бўйнидан занжирни узиб қочиш, бошидан телпакни юлиб олиш, пештахтадан товарни чангаллаб олиб қочиш ва ҳ.к. Бунда айбдор томонидан мол-мулкни талон-торож қилиш учун ҳеч қандай зўрлик ишлатилмайди.

9. Ўзганинг мол-мулки талон-торож қилинган ва айбдорда талон-торож қилинган мол-мулкни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан эътиборан талончилик **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** талончилик туғри қасд ва ғаразли мақсад билан содир этилади. Жиноятчи талончиликни содир эта туриб, ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-торож қилиш ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ҳамда ушбу қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларини олдиндан билади ва шундай оқибат келиб чиқишини хоҳлайди.

11. 14 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс шарҳланаётган Жиноятнинг субъекти бўлади.

12. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисми**да:

а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб талончилик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

13. **Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш** деганда, баданга енгил шикаст етказиш тушунилиши лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин¹. Жабрланувчини зўрлик ишлатиб хонага қамаб, боғлаб қўйиш, оёзига латта тикиб қўйиш ва х.к. шулар жумласидандир.

Айбдор жабрланувчи билан тўқнашмаслик, унинг мол-мулкни тортиб олишига тўсқинлик қилишининг олдини олиш мақсадида, зўрлик ишлатмасдан эркинликдан маҳрум этса (айбдор турган хона эшигини қулфлаб қўйса), айбдорнинг ҳаракатлари зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончиликни вужудга келтиради (ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми).

14. **Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш** жабрланувчини мол-мулкни беришга ёки унинг талон-торож қилинишига тўсқинлик қилмасликка мажбур қилиш мақсадида унга рухий таъсир кўрсатишдан иборатдир. Талончиликда қўрқитиш ҳақиқатда мавжуд ва реал бўлиб, жабрланувчи, ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрликка дучор бўлиш хавфини ўз ичига қамраб олиши лозим. Агарда, қўрқитишнинг ҳолати, уни амалга ошириш реаллиғи жабрланувчига унга нисбатан ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатилиши тўғрисида ўйлаш

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўррилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 3-банд, 2-хатбоши.

учун асос берадиган бўлса, қилмишни босқинчилик сифатида квалификация қилиш лозим.

15. Талончиликдаги зўрлик ёки уни ишлатиш билан кўрkitиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки қўриқловида бўлган шахсга нисбатан ҳам, ўзганинг мулкига очикдан-очик эгалик қилишга қаршилиқ килувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкин.

16. ЖКнинг **166-моддаси 2-қисми**да белгиланган бошқа квалификация қилиш белгилари ЖКнинг 164-моддаси шарҳида ўрганилган эди ва шарҳланаётган жиноятда ишлатилиши бўйича ҳеч қандай ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

17. ЖКнинг **166-моддаси 3-қисми**да:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда талончилик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган. (*Ушбу белгиларни ЖКнинг 164-моддасини таҳлил қилганимизда батафсил шарҳлаган эдик*).

18. ЖКнинг **166-моддаси 4-қисми**да:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, талончилик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Талончиликнинг курсатилган ўта оғирлаштирувчи ҳолатлари ЖКнинг 164-моддасида таҳлил этилган эди.

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан содир

этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Ҳар қандай мулк, шунингдек, қимматли қорозлар ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти **предмети** ҳисобланади ва айбдор мулкка нисбатан алоҳида ҳуқуқий муносабатда бўлади, яъни мулк айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлади ва вужудга келган имкониятдан фойдаланиб, уни талон-торож қилади.

Айбдорга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк – мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топширик муносабати билан ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг (масалан, омбор мудири, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) эгаллигида бўлган мулк.

3. Объектив томондан жиноят айбдорга ишониб топширилган ёки унинг эгаллигида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан шу муносабат билан белгилаб ўтилганидек, мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозим.

Юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк сақланидиган жойга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзгалар мулкнинг талон-торож қилиниши ўғирлик деб тавсифланиши керак¹.

4. Ўзлаштириш айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ҳуқуққа хилоф, бепул ушлаб қолиш ва кейинчалик мулкдорга ёки бу мулкнинг бошқа эгасига мулкий зарар етказган ҳолда ўз фойдасига ёки бошқа шахсларнинг фойдасига қаратишда ифодаланувчи, агар айбдор мазкур мулкни хали сарфламаган ёки бегоналаштиришни амалга оширмаган бўлса, талон-торожнинг бир шакли ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иктисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 3-банд, 2 ва 3-хатбошилари.

Мулкни ушлаб қолиш уни қонуний эгасига қайтариш тўғрисидаги талабларни бажармасликда, шу мулкни тафтиш вақтида тақдим этмасликда ифодаланади. Шахс бундай ҳолларда ундан ўз мулкидай фойдаланади.

Талон-торожнинг ўзлаштириш шакли мулк ушлаб қолинган пайтдан эътиборан, яъни ўзганинг мулкига ғайриқонуний равишда ўзиникидек эгалик қилинган пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

5. **Растрата** айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни мулкдор ёки мулкнинг бошқа эгаларига зарар етказган ҳолда, агар айбдор талон-торож ҳодисаси аниқланган пайтга қадар кўрсатилган мулкни бегоналаштиришни амалга ошириб бўлган бўлса, ўзининг фойдасига ёки бошқа шахсларнинг фойдасига ғайриқонуний равишда, текинга қаратишида ифодаланувчи талон-торожнинг бир шакли ҳисобланади.

Растрата айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида турган мол-мулк бегоналаштирилган (масалан, сарфлаб юборилган, сотилган, ҳадя қилинган, истеъмол қилинган ва ҳ.к.) пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

Талон-торожнинг растрата шакли ўзлаштиришдан шу билан фарқ қиладики, ўзлаштиришда талон-торож қилинган мулк қонуний эгасига қайтарилиши мумкин, растратада талон-торож қилинган мулк айбдорда бўлмайди, у сотилган, ҳадя қилинган, истеъмол қилинган бўлиши мумкин, яъни мулк эгасига талон-торож қилинган мулкнинг фақат қийматини қайтариш имконияти мавжуд бўлади.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан ва ғараз мақсадларда содир этилади. Яъни, шахс ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини англайди ва улар амалга оширилишини хоҳлайди. Айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги ғаразли мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** махсус, яъни ўзганинг мулки ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган 16 ёшга тулган, ақли расо жисмоний шахслардир.

Амалиёт кўрсатишича, аксарият ҳолларда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг субъекти вояга етган шахс бўлади. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ эмансипация қилинган шахслар, шунингдек 18 ёшга тулмаган, бироқ уларга ишониб топширилган ўзганинг мол-мулкани сақлаш ёки у билан бошқа операцияларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа тоифадаги шахслар бундан мустаснодир.

Қоидага кўра, мулк ишониб топширилган ёхуд ихтиёрида мулк турган шахслар моддий жавобгар шахслар (яъни, товар-моддий бойликлари бевосита ишониб топширилган ва шу сабабли уларга нисбатан доимий равишда ёки вақтинча муайян ваколатларни амалга оширадиган шахслар) ҳисобланадилар, аммо бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Мулк ҳар қандай шахсга ишониб топширилиши мумкин бўлиб, унга турли битимлар асосида (масалан, ижара, кира, сақлаш, ташиш шартномалари ва ҳ.к. асосида) шу мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элиб қўйиш ёки сақлаш бўйича ҳуқуқлар, ваколатлар берилиши мумкин. Шу сабабли, айбдор шахслар ўзларига ишониб топширилган мулкни ўзлаштирадилар ёки растрата қилсалар, уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.

8. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни ўхшаш қилмишлардан, хусусан, вақтинчалик қарзга олиш, ўзганинг мол-мулкани ўғирлаш ва фирибгарликдан фарқлашда муайян қийинчиликлар мавжуд.

Ўзга мол-мулкнинг ғайриқонуний бепул олинishi, яъни унинг талон-торож қилиниши билан тавсифланадиган ўзлаштириш ёки растратадан фарқли уларок, вақтинчалик қарзга олишда шахс унга ишониб топширилган моддий бойликлар ёки пуллардан фойдаланганда мазкур мулкни кейинчалик мулкдорга қайтариш ёки унинг қийматини қоплаш нияти билан ҳаракат қилади. Масалан, кассир пулларни аста-секин қайтармоқчи бўлиб, кассадан ўзига хос қарзни олади ёки сотувчи ўзи ишлаётган дўконидан ашё ёки буюмларни олиб, иш ҳақини олганидан кейин улар учун ҳақ тулашни мўлжаллайди.

9. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни ўзганинг мол-мулкни ўғирлашдан фарқлашда Жиноятнинг субъектининг талон-торож қилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий ваколатини тўғри аниқлаш зарур. Ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда, мулк айбдорга ишониб топширилган бўлиб, унинг ихтиёрида туради ва айбдор шахс мол-мулкни тарқатиш, бошқариш, ташиш ёки сақлаш бўйича ҳуқуқий ваколатларга эга бўлади. Ўғрилик йўли билан талон-торожни содир этишда эса, шахснинг талон-торож қилинган мол-мулкка ҳеч қандай алоқаси бўлмайдиган ёхуд ишлаб чиқариш зарурати, топширилган иш муносабати билан ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади, холос (масалан, бугдой ўраётган комбайнчи, корхоналардаги юкчилар, ҳайдовчилар ва ҳ.к.).

Бундан ташқари, ўғриликда мулкдор ваколатларининг учтаси ҳам, ўзлаштириш ёки растратада эса, фақат иккитаси, яъни мол-мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатлари бузилади. Эгалик қилиш ваколатидан эса, субъект қонуний асосларда фойдаланади, чунки тегишли мол-мулк унга ишониб топширилади.

10. Шарҳланаётган жиноят ва фирибгарликнинг (ЖКнинг 168-моддаси) ўхшаш хусусияти шундан иборатки, иккала жиноятни содир этишда ҳам жабрланувчи ўз мулкни жиноятчига ихтиёрий равишда беради. Иккала ҳолатда ҳам мулкдор ёки мол-мулк бошқа қонуний эгасининг ишончи суиистеъмол қилинади. Кўрсатилган жиноят таркиблари ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ўзлаштириш ёки растратада мол-мулк айбдорга қонуний асосларга кўра тақдим этилади, бунда битим ўзининг шакли бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам қонуний тусга эга бўлади, фирибгарликда эса, мол-мулк айбдорга алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш натижасида ўтади. Бундан ташқари, ўзлаштириш ёки растратада ўтказилган мол-мулкни қўлга киритишга суиистеъмол мазкур мол-мулк қонуний асосларга кўра айбдорнинг эгалигида бўлган вақтда, фирибгарликда эса, мол-мулк айбдорга ўтказилишидан олдин вужудга келади.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) қўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

д) мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-торож қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

12. Амалиётда ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-торож қилишни такроран содир этишни квалификация қилишда баъзи бир қийинчиликлар вужудга келади. **Такрорийлик**ни ягона жиноят ҳисобланувчи давомли талон-торож қилишдан фарқлаш лозим.

Умумий мақсадга эга бўлган ва талон-торож қилаётган шахснинг ягона қасди билан қамраб олинган, бир-бирига ўхшаш жиной қилмишлардан иборат бўлган ўзганинг мулки бир неча ҳаракат билан олиниши **давомли талон-торож қилиш** деб топилади (масалан, омбор мудирини омборда сақланаётган товар-моддий бойликларни ҳар куни ўзлаштиради). Шундай қилиб, айбдор шахс қасдининг ягоналиги, талон-торож қилинаётган манбанинг ягоналиги, талон-торож усулининг бир хил эканлиги давомли талон-торож қилишнинг аломатлари ҳисобланади.

13. Айбдор шахсларни ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «в» банди бўйича квалификация қилиш учун жиноятнинг барча иштирокчилари мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрига берилган шахслар бўлиши лозим. Агар талон-торож қилишнинг иштирокчиларидан биттаси мулк ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган шахс бўлиб, қолганлари бундай ваколатларга эга бўлмаган шахслар бўлса, унда жиноятчиларнинг ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг «в» банди бўйича квалификация қилиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда мулк ишониб топширилган ёки уни бошқарувчи шахс қилмиши ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми бўйича, қолган иштирокчиларнинг жиной ҳаракатлари эса, ЖКнинг 28-моддаси тегишли қисмига ҳавола қилган ҳолда ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

14. Мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш деганда, мансабдор шахс томонидан ўзганинг мулкани эгаллашда ўз мансаб ваколатларидан фойдаланишини тушуниш керак. Шундай қилиб, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди жиноятининг субъекти мансабдор шахс ҳисобланади. Мансабдор шахс тушунчаси ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таъкидлаб ўтганидек, «Мансабдор шахснинг ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда қайтариб бермаслик шарти билан ғараз ниятда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахсларнинг мулкига айлантиришида ифодаланувчи мансаб ваколатларини сунистеъмом қилиши талон-торож қилиш деб қаралиши ва Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан тавсифланиши лозим.

Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, агар ўзгалар мулканинг ғайриқонуний равишда текинга айбдорнинг мулкига айлантириш мақсади билан олиб қўйилганлиги аниқланмаган бўлиб, лекин бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлган тақдирда, бундай ҳаракатлар (масалан, товар-моддий бойликларининг камомади ёки уни яшириш ҳолатининг ўзигина; ўзганинг мулкидан ўзиникига айлантириб олиш мақсадисиз вақтинча фойдаланиш, ўзганинг мулкани қарзга бериб юбориш ва х.к.) талон-торож қилиш деб тавсифланиши мумкин эмас. Етарли асослар мавжуд бўлганда, кўрсатилган ҳаракатлар мансаб ваколатларини сунистеъмом қилиш деб тавсифланиши керак»¹.

15. Мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш орқали талон-торож қилишда мансабдор шахснинг талон-торож қилинган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий муносабатининг қуйидаги вариантлари мавжуд бўлиши мумкин:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори, 4-банд.

– мол-мулк мансабдор шахсга муайян мақсадларда ишониб топширилган;

– мол-мулк мансабдор шахсга ишониб топширилмасдан, унинг бошқа-рувидагина бўлган;

– мол-мулк мансабдор шахсга ишониб топширилмаган ва унинг бошқа-рувида бўлмаган.

Юқорида кўрсатилган талон-торож турларидан иккитаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан содир этилади, шунинг учун ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди билан квалификация қилинади. Учинчи тури эса, ўзганинг мулкни олиш усулига боғлиқ равишда талон-торож қилишнинг бошқа шакл-лари учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар бўйича квалификация қилинади.

16. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата турларидан яна бири қилинган ишларнинг ҳажмини ошириб кўрсатиш орқали улар томонидан қўшимча олинган пул маблағларини ишчилардан олиш. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган жиноятлар таркибини тўлиқ камраб олади ва ЖКнинг 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

17. Агар мансабдор шахс расмий ҳужжатларга била туриб, ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритиш, уларни қалбакилаштириш ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиш орқали талон-торожни содир этса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича квалификация қилиниши лозим, чунки мазкур ҳолатларда мансаб сохта-корлиги ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилишнинг усули ҳисобланади. Агар мансаб сохтакорлиги содир этилган талон-торожни яшириш мақсадида содир этилаётган бўлса, мазкур ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 167-моддаси ва 209-моддаси (Мансаб сохта-корлиги) билан квалификация қилиниши зарур.

18. Шахс томонидан ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали содир этилган талон-торожни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) ва ҳокимият

ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишдан (ЖКнинг 206-моддаси) ажратиш керак. Субъект ўз мансаб ваколатини суниистеъмол қилганида ҳар доим ҳам ғараз мотивлар билан ҳаракат қилмайди, у бошқа шахсий манфаатдорликдан ўз мансаб ваколатини ишлатиши мумкин (масалан, уруғлик муносабатлар, шухратпарастлик ва х.к.). Шу муносабат билан, айбдорда ғаразли мақсадлар аниқланмаганда, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди.

Ғаразли мотивлар мавжудлигида фарқлаш объектив томон белгилари бўйича амалга оширилиши лозим. Мансаб ваколатини суниистеъмол қилиш ёки унинг доирасидан четга чиқишда айбдорнинг ҳаракатлари унга ишониб топширилган мол-мулкни ўзининг фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ғайриқонуний олиб қўйиш билан боғлиқ эмас. Мазкур ҳолатда моддий зарар мол-мулкни ўз фойдасига ўтказмаган ҳолда бой берилган фойдада ҳам, тўғридан-тўғри ҳақиқий зарарда ҳам ифодаланмади (масалан, солиқни тўлашдан бўйин товлаш, ишчи кучидан ёки давлат ёхуд жамоат транспортдан фойдаланиш ҳаракатлари орқали моддий фойда тўплаши, агар мансабдор шахс ҳаракатлари ўзганинг мулкни ўзининг фойдасига айлантириш билан боғлиқ бўлмаса, маблағларни турли хил «тадбирлар» ўтказиш учун сарфлаш ва х.к.).

19. ЖКнинг **167-моддаси 3-қисмида:**

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-торож қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шу модданинг 3-қисми «а», «б» ва «в» бандларида кўрсатилган белгилар юқорида кўриб чиқилган босқинчиликни квалификация қилиш таркиби белгилари билан ўхшашдир (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

20. **Компьютер воситалари** инсоният томонидан эришилган энг улкан ютуқлардан бири бўлиб, ҳозир ҳеч

қайси ташкилот, муассаса ва корхоналар уларсиз фаолият юритмайди. Компьютер воситалари ҳозирги вақтда илмий-техник жараёнда энг кенг ривожланаётган соҳадир. ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг «г» бандида барча компьютер воситалари эмас, балки улардан фойдаланиш жиноятчига ўзининг қасд мақсадларига эришишига ёрдам берадиган қисмигина назарда тутилган.

21. **Компьютер техникаси воситаларини** иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- аппарат воситалари;
- дастур воситалари.

Аппарат воситалари – бу маълумотларни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган техник воситалар. Уларга шахсий компьютер (санок ва ахборот масалаларини ечиш жараёнида маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш учун мўлжалланган техник воситаларнинг йиғиндиси), периферия ускуналари (марказий процессорнинг бевосита бошқарувига қармайдиган, ЭҲМнинг ташқи воситалари йиғиндисидир) ва машина ахборотларининг моддий ташувчилари (дискетлар, кассеталар, лазер дисклар ва бошқалар) қиради.

Дастур воситалари – бу муайян натижага эришиш мақсадида, компьютер ва аппарат воситаларини бошқаришга мўлжалланган маълумотлар ҳамда буйруқлар йиғиндисини ифода этувчи объектив шакл, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва улар ёрдамида шакллантириладиган аудио-визуал тасвирларни қайд этган моддий ташувчи материаллардир. Уларга қуйидагилар қиради:

– **система дастурларидан иборат** (операцион система ва техник хизмат курсатиш дастурлари) **дастурий таъминотлар** (бошқарувчи ва қайта ишловчи дастурлар йиғиндиси), **қўшимча дастурлар** (муайян турдаги масалаларни ечишга мўлжалланган дастурлар, масалан, матн муҳаррирлари, антивирус дастурлари ва ҳоказо), шунингдек, **жиҳоз дастурлари** (дастурлаш тилларидан иборат дастурлаш системалари: Turbo C, Microsoft Basic ва бошқалар) ҳамда **таржимонлар** – (алгоритмик ва белгили тиллардан машина кодларига автоматик таржимани таъминлайдиган дастурлар йиғиндиси);

– фойдаланувчи ва компьютер эгасининг машина маълумотлари.

Компьютер техникасининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтда фойдаланилади ва алоҳида ишлатилиб бўлмайди, чунки улар махсус яратилган ва бир-бирини тўлдириб туради.

22. **Компьютер техника воситаларидан фойдаланиш.** мулкни ўзлаштириш учун зарур бўлган (масалан, товар-транспорт юк хати) қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш, ташкилот ҳисобрақамидан айбдорнинг ҳисобига пул ўтказиш учун тармоқ компьютер воситаларидан фойдаланиш шаклида ифодаланади.

23. Компьютер техникаси воситаларидан қалбаки ҳужжатларни ёки бошқа ижтимоий ҳавфли қилмишларни содир этишда фойдаланилса, унда бу ҳаракатлар ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «г» банди таркибини тўлиқ қамраб олмайди ва жиноятларнинг мажмуи бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилинади.

Агар мансабдор шахс ўзи содир этган ўзлаштириш ёки растратани енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб расмий ҳужжатларга ёлғон маълумотлар киритган бўлса, унда қилмиш, бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «г» банди ва 209-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

24. Шунинг қайд этиш лозимки, гуруҳ томонидан содир этилган талон-торож қилишларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Чунки, ушбу жиноят махсус субъект (мансабдор шахс) томонидан содир этилиши мумкин, мансабдор ҳисобланмайдиган, шунингдек, мулк ишониб топширилмаган ёки бошқарувига берилмаган, лекин талон-торож қилишда иштирок этган шахслар ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «г» банди ЖКнинг 28-моддасига ҳавола этиш орқали квалификация қилинади. Бироқ, мансабдор шахс томонидан жиноят уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилган бўлса, мансабдор шахс билан бирга бундай гуруҳнинг

барча иштирокчилари Жиноят кодексининг анча оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи 167-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан жавобгарликка тортилиши лозим. Ҳукмнинг баён қисмида ҳар бир айб-ланувчига нисбатан барча моддалар ва барча белгилар бўйича қилмиш тулиқ квалификация қилиниши лозим.

25. Агар жиноят туфайли келтирилган моддий зарар тулиқ равишда қопланса, айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди (ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми).

168-модда. Фирибгарлик

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмоқ қилиш йўли билан узганинг мулкини ёки узганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса;

г) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ётказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суистеъмор қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради¹.

Фирибгарликнинг **объекти** ўзганинг мулки ёки мулккий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

2. Фирибгарликнинг **предмети** ўзганинг мулки ёки юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ турли хил

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори. 3-банд.

хужжатларда, масалан, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, васиятнома, сугурта полиси, турли хил қимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Амалиёт кўрсатишича, айнан мулкка бўлган ҳуқуқларни, шу жумладан, уларнинг сотиб олинишини мустаҳкамлайдиган хужжатлар турли фирибгар операцияларнинг предмети бўлади. Талон-торожнинг предмети, шу жумладан, қимматли қоғозлар тушунчаси юқорида батафсил таҳлил қилинди.

3. **Объектив томондан** фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулккий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни «ихтиёрий» равишда бериш ёки бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради.

4. **Фирибгарликда алдаш деганда**, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 4-банд.



5. **Алдаш** биринчи навбатда шахснинг онгли равишда ўзгага нотўғри маълумотларни тарқатишида ифодаланади. У нафақат ёлғон маълумотларни тақдим этишни («фаол» алдаш), балки ҳақиқатни ёки бошқа маълумотларни яширишни («пассив» алдаш) ўз ичига қамраб олади. Кўпинча алдашнинг мазмунига нафақат «келгуси замоннинг» фактларини бузиб кўрсатишдан, балки бир вақтнинг ўзида келгуси замонда ўзининг ҳақиқий ниятлар тўғрисида ёлғон маълумотлар тақдим этишдан иборат бўлган ёлғон ваъдалар қиради.

Бунда алдаш усуллари турли хил бўлиши мумкин. Алдаш оғзаки, ёзма бўлиши, шунингдек ўзгалар мол-мулкни ёки қандайдир моддий бойликларни қўлга киритиш мақсадида турли ҳаракатларни содир этишда (бир даста қалбаки пулларни бериш, карта ўйнашда фирромлик йўлларидан фойдаланиш, ЭХМ дастурига нотўғри маълумотларни киритиш ва х.к.) ва муайян бир ҳужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланиши мумкин.

6. Шуни инобатга олиш лозимки, айбдор фирибгарликни содир этишда сохта ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва у ЖКнинг 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги) ёки 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Бирок, фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш мақсадида айбдор шахснинг ўзи ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрласа, уларни қалбакилаштиради, унинг қилмишлари жиноятлар жами бўйича ЖКнинг 168 ва 228-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (пенсия гувоҳномаси, касаллик варақаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-торож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс нафақат ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-торож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

7. Фирибгарлик ҳаракатларини содир этишда айбдор ўзини бошқа шахс сифатида (давлат ҳокимият органи расмий вакили кийимини кийиш ёки ҳокимият вакилининг гувоҳномасини қалбакилаштириш) намоён қилиш орқали ўзганинг мулкни қўлга киритиши мумкин.

8. Амалиётда фирибгарликни иктисодиёт асосларига қарши қаратилган алдов йўли билан содир этиладиган сохта тадбиркорлик (ЖКнинг 179-моддаси) ва сохта банкротлик (ЖКнинг 180-моддаси) каби жиноятлар билан фарқлаш зарурияти юзага келади. Бу каби чегара ва фарқларни жиноятлар объектлари орқали аниқлаш мумкин. Демак, фирибгарлик фақатгина ўзганинг мулкига қарши қаратилган бир объектли жиноят ҳисобланса, иктисодиёт асосларига қарши жиноятлар бир вақтнинг ўзида иккита объект, яъни ўзганинг мулки билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият олиб бориши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга ҳам зарар етказишга қаратилган бўлади.

9. Фирибгарликда **ишончни сунистеъмол қилиш деганда**, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин¹.

10. «Судларга тушунтирилсинки, фирибгарликда алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни айбдор мулкдорлиги ёки эгалигига ихтиёрий равишда берадиган ақли расо шахсга нисбатан содир этилган бўлиши шарт. Айбдор томонидан, била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, кичик ёшдаги болалиги (14 ёшга тулмаганлиги),

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 5-банд.



кузи ожизлиги, рухий жиҳатдан норасолиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тарикасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим, чунки бундай ҳолларда шахс мулк унинг эгалигидан чиқиб кетаётганлигини англамайди¹.

11. Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан **тугалланган** деб топиш лозим.

Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кучмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) **тугалланган** ҳисобланади².

12. Фирибгарликда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни айбдор мулкдорлиги ёки эгалигига ихтиёрий равишда берадиган ақли расо шахсга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 6-банд.

² Ўша манба, 7-банд.

нисбатан содир этилган бўлиши шарт. Айбдор томонидан, била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, кичик ёшдаги болалиги (14 ёшга тўлмаганлиги), кўзи ожизлиги, рухий жиҳатдан норасолиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим, чунки бундай ҳолларда шахс мулк унинг эгалигидан чиқиб кетаётганлигини англамайди¹.

13. Агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўзганинг мулкни талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкilot) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкин. Қайд этилган ҳолатлар ўз ўзидан шахсни фирибгарлик содир этишда айбдор деб топиш учун асос бўлмайди, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт².

Агар ўзганинг мулкни эгаллашга нисбатан қасд айбдорда мулк қабул қилингандан кейин юзага келган бўлса, шахснинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этмайди ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 6-банд.

² Уша манба, 8-банд.



муайян ҳолатларни инobatга олган ҳолда ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш (масалан, шахснинг ўзига хўжалик юритиш, оператив бошқариш, ишончли бошқариш, етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш ва ҳ.к. мақсадида қонуний берилган мулкни қонунга хилоф тарзда ва ҳақини тўламай ўзининг ёки бошқа шахснинг мулкдорлигига қаратиши) сифатида баҳоланиши лозим.

Агар шахс ўз зиммасига олган мажбуриятларини уни ижро этиш жараёнида айрим объектив сабабларга кўра (масалан, мулкий ночорлиги, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, оғир касаллиги, фавқулodда ҳолат туфайли) бажара олмаса ёки ўзганинг мулкни эгаллашга нисбатан қасд мавжудлигини исботлашнинг имкони бўлмаса, бундай ҳолатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо сифатида баҳоланиб, фуқаролик, иқтисодий суд иши юритуви тартибида ҳал этилади¹.

14. Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномаларга асосланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ҳам, бундай ҳолда ўзгалар мулкни эгаллашда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмаганлиги туфайли фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки мулк битим, шартнома бўйича бир тарафдан иккинчи тарафга, жумладан тарафлар учун ўзаро моддий манфаатни назарда тутувчи муайян шартлар билан берилади. Агар битим, шартнома шартлари бажарилмаса, қонунга кўра (ФК 2, 9, 24-боблари, ФПК II бўлимининг 2-кичик бўлими, ИПК 18-боби) бузилган ҳуқуқ фақат фуқаролик ишлари бўйича суд ёки иқтисодий суд томонидан тикланиши мумкин бўлиб, уларда мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситалар мавжуд.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 8-банд.

Шу муносабат билан, қонун талабларига мувофиқ тузилган фуқаролик-ҳуқуқий битим, шартнома бўйича жиноят белгилари мавжуд бўлмаган барча ҳолларда, низо фуқаролик, иқтисодий ишлар бўйича суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Тушунтирилсинки, агар битим, шартнома тузилиши пайтида тарафлар хоҳиш-иродаси эркин ифода этилган бўлиб, унинг шаклига нисбатан Фуқаролик кодексида белгиланган қуйидаги талаблар бажарилган бўлса, у қонун талабларига мувофиқ тузилган ҳисобланади, яъни:

оғзаки шакл – тузилаётган вақтнинг узидаёқ бажариладиган (жетон, патта, квитанция ва ҳ.к. олиш пайтида) битим, ҳады шартномаси ёки фуқаролар ўртасида тузиладиган қарз шартномаси (агар шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаса) тузилаётганда;

оддий ёзма шакл (тилхат, хат, ҳужжатлар ва ҳ.к.) – қуйидаги шартномалар: гаров, кафиллик, зақалат, маҳсулот етказиб бериш, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, ҳады (агар ҳады берувчи юридик шахс бўлса ёки шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса), мулк ижараси (агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса), прокат, юридик шахслар ўртасидаги бино ижараси, лизинг, юридик шахслар ўртасидаги уй-жой ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ташиш, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси (агар шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлса), кредит, банк омонати, топширик, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, омонат сақлаш, суғурта тузилаётганда;

нотариал тасдиқланган шакл – қуйидаги шартномалар: давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этиладиган автомобилотранспорт, ер участкаси, бошқа кўчмас мулк олди-сотдиси, айирбошлаш, кўчмас мулк ва автомобилотранспорт ҳадыси, рента, уй-жой (квартирани) бошқа шахсга бериш, кўчмас мулк ижараси, корхона, автомобилотранспорт воситалари

бино (фуқаролар ўртасида) ижараси, фуқаролар ўртасидаги уй-жой ижараси тузилаётганда¹.

15. **Субъектив томондан** фирибгарлик тўғри қасд ва гараз мақсад билан содир этилади. Шахс ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалғитаётганлигини ёки била туриб ишончини сунистеъмом қилаётганлигини англаб етади ва бунинг содир этилишини хоҳлайди. «Бу ўринда ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсади нафақат мулккий битимларни амалга оширишдан олдин, балки уларни бажариш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги эътиборга олинishi лозим. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, узрли сабабларга кура қарзни ўз вақтида қайтармаган ва ўзганинг мулкини текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди»².

Агар қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномалар юзасидан низони судда кўриш натижалари бўйича жавобгарда ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни эгаллашдан олдинроқ пайдо бўлганлиги аниқланса, суд манфаатдор тарафларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жинойт тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиради.

16. Қонун талабларига мувофиқ тузилган битимлар, шартномалардан келиб чиқадиган аризалар судни четлаб суриштирув, дастлабки тергов органларига тушганда, улар ЖПК 329–330-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиши ва жинойт белгилари мавжуд бўлмаган тақдирда, манфаатдор шахсларга низо фуқаролик суд иши юритуви тартибида ҳал этилиши зарурлиги тушунтирилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, суднинг айнан бир масала бўйича фуқаролик, иқтисодий суд иши юритиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 35-сонли қарори, 9-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодий соҳасида жинойт ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори, 13-банд.

тартибида чиқарилиб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг мавжудлиги, ЖК 168-моддаси билан жиноят иши кўзғатилишига ва унинг жиноят судлов ишини юритиш тартибида қўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

17. Ижтимоий тўлов, нафақа, бошқа пул тўловлари (масалан, компенсациялар, суғурта тўловлари)ни ёки бошқа мулкни тегишли қарор қабул қилишга ваколатли ижро ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, муассаса ёки ташкилотларга, қонунга қўра тўловлар ёки мулкни олиш учун асос бўладиган ҳолатлар мавжудлиги (жумладан, олувчининг шахси, ногиронлиги, боқимандалари борлиги, уруш ҳаракатларида қатнашганлиги, ишга жойлаштириш имконияти йўқлиги, суғурта ходисаси рўй берганлиги) тўғрисида била туриб, ёлғон маълумотлар тақдим этиш йўли билан олиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ижтимоий тўлов, нафақа ёки бошқа пул тўловларини мазкур тўловларни олиш учун қонуний асослар тугаганлиги тўғрисида тегишли органларга қасддан хабар бермай, уларни олишни давом эттирган шахснинг ҳаракатлари ҳам шу тарзда квалификация қилиниши керак.

18. Фирибгарлик жиноятдан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш жиноятини (ЖК 170-моддаси) фарқлаш лозим, чунки бундай ҳолда шахс ўзганинг мулкани бевосита олиб қўймасдан ва унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлмасдан, қонунга (шартномага) қўра мулкдор эгаллиги ёки тасарруфига ўтиши лозим бўлган товар-пул қимматликларини ўзлаштиради ва улар ҳисобига бойийди (масалан, автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш шохобчаси ходими нарядда кўрсатилмаган ишларни бажариб ёки вагон кузатувчиси йўловчини чиптасиз ташиб, мижоздан олинган ҳақни ўзлаштиради, босмаҳона бош инженери буюртма қилинган маҳсулотнинг ҳисобга олинмаган тиражи учун олинган ҳақни ўз мулкдорлигига қаратади ва ҳ.к.).

19. Агар алдов шахс томонидан ўзганинг мулкани қўлга киритишни енгиллатиш мақсадида ишлатилган бўлиб, мулкни олиб қўйиш жараёнида мулкдор, мулк эгаси ёки бошқа шахс

унинг асл ниятини сезиб қолган, айбдор бунни англасада, бироқ мулкдор ёки мулк эгасининг эркига зид равишда мулкни ушлаб туришни давом эттирган бўлса, қилмиш талончилик, мулкдор ёки мулк эгасига билдирмасдан мулк билан яширинган ҳолларда эса, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

20. Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилотлар, мулкни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлиги, фақат, талон-торож қилинган мулк суммаси МЖТК 61-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган ҳолдагина келиб чиқади (жумладан квалификацияловчи белгилар мавжуд бўлганда ҳам).

Агар корхона, муассаса, ташкилотларнинг фирибгарлик йўли билан талон-торож қилинган мулки суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг МЖТК 61-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган миқдоридан ошмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож суммаси кўрсатилган миқдордан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Бунда оз миқдорда талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмайди.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, МЖТК 61-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ устав фондида давлат улуши бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари уларнинг мол-мулкни фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилганда, фақат уларнинг раҳбари, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка тортилиши мумкин.

21. Шунинг таъкидлаш жоизки, қонунга кўра фуқаролар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-торож миқдоридан қатъий назар келиб чиқади. Айтиш пайтда, талон-торож миқдори базавий ҳисоблаш миқдори миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчи (судланувчи)нинг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларини қўллаш масаласини муҳокама этишлари шарт.

22. Жиноят предмети бўлган мулкнинг қийматини аниқлашда, унинг мулкдор томонидан қай йўсинда сотиб олинганлигига қараб, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли хужжатлар билан тасдиқланган чакана, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Нарх мавжуд бўлмаганда ва талон-торож миқдори тўғрисида низо келиб чиққан ҳолларда, мулк қиймати эксперт хулосасига асосан аниқланади.

Айбдор томонидан талон-торожни яшириш мақсадида талон-торож қилинган мулк ўрнига бошқа, қиймати камроқ мулк алмаштириб қўйилган ҳолларда ҳам қилмиш талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади. Бунда талон-торож қилинган мулк ўрнига тақдим этилган мулк қиймати айбдордан моддий зарарни ундириш, шунингдек жазо тури ва миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

23. Айбдорнинг ҳаракатларида кўп ёки жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этилиши каби квалификацияловчи белги мавжудлиги тўғрисидаги масала ЖК саккизинчи бўлимида баён этилган тушунтиришларга мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Бир неча эпизоддан иборат умумий қасд ва ягона мақсадга йўналтирилган давомли фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда судлар талон-торож миқдорини жами талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқлашлари керак.

Агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар биринида ўзганинг мулкни олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъи назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

24. Судларга тушунтирилсинки, қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти ҳужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилинади.

Шахс фирибгарлик мақсадида ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўзганинг мулкни ололмай ёки мулкка нисбатан ҳуқуққа эга бўлолмай қолган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 25-моддаси иккинчи қисми, ЖК 168-моддаси ва ЖК 228-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади.

25. Фирибгарликни иқтисодиёт соҳасидаги қатор жиноятлардан, шу жумладан, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан фарқламоқ лозим.

Фирибгарликнинг ўрриликдан (ЖК 169-моддаси) фарқи шундаки, фирибгарликда айбдор мулкни ўзганинг эгалигидан олиб қўймайди, балки у томонидан янглиштирилган жабрланувчининг ўзи мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни беришига эришади.

Товламачилиқдан (ЖК 165-моддаси) фирибгарлик шу билан фарқланадики, товламачилиқда жабрланувчи қўрқув таъсири остида ҳаракат қилади, эрки синдирилган бўлади, фирибгарликда эса алдов натижасида жабрланувчининг эрки янглиштирилган.

Фирибгарлик жиноятидан ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек қимматли қоғозлар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш, уларни

ўтказиш (ЖК 176-моддаси) қасд йўналиши ва сохталаштириш хусусияти билан фарқланади. Бунда пул белгиси ёки чет эл валютаси пул айланмасига киритиш учун сохталаштирилади. Қимматли қоғозларни қалбакилаштириш билан боғлиқ фирибгарликда эса, (масалан, пул купюрасига бир неча ноль рақамларини қўшиб ёзиш, сувенир банкнотларни, банкнот ёки қимматли қоғозларнинг фото-ксероносухаларини ишлатиш ва ҳ.к.) қасд муайян шахсни алдаш ва мулкий фойда олишга қаратилган бўлади.

Агар айбдор била туриб, қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек қимматли қоғозлар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозлардан фойдаланган ҳолда ўзганинг мулкани қўлга киритса, унинг ҳаракатлари ЖК 176 ва 168-моддалари билан квалификация қилинади¹.

26. **Фирибгарликнинг субъекти** ўн олти ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

27. **Фирибгарликни** содир этишда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ўзганинг мулкани қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғирлик содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. **Фирибгарлик** содир этилганда жабрланувчи шахс мулкни ёки мулкий ҳуқуқни фирибгарга ўз ихтиёри билан топширади, ўғирликда эса, айбдор шахс уни мулк эгасининг ёки мулк кимнинг ихтиёрида турган бўлса, ўша шахснинг руҳсатисиз яширин равишда талон-торож қилади. Фақат ўзганинг мулкигина ўғирлик предмети бўлиши мумкин, **фирибгарлик предмети** эса, ўзганинг мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқи ҳам бўлиши мумкин.

28. **ЖКнинг 168-моддаси 2-қисмида** **фирибгарлик** содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) анча миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори. 35-сон. 10-17-бандлар.

29. Шарҳланаётган модданинг **3-қисмида** фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса (*ЖК ХХ' боби Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар шарҳига қаранг*).

Хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «в» банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келади.

30. Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштирса, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

Агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиниб, қўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди.

Фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖК 211-моддаси 4-бандига кўра, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим, пул ва бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно. Пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчи ёки давлат фойдасига ундирилади¹.

31. Шарҳланаётган модданинг **4-қисмида** фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) жуда кўп микдорда;
- б) ўта хавfli рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

32. Юқорида санаб ўтилган фирибгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар талон-торож бошқа шаклларининг юқорида таҳлил қилинган оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи ҳолатлари билан айнан бир хил. (*ЖКнинг 164 ва 167-моддалари шарҳига қаранг*).

33. ЖКнинг **168-моддаси 5-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди.

34. ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори. 35-сон, 21–23-бандлар.

судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт.

35. Судлар қонунда белгиланган тартибда фуқаролик-хуқуқий муносабатларга киришган шахсларга нисбатан қонунга хилоф равишда фирибгарлик тўғрисида жиноят иши қўзғатиш амалиётига барҳам бериш юзасидан чоралар қўришлари лозим. Шу мақсадда низолашаётган тарафлар орасида келиб чиққан ҳақиқий муносабатлар хусусияти синчковлик билан аниқланиши лозим бўлиб, бу айбсиз шахслар қонунга зид равишда судланиши ҳолларига чек қўйилишига олиб келади. Иш бўйича шахс қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги факти аниқланган ҳолда суд бунга тегишли муносабат билдириб, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариши керак¹.

169-модда. Ўғирлик

Ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

- а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошка қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);
- б) анча миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори, 35-сон, 26–27-бандлар.

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб;

в) кўп миқдорда;

г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўғирлик талон-торожнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунга сабаб, аввало, тергов амалиётида ўғирликни очиш фонзларининг унчалик катта эмаслиги бўлса керак, чунки ўғирлик яширин равишда содир этилади, бу эса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анча оширади, унинг очилишини қийинлаштиради.

2. Ўғирлик жиноятининг **объекти** узганинг мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланиши лозим.

3. **Объектив томондан** ўғирлик ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилишда, яъни ғайриқонуний бепул ундиришда ифодаланади.

Талон-торож қилишнинг **яширин усули** деганда, мулк эгаси ёки мулк ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йўқ вақтда ёхуд мулкдор ёки бошқа шахслар мулкнинг талон-торож қилинаётганини тушунмаган вақтда содир этилиши тушунилади.

Агар мулк эгаси ёки мулк ихтиёрида бўлган ёки у ишониб топширилган шахс талон-торож қилиш чоғида ҳозир бўлса-ю, ammo талон-торож содир бўлаётганини тушуниб етмаса, шахснинг қилмиши (масалан, мулк эгаси, қоровул ухлаётган бўлади ёхуд алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида бўлиб, мулк талон-торож қилинаётганини англаб етмайди) ўғирлик деб квалификация қилинади.

4. Мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш атрофдаги шахсларнинг кузи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар буни англамаса (масалан, айбдор бировнинг чамадонини эгаси йўқлигидан фойдаланиб атрофдагиларнинг кузи олдида ўғирлайди, бунда жиноятчи атрофдагилар у ўз чамадонини олиб кетяпти, деб ўйлашларига ишонади ва ҳоказо ҳолларда) ҳам қилмиш ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш деб ҳисобланмоғи лозим.

5. Барча ҳолатларда талон-торож қилишни яширин деб ҳисоблаш учун, ўзаро боғлиқ бўлган иккита: **объектив** ва **субъектив** мезонни таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим. Уларнинг биринчиси ҳал қилувчи тусга эмас, балки кўпроқ кўшимча аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун айбдор ўзгалар мол-мулкни ғайриқонуний ундиришга қаратилган ўз ҳаракатлари атрофдагилар учун кўринмаслигига ишонган ҳолларда ҳам ўғирлик таркиби мавжуд бўлади. Масалан, жиноятчи дўконда муйян бир буюмни эгаллаб, уни кўчага олиб чиқишга уринаётган пайтида уни бутун ўғирлик давомида кузатган кўриқлаш ходимлари томонидан ушланди.

Жиноятчи ўзганинг мулкни эгаллашга қаратилган ҳаракатлари бошқаларга маълум бўлганлигини билиб, ўз

хатти-ҳаракатини тўхтатса ва жиноят жойидан қочиб, яширинса, унинг қилмиши ўғирликка суиқасд бўлади.

6. Ўзгалар мол-мулки яширин талон-торож қилинишидан ташқари, талон-торож зўрлик ишлатмай содир этилиши ўғирликка хос бўлган яна бир белги ҳисобланади. Бу белгилар ўғирлик жиноятини босқинчилик ва талончилик жиноятларидан фарқлаш имкониятини беради. «Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан, айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади»¹.

Зўрлик ишлатиш мол-мулк эгаллаб олинганидан олдин амалга оширилса (масалан, жабрланувчи беҳуш ҳолатга қўйилган, қандайдир хонага қамаб қўйилган бўлса), қилмишни ўғирлик тариқасида квалификация қилиш мумкин эмас. Ишнинг аниқ ҳолатларига қараб айбдор ЖКнинг 164 ёки 166-моддалари бўйича жинойи жавобгарликка тортилиши лозим.

7. Ўзганинг мулки олиб қўйилган ва айбдор шахсда ўғирланган мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишнинг реал имконияти, яъни айбдорда ўзи ўғирлаган мулкни яшириш, сотиш, бериш, ҳадя қилиш, белгиланган мақсадда фойдаланиш имконияти пайдо бўлган пайтдан эътиборан ўғирлик **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади. Агар айбдор ўғирланган мулкни тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ўғирликка суиқасд ҳисобланади. Масалан, шахс заводнинг кириш-чиқиш жойида ўғирланган нарсалар билан ушланди, дейлик, бу ҳолда айбдор шахс мулкни қўлга киритган, аммо ҳали уни ўз

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 2-банд 1-қисми.

ихтиёрича тасарруф этиш имкониятига эга бўлмайди. Бирок, агар айбдор шахс тайёр маҳсулот цехидан товарни ўғирлаган бўлса ва завод ҳудудидан чикмасдан шу маҳсулотдан ўз мақсадида фойдаланган (истеъмол қилган) бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари **туғалланган** ўғирликнинг таркибини ташкил қилади.

Башарти, қўриқлаш ходими била туриб, ўғирликни содир этаётган шахсга мулкни ўзи қўриқлаётган ҳудуддан олиб чиқишга қумаклашса ёки ўғирликнинг содир этилишига халақит берувчи тўсиқларни бартараф этса, у ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирок этганлик учун жавобгар бўлади.

8. **Субъектив томондан** ўғирлик тўғри қасд билан ва ғараз мақсадларда содир этилади. Шахс олинган ўзганинг мулкнинг нафақат ноқонунийлигини ва қайтариб берилмаслигини, балки ўз ҳаракатларининг яширин усулларини ҳам тушуниб етади.

9. Ушбу жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ҳамда ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича ҳеч қандай ваколатларга эга бўлмаган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

10. **ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида:**

а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, ўғирлик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. **Жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан содир этилган ўғирлик** (киссавурлик) республикамизнинг жиноят қонунига янги киритилган оғирлаштирувчи ҳолатдир. Киссавурликнинг ижтимоий хавфлилиги, биринчидан, унинг анча кўп тарқалганлиги билан, иккинчидан, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, бу эса,

жабрланувчи ўз мулкига суиқасд қилинаётганини пайқаб қолса, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Қўл юки деганда, жабрланувчи шахсан олиб ўтувчи, шакли ва тузилишидан қатъи назар, енгил олиб ўтилувчи буюм ва ашёлар тушунилади. Ушбу буюмлар, одатда, жабрланувчининг ўзида бўлади, яъни унинг қўлида, елкасида, ёнбошида ёки устида жойлашган ёхуд судраб, итариб кетаётган бўлади. Шу ўринда ушбу буюмларни жабрланувчи жисмоний куч ишлатиб бевосита ўзи олиб юришига алоҳида эътибор бериш лозим. Шунинг учун турли хил транспорт воситаларида (уларнинг миқдори ва шаклидан қатъи назар) олиб ўтиладиган буюм ва ашёлар қўл юки ашёси сифатида таҳлил этилиши мумкин эмас. Агар айбдор гардеробда осилиб турган ва хоказо кийим киссасидан ўғрилиқни содир этса, киссавурлик таркиби мавжуд бўлмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг: «Жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш киссавурлик деб ҳисобланади ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «а» банди билан тавсифланади»¹, деб кўрсатилган. Ҳар бир алоҳида ишда суд барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, сумка ёки бошқа қўл юкининг жабрланувчининг ёнида бўлганлиги фактини аниқлаши керак.

Қўл юки тушунчасига кирувчи буюм ва ашёлар жиноят содир этилган шахснинг тасарруфида бўлгандагина **қўл юки ашёсини жабрланувчининг бевосита ўзида жойлашган** деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, жабрланувчи бу ашёларга нисбатан махсус техник назорат воситаларидан фойдаланмасдан, уларни кузатиш ёки бошқа усулларда субъектив назоратни амалга оширади. Қўл юки воситаларининг бевосита жабрланувчи ёнидалигини қуйидаги ҳолатлар кўрсатиб туради: жабрланувчи ёнида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори, 2-банд, 4-хатбоши.

аёллар сумкачасининг ётиши; ўғирлик содир этилганда ҳамённинг шахс чўнтагида бўлиши ва бошқалар. Агар қўл юки буюм ва ашёлари жабрланувчининг субъектив назорат доирасидан (масалан, ҳамённи қулфланмайдиган шкафта саклаш) ташқарида ёки қандайдир жойга яшириб қўйилган бўлса, талон-торож қилишни киссавурлик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бундай ҳолатда айбланувчининг ҳаракатлари бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

13. Шарҳланаётган жиноятнинг ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлари босқинчилик ёки талончилик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар билан айнан бир хил бўлиб, мазкур белгилар юқорида батафсил таҳлил қилинган.

14. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб;
- в) кўп миқдорда;
- г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида ўғирлик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

15. Айбдор компьютер тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмагани ҳолда унга кирган ва ўзганинг ҳисобидан ўзининг ҳисобига пул ўтказган ҳолларда ўғирлик ЖКнинг **169-моддаси 3-қисми «б» банди** бўйича квалификация қилиниши лозим. (*Батафсил ЖК 278²-моддаси шарҳига қаранг*). Бундай ўғирлик компьютер орқали айбдор шахснинг ҳисобига пул маблағи ўтказилган пайтдан эътиборан **туғалланган** жиноят деб ҳисобланади.

Нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида ўғирлик содир этилгандан бошлаб ЖКнинг **169-моддаси 3-қисми «г» банди** бўйича жавобгарлик вужудга келади.

Нефть қувурлари – Магистрал нефть қувурлари ва нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар.

Газ қувурлари дей қузури, майдонча ичидаги газ қузури, майдонча ташқарисидан ўтказилган газ қузури, тақсимловчи газ қузури, шунингдек, ташки газ қувурлари тушунилади.

Кириш газ қузури – тақсимловчи газ тармоғига уланиш жойидаги кирувчи газ қузуридан ўчирувчи мосламагача ёки бинонинг кириш жойидаги ер остидан ўтказилган филофгача бўлган газ қузури.

Кирувчи газ қузури – бинонинг кириш жойидаги ўчириш мосламасининг ташқарисидан, шу жумладан, ички газ қузуригача, бино девори орқали ташқаридан филофда ўрнатилладиган газ қузури бўлаги.

Қишлоқлараро газ қузури – газ тармоқларининг аҳоли яшаш жойларидан ташқарида ўтказилган газ қузури.

Майдонча ичидаги газ қузури – корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудуди ичкарасидаги саноат истеъмолчисига газ таъминоти манбаидан газ узатишни таъминлайдиган тақсимловчи газ қузури бўлаги (кириш қисми).

Майдонча ташқарисидан ўтказилган газ қузури – корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқаридаги саноат истеъмолчисига газ таъминоти манбаидан газ узатишни таъминлайдиган тақсимловчи газ қузури.

Тақсимловчи газ қузури – газ тақсимлаш тармоғидаги газ манбаидан кирувчи газ қузуригача газ истеъмолчиларига газ етказиб берувчи газ қузури.

Ташки газ қузури – кирувчи газ қузуридан олдинда ўрнатилган ўчирувчи мосламагача бўлган ер ости ва ер устидан ёки бинонинг кириш жойидаги филофгача бўлган ер остидан ўтказилган газ қузури¹.

16. ЖКнинг 169-моддаси 4-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-манший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 10 августдаги 181-сон буйруғига илова. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2011 йил 16 август, 6-24/13-8885/6-сон].



в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ўғирлик содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

17. Ўғирликни оғирлаштирувчи юқорида санаб ўтилган барча ҳолатларни юқорида таҳлил қилиб ўтганмиз. (*ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг*).

ХІ БОБ. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР

170-модда. Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш

Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, башарти, бу қилмишда талон-торож қилишнинг аломатлари бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) моддий жавобгар шахс томонидан;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** ҳар хил шартномавий ва бошқа мажбуриятлардан келиб чиқувчи мулкий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноятнинг **предмети** мулк шаклидан қатъи назар, ҳар қандай мулк бўлиши мумкин.

2. **Объектив томондан** шарҳланаётган жиноят талон-торож аломатлари бўлмаган ҳолда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказишдан иборат. (*Алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш тушунчалари ҳақида ЖКнинг 168-моддаси шарҳига қаранг*).

3. Кўришиб турганидек, **алдаш** ҳам, **ишончни суиистеъмол қилиш** ҳам фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) учун ҳам, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш (ЖКнинг 170-моддаси) учун ҳам хос бўлиб, мазкур ҳолат ушбу жиноят таркибларининг ўхшашлигидан далолат беради. Улар ўртасидаги фарк шундан иборатки, ЖКнинг 170-моддасида назарда тутилган жиноят талон-торожнинг конструктив белгиларига эга эмас. Уни содир этишда жабрланувчи мулкнинг мавжуд массаси камайиши юзага келмайди, зарар эса, айбдор ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарганида жабрланувчи олиши лозим бўлган бой берилган фойда кўринишида етказилади.

4. Масалан, ЖКнинг 170-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат учун миждозлар томонидан прејскурант бўйича туланган пулнинг ҳар қандай хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари томонидан ўзлаштирилишида ифодаланади (хусусан, кассир ёки проводникнинг чиптасиз юрганлиги учун йўловчилардан пул олиши, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциясининг слесари нарядда кўрсатилмаган иши учун қўшимча ҳақ олиши, типография ходими буюртма қилинган нашр ададининг ҳисобга олинмаган қисми учун туланган ҳақни ўзлаштириши ва ҳ.к.). Бунда «четга қилинаётган» буюртмани бажаришда мулкдорга тегишли бўлган материаллардан фойдаланиш шарҳланаётган модда билан камраб олинмайди ва ўзгалар мулкнинг тегишли турдаги талон-торож қилиниши (растрата ёки ўғирлик) сифатида қўшимча квалификация қилишни талаб қилади.

5. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш мулкдорнинг мол-мулкни қўлга

киритмасдан ҳам мазкур мол-мулкдан у иш бўйича фойдаланиш учун топширилган шахс томонидан ноқонуний ишлатилиши орқали мулкдорга мулккий зарар етказишда ҳам ифодаланиши мумкин (масалан, корхонанинг транспорт воситаси ёки ускуналаридан шахсий мақсадларда фойдаланиш ва ҳ.к.).

6. Шарҳланаётган жиноят республика ёки маҳаллий бюджетларга бож ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламасликда (ёки уларнинг ҳажмини камайтиришда) ифодаланиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномасини яшириш мақсадида мулкдан ҳақини тўламасдан фойдаланиб туриш тўғрисида шартнома тузиш орқали, ер участкаси ёки кўчмас мулкни сотиб олишда шартнома тузаётганда унинг ҳақиқий нархини камайтириб кўрсатиш орқали, солиқ юқини камайтириш мақсадида қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш ва даромад солиғи ҳажмини камайтириш орқали, агар бунда ЖКнинг 184-моддасида (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) назарда тутилган жиноят белгилари мавжуд бўлмаса ва бошқалар.

Шуни назарда тутиш лозимки, таҳлил қилинаётган жиноятни содир этишда фақат сохта ҳужжат (унинг қалбакилаштирилгани эмас) тақдим этилган бўлиши лозим (у алдаш воситаси ва ушбу жиноятнинг белгиси ҳисобланади), шунинг учун айбдор ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш орқали алдаса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 170-моддаси ва 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан квалификация қилиниши лозим.

7. Таҳлил этилаётган жиноят мулкдорга ёки мулк эгасига анча миқдорда зарар етказилган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб ҳисобланади. **Анча миқдордаги зарар** деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баробаридан уч юз баробаригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади. Агар базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баробаридан кам бўлган миқдорда зарар етказилса, ЖКнинг 170-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

8. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят тўғри қасд билан ғаразли мақсадда содир этилади. Шахс ёлғон хабар бераётиб ёки мавжуд далилларни яшираётиб мулкдорни ёхуд мулкнинг қонуний эгасини алдаётганлигини тушуниб етади ва ушбу ҳаракати орқали жабрланувчига мулккий зарар етказилишини кўра билади ҳамда ушбу зарарни етказишни хоҳлайди.

9. **Жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Мансабдор шахс мазкур жиноятни содир этганлиги учун бошқарув тартибига қарши жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилади. Мансабдор шахслар ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноий ҳаракатлар содир этганларида, уларнинг қилмишлари ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш деб квалификация қилинади.

10. **ЖКнинг 170-моддаси 2-қисмида:**

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) моддий жавобгар шахс томонидан;
- в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу оғирлаштирувчи белгилар бўйича квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари юқорида кўриб чиқилган.

11. **Жиноятни ЖКнинг 170-моддаси 2-қисми «б» банди билан квалификация қилиш учун махсус субъект – моддий жавобгар шахснинг мавжудлиги зарурий белгидир.**

Мулк ишониб топширилган ёки шартнома, битим, топшириққа мувофиқ ёки фаолияти турига кўра мулкдорнинг жамғармаси учун пул маблағларини йиғиш топширилган шахс **моддий жавобгар шахс** дейилади.

12. *(Кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг).*



171-модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш

Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** мулк ҳуқуқи ва бошқа мулккий ҳуқуқлар, шунингдек, жамиятда шаклланган ва қонунчиликда акс эттирилган мулкни тасарруф этиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

2. Фақат жиноий йўл билан, яъни **жиноий фаолият натижасида топилган мулк** жиноятнинг **предмети** бўлиши мумкин. Масалан, ҳар қандай шаклдаги талон-

торож қилиш натижасида топилган, божхона қонунчилигини бузиш натижасида ва ҳ.к. тарзида олинган мулк. Фуқаролик муомаласидан чиқарилган предметлар (ўқотар қуроллар, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари) жиноятнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Бундай қилмиш учун айбдор Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Жиноий жавобгарлик субъекти бўлолмайдиган ёш болалар ёки бошқа шахслар томонидан жабрланувчидан яширин равишда қўлга киритилган мулклар жиноий йўл билан топилган деб ҳисобланмайди. Шундай қилиб, мазкур жиноятнинг предметининг зарурий белгиси мулкни олишнинг жиноий характери ҳисобланади (масалан, маъмурий жавобгарликка тортиладиган майда талон-торож қилиш содир этиш натижасида қўлга киритиладиган мулк жиноятнинг предмети ҳисобланмайди).

Шу билан бирга, уни ишлаб чиқариш жиноят ҳисобланса ҳам, ишлаб чиқарилаётган мулкни қўлга киритиш жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк сифатида тан олиниши мумкин эмас (масалан, қалбаки ҳужжатлар, пуллар). Бироқ, ушбу ашёлар ўғрилик, талончилик ҳужуми орқали қўлга киритилган бўлса ёки ўзгача талон-торож қилиш ёхуд бошқа жиноий йўл билан қўлга киритилса ва қўлга киритилиши ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланмаса, уларни жиноий йўл билан топилган деб тан олиш лозим. Бундай мулкни сотиб олиш ёки ўтказишда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ва ўтказиш сифатида квалификация қилинади. Шунингдек, уни тарқатиш жиноят ҳисоблангани ҳолда, бундай мулкни тарқатиш ушбу модда билан квалификация қилинади (масалан, квалификация қилишга ўғирланган порнографик материалларни олиш ва кейинчалик тарқатиш тегишлидир).

Шунингдек, жиноий йўл билан топилган маблағларга сотиб олинган мулклар ушбу жиноятнинг предмети сифатида тан олиниши мумкин эмас.

3. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб,

уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказишда ифодаланади.

4. Жиноий йўл билан топилган мулкни **олиш** деганда, мулкни жиноий йўл билан топган шахсдан ўша мулкни ўз эгаллигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган ҳар қандай (ҳақ эвазига ёки бепул) битим тузилиши тушунилади. Жиноий йўл билан топилган мулкни била туриб олиш турли усулларда (арзон нарҳда сотиб олиш, бошқа буюмга айирбошлаш, ҳадя тариқасида олиш, қарзга олиш ёки бериш ва ҳ.к.) амалга оширилиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулкни олган шахс унинг мулкдори бўла олмайди.

5. Жиноий йўл билан топилган мулкни **ўтказиш** деганда, мазкур мулкни ўзининг шахсий мулки сифатида тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган учинчи шахсга ушбу мулкни пулли ёки бепул ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳадя қилиш, қиморда ютказиш, айирбошлаш ва ҳоказо) тушунилиши лозим.

6. Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси мулкни жиноий йўл билан топган шахсга уни аввалдан сотиб олиш ёки ўтказишга ваъда берилмаган бўлишидир.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш деганда, агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк топувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл билан топилган мулкларни олиш) ҳамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушуниланади.

Агар айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олишни аввалдан, яъни талон-торож ёки бошқа жиноят содир этилишидан илгари ваъда қилган бўлса, айбдор шахс содир этган жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Шунингдек, шахс ўғирланган нарсаларни мунтазам равишда сотиб олган ва ўғрини жиноий йўл билан топилган ҳар қандай мулкни олишга ишонтирган бўлса, бундай

шахс ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг иштирокчиси деб ҳисобланади.

7. Жиноят жиноий йўл билан топилган мулк олинган ёки ўтказилган пайтдан бошлаб, қандайдир оқибатлар юзага келишидан қатъи назар, **тугалланган** деб ҳисобланади.

8. Бу Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасд билан содир этилади. Шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлигини ёки ўтказётганлигини аниқ билади ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди. Шу билан бирга мазкур мулк айнан қайси жиноий йўл билан, яъни ўғирлик, товламачилик, талончилик ва х.к. натижасида топилганлигини аниқлаш зарур эмас. Агар мулк айнан қайси жиноий йўл билан топилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ҳамда ишнинг аниқ ҳолатларига қараб ЖКнинг 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) билан квалификация қилиниши лозим.

Қоида тариқасида, жиноят мотивлари ғаразли бўлади.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган акли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишни содир этса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ва ЖКнинг тегишли мансаб жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилинади.

10. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида** кўриб чиқилаётган жиноятнинг:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп микдорда содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида** таҳлил қилинаётган жиноятнинг:

а) жуда кўп микдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164-моддаси таҳлилида шарҳланган ва ушбу моддага нисбатан қандайдир алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

172-модда. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш

Шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариши натижасида мол-мулк талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** айбдор шахсга ишониб топширилган ёки унинг муҳофазасида турган ўзганинг мулки хавфсизлигини, сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят кўп миқдорда зарар етказган ҳолда мол-мулк талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилинишига олиб келган шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажаришида ифодаланади, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса.

Мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариш – бу мулкни қўриқлаш бўйича функцияларни бажармаслик (масалан, қоровулнинг ўз қўриқлаш навбатида келмаслиги, ёки қўриқланаётган мулкни ташлаб кетиши) ёки мулкни қўриқлаш бўйича тегишли бўлмаган мажбуриятларни бажаришдир.

3. Шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 172-моддаси бўйича квалификация қилиш учун шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажаришга виждонсиз муносабатда бўлиши ва унинг талон-торож қилиниши, кўп миқдорда зарар етказилиши натижасида унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар сабабий боғланиш бўлмаса, шахсни шарҳланаётган модда бўйича жавобгар қилиб бўлмайди.

Ишониб топширилган мулкни **талон-торож қилиш** деганда, уларнинг элементларини ташкил этувчи алоҳида предметлар (масалан, эҳтиёт қисм ва мотор) ёки муҳофазада турган мулкни ташкил этувчи предметларнинг бутун мажмуаси талон-торож қилинганлигини тушуниш лозим.

Нобуд қилиш моддий предметга ташқи таъсирнинг шундай усулики, бунинг натижасида мулк ўзининг жисмоний мавжудлигини йўқотади ёки тўлиқ равишда мақсадли йўналтирилганлиги бўйича ишлатиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолади. Нобуд қилиш – ёқиб юбориш, кислотада эритиб юбориш, бузиш каби мулкни тўлиқ йўқ қилишда ифодаланган ёки мулкни шундай ҳолатга келтириш тушуниладики, бунинг натижасида у ўзининг сифат ва фойдалилик хусусиятларини тўлиқ йўқотади. Нобуд қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мулк тиклаш ёки таъмирлаш орқали қайта тикланмайди ва ҳўжалик муомаласидан тўлиқ чиқиб кетади.

Шикаст етказилиши деганда, мулк таркибининг шундай ўзгаришлари тушуниладики, натижада унинг мавжуд ҳолати ёмонлашади. анчагина фойдалилик хусусиятларини йўқотади ва ҳўжалик ёки бошқа мақсадли фойдаланишга тўлиқ ёки қисман яроқсиз бўлиб қолишини тушуниш керак. Мулкни қайта тиклаб бўлмайдиган даражада йўқотишни англатувчи нобуд қилишдан фарқли равишда, шикаст етказилиши тиклаш, таъмирлаш, ҳайвонни даволаш ва бошқа предметларнинг бартараф этилиши мумкин бўлган сифат жиҳатдан бузилишига олиб келишини англатади.

4. Агар мулкни қўриқлаш мажбуриятини бажараётган вақтда енгиб бўлмас куч (масалан, тўсатдан оғир касал

булиш, ёнфин, сув тошқини, зилзила) мавжуд бўлиб, бунинг натижасида шахс мулкнинг талон-торож қилинишига, зарар етказилишига ва йўқ қилинишига тўсқинлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлса, айбдор ЖКнинг 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортилмайди.

5. **Субъектив томондан** шархланаётган жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Шахс ўз мажбуриятларига виждонсизларча муносабатда бўлиши натижасида мулк талон-торож қилиниши, шикаст етказилиши ёки нобуд қилиниши каби оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ишониб, ўз мажбуриятларини бажармайди ёки лозим даражада бажармайди (жиноий ўз-ўзига ишониш) ёхуд оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билмайди, бироқ уларни кўра билиши зарур ва мумкин бўлади (жиноий бепарволик).

7. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний, мулкни қўриқлаш вазифаларини бажараётган шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахс мулкни муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиб, уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, иш ҳолатларига қараб унинг қилмиши ЖКнинг 207-моддаси (Мансабга совуққонлик билан қараш) ёки ЖКнинг 208-моддаси (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) билан квалификация қилинади.

173-модда. **Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

Ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача

мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) миллатлараро ёки иркий адоват ёхуд диний таассублар замирида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) куп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят **объекти** ўзганинг мулкани муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Шарҳланаётган жиноятнинг **предмети** кучмас (бинолар, иншоотлар) ва кучар мулклар бўлиши мумкин.

2. Жиноят **объектив томондан** ўзганинг мулкани қасдан нобуд қилиш ёки унга анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади. *(Мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш тусунчалари ЖКнинг 172-моддаси шарҳида берилган).*

3. Мулкни қасддан нобуд қилганлиги ёки унга зарар етказганлиги учун шахсни жиноий жавобгарликка тортишда содир этилган ҳаракат ва кўрилган зарар ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлигини аниқлаш зарур.

4. Шарҳланаётган жиноят мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасига анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан эътиборан **туғалланган** деб ҳисобланиб, анча миқдордаги зарар деганда, юқорида қайд этилганидек, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

5. **Субъектив томондан** шарҳланаётган жиноят тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилади. Уни квалификация қилиш учун жиноятни содир этиш мотиви ва мақсадининг аҳамияти йўқ, лекин ўхшаш жиноятлардан (терроризм, кўпоровчилик, безорилик ва бошқалар) фарқлаш имкониятини беради.

6. Жиноятнинг **субъекти** ЖКнинг 173-моддаси 1-қисми бўйича 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс бўлади. ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми ёки 3-қисмида курсатилган жиноятнинг квалификация қилинган таркиби бўйича жиноий жавобгарлик 14 ёшдан келиб чиқади.

7. **ЖКнинг 173-моддаси 2-қисмида** қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади:

а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда.

8. **Миллатлараро ёки ирқий адоватни** нафақат шахснинг муайян миллат ёки ирққа тегишлилиги билан, шунингдек, инсоният фаолиятининг турли соҳаларида акс этувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турли хил маданият, ижтимоий ва бошқа гуруҳларга (қабилла, уруф) тегишлилиги билан ҳам ифодалаш мумкин.

9. **Диний таассублар** – бу шахснинг муайян гуруҳ, диний йўналиш, конфессия вакилларининг норасолиги, чекланганлиги, зарарлилиги тўғрисидаги объектив асосга эга бўлмаган ички тасавури. Одатда, ушбу тасавурлар диний

фанатизм, диний ғояларни нотўғри тушуниш, зарур диний маданиятнинг мавжуд эмаслиги билан асосланади.

10. ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми «б» банди маъносида **атрофдагилар учун хавфли усулда** деганда, мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда катта табиий офат ва вайроналик юз бериши хавфини келтириб чиқариш ва инсонларнинг қурбон бўлиши, инсон соғлиғи учун хавфли ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи усуллардан фойдаланиш тушунилади. Уларга мулкка ўт қўйиш, уни портлатиш, чўктириб юбориш, ҳайвонларни заҳарлаш, транспорт ҳалокатларини уюштириш ва ҳоказо усулларни қўллаш киради. Масалан, жиноятчи овлоқ жойда жабранувчининг машинасини ёндириб юборади ва бунда атрофдагилар учун хавфни вужудга келтирмайди.

Агар айбдорнинг қасддан ўзганинг мулкани нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатлари натижасида фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиладиган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 173-моддаси 2-қисми «б» банди ва ЖКнинг Махсус қисми алоҳида моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

11. *(Қўп миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлими шарҳига қаранг).*

12. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишни алоҳида квалификация қилиш белгилари **ЖКнинг 173-моддаси 3-қисмида** берилган. Булар:

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш.

Кўрсатилган квалификация қилиш белгилари биз юқорида қуриб чиққан белгилар билан айнан бир хил.

13. Агар ўзганинг мулкани нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш талон-торож қилиш жараёнида содир этилган бўлса, мазкур ҳаракатлар талон-торож учун ўрнатилган махсус жавобгарлик нормаси билан бирга ЖКнинг 173-моддаси бўйича жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

14. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазолар қўлланилмайди.

174-модда. *(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-137-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ҚХТ, 2007 йил, 52-сон, 532-модда)*

ХII боб. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

175-модда. **Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш**

Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда шахс жазодан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **объекти** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

2. **Объектив томондан** жиноят наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-усқунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан беришда ифодаланади.

3. **Битим** деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади¹. Тузилган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 101-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.



битимнинг тури қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди, аммо айбдорга жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олинishi мумкин.

4. **Битим тузиш** битимнинг барча шартлари бўйича шахс (тараф)нинг ўз эркини қонунда назарда тутилган тарзда ифодалашидан иборат бўлади.

Қуйидаги икки шартга риоя қилгандагина битим тузилган ҳисобланади:

– битимнинг барча шартлари бўйича шахснинг эркиродаси ифодаланган бўлиши керак;

– эрkning ифода этилиш шакли битимларга қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак¹.

5. Қўрсатилган талабларга риоя қилингандагина, битим тузилган ҳисобланади, акс ҳолда битим тузиш тўғрисида гап юритишга йўл қўйилмайди. Агар айбдор юқорида қайд этилган талабларга жавоб бермайдиган битим тузилишини объектив ҳолатларга асосланиб, тахмин қилаётган бўлса, унинг ҳаракатлари шарҳланаётган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

6. **Наф келтирмайдиган битим** деганда, шартлари давлат манфаатларига зид келувчи битимни тушуниш зарур (масалан, маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилганлиги ёки маҳсулотни олиш, уни транспортда ташиш нархларини аниқ ошириб қўрсатиш, давлат мулкини тасарруф қилишда паст нархлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий санкция қўллаган резидентлар билан савдо операцияларини амалга ошириш ва хоказолар)².

7. **Ўзбекистон Республикаси манфаатлари** деганда, самарали бозор иқтисодиётини яратиш, мулкӣ ва ашёвий муносабатларни, умуммиллий кадриятларни химоя қилиш, товар мустақиллигига эришиш ва шу кабилар тушунилади. Қўрсатиб ўтилган манфаатлар битимларни тузишга алоҳида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 105–112-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 11-банд, 1 ва 3-хатбошилар.

талаблар белгиланган қонунчиликда акс этирилган ва мустаҳкамланган, шу жумладан, бу савдо операцияларини ўтказиш ва тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга ҳам тааллуқли.

8. Олиб кириш – бу асбоб-усқунани ёхуд технологияларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлар ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб утиш.

Илгари фойдаланилган асбоб-усқуна – бу илгари ўрнатилган ва ўз вазифасига кўра ишлатилган асбоб-усқуна.

Жисман ишлатиб бўлинган асбоб-усқуна – бу капитал таъмирлашга мухтож бўлган асбоб-усқуна.

Маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-усқуна – бу ишлаб чиқариш ҳозирги вақтда тўхтатилган бўлиши мумкин бўлган эски андозадаги асбоб-усқуна, рентабель бўлмаган асбоб-усқуна.

Ўрнатиш ва жорий этиш – бу асбоб-усқунани ишга тушириш ёки мазкур технологиялардан фойдаланиш.

9. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битим тузилиши натижасида **кўп миқдорда** зарар етказилиши ҳисобланади. Зарар миқдори ҳар бир алоҳида иш бўйича тергов органи ва суд томонидан асослантирилиши¹ ҳамда шарҳланаётган модда мазмуни бўйича қуйидагиларга асосланган бўлиши лозим:

– ҳақиқий зарар, яъни давлат ўзининг бузилган манфаатларини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари;

– бой берилган фойда, яъни давлат ўз манфаатлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиний ишлар бўйича суд амалиетида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 11-банд, 2-хатбоши.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 14-модда, 2-қисм // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

10. Агар битим тузилиши натижасида республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, шарҳланаётган жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

11. Эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни (рухсатномани) ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш, агар бу қилмиш наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузишга олиб келган бўлса, тамом бўлган жиноят деб эътироф этилади. Бу ҳолда қонун Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилиши тарзидаги оқибатлар юз беришини талаб қилмайди, наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш жиноятнинг муқаррар белгиси ҳисобланади.

12. **Субъектив томондан** жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Шахс битим тузилгунга қадар унинг республика манфаатлари учун наф келтирмаслигини билиши керак.

Тенг шароитларда шахс фойдалироқ шартларда битим тузиш имкониятига эга бўлмаса (масалан, буюмларни шошилиш тарзда етказиб беришда субъект қимматроқ транспорт компанияси хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлади ва ҳ.к.), аён бўлиш белгиси мавжуд бўлмайди.

Битимнинг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид тузилганлиги ишга тегишли мутахассислар жалб қилиниб аниқланиши лозим¹.

Агар мансабдор шахс ўзининг хизмат вазифасига совуққонлиги натижасида шундай битим тузса, унинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 207-моддасига биноан (мансабга совуққонлик билан қараш) квалификация қилинади.

Мотив ва мақсад шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Шу билан бирга, «агар қайд этилган битимларни тузишда айбдорда ғараз ва бошқа паст ниятлар бўлганлиги аниқланса, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб мавқеидан фойдаланиб

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодий соҳасида жиний ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 11-банд, 3-хатбоши.

содир этиладиган тегишли жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари билан тавсифланиши лозим»¹. Масалан, агар шарҳланаётган жиноят пора олиш эвазига содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тарикасида ЖКнинг 175 ва 210-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар айбдорнинг шарҳланаётган жиноятни содир этиши билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигига путур етказмоқчи эканлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 157-моддаси билан давлатга хоинлик қилиш сифатида қўшимча квалификация қилинади.

13. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти ЖКнинг 175-моддасида кўрсатилган давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасининг фақат мансабдор шахслари бўлиши мумкин. (*Мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида Жиноят кодекси Махсус қисмининг VIII бўлимига қаранг*).

14. **Давлат органи** деганда, давлатнинг жамият устидан раҳбарлик қилишида вужудга келган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳокимият ваколатлари ва воситалари билан таъминланган давлат механизмининг ташкиллашган қисмини тушуниш зарур. Давлат органи битта мансабдор шахс ёки мансабдор шахсларнинг ташкиллашган гуруҳи бўлиши мумкин².

15. **Корхона** – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки ҳўжаликни тула юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, мулкчиликнинг барча шаклларида тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалдаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»-ги 11-сон қарори, 11-банд, 4-хатбоши. – 119-б.

² Қаранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. Изд. второе, переработанное и дополненное – М.: ИНФРА-М. 2000. – 399-б.

қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадиган мустақил ҳужалик юритувчи субъект ҳисобланади¹.

16. **Муассаса** – бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот ҳисобланади².

17. **Ташкилот** деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган ҳар қандай тижорат юридик шахси, шунингдек, хорижий юридик шахслар, компаниялар ҳамда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга ва хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ тузилган бошқа корпоратив уюшмалар тушунилади.

18. **Жамоат бирлашмалари** маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари ҳисобланади. Бунга ўсмирлар, ёшлар, болалар, ногиронлар, илмий, техникавий, маданий, спорт ва бошқа фуқаролар бирлашмалари мисол бўла олади. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ўсмирлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади³.

¹ Мазкур таъриф-тушунча ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасидан олинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 78-модда. Фикримизча, кўрсатилган норматив ҳужжатнинг бекор қилинишига қарамадан, таъриф узининг долзарблигини йўқотмади.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 76-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда.

19. Шахсга битимларни тузиш бўйича қонунда белгиланган тартибда ваколат берилгандагина уни жавобгарликка тортиш мумкин. Акс ҳолда, унинг ҳаракатларини ЖК 175-моддаси бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Агар керакли далиллар бўлса, шахс манфаатдор бўлса унинг ҳаракатлари фирибгарлик сифатида ЖКнинг 168-моддаси тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши мумкин.

20. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига ҳилоф равишда битим тузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу модданинг 2-қисми «а» ва «б» бандларида кўрсатилган алоҳида квалификация қилинадиган белгилар биз олдин шарҳлаган босқинчилик белгиларини сўзма-сўз такрорлайди ва ушбу жиноятга нисбатан ҳеч қандай махсус ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

21. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига ҳилоф равишда битим тузиш:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса жавобгарлик юзага келади.

22. **Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига** мувофиқ, етказилган моддий зарар уч қарра миқдорда қопланган тақдирда, шахс жазодан озод этилади.

176-модда. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш

Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар яшаш ёки уларни ўтказиш –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) куп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда куп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** қоғоз пул ёки қимматли қорозлар кўпайиб кетишига, яъни пул ва товар массаси ўзаро мутаносиблигининг бузилишига сабаб бўлади. Муомалада товар билан таъминланмаган қалбаки қороз пуллар пайдо бўлади, бу эса, пулнинг кадрсизланишига, иқтисодий бекарорликка сабаб бўлади, давлат иқтисодиётининг асосларига путур етказди.

2. Жиноятнинг **объекти** давлатнинг пул ва кредит тизими ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият олиб боришини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

3. Ушбу жиноятнинг **предмети** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк билетлари (банкнотлар), шунингдек, металл тангалар, акциз маркалар, Ўзбекистон Республикаси валютасидаги қимматли қорозлар, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги **сўмдир**. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм Ўзбекистон Республикасидаги ягона чекланмаган қонуний тўлов воситасидир¹.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай **металл тангалари**, шу жумладан олтин, кумуш ва платина тангалар (бу тангалар сони чекланганлиги туфайли, асосан, тўлов воситасидан кўра кўпроқ, коллекция буюми сифатида фойдаланилади).

Банк билетлари (банкнотлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эмиссия қилинади. Муомалада бўлган пуллардан ташқари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, алмаштирилиши лозим бўлган банк билетлари (банкнотлар) ҳамда майда тангалар кўринишидаги пуллар ҳам кўриб чиқиладиган жиноятнинг предмети бўлиши мумкин.

Акциз маркалар акциз солиғига тортиладиган буюмлар (хусусан, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари) учун мазкур буюмларнинг ишлаб чиқарувчилари ва импорт қилувчилари томонидан акциз солиғи тўланганлигининг далилидир.

Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар **қимматли қоғозлар** ҳисобланиб, улар тақдим этилган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозлар жумласига: облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонунчилик билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар қиради².

Чет эл валютаси жумласига муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудида нақд тўловнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ЎРҚ-582-сон Қонуни, 39-модда 2-3-қисмлари – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2019 й., 03/19/582/4014-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 96-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, ammo алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисобкитоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар киради¹.

4. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказишнинг жиноийлиги фақат улар қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки бошқа мамлакатлар ҳудудида муомалада бўлган ҳолда қайд этилиши лозим.

Муомалада бўлиш деганда куйидаги ҳолатлар тушунилиши лозим:

– банкнот ва тангалар, шу жумладан сўм ва тийин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир;

– акциз маркалари ваколатли давлат органлари томонидан акциз солиғи туланганининг қонуний ва ҳақиқий далили сифатида қабул қилинади;

– қимматли қоғозлар эмитент томонидан қонуний ва ҳақиқий қарз мажбуриятлари сифатида қабул қилинади.

Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда муомалада бўлмаган қалбаки пул белгилари ёки қимматли қоғозларни (масалан, собиқ СССР пул белгиларини, тугатилган акциядорлик жамияти акцияларини) ўтказиш мақсадида ясаш ЖКнинг 176-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки уларни ясаш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг пул ва кредит тизимига зарар етказа олмайди, бундай шахсларнинг ҳаракатлари фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги УРҚ–573-сонли Қонуни, 4-модда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2019 й., 03/19/573/3942-сон.

5. **Объектив томондан** жиноят ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясашда ва уларни ўтказишда ифодаланadi.

6. **Қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш** деганда мазкур нарсаларни тула ясаш ёхуд ҳақиқий қоғоз пуллар ёки қимматли қоғозларга қисман ўзгартиришлар киритиш (шу нарсаларнинг рақамларини ёки бошқа зарурий қисмларини ўзгартириш) тушунилади.

Қалбаки билетлар ёки қимматли қоғозларни ясаш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу фотосуратлар, компьютер техникасидан фойдаланиш, чизиш, матбаа йўли билан пул ёки қимматли қоғозларни босма усулда чиқариш ва х.к. усуллари бўлиши мумкин. Жиноятнинг квалификацияси учун уни содир этиш усулларининг аҳамияти йўқ.

7. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларнинг (жиноятнинг предметининг) барча ўлчамлари, зарурий белгилари, яъни реквизитлари ҳақиқийсига чиндан ҳам ўхшаш бўлиши жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Акс ҳолда, айбдорнинг ҳаракатларини кўриб чиқиладиган модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Масалан, шахснинг журналдан янги пулнинг намуна нусхаларини қирқиб олиб, уларни ёпиштириб сотишга уринишини қалбаки пул ясаш ёки уларни ўтказиш деб бўлмайди. Бундай қилмиш муайян шароитда фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин. Чунки, бундай пуллар муомалада бўла олмайди ва давлатнинг пул-кредит тизими асосларига путур етказмайди. Бундан ташқари, жиноятнинг предметини бундай тарзда қалбакилаштириш, шунингдек ишнинг бошқа ҳолатлари айбдор қасдининг чекланган шахслар доирасини кўпол равишда алдашга йўналтирилганлигидан далолат беради.

8. Жиноятнинг предметини ясаш, агар уларни ўтказиш мақсади борлиги аниқланса, лоақал бир нусха ясалган

пайтдан эътиборан, уларнинг кейинчалик ўтказилиши ёки ўтказилмаслигидан қатъи назар, **тугалланган** жиноят ҳисобланади.

9. Уларни **ўтказиш** деганда, уларни муомалага киритиш, яъни улардан тўлов, айирбошлаш, ҳада қилиш воситаси сифатида фойдаланиш ва шу нарсаларнинг муомалада бўлишига имкон берадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Бу ўринда ўтказиш жиноятнинг предметини тайёрловчи шахс ва жиноятнинг бошқа иштирокчилари ёки бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Қалбакилаштирилганлиги олдиндан маълум бўлган предметларни кейинчалик ҳақиқатда ўтказиш учун олиш ЖКнинг 176-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишга жинойий жазоланадиган тайёргарлик кўришни вужудга келтиради (ЖКнинг 25-моддаси 2-қисми).

10. Бир дона бўлса-да, жиноятнинг предмети қабул қилинган ёки ҳақиқий пул белгиси, акциз марка ёки қимматли қоғоз сифатида фойдаланилган вақтдан бошлаб жиноят **тугалланган** ҳисобланади.

11. Жиноятнинг предмети муомалага киритилиши натижасида нафақат давлатнинг пул-кредит тизимига салбий таъсир кўрсатилади, балки ўзгаларнинг мулкига (берилган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳақ сифатида, айирбошлашда, қарз беришда, олди-сотдида ва бошқалар) ҳам зарар етказилади. Бундай ҳолларда, жиноятни фақатгина ЖКнинг 176-моддаси билан жавобгар қилиш етарли, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддалар бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

12. Муомаладан чиқарилган ва фақатгина коллекциялаш учун мўлжалланган пул ва қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида ясаш ёки ўтказиш шарҳланаётган жиноят таркибини вужудга келтирмайди ва тегишли асослар мавжуд бўлганда фирибгарлик сифатида ЖКнинг 168-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Пул-буюм лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларни ясаш, қалбакилаштириш ёки уларни ўтказиш ЖКнинг 176-моддаси билан жавобгарликни юзага келтирмайди. Пул-буюм ло-

терея билетлари ва бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки уларни ўтказганлик учун ЖКнинг 168-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши керак.

13. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Шахс ўтказиш мақсадида жиноятнинг предметини ясаётганлиги ёки уларни ўтказётганлигини англайди ва ушбу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Ўтказиш мақсадининг борлиги жиноятнинг предметини яшашнинг зарурий белгисидир. Ўтказиш мақсади ҳақида хулоса чиқаришда фақат қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозларни ёхуд чет эл валютаси ёки хорижий валютадаги қимматли қоғозларни ясаш ёки сақлаш фактига асос сифатида таяниш мумкин эмас, бунда шахснинг уларни ўтказиш ниятидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар ҳам аниқланиши лозим. Санаб чиқилган предметларни ўтказиш нияти мавжуд бўлгани ҳақида, масалан, уларнинг миқдори, махсус ўрамлари, уларни ташиш ҳолатлари ва ҳоказолар далолат бериши мумкин. Шахс жиноятнинг предметини ўтказиш мақсадида эмас, балки ўзи учун, масалан, ўз қобилияти, маҳоратини кўрсатиш ва ҳоказо учун ясаган ҳолларда унинг ҳаракатлари жинойий қилмиш ҳисобланмайди.

Ўтказётган банкнотлар, акциз маркалар ёки қимматли қоғозлар қалбаки эканлигини билмаган шахс ҳам жинойий жавобгарликка тортилмайди.

14. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган ақли расо жисмоний шахс бўлади.

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, ўтказиш мақсадида жиноятнинг предметини ясаганлик ёки уларни ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

16. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

Курсатилган барча белгилар ЖКнинг 168-моддаси тахли-
лида шархланган.

177-модда. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш

Фуқароларнинг қонунга хилоф равишда валюта қиммат-
ликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъ-
мурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан
юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача
ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш
ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз
бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача
озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан
маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб
содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш
юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача
озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан
маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини
кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан
жазоланади.

Тайёргарлик курилаётган ёки содир этилаётган жиноят
ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол
ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Ш А Р Ҳ

1. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** шундаки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан айбдор миллий валютанинг барқарорлигига таъсир қилиб, инфляция жараёнининг кескинлашуви учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, «валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг валюта яққа ҳукмронлигига путур етказди, улар қўпинча талон-торож қилиш, порахўрлик, божхона қонунчилигини бузиш каби жиноятлар билан боғлиқ бўлади»¹.

2. ЖКнинг 177-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объекти** давлатнинг иктисодиёт асосларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

3. Шарҳланаётган **жиноятнинг предмети** валюта қимматлигидир. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига биноан чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тулов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф қўйма олтин² **валюта қимматликларига** киритилади.

Олтиндан ясалган заргарлик ва маиший буюмлар, шу билан бирга олтин лом ва уларнинг парчаси жиноятнинг предмети бўла олмайди. Шунингдек, кўриниши ва ҳолатидан катъи назар, бошқа қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар (шу жумладан, сунъий тошлар ҳам) шарҳланаётган қилмиш предмети бўла олмайди.

4. Зеб-зийнат, маиший ҳамда диний ашёлар сифатида қўлланиладиган, қимматбаҳо металллардан ва уларнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарори, мукаддима.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРК-573-сонли Қонуни, 4-модда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2019 й., 03/19/573/3942-сон.

қотишмаларидан ясалган ҳамда ушбу Қонунда белгиланган энг паст асиллик даражаларидан кам бўлмаган асиллик даражаларига эга бўлган, шу жумладан безакли ишлов беришнинг ҳар хил турларидан фойдаланилган, қимматбаҳо тошлар ва бошқа материаллар ўрнатилган ёки ўрнатилмаган ҳолда ясалган буюмлар ёхуд табиий ёки сунъий материаллардан ясалган, безакли ишлов беришнинг ҳар хил турларидан фойдаланилган, қимматбаҳо тошлар ўрнатилган ҳолда ясалган буюмлар қимматбаҳо металллардан ва **қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар** ҳисобланади¹. Қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари, стандарт ва ўлчовли қуймалар, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган давлат мукофотлари, мукофот белгилари ва спорт мукофотлари қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга кирмайди.

Қимматбаҳо металллар – ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги, шу жумладан ёмби ва афинаж қилинган ҳолатдаги, шунингдек хом ашёдаги, қотишмалардаги, хомаки маҳсулотлардаги, саноат маҳсулотларидаги, кимёвий бирикмалардаги, қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлардаги, қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларидаги, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол парчаларидаги ва чиқиндиларидаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий);

Қимматбаҳо тошлар – табиий олмослар, ёқутлар, зумрадлар, сапфирлар, александритлар, хом (табиий) ва ишлов берилган тарздаги табиий марварид. Қаҳрабонинг ноёб ҳосилалари қимматбаҳо тошларга тенглаштирилади.

5. **Ишлаб чиқаришга мўлжалланган буюмлар** деб, тегишли қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган ёки улардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган буюмларга, масалан, айрим заргарлик асбобларига айтилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августдаги «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги ЎРҚ-710-сон Қонуни. 4-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 24.08.2021 й. 03/21/710/0815-сон.

6. **Лабораторияга мўлжалланган ашёларга** тегишли металллар ёки тошлардан ясалган ва фақат лаборатория тадқиқотларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа буюмлар киради.

7. **Қимматбаҳо металллар ва (ёки) тошлардан ясалган буюмларнинг яримфабрикатлари** – бу кейинчалик кўрсатилган буюмларни ясаш учун керак бўлган қимматбаҳо металллар ва тошлардан иборат материаллар ҳисобланади. Хом ашёдан фарқли уларок, яримфабрикатга бир марта ишлов берилган бўлади, яъни алоҳида ишлаб чиқариш операциялари амалга оширилган бўлади. Яримфабрикатларни тўйинтирилган хом ашёдан фарқлаш лозим. Тўйинтирилган хом ашё ишлаб чиқариш операцияларига тегишли бўлмай, рудани қимматбаҳо металл ёки тошлардан тозалаш имкониятини берувчи технология махсулидир. Яримфабрикатларга, масалан, жиҳозлар ишлаб чиқарилишида сарф бўладиган элементлар киради.

8. Юқорида санаб ўтилган буюмлар учун **деталлар** ўша буюмлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, деталлар ишлов берилган яримфабрикат сифатида ўтмайди.

9. **Ишлаб чиқариш чиқиндилари** (апилкалар, қириндилар, шламлар ва бошқалар) – бу ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида қимматбаҳо металллар ва тошлардан олинган чиқиндилар бўлиб, кейинчалик ишлов бермасдан улардан фойдаланиб бўлмайди.

10. Илмий-техникавий ривожланиш натижасида алоҳида турдаги сунъий қимматбаҳо тошларни кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони юзага келади. **Сунъий қимматбаҳо тош** – бу бирорта қимматбаҳо тошга яқин, унга ўхшайдиган минераллардан инсон ишлов бериши натижасида («ўстирилган», «эритмадан тортиб олинган» ёки бошқа усулда) яратилган тошдир. Бундай тошлар сифат жиҳатдан ҳақиқий тошдан ҳам чиройли кўриниб, жуда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади.

11. Жиноят **объектив томондан** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг

қонунга ҳилоф равишда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказишида ифодаланади.

12. **Валюта қимматликларини олиш** деганда, валюта қимматликларини тасарруф этиш имкониятини таъминлайдиган валюта қимматликларини олиш бўйича гаразли ва беғараз ҳаракатларни (масалан, чет эл валютасини чайқов бозоридан сотиб олиш) тушуниш лозим. Бундай қимматликларни вақтинчалик сақлаш, совға қилиш ёки бошқа беғараз усуллар орқали валюта қимматликларини олиш (масалан, мерос олиш натижасида) мазкур модда мазмунини ташкил қилмайди¹.

Агар айбдор валюта қимматликларини товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғирлик, алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан, пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, пора эвазига оғдириш, қимматбаҳо валюта билан рағбатлантиришдан қўлга киритган бўлса, тергов ва суд органлари уларнинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни қўзда тутувчи моддаси бўйича квалификация қилиши лозим ва ЖКнинг 177-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди².

13. **Валюта қимматликларини ўтказиш** деганда, валюта қимматликларини ҳақ эвазига бир ёки бир неча марта мазкур буюмни тасарруф этишни таъминлаб берувчи учинчи шахсга шундай ҳаракат орқали беришни тушуниш керак.

Валюта қимматликларини сотиш, алмаштириш, у орқали хизматлар учун ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бўйича ҳақ тўлаш ҳам, қоида тариқасида, ўтказиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Валюта қимматликлари билан боғлиқ бошқа битимлар (мерос қолдириш, омонат сақлаш, қарзга, қарз ўрнига бериш) ЖКнинг 177-моддаси назарда тутувчи жавобгарликни вужудга келтирмайди. Агар юқоридаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарори, 5-банд.

² Ўша манба, 10-банд.

ҳаракатлар валюта қимматликларини олиш учун амалга оширилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 177-моддаси бўйича квалификация қилинади.

14. **Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш** деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган талабларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади¹.

Албатта, валюта қимматликларининг жиноий йўл билан олинishi ёки ўтказилиши (масалан, хорижий валютада пора бериш, валюта қимматликларини ўғирлик, босқинчилик ва ҳ.к. натижасида олиш) ҳам ғайриқонуний ҳисобланиши лозим. Бирок, қайд этилганидек, мазкур ҳолатларда қилмиш Кодекснинг тегишли жиноят содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси бўйича квалификация қилиниб, шахс ЖКнинг 177-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши талаб этилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ҳамда сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида банклараро валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилади².

Юридик шахс манфаати учун чет эл валютасини харид қилиш ва сотишда белгиланган тартибга риоя қилмаслик валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб баҳоланиб, қилмиш ЖКнинг 177-моддаси ва мансабдорлик жинояти бўйича қўшимча квалификация қилинади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарори, 4-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ўРҚ-573-сонли Қонуни, 19-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2019 й., 03/19/573/3942-сон.

15. Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар, хизматлар, ишлар учун чет эл валютасида ҳақ тулаш жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай туловларни фақат қонунда белгиланган жойларда амалга ошириш мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши тақиқланган қимматли қоғозларни олиш ёки ўтказиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли валюта қимматликларини қонун талабларини бузуган ҳолда жойлаштириш қимматли қоғозларни қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина йўл қўйилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритиш квоталари ва тартибини белгилайди. Эмитентлар қимматли қоғозларни мустақил равишда, шунингдек банклар ва инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳуқуқига эга. Қимматли қоғозлар муомаласи қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан битимлар тузиш орқали амалга оширилади.

17. Валюта қимматликларини, хусусан, соф олтинни қўйма ҳолда, қонунга ҳилоф равишда хазина ва топилмаларни ўзлаштириш натижасида олиш ноқонуний ҳисобланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги тартибга риоя қилмасдан ўзлаштирилган ашё ноқонуний ўзлаштирилган ҳисобланади, яъни йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол

хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлган шахсга топширилиши лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт. Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

Топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади¹.

18. Ҳазина борасида фикр юритилганда, ҳазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу ҳазина жойлашган ердаги мол-мулкни ўзлаштириш ғайриқонуний бўлади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган, валюта қимматликлари ҳисобланадиган ашёлардан иборат ҳазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда ҳазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва ҳазинани топган шахс биргаликда ҳазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 192, 193-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади¹.

19. Қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқаролар қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган пайтдан эътиборан жиноят содир этилган деб топилади.

20. «Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда жабрланувчини қўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича тавсифланиб Жиноят кодексининг 168-моддаси (Фирибгарлик) билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни олган шахснинг қилмиши эса валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд сифатида тавсифланиши лозим.

Қалбакилигини билмаган ҳолда қалбаки валюта қимматликларини олган ва кейинчалик уларни ўтказган шахснинг қилмиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида тавсифланиши лозим»².

21. Худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган вақтдан эътиборан жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

22. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда шахс валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олаётганлигини ёки ўтказаётганлигига ҳамда бу хатти-ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлаганлигига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 192, 193-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова, 196-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарорн, 12-банд.

икрор бўлади. Қондага кўра, бундай жиноят ғаразгўйлик мақсадида амалга оширилган ҳисобланади.

23. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

24. Айбдорнинг ҳаракатларини **ЖК 177-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилишнинг зарурий шарти бўлиб, валюта қимматликларининг **анча миқдорда** қонунга хилоф равишда олаётганлиги ёки ўтказаетганлиги ҳисобланади.

25. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига киради. Улар бу масалани битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси сўм бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқиб ҳал этадилар¹.

26. ЖКнинг **177-моддаси 3-қисмида**:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур квалификация қилиш белгилари юқорида шарҳлаб утилган.

27. ЖКнинг **177-моддаси 4-қисмида**:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноятнинг бу квалификация қилиш белгилари тушунчаси ва ўзига ҳослиги юқорида таҳлил қилиб ўтилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарори, 7-банд.



28. «Килмишни ЖК 177-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари билан квалификация қилишда жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномаси (айблов хулосаси) ва ҳукмда айбдорнинг килмиши айнан қандай белгига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган деб топилганлиги акс эттирилиши шарт. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, анча миқдорда содир этилган валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятини ЖК 177-моддаси иккинчи қисмининг «а», «в» банди ва учинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилишда муқаддам шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши талаб этилмайди.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда куп ёки жуда куп миқдорда олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик шахс шундай ҳаракатлар учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар келиб чиқади»¹.

29. ЖКнинг 177-моддаси 5-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва жиноятни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

178-модда. Чет эл валютасини яшириш

Қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши –

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сон қарори, 9-банд.

базавий ҳисоблаш микдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) ғаразғўйлик билан;

б) такроран;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида, иккинчи қисмининг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда яширилган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилишини таъминлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Мазкур жиноятнинг **объекти** иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг республикада белгилаб қўйилган тартиби, яъни Ўзбекистон Республикасида ваколатли банклар ҳисобварақларига ўтказилиши керак бўлган чет эл валютасини белгиланган субъектлар томонидан ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ваколатли банклар ҳисобварақларига ўтказилиши керак бўлган чет эл валютаси:

– чет эл давлатида эркин муомаллада бўлган ва тулов воситаси сифатида қабул қилинадиган банкнот шаклидаги чет эл валютаси;

– чет элдаги ҳисоб рақамида турган чет эл валютаси ёки халқаро пул бирликлари ҳисобланади.

3. Резидент юридик шахслар томонидан олинган чет эл валютаси, шу жумладан, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгилаган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг ҳужалик фаолиятини ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ваколатхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда ушбу ҳисобварақлардан фойдаланишга уларнинг хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг хорижда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим ва ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикасига ўтказилади¹.

4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, **корхона, муассаса, ташкилотларнинг валюта ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютаси** деганда, қуйидагиларни тушуниш керак:

– товарлар ва хизматлар экспортдан олинган чет эл валютасидаги тушум;

– Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси;

– биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси;

– нақд чет эл валютаси.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ–573-сонли Қонуни, 12-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2019 й., 03/19/573/3942-сон.

Шунингдек, ҳада, хомийлик маблағлари, устав фондига улушлар ва савдо тусига эга бўмаган бошқа тўловлар шаклида келиб тушган чет эл валютаси ҳам ваколатли банклар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим.

5. **Жиноят объектив томондан** республиканинг ваколатли банкларидаги ҳисобварақларга ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасини яшириб қолишга қаратилган фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

6. **Чет эл валютасини яшириш** — бу чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида ёки бошқа ваколатли субъектида¹ сақлаш мажбуриятини бажармасликдан иборат бўлиб, оддий ҳаракатсизлик, яъни чет эл валютасини хориждан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкига ўтказиш тўғрисида кўрсатма бермаслик, банк ҳужжатларини имзоласлик, хориж валютасини хорижий банкдаги ҳисоб рақамида сақлаш каби йўллар билан содир этилади².

Нақд чет эл валютасини яшириш деганда, олинган нақд маблағларни белгиланган муддатда хизмат кўрсатувчи банкка топширмаслик, товар ва маҳсулот сотиш жойларида тегишли тарзда бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган маблағлар мавжудлиги тушунилади.

Хорижий валютани яшириш маблағларни банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик ёки тўлиқ ўтказмасликда ифодаланиши мумкин.

Банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик деганда, амалга оширилган операциялар натижасида олинган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатларга рўя қилмаган ҳолда ўтказилиши тушунилади.

Банкдаги ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказмаслик деганда, амалга оширилган ҳужалик фаолияти ва бошқа операциялар натижасида келиб тушган хорижий валютанинг

¹ Масалан, хорижий банкда — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатнома берилган ҳолда.

² Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатнома йўқлигида.

фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромад кўринишида амалда олинган валюта маблағларига мувофиқ бўлмаган хажмда ўтказилиши тушунилади.

Жинойтни баҳолаш учун айбдор валюта маблағларини ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини қайси йўл билан бажармаганлиги аҳамиятга эга.

Чет эл валютасини яшириш жинояти солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан амалга оширилса, шахснинг хатти-ҳаракатлари Жиноят кодексининг 178 ва 184-моддалари (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади.

7. Жиноят чет эл валютаси яшириб қолинган, яъни уни ваколат берилган банклардаги ҳисоб варақларга ўтказиш учун белгиланган муддат тугаган пайтдан ёхуд чет эл валютаси қисман ўтказилган ва қолган сумма яшириб қолинган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳисобланади.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари ҳисобига белгиланган тартибда ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасини яшириб қолаётганлигини англайди ва ушбу валютани ўтказишни хохламайди. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда инobatга олинishi мумкин.

Агар корхона, муассаса ёки ташкилотда валюта операцияларини амалга оширувчи шахс ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги туфайли чет эл валютаси яшириб қолинган бўлса, у муайян ҳолатларда мансабига совуққонлик билан қараганлиги (ЖКнинг 207-моддаси) учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳисобга ўтказиш, уни тўла ўтказмаслик, инсон эркига боғлиқ бўлмаган ҳолларда – ҳисоб-китоб техникасининг ишламай қолиши, шахснинг алдаши ва бошқалар чет эл валютасини яшириш ҳисобланмайди, чунки бундай вазиятда айб шакли мавжуд эмас. Бироқ ҳар бир ҳолат бўйича шахснинг иродасига боғлиқ бўлган-бўлмаган фактлар аниқланиши керак.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, қонунчилик ва шартнома билан ташкилот, корхона ва муассасаларда валюта операцияларини амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

10. ЖКнинг 178-моддаси 2-қисмида чет эл валютасини яширишнинг қуйидаги квалификация қилиш белгилари кўрсатилган:

а) ғаразғўйлик билан;

б) тақроран;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда.

11. **Ғаразғўйлик билан** деганда, шахснинг чет эл валютасини яшириш натижасида бирон-бир моддий наф чиқариб олишга интилиши (масалан, валютани даромадга айлантириш, қарзини тўлаш ва хоказолар) тушунилади. Чет эл валютасини яшириш фактини ғаразғўйлик туфайли содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдорда ғаразли интилиш ЖКнинг 178-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этилишидан олдин юзага келганлигини аниқлаш зарур. Башарти, айбдор валютани яширгач, уни ноқонуний ўзлаштирган бўлса, унинг ҳаракатини чет эл валютасини яшириш сифатида (бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса) жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 178-моддаси 1-қисми ҳамда ЖКнинг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) бўйича квалификация қилиш зарур.

12. Агар чет эл валютасини яшириш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жиноятчи ЖКнинг **178-моддаси 3-қисми** бўйича жавобгарликка тортилади.

13. Кўрсатилган оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноятни квалификация қилиш белгилари юқорида таҳлил қилинган ва улардан алоҳида хусусиятларга эга эмас.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга

доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш туғрисида»¹ги ЎРҚ-418-сонли Қонуни билан ЖКнинг 178-моддаси рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилган бўлиб, унга мувофиқ ушбу модданинг биринчи қисмида, иккинчи қисмининг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда яширилган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилишини таъминлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодекси 178-моддасининг 4-қисмига** мувофиқ айбдор шахс содир этган жиноят учун жавобгарликдан озод бўлиши учун қуйидаги шартларни бажариши зарур:

– Шахс ушбу модданинг биринчи қисмида, иккинчи қисмининг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган бўлиши керак.

– Жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда яширилган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилишини таъминлаган бўлиши керак.

179-модда. Сохта тадбиркорлик

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш туғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 1-сон, 1-модда

кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилмаларнинг қонунда, ўз уставида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, давлат, жамият ва фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иқтисодий манфаатлари ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **объектив томони** уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кузламасдан, қарз, кредит олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки бошқа мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларни тузишда ифодаланади.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс **тижорат ташкилот** бўлиши мумкин. Тижорат ташкилот бўлган юридик шахс ҳўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин¹.

Тижорат ташкилот ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаровий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Тижорат ташкилотнинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг низоми ёки қонунчиликда белгиланган бўлади².



¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 40-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

² Ўша манба, 41-модда.

Ўз навбатида, **тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари)** сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини, яъни ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар эътироф этилиши лозим¹.

3. Корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш деганда, тузиладиган тадбиркорлик ташкилотининг керакли таъсис ҳужжати ва уни ваколатли органлардан рўйхатдан ўтказиш учун керак бўлган ҳужжатларни йиғиш билан боғлиқ бўлган ташкилотчилик жараёни (масалан, бозор ташкил этиш учун ҳокимиятнинг розилиги талаб этилади) тушунилади. Тижоратчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади².

Агар ташкилот айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 25-моддаси 2-банди ва ЖКнинг 179-моддаси билан уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширмаслик мақсадида ташкилот тузиш (сохта тадбиркорлик) жиноятига суиқасд деб квалификация қилинади. Бироқ бунда айбдорнинг устав фаолиятини амалга оширмаслик қасдини аниқлаш зарур, акс ҳолда унинг ҳаракатлари ЖКнинг ушбу моддаси билан квалификация қилинмайди.

4. Устав фаолияти деганда, фаолиятнинг шундай тури тушуниладиги, тадбиркорлик ташкилоти томонидан уни амалга ошириш учун барпо этилади ва бу унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, таъсис ҳужжатининг тури ва шаклидан қатъи назар, унда қайд этилган фаолият турлари уставга оид ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни, 3, 4-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2012 й., 5-сон, 133-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 44-модда 4-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

Ҳар бир тузилган корхона ёки бошқа тадбиркорлик ташкилоти улар амалга ошириш учун ташкил этилган ҳамда уларнинг уставида кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланиши лозим. Шу билан бирга, инobatга олиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолият турлари билан ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин¹. Бироқ сохта тадбиркорлик ҳолатида ташкил этилаётган тадбиркорлик ташкилотининг тузувчилари унинг уставида кўрсатилган фаолият турлари билан ҳам қонунчиликда ман этилмаган ҳар қандай бошқа фаолият билан шуғулланишни мўлжалламасдан, шарҳланаётган модданинг диспозициясида кўрсатилган мақсадларни ўз олдига қўяди.

Корхона ёки бошқа тадбиркорлик ташкилотини тузиш жараёнининг ўзи қонуний асосларга қўра амалга оширилади, ташкилотнинг устави ва бошқа зарур таъсис ҳужжатлари қабул қилинади, ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилади, бироқ бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вақти келганида ушбу ташкилот мазкур фаолиятни амалга оширмайди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятининг мавжуд эмаслиги таъсис ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни мазкур мажбуриятларни иш муомаласи одатларига мувофиқ бажариш учун зарур ва етарли бўлган вақт ичида бажармасликда ифодаланиши мумкин.

5. Сохта тадбиркорлик билан шуғулланувчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб жиноят **туғалланган** ҳисобланади. Мулкий зарар келтириш ёки мулкий фойда қўрганлик жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

6. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс устав фаолиятини амалга ошириш мақсадини қўзламасдан корхона ёки бошқа тадбиркорлик ташкилоти тузаётганлигини англайди ва шуни истайди.

¹ Қараг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдғи «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги УРК–328-сонли Қонуни, 19-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2012 й., 5-сон, 133-модда.

Жиноятни содир этишдаги мотив жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Қонда тарикасида жиноят субъектлари бу вақтда тамагирлик ниятида ҳаракат қилади.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси **ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш)** ёки бошқача мулкый манфаат кўриш мақсадининг мавжудлигида ифодаланади.

Ноқонуний кредитлар, ссудалар олиш мақсади жуда содда тарзда амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, банкдан муддатли, қайтариб бериш ва фоиз шартлари асосида имтиёзли кредитлар олиниши мумкин.

Фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки камайтириш деганда, қонунга мувофиқ тузилган вақтдан бошлаб маълум муддат ёки бутунлай айрим солиқлардан озод қилинган ёки имтиёзли тарзда солиқ олиниши мумкин бўлган тижорат ташкилотини тузиш сифатида тушуниш керак.

Бошқа мулкый манфаат кўриш мақсади деганда, белгиланган ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги тижорат ташкилотини тузиш ва у орқали имтиёзли кредитлар олиш, солиқ имтиёзларини қўлга киритиш, имтиёзли тарзда пул маблағларини фаолиятига жалб қилиш каби операцияларни амалга оширишни тушуниш лозим.

Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкый фойда кўриш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож этишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳ.к. учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлашга асос бўлиши мумкин.

7. Агар сохта тадбиркорлик жамиятини тузишдан мақсад тақиқланган фаолиятни (диний таълимотлар бериш, орден ва медалъ, муҳр ва штамплар, гиёҳванд, каттик таъсир

қилувчи ва захарли моддаларни тайёрлаш ва бошқаларни) амалга ошириш бўлса, айбдор шахс жиноятлар мажмуи тарикасида ЖКнинг 179-моддаси ва тегишли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан жавобгарликка тортилади.

8. Сохта тадбиркорлик ташкилоти айбдор фойдасига ғайриқонуний мол-мулкни эгаллаш, алдаш ва ишончни сунистеъмом қилиш йўли билан мол-мулкни тортиб олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун тузилган бўлса, айбдор ЖКнинг 168-моддаси билан жавобгарликка тортилади, чунки бу фирибгарлик ҳисобланади.

9. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, сохта ташкилот ақли расо таъсисчиси ёки таъсисчилари бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

180-модда. Сохта банкротлик

Сохта банкротлик, яъни ҳужалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **объекти** хужалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият курсатишини, банкротликни эълон қилишнинг ўрнатилган тартибини, хужалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. **Объектив томондан** жиноят хужалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши натижасида кредиторларга қўп микдорда зарар етказилишида намоён бўлади.

3. Хужалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан атайлаб бўйин товлаб, ўзини банкрот деб эълон бериши **атайлаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериш** ҳисобланади.

4. **Хужалик юритувчи субъектлар** (тадбиркорлик субъектлари) исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Банкрот – бу суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва ўзига нисбатан тугатишга доир иш юртиш ёки мол-мулкни сотиш тартиб-таомили қўлланиладиган қарздор¹.

Кредиторлар – деганда қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан қайси юридик ёки жисмоний шахслар олдида жавобгар бўлса, айти шу юридик ёки жисмоний шахслар, бундан қарздор қайси фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айти

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги 763-сонли Қонуни, 3-модда // Қонуничилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассасалари (иштирокчилари) мустасно тушунилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни² қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги 474–II-сонли Қонуни ўз кучини йўқотган. Шундай экан, мазкур қонунларни шарҳлаш натижасида юридик муомалада «сохта банкротлик» атамаси ўрнига «сохта тўловга қобилиятсизлик», «банкротликни яшириш» атамаси ўрнига «тўловга қобилиятсизни яшириш», «қасддан банкротликка олиб келиш» атамаси ўрнига «қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш» атамалари қўлланилмоқда. Фикримизча, тўловга қобилиятсизликни тартибга солувчи Янги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 180–181¹-моддаларига ҳам ўзгартиш қилиниши мақсадга мувофиқ.

5. Суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида иктисодий суд томонидан тайинланадиган шахс.

Суд бошқарувчиси, ўзи тайинланган вақтдан бошлаб, мазкур Қоидаларда назарда тутилган сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда чоралар кўриши шарт.

Суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисида иш кўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолият таҳлил қилинади.

Таҳлил қилиш даврида қуйидагилар ўрганилади:

- а) қарздорнинг таъсис ҳужжатлари;
- б) қарздорнинг молиявий ҳисоботлари;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги 763-сонли Қонуни, 3-модда // Қонуничилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

² Қаранг: Қонуничилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.



в) қарздорнинг мол-мулки ўзгаларга ўтказилганлиги ёки сотиб олинганлиги, активлар таркибининг ўзгарганлиги, кредиторлик қарзларининг кўпайганлиги ёки камайганлигига асос бўлган шартномалар;

г) қарздорнинг бошқарув органлари таркиби, шунингдек қарздор учун мажбурий кўрсатмалари ёхуд унинг ҳаракатини бошқача тарзда аломатлаш имкониятларини бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар;

д) қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилган санадаги қарздор мол-мулкининг рўйхати, шунингдек қарздорнинг текширилаётган даврда сотиб олинган ёки ўзгаларга берилган мол-мулкининг рўйхати;

е) қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилган санада ҳар бир дебитор бўйича дебиторлик қарзининг миқдорини кўрсатган ҳолда дебиторлар рўйхати, шунингдек текширилаётган даврда дебиторлик қарзларни талаб қилиб олиш бўйича қўрилган чораларни тасдиқловчи ҳужжатлар (қарздорлик миқдори умумий дебиторлик қарзларнинг 5 фоизидан кам бўлган дебиторлардан ташқари);

ж) қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилган санадаги ва таҳлил қилинган санадан олдинги охириги ҳисобот санасидаги асосий қарзлар, жарималар, пенялар ва бошқа молиявий жарималар миқдорларини алоҳида кўрсатган ҳолда барча даражадаги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзлари тўғрисидаги маълумот;

з) ўрганилаётган даврда қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берилган санада ҳар бир кредитор бўйича қарздорликнинг асосий суммаси, жарималар, пенялар ва мажбуриятлар зарур даражада бажарилмаганлиги учун бошқа молиявий санкциялар ҳамда уларнинг бажарилишини бошлаш муддатларини кўрсатган ҳолда қарздорнинг кредиторлари рўйхати (қарз миқдори умумий кредиторлик қарзларнинг 5 фоизидан кам бўлган кредиторлардан ташқари);

и) қарздорнинг бизнесини баҳолаш, мол-мулки тўғрисидаги ҳисоботлар, аудиторлик ҳулосалари, муваққат бошқарувчининг кузатув тартиботини ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботи, тафтиш комиссиясининг протоколлари, ҳулосалари ва ҳисоботлари, қарздор бошқарув органларининг протоколлари ва қарорлари;

к) қарздорнинг аффилланган шахслар ва шуъба корхоналари тўғрисидаги, шунингдек улар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

л) қарздор иштирокидаги суд жараёнлари материаллари;

м) қарздорни солиқ юзасидан текширувлар материаллари;

н) қарздорга бегараз берилган ва у тугатилганда давлатга қайтарилиши зарур бўлган давлат мулки рўйхати;

о) қарздорга сақлаш учун берилган, уларнинг сақланиши ва бутлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган давлат захиралари, моддий бойликларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

п) қарздорнинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳисобга олиш ҳужжатлари, локал ҳужжатлар¹.

Ҳужалик юритувчи субъект қонунда белгиланган тартибни бузиб, ўзининг иқтисодий ночорлигини эълон қилган ҳолларда, айбдорнинг қилмиши муайян ҳолатлар мавжуд бўлганида фирибгарликни (ЖКнинг 168-моддаси) вужудга келтиради.

6. Жиноят кредиторларга кўп миқдордаги зарар етказиш тарзидаги ижтимоий хавfli оқибат келиб чиққан пайтдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади. (*Кўп миқдордаги зарар тушунчасига ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг*). Кўп миқдорда зарар етказилмаган тақдирда иш фуқаролик тартибида ҳал қилинади.

Агар айбдор шахснинг ҳаракатлари кўп миқдорда зарар етказишга қаратилган бўлиб, бироқ айбдорларнинг ихтиёрига

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 224-сонли қарори. 5-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 33-сон. 441-модда.



боғлик бўлмаган ҳолда бундай оқибат келиб чиқмаган бўлса, унинг қилмишини сохта банкротликка суиқасд сифатида квалификация қилиш лозим.

7. Агар мансабдор шахс сохта ҳужжатлар тақдим этиб, банкротлик тўғрисида эълон берса, унинг қилмишлари жиноятларнинг мажмуи бўйича ЖКнинг 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги) билан ҳам квалификация қилинади.

8. **Субъектив томондан** жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Шахс узини ёки тижорат ташкилотини била туриб ёлғон равишда банкрот деб эълон қилаётганлигини англаб етади, кредиторларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказётганлигини билади ва ушбу оқибатлар юзага келишини хоҳлайди ёки била туриб шунга йўл қўяди.

Қоида бўйича, шарҳланаётган ушбу жиноят гаразли мотив бўйича содир этилади, лекин бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Лекин бу квалификацияга таъсир қилмайди.

9. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ва ҳужалик юритувчи субъект номидан ҳаракат қила оладиган шахс ҳисобланади. Бундай шахс сифатида суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) – туловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган шахс¹ тушунилиши лозим.

Сохта банкротликка доир ишларни кўришда ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиш ва бундай қаллобликнинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаш шарт, зеро мазкур ташкилотларга уларни ташкил этишга алоқаси бўлмаган шахслар, яъни сохта шахслар ҳам расман раҳбарлик қилишлари мумкин.

10. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига** мувофиқ, етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Туловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги 763-сонли Қонуни, 3-модда // Қоиунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

11. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига мувофиқ, шахс жавобгарликдан озод этилади, агарда у:

- сохта банкротликни биринчи марта содир этган бўлса;
- жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса.

181-модда. Банкротликни яшириш

Хужалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **объекти** бозор иқтисодиёти шароитида банкротликни амалга оширишнинг белгилаб қўйилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ва кредиторларнинг манфаатларидир.

2. (Банкротлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 180-моддаси шарҳига қаранг).

3. **Объектив томондан** жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодир эмаслигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга қўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланади.

Тўловга қобилиятсизликни яшириш деганда, юридик ва жисмоний шахс, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилганлиги, бухгалтерлик ҳисоботлари бузиб кўрсатилганлиги ёки ўзининг тўловга қобилиятсизлиги бошқача тарзда қасддан яширилганлиги натижасида кредиторларга зарар етказиш тушунилади¹.

4. **Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини яшириши** – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан ваколатли давлат органига ёки бошқа адресатга ўз молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмаган ҳолда муддати бузилган қарздорлик мажбуриятларини бажаришнинг имконияти йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ фаолият. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, яшириш фақатгина фактик вужудга келган ҳолатлар бўйича юзага келган муносабатларга хосдир. Шунинг учун хўжалик субъектининг келажақда бўлиши мумкин бўлган қарзларини тўлай олмаслиги билан боғлиқ маълумотларни тақдим этмаслиги банкротликнинг яширилиши деб қаралиши мумкин эмас.

Бу ўринда шунини инобатга олиш лозимки, хўжалик юритувчи субъектни тўловга қобилиятсизлиги фактини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги 763-сонли Қонун. 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

белгилашда факатгина муддати бузилган қарздорлик мажбуриятлари инобатга олинаши лозим, чунки тўлаш муддати етиб келмаган мажбуриятлар бўйича хўжалик юритувчи субъект қарздор деб топилмайди¹. Шунингдек, тўловга қобилиятсизликни белгилашда алоҳида эътиборни хўжалик субъектида мавжуд (балансида рўйхатда бўлган) мулкнинг тахлилига қаратмоқ лозим, чунки банкротлик нақд пул ёки нақд пулсиз шаклдаги юқори ликвидли активларгина эмас, балки факатгина қарздорлик бўйича тўловга бутун мол-мулки етмаганда юзага келади.

Тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик – агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик – агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, утган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса².

5. Маълумотлар ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан, бевосита ваколатли шахс томонидан ёки хўжалик субъектининг бошқа вакили орқали тақдим этиш орқали тақдим этиш мумкин – ушбу ҳолатлар қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди.

¹ Бу хулоса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242, 243-моддалари тахлилидан келиб чиқади.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги 763-сонли Қонуни, 5-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш улар шундай маълумотларни тақдим этишга ваколатли ёки жавобгар шахс томонидан расмий равишда тақдим этилгандагина ижтимоий хавfli килмишни вужудга келтиради. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар норасмий равишда тақдим этилганда банкротликни яшириш деб қаралмаслиги лозим.

6. Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини яшириши деганда, хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган ушбу оқибатларни тушунмоқ лозим. Ушбу ҳаракатлар маълумотларни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаслик, балансни шакллантиришда айрим усуллардан фойдаланиш ва хоказо – бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатишнинг аниқ усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Бухгалтерия ҳисоботи деганда, ташкилотнинг мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда унинг ҳисобот даври (ой, квартал, йил) мобайнида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шаклда тузиладиган маълумотларнинг ягона тизими тушунилади¹.

7. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночорлигини бошқача яшириш белгиси бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятининг банкротлик белгиларини аниқлаш имконини берадиган маълумотларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан етарлича олинмаслигига қаратилган ҳаракатлари натижаларини квалификация қилиш лозим. Бу усуллар каторига, масалан, банк ҳисоб рақамини ёпмаслиги ва бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар бермаганлиги учун ҳисоб рақамида кам аҳамиятли операцияларни амалга ошириб қўйиш, бухгалтерия ҳисоботларини ва бошқа ҳужжат ва маълумотларни турли баҳоналар билан тақдим этмасликни киритиш мумкин.

¹ Қараңг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М. 2000. – 66-б.

8. Шунинг эътиборига олиш лозимки, банкротликни яшириш давлат ваколатли органларига маълумотларни топширмаслик, яъни хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобот бериши лозим бўлган органларга керакли маълумотларни тақдим эта олмаслигидир. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектнинг банкротликни реал ва потенциал контрагентларидан яширишидир.

9. Жиноят кредиторларга кўп миқдордаги зарар етказилган пайдан эътиборан **туғалланган** ҳисобланади. Кўп миқдордаги зарар етказилиши шарҳланаётган жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади. Бунда кўрсатилган зарар хўжалик юритувчи субъектнинг кредиторлари бўлган фуқаролар ва нодавлат юридик шахсларга ҳам, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд бўлган қарздорлик муносабати билан давлатга ҳам етказилиши мумкин.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Шахс қарздор ташкилот ёки яққа тартибдаги тадбиркор банкрот ҳолатидалигини ва унинг содир этган ҳаракатлари ҳуқуққа хилофлигини англаб етади, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказиши мумкинлигини кўра билади ва буни хоҳлайди ёки англаган ҳолда содир этилишига йўл қўяди ёхуд унинг оқибатига бефарқ қарайди.

Жиноят мотивлари ғаразли, баъзида бошқача бўлиши мумкин, лекин жиной қилмиш квалификациясига таъсир этмайди. Банкротликни яширганлиги учун мансабдор шахс мукофотланган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 181 ва 210-моддалари (Пора олиш) бўйича квалификация қилиниши керак.

11. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин (*ЖКнинг 180-моддаси шарҳига қаранг*).

12. **Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига** кўра етказилган моддий зарар уч карра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди.

13. **Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига** мувофиқ, шахс жавобгарликдан озод этилади, агарда у:

- банкротликни яшириш биринчи марта содир этган бўлса;
- жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса.

181¹-модда. Қасддан банкротликка олиб келиш

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини қўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келса, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Мазкур модда ЖКга Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги УРҚ–373-сонли Қонунига асосан киритилган.



Мамлакатимизда хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусан, қасддан банкротликка олиб келиш ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳуқуқий чораларни кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Қонунчиликка мувофиқ, қарздор пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса, бундай корхона банкрот, деб эътироф этилади.

Қорхонанинг банкрот деб эътироф этилиши натижасида ушбу корхона билан шартномавий муносабатларга киришган бир қатор хужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатлари ва молиявий хужалик фаолиятига жиддий зарар етади. Шу боис, мазкур норманинг асосий мақсади банкрот деб эълон қилинган корхона билан муносабатларга киришган кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

2. Ушбу жиноятнинг асосий **бевосита объекти** мамлакатдаги хужалик муносабатлари, давлат, ташкилотларнинг иқтисодий манфаатлари ҳамда кредиторларнинг манфаатларини муҳофаза қилувчи ижтимоий мунобатлардир.

3. Жиноят **объектив томондан** қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш орқали содир этилади.

Қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш деганда, юридик шахснинг бошқарув органи таркибига кирадиган шахс, муассис (иштирокчи) ёхуд юридик шахснинг мулкдори, шунингдек жисмоний шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки кўпайтириши тушунилади¹.

Тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш деганда, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қасддан қондирмаслиги ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги «Тўловга қобилиятсизлик туррисида»ги 763-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022 й., 03/22/763/0306-сон.

мажбуриятини бажаришга кодир бўла туриб бажармаслиги шунингдек, қарздор томонидан мажбуриятнинг бошланган кунидан уч ой муддатда, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштириладиган корхоналар учун эса – олти ой мобайнида тегишли мажбуриятлар ва (ёки) вазифаларни қасддан бажармаслиги тушунилади.

4. Қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш иқтисодий суд томонидан қарздор банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин, қарздор учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини бошқача тарзда аломатлаш имкониятига эга бўлган шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари асосида банкротлик келтириб чиқарилишини тахмин қилиш асослари мавжуд бўлганда амалга оширилади.

5. Юридик шахснинг банкротлиги юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ушбу юридик шахснинг муассиси (қатнашчиси) ёки мулкдори томонидан фақат, агар у кўрсатиб утилган ҳуқуқдан юридик шахс томонидан бунинг оқибатида юридик шахснинг банкротлиги бошланишини олдиндан билган ҳолда юзага келтирилган хатти-ҳаракатлар содир этиш мақсадида фойдаланган бўлса, қасддан банкротликка олиб келиш деб ҳисобланади¹.

6. Қарздорнинг қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари бунинг натижасида қарздорнинг банкротлиги юзага келишини олдиндан билган ҳолда қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этишида ифодаланади:

1) пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан қарздорга қасддан зиён ёки зарар етказган ҳолда жинойий тарзда фойдаланиш;

2) тўлов интизомини бузиш ва шартнома мажбуриятларини бажармаслик;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 224-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 33-сон, 441-модда.

3) мол-мулкни баланс қийматидан паст нарҳда сотиш ёки уни текин бериш;

4) муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш бўйича белгиланган муддатларда чора-тадбирлар кўрмаслик;

5) асосий фаолиятга (ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга) жалб этилган қарздор активларининг 50 фоиздан ортиғини бошқа шахсларга бериш;

6) ижро этувчи орган ва/ёки кузатув кенгаши томонидан тегишли равишда уларнинг ваколатига кирмайдиган йирик битимлар тузиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари»нинг 28-бандига асосан, қарздорни қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида таҳлил ўтказилади, у икки босқичга бўлинади.

Биринчи босқичда ушбу Қоидаларнинг 13 ва 17-бандларида кўрсатилган кўрсаткичлар бўйича қарздорнинг тўлов қобилияти таҳлил қилинади ва қарздорнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари таъминланганлигидаги ўрганилаётган даврда юз берган ўзгаришларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади.

Иккинчи босқичда мажбуриятлар таъминланганлиги кўрсаткичларида жиддий ёмонлашиш аниқланган тақдирда, иккинчи босқичда шу даврнинг ўзида қарздорнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари таъминланганлиги кўрсаткичларидаги жиддий ўзгаришларга олиб келган битимларни содир этиш шарт-шароитлари таҳлил қилинади.

8. Кўрсаткичларнинг жиддий ёмонлашиши деганда, бирор-бир чораклик даврда уларнинг пасайиши суръати ўрганилаётган даврда ушбу кўрсаткичлар қийматлари пасайишининг ўртача суръатидан ошгандаги пасайиш тушунилади.

9. Қарздорнинг битимларини таҳлил қилиш давомида битимлар ва қарздорнинг бошқарув органлари ҳаракатларининг

(харакатсизлигининг) қонунчиликка мувофиқлиги, шунингдек бозор шартларига мувофиқ бўлмаган шартларда тузилган ёки бажарилган, қарздорнинг туловга қобилиятсизлиги юзага келишига ёки кўпайишига сабаб бўлган ва унга аниқ зиён етказган битимлар аниқланади.

10. Бозор шартларига мувофиқ бўлмаган шартларда тузилган битимларга қуйидагилар киреди:

а) қарздорнинг олди-сотди битимлари ҳисобланмаган, қарздорнинг активларини камроқ ликвидли активларга алмаштиришга йўналтирилган мол-мулкни ўзгага бериш бўйича битимлари;

б) қарздорнинг мол-мулки билан амалга ошириладиган, қасдан қарздор учун фойда келтирмайдиган шартларда тузилган ёки қарздорнинг хўжалик фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлган олди-сотди битимлари;

в) қарздорнинг мол-мулк билан таъминланмаган мажбуриятлари пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган, шунингдек ликвидли бўлмаган мол-мулк сотиб олинishiга сабаб бўлган битимлар;

г) баъзи мажбуриятларни қасдан фойда бермайдиган шартларда бошқа мажбуриятлар билан алмаштириш бўйича битимлар.

11. Қарздор учун олдиндан маълум бўлган фойда бермайдиган шартлардаги битимларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

а) вужудга келган бозор конъюнктурасига нисбатан етказиб бериладиган (сотиб олинadиган) товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг пасайтирилиши ёки оширилиши;

б) туловнинг қарздор учун ноқулай муддатлари ва (ёки) усуллари;

в) қарздор мол-мулкининг ўзгага берилиши ёки мол-мулкка мажбуриятлар юкланишининг ҳар қандай шакллари, агар улар қарздорлик тенг даражада қисқариши билан бирга кечмаса.

12. ЖКнинг 181¹-моддасида назарда тутилган қилмиш моддий таркибли жиноят бўлиб, қилмиш натижасида жиноий оқибат юзага келсагина содир этилган қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Қилмиш натижасида куйидаги оқибатларнинг юзага келиши уни ЖКнинг 181¹-моддаси билан квалификация қилишга асос бўлади:

- 1) якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келиш;
- 2) кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг **барқарор иқтисодий ночорлиги (банкротлиги)** деганда, якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг иқтисодий суд томонидан эътироф этилиб, уларнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **кредиторлар** – қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айни шу юридик ёки жисмоний шахслар (қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айни шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно).

Кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши деганда, содир этилган қилмиш натижасида кредиторларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорда зарар етказилиши тушунилади.

13. Мазкур жиноят объектив томонининг яна бир зарурий элементи содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан жинорий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир. Яъни, жинорий оқибатлар айнан содир этилган мазкур ижтимоий хавфли қилмиш натижасида юзага келиши лозим. Акс ҳолда, қилмишни ЖКнинг 181¹-моддаси билан квалификация қилиб бўлмайди.

14. ЖКнинг 181¹-моддасида назарда тутилган жиноят якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келган ёки кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

15. ЖКнинг 181¹-моддасида назарда тутилган Жиноят субъектив томондан қасддан, тўғри қасд билан содир этилади. Яъни, шахс ушбу қилмишнинг жиноийлигини, яқка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келиши ёки кредиторларга зарар етказилишини била туриб, унинг оқибатлари келиб чиқишини хоҳлаб содир этади.

Шунингдек, мазкур Жиноятнинг субъектив томонининг яна бир зарурий белгиси унинг мотивидир. Яъни, жиноят яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилади.

16. Мазкур жиноятнинг **субъекти** махсус субъектдир. Яъни, Жиноятнинг субъектининг жисмоний шахс эканлиги, ақли расо эканлиги ҳамда 16 ёшга тўлганлигини талаб этувчи умумий асослардан ташқари, жиноят содир этувчи шахс яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори бўлиши лозим (*ЖКнинг 180-моддаси шарҳига қаранг*).

Яқка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахсдир.

Фуқаролик кодексининг 42-моддасига мувофиқ, мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳукуки субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Мол-мулкнинг мулкдори тегишли мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир.

17. Қонунда мазкур жиноятга нисбатан рағбатлантирувчи нормалар ҳам назарда тутилган, яъни, қасддан банкротликка олиб келган шахс етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, унга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

18. **Шарҳланаётган 181¹-модданинг 3-қисмига** мувофиқ, шахс жавобгарликдан озод этилади, агарда у:

– қасддан банкротликка олиб келишни биринчи марта содир этган бўлса;

– жиноят аниқланган кундан эътиборан уттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг урнини қоплаган бўлса.

182-модда. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иктисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминловчи товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ҳисобланади.

2. Қуйидагилар ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятнинг предмети ҳисобланади:

божхона чегарасидан ўтказилаётган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта қимматликлари;

электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари;

транспорт воситаси (БК 13-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган транспорт воситалари бундан мустасно);

БК 7-моддаси 1 – 3-бандларига мувофиқ, товар деб тан олиннадиган транспорт воситалари;

интеллектуал мулк объектлари (фойдали моделлар, саноат намуналари);

маданий бойликлар – моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари («Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси);

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари¹.

3. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта бойликлари ва бошқа қимматли қоғозлар, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, интеллектуал мулк объектлари, транспорт воситаси товар ҳисобланади, бундан БКнинг 13-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган транспорт воситаси мустасно².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага онд ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 4-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 13-модда, 1-қисми // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, кўрсатилган ашёлар ушбу жиноятнинг предмети бўлиши учун эркин суръатда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини ва муайян муомала иштирокчиларигагина карашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (чет эл валютаси, дори-дармон) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади¹. Муайян ашёнинг муомала муносабатларида мавжуд эмаслиги ушбу ашё мазкур жиноятнинг предмети бўла олмаслигидан далолат беради (масалан, божхона қонунчилигини бузишга лицензия, штамп, муҳрга оид муносабатларни киритиб бўлмайди).

4. Шарҳланаётган модда маъносида **бошқа қимматликларга** шундай ашё ва буюмлар қирадики, улар ўзининг тури, ҳолати ва қийматидан қатъи назар, алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамият касб этади².

Бундай қимматликларга нумизматика, қадимий буюмлар, санъат асарлари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқалар қиради. Ушбу ашё ва буюмлар муомала воситаси бўла олади, лекин уларнинг фарқли жиҳати алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамиятидир. Қимматликларнинг ушбу жиҳатларини белгилаш учун тергов органлари ва судлар тегишли экспертизаларни тайинлашлари лозим.

5. Ушбу модда доирасида ашё ва буюмларнинг товар ёки қимматликлар эканлигини белгилашда айбдор томонидан улардан қандай мақсадларда фойдаланилиши аҳамият

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 82-модда 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

² Мазкур маданий бойликлар сонига, хусусан, уларга нисбатан Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарорига 1-илова) қўлланиладиган бойликлар қиради // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 3-сон, 15-модда.

касб этмайди. Улар тадбиркорлик ёки шахсий истеъмол максадларида фойдаланилиши мумкин. Қуйидагилар ушбу жинойтнинг предмети бўла олмайди: кучли таъсир қилувчи, захарли, захарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқдорилар, Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари психотроп моддалар, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализмни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари, оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар. Чунки, шархланаётган ижтимоий хавfli қилмишни ушбу предметлар билан содир этиш ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавfli фаолият назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

6. Ўрганилаётган жинойтнинг **объектив томони** маъмурий жазо қўлланилганидан кейин божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланadi.

7. Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналарининг ва эркин омборларнинг теғралари Ўзбекистон Республикасининг **божхона чегараси** ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг **божхона чегараси** мамлакатнинг давлат чегарасига мос келмайди, чунки у нафакат Ўзбекистон Республикаси чегараси билан (Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади), балки Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 5-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

билан ҳам белгиланади. Юкоридаги ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади, божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари божхона чегараси ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг **божхона ҳудудини** ташкил этади¹.

9. **Товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш** уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади².

10. **Божхона назорати** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи **божхона расмийлаштируви** ҳисобланади³.

11. Божхона назорати ва божхона расмийлаштируви амалга оширилаётганда божхона органлари ҳамда уларнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 5-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 6-банд.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 21-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

мансабдор шахслари қонунчиликда назарда тутилмаган тақдирда ва чекловларни белгилашга ҳақли эмас¹.

12. **Товарларни божхона назоратидан яшириш** деганда, уларни топишни қийинлаштириш, божхона назоратидаги товарларни алмаштириб қўйиш ёхуд уларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яшириш (масалан, айрим бир товарларга бошқасининг кўринишини бериш, товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган хуфя жойлардан (чемоданлар, сумкалар, транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий (тузилиш) хусусиятига кўра, ашёларини сақлаш ёки ташишга мўлжалланмаган бўшлиқлари, деворлари (рамалари) ораларидан фойдаланиш, жиноят предметларини одам, ҳайвон танасида ва ҳ.к. яшириш)га қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади².

13. **Божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш** деганда, жумладан, божхона органларига қўйидагиларни тақдим этиш тушунилиши лозим:

била туриб қалбаки ҳужжатларни;

ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатларни;

қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатларни;

ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни;

қалбакилаштирилган божхона қиёслаш воситаларидан (пломбалар, муҳрлар, маркалар босиш, қиёслаш белгилари, штамплар ва БКнинг 197-моддасида назарда тутилган бошқа қиёслаш воситалари) ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий қиёслаш воситаларидан фойдаланишни тушуниш лозим³.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 21-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори. 7-банд.

³ Уша манба. 8-банд.

14. Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди¹.

15. Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига кўра **божхона идентификациялаш воситалари** қуйидагилардан иборат:

қўйилган пломбалар, муҳрлар;

ёзилган рақамли, ҳарfli тамғалар ва бошқа хилдаги тамғалар, идентификациялаш белгилари;

босилган штамплар;

олинган намуналар ва нусхалар;

тузилган тавсифлар, чизмалар;

тайёрланган катта тасвирлар, расмлар, фотосуратлар ва видеотасвирлар;

товарнинг кузатув ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар;

ёпиштирилган махсус наклеякалар ва химоя мосламалари;

товарнинг жунатувчи божхона органи томонидан пломбалар ва муҳрлар қўйилган, транспорт воситаларининг юк бўлимларига жойлаштирилган, божхона мақсадлари учун зарур товарнинг кузатув ҳужжатлари;

сейф-пакетларга жойлаштирилган, божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар;

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа божхона идентификациялаш воситалари².

Божхона идентификациялаш воситалари божхона органлари томонидан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, бундан товарларнинг ва транспорт воситаларининг йўқ қилиниши, қайта тиклаб бўлмайдиган тарзда йўқотилиши ёки жиддий тарзда бузилиши ҳақиқий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 12-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири), 197-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

хавфи бўлган ҳоллар мустасно. Божхона органларига бојхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида дарҳол хабар берилади ва ҳақиқий хавф мавжудлигининг далиллари тақдим этилади.

Чет давлатларнинг бојхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўйилган пломбалар, муҳрлар ёки бошқа бојхона идентификациялаш воситалари бојхона идентификациялаш воситалари сифатида эътироф этилиши мумкин.

Бојхона идентификациялаш воситаларининг қўлланилиш ва тайёрланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат бојхона қўмитаси томонидан белгиланади¹.

16. **Декларациялаш** – бојхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва (ёки) бојхона назорати остида турган товарлар ва (ёки) транспорт воситалари тўғрисидаги зарур маълумотларни бојхона органларига маълум қилиш².

Декларациялаш товарлар ва (ёки) транспорт воситалари тўғрисидаги, уларнинг бојхона режими ҳақидаги тўғри маълумотларни ҳамда бојхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда (оғзаки, ёзма, электрон) маълум қилиш орқали амалга оширилади³.

17. Товарларни декларация қилмасдан бојхона чегарасидан ўтказиш товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш (чиқариш), уларни танланган бојхона режими остига жойлаштириш, бојхона туловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни бојхона декларациясида қасддан баён қилмасликни назарда тутати⁴.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Бојхона кодекси (янги таҳрири), 197-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 й.. 3(1)-сон, 31-модда.

² Ўша манба, 15-модда.

³ Ўша манба, 254-модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Бојхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори. 9-банд.

18. ЖКнинг 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг, бир йил давомида кўп миқдорда содир этилганда келиб чиқади. (*Кўп миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимига қаранг*).

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда, ушбу товарларнинг жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматидан келиб чиқилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказилган ва божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар амалда мавжуд бўлмаган (эркин муомалага чиқарилган, сотиб юборилган ва х.к.) ҳолларда, уларнинг қиймати сифатида божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аниқланган божхона қиймати тан олинади.

Товарлар қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда (масалан, қалбакилаштирилган спиртли ичимликлар, контрафакт товарлар) уларнинг қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда, фақат, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб, ёхуд божхона ҳужжатлари ёки қиёслаш воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилган товарлар қисмининг қиймати инобатга олиниши керак¹.

19. Судлар шунинг назарда тутишлари лозимки, ЖК 182-моддасида назарда тутилган **жиноятнинг тугалланиш пайти** ҳар бир муайян иш бўйича товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш усулидан (божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 11-банд.



хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб) келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак.

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яширган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти товарлар билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади.

Божхона хужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти қайд этилган ҳуқуққа хилоф усуллардан бири аниқланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар товарларни ўтказиш жараёнида ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноят усули (хужжатлардан ёки божхона қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиш, декларация қилмаслик, бошқа номга декларация қилиш, божхона назоратидан яшириш) аниқланмаган бўлса, жиноят божхона органлари томонидан товарларни чиқариш туғрисида қарор чиқарилган пайтдан, бундай қарор шахс божхона таомилини яқунлашдан бўйин товлаганлиги сабабли қабул қилинмаган ҳолларда эса, товарлар божхона назорати остидан амалда чиқарилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

20. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Шахс товар ёки қимматликларни божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтаётганлигини англаб етади ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишни хоҳлайди. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

21. Божхона туғрисидаги қонунчиликни бузишнинг **субъекти** 16 ёшга тулган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

22. ЖКнинг 182-моддаси 2-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

23. *(Жуда кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг Махсус қисми VIII бўлими шарҳига қаранг).*

24. Бунда **бузиб ўтиш** деганда, жумладан, божхона постига ҳужум қилиш, божхона органларининг қонуний фаолиятига бошқача фаол қаршилик кўрсатиш (масалан, божхона чегараси режими талабларига очикдан-очик бўйсунмаслик, ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш), божхона хизмати техник воситаларига шикаст етказиш ёки уларни ишдан чиқариш ва ҳ.к. йўли билан божхона чегарасини кесиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар тушунилиши лозим¹.

Агар божхона чегарасини бузиб ўтиш пайтида айбдор томонидан шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган ёки у қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди ва тегишлича ЖК 97 ёки 104-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасддан баданга енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати, шунингдек ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича ЖК 105, 109, 173 ва 219-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди².

Шарҳланаётган модда бўйича **божхона хизмати** деганда, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларини тушуниш лозим.

Бузиб ўтишни қуйидаги ҳолатлар йиғиндиси ташкил этади: а) товар ва қимматликларни очикча олиб ўтиш; б) божхона хизмати ваколатли шахсининг рухсатисиз

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 13-банд.

² Ўша жойда.



олиб ўтиш. Курсатилган ҳолатлардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги шахснинг ҳаракатида шарҳланаётган ЖКнинг 182-моддасидаги квалификация белгилари мавжуд деб топилишига йўл қўймайди.

25. **Очиқчасига олиб ўтиш** деганда, божхона хизмати ходимларининг товарлар олиб ўтилиши ҳақида хабардорлиги тушунилади. Божхона хизматининг хабардорлиги, қонунчилик қоидаларига зид содир этилаётган маълумотлар тақдим этилишидан ва божхона органининг олиб ўтишни бевосита назорат қилишидан келиб чиқади. Жиноятчи субъектга квалификация қилинаётган ушбу белгилар бўйича айбни қўллаш учун шахсга товар ёки қимматликларни ғайриқонуний олиб ўтишаётганлиги ҳақида божхона органлари хабардорлигини билганлигини ва билмаслиги мумкин эмаслигини аниқлаш лозим. Агар айбдор товар ёки қимматликларни ноқонуний олиб ўтаётганлигидан божхона хизматининг хабардорлигини (масалан, божхона чегарасидан товарларни олиб ўтаётган шахснинг ҳаракатлари видеокамерага олинади) билмаса, шарҳланаётган квалификация белгилари мавжудлигини аниқлаш мумкин эмас.

Товарларни рухсатни олмасдан ўтказиш бундай фаолиятни амалга оширишга божхона хизматининг расмий рухсатномаси бўлмаслигини англатади. Товарларни олиб ўтишга рухсатноманинг мавжуд эмаслиги тўғрисида, шунингдек, бундай ҳаракатларни санкциялаш ваколати мавжуд бўлган мансабдор шахснинг тўғридан-тўғри тақик қўйиши ҳам далолат беради.

26. *(Уюшган гуруҳ ёки унинг манфаитларини қўзлаб содир этилган жиноятлар тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).*

Божхона қонунчилигини бузишга доир муносабатларда шарҳланаётган белгилар шундан иборатки, ЖКнинг 182-моддаси бўйича жавобгарликка нафақат божхона чегарасидан товар ёки бошқа қимматликларни бевосита олиб ўтаётган шахслар, балки уюшган гуруҳнинг барча иштирокчилари (масалан, божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтиш мақсадида харид қилганлар ёки олиб ўтилгандан

сўнг қонунга ҳилоф равишда олиб ўтилганлигини олдиндан била туриб харид қилганлар, бунда уларга божхона назорат пунктида ёки ундан ташқарида ноқонуний олиб ўтишга ёрдам берганлар) қиради.

27. Божхона қонунчилигини бузиш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган мол-мулкларнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш ҳаракатларига нисбатан ЖКнинг 171-моддаси билан жавобгарлик келиб чиқади.

28. Шахс ўз хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ғайриқонуний равишда ўтказган бўлса, божхона чегарасидан ўтказилган товарларнинг миқдоридан қатъи назар, у ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми «г» банди бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноятни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этган мансабдор шахс (ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди) деб, хизмат бурчига кўра божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарлар устидан божхона назоратини (ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш, оғзаки суров, божхона кўриги, божхона киёслаши, товарлар ҳисобини юритиш) амалга оширишга мажбур шахс топилиши лозим¹. Масалан, божхона хизмати ходимлари ёхуд ҳаво ёки бошқа кемада ишлаётган шахслар, яъни товарларни божхона чегарасидан ғайриқонуний равишда ўтказиш учун ўз иш жойидан фойдаланиши мумкин бўлган шахслар томонидан товарларнинг божхона чегарасидан ғайриқонуний равишда ўтказилиши.

Хизмат ваколатидан фойдаланиш божхона қонунчилигини бевосита бузишда, яъни тегишли мансабдор шахс товар ёки бошқа қимматликларни мустақил равишда божхона чегарасини бузган ҳолда олиб ўтишида ҳам ифодаланади. Бундай ҳолатда у шарҳланаётган жиноятнинг ижрочиси ёки бажарувчиси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди, чунки улар ЖКнинг 182-моддаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори, 15-банд.

2-қисмида назарда тутилган таркибни тулик қамраб олади. Агар товар ва бошқа қимматликларни олиб ўтиш мансаб ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан, мансабдор шахс ёрдамида содир этилса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 28-моддаси ва 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар билан, шунингдек, содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ равишда ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари билан квалификация қилинади.

◆◆◆◆◆

183-модда. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Монополияга қарши органнинг қоидабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги курсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги рақобати билан боғлиқ муносабатларини тартибга соладиган

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни монополистик фаолиятнинг, яъни рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлган фаолиятнинг олдини олиш ва уни тўхтатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ушбу жиноят содир этилиши натижасида бозорнинг энг муҳим элементларига ва шу сабабли алоҳида шахслар, жамият ва давлат манфаатларига путур етади.

2. ЖКнинг 183-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **бевосита объекти** хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ва молия бозорларида фаолият кўрсатишининг белгиланган тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлардир, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги ва рақобат муҳити, истеъмолчилар ва давлатнинг қонуний манфаатлари. **Факультатив объекти** хўжалик юритувчи субъектлар сифатида фаолият кўрсатмайдиган алоҳида фуқаролар ва давлатнинг қонун билан кўриқланидиган ҳуқуқ ва манфаатлари бўлиши мумкин.

3. **Монополистик фаолият** — хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонунчиликка хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

4. **Объектив томондан** ЖКнинг 183-моддаси **1-қисми**да назарда тутилган жиноят худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этишдан иборат бўлади.

5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги иқтисодий қонунчилигига кўра, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний

харакатларига йул қўймасликка қаратилган давлат сиёсати монополияга қарши орган томонидан амалга оширилади¹. Буларга Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси², шунингдек, унинг ҳудудий органлари киради. Айнан қўмита бўлинмалари ва қўмитанинг ўзи бир бутунликда монополияга қарши орган сифатида қабул қилинади. Шу сабабли ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, била туриб, бошқа давлат органларига тақдим қилиш монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги амалдаги Қонунига асосан, монополияга қарши орган суров асосида унинг тури ва сифат хусусияти ҳамда ҳужалик субъекти учун аҳамиятлилигидан қатъи назар, исталган ахборотни олиш ҳуқуқига эга³. Масъул шахслар давлат қўмитасига ҳар қандай ахборотни, яъни:

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ҳужалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги акцияларни, улушларни ҳар қандай усулда (харид қилиш, алмаштириш, ҳадыга олиш, ишончли бошқарув ва хоказо) олиши тўғрисида;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда товар ёки молия бозорида фаолият ёритаётган икки ёки ундан ортик ҳужалик юритувчи субъектнинг ижро этувчи органларига ёки кузатув кенгашларига тайинланиши ёхуд сайланиши;

- битимлар тўғрисида, яъни унинг натижасида табиий монополия субъекти товар ишлаб чиқариш (реализация) учун мўлжалланмаган, давлат томонидан тартибга солинадиган,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни, 9-модда 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 1014-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2019 й., 09/19/1014/4173-сон.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни, 22, 23-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 1-сон, 5-модда.

асосий воситаларга мулк ҳуқуқини қўлга киритиши ёки асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини олиши, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этса;

– табиий монополия субъекти бошқа ҳужалик субъектига эғалик ҳуқуқини ёки табиий монополия тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган асосий воситаларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган битимлар тўғрисида, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этса;

– холдинг ташкил этиш, яъни активлари қаторига бошқа ташкилотларнинг назорат пакети акциялари кирадиган очик турдаги акциядорлик жамиятларини тузиш тўғрисида;

– муайян ҳужалик субъектининг товар ёки молия бозоридаги, савдо-сотиқ ҳажми ва бозордаги улуши чегарасини белгиловчи маълумотларни. Бундай маълумотлар қаторига, масалан, товарларни реализация қилиш, уларни муайян ҳудудларга олиб кириш ва улардан олиб чиқиш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни киритиш мумкин;

– Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Комиссияси ёки унинг ҳудудий органлари томонидан рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишларни тайёрлаш ва қўриш учун талаб этиладиган, шунингдек, унинг қарор ва йўриқномаларини ижро этиш учун зарур бўладиган маълумотлар. Жавобгар шахслар нафақат керакли ҳужжатларни тақдим этиши, балки зарур ҳолларда ўзлари суҳбатларга келиб, ёзма тушунтириш беришлари лозим;

– монопол махсулотга қатъий ва тартибга солувчи нархларни (тарифларни) шакллантириш, асослаш ва қўллашга доир;

– табиий монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларига риоя қилинишига доир;

– табиий монополия субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишга доир.

Маъмурий органларнинг талаби билан ёки талабсиз тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати юқоридагилар билан чегараланмасдан, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси талаби билан жавобгар шахслар бошқа маълумотларни ҳам тақдим этишлари лозим. Шу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарурки, монополияга қарши органлар томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар фақат монополия фаолиятини амалга ошириш ёки монополия фаолиятини амалга ошириш эҳтимоли мавжудлиги билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади, бундай масалаларга тегишли бўлмаган ҳужжатларни ушбу органлар талаб қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда ҳокимият ваколатларини очиқчасига сунистеъмол қилиш сифатида айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим бўлади.

7. Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда масъул шахснинг мустақил равишда ёки монополияга қарши органнинг талаби билан тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларни монополияга қарши органларга тақдим этмаслиги **маълумотларни тақдим этмаслик** деб тан олинishi лозим.

Маълумотларни тақдим этмаслик монополияга қарши органга беришдан бош тортишда ёки турли хил баҳоналар билан белгиланган муддатда топширмасликда намоён бўлиши мумкин. Маълумотларни тақдим этмаслик, шунингдек, юклатилган мажбуриятларга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ёки эсдан чиқариб юборишда ҳам намоён бўлиши мумкин.

8. Монополияга қарши органга маълумотларни тақдим этмаслик муайян бир оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, жавобгар шахс ушбу маълумотларни тақдим этиши лозим бўлган вақтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Жиноятни қачондан бошлаб **тугалланган** деб топиш вақти, ҳар бир алоҳида ҳолатда уни тақдим этишга масъул шахс ва маълумотнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Масалан, ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги акциялар, улушлар сотиб олинганда, бундай

шартнома ҳақидаги маълумот акциялар, улушларни сотиб олаётган шахс томонидан шартнома тузилгунга қадар тақдим этилиши лозим. Шунинг учун бундай маълумот шартнома тузилгандан сўнг тақдим этилиши ракобат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида кўрилади.

9. Монополияга қарши органга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш деганда, улар тўғрисида монополияга қарши курашувчи органларнинг ваколатли шахсларига расмий равишда хабар бериш тушунилади.

Расмий равишда хабар бериш бу ваколатига монополияга қарши органга маълумотни тақдим этиш юклатилган шахс ёки ушбу органнинг бевосита сўрови юборилган мансабдор шахс ҳисобланиб, ушбу хабарда ким томонидан (қайси юридик шахс, давлат органи, ваколатли шахс) юборилаётганлиги тўла-тўқис ақс эттирилган бўлади. Агар монополияга қарши органга ушбу талабларга риоя қилмаган ҳолда маълумот, хабар берилган бўлса, у расмий хабар бериш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

10. Ушбу модда доирасидаги маълумотларга бевосита монополистик фаолиятни амалга ошириш ёки амалга ошириш эҳтимолини назарда тутувчи ахборотлар киради. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ваколатларига кирмайдиган масалаларни қамраб олган маълумотлар ЖКнинг 183-моддаси бўйича маълумот бўла олмайди.

11. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга монополистик фаолиятни белгиловчи муҳим далилларни тўлиқ ёки қисман бузиб кўрсатадиган ҳужжатлар ёхуд далилларни бузиб кўрсатмаса-да, уларни ўзида ифода-ламайдиган ёки яшириб кўрсатадиган ахборотлар киради. Бунда вужудга келган ҳолатни нотўғри баҳолаш учун реал ҳавф туғилади. Масалан, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, уларнинг бир қисмини яшириб кўрсатиш монополияга қарши органга ташкилот устав фондининг 5 фоизи миқдоридаги акциясини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга, сотиб олувчида бошқа

шартномалар асосида олдиндан 32 фоиз акциялар мавжудлиги ҳақида хабар берилмаслигидир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бир қисми иқтисодиётнинг маълум соҳаларида монополистлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Хабар муайян субъектга ёки аниқ белгиланган субъектлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак. Масалан, муайян бозор субъекти бошқа тадбиркорларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилаётганлиги тўғрисида хабар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бундай хабарлар етарли шартлар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 139-моддаси ёки 192-моддаси бўйича жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши мумкин.

12. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни хабар бериш орқали рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг зарурий белгиси айбдор томонидан била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилишидир.

Била туриб деганда, монополияга қарши органга маълумотни хабар қилган жавобгар шахс, ишнинг объектив ҳолатларидан келиб чиқиб, ушбу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини, улар ёлғонлигини билган бўлишидир. Агар жавобгар шахс ишни объектив ҳолатлардан келиб чиқиб билмаган бўлса, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

13. Била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни монополияга қарши органга тақдим этиш, ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ваколатли шахси томонидан олинган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** ЖКнинг 183-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот-

ни тақдим этиш фақатгина тўғри қасд билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни содир этиш мақсад ва мотивлари турли хил бўлиши мумкин. Бу нафақат бозорда монополистик ҳолатни ўрнатиш, балки шахсий бойишга қаратилган қасд манфаатлари ҳам бўлиши мумкин. Бирок, қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инobatга олинаши лозим.

15. Жиноятнинг **субъекти** Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлари билан келишиб ёки мустақил равишда ҳаракат қила оладиган ижро ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари субъект бўлиши мумкин.

Агар рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш давлат органининг мансабдор шахси томонидан содир этилган бўлса (масалан, устав фондининг 35 фоиз акциясини (улушини) сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаслик), ишнинг мавжуд ҳолатларидан келиб чиқиб унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 183-моддаси ва 205, 207-моддалари ёки ЖКнинг 208-моддаси бўйича квалификация қилинади.

16. ЖКнинг **183-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жинoй қилмишнинг **объектив томони** худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган монополияга қарши органининг қондабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармасликдан иборат бўлади.

17. **Монополияга қарши органининг кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиш** деганда субъект кўрсат-

мани бажаришдан бош тортиши ёки қисман бажармаслиги ёхуд кўрсатмани ўз вақтида бажармаслиги тушунилади¹.

Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиш тўғри қасд билан содир этишда ифодаланадиган ҳаракатсизликдир. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, агар қонун билан белгиланган ижро этиш муддати ўтиб кетган бўлсада, кўрсатилган талаблардан бирортаси ҳам бажарилмаётган тақдирда кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деб топиши лозим.

18. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик деганда, кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади.

19. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини бажаришдан бош тортиш ёки ўз вақтида бажармаслик актив шакл (кўрсатмани қабул қилмаслик, адресини ўзгартириш ва ҳоказо)да ёхуд пассив шакл (кўрсатмада кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўрмаслик) да ифодаланиши мумкин. Бирок, бажаришдан бош тортиш ёки ўз вақтида бажармаслик шакллари қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

20. **Субъект** томонидан қарор (кўрсатма)нинг муддатида бажарилмаслиги ЖКнинг **183-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятни **туғалланган** деб топишга олиб келади. Бу муддатга, шунингдек, субъектнинг аризаси бўйича унга берилган қўшимча муддатлар ҳам киради.

21. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик орқали рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ЖКнинг **183-моддаси 1-қисми**да назарда тутилган рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш каби маъмурий преюдиция

¹ Қаранг: Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учув иш кўзгайтиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорига илова), 28-банд // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41–42-сон, 317-модда.

мавжуд бўлгандагина жинойй жавобгарликка тортиладиган қилмиш ҳисобланади.

22. **Субъектив томондан** ЖКнинг 183-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ҳам қасддан (бўйин товлаш), ҳам эҳтиётсизликдан (ўз вақтида бажармаслик) содир этилиши мумкин. Ушбу қилмишнинг мақсад ва мотивлари турлича бўлса ҳам, унинг квалификация қилинишига таъсир этмайди.

23. ЖКнинг 183-моддаси 2-қисмининг Жиноятнинг **субъекти** ЖКнинг 183-моддаси 1-қисмининг субъекти билан бир хилдир.

184-модда. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса. –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш:

а) такоран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача

озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Ш А Р Х

1. 2019 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ солишнинг тартиби, шунингдек, солиқ мажбуриятини ижро этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди.

2. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноятнинг **бевосита объекти** давлатнинг молиявий соҳадаги фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

3. Мазкур жиноятнинг **предмети** солиқлар ёки йиғимлар ҳисобланади.

Бу тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида, шунингдек, солиққа тортиш масалаларига оид бўлган бошқа қонунчиликда қўлланилган таърифларга мурожаат этиш лозим.

4. Хусусан, Солиқ кодексининг 16-моддасига мувофиқ, **солиқ** деганда, ушбу Кодекста белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли

жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юри-тилади) тўланидиган мажбурий бегараз тўлов тушунилади.

Йиғим деганда бюджет тизимига ушбу Кодексида ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади¹.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар белгиланган:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ².

6. Шарҳланаётган жиноятнинг **объектив томони** худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни анча миқдорда содир этишда ифодаланadi.

7. **Солиқ солиш объекти** мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси ёки қиймат, миқдорий ёки физик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолат бўлиб, у мавжуд бўлганда солиқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 16-модда 1–2-қисмлар // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 17-модда. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

туғрисидаги қонунчилик солиқ тўловчида солиқ мажбуриятини вужудга келтиради¹.

8. Фойда (даромад) – мазкур модда маъносида – жами даромад билан солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Жами даромадга – жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

9. Чегирмалар – бу қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ солинадиган базанинг камайишига олиб келувчи солиқ тўловчининг харажатлари ҳисобланади.

10. Солиқ солишнинг бошқа объектлари деганда, мазкур модда доирасида шундай предмет ва ҳуқуқларни (даромаддан ташқари) тушуниш жоизки, улар мавжуд бўлганда солиқ мажбурияти пайдо бўлади ва уларнинг сифати солиқ миқдорини белгилайди².

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ **солиқ солишнинг бошқа объектларига** куйидагилар киради: товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ва товарлар импорти, акциз тўланадиган товарлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи, жисмоний ва юридик шахслар эгалигидаги мулк, ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми³.

11. Фойдани, даромадни ёхуд солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш – бу солиқ органларига тақдим этиладиган тегишли ҳисобот ҳужжатларида уларни олганлик туғрисида ҳақиқий маълумотларни қасддан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 70-модда. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

² Қаранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М. 2000. – 386-б.

³ Шунини қайд этиш лозимки, солиқ солиш объектларининг келтирилган рўйхати тавсифий ҳисобланади ва Солиқ кодексида ҳар бир муайян ҳолда солиқ солиш объектини аниқлаш бўйича бир қанча қондалар ва имтиёзлар назарда тутилган.

кўрсатмаслик, шунингдек, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида уларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузганлик¹. Масалан, тақдим этилган маҳсулотларга тўловни учинчи шахсга бериш, хўжалик оборотидаги векселлардан фойдаланиш, бартер асосида контрактлар тузиш – даромадларни яшириш ҳисобланади.

12. Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш солиқ органларига тақдим қилинадиган ҳисобот ҳужжатларига била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, балки уни пасайтириш ва камайтириш томонига маълумотлар киритишда ифодаланади².

13. Шунинг назарда тутиш лозимки, даромад (фойда) ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш ёхуд камайтириб кўрсатиш – солиқлар ёки йиғимлардан бўйин товлаш услубидир. Бошқача айтганда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш турли услубларни ўз ичига олган кенгрок тушунчадир, уни давлат ёхуд маҳаллий бюджет ҳисобига мажбурий тўловларнинг олинадиган ҳажмини пасайтириш мақсадида солиқ органларини алдаш деб тушуниш лозим.

14. Солиқлар ёки йиғимлар тўлашдан бошқача усулда бўйин товлаш деганда, нарсалар ҳақиқий ҳолатини касддан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб нотўғри ахборот беришнинг турли услубларини қўллаш, тўланадиган солиқ ҳажмини камайтириш мақсадида маълум факт, ҳолат, ҳодисалар борасида янглиштириш тушунилади. Солиқлар ёхуд йиғимлардан бўйин товлаш услублари турлича ва аксарият ҳолларда тўланаётган солиқ турига боғлиқ, хусусан, буларга солиқ органларига солиқ тўлаш объектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларига рўйхатга қўймаслик каби ҳолатлар қиради. Мазкур жиноятни содир

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзга келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 20-банд, 2-хатбоши.

² Уша манба, 3-хатбоши

этиш услублари уни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, изоҳланаётган жиноят содир этилишининг алоҳида услублари мустақил қилмиш деб тан олинishi ва мустақил квалификация қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан, акцизсиз савдо фаолиятини амалга оширишда, устав фаолиятини амалга оширмасликда, рўйхатдан ўтмасдан савдо қилишда ёхуд воситачилик фаолияти билан шуғулланишда ва бошқа ҳолатларда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

15. Жиноят солиқ қонунчилигида ўрнатилган солиқ тўлашнинг тегишли муддатида солиқ тўланмаган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Шунинг учун аввалги ҳаракатлар (бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, солиқ органларига ёлғон ҳисобот бериш ва ҳоказолар)нинг ҳаммаси жиноят содир этишга тайёргарлик қуришдир. Агар тўлов ҳақиқатда кам тўланган бўлмаса, айбдор ҳаракатида шарҳланаётган жиноят таркиби мавжудлигини тасдиқлаш мумкин эмас.

16. Солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш қўйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлгандагина жиноят деб тан олинади: тўланмаган тўловнинг анча миқдордалиги ва маъмурий преюдиция. (*Маъмурий преюдиция ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг*).

17. **Тўланмаган солиқ** солиқнинг аввал тўланган қисми билан қўшимча тўланиши керак бўлган солиқ ўртасидаги фарқдир. Агар солиқ мажбурий тартибда ундирилса, тўланмаган деб топилади; солиқ тўлаш ихтиёрий равишда жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатсизликни тўхтатади ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб тан олинishi лозим. (*ЖКнинг 26-моддаси шарҳига қаранг*).

18. **Тўланмаган солиқнинг миқдорини аниқлашда** шуни назарда тутиш лозимки, бунда солиқ солиш объектининг яширилган ёки камайтириб курсатилган миқдори эмас, балки айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ объектдан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тушунилади. Инобатга олиш лозимки, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа

объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли, зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак.

19. Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясига биноан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳаракатда, худди шунингдек, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкинлигидан, аммо фақат қасддан содир этилишидан келиб чиқиб, тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлайётган шахснинг мақсадини ва ҳақиқий ниятини аниқлашга мажбурдирлар. Хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйиш ҳолатларининг ўзинигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан тавсифлаш мумкин эмас, лекин тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади.

20. Жиноятнинг **субъектив томони** тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англайди ва солиқлар ёхуд йиғимларни анча миқдорда тўламаслик оқибатини келтириб чиқаришни хоҳлайди ёхуд бунга онгли равишда йўл қўяди. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг вужудга келиши имкониятларини билмаслик жинойий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Мазкур жиноят эҳтиётсизлик юзасидан содир этилиши назарда тутилмаган.

Мотив ва мақсад қоида тариқасида ғаразли бўлади.

21. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Бундай субъект деб, қонунга биноан фойда, даромад ва солиқ солинадиган бошқа объектлар тўғрисида тўлиқ маълумот беришлик ва белгиланган суммани давлат фойдасига ўтказишлик вазифаси зиммасига юклатилган шахслар бўлиши мумкин. Булар қаторига, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш, ҳужжатлар тақдим

килиш зиммасига юклатилган (корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг уринбосарлари, бош ҳисобчилари ва ҳисобхонанинг мансабдор шахслари) мансабдор шахслари киради.

Қонунга биноан, белгиланган ҳисобот шаклида ҳужжатлар тақдим этишга ва солиқ тўлашга мажбур бўлган жисмоний (солиқ тўловчилар) шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин¹.

ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг содир этилишини ташкил қилган ёки унга раҳбарлик қилган ёхуд ўзларининг ҳаракатлари билан фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг камайтирилишида иштирок этишга раҳбар, бош ҳисобчи, солиқ тўловчини даъват этган ёхуд бу жиноятнинг содир этилишига маслаҳат, кўрсатма билан кўмаклашган бошқа шахслар ЖКнинг 30-моддасига мувофиқ ва ЖКнинг 184-моддаси тегишли қисми бўйича жиноятнинг иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар) сифатида жавобгарликка тортиладилар².

Агарда мазкур жиноятни содир этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг иштироки бўлса ва улар таҳлил қилинаётган қилмишнинг содир этилишига қасддан ёрдам беришса, уларнинг ҳаракатини тегишли белгилар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 205, 209, 210-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим, бироқ бунда улар солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашга қаразли ёки паст ниятларда ёрдам бериши зарур.

22. ЖКнинг 184-моддаси 2-қисмида:

а) тақроран;

б) кўп миқдорда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик назарда тутилган. *(Тақрорийлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).*

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 21-банд, 1-хатбоши.

² Ўша жойда, 21-банд, 1-хатбоши.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур жиноятнинг такроран содир этилиши солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун ЖКнинг 184-моддаси қайси қисми билан жавобгарлик назарда тутилишидан қатъи назар, қайд этилиши лозим. Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан иборат бўлса, бу ҳаракатларнинг такрорийлигини кўрсатади¹.

Шундай қилиб, солиқ ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш кўринишидаги ҳар бир тугалланган жиноят мустақил квалификация қилиниши лозим, бунда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади.

23. Агар фойда ва даромад тўғрисида кўришиб турган ёлғон маълумотли тегишли ҳисобот ҳужжатларини солиқ органига тақдим қилиш ҳамда солиқларни кўп ёки жуда кўп миқдорда (битта, бир неча ёки барча солиқлар бўйича) ҳақиқатан кам тўлаганлик ҳолати мавжуд бўлса, солиқ ва бошқа тўловларни кўп ёки жуда кўп миқдорда тўлашдан бўйин товлаш **тугалланган** жиноят ҳисобланади.

Судлар моддий зарарнинг миқдори айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ тўланадиган объектнинг бутун миқдоридан эмас, балки унинг мазкур солиқ тўланадиган объектдан тўлаши лозим бўлган солиқ суммасидан келиб чиқиб белгиланишини инobatга олган ҳолда синчиклаб аниқлашга мажбурдирлар.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак².

24. ЖКнинг **184-моддаси 3-қисмида** жуда кўп миқдорда солиқ ва йиғимлардан бўйин товлаш жинояти содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади. (*Жуда кўп*

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодийёт соҳасида жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон қарори, 5-банд, 3-хатбоши.

² Ўша жойда, 22, 23-бандлар.

миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлими шарҳига қаранг).

25. ЖКнинг **184-моддаси 4-қисмида** рағбатлантирувчи норма мустаҳкамланган, унга мувофик, касддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

26. ЖКнинг **184-моддаси 5-қисмига кўра** биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

184¹-модда. Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш

Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузишнинг **ижтимоий хавфи** мазкур жиноят содир этилиши натижасида бюджетда асоссиз тақчиллик пайдо бўлишини, ёрдамга муҳтож муассаса ва ташкилотларни талаб қилинган воситалар, маблағлар билан таъминламаслик учун ҳақиқий асос пайдо бўлади. Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши давлат маблағларини самарали, тулиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга йўл бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик кайфияти шаклланади, бу эса Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг жамият томонидан идрок қилинишига салбий таъсир ўтказиши, уларни обрўсизлантиради.

2. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **бевосита объекти** чиким лимитига роя қилиш, бюджет маблағларини қонуний ва мақсадли сарф этишнинг ўрнатилган тартибига роя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

3. **Бюджет ва смета-штат интизомини бузишнинг предмети** деб, бюджет маблағлари, яъни Давлат бюджетига кирган ва қонунда ўрнатилган тартибда бу маблағларни олувчига ажратилган моддий ва пул маблағлари тан олиниши лозим.

Бюджет маблағларини ажратиш деганда, олувчига моддий ва пул маблағларини бевосита йўналтириш ҳамда унга тегишли бўлган воситаларни мақсадли ишлатиш шарт билан бюджетга ўтказишга рухсат тушунилади.

4. Жиноят кодекси 184¹-моддасининг 1-қисмида содир этилган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик жинояти **объектив томондан** қуйидаги ҳаракатлардан бири содир этилганидан иборат бўлиши мумкин:

– бюджетда назарда тутилмаган ёхуд бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотлар бюджети ва сметасида назарда тутилмаган чикимларга бюджет воситаларини йўналтириш;

– чикимлар бўйича бюджет маблағлари лимитида олиб кетиш;

– бюджет муассаса ва ташкилотларида штат-смета тартибини бузиш ва бошқа бюджет ва штат-смета интизомини кўп миқдорда бузиш.

5. Бюджетда ёки бюджетдан молиялаштирилган муассаса ёки ташкилотлар сметасида назарда тутилмаган чикимларга маблағларни йўналтириш деб, бюджет маблағларини сарфлаш навбатининг ўрнатилган тартибини бузиш ёхуд уларни мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда истеъмол қилиш (масалан, паст нархли ва маиший предметларни ишлаб чиқариш учун ажратилган машинасозлик асбоб-ускуналарини ишлатиш, ёхуд қуйи ташкилотлар эҳтиёжи учун ажратилган оргтехникани бошқарув ташкилотлари учун йўналтириш) ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, қонунчилик билан бюджет харажатларининг сарфланиши қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинган:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақиға қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ).

IV. Бошқа харажатлар.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилишч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийимлар харид қилиш, эпидемия-га қарши, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар)ни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни IV гуруҳ маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

6. Нафақат пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, балки бюджетнинг бошқа маблағларидан мақсадсиз

Фойдаланиш (масалан, хизматда фойдаланиладиган турар-жой биносидан савдо нуқтаси сифатида фойдаланиш; қуйи ташкилот учун бюджетдан ажратилган мулкни юқори турувчи ташкилот учун ажратиш ва ҳоказо) ҳам бюджет маблағларини назарда тутилмаган харажатларга йўналтириш деб квалификация қилиш зарур. Фойдаланиш деганда, бу маблағларни хар қандай усулда истеъмол қилиш тушунилади (мулкни эксплуатация қилиш, ундан келган фойда ва даромадни олиш).

Бюджет маблағларидан шахсий бойлик орттириш ёхуд бошқа ғаразли мақсадлардан келиб чиқиб, бюджетда ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилганда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 184¹-моддаси 1-қисми ва тегишли модда (масалан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан квалификация қилиниши лозим.

7. Бюджет маблағлари бюджетда ёки бюджетдан молияланидиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўлланганда ва тезкор тадбирлар сабабли юзага келмаган йўналишда сарфланса, **бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш** деб тан олинади.

8. **Бюджет тизими бюджетлари** – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари¹.

Даромадлар ва харажатлар сметаси – бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли йил чораги ёки молия йили учун қўйилган тушумлари ва харажатлари акс эттириладиган ҳужжат².

9. Бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланидиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш амалда мақсадсиз

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексн. 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52–1-сон.

² Ўша жойда.



фойдаланилган ёки харажат қилинган пайтдан бошлаб **туғалланган** жиноят деб тан олинishi лозим. Бу маблағларни кейинчалик мақсадсиз фойдаланиш ёки йўналтириш мақсадида тақсимлаш эса, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, шарҳланаётган жиноятга тайёргарлик кўриш ёхуд уни амалга оширишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим.

10. Жиноятнинг **предмети** сифатида бюджет маблағларининг алоҳида турлари – бюджетдан маблағ ажратиш ҳисобланиб, уларнинг тушунчаси қонунчиликда берилди. Хусусан, **бюджетдан ажратиладиган маблағлар** – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутилладиган пул маблағлари¹.

11. **Чиқим моддалари бўйича бюджетдан маблағ ажратиш лимитидан ошиб кетиши** Жиноятнинг субъектининг фаол ҳаракатларида ифодаланади, улар ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда, яъни улардан белгиланган навбат доирасида фойдаланади, лекин харажатларнинг бир гуруҳи доирасида режалаштирилган (лимит) ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқни шаклантиришда ифодаланади.

Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимити деганда, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларнинг бир тури, объекти ва объектости харажатлар бўйича фойдаланиш миқдори тушунилади.

Режалаштирган ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқ бюджет муассасаси ёки ташкилоти ички ҳисоблари, масалан, Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам бюджетдан маблағ ажратиш лимитларини ошириш деб топилади.

Агар харажатларнинг бутун тегишли гуруҳи доирасида лимитдан ошириш бўлмаса, яъни битта тур, объект ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52–1-сон.

объектости харажатлар бўйича бюджет пул маблағларини сарфлашда сметада назарда тутилган ҳажмлар бошқа турдаги объект ва объектости харажатларга ажратилган режали пул маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам харажатларнинг ўша гуруҳи бўйича кредиторлик қарзи ҳамда харажатлар лимити оширилган деб ҳисобланмайди.

12. Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимитини оширишни **туғалланган** жиноят деб тегишли гуруҳда режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлган пайдан ҳисобланади.

13. Бюджет маблағларини бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтиришни бюджетдан маблағ ажратиш лимитини оширишдан фарқлаш лозим. Бюджет маблағларини йўналтириш тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларни маблағ билан таъминлаш учун амалга оширилади, бюджет маблағларини ошириш эса, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлишини назарда тутати. Бундан ташқари, бюджет маблағларини йўналтиришда мазкур маблағлар нафақат пул маблағларида, балки моддий қадриятларда ҳам ифодаланиши мумкин, бироқ бюджетдан маблағ ажратишни амалга оширишда жиноятнинг предмети фақат пул маблағлари бўлиши мумкин.

14. **Штат-смета интизоми** – бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган сметаларни ҳамда бюджет ташкилот ва муассасаларининг ходимлари штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибидир.

15. **Штат жадвали** – мулк эгаси, ташкилот раҳбари ёхуд юқори орган тасдиқлайдиган доимий ходимлар мансаблари номи рўйхатидир, бунда бир номли мансаблар (бош ўринлар) сони ҳамда мансаб маошлари миқдори кўрсатилади.

16. **Тарификация рўйхати** – бу бюджет ташкилот штатида маълум мансабларни эгалловчи муайян шахсларнинг тарификациясини кўрсатиб, яъни ушбу ходимларда аттестация натижаларига кўра, уларнинг иш вақти асл

ҳажмига кўра берилган тегишли малакавий категорияси мавжудлигини ҳамда уларнинг мансаб маоши миқдорини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхат.

17. **Смета-штат интизомини бузиш** куйидагилар натижасида Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини молия йили давомида сарфлашдир:

нотуғри маълумотлар асосида ва нормативларга нисбатан ошириб кўрсатилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни харажатлар сметасига киритиш;

ҳодимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ҳодимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига риоя этмаслик;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этмаслик;

тарификация рўйхатларини тузишнинг белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этмаслик¹.

18. Агарда молия йилида бюджет ва смета-штат интизоми кўп миқдорда бузилса шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг **184¹-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.**

19. Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш қонунда формал таркибли қилмиш сифатида ифодаланган, яъни бюджет интизомини бузиш ижтимоий хавfli қилмиш деб тан олинishi учун мажбурий белги сифатида оқибатнинг мавжудлиги талаб қилинмайди. Бирок, бу оқибатлар суд томонидан ҳар бир алоҳида ҳолатда жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини кўп миқдорда бузиш содир этилган пайтдан бошлаб жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 188-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52-1-сон.

20. **Субъектив томондан** тахлил шарҳланаётган жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Шахс ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ёки тенг шароитларда англаши зарур бўлади ва уни содир этишни хоҳлайди.

21. Жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган ва бюджет маблағларини тақсимлаш ҳамда сарфлаш, шунингдек, смета-штат интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган шахслардир.

22. Давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кура ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот **бюджет ташкилотидир**.

Бюджет ташкилотларини молиялаштириш шартлари ва уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби бюджет тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланади¹.

Агарда бюджет ва смета-штат интизомини бузиш ўзганиш мулкни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 167 ва 184¹-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

23. **Жавобгарлик ЖКнинг 184¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бюджет ва смета-штат интизомини бузишнинг квалификация қилинган таркиби** уни жуда кўп миқдорда содир этилганлиги ҳисобланади. *(Жуда кўп миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлими шарҳига қаранг).*

24. Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш натижасида етказилган зарар ҳажмини баҳолаш бюджет ташкилотининг бюджети ёхуд сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирган бюджет маблағларини, бюджетдан маблағ ажратишни оширишни ёки бир молиявий йил чегарасида штат-смета интизомини бузиш натижасида олинган умумий сумма асосида амалга оширилади. Миқдорни аниқлашда бошқа молиявий йил даврида асоссиз сарфланган маблағлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 4-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52–1-сон.



ҳисобига олинмаслиги лозим (масалан, икки йил ичида асоссиз сарфланган воситаларнинг умумий суммасини жуда кўп миқдор сифатида тан олиш мумкин эмас – ҳар бир молиявий йил учун аввалги ёки кейинги йил билан қўшилмайдиган ўз миқдори белгиланиши лозим). **Молиявий йил** деганда, 1 январдан 31 декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврни тушуниш лозим.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ташкилот бюджети ёки сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилган ва пул маблағларида эмас, балки мулк шаклида ифодаланган бюджет маблағлари миқдорини аниқлашда тегишли смета ёхуд бюджетда кўрсатилган мулкнинг нархидан келиб чиқиш лозим.

185-модда. Қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш

Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш, давлатга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** – қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошлар айланиши (муомалада бўлиши) давлат томонидан тартибга солиниши соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноятнинг **предмети** – ер остидан қазиб олинадиган қимматбаҳо металллар (олтин, қумуш, платина, радий, иридий, осмий, палладий ва бошқалар) ёхуд қимматбаҳо тошлар (олмос, зумрад, дур, феруза ва бошқалар).

3. **Объектив томондан** шархланаётган жиноят давлатга кўп миқдорда зарар келтирган ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қондаларини бузишда ифодаланади. Шархланаётган модда диспозицияси бланкет характерга эга.

4. **Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қондаларини бузиш** қуйидаги иккита муқобил қилмишларни содир этишда ифодаланиши мумкин:

– қимматбаҳо металлларни аффинажга мажбурий топширишдан бўйин товлаш;

– ер остидан қазиб олинган ёхуд иккиламчи хом ашёдан олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни, шунингдек топилган ва кўтарилган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга мажбурий сотишдан бўйин товлаш.

5. **Аффинаж** – бу қимматбаҳо металлларни мавжуд аралашмалардан тозалаш, бунинг натижасида олий сифатли (юқори пробали) металл пайдо бўлади.

Қазиб олинган ва ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллар (соф ҳолда топилган металллар бундан мустасно) зарур қайта ишланишидан сўнг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиладиган ташкилотларга аффинаж учун юборилиши лозим.

6. Минерал хом ашёни қайта ишлаш, шу жумладан, аффинаж учун топшириш мажбурияти ер қаъридан фойдаланувчи шахс зиммасига юклатилиб, мазкур шахс қайта ишловчи корхона ва аффинаж заводи билан шартнома тузади. Минерал хом ашёни транспортда ташиш ушбу хом ашё топширилаётган ихтисослашган корхоналар томонидан амалга оширилади.

7. Қимматбаҳо металл ва тошларнинг чиқиндилари ва парчалари бундай парчалар юзага келадиган барча ташкилотлар, шунингдек, ҳарбий қисм ва ҳарбий тузилмалар томонидан тўпланиши зарур. Йиғилган чиқинди ва парчалар уларни тўплаган ташкилотлар, шунингдек, ҳарбий қисм ва тузилмалар томонидан мажбурий тартибда ҳисобга қўйилиши ва қайта ишланиши, шунингдек, қайта фойдаланиш ёки

реализация учун тегишли қонунчилик асосида кейинчалик ишлаб чиқариш, қимматбаҳо металллар аффинажи ва қимматбаҳо тошлар рекуперацияси амалга оширилади.

8. **Қимматбаҳо тошларнинг рекуперацияси** – қайта ишланган ёки баъзи бир сабабларга кўра эксплуатациядан чиқарилган инструмент ва техник мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотдан қимматбаҳо тошларни ажратиш, шунингдек, олмос классификатори ёки белгиланган техник шартлар асосида қимматбаҳо тошларнинг қолдиқлари бўлган чиқиндиларни қайта ишлаб, сифат даражасигача кўтариш.

9. Табиий қимматбаҳо тошларни давлатга мажбурий сотиш бўйича мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Қазиб олувчи ташкилотлар табиий қимматбаҳо тошларни саралаш ва баҳосини белгилаш, шунингдек, давлат хазинасини давлат органлари белгилаган ҳажмда тўлдириш мақсадида табиий тошларни давлатга сотишнинг қоидаларига риоя этишга мажбурдирлар.

10. **Аффинажга топшириш ёки кўрсатилган предметларни мажбурий сотиш мажбуриятидан бўйин товлаш жинояти**, кейинчалик, мустақил равишда қимматбаҳо металлларни аффинаж ёки қимматбаҳо металлларни қўшимча қайта ишлаш ёхуд қимматбаҳо металллар ёки тошлар билан бошқа ишларни бажариш ёхуд қимматбаҳо металл ва тошларни топширишни олдиндан яшириш каби қилмишларни юзага келтириши мумкин.

11. Агар қимматбаҳо металлларни ёхуд қимматбаҳо тошларни топшириш қоидаси бузилиши натижасида давлатга кўп миқдорда зарар етказилса, бу жиноят таркиби **туғалланган** ҳисобланади. Кўп миқдордаги зарар жиноятнинг шартли белгисидир.

12. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди, давлатга кўп миқдорда зарар етишини олдиндан кўра билади ва буни хоҳлайди. Мотив ва мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

13. Мазкур Жиноятнинг субъекти – ўн олти ёшга тулган, қимматбаҳо металллар ёки қимматбаҳо тошлар топшириш қоидаларини бузган ақли расо жисмоний шахсдир.

◆◆◆◆◆

185¹-модда. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. **Жинойятнинг бевосита объекти** – қонунчиликда белгиланган рангли металллар, уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

Жинойятнинг предмети – қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парчаси ва резги-чиқитлари.

2. **Жинойятнинг объектив томони** худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металлларни, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини бузишдан иборатдир.

3. **Рангли металлларни ноқонуний тайёрлаш** – бу амалдаги қонунни бузиб, рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини олишга қаратилган ҳаракатлардир. Масалан, рангли металлларни ўз ичига қамраб олган агрегатлар, двигателларни қисмларга жаратиш, ахлатхонадан, аҳолидан йиғиш, сотиб олиш, бошқа товарларга алмаштириш.

4. **Жинойят ЖКнинг 185¹-моддаси 1-қисми диспозициясида айтиб ўтилган ҳаракатлардан (тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш) биронтаси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган** ҳисобланади. *ЖКнинг 185¹-моддаси 1-қисми маъмурий преюдицияга эга. (Маъмурий преюдиция тушунчаси ЖКнинг 177-моддаси шарҳида батафсил ёритиб берилган).*

5. **Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш ўзга мулкка зарар етказиш ёки хизмат ваколатларини суинистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.**

6. **Субъектив томондан** жиноят туғри қасд билан содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари, қоида тариқасида, ғаразли бўлади, бироқ квалификация қилишда улар аҳамиятга эга эмас.

7. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тулган ақли расо шахсдир.

8. Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар, уларнинг парча, резги-чикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини мансабдор шахс содир этса, унинг ҳаракатларини тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 205-моддаси ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

9. ЖКнинг **185¹-моддаси 2-қисмида**:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чикитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164-моддаси шарҳида ёритиб берилган.

10. Шарҳланаётган жиноятнинг алоҳида квалификация қилиш белгиларига эга бўлган ЖКнинг **185¹-моддаси 3-қисми**:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмиш учун жавобгарликни ўрнатади.

Бу белгилар босқинчилик таркибига оид бўлган тегишли белгилар билан айнан бир хил. (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).



185²-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузиш

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг plombаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг plombаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг plombаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совук ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноят кодексига ушбу модданинг киритилиши миллий қонунчилигимизнинг ривожланиш маҳсули бўлиб, давлатнинг энергия ташувчи қурилмаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўзига ифода этади.

185²-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларининг диспозицияларидаги «Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига» деган сўзлар «Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Мазкур ўзгартишни киритишнинг сабабларидан бири шуки, қувурга ўзбошимчалик билан уланиш барча учун реал хавф тўғдиради. Жумладан, қўпинча нефть қувурлари билан ягона технологик йўлакларда жойлашган газ қувурларини хато кесиш жиддий экологик ва иқтисодий оқибатларга олиб келадиган техноген фалокатлар бошланиши учун хавф солади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** энергия ташувчи қурилмалардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Қўшимча объект сифатида ҳисоблаш қурилмаларига нисбатан мулк ҳуқуқи¹, шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги бўлиши мумкин.

3. ЖКнинг 185²-моддасида назарда тутилган жиноят **объектив томондан** худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишда ифодаланади.

4. **Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқлари** деганда, электр, иссиқлик энергияси, газ ёки сувни ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) истеъмолчига (сотиб олувчига) етказиш ва унинг узлуксизлиги ҳамда технологик бирлиги (масалан, компрессор қурилмалари, улагич қувурлар) тушунилади. Ушбу ҳолатда электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларидаги мавжуд техник узилишлар (яъни, мазкур тармоққа мос келадиган шартли лойиҳалар, масалан, қувур урнига автомобиль транспортдан

¹ Хусусан, «Газни ҳисобга олиш приборлари прибор қиймати Истеъмолчи томонидан тўлиқ тўлангунга қадар «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг мулки ҳисобланади» (Қаранг: Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яққа тартибдаги уйлarda ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарорига 4-илова), 25-банд // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 2002 й., 3-сон, 18-модда).

фойдаланиш) мазкур моддадаги назарда тутилган тармок мазмунига мос келмайди.

5. **Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан, яъни қонунда ўрнатилган тартиб асосида ваколатли орган рухсатисиз уланиш** ижтимоий хавфли ҳисобланади.

6. Иссиқликдан фойдаланувчи янги қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини улаш ёки ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик юкласини ошириш учун истеъмолчи иссиқлик тармоқларига уланиш амалга ошириладиган иссиқлик таъминоти корхонасидан техник шартларни олишга мажбур. Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартларни бажариш истеъмолчилар учун мажбурийдир.

7. Ўрнатилган тартибни бузиб, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига уланиш электр, иссиқлик, газ ёки сув ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш мақсадида амалга оширилган тақдирдагина, ушбу модда билан квалификация қилиниши мумкин.

Назорат қилинмайдиган ҳолда фойдаланиш деганда, айбдор ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ҳисобга олиш асбобларини четлаб ўтиб уланиши тушунилади. Шунинг учун агар ўзбошимчалик билан тармокнинг бир қисмига уланилган ва ушбу қисм тегишли ҳисобга олиш асбобидан кейин жойлашган бўлса, бундай қилмиш тегишли ҳолатлар мавжудлигида ЖКнинг 229-моддасига бўйича ўзбошимчалик деб квалификация қилиниши зарур. Бундай ҳолларда қилмиш ЖКнинг 185²-моддаси билан квалификация қилинмайди.

8. Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига уланиш электр, иссиқлик, газ ёки водопровод суви амалда сарфланган-сарфланмаганлигидан қатъи назар, тармоққа уланган вақтдан бошлаб жиноят **туғалланган** деб ҳисобланади.

9. Ҳисобга олиш асбоблари сифатида қувур орқали ҳақиқатда ўтадиган сув ва газ ҳажмини бевосита миқдорий ҳисобга олишни амалга оширувчи ҳамда энергия манбалари

(сув, газ)ни ўлчашнинг аниқлиги, барқарорлиги хусусида ҳар иккала тарафни (истеъмолчини ва етказиб берувчини) кониктирадиган ҳисоблагич қурилмалар эътироф этилади¹.

Электр энергияси ва қувватини ҳисобга олиш прибори – электр энергияси (қуввати) сарфини ҳисобга олиш прибори, шу жумладан жамловчи қурилмалар ҳамда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматик тизимлари, истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми уларнинг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сув ва газни **ҳисобга олиш асбоблари** Ўзбекистонда қабул қилинган ўлчов бирликларида ифодаланган шкалага эга бўлиши, ҳар хил ҳажмдаги оқимларни ўлчаш учун зарур ва етарли бўлган градацияларда чиқарилиши ҳамда хавфсизлик техникаси, фойдаланиш, тузатиш мумкинлиги, ўзаро алмаштириш, қурилма индикаторларини кўришнинг осонлиги бўйича техника шартлари талабларини кониктириш керак².

10. **Ҳисобга олиш асбобларини бузиш** деганда, ҳисоблаш асбобларининг қисман ёки тўлиқ бузилиши тушунилади ва асбобнинг тўлиқ ёки қисман ҳисоблаш хусусиятлари йўқотилади, шунингдек, унинг ҳужалик қийматининг пасайиши, бу эса, ҳисоблаш асбобидан бутунлай мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш имкониятининг йўқотилишига сабаб бўлади.

11. **Ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш**, аралashiш деганда, асбобнинг бутунлигига путур етказмасдан унинг ишлаш қобилияти ва кўрсаткичлари тўричилигининг бузилишини тушуниш керак. Таъсир кўрсатиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин: электрон магнит қурилмаларидан, иссиқлик ёки ёруғлик ва ҳ.к. фойдаланиш. Таъсир кўрсатиш усуллари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

¹ Масалан, қаранг: Уй-жой фондида ва ижтимоий-маданий мақсадлардаги объектларда сув ва газни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 майдаги 185-сон қарорига илова). II бўлим // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995 й., 5-сон, 18-модда.

² Уша жойда.

Мазкур моддага кўра, ҳисобга олиш асбобларига таъсир кўрсатиш деб тавсифланадиган жиноятнинг мақсади ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ўзгартиришдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агар бундай таъсир бошқа мақсадларда амалга оширилган бўлса, (қизиқувчанлик, таъмирлаш ва бошқалар) шахс ушбу модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

12. Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш ушбу ҳаракатлар учун маъмурий преюдиция мавжуд бўлсагина, жиноят деб топилади ва ЖКнинг **185²-моддаси 1-қисми** билан жавобгарликка тортилади.

13. Жиноят **субъектив томондан** ҳамма вақт қасддан содир этилади. Шахс ўзи қонунга хилоф ҳаракат эканлигини англайди, жинойи оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлайди ёки бунга онгли равишда йўл қўяди.

14. ЖКнинг 185²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

15. Айбдорнинг ЖКнинг **185²-моддаси 2,3,4-қисмлари** бўйича жавобгарлиги худди шундай ҳаракатлар туфайли анча миқдорда, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилганидан вужудга келади. *(Анча, кўп ва жуда кўп миқдор тушунчаси ЖКнинг Махсус қисми VIII бўлимида берилган).*

16. ЖКнинг **185²-моддаси 5-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазолар қўлланилмайди.

17. ЖКнинг **185²-моддаси 6-қисмида** рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра биринчи

марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини коплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

ХIII боб. ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

186-модда. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш

Истеъмомчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, –

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

етти йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шархланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** қонун билан маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг белгиланган тартиби, шунингдек, хўжалик фаолияти соҳасидаги истеъмолчиларнинг манфаатлари, уларнинг хавфсиз товар, иш ва хизматларни олишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ижтимоий муносабатлар. **Қўшимча бевосита объекти** эса, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар (ЖКнинг 186-моддаси, 2, 3 ва 4-қисмлари).

2. Товарларни (иш, хизмат) истеъмол қилиш, шунингдек, уларнинг шахснинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкка оид ҳуқуқлари ва атроф табиий муҳит билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, шунингдек, 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

3. Жиноятнинг **предмети** истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлири хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарлар (иш, хизмат) ҳисобланади.

4. **Товар**. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1-моддаси еттинчи хатбошисига қўра, ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан, импорт маҳсулоти ҳисобланади.



5. **Иш** – бу бир нарсани қайта ишлаш ёки ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятни назарда тутлади.

6. **Хизмат** – бу бирор-бир шахсга ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолият.

Иш ва хизматлар истеъмолчи билан тузилган маиший, уй-жой, қурилиш-таъмирлаш, транспорт ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги шартномаларга асосан амалга оширилиши мумкин.

7. **Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарлар, ишлар, хизматлар** деганда, одатдаги шароитларда истеъмол қилиш, фойдаланиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, утилизация қилиш, шунингдек, иш ёки хизматлар натижасидан фойдаланиш натижасида истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган товар, иш ёки хизмат тушунилади.

Товарларнинг (иш, хизмат) сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талаблар қўйидаги норматив ҳужжатларда белгиланади: стандартлар ва шунга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари), техник шартлар, техник тавсифлар ва бошқа ҳужжатлар.

8. Маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун товарлар (иш, хизмат)ни **сертификатлаштиришдан** ўтказилади. Ўтказилган сифат бўйича сертификатлаштиришдан сўнг тегишли органлар томонидан мувофиқлик сертификати берилади. **Мувофиқлик сертификати** – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

9. Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, маҳсулот хусусияти норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция

назоратини ўз ичига олади. Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди¹.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда реализация қилиниши мумкин эмас².

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

10. Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан **ихтиёрий сертификатлаштиришдан** ўтказилиши мумкин³.

11. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, товарларга қонунга мувофиқ мажбурий равишда ярқилик муддати ўрнатилади. **Ярқилик (сақлаш) муддати** муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга ярқили бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки ярқилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

12. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига кўра: «Агар товар (иш,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш туғрисида»ги 1006–XII-сонли Қонуни, 10–11-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 50-модда.

² Ўша манба, 12-модда.

³ Ўша манба, 17-модда.

хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаетганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озик-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади».

13. ЖКнинг 186-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **жабрланувчиси** истеъмолчи ҳисобланади, «истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс)». («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси иккинчи хатбошиси).

14. Жиноят **объектив томондан** истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб

бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда намоён бўлади.

15. **Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш** келгусида истеъмолга чиқариш учун бевосита ишлаб чиқариш-тайёрлаш фаолиятини амалга оширишда намоён бўлади.

16. Шарҳланаётган модда маъносида **товарларни сақлаш** келгусида реализация қилишга мўлжалланган истеъмолчилар хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни вақтинчалик махсус сақлаш учун мўлжаллаган жойларга жойлаштиришдан иборат.

17. **Товарларни ташиш** деганда, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи ва реализация қилишга тайёр бўлган маҳсулотларни ҳар қандай усуллар билан транспортировка қилишни тушуниш лозим.

18. **Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш** ушбу товарларни бозорга чиқариш ёки бевосита истеъмолчиларга сотишда намоён бўлади. Бунда товарларни бозорга чиқариш деганда, ишлаб чиқарувчи – тайёрловчи томонидан буюртмачи (истеъмолчи)га тайёр товарларни жўнатиш (ўтказиш)ни, истеъмолчиларга сотиш деганда эса, ушбу товарларнинг чакана ва улгуржи савдо ташкилотлари ходимлари томонидан сотилишини тушуниш лозим.

19. **Ишларни бажариш** ўзида у ёки бу нарсани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ёки ишлов беришдаги ижро фаолиятини намоён қилади.

20. **Хизматлар кўрсатиш** – бу натижаси моддий ҳаёт нарса-буюмлари бўлмаган (коммунал ва бошқа хизматлар) аниқ бир ишни бажаришга қаратилган ижро фаолиятидир.

21. ЖКнинг 186-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят айбдор томонидан қандай ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар, мазкур норма диспозициясида қамраб олинган ҳаракатларнинг лоақал биттасининг содир этилиши билан **туғалланган** ҳисобланади.

22. Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасддан содир этилади. Шах истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларнинг ишлаб чиқараётганлиги, сақлаётганлиги, ташиётганлиги ёхуд ўтказаетганлигини англайди, шунга ўхшаш характердаги ишларни бажаради ёки шунга ўхшаш характердаги хизматларни кўрсатади ҳамда бу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди. Бундай ҳолларда, шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлик келиб чиқиши учун истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ўтказиш мақсадида (товарларни буюртмага асосан бозорга чиқариш ёки бевосита истеъмолчиларга сотишда намоён бўлади) содир этилган бўлиши лозим. Мазкур мақсаднинг мавжуд эмаслиги ЖКнинг 186-моддаси билан жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятнинг мотиви турлича бўлиши мумкин, лекин у жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

23. Жиноятнинг **субъекти** истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишга жавобгар бўлган 16 ёшга тулган шахслар, яъни сотувчи, тайёрловчи ёки иш (хизмат)ни бажарувчи бўлиши мумкин.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)ларнинг норматив ҳужжатларини тасдиқловчи ёки унга мувофиқлик сертификатини берган шахс мазкур жиноят иштирокчиси ва иш ҳолатларига кура ЖКнинг 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) ёхуд ЖКнинг 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) ёки ЖКнинг 207-моддаси (Мансабга совуққонлик билан қараш) билан жавобгар қилиниши мумкин.

24. ЖКнинг **186-моддаси 2-қисми** билан жавобгарлик истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд

ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган ҳолларда юзага келади. Бу ҳолатда қилмишни ЖКнинг 104-моддаси ва 105-моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш талаб қилинмайди.

25. ЖКнинг **186-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноят қонунда белгиланган оқибатлар юзага келган вақтдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади. Агар бу оқибатлар келиб чиқмаса, шахс ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилмайди.

ЖКнинг **186-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятда жиний қилмиш (ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва бошқалар)га нисбатан субъектив муносабат турри қасд шаклида, қонунда кўрсатилган оқибатларга нисбатан субъектив муносабат эса, эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, мазкур жиноят таркиби ўзида айбнинг мураккаб шаклини намоён қилади.

26. Агар сифатсиз, истеъмол талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш инсон ўлимига олиб келса, қилмишни ЖКнинг **186-моддаси 3-қисми** билан квалификация қилиш лозим.

27. Шарҳланаётган жиноятнинг алоҳида квалификация қилиш белгилари ЖКнинг **186-моддаси 4-қисми**да назарда тутилган бўлиб, унда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖКнинг **186-моддаси 4-қисми «а»** бандида назарда тутилган **инсонлар ўлими** деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўлимига олиб келган ижтимоий хавфли оқибатни тушуниш лозим.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилиши,

инсонларнинг оммавий касалланиши ва бошқа оқибатларни тушуниш лозим.

28. Таъкидлаш жоизки, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш туғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига қура, товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ун йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қондалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

186¹-модда. Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун

маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини сунистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини сунистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, –

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятдаги манфаатларини, аниқроқ айтганда, товарлар ишлаб чиқарувчининг товарларини қалбакилаштиришдан кўриклаш ҳуқуқини ҳамда истеъмолчиларнинг хавфсиз товарлар сотиб олиш

хукукини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноятнинг факультатив объекти сифатида бу ерда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Жиноятнинг **предмети** акциз йиғими маркалари билан мажбурий маркаланиши лозим бўлган этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари ҳисобланади.

2. **Этил спирти ва алкогольли маҳсулот** деганда, таркибида вино, вино моддалари, арок, ликёр-арок маҳсулотлари, коньяк, бальзам, коньяк спирти, озиқ-овқат спирти, хамир спирти кабилар бўлган спиртли ичимликлар назарда тутилади.

Тамаки маҳсулотлари ўз ичига ҳар қандай тамаки маҳсулотларини, яъни сигарет, папирос, сигара ва бошқаларни камраб олади.

3. **Объектив томондан** жиноят анча миқдорда ёхуд худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишда ифодаланади.

Мазкур норма **бланкет** характерга эга бўлганлиги боис, юқоридаги маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш фактини аниқлаш учун мазкур фаолиятни тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунчиликка мурожаат этиш лозим.

4. **Қонунга хилоф** равишда ишлаб чиқариш деганда, хусусан, ихтисослашмаган корхоналар (маиший ёки кичик цехлар шароитида) томонидан қонунда белгиланган тартибда тегишли равишда рўйхатдан ўтмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган тегишли лицензиясиз алкогольли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тушунилади.

Хусусан, «алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳукуки ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган махсус рухсатномага ва уни ишлаб чиқариш учун зарур шартларга эга бўлган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга берилди.

Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарда уларнинг ихтисослашувига мувофиқ ва стандартлар, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган, «Ўзшаробсаноат» АЖ томонидан тасдиқланган ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади»¹.

5. Алкоголли ва тамаки маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлаш мақсадида, қонда тариқасида, махсус акциз маркалари билан маркаланади.

Акциз – товарнинг баҳоси таркибига киритиладиган ва сотиб олувчи томонидан тўланадиган эгри солиқ. Акциз солиғи билан талаб қўп бўлган товарлар, хусусан, этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари қопланади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган акциз товарларни мажбурий маркалашни таъминлашлари шарт².

Акциз товарлари ва маҳсулотларини маркалаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ҳамда унинг ҳудудига киритилаётган мажбурий акциз маркаларини қўллаш лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллашни назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон

¹ Қаранг: Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарорига илова), 4, 5-бандлари // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1998 й., 7-сон, 23-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йуриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январда 589-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), 46-банд // Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 1999 й., 2-сон.

Республикаси ҳудудда тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги 285-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома билан белгиланади.

Ушбу йўриқномага мувофиқ, 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни, пиводан ташқари, белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш жорий этилди ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (ҳалқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқлаб қўйилди»¹.

7. Аамалдаги қонунчиликка мувофиқ, маҳсулотларнинг аниқ турлари учун белгиланган стандартларга мувофиқ барча алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини мажбурий равишда сертификатлаштириш ва маркалаштириш лозим. Шунингдек, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, қалбакилаштиришдан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида мувофиқлик белгиси билан маркаланади.

8. **Мувофиқлик белгиси** – қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг аниқ стандартларга мувофиқлигини кўрсатувчи белги.

Акциз маркалар ва мувофиқлик белгилари билан маркалаш амалдаги стандартлар талаблари ва «Ўзстандарт» томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 январда 589-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), 3-банд // Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 1999 й., 2-сон.

Мувофиқлик белгисини қўйиш жойлари, унинг шакли, ҳажми ва бошқа параметрлари стандартлар билан белгиланади.

9. Ишлаб чиқариш ташкилотлари, импорт қилувчилар, савдо ташкилотлари ва яқка тадбиркорлик субъектлари товарлар ва маҳсулотларни мувофиқлик белгилари билан маркалаштириш бўйича жавобгар ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар агар товар ва маҳсулотлар уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маркалаштирилган бўлса, қўшимча равишда маркалашга ҳақли эмаслар.

Чет эл озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган алкогольли ва тамаки маҳсулотларини Вазирлар Маҳкамасининг рухсатисиз олиб кириш тақиқланади.

«Вино-ароқ маҳсулотлари ва бошқа алкогольли маҳсулотни идишларга қўйиш цехларида ҳар ойнинг биринчи кунда алкогольли маҳсулотлар қолдиқларини чиқариб олиш, идишларнинг, акциз маркаларининг, ёрлиқларнинг, тиқинларнинг ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тайёрлашга тааллуқли бошқа моддий бойликларнинг ҳолатини аниқлаш йўли билан ҳисобга олиш амалга оширилади. Ушбу моддий ресурсларнинг тезкор ҳисоби ҳар кун олиб борилади»¹.

Амалдаги қонунчилик талабларини бузган ҳолда этил спирти, алкогольли маҳсулотлар ёки тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

10. Агар этил спирти, алкогольли маҳсулотлар ёки тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона белгиланган техник талабларга риоя этмаса ва истеъмолчиларнинг хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарган тақдирда, қилмишни ЖКнинг 186-моддаси билан квалификация қилиш лозим. Агар бу ҳолатда ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам ноқонуний бўлган тақдирда, қилмишни ЖКнинг 186-моддаси ва 186¹-моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

¹ Қаранг: Спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қўйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарорига илова), 11-бвнд// Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1998 й., 7-сон, 23-модда.



11. **Ноқонуний муомалага киритиш** деганда, мазкур маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда сақлаш, ташиш ҳамда ўтказишни (улгуржи ва чакана савдо, экспорт ва импорт операциялари ҳам шулар жумласидандир) тушуниш лозим. («Сақлаш», «ташиш», «ўтказиш» тушунчалари ҳақида батафсил ЖКнинг 186-моддаси шарҳига қаранг).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акцизланиши лозим бўлган товарларнинг акциз маркаларсиз муомаласи тақиқланган. Шу билан боғлиқ равишда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг муомаласи қуйидаги ҳолатларда ноқонуний деб эътироф этилиши мумкин:

– алкоғол ичимликлар ёки тамаки маҳсулотларини акциз маркасиз сақлаш ёки транспорт воситаларида ташиш (ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш мақсадида алкоғолли ёки тамаки маҳсулотларини техник жараёнларга мувофиқ равишда сақлаш ёки жўнатиш бундан мустасно). «Савдо тармоғида сотиш учун тайёрлаб қўйилган алкоғолли маҳсулот стандартлар талабларига жавоб бериши, маркировка, акциз маркалари, мувофиқлик белгисига эга бўлиши ва норматив талабларга жавоб берадиган хоналарда сақланиши керак. Маҳсулот корхона лабораторияси ҳулосаси билан чиқарилади ва мувофиқлик сертификати билан жўнатилади»¹;

– акциз маркалар билан маркаланмаган алкоғолли ёки тамаки маҳсулотларини товар бозорларига чиқариш ёки савдо тармоғига реализация қилиш;

– юридик шахслар ёки ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қонунда белгиланган тартибда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлмаган ҳолда алкоғолли ёки тамаки маҳсулотлари улгуржи савдосини амалга ошириши;

– жисмоний ёки юридик шахслар томонидан импорт қилинган спиртли ичимликлар ёки тамаки маҳсулотларининг

¹ Қаранг: Спирт ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарорига илова), 20-банд // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1998 й., 7-сон, 23-модда.

мазкур турдаги маҳсулотларга нисбатан махсус рухсатномаларсиз ёки махсус кўчмас савдо шахобчаларидан ташқарида, назорат-касса машиналарисиз чакана савдо тариқасида сотилиши;

– алкоғолли маҳсулотларнинг майда чакана савдо шохобчаларида (газета дўконлари, кўчар чодирлар, савдо залига эга бўлмаган бошқа жойлар) сотилиши. Алкоғолли маҳсулотлар фақат юридик шахслар томонидан турғун савдо тармоғи орқали сотилади¹;

– алкоғолли маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан маркалаш Тартибига риоя қилинмаган ҳолда мувофиқлик белгиларисиз ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

– ҳисобга олинмаган маҳсулотларни реализация қилиш;

– мазкур соҳада мавжуд бўлган амалдаги қонунчилик бошқача тарзда бузиш.

Агар алкоғолли ёки тамаки маҳсулотлари ўрнатилган стандартларга риоя қилмаган ҳолда ва истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи талабларига жавоб бермайдиган тарзда ишлаб чиқарилса ёки муомалага киритилса, бу ҳаракатларни ЖКнинг 186-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

12. Агар шарҳланаётган жиноий ҳаракатларни аниқлаш вақтида у ёки бу фаолият билан лицензиясиз шуғулланилгани аниқланса, бу қилмишни ЖКнинг 186¹-моддаси ва 190-моддалари (Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим. ЖКнинг 190-моддасида назарда тутилган жиноят лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан шуғулланишдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади, этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги «Алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумини кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 221-сон қарори, 8-банд // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 1998 й., июнь.

қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишда эса, мазкур жиноий қилмиш кўрсатилган маҳсулот турларини амалда ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва х.к. билан ҳам боғлиқ бўлади.

13. ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят этил спирти, алкогольли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотининг қонунга хилоф равишда анча миқдорда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши пайтидан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

14. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд асосида содир этилади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

15. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ва этил спирти, алкогольли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланадиган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлади.

16. Айбдорнинг ҳаракатлари:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, ЖКнинг 186¹-моддаси **2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164 ва 167-моддалари шарҳида ёритиб берилган.

17. Этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотининг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 186¹-моддаси **3-қисми** бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ушбу белгилар босқинчилик таркибига оид бўлган худди шундай белгилар билан айнан бир хил. (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

18. ЖКнинг 186¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилишда намоён бўлади.

19. Кўрсатилган қонунга хилоф фаолиятга **ҳомийлик қилиш**, яшириш ваколатли органларнинг уларни бартараф этиш, кўллаб-қувватлаш ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда уларнинг фаолият юритиши учун етарли шарт-шароит яратиш каби ҳаракатларида ифодаланади.

Кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни ноқонуний равишда ишлаб чиқараётган ёки муомала қилаётган хусусий корхоналар, фирмалар, корхоналарни назорат қилувчи органлар (солиқ инспекцияси) томонидан текширишга йўл қўймаслиги; спирт маҳсулотларининг республика чегарасидан тўсқинликларсиз кириб келиши ва бошқалар ҳомийлик қилишга мисол бўлади. Бу ҳолатда қилмишни ЖКнинг 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) билан қўшимча равишда квалификация қилиш талаб қилинмайди. Жиноятларнинг реал мажмуи (агар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш нафақат бевосита ҳомийлик қилишда, балки субъектнинг бошқа турдаги ҳаракатлари орқали ҳам юзага келганда) бундан мустасно. (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ҳақида батафсил ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг).

20. Мазкур жиноят этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳомийлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш билан **туғалланган** ҳисобланади.

21. Кўрсатилган фаолиятга ҳомийлик қилиш **субъектив томондан** тўғри қасддан содир этилади. Шахс ҳокимият ёки мансаб ваколатидан фойдаланиши этил спирти, алкоғолли ва

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга яхши шарт-шароит яратишини англайди ва бу ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Мотив ва мақсад, қоида тарикасида, ғараздир. Аммо бу жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

22. ЖКнинг **186¹-моддаси 4-қисмида** назарда тутилган жиноятнинг **субъекти** фақатгина ўз ҳокимият ёки мансаб ваколатлари орқали этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг қонуний ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши устидан назорат қилувчи органлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки бу назоратларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлган мансабдор шахс бўлиши мумкин. *(Мансабдор шахс тушунчаси ва белгилари ҳақида батафсил ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).*

186²-модда. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса. –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятларидаги манфаатлари, хусусан, товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини сохталашининг олдини олиш ва истеъмолчиларнинг сифатли маҳсулотларга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар. **Факультатив объект** сифатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

2. Жиноятнинг **предмети** чигитдан олинадиган маҳсулотлар, хусусан, пахта-чигит маҳсулотларини қайта ишлаш ва техник ишловдан ўтказиш натижасида олинган чигит ёғи, кунжара, шелуха ва бошқалар.

3. ЖКнинг 186²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилишида намоён бўлади.

Шарҳланаётган модда бланкет характерга эга бўлиб, чигитдан олинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилиши қонунга хилофлигини аниқлашда ҳар бир ҳолатларда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш лозим.

4. Шарҳланаётган моддада чигитдан олинадиган маҳсулотларни **қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш** деганда, пахта чигитини техник қайта ишлаш ва ёр маҳсулотларини қонунда белгиланган тартибларини бузган ҳолда ишлаб чиқариш назарда тўтилади. Хусусан:

– уй шароитларида ва экстракция бўлимларига эга бўлмаган кичик цехларда пахта чигитини қайта ишлаш ва

пахта ёғи ишлаб чиқариш амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади ҳамда пахта чигитини қайта ишлаш билан ноқонуний шуғулланаётган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда қаттиқ жазо чоралари, ҳатто жиноий жавобгарлик чоралари қўрилади¹;

– пахта ёғини сертификатланмаган чигит маҳсулотларидан ишлаб чиқариш;

– пахта ёғи, кунжара ва шелухани ҳисобга олинмаган чигитдан ишлаб чиқариш. Пахтанинг техник чигити, шунингдек уни қайта ишлаш натижасидаги маҳсулотлар қатъий ҳисобга олиниши лозим;

– чигитдан олинадиган маҳсулотларни амалдаги қонун ҳужжатлари бошқа талабларни бузган ҳолда ишлаб чиқариш.

Техник чигитнинг ҳар қайси туркумини синаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси мутахассислари томонидан, пахта тозалаш корхоналари ҳудудларида жойлашган ва Марказнинг аккредитация қилинган минтақавий лабораториялари филиаллари ҳисобланадиган уруғлик лабораторияларида O'z DSt 596 «Техник пахта чигити. Техник шартлар» талабларига мувофиқ ўтказилади. Ташиб келтириладиган ҳар қайси туркум учун техник пахта чигити сифатини синаш натижалари Синаш протоколи билан расмийлаштирилади.

Сифат кўрсаткичлари O'z DSt 596 талабларига мувофиқ бўлган техник пахта чигити синовлари протоколида «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» вакиллари томонидан Мувофиқлик сертификатининг тартиб ва реестр рақами, шунингдек муайян туркумнинг сертификатлашдан ўтганини тасдиқлайдиган O'z DSt 1.19:2000 «Мувофиқликни тасдиқлаш белгилари. Шакли,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 199-сон қарори, 2-банд // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 2006 й., 9-сон, 69-модда.

ёзилиши, асосий катталиклари»га мувофиқ Мувофиқлик белгиси курсатилади¹.

5. Агар чигит маҳсулотларини қайта ишлаш ёр ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ўрнатилган техник ва санитар нормаларни бузган ҳолда амалга оширилиши натижасида истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, қилмишни ЖКнинг 186-моддаси тегишли қисмлари билан квалификация қилиш лозим.

6. Шарҳланаётган модда мазмунида келтирилган **ноқонуний муомалада бўлиш** деганда, чигитдан олинган маҳсулотларни сақлаш, утказиш ва сотиш (реализация, импорт-экспорт операциялари)нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибини бузишни тушуниш лозим. («Сақлаш», «ўтказиш» ва «сотиш» тушунчалари ҳақида батафсил ЖКнинг 186-моддаси шарҳига қаранг).

7. Чигитдан олинадиган маҳсулотларнинг қонуний тартиби қуйидагилардан четга чиқилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилган ҳисобланади:

– Ўзбекистон Республика товар-ҳом ашё биржасидаги очиқ биржа савдолари орқали – савдо ташкилотларига ҳамда саноатда қайта ишлашга;

– тўғридан-тўғри шартномалар ва тартибга солинадиган нархлар бўйича – бюджет ташкилотлари ҳамда махсус истеъмолчиларга сотилади;

– биржа савдолари орқали ва республиканинг ташқи савдо компаниялари билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспорт қилинади.

8. ЖКнинг 186²-моддасида назарда тутилган жиноят чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритилиши билан **туғалланган** ҳисобланади.

¹ Қаранг: Пахта тозалаш ва ёр-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоом (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорига илова). II бўлим // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 2006 й. 9-сон, 69-модда.

9. Жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уни содир этишни истайди.

Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

10. Жиноятнинг субъекти чигитдан олинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланувчи ҳар қандай 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

11. Айбдорнинг чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ ҳаракатлари қуйидаги ҳолатларда ЖКнинг 186²-моддаси 2-қисмига кўра квалификация қилинади:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- г) мансаб мавқеини суистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса. (*Мазкур белгилар ЖКнинг 164 ва 167-моддалари шарҳида ёритиб берилган*).

12. Айбдорнинг чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ ҳаракатлари қуйидаги ҳолатларда ЖКнинг 186²-моддаси 3-қисмига кўра квалификация қилинади:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилса.

Ушбу белгилар босқинчилик таркибига оид бўлган худди шундай белгилар билан айнан бир хил. (*ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг*).



186³-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп микдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп микдорда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи – тўртинчи қисмлари таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. **Жинойятнинг асосий бевосита объекти** сифатида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати устидан назорат қилишнинг қонун билан ўрнатилган тартибини, ҳўжалик фаолияти соҳасида истеъмолчиларнинг манфаатларини, улар томонидан сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хавфсизлигини, шунингдек, кўрсатилган товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотини сохталаштиришдан муҳофаза қилишни таъминлайдиган муносабатлар тушунилади. **Қўшимча бевосита объект**

фуқароларнинг ҳаётини ва соғлигини таъминлайдиган муносабатлардир (ЖКнинг 186³-моддаси 2, 3 ва 4-қисмлари).

2. Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, маркалаш, сотиш, экспорт ва импорт қилиш, уларни реклама қилиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялашга оид ҳуқуқий масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ-399-сонли «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги «Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озик-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги 181-сон, 2003 йил 31 октябрдаги «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомлари тасдиқлаш ҳақида»ги 477-сон қарорлари ҳамда кўплаб идоравий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

3. Қонуннинг тўғридан-тўғри курсатмасига мувофиқ, ЖКнинг 186³-моддасида назарда тутилган жиноятнинг **предмети** сифатсиз ёки калбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлардир.

4. **Дори воситалари** – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари¹.

5. **Тиббий буюмлар** – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-399-сонли Қонун, 3-модда, 2-хатбоши // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 январь, 2-сон.

² Ўша манба, 3-модда, 8-хатбоши.



6. Қонунга кўра, дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-миқдор жихатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини «фармакопея» деб номланадиган давлат стандартлари тўплами белгилайди. Дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усулларига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив-техник ҳужжатларни расмий эксперт органи ҳисобланадиган фармакопея қўмитаси тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир дори воситаси учун фармакопея қўмитаси томонидан тегишли норматив-техник ҳужжат (фармакопея мақоласи) тасдиқланади. Миллий фармакопеяни тасдиқлаш ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ишлаб чиқариш тақиқланади. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан, қуйидагилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт:

- дори воситалари;
- Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;
- илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, лекин бошқача дори шаклларида, дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари;
- тиббий буюмлар;
- тиббий техника¹.

8. Қонуннинг 13-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбақиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситала-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги УРҚ-399-сонли Қонуни. 3-модда, 8–9-хатбошиллар. // «Халқ сузи», 2016 йил 5 январь, 2-сон.

рини реализация қилиш, шунингдек, муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Қалбакилаштирилган дори воситаси ва тиббий буюм – таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган дори воситаси ва тиббий буюм¹.

Сифатсиз дори воситаси ва тиббий буюм – яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) яроқлилиқ муддати ўтган дори воситаси ва тиббий буюм².

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари – интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари³.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган тиббий буюм – яроқсиз ҳолга келган ёки таркиби ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган тиббий буюм.

9. Объектив томонидан шарҳланаётган жиноят худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилишдан иборат.

10. Ишлаб чиқариш – сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни кўплаб ҳосил қилиш, шу жумладан тўлиқ технологик туркум ёки унинг айрим босқичлари, хусусан, дори воситаларини синтез (биосинтез) қилиш, экстракциялаш, тозалаш, уларга ишлов бериш, уларни қадоқлаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларни маркалаш босқичлари бўйича ҳосил қилиш.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ–399-сонли Қонуни, . 12-модда. // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 январь, 2-сон.

² Ўша манба, 3-модда.

³ Ўша жойда.

11. Ўзбекистон Республикасида дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри мавжуд. У расмий ҳужжат бўлиб, тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат. Давлат реестридан чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш тақиқланади.

12. Шарҳланаётган модда нуктаи назаридан **тайёрлаш** деганда, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини дори субстанцияларидан (келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган биологик фаол моддалар) ва ёрдамчи моддалардан тайёрлашга, шунингдек, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган борлаш ва тикиш материаллари, шприцлар ёхуд бошқа тиббий буюмларни тегишли ашё ва материаллардан тайёрлашга йўналтирилган айбдор шахснинг барча хатти-ҳаракатлари тушунилади.

Дори воситалари дорихоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат этилган дори воситаларидан (субстанцияларидан) ва ёрдамчи моддалардан тайёрланади¹.

13. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни **олиш** деганда, мазкур предметларни сотиб олиш, бошқа нарса ва буюмларга алмаштириш, қарзга ёки ҳадяга олиш, қарзи эвазига олиш, топиб олинган сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ўзлаштириш тушунилади.

14. **Сақлаш** деганда, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг махсус мўлжалланган жойда (тайёр маҳсулот омбори ва бошқалар) вақтинча жойлаштирилишига қаратилган айбдор шахснинг ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Аксарият ҳолларда, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмлар дорихоналар муассасаларида сақланади. Қонунга қура, дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-399-сонли Қонуни, 22-модда // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 январь, 2-сон.

қилишни, шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкин¹.

15. **Ташиш** – сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ҳар қандай усулда бир жойдан иккинчи жойга (масалан, ишлаб чиқарувчи корхонадан дорихонага) транспортда ташишдир.

16. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни **ўтказиш** уларни товар бозорига чиқариш ёки истеъмолчиларга бевосита реализация қилиш (сотиш) орқали амалга оширилиши мумкин.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни товар бозорига чиқариш уларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотилишини назарда тутди. Таъкидлаш лозим, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилардан, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан, шунингдек дори воситаларини ва тиббий буюмларни чет эллик ишлаб чиқарувчилардан ҳамда улгуржи реализация қилувчи ташкилотлардан харид қилиш ҳуқуқига эга².

Кўрсатилган товарларни истеъмолчиларга реализация қилиш уларнинг дорихона муассасалари, улгуржи ёки чакана савдо ташкилотлари орқали сотилишини ёки сотишга таклифни назарда тутди. Таъкидлаш лозимки, қонуннинг қатъий кўрсатмасига биноан, дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади. Дорихоналар ишини бошқариш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги УРҚ–399-сонли Қонуни, 21-модда // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 январь, 2-сон.

² Ўша манба, 19-модда.

эса олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади.

17. ЖКнинг 186³-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят мазкур норманинг диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб, ижтимоий хавфли оқибатлар рўй беришидан қатъи назар, **туғалланган** деб топилади.

Жиноят қонунининг талабларига асосан айбдор шахсга юқорида таҳлил қилинган ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўрилганидан сўнг у жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин.

18. **Субъектив томондан** жиноят турри қасддан содир этилади. Шахс сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ишлаб чиқаришини, тайёрлашини, олишини, сақлашини, ташишни ёхуд ўтказиши, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилишни англайди ва мазкур ҳаракатларни содир этишни истайди. Шахснинг шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортилиши учун сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг ишлаб чиқарилиши, тайёрланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши мазкур махсулотни ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, яъни уни буюртмачига етказиб бериш ёки бевосита истеъмолчига реализация қилиш мақсадини кузлаган ҳолда амалга оширилиши керак. Қўрсатилган ҳолларда жиноят махсус мақсаднинг йўқлиги ЖКнинг 186³-моддаси бўйича жавобгарликни истисно қилади.

19. Жиноятнинг **субъекти** сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилишга масъул бўлган 16 ёшга тулган шахс ҳисобланади.

20. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш бўйича шахснинг ҳаракатлари:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суниистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, **ЖКнинг 186³-моддаси 2-қисми** бўйича квалификация қилинади.

Таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишдаги **кўп миқдор** – тегишли давлат органи томонидан белгиланади.

21. Дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтказилишини **рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси** тасдиқлайди. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси – дори воситаларини тиббий қўллаш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатини тасдиқловчи ҳужжатдир. Қонунга кўра, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома эгаси ушбу гувоҳномани берган муассасани дори воситасининг фармакологик самарадорлиги ва хавфсизлигига доир янги маълумотлардан хабардор қилиб туриши шарт.

22. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни

дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш бўйича шахснинг ҳаракатлари:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлимига сабаб бўлса, ЖКнинг **186³-моддаси 3-қисми** бўйича квалификация қилинади.

23. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш бўйича шахснинг ҳаракатлари:

а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, ЖКнинг **186³-моддаси 4-қисми** бўйича квалификация қилинади.

(Мазкур квалификацияловчи (алоҳида квалификацияловчи) белгилар ўз мазмунини бўйича юқорида бошқа жиноятларнинг таҳлили доирасида кўриб чиқилган белгилардан фарқ қилмайди).

24. ЖКнинг **186³-моддаси 5-қисми** бўйича жавобгарлик шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда содир этилган таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилишда вужудга келади.

25. Қонуннинг 20-моддасига асосан дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки тасдиқланган Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатига кўра рецептсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини

ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

26. ЖКнинг 186³-моддаси 6-қисмига кўра, ушбу модданинг биринчи – тўртинчи қисмлари таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди (*Кучли таъсир этувчи моддалар тушунчасига ЖК 251-модда шарҳига қаранг*).

187-модда. (*Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сонли Қонуни билан чиқарилган – ЎР ОМА, 2001 йил, 1–2-сон, 23-модда*)

188-модда. Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни

чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда солиқлар ва йиғимлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартларидан бири субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–328-сонли Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир, деб таъриф берилади.

2. Амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга ёки унга қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас. Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)

суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.

3. Қонунга хилоф тадбиркорлик баъзан бошқа жиноятлар, шу жумладан, солиқ жиноятлари билан бирга содир этилади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс, аввало, тадбиркорлик учун асосий бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришади, қонун билан қўриқланидиган ҳуқуқий муносабатлар сифатидаги қонунга хилоф тадбиркорликнинг жиноят-ҳуқуқий қоидалари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади. Айни вақтда шу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан жиноят-ҳуқуқий муносабатлар, нафақат қонунга хилоф тадбиркорликда, балки солиқлар тўлашдан бўйин товлашда ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли жиноятларни квалификация қилишнинг асоси ҳисобланадиган жиноят объектини аниқлаш зарур.

4. Жиноятнинг **бевосита объекти** – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар. Факультатив объекти солиқ тўлаш, савдо қоидаларига риоя қилиш тартиби ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

5. **Объектив томондан** жиноят тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга оширишда ифодаланади.

6. Қонунга қўра, **белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш** деганда, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли давлат органлари (ҳокимлик ва адлия идоралари)да давлат рўйхатига олинishi тушунилади. Давлат солиқ инспекциялари томонидан бериладиган «Қайд гувоҳномаси» уларнинг ички идоравий ҳужжати бўлиб, унинг мавжуд эмаслиги ёки муддати ўтганлиги фактининг ўзи тадбиркорлик субъектларини ЖКнинг 188-моддаси билан жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

7. Жиноят тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг қонун талаб қилган рўйхатдан ўтишдан бўйин товлашга йўналтирилган фаол ҳаракатларида ифодаланади.

Мазкур модда маъносида давлат рўйхатидан ўтмаслик – бу амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, ваколатли органга фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ёхуд уни тиклаш ёки ўзгартиришни сўраб мурожаат этишга мажбур бўлса-да, лекин қасддан буни бажармаслик ёнгики била туриб ўзининг мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўйишда ифодалангани.

8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тадбиркорлик доирасида амалга ошириладиган фаолият мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Қонун фуқаролик ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бир маротабали битимларни тузиш учун тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилмайди. Қонунчилик ёки ҳуқуқий анъаналарга мувофиқ, касбий (хусусий) амалиётнинг баъзи бир турлари махсус рўйхатдан ўтишни талаб қилмайдиган деб тан олинади. Масалан, хусусий амалиётга эга адвокат ва ҳоказолардан қўшимча рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Шу билан бирга, баъзи товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан (масалан, таълим бўйича, тиббиёт бўйича хизматлар) амалга ошириладиган савдо ёки воситачилик фаолияти рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўз мазмуни бўйича ғайриқонуний бўлган фаолият (фоҳишалик, наркотик моддалар савдоси ва ҳ.к) рўйхатга олинмайди ва савдо ёки воситачилик фаолияти ҳисобланмайди. Уларнинг амалга оширилганлиги учун Жиноят кодексида бошқа моддалар бўйича жавобгарлик назарда тутилган.

9. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни қонунчиликка мувофиқ рўйхатга олишга ваколатли орган ҳамда суд рўйхатга олинганликни тўхтатиб қўйиши ёки умуман бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш фаолиятни ғайриқонуний амалга ошириш деб кўрилиши лозим. Рўйхатга олинган бошқа шахс учун ёхуд бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахсларнинг ҳаракатларини ЖКнинг 188-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

10. Рўйхатдан ўтганликни тиклаш – рўйхатдан ўтиш мақсадларини ўзгартирмасдан рўйхатга олиш ҳужжатини узайтириш ёки алмаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуи, яъни қайта тиклашда шахс ҳозир қайта рўйхатга олинаётган фаолият соҳаси бўйича аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Хусусан, рўйхатдан ўтишни тиклаш чакана савдо ҳукуки учун рухсатнома муддати тугаганда амалга оширилиши мумкин.

Агар субъект қуйидаги шартларга мос келса, рўйхатдан ўтганликни тиклаш мумкин:

- а) у аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим;
- б) аввалги рўйхатдан ўтганлиги ҳақиқий бўлиши керак;
- в) субъектнинг янгидан рўйхатдан ўтиши аввалги рўйхатдан ўтиши учун асос бўлган ҳолатларни ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Рўйхатдан ўтишни тиклаш кўрсатилган элементлар бирлигини ташкил этади ва улардан бирининг мавжуд эмаслиги уни тан олиш мумкин эмаслигини билдиради.

Рўйхатдан ўтишни ўзгартириш деганда, аввалги рўйхатдан ўтиш асослари (масалан, субъект манзили, фаолияти соҳаси ва ҳоказолар) ўзгариши билан боғлиқ бўлган янги рўйхатдан ўтиш жараёнини тушуниш лозим.

11. Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш – субъектнинг рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўядиган ҳаракатларни амалга оширишида ифодаланиши мумкин. Бу субъект шундай ҳаракатларни амалга оширадими, натижада мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмай қолади.

Мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги деганда, келиб тушган ариза бўйича ваколатли органнинг тегишли қарорни қабул қила олмаганлигига сабаб бўлган объектив мавжуд вазиятни тушуниш лозим. Кўриб чиқишнинг имконсизлиги мурожаатни йўқотиш, унда нотўғри маълумотлар бериш, белгиланган давлат божини тўламаслик, мурожаатни тушуниш қийин бўлган шаклда баён этиш ва ҳоказо ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги фақат

субъект онгида мавжудлиги билан эмас, балки объектив ҳолатлар билан ҳам тавсифланган бўлиши лозим.

12. **Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш** айбдор савдо ёки воситачилик фаолиятини қонун билан белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга оширишни бошлаган пайтдан **туғалланган** ҳисобланади.

13. Қонун¹га кўра ЖКнинг 188-моддаси 2-қисм билан тулдирилган бўлиб, унга мувофиқ шахс қуйидаги талабларни бажарган тақдирда жавобгарликдан озод этилиши мумкин:

а) шахс, биринчи марта ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини содир этганда;

б) жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда солиқлар ва йиғимлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаганда;

в) тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтиши таъминланганда;

г) зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганда.

14. Шу билан бирга, қилмиш айбдор шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолатда жиноий жазоланиши тақазо этилади. Бунда шуни қайд этиш лозимки, миқдорни субъект рўйхатдан ўтмасдан савдо ёки воситачилик фаолияти натижасида олган фойданинг ҳақиқий суммасига асосан белгилаш зарур, бироқ бунда унинг мазкур фаолиятни амалга оширишида қилган харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

15. **Субъектив томондан** ЖКнинг 188-моддасида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli эканлигини билади ва шундай ҳаракат қилишни хоҳлайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ўРҚ-418-сонли Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 1-сон, 1-модда.

Жиноятни содир этиш мақсади – назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш шарҳланаётган жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви, қоида тариқасида, ғараз бўлади.

16. Шарҳланаётган жиноятнинг **субъекти** ун олти ёшга тулган хар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

188¹-модда. Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан

бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ва шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

Шарҳланаётган модда Жиноят кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан киритилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфи жуда юқори, чунки жуда кўплаб одамлар алданиши натижасида ижтимоий муҳит ўта кескинлашиб кетади, одамларнинг ҳокимиятга, давлатнинг пул-кредит тизимига ишончи йўқолади, улар мол-мулки, қимматликлари ва пуллари йўқотади.

2. Кўриб чиқиляётган жиноятнинг **объекти** фуқароларнинг мулкий муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардан иборат.

3. **Объектив томондан** жиноят қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни мулкӣ наф бериш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда жалб этишга доир фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари қабул қилинган мажбуриятларни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш;

иккинчидан, бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда таъминлаш;

учинчидан, мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникациялар тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш.

4. Қуриб чиқилаётган модда мазмунига кўра, фаолиятни амалга ошириш томонлар ўртасидаги битимда келишилган муддатда муайян мулкӣ наф бериш бўйича мажбуриятларни зиммасига олиш йўли билан пул маблағларини, мол-мулкни (уй-жой, машина, қорамол ва х.к.) қабул қилишда ифодаланadi. Шубҳасиз, бу каби битимлар априори қонунга хилоф ҳисобланади. Ҳар қандай ҳўжалик, тижорат, савдо ва бошқа фаолият «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқалар асосида амалга оширилиши лозим.

ЖКнинг 188¹-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган фаолиятни амалга оширишда айбдор шахс ҳеч қандай лицензияга эга бўлмайди, рўйхатдан ўтмайди, яъни ўз фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга оширади.

Жиноят, жабрланувчи мулкӣ наф олган ёки олмаганидан қатъи назар, ушбу фаолият амалга оширилиши бошланган вақтдан **тамомланган** ҳисобланади.

5. Бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда уни таъминлаш ўзига хос «молиявий пирамида» фаолият юритиши учун ўзгаларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни жалб этиш учун янги мижозларни излаб топиш,

«молиявий пирамида» миждозларидан маблагларни йиғиш, жойлаштириш, маблагларни тарқатишни ташкил этиш, ушбу маблаглар қабул қилиниши ва тўланишини назорат қилишдан иборат.

Пул маблагларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда жалб этиш бўйича фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда уни таъминлаш «молиявий пирамида» фаолиятини ташкил этиш юзасидан ҳар қандай ҳаракатлар содир этилиши вақтидан **тамомланган** ҳисобланади.

6. Мазкур фаолиятда иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникациялар тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш «молиявий пирамида» фаолияти ҳақида буклетлар тайёрлаш, катта аудиторияларда телевидение, газеталар, радио, Интернет тармоғи ва бошқаларда чиқиш йўли билан «молиявий пирамида» фаолияти ҳақидаги маълумотларни республиканинг бутун ҳудудида кенг доирада тарқатишдан иборат.

Жинойтни квалификация қилиш учун реклама тадбирларини ўтказиш жойи ва вақти аҳамиятга эга эмас.

«Молиявий пирамида» фаолиятини реклама қилиш йўли билан содир этилган жиноятни тамомланган деб тан олиш учун ушбу фаолиятда иштирок этишга бошқа фуқаролар жалб қилинганлиги аҳамиятли эмас. Жиноят реклама қилиш бошланган вақтдан **тамомланган** ҳисобланади.

7. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад квалификацияга таъсир қилмайди. Шубҳасиз, қўриб чиқиладиган жиноят моддий наф қўриш мақсадида содир этилади.

8. Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

9. ЖКнинг **188'-моддаси 2-қисмида** жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблагларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни мулкий наф бериш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан қонунга ҳилоф равишда жалб этишга доир фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари қабул қилинган

мажбуриятларни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ва шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш:

а) кўп миқдорда;
б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилгани учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Ушбу квалификацияловчи ҳолатлар аввалроқ кўриб чиқилган эди.

10. ЖКнинг 188¹-моддаси 3-қисмида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;
б) ўта хавfli рецидивист томонидан;
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилгани учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Ушбу квалификацияловчи ҳолатлар аввалроқ кўриб чиқилган эди.

11. ЖКнинг 188¹-моддасида кўзда тутилган жиноятни фирибгарликдан фарқлаш зарур, боиси унда айбдор алдаш ёки ишончни суистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиб, табиийки, жабрланучига ҳеч қандай фоида тўламайди.

ЖКнинг 188¹-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбдор шахс «битим» муддати тугганидан сўнг келишилган пулни тўлайди. Башарти айбдор шахс келишилган даромадни тўлаш нияти бўлмаса ва кейинчалик шундай ҳаракат қилса, унинг ҳаракатларини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш лозим.



189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш

Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари бузилишининг оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини коплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фуқаролар манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналарининг меъёрий фаолияти ҳисобланади.

2. **Объектив томондан** жиноят савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда қийматда бузишда ифодаланади.

3. **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш** деганда, Ўзбекистон Республикасининг савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонунчиликни бузиш тушунилиши лозим.

Жиноятни квалификация қилишда қайси қоида, мазкур қоидаларнинг қайси банди бузилганини аниқлаш талаб этилади. ЖКнинг 189-моддаси билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаш сингари қилмишлар ҳам қамраб олинади.

Товарлар навини қайта белгилашда алдаш, уларни бошқа ном билан сотиш, товар нави, миқдори ва ҳоказоларда

алдаш ҳам савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

4. **Субъектив томондан** савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш тўғри қасд билан содир этилади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди. Жиноятни квалификация қилишда қилмишнинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

5. Жиноятнинг **субъекти** савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган ва ун олти ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

6. Агарда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади (ЖКнинг 189 ва 214-моддалари).

7. ЖКнинг 189-моддаси иккинчи қисмида жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган, агарда у:

а) биринчи марта савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганда;

б) жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари бузилишининг оқибатларини бартараф этганда;

в) етказилган моддий зарар қопланганда.

190-модда. Фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёҳуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш

Хабардор қилиш тартибида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият (ҳаракатлар) билан хабарнома юбормасдан шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима ёки бир йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёҳуд бир юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдорда жарима ёки икки юз соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёхуд икки юз ўттиз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки ўн ойгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўқсон баравари миқдорида жарима ёки икки юз эллик соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик беш баравари миқдорида жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда фаолият билан лицензиясиз, шунингдек фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёки хабарнома юбормасдан шуғулланиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига мувофиқ, юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия жисмоний шахслардан ҳам талаб қилинади. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибини белгиловчи асосий норматив ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни¹ ҳисобланади. Бирок шуни назарда тутиш лозимки, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш зарурати ва тартиби қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари билан ҳам белгиланиши мумкин (масалан, наркотик моддалар айланиши, транспорт соҳасидаги фаолият ва ҳоказоларга тегишли).

2. Жиноятнинг **бевосита объекти** лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.



3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми **объектив томондан** жиноят хабардор қилиш тартибида амалга оширилиши лозим бўлган фаолият (ҳаракатлар) билан хабарнома юбормасдан шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлиши билан ифодаланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига биноан, **хабардор қилиш тартиб-таомили** деганда, хабарнома юбориш, хабарномани қабул қилиш (қабул қилмаслик), хабарнома қабул қилинганлигини тасдиқлаш, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишга тақиб жорий этиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи¹ тушунилиши лозим.

5. **Хабарнома** – хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчи томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар.

Хабардор қилувчи – ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахс².

6. Қонунга кўра, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, шунингдек тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ҳамда шартларга риоя этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й.. 03/21/701/0674-сон.

² Ўша жойда.

ўз зиммасига мажбуриятлар қабул қилиши орқали амалга ошириладиган фаолият турларини ўз ичига олади¹.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилади. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ушбу Қонунда назарда тутилмаган янги турларини (кичик турларини) жорий этиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари (кичик турлари) билан ваколатли органни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади.

Хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда назарда тутилади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ўзига хос қоидалари ва хусусиятлари хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланади².

8. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса ЖКнинг **190-моддаси 2-қисми** бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

9. ЖКнинг **190-моддаси 3-қисми объектив томондан** амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-701-сонли Қонун, 6-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

² Уша жойда.

жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлиши билан ифодаланади.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларидир¹.

11. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тарикасида, чекланмайди, бундан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ва уларнинг паспортларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек бир марталик ҳаракатни бажариш учун бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно.

Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга ошириладиган бўлса, рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгор ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади. Агар рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгорнинг таклифи танловда (тендерда) иштирок этувчи бошқа талабгорнинг энг мақбул таклифига тенг қийматда бўлса, ушбу устуворлик қўлланилади².

12. ЖК 190-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) хавfli рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса ЖКнинг **190-моддаси 4-қисми** бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

13. ЖКнинг **190-моддаси 5-қисми объектив томондан** лицензияланиши лозим бўлган фаолият билан лицензиясиз

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги УРҚ–701-сонли Қонун, 19-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

² Уша манба, 21-модда.

шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлиши билан ифодаланади.

14. «Амалдаги қонунчиққа мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишга махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги ЖКнинг 190-моддасида кўрсатилган жавобгарликни юзага келтиради, агарда айбдор жуда кўп миқдорда даромад олган бўлса.

Агар бунда айбдор савдо фаолиятини нафақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим»¹.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига кўра, **лицензия** – бу жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади².

16. **Фаолиятнинг лицензияланадиган тури** деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган, қонун билан белгиланадиган фаолият турини тушуниш лозим.

Қонунчиққа кўра, лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари бу фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошириш чоғида жисмоний ва юридик шахслар томонидан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа қондабузарликлар ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 9-сон Қарори, 5-банд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРК–701-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчиқ маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

бажарилиши шарт бўлган, қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда шартлар мажмуидир.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар деганда, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар тушунилади¹.

17. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-иловасида курсатилган фаолият турлари фаолиятнинг лицензияланадиган турларидир.

18. Қонуннинг 15-моддасига кўра, лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибда бўлиши мумкин.

Агар чекланмаган миқдордаги талабгорлар фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона лицензия талаблари ва шартларига жавоб берса, ушбу шахсларга бериладиган лицензиялар **намунавий (оддий)** лицензиялар жумласига қиради.

Талабгорларга алоҳида лицензия талаблари ва шартлари асосида бериладиган, фаолиятнинг муайян турини амалга оширишда лицензиатларга мутлақ ҳуқуқларни тақдим этадиган лицензиялар якка тартибдаги лицензиялар жумласига қиради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра сони жиҳатидан чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тарикасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19. Лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш бу ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришга ваколатли бўлган органларга тегишли ҳужжатларни жўнатмасдан махсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш; ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришга ваколатли бўлган органларга тегишли ҳужжатларни жўнатгандан сўнг, бироқ мазкур лицензияни олишдан олдин махсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш; ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) амал қилиши муддати тугаганидан сўнг махсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

20. Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, бундан қуйидагиларни амалга ошириш учун лицензиялар мустасно:

- тиббий фаолият;
- фармацевтика фаолияти;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият;
- таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик воситасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш, олиб кириш (олиб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), олиш ва ташиш фаолияти;
- кўчма радиотелефон (уяли) алоқадан ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолият;
- нефтни, газни (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ҳамда газ конденсатини

казиб олиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият;

– аффинаж фаолияти¹.

21. Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса ЖКнинг **190-моддаси 6-қисми** бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

22. Айбдор ушбу модданинг 1,3,5-қисмларида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиб, жуда кўп миқдорда даромад олган бўлса жиноят тугалланган ҳисобланади.

23. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Шахс фаолият билан ғайриқонуний шуғулланаётганлигини ҳамда у билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олиниши талаб қилинишини билади ва буни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотив ва мақсади турли хил бўлиши мумкин. Лекин улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

24. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай акли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

25. ЖКнинг 190-моддаси 7-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кура шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин, агарда:

– биринчидан, шахс биринчи марта жиноят содир қилганда;

– иккинчидан, жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда фаолият билан лицензиясиз, шунингдек фаолият (ҳаракатлар) билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёки хабарнома юбормасдан шуғулланиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги УРҚ–701-сонли Қонуни, 16-модда // Қонуничилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й.. 03/21/701/0674-сон.

25. Мазкур жиноятни квалификация қилишда шуни инобатга олиш лозимки, агар фаолият билан лицензиясиз шуғуллунаётган шахс солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товласа, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 190 ва 184-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

◆◆◆◆◆

191-модда. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш

Сир тutilадиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Сир тutilадиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳужалик юритувчи субъектга қўп миқдорда зарар етказган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган жиноятнинг **бевосита объекти** – фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдо ва шу каби бошқа соҳаларга оид сир тutilиши лозим бўлган ахборотларнинг дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

2. **Жиноятнинг предмети** фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдо ва шу каби бошқа соҳаларга оид сир тутилиши лозим бўлган ахборот бўлиб, мазкур ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли қийматга эга бўлади, эгаси эса унинг махфийлигини саклашга доир чоралар куради.

3. **Сир тутиладиган ахборот** деганда, эгасининг рухсатсиз ошкор қилиниши мумкин бўлмаган турли хусусиятдаги ахборотлар тушунлади.

Очиқ олиш мумкин бўлган ахборот, яъни қонунда ўрнатилган ҳар қандай шахс олиши мумкин бўлган ахборот сир тутиладиган ахборот бўлмайди, масалан, тарихий манба мазмуни ҳақидаги ахборот архивга мурожаат қилинганда олинади ва ҳоказо. Ҳаммага маълум бўлган ахборот ҳам сир тутилайётган ахборот ҳисобланмайди, яъни бундай ахборотни олиш қандайдир шартларни бажариш билан боғлиқ эмас, масалан, оммавий ахборот воситаларидан, қонунчиликдан (махфийларидан ташқари) олинadиган маълумотлар.

Баён этилганлардан ташқари, қонунга мувофиқ, хизмат ёки тижорат сирини бўла олмайдиган маълумотлар жумласига (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳамда мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар ва бошқа маълумотлар) кирилади¹. Давлат сирларига тегишли ахборотлар ҳам сир тутиладиган ҳисобланмайди – уларга нисбатан махсус ҳуқуқий тартиб белгиланган, уларнинг бузилиши, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 160, 162, 163-моддалари бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

4. **Сир тутиладиган ахборот** турли хусусиятларга эга:
– **фан-техника** – технологик, муҳандислик, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қиладиган, фан,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 37-модда 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2012 й., 5-сон, 133-модда.



техника ва ишлаб чиқаришнинг ягона тизим сифатида фаолият юритишини таъминлайдиган билимлар;

– **ишлаб чиқариш** – бир турдаги технологияларни ишлатиб, керакли натижаларга эришиш учун зарур бўлган муайян технологиялар фаолияти учун ишлатилиши лозим бўлган маълумотлар. Бундай маълумотларга қадимги Шарқ тиббиётининг турли дори-дармонларни тайёрлаш рецелти мисол бўла олади. Фан-техника маълумотларидан фарқли равишда, ишлаб чиқариш маълумотлари янгилик хусусиятига эга эмас, улар махсулотни ишлаб чиқариш учун муайян вақт давомида қўлланиб келинмоқда;

– **иқтисодий** – корхона фаолиятини самарали бошқаришни ташкил қилиш учун, унумдорлигини ошириш учун фойдаланиладиган ахборот;

– **савдо** – кўпроқ турли товарлар, ишлар, хизматлар олди-сотдиси, уларни етказиб бериш соҳасида ишлатиладиган маълумотлар. Бу маълумотлар етказиб бериладиган товарлар, ўтказиш бозорлари, ўтказишни қўллаётган технологияларга тегишли бўлиши мумкин.

5. Шарҳланаётган жиноят **объектив томондан** сир тутиладиган фан-техника, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш билан содир этилади.

Тўплаш деганда, эркин, қонуний йўл билан олиш мумкин бўлмаган ахборотни қўлга киритишга, эгаллаб олишга қаратилган ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар тушунилади. Бу шантаж, товламачилик, ахборот ва ҳужжатдан нусха кўчириш, турли эшитиб туриш қурилмаларидан фойдаланиш, компьютер тармоғига кириш, талон-торож қилиш, пора бериш, кўрқитиш ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган ахборотни тўплаш учун айбдор шахс тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини амалга оширадиган шахсларга ёки (ва) мансабдор шахсларга пора бериш усулидан фойдаланган бўлса, унинг жавобгарлиги нафақат ЖКнинг 191-моддаси 1-қисми, балки ЖКнинг 213 ёки 211-моддалари, шунингдек зарур ҳолатлар мавжудлигида

ЖК Махсус қисмининг бошқа моддалари бўйича ҳам вужудга келади.

6. ЖКнинг 191-моддаси 1-қисми диспозициясида назарда тутилган ахборот ҳар қандай усулда тўпланган пайтдан эътиборан жиноят **туғалланган** деб топилади.

7. **Субъектив томондан** сир тугиладиган ахборотларни тўплаш – бу тўғри қасддан содир этиладиган жиноятдир. Шахс у тўплайётган ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эгаллигини, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин эмаслигини ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўрганлигини билади.

Субъектив томоннинг зарурий элементи мазкур жиноятни содир этиш мақсади – сир тугиладиган ахборотни ошкор этиш ёхуд мазкур ахборотдан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш ҳисобланади.

Жиноят мотивлари турличадир. Бу ахборот эгасига зарар етказиш истаги билан боғлиқ бўлган ғараз, ҳасад ёки ўч олиш бўлиши мумкин.

8. ЖКнинг 191-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг **объектив томони** ҳужалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган ҳолда сир тугиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишдан иборат.

Сир тугиладиган ахборотни ошкор этиш деганда, маълумотларнинг эълон қилиниши натижасида ўзга шахсларга маълум бўлиши ёхуд сир тугиладиган ахборотни ташкил қилувчи маълумотлар билан танишиш ҳуқуқи бўлмаган шахсга берилиши тушунилади.

Ошкор этиш усули ҳар қандай бўлиши мумкин ва жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Масалан, орзаки, ёзма ва ҳ.к.

Ахборотдан фойдаланиш деганда, бегона шахсларга маълумотларнинг ҳақ эвазига ёки бошқа мақсадни кўзлаб берилишини ёхуд айбдорнинг ўзи тўплаган ахборот асосида

турли қарорларнинг қабул қилинишини ва ҳаракатларнинг амалга оширилишини тушуниш лозим. Масалан, чизмалар, илмий хулосалар ва ҳоказолардан фойдаланиш.

9. ЖКнинг 191-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят сир тутиладиган ахборот ошкор қилинган ёки ушбу ахборотдан фойдаланган ва бунинг натижасида ҳужалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан бошлаб **тугалланган** ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши, унинг қайта йўналтирилиши, мижозлари камайиши туфайли рақобат курашида ҳужалик субъекти қурган йирик моддий зарарнинг юзага келгани бўлиши мумкин. Агар бундай зарар юзага келмаган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини сир тутиладиган ахборотни ошкор қилишга ёки ундан фойдаланишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиш лозим.

10. **Субъектив томондан** ЖКнинг 191-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят фақат қасддан, тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Шахс сир тутилайётган ахборотни ошкор қилиши ёки ундан фойдаланиши натижасида сир тутиладиган ахборот эгасига кўп миқдорда зарар етказишини билади, шуни хоҳлайди ёхуд онгли равишда йўл қўяди.

Сир тутиладиган ахборотни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишнинг мотив ва мақсадлари ғаразли бўлиши, бундан моддий фойда олишга интилиш билан боғлиқ бўлиши ёхуд айбдорнинг бу ҳаракатларни амалга оширишида ва кўп миқдорда зарар етказишида шахсий манфаатлари борлигидан гувоҳлик бериши мумкин: ўч олиш, ҳасад, хафалик, қариндошлик ёки дўстлик ҳисси, яқин инсонга ёки истаги ва ҳоказолар.

11. Жиноятнинг **субъекти** – сир тутиладиган ахборотга қонуний (қасбий ёки хизмат фаолияти билан боғлиқ) ёхуд қонунга ҳилоф равишда эгалик қилаётган ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади. Сўнги ҳолатда айбдор бу ахборотни олишга қандай эришганини аниқлаш лозим ва тегишли белгилар мавжуд бўлганда айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 191-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

12. Агар сир тутиладиган ахборотни мансабдор шахс ошкор қилса ёхуд ундан фойдаланса, содир этилган қилмиш жиноятлар мажмуи буйича ЖКнинг 206 ва 191-моддаси 2-қисмидаги белгилар билан квалификация қилиниши лозим.

192-модда. Рақобатчини обрўсизлантириш

Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** товар бозорига хўжалик субъектларининг қонуний рақобатини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

2. **Объектив томондан** жиноят босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишда ифодаланади.

3. **Била туриб ёлғон маълумотларни тарқатиш** деганда, оммавий босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни ошкор қилишни тушуниш лозим.

4. Агар маълумотлар ҳақиқатга тўлиқ мос келмаса, **ёлғон** маълумотлар ҳисобланади.

5. **Ноаниқлик** маълумотларнинг ҳақиқатга қисман мувофиқлигини билдиради.

6. **Бузиб кўрсатилган маълумотлар** – амалдаги маълумотларга мос бўлмаган маълумотлар бўлиши мумкин.

7. **Босма усулда кўпайтириш** деганда, босмаҳона усули билан кўпайтирилган маълумотларни тушуниш лозим.

8. **Бошқача усулда кўпайтириш** деганда, маълумотларни бошқача ҳар қандай усулда кўпайтиришни (ксерокопия орқали, фотосуратга олиш орқали, турли матн ёзиш машиналаридан, компьютерлардан фойдаланиш орқали, кўл билан ёзиш орқали ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

9. Жиноят била туриб ёлғон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган маълумотларни босма ёки бошқача услубда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали ошкор қилинган пайдан, яъни ўзга шахсларга маълум бўлган пайдан бошлаб **туғалланган** ҳисобланади.

10. **Субъектив томондан** жиноят тўғри қасдан содир этилади. Шахс ёлғон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган ахборотни тарқатаётганини олдиндан билади.

11. **Субъектив томоннинг зарурий белгиси жиноятни содир этиш мақсади** – бу хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш ҳисобланади. Бундай маълумотларни тарқатган шахсда хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсади бўлмаса, унинг ҳаракатида мазкур жиноят таркиби бўлмайди.

Агар шахс хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказувчи ҳақиқий маълумотларни ошкор этса, унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмайди.

12. Жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.



**ХИП' БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА
ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ, ҚОНУНГА
ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИК
ЖИНОЯТЛАР ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ
СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН
БОШҚА ЖИНОЯТЛАР**

192¹-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш

ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ўзбекистонда хусусий мулк дахлсизлиги, давлат томонидан ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Конституциямизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги қатъий мустаҳкамланган. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ушбу конституциявий қоида асосида хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ҳамда кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ҳамда имтиёزلарни яратиш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Чунончи, 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони айнан мазкур соҳадаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур фармон асосида республика иктисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва



чекловларни бартараф этиш, иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш асосий вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

3. Мазкур дастурнинг 2-банди биринчи ва учинчи хатбошиларига кўра, «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида:

қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, хусусан тадбиркорлик фаолияти эркинлигини химоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни бир неча бор бузганлик учун хаттоки жиноий жавобгарликни қўллаш;

хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш назарда тутилди¹.

4. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармонида илова «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар»ги дастур, 2-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–391-сонли Қонуни ушбу йўналишдаги муҳим кадам ҳисобланади, зеро у хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини ишончли таъминлаш бўйича чора-тадбирларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Уй-жой, Солик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс-ларига ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, ЖКнинг 192¹-192¹¹-моддаларини ўзида жамлаган Тадбиркорлик фаолиятига тўскинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралashi билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар деб номланувчи XIII¹ боб ҳам ушбу қонун асосида киритилган.

Хусусан, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга хусусий мулкни химоя қилиш ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини химоялашнинг кафолатларини таъминлаш учун мулкдорнинг манфаатларига анча миқдорда зарар етказган ҳолда мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва ундан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, унинг мол-мулкни тортиб олиб қўйишда айбдор шахсларнинг, жумладан, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида киритилаётган қўшимча хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳақидаги янги моддада ўз аксини топди.

5. Шарҳланаётган 192¹-модда айнан хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутди. Бироқ, мазкур норманинг қўлланилишида маъмурий преюдиция мавжудлигини кўришимиз мумкин. Яъни, хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор

шаҳси ёки хизматчиси хусусий мулк ҳуқуқини бузганлиги учун илгари МЖТКнинг 241¹-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим ҳисобланади.

6. Мазкур норманинг МЖТКнинг 241¹-моддасидан фаркли жиҳати шундаки, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шаҳси ёки хизматчисига нисбатан жарима маъмурий жазоси қўлланилган бўлишидир.

7. Жиноятнинг **бевосита объекти** мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардан иборат. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига асосан мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ, қонунчиликдаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади¹. Шунингдек, ушбу қонуннинг 13-моддасида белгиланишича, хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди. Қонунга ҳилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Номатбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулквий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш тақиқланади. Мулкдорнинг ҳужалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинishiга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга ҳилоф равишдаги аралашув тақиқланади².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 7-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

² Уша манба, 13-модда.

8. 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда хусусий мулк ҳуқуқига оид асосий тушунча ва атамалар ёритилган. Қонунга мувофиқ, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир¹, бунда мазкур тушунча нафақат ушбу қонунчилик ҳужжатида, балки Асосий қонунда ва Фуқаролик кодексида ҳам мустаҳкамланган.

Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан қонунчиликка мувофиқ тўла ҳажмда қопланиши керак.

9. Қонунга кўра, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;

хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарнинг ўрнини қоплаш;

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонунчилик барқарорлигини таъминлаш;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги;

мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин¹.

10. Мазкур жиноят объектив томондан қуйидаги ҳаракатларда ифодаланади:

1) мулк ҳуқуқини қонунга ҳилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш;

2) хусусий мулкка тажовуз қилиш;

3) номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулкый ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш;

4) мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатларисиз содир этиш.

11. Амалдаги қонунчиликка биноан хусусий мулк ҳуқуқи қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Қолган ҳолларда мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкдан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 206-моддаси 1-қисмига асосан, давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 8-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва унинг қўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда тўланади¹. Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган тақдирдагина хусусий мулк ҳуқуқини чеклаш ёки маҳрум қилинишига йўл қўйилади.

12. Хусусий мулк ҳуқуқига тажовуз икки хил шаклда бўлиши мумкин – хусусий мулк ҳуқуқини чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш. Хусусий мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этишнинг исталган шакллари қўриқлаётган жиноят таркибининг объектив томони белгиси бўлиши мумкин. Бунда талон-торож белгилари мавжуд бўлмаслиги зарур.

13. Номажбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш.

Мажбуран қабул қилдириш деганда назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан мулкдорга хусусий мулкни тасарруф этиш юзасидан номажбул шартларни қабул қилдириши, мулкдор мазкур шартлар бўйича қонун доирасида баҳслашиши, бироқ, қайд этилган давлат органи ёки ташкилот хусусий мулкдор тақлифларига розилик бериш ёки келишишдан бош

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 206-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

тортиши тушунилади. Устун мақомга эга назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкни тасарруф этишнинг айнан у тақлиф этган шартларини мажбуран қабул қилдириш ваколатини суинистеъмол қилиш устун мақомдан фойдаланиб, мулкдорга номақбул ёки камситувчи шартнома шартларга кўнишга мажбурлаш ҳисобланади. Бу каби шартлар сифатида бозордаги нархларга номувофиқ баҳоланган шартлар асосида мол-мулкни олиш, сотиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

14. Мол-мулкни ёки мулкрий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш мансабдор шахс ёки хизматчи томонидан ошқора тарзда моддий бойликлар, пуллар, неъматлар, моддий манфаат ва бошқани топширишни талаб қилишдан иборат.

Мулк ҳуқуқи турли ҳужжатларда мустаҳкамланиши мумкин, масалан, мулк олди-сотди шартномаси, у ёки бу мулкрий қимматликларни олишга берилган ишончномалар, васиятнома, суғурта полиси, турли хил қимматли қорозлар ва ҳ.к.

15. Мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда.

Мулкни олиб қўйиш деганда, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан текинга, қонунга ҳилоф равишда, мулкни ўзининг ёки учинчи шахсларнинг фойдаси учун, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда муомалага киритиш тушунилади.

Ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш деганда, кўриб чиқиладиган жиноят субъектлари томонидан мулкдорнинг ўзи назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчисига мол-мулкига бўлган ҳуқуқни топширишга қаратилган ҳар қандай

ҳаракатлар тушунилади (масалан, олди-сотди шартномасини рўйхатдан ўтказишга мажбурлаш).

16. Жиноят, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган қилмиш натижасида мулкдорга зарар етказилганидан сўнг **тамомланган** ҳисобланади. Кўп миқдорда зарар етказганлик учун жавобгарлик шарҳланаётган модданинг 2-қисмида белгиланганидан келиб чиққан ҳолда, ҳулоса қилиш мумкинки, кўп миқдордан кам зарар етказган шахс биринчи қисм бўйича жавобгарликка тортилади.

17. Жиноят **субъектив томондан** қасддан, хусусан, айбнинг тўғри қасд шакли билан содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

18. Жиноятнинг **субъекти** назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси бўлиши мумкин.

Назорат қилувчи орган деганда, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли вазирликлар ҳамда идоралар тушунилиши лозим. Назорат қилувчи органларнинг ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишга алоқаси бўлмаган мансабдор шахслари ва хизматчилари, уларда тегишли ваколат ва таъсир доираси мавжуд эмаслиги туфайли, мазкур Жиноятнинг субъекти бўла олмайди.

Бошқа давлат органи ва давлат ташкилоти деганда, ўз ваколатига қўра ҳужалик юритувчи субъектларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш имкониятига эга орган ва ташкилотлар тушунилади.

19. Шахснинг ҳаракатлари а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ЖКнинг 191¹-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

20. Мазкур модданинг биринчи қисмида берилган ҳаракатлар а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,

жавобгарлик ЖКнинг 191¹-моддаси 3-қисми бўйича вужудга келади.

◆

192²-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) куп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда куп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан

махрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони билан текширишларни режалаштириш тартибига катта ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан текширишлар турлари ва атамалари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг шакллари ва асосий принциплари, режали ва режадан ташқари текширишларни ўтказиш асослари, текширишлар даврийлиги ва муддатлари, назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари гўплами, 2005 й., 23–24-сон, 167-модда.

етиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги Фармони билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги кучайтирилиб, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти буйича солиқ текширишларини 30 календарь кунидан ортиқ ўтказишга йўл қўйилмайди¹.

1. Жиноятнинг **бевосита асосий объекти** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартиби ҳамда уларнинг нормал фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Жиноят **объектив томондан** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлган назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан худди шундай ҳаққатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибининг бузиш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказишда намоён бўлади.

3. **Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) – бу белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Назорат қилувчи органлар – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги Фармони, 1-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.

қонунчилик билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир.

Текшириш деганда, хужалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунчилик қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши тушунилади¹.

Текширишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

молия-хужалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хужалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш²;

муқобил текшириш – операциялар бирлиги туфайли узаро боғлиқ бўлган ва турли хужалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хужалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги хужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш – хужалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш³.

Текширишларни қайд этиш дафтари – бу ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус дафтар⁴ бўлиб, унда текшириш ўтказиладиган саналар, текшириш ўтказиш асоси ва текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарилган хужжат ҳамда унинг рақамлари расмийлаштирилади.

4. Жиноят тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хужалик фаолиятини тафтиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда.

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда.

қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга ҳилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш вақтидан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Жиноятни тамомланган деб топиш учун муайян оқибатларнинг келиб чиқиши шарт эмас.

ЖКнинг 192²-моддаси маъмурий преюдицияга эга.

5. Жиноят **субъектив томондан** қасддан, хусусан, тўғри қасд билан содир этилади. Шахс тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳужалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузаётганлигини, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга ҳилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқаётгани ва (ёки) ўтказётганини англайди, билади ва буни ўз хоҳиши асосида амалга оширади.

6. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

7. Жиноятнинг **субъекти** фақат махсус субъект бўлиб, тегишли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳужалик фаолиятини тафтиш қилиш ваколатига эга бўлган назорат қилувчи органнинг **мансабдор шахси** ҳисобланади.

8. Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ЖКнинг 192²-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади.

9. Башарти, кўриб чиқиляётган модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жавобгарлик ЖКнинг 192²-моддаси 3-қисми бўйича вужудга келади.



192³-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқукдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқукдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Шарҳланаётган норма жиноят қонунчилигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги

«Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва у асосида 2015 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулк ҳуқуқларининг кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунга биноан киритилган норма ҳисобланади.

2. Жиноятнинг **бевосита объекти** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонуний амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлардир.

3. Мазкур жиноят **объектив томондан** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ёки уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш орқали содир этишда ифодаланади.

Бу жиноят **объектив томонининг зарурий белгиси** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ёки уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб турганлик учун МЖтҚнинг 241³-моддасига кўра, **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин** шахс бир йил ичида такроран ушбу қилмишни содир этган бўлишидир.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини ёки унинг банкдаги операцияларини қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш — бу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга ваколат берилган назорат қилувчи органлар ёки банкларнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини ёки унинг банк орқали амалга оширадиган пул-кредит ва бошқа молиявий операцияларини муайян муддатга чеклаб қўйишидир.

Банк операциялари деганда, тадбиркорлик субъектининг банкда жойлашган ўз ҳисоб рақами орқали моддий маблағларини тадбиркорлик фаолияти натижасида ушбу ҳисоб рақамга киритиш ёки чиқариш билан боғлиқ операцияларни

шунингдек, банкларнинг тижорий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган фаолиятлар тушунилади.

Ҳисобварақ бўйича операцияларнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда банк ёки бошқа кредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти субъектига қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда фоизлар тўлайди.

4. Мазкур Жиноят **субъектив томондан** қасддан содир этилади. Бунда, субъектнинг ҳаракатларида қасднинг **туғри қасд шакли** намоён бўлади.

5. Жиноятнинг **субъекти** махсус ҳисобланади. Зеро, ушбу жиноят ҳам мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноят ҳисобланади

6. Агар биринчи қисмда берилган ҳаракатлар қўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, жавобгарлик ЖК 192³-моддаси 2-қисми бўйича вужудга келади.

7. Жуда қўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки уюшган гуруҳ манфаатларини қўзлаб содир этилган ҳаракатлар, ЖКнинг 192³-моддаси 3-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

192⁴-модда. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтимиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан

беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** тадбиркорлик субъектларининг мустақил фаолият юритиши ва уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Мазкур нормада белгиланган жиноятнинг **объектив томондан** назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этишида намоён бўлади.

Тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш жинояти **объектив томонининг зарурий белгиси** мазкур жиноят қўлланилишида ҳам маъмурий преюдиция мавжуд. Яъни, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун МЖТКнинг 241⁴-моддаси билан **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин** содир этилган бўлиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ хомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш деганда, тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахс ёки хизматчи томонидан тадбиркорлик субъекти ҳисоб рақамидаги

маблағлар ёхуд унинг моддий бойликларини муайян турдаги тадбирларга хомийлик ёки ҳомийлик ишларига жалб этиш тушунилади.

3. Ушбу Жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

4. Ушбу жиноятнинг субъекти, юқорида шарҳлаб утилган норма сингари, махсус субъект бўлиб, унга кўра, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланади.

5. Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

192^б-модда. Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Х

1. Жиноятнинг **бевосита объекти** лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

2. Мазкур жиноят **объектив томондан** лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга ҳилоф равишда жорий этишда намоён бўлади.

Ушбу жиноят **объектив томонининг зарурий белгиси** тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахс ёки хизматчи томонидан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга ҳилоф равишда жорий этганлик учун МЖТКнинг 241⁵-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлишидир.

Лицензия – жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги УРҚ–701-сонли «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

Фаолиятнинг лицензияланаётган тури – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури; – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва чақириб олиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи¹.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар – фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар².

3. Жиноят субъектив томондан фақат қасддан, хусусан, қасднинг тўғри қасд шакли билан содир этилади. Яъни, айбдор томонидан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш ўз хоҳишига қура содир этилади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

4. Ушбу жиноятнинг **субъекти** махсус ваколатли органнинг лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришга ваколатли мансабдор шахси ёки хизматчиси ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ–701-сонли «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.

² Ўша жойда.

5. Жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳаракатлар ЖК 192⁵-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

◆◆◆◆◆

192⁶-модда. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу жиноятнинг **бевосита объекти** тадбиркорлик фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга қонунда

кўрсатилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Давлат томонидан фаолият учун қулай шароитлар яратиш ҳамда тадбиркорликнинг устувор йўналишларни ривжлантириш мақсадида у ёки бу корхона ва ташкилотларга имтиёзлар ва преференциялар берилади. Имтиёзлар ва преференциялар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан жорий этилади. Имтиёз ва преференцияларни қўллаш тегишли низомлар асосида тартибга солинади.

2. Жиноят кодекси 192^б-моддасида кўзда тутилган жиноят **объектив томондан:**

1) тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш;

2) қўлламаслик;

3) қўллашга тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни **ғайриқонуний равишда рад этиш** деганда, мурожаатни қабул қилиниши ва кўриб чиқилишини қонунга хилоф равишда рад этиш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади.

Имтиёзлар ва преференцияларни **қўлламаслик** деганда, қонунларда назарда тутилган ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилиши, қўлланилиши лозим ёки мумкин бўлган имтиёзлар ва преференцияларни ҳеч бир сабаб ёки асоссиз қўллаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажармасликда намоён бўлади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан имтиёзлар ва преференциялар ушбу тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил равишда қўлланилади, уларнинг қўлланиши устидан назорат қайси турдаги имтиёзлар ва преференциялар берилганига қараб, тегишли органлар зиммасига юклатилган. Буларга давлат солиқ хизмати, давлат божхона хизмати ва бошқалар кириши мумкин. Мантиқий шарҳлаш йўли билан шундай хулосага келиш мумкинки,

имтиёзлар ва преференциялар тегишли шахслар томонидан солиқ ва бошқа туловларни ҳисоблашда қўлланадими. Мос равишда солиқлар, божхона туловларини ҳисоблашда, кредитни беришда фоиз ставкаларини белгилашда ва бошқа ҳолатларда берилган **имтиёзлар ва преференцияларни ҳисобга олмаслик** ушбу имтиёзлар ва преференцияларни қўлламаслик сифатида эътироф этилади.

Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашга тўсқинлик қилиш нормал ишчи жараёни олиб боришга имкон бермайдиган фаолият бўлиб, у тегишли тузилмалар томонидан имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича уларга юкланган функцияларни бажаришга ҳалакит берадиган ёки ташкилий жиҳатдан бузадиган ҳар қандай тўсиқлар яратишда ифодаланади.

«Тўсқинлик қилиш» тушунчаси, тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар ва преференциялар бериш боғлиқ бўлган шахсларга нисбатан руҳий ва (ёки) жисмоний таъсир ўтказишни ҳам қамраб олади. Бундан ташқари, қўллашга тўсқинлик қилиш остида тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланишга тўсқинлик қилишни ҳам тушуниш шарт.

3. Мазкур **Жиноят субъектив томондан** қасддан, хусусан, тўғри қасд шаклида содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ, уларни аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, моддий манфаат олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этишни, мазкур қилмишни содир этган субъектга қараб, тамагирлик йўли билан пора беришни талаб қилиш (ЖКнинг 210-моддаси) ёки товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (ЖКнинг 214-моддаси) сифатида квалификация қилиш лозим.

Жуда кўп миқдорда зарар етказишнинг субъектив томони эгри қасдда ифодаланиб, келиб чиққан оқибатларга кўра квалификация қилинади ҳамда мазкур оқибатлар келиб чиқмаса, жуда кўп миқдорда зарар етказишга суиқасд деб баҳоланиши мумкин эмас.

4. Жиноят кодексининг 192⁶-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг **субъекти** имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш ваколатига эга бўлган, шунингдек уларнинг қўлланиши тўғрилиги устидан назорат қилиш мажбурияти юкланган махсус субъект бўлиши мумкин.

5. Биринчи қисмда назарда тутилган ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 192⁶-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

192⁷-модда. Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш

Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан асоссиз равишда кечиктириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктиришнинг **ижтимоий хавфи** шундаки, жиноят содир этилиши натижасида ҳақиқатда асоссиз равишда бюджет камомади пайдо бўлиши мумкин, хусусий мулк

эса, унинг қисми ҳисобланади. Бунинг натижасида тулов қобилиятсизлиги, аҳолининг айрим қатламлари орасида норозилик шаклланишини юзага келтиради, бу эса, жамиятнинг Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотларни қабул қилишига салбий таъсир қилиб, уларни обрўсизлантиради.

2. Жиноят кодексининг 192⁷-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг **бевосита объекти** биринчи навбатда туланадиган туловларни тегишли муддатларда тулашни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу қилмишнинг предметини инobatга олиб, таъкидлаш лозимки, жиноят объекти сифатида фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, меҳнат ва ижтимоий таъминот, таълим соҳасидаги муносабатлар тан олиниши лозим.

3. Жиноятнинг **предмети** сифатида ҳужалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг фақатгина қонунда қайд этилган харажатлари, жумладан, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга туловлар хизмат қилади.

4. **Пенсия** – бу фуқаролар қонунчиликда белгиланган ёшга етганларида уларга тақдим этиладиган пул таъминоти, мунтазам пул туловларидир.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тулик ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тулаш тартибини белгилайди¹.

5. Амалдаги қонунчиликка асосан **иш ҳақи** деганда молиявий манбадан қатъи назар, пул ёки натурал шаклда ҳисобланган барча турдаги меҳнат ҳақи (шунингдек, турли мукофот, қўшимча устамалар, ижтимоий имтиёзлар),

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, муқаддима // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда.

шу жумладан, ишчиларга қонунда белгиланган тартибда ишламаган вақт учун ҳисобланган пул маблағлари (ҳар йилги таътил, дам олиш ва байрам кунлари ва ҳ.к.) тушунилади. Урганилаётган модда мазмунига кўра, иш ҳақи фақат пул шаклида ифодаланиши мумкин, чунки банклар уни натурал шаклда беришмайди. Шу муносабат билан, мазкур модда доирасида иш ҳақини аниқлашда тергов ва суд органлари қонунда белгиланган пул шаклидаги иш ҳақиға оид пул тўловларини инобатга олиши лозим.

6. Моддий ёрдам (нафақа) – ижтимоий таъминотнинг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий суғурта ёки давлат бюджети маблағларидан доимий ёки бир марталик тўловлардан иборат. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ишсизлик нафақаси, болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа, бола туғилишида бериладиган бир марталик моддий ёрдам, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари ва шу каби тўловларни амалга ошириш белгиланади.

Стипендия – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги таълим шакли) олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил оладиганларга, қонунда белгиланган бошқа тўловлардан қатъи назар, тўланадиган ойлик пул тўлови. Стипендия таълим олишнинг моддий рағбати, давлат таълим даргоҳларида ўқийдиган ёшларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш воситаси ҳисобланади.

Иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган **бошқа тўловлар** деганда қонунда белгиланган ҳамда қайд этилган тўловларга ўхшаш тарзда, биринчи навбатда, бирламчи харажатларни тенг даражада қоплашни таъминлайдиган (пропорционал тартиб) шартларда амалга ошириладиган тўловларни тушуниш лозим. Бундай тўловларга миллий қонунчилик ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, моддий ёрдам беришга оид тўловлар, алимент мажбуриятларидан келиб чиқадиган тўловлар, майиб бўлиши ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши, боқувчининг ўлими муносабати билан тўланадиган тўловлар, муаллифлик шартномаси бўйича мукофот пули, хизмат сафари харажатлари ва бошқаларни киритади.

Харажатлар турлари рўйхати, бюджет интизомини бузиш деб тан олинадиган асоссиз равишда пул маблағларини кечиктириш қонунда тугал тарзда белгиланиб, кенгайтирилиб шархланиши мумкин эмас. Шунга кўра, банк раҳбари ёки бошқа мансабдор шахслари томонидан юқоридаги турдаги харажатлар сирасига кирмайдиган бошқа маблағлар, масалан, навбатдан ташқари харажатлар юзасидан тўловлар ёки капитал таъмир ва ҳоказо учун мулжалланган маблағлар берилиши кечиктирилса, айбдорларнинг ҳаракатлари мазкур модда билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

7. Жиноят кодексининг 192⁷-моддасида кўзда тутилган жиноят **объектив томондан** банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин асоссиз равишда хўжалик юритувчи субъектларга ёки бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаш учун пул маблағлари бериш муддатларини кечиктириш ҳаракатлари орқали, яъни айбдорнинг шу ҳаракатларни содир этмасликка бўлган қасди билан қамраб олинган ҳаракатсизлиги орқали содир этишда ифодаланади.

8. Пул маблағлари беришни **асоссиз равишда кечиктириш** остида уларнинг қабул қилувчилари бўлган бюджет корхоналари ва ташкилотларга мазкур маблағларнинг тўланишини тўлиқ ёки қисман кечиктириш тушунилади. Шуни таъкидлаш лозимки, Иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни бериш муддатлари жамоа шартномалари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар фармойишлари, Марказий банк кўрсатмалари билан белгиланади. Шу боис, ҳар бир аниқ ҳолатда пул маблағлари кечиктирилганлигини аниқлаш мақсадида маблағлар тўлови амалга оширилиши лозим бўлган муддатларни билиш зарур.

Таъкидлаш лозимки, банк томонидан тегишли пул суммасининг бир қисми аввалроқ тўлангани ёки тўланмаганига қараб, пул маблағларини беришни кечиктириш қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Хусусан, башарти, пул маблағлари берилиши лозим бўлган сумманинг бир қисми кўринишида берилган бўлса, қисман кечиктириш, агар кечиктириш тўлиқ суммага тааллуқли бўлса, тўлиқ кечиктириш сифатида

эътироф этилади. Кечиктириш характери қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди, бироқ суд томонидан жазони тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Пул маблағлари деганда фақатгина Ўзбекистон Республикаси банкнотлари ва тангалари шаклидаги нақд пул маблағлари тушунилади. Нақд курунишга эга бўлмаган пул маблағларини амалга оширишни кечиктириш, яъни нақд пулсиз маблағларни ўтказиш, бюджет ташкилоти ҳисоб рақамига ўтказишни кечиктириш, ҳатто банк раҳбари ёки мансабдор шахснинг айбли ҳаракатлари натижасида вужудга келса ҳам, ЖКнинг ушбу моддаси билан квалификация қилинмайди.

9. Пул маблағларини беришни асоссиз равишда кечиктириш деганда объектив, яъни банк мансабдор шахси ёки хизматчиси ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, у бу ҳолатларни англамаган, шунга ўхшаш вазиятда англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ҳамда пул маблағларини беришга жиддий тарзда тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги тушунилади. Масалан, банкда нақд пул маблағлари мавжуд, техник воситалар соз ҳолатда, фавқулодда вазиятлар мавжуд бўлмаганида ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда ҳужалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағларини беришни кечиктиришни асоссиз деб тан олиш лозим.

Айбдор шахсларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, бироқ доимий равишда ёки даврий тарзда, уларга маълум сабабларга кўра вужудга келадиган ҳолатлар натижасида ҳужалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағларини беришни асоссиз равишда кечиктириш деб эътироф этиш лозим. Жумладан, шу каби ҳолатларга маълум давр мобайнида нақд пул маблағлари мавжуд эмаслигини била туриб, пул маблағларини тўлашнинг айнан шу вақтга белгиланишини киритиш мумкин.

Айбдор шахсларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, бироқ уларнинг ўз ҳаракатлари оқибатида вужудга келган ҳолат сабабли пул маблағларини беришни кечиктиришни асоссиз деб квалификация қилиш лозим, масалан, бир ташкилотга пул маблағларини бериш муддатларини бошқа ташкилот зарарига қайта қўриб чиқиш.

Ҳар бир аниқ ҳолатда пул маблағларини беришни асоссиз кечиктириш сабаби алоҳида аниқланиши лозим, башарти тўловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи объектив ҳолатлар айбдор шахсларнинг ҳаракатлари натижасида вужудга келган бўлса, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва оқибатлар келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланишни, шунингдек қасдни аниқлаш зарур.

Пул маблағларини беришни асоссиз равишда кечиктириш деб тан олиш учун қонун айбдорни аввал маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишини талаб қилади, яъни маъмурий преюдиция мажбурий шарт этиб белгиланади.

Жиноят, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг **тамомланган** ҳисобланади.

10. Мазкур Жиноят **субъектив томондан тўғри қасд** билан содир этилади. Шахс ўз ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектларга пул маблағлари бериш муддатлари асоссиз равишда кечикишини онгли равишда билса-да, шу ҳаракатларни қасддан содир этишни хоҳлайди.

ЖК 192⁷-моддасида жавобгарлик белгиланган жинойи қилмишни содир этиш мотив ва мақсади турлича бўлиб, қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди, бироқ суд томонидан жазо тайинлашда инobatга олинаши мумкин.

11. Ушбу жиноятнинг **субъекти** ўн олти ёшга етган ва махсус субъект белгиларига эга банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси ҳисобланади.

192⁸-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш

Қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олиш,

шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Қўриб чиқиладиган жиноятнинг **объекти** — Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва «Банк сирини тўғрисида»ги қонунларида белгиланган тадбиркорлик субъектининг ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлган банк ҳисобварақларида мавжуд пул маблағларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи, тадбиркорлик субъектларининг банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш ҳуқуқидан иборат.

2. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига кўра, банк сирини банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборатдир:

ўз миждозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;

банк ўз миждозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур миждоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

миждознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

миждоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини қўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг миждозига (вакилига) доир маълумотлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар¹.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этади (Қонуннинг 21-моддаси 1-қисми), шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида маълумот талаб қилиб олиш, шунингдек бундай маълумотларнинг банклар томонидан тақдим этилиши тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (мазкур Қонуннинг 21-моддаси 7-қисми)².

3. Жиноят кодексининг **192⁸-моддаси**да кўзда тутилган жиноят **объектив томондан**, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда талаб қилиб олишда ифодаланади. Мазкур маълумотлар ёзма ёки оғзаки шаклда талаб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарори ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 144-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни, 21-модда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

тартиби тўғрисида низомга асосан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи томонидан шубҳали деб топилган операциялар ҳақидаги хабарлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига автоматлаштирилган дастурий маҳсулот ёрдамида тақдим этилади, давлат сирларини ташкил этувчи ахборотлар бундан мустасно.

Низомга мувофиқ, ташкилотлар томонидан қўйидагилар тўғрисидаги маълумотлар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади:

ички назорат қоидалари ижросини таъминлаш давомида легаллаштириш мақсадида амалга оширилаётган шубҳали операциялар, шу жумладан уларни амалга оширишга бўлган уринишлар;

амалга оширилган операциялар бўйича тарафлардан бири ёки бенефициар мулкдори бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро ихтисослашган ташкилотлар томонидан халқаро молия тизимини легаллаштириш хавфидан ҳимоялаш мақсадида чораларни кўришга чақирилган давлатда (ҳудудда) доимий яшовчи, турган ёки рўйхатга олинган шахс;

легаллаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни миллий даражада баҳолаш натижалари бўйича таваккалчилик даражаси юқори бўлган операциялар;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатига киритилган ташкилот ёки жисмоний шахснинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича кўрилган чоралар;

мижозлар орасида пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича чоралар кўрилиши лозим бўлган ташкилотлар ва жисмоний шахслар мавжудлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган текширув натижалари;

мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳисобварақ очиш-

ни, операцияни амалга оширишни, амалий муносабатларга киришишни рад этиш ҳамда мавжуд амалий муносабатларни тугатиш тўғрисидаги, шунингдек, шубҳали операция ҳақидаги хабарлар¹.

Жумладан, «Банк сирӣ тўғрисида»ги Қонунга асосан, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади; банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади².

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувни мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, етарли асослар мавжудлигида, банк операциялари ёки банк ҳисобварақларида сақланаётган пуб маблағлари ҳақидаги маълумотларни талаб

¹ «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарорига 1-илова), 4-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.06.2021 й., 09/21/402/0618-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сирӣ тўғрисида»ги Қонуни, 9–10-моддалар // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 144-модда.

килиб олиш тартибини бузиш, мазкур жиноят таркибининг объектив томони белгиси сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Жиноят шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин конун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб-варақларида пул маблағлари мавжудлиги туғрисидаги ахборотни талаб қилинган вақтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади.

4. Қуриб чиқиладиган жиноятнинг **субъектив томони** туғри қасд шаклида намоён бўлади.

5. Жиноятнинг **субъекти** давлат ҳокимияти вакиллари, давлат бошқаруви мансабдор шахслари ҳисобланади. Уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари вакиллари, ҳокимлар ва бошқалар кириши мумкин.

192⁹-модда. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган

шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран;

б) кўп миқдорда;

в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз барабаридан олти юз барабаригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Ш А Р Ҳ

1. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш – бу умумлаштирилган атама бўлиб, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг бошқарув органлари фаолият тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари иккита мустақил таркибини, яъни моддий қимматликлар ёки мулкий манфаатни бериш ва олишни қамраб олади. Қайд этилган манфаатларга қарши қаратилган тажовуз ҳар бири тамомланган қилмиш сифатида ўз-ўзидан, бошқасига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Бир-бирига нисбатан улар узвий боғлиқ бўлиб, бунда пора эвазига оғдириб олиш предмети мавжуд эмаслиги, ўз-ўзидан унинг олинганлигини инкор этади.

2. Давлат ҳокимияти, бошқаруви ва жамоат бирлашмалари фаолият тартибига қарши барча жиноятларга хос равишда, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш давлат органлари ва мансабдор шахслар тимсолидаги оммавий бошқаруви аппаратининг нормал фаолиятига тажовуз қилади.

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш каби жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги шу билан белгиланадиги, у нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг бошқарув органлари мансабдор шахслари томонидан ўз ўз хизмат ваколатларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини кескин ўзгартириб, шу орқали тижорат хизматининг манфаатларини қўпол равишда

бузади. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш коррупциянинг энг типик ва ўзига хос кўриниши хисобланади.

3. Кўрилаётган жиноятнинг **бевосита объекти** нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотлари бошқарув аппаратини нормал фаолиятини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, мазкур ташкилотлар хизмат манфаатларидан иборат.

4. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш **предмети** сифатида ҳар қандай моддий бойликлар (буюмлар, ашёлар), шунингдек турли мулккий фойда, мулккий тусга эга хизматларни айтиш мумкин.

Моддий бойликларга мазкур ҳолатда муайян баҳога эга ҳар қандай қимматликлар тушунилади (пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар, нодир тошлар).

Мулккий фойда деганда тегишли мансабдор шахсга текин тарзда ва (ёки) очиқчасига ўта пасайтирилган нархда амалга ошириладиган турли хил хизматлар ва (ёки) моддий наф келтириш тушунилади.

Мулккий тусга эга фойда бериш деганда шунингдек, тегишли мансабдор шахснинг санаторий ёки туристик йўлланмаси, йўлқира билетларини тулаш, унинг харажатлари ва ўйин-кулги, сайр-томошаси сарф-харажатини қоплаш, ушбу шахс фойдасини кўзлаб, таъмирлаш, қурилиш, реставрация ва бошқа ишларни бажариш тушунилади.

Қандайдир номулкий манфаатлар тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, жинсий алоқа қилиш, ижобий тавсиянома, тақриз, тавсифнома бериш, нашрда чоп эттириш, телевидение орқали намойиш этиш ва ҳ.к.

5. Моддий қимматликлар бериш ёки мулккий манфаатдор этиш **объектив томондан** нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб,

шахсан ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулккий манфаатдор этишда ифодаланади.

Моддий қимматликлар ёки мулккий фойда бериш нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахси томонидан тижоратда пора эвазига оғдириб олаётган шахс фойдасига унинг хизмат ваколатига кирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга ошириш, ёки мансабдор шахс эгаллаб турган мансабидан фойдаланиб, бошқа мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатига кирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга оширишига қумаклашиш, ёхуд тижоратда пора эвазига оғдириб олаётган шахс ёки унинг вакиллариغا хизмат юзасидан умумий ҳомийлик қилиш, шу билан бирга мансабдор шахснинг хизмат бўйича қонунга ҳилоф ҳаракатларига бепарволик билан қараши эвазига қонунга ҳилоф равишда шахсан ёки воситачи орқали моддий қимматликлар тақдим этиш, бериш, топшириш ёки мулккий фойда беришда ифодаланади.

Пора эвазига оғдириб олиш йўли билан субъект мансабдор шахсни жиноят содир этишга тортса, у нафақат пора эвазига оғдириб олиш жинояти, балки мансабдор шахснинг жиноятида иштирок этганлиги (далолатчилик) учун жавобгар бўлиши лозим.

6. ЖКнинг 192⁹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, тегишли мансабдор шахс пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатида қандайдир ҳаракатлар бажарган ёки бажармаганидан қатъи назар, ушбу мансабдор шахсга тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предметининг бир қисми бўлса ҳам берилган вақтдан бошлаб, **тамомланган** ҳисобланади. Башарти, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети қўп миқдор ёки жуда қўп миқдорни ташкил этса, бироқ унинг фақат бир қисми топширилган бўлса, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети топшираётган шахс ҳаракатларини мазкур модданинг тегишли қисми, 25-модданинг 2-қисми, тегишлича ЖКнинг 192⁹-моддаси 3-қисми «б» банди ёки ЖКнинг 192⁹-моддаси 4-қисми «а» банди билан квалификация қилиш лозим.

7. **Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан** содир этилади. Пора берувчи мансабдор шахсга пора предмети

мукофот сифатида, узининг мансаб мавқеидан келиб чиқиб унинг манфаати йўлида бирон-бир ҳаракатни содир этиши ёки этмаслиги учун берилишини англайди ва шуни хоҳлашади.

Пора эвазига оғдириб олишнинг **мотиви ва мақсади** квалификация қилишда ахамиятга эга эмас.

8. **Жиноятининг субъекти** – 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс.

ЖКнинг 192⁹-моддаси 2-қисми нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг уз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб моддий қимматликлар олиш ёки мулкий фойда олиш эвазига бажариши ёки бажармаслиги учун жавобгарликни назарда тутади.

ЖКнинг 192⁹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят объекти ва предмети, мазкур модданинг 1-қисмида белгиланган жиноят объекти ва предмети билан бир хилдир.

9. **Моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаат кўриш объектив томондан** нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг пора олиш жинояти объектив томондан нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг уз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлишида намоён бўлади. Мазкур ҳолатда кенгайтирилган шархлашни қўллаб, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахси томонидан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предметларини шахсан ёки воситачи орқали олишни ҳам **ЖКнинг 192⁹-моддаси 2-қисми** билан квалификация қилиш лозим.

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предметини олиш усуллари турлича бўлиши мумкин: шахсан қўлдан-қўлга, воситачи орқали, почта орқали ва х.к.

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети кўпинча ошкора берилади, аммо суд-тергов амалиётида ўзига хос яширин оғдириш ҳолатлари ҳам учрайди, масалан, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг туғилган куни ёки бошқа тадбири муносабати билан совға бериш, қарта ўйинида ютқазиш ва х.к.

Жиноятни квалификация қилишда шуни инобатга олиш зарурки, айбдор пора эвазига оғдириб олиш предмети оғдириб олаётган манфаатида маълум аниқ ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик эвазига олиб, бунда ўзининг хизмат воқалатларидан фойдаланади. Шу билан бирга, мазкур ҳаракат (ҳаракатсизлик) мансабдор шахсининг хизмат воқалатлари доирасига кириши лозим. Мансабдор шахсининг хизмат воқалатлари — бу унинг қонуний ва ҳуқуқ доирасида ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўлиб, шахс уларни бажариши ёки бажармаслиги лозим эди. Бундан ташқари, тижоратда пора эвазига оғдириб олишни амалга ошириш вақтига кўра, моддий қимматликлар ёки мулкӣй фойда аввалдан, «аванс» тариқасида бериб қўйилиши ёки тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети олувчиси томонидан қилмиш бажарилганидан сўнг топширилиши мумкин.

10. Субъектив томондан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предмети олиш туғри қасд билан содир этилади. Шахс предметни (моддий бойликлар ёки бошқа мулкӣй фойда) пора эвазига оғдириш предмети сифатида олаётганини англаб етади ва шуни хоҳлайди.

Мақсад ва мотив жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас, амалда кўп ҳолда пора тамағирлик ниятида содир этилади.

11. Пора олиш **субъекти** сифатида фақатгина 16 ёшга етган нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси — бу устав жамғармасида давлат улуши бўлмаган тижорат ташкилотларда сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга ошираётган

шахс; давлат органи ёки давлат ташкилоти иштирокисиз тузилган ёки ташкил этилган бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси.

ЖКнинг 192⁹-моддаси 3-қисми тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти:

а) такроран;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутати.

тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилишда шунини инобатга олиш лозимки, пора эвазига оғдириб олиш предметининг қисмларга бўлиб берилиши такрорийлик белгисини ташкил этмайди, балки ягона давомли жиноят ҳисобланади, бунда айбдорнинг ҳаракатларини унинг қасдига қараб квалификация қилиш лозим.

ЖКнинг 192⁹-моддаси 4-қисми тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти предметини:

а) такроран;

б) кўп миқдорда;

в) тамағирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутати.

Такрорийлик деганда пора эвазига оғдириб олиш предметини камида икки марта олиш тушунилади, бунда қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаган бўлиши шарт.

Пора эвазига оғдириб олиш, биринчи жиноят тамомланган бўлишидан ёки аввал пора олиш жиноятига тайёргарлик ёхуд пора олишга суиқасд содир этилганидан қатъи назар такроран ҳисобланади.

Пора предметини олишни ЖКнинг 192⁹-моддаси 4-қисми билан квалификация қилишда шунини инобатга олиш зарурки, бир неча шахсдан ҳар бирининг манфаатида маълум ҳаракатларни амалга ошириш учун моддий қимматликлар ёки мулкӣ фойда олиш содир этилишида, пора эвазига оғдириб олиш предметини такроран олиш деб ҳисоблаш зарур. Аммо, бир неча шахслардан уларнинг умумий манфаатида аниқ

ҳаракат содир этиш учун тижорат пора эвазига оғдириб олиш предметини олиш ушбу жиноятнинг такроран содир этилиши белгисини ташкил этмаслиги лозим.

Тижорат пора эвазига оғдириб олиш предметини **тамагирлик йўли билан** олиш жинояти таркибини нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси томонидан пора эвазига оғдираётган шахснинг қонуний манфаатлари бузилишига таҳдид қилиш ёки ўзининг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида уни тижорат пора эвазига оғдириш жиноятини содир этишга мажбур бўладиган аҳволга тушириш орқали моддий қимматликлар ёки мулкӣ фойда беришни талаб қилиш ҳолатлари ташкил этади.

Шахс манфаатларида қонунга хилоф талабларни бажарганлик учун тижорат пора эвазига оғдириш жинояти предметини талаб қилиш порани тамагирлик йўли билан олиш жиноятини ташкил этмайди.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси томонидан пора предметини тамагирлик йўли билан олишга қаратилган ҳаракатлар содир этилса, бироқ, пора предмети мансабдор шахс томонидан олинмаган бўлса, ушбу ҳаракатлар жиноятга суиқасдни ташкил этади.

ЖКнинг **192^о-моддаси 5-қисмига** кўра, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш предметини бериш ва олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутлади.

ЖКнинг **192^о-моддаси 6-қисмида** иккита ўзаро боғлиқ шартлар назарда тутилган бўлиб, уларнинг мавжудлигида пора эвазига оғдираётган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Биринчи шартда белгиланишича, пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан товламачилик қилинган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Иккинчи шартга кўра, башарти, шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у ЖКнинг 192^о-моддаси жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Тижорат пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахс, ўз ихтиёри билан ҳар қандай ҳокимият органига (ДХХ, прокуратура, суд, ички ишлар органлари, ҳокимият, маҳалла кўмитаси ва бошқа) исталган шаклда (оғзаки, ёзма, учинчи шахслар орқали) арз қилишга ҳақли. Пора эвазига оғдириб олиш амалга оширилгани ҳақида **арзнинг ихтиёрийлиги** аниқлашда шуни инобатга олиш зарурки, у жиноят тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор бўлишидан аввал амалга оширилиши керак. Ушбу арзнинг мотив ва мақсади (фош бўлиш ёки жазоланишдан кўрқиш, виждон азоби ва ҳ.к.) жавобгарликдан озод этиш учун аҳамиятга эга эмас.

Бироқ, пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахс жинорий жавобгарликдан озод этилиши унинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англамайди.

Шу сабабли, бундай шахслар жабрланувчи деб тан олиниши ва тижорат пора эвазига оғдириб олиш предмети олувчисига топширилган пора предметини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Пора эвазига оғдириб олиш амалга оширилган ҳақидаги ихтиёрий арз жинорий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида, бироқ жиноят тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор бўлишидан аввал амалга оширилиши керак.

Пора эвазига оғдириб олиш амалга оширилган ҳақидаги ихтиёрий арз қилиш билан бирга, шахс чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериши шарт. Масалан, ашёвий далилларни курсатиши, пора эвазига оғдириб олиш предмети олувчиларни фош этиши ва ҳ.к.

192¹⁰-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз

ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирк соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ш А Р Ҳ

1. Ушбу жиноятнинг **бевосита объекти** нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолиятини давлат томонидан кафолатлаб бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти ходимининг қонунда белгиланган тартибда эркин фаолият юритишни таминловчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноят кодексининг 192¹⁰-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг 1-қисмида кўрсатиб ўтилган жиноят **объектив**

томондан муайян субъектнинг ўзи томонидан содир этилаётган хатти ҳаракатнинг қонунга хилоф эканлигини била туриб, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, нодавлат нотижорат ташкилоти хизматчисига унинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслиги учун моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишдан иборат.

ЖКнинг 192¹⁰-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар, ўз моҳиятига қўра, ЖКнинг 192⁹-моддасида (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш) қайд этилган ҳаракатлар билан бир хил, ягона фарқ шундаки, мазкур ҳолатда мукофот мансабдор шахсга эмас, хизматчига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги учун берилади.

Моддий қимматликлар бериш ёки мулкий манфаатдор этиш – бу хизматчига унинг хизмат ваколатлари доирасига қирадиган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги учун мулкий тусга эга қимматликларни бериш ёки ҳуқуқ доирасида мулкий баҳоланиш имконияти мавжуд бўлган манфаатни тақдим этишдир.

Ҳаракатлар пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини қўзлаб бажарилади, башарти улар:

пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки у кўрсатган бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қондиради, уларга фойда ёки имтиёзлар келтиради;

пора эвазига оғдирилаётган шахс фаолият юритаётган шахс хизмат манфаатларига зид ҳисобланади.

Мазкур қилмишнинг жиноий жазога сазоворлигининг зарурий шарти моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат беришда ифодаланади.

Қонунга хилоф эканлигини била туриб бериш деганда шундай ҳолатлар тушуниладики, бунда ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

ёки таъсис ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган ёки қонунга асосан хизматчи фаолиятдан келиб чиқмайди.

Ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик мавжуд ҳуқуқий ва амалий имкониятлардан фойдаланишни кўзда тутаяди, яъни ушбу хизматчининг ваколатлари доирасига кирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ҳамда бу доирадан чиқадиган, бироқ унинг хизмат нуфузи, обрўси, хабардорлиги, маълумотни олиш имконига эгаллиги ва ҳоказода асосланган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни қамраб олади.

Ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ўз тусига қўра аввалдан қонунга ҳилоф бўлиши ёхуд хизматчи ишлайдиган нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қонуний манфаатларига қарши бўлиши лозим.

Пора эвазига оғдириш усули ва шакли аҳамият касб этмайди. Қонунга ҳилоф моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаат хизматчи томонидан шахсан ёки воситачи орқали олиниши мумкин.

Пора эвазига оғдириш ошқора ёки яширин тарзда, совға кўринишида, моддий қимматликни очикдан-очик арзонлаштирилган нарҳда сотишда, сохта меҳнат шартномасини тузиш ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Қонун пора эвазига оғдириш муайян ҳаракатни бажаришдан олдин ёки тегишли ҳаракат бажарилганидан кейин бўлиши ўртасидаги фарқни белгиламайди, улар бир ҳилда жиноий жазога лойиқ қилмишни ташкил этади.

Башарти, хизматчи пора эвазига оғдираётган шахс манфаатида бирор-бир жиноий ҳаракатлар содир этса, унинг ҳаракатларини жиноятлар жами бўйича квалификация қилиш зарур (масалан, хизматчи мукофот эвазига ҳужжатни қалбакилаштира, унинг ҳаракатлари жиноятлар жами бўйича ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 1-қисми ва ЖКнинг 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан квалификация қилинади).

3. Хизматчини пора эвазига оғдириш жинояти у томондан ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки

мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажаргани эвазига моддий қимматликлар ёки моддий манфаатнинг бир қисми бўлса ҳам олинганидан сўнг **тамомланган** ҳисобланади, башарти, бу ҳаракат унга нисбатан бир йил ичида худди шундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61¹-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

4. ЖКнинг 192¹⁰-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг 2-қисмида кўрсатиб ўтилган жиноят **объектив томондан** нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчиси шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлишида ифодаланади.

5. ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг белгилари, моҳиятан, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти предмети белгиларидан фарқ қилмайди, ягона фарқ шундаки, мазкур ҳолатда қонунга хилоф мукофотни мансабдор шахс эмас, хизматчи ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги учун олади.

Ўрганилаётган жиноятни квалификация қилиш учун, хизматчи қонунга хилоф мукофотни қачон, пора эвазига оғдираётган шахс манфаатларида тегишли ҳаракатни бажаришдан олдин ёки кейин олганлиги муҳим эмас.

Жиноят хизматчи худди шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бир йил ичида моддий қимматликлар ёки мулкый манфаатни бир қисмини бўлса ҳам олганидан сўнг **тамомланган** ҳисобланади.

6. ЖКнинг 192¹⁰-моддасида кўзда тутилган Жиноят **субъектив томондан** тўғри қасддан содир этилади. Шахс

хизматчига ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган бирор ҳаракатни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига моддий қимматликлар бераётгани ёки унга мулкӣй манфаат келтираётганини англайди ва бунини хоҳлайди (ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 1-қисми). Айбдор унга моддий қимматликлар ёки мулкӣй фойда айнан у эгаллаб турган хизмат ваколатидан фойдаланиб, пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни бажариши ёки уларни бажаришдан ўзини тийиши учун пора сифатида берилганини англаб етади ва шуни истайди (ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 2-қисми).

Мукофотни қабул қилаётган шахс тамағирлик **мотиви** билан ҳаракат қилади. Қонунга хилоф равишда моддий мукофот ёки мулкӣй наф беришнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (тамағирлик нияти, шахсий тусдаги ниятлар, қонунни «четлаб ўтиш» истаги, жавобгарликдан ҳалос бўлиш, хизматчига кўрсатилган хизмат учун миннатдорчилик билдириш, айбдорнинг манфаатларини қондириш ва ҳ.к.).

Пора эвазига оғдириш айбдор шахс ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса манфаатида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда мукофот бериш шартлари махсус равишда келишилмаган, бироқ жиноят иштирокчилари томонидан пора эвазига оғдириш предмети айнан мазкур мукофот тақдим этган шахс манфаатларини қондириш мақсадида берилаётганини англаб етган ҳолатлар, қонунга хилоф моддий қимматликлар ёки мулкӣй фойдани олиш сифатида эътироф этилиши зарур.

7. ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 1-қисми бўйича Жиноятнинг **субъекти** сифатида 16 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс, ЖКнинг 192¹⁰-моддаси 2-қисми бўйича эса – фақат нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчиси бўлиши мумкин.



192^{II}-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш

Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, яъни нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ш А Р Х

1. Ушбу жиноятнинг **бевосита асосий объекти** нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилотининг нормал иш фаолияти, ушбу соҳадаги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари, давлат ёки жамоат манфаатлари ҳисобланади. **Қўшимча бевосита**

объекти сифатида фуқаролар, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари нормал фаолиятини соҳасида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар, ЖКнинг 205-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланишида намоён бўлади. Ушбу ҳаракатлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиш деганда, бундай шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан қўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини тушуниш лозим.

Мансаб ваколатлари деганда, шахс эгаллаётган лавозими туфайли эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунилиши керак. Тегишинча хизмат ваколатларидан фойдаланиш сифатида мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатлари доирасида, у эгаллаб турган мансаб мавқеи туфайли унга тақдим этилган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар чегараларида амалга оширилган ҳаракатларгина эътироф этилади.

Шахсни мазкур жиноят учун жавобгарликка тортишда модданинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахс хизмат ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг доираси ва хусусиятини, уларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, содир этилган қилмишнинг мотиви, мақсади ва фактик ҳолатларини, бундай шахс ўз мажбуриятларини бузиши ҳамда келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаштириш зарур.

Мансабдор шахс ваколати муайян мансабни доимий равишда ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетенцияси билан белгиланади.

Мансаб ваколатларини суниестемол қилиш тақдим этилган ҳуқуқлар ва юклатилган мажбуриятларни амалга оширишнинг ўзига хос шакли сифатида фаол ҳаракат қилиш шаклини назарда тутиб, қуйидагиларда ифодаланади:

1) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти бошқарув функцияларидан қонунга ҳилоф фойдаланишдан иборат. Бу шунинг асосида, шахс расман ўз хизмат ваколати доирасида ҳаракат қилади, яъни унинг ҳаракатлари расман хизмат ваколатлари доирасига киради. Шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан тузилган шартнома билан белгиланиб, ташкилот низомига мувофиқ бўлиши лозим.

2) ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда амалга оширилади. Расман зарар кўрган ташкилотнинг фаолияти доирасига кирадиган жиноий қилмиш, моҳиятан унинг мақсадлари ва вазифалари, фаолият принциплари ва қоидаларига қарши туради.

Ваколатларни суниестемол қилиш шакллари турфа бўлиши мумкин:

– ташкилот учун олдиндан номақбуллиги аён ҳолда шартнома тузиш;

– банкрот фирмалар билан ёки фирибгарлик мақсадида тузилган сохта фирмалар билан тижорий муносабатларга киришиш;

– олдиндан тўловга қобилиятсиз шерикларни кредитлаштириш;

– бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга имтиёзли кредит бериш;

– товар-моддий бойликлар камомадини яшириш;

– бухгалтерия ҳисоботини юритишнинг қўпол бузилишлари ва ҳ.к.

Мансаб ваколатидан ҳаракатсизлик орқали сунистеъмол қилиш, ЖКнинг 192¹¹-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди.

2. ЖКнинг 192¹¹-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби моддий бўлиб, жиний оқибат юз берганидан сўнг тамомланган ҳисобланади. Ушбу қилмиш натижасида фуқаролар, ташкилотлар ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, жамият ёки давлатнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилади.

Мулкӣ зарарни кўп миқдор деб баҳолашда, ЖКнинг Махсус қисми 8 бўлимига асосланиб, етказилган мулкӣ зарар ва бой берилган фойданинг миқдорини ҳисобга олиш лозим, унга кўра, кўп миқдор остида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар ҳисобланади.

Жиддий зиён тушунчаси баҳоловчи тусга эга бўлиб, жиноятнинг конкрет ҳолатларига нисбатан қўриб чиқилади. Жиддий зиён тўғридан-тўғри етказилган моддий зарар, бой берилган фойда ва бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин. Жумладан, жиддий зиён сифатида қўйидагилар тан олинади: конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар бузилиши; бир нечта тижорат фаолияти субъектларини хароб қилиш; корхона ишини тўхтатиш; авария. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин»¹.

Башарти, етказилган зарар кўп миқдорда бўлмаса, зиён эса, жиддий деб ҳисобланмаса, мансабдор шахс томонидан йўл қўйилган ваколатларни сунистеъмол қилиниши жиний

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича суд амалиётида аюудга келадиган масалалар тўғрисида»ги 11-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли ва 206 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган узгартириш ва қўшимчалар билан).



жавобгарликни истисно этади. бунда фақатгина интизомий ёки амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқача жавобгарлик вужудга келади.

3. Қилмиш ва юзага келган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд.

ЖКнинг **192^н-моддаси** мансабдор шахс тегишли нодавлат ташкилотида эгаллаб турган мансаб лавозимини суиистемол қилиш учун эмас, балки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни назарда тутаети. Шунга кўра, мансабдор шахс томонидан қонунга хилоф ҳаракатларни содир этиш учун хизмат ваколатидан эмас, балки ушбу мансабдор шахс обрўси, унинг лавозими ва ишлаётган хизмати нуфузи, унга хизмат бўйича бўйсунмайдиган ва назорати остида бўлмаган мансабдор шахслар билан ўрнатган алоқаларидан фойдаланиши ўрганилаётган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Шахсий муносабатлардан фойдаланиш, башарти, улар эгаллаб турган лавозимига боғлиқ бўлмаса, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш сифатида кўрилмайд.

4. Мазкур Жиноят **субъектив томондан қасддан** содир этилади. Мансабдор шахс ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши каби оқибатларнинг юзага келишини билади ва бунга хоҳлайди (**тўғри қасд**) ёки бу оқибатларга онгли равишда йўл қўяди (**эгри қасд**).

Жиноятни содир этиш **мотиви** сифатида номоддий тусдаги манфаат, карьеризм, протекционизм, нотўғри тушунилган биродарлик хисси, ўч олиш ва бошқалар хизмат қилади. Аммо, улар жиноят квалификациясига таъсир этмайди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

5. Жиноятнинг **субъекти** – махсус. Унинг сифатида нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилотининг 16 ёшга етган мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси – бу устав жамғармасида давлат улуши бўлмаган тижорат ташкилотларда сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга ошираётган шахс; давлат органи ёки давлат ташкилоти иштирокисиз тузилган ёки ташкил этилган бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси.

Ташкилий бошқарув ваколатлари деганда маълум фаолият ҳудуди, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш функциялари тушунилади. Масалан, нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти раҳбарлари (директорлар, уларнинг ўринбосарлари, ташкилий тузилмалар бошлиқлари ва х.к.). Ушбу мансабдор шахсларнинг фаолияти кадрларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилиш, уларни жойлаш, фаолиятини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш ва бошқа ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Маъмурий-хўжалик ваколатлари деганда мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уларни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, сақлаш, ўтказишни таъминлаш ва ҳоказолардан иборат функциялар тушунилади. Масалан, бундай ваколатларга маъмурий-хўжалик қисми, таъминот, ўтказиш хизмати раҳбари, омбор мудирлари, бош бухгалтерлар ва ш.к. эга бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларни бажариш билан боғлиқ лавозимларни вақтинча ёки доимий, сайлаш ёки тайинлаш асосида эгаллаб туришидан қатъи назар эътироф этилади.

Юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар бажариш деганда, шахс томонидан бирор ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёхуд бекор қилиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажариш тушунилиши лозим.

6. ЖКнинг 192^{II}-моддаси 2-қисмида мансаб ваколатларини сунистеъмом қилиш ҳолатлари:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилади.

Мазкур моддада назарда тутилган жиноятни квалификация қилишда, шуни назарда тутиш лозимки, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш хусусий сектордаги айрим жиноятларга нисбатан умумий норма ҳисобланади, масалан гижоратда пора эвазига оғдириб олишга (ЖКнинг 192⁹-моддаси).

Бундай ҳолларда, айбдорнинг қилмишини махсус нормага асосан квалификация қилиш ҳақидаги қондани инobatга олиш зарур.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркор ёки ташкилот раҳбари томонидан банк ёки бошқа кредиторга олдиндан била туриб якка тартибдаги тадбиркор ёки ташкилот хўжалиги ҳолати ёки молиявий аҳволи ҳақида сохта маълумотларни бериш орқали имтиёзли шартлар асосида кредит олишини, башарти кредит маблағларини текинга олиб қўйиш ёки ўзлаштиришга қасди бўлмаган тақдирда, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 205-моддаси ёки 170-моддаси (Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш) билан квалификация қилиш лозим.

Нодавлат тижорат ташкилотлар томонидан қонунга ҳилоф равишда кредит берилиши, талон-торож белгиси бўлмаган тақдирда, ЖКнинг 192¹¹-моддаси билан квалификация қилинади.

Башарти, иш бўйича қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тартибини белгилайдиган амалдаги қонунчилик талаблари бузилиши аниқланса, ЖКнинг 192¹¹-моддаси диспозициясида қайд этилган белгилар мавжудлигида, бундай ҳаракатларни мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш деб квалификация қилиш шарт.

Бу каби қонун бузилишларга, жумладан, фуқаролар ва чет эл инвесторларига эркин сотиш учун мўлжалланган акциялар пакетини реализация қилишга тўсқинлик қилишни айтиш мумкин.

7. Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.





Yurdik
adabiyatlar
Publish